1997 йил июндан чиқа бошлаган | №12 (91) | 2004 йил, декабр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ | ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ | РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

М У Н Д А Р И Ж А

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

МИХАЙ ЭМИНЕСКУ. **Ишқни тўсди тун қоронғуси.** 3

ПУБЛИЦИСТИКА

ЛЕОНИД МЛЕНИН. **Юрий Владимирович Андропов.**.....11

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

НАИМ КАРИМОВ. **Ойбек чўққиси.**.....65
РАЪНО ИБРОҲИМОВА. **У яшашда давом этмоқда.**.....73
ОХУНЖОН САФАРОВ. **Ойбекнинг болалик олами.**.....79

ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁН

ЗЕБО МАҲМУДОВА. **Ҳеч қачон ечилмайдиган жумбоқ.**.....84

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ш. ҲАЙИТОВ, Н.МАМАНАЗАРОВ. **Истиқлолга бахшида умрлар.**.....89

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

УИЛКИ КОЛЛИНЗ. **Ойтош.** *Роман.*.....93
ЛОБСАНГ РАМПА. **Зуҳрага ташриф.**.....183

ТОШКЕНТ
ДЕКАБР

СЎЗ КЎРКИ

Хитой халқ мақоллари.....199

ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Тарихий романлар ўқисак... 204
“Жаҳон адабиёти” журналида 2004 йилда эълон қилинган асарлар.....205

Бош муҳаррир:
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат МИРЗО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Амир ФАЙЗУЛЛА
Раҳматилла ИНОҒОМОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Қуддус АЪЗАМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Абдулла ОРИПОВ
Ғайрат ШОУМАРОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Жаҳон адабиёти, 12. 2004.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теришга берилди 15.09.2004 й. Босишга рухсат этилди 15.12.2004й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1000 нусха. А-5814 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2004 й.

Михай ЭМИНЕСКУ

Ишқни тўсди тун қоронғуси

КЎЛ

Қирғоғида минг-минг сариқ гул,
Ўрмондаги кўл мудраб ётар.
Бўш қайиқни аллалаганча
Енгил тўлқин қулочин отар.

Қирғоқ бўйлаб сўқмоқ йўл билан
Бормоқдаман, қалбимда титроқ.
Назаримда қамиш оралаб
Чиқиб мени қучасан қувноқ.

Биз қайиққа ўтириб икков,
Узоқларга сузиб кетамиз.
Беихтиёр ташлаб эшкакни,
Ўйлайманки: “Уни нетамиз?”

Бизни қучар қадаҳ давраси,
Ой шуъласин эркалашлари,
Қамишзорда шилдир-шилдирлар,
Тўлқинларнинг шивирлашлари.

Ҳеч ким йўқдир... Хаёл бесамар.
Ёлғиз ўзинг, қайга борсанг шул.
Фақат ўрмон бағридаги кўл,
Қирғоғида минг-минг сариқ гул.

Русчадан Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржималари.

Румин шоири Михай Эминеску (1850-1889) қисқа умр кўрган: бор-йўғи 39 йил. Аммо ажойиб адабий мерос қолдирган. Унинг дилбар шеърлари, айниқса, севгига бағишланган сатрлари ва табиат манзараларини акс эттирувчи шеърий мисралари ўқувчига бир олам завқ-шавқ бағишлайди. Унинг лирик шеърлари — ҳаётдаги машаққатлар, умрбоқийлик ва тақдир ўйинларини маҳорат билан тасвирлайди.
Адабиётшунослар Эминескуга Европа шеъриятидаги энг сўнгги буюк романтик деб баҳо берганлар. Ҳақиқатан ҳам у буюк романтикдир. Унинг шеърларини ўқиганлар буни англаб оладилар, албатта.

ОРЗУ

Ўрмондаги жилдираб оққан
Жилға томон келгин эртароқ.
Сирли сайҳон, яшил новдалар
Соясида ором ол қувноқ.

Қучоғимга талпин яна сен,
Кўкрагимга бошингни қўйгил.
Юзингдаги ҳарир пардани.
Ўз қўлим-ла олай дер кўнгил.

Жилға бўйи, хушбўй ўрмонда
Бирга бўлмоқ бизга ширин дам.
Жўкалардан тўкилиб гуллар,
Безаб турар сени дамо-дам.

Олтин сочли бошимни пастроқ
Эгиб-эгиб фақат қирмизи
Лабларингни мен учун асраб,
Тутажаксан ишқ ичра қизиб.

Бизга бахтли тушлар кўринар;
Сарин еллар эсар аллалаб.
Узоқлардан майин қўшиқлар.
Эшитилар гуллар оралаб.

Тинглаб ўрмон қўшиғин яна,
Жим қоламиз уйқу босганча.
Аллалайди бизни жўкалар,
Устимиздан гуллар сочганча.

ҚАНОТИНИНГ ОСТИДА БОШИ...

Қанотининг остида боши,
Қушларга хос ухлар кабутар.
Ой нурида оппоқ патлари
Садаф янглиғ ял-ял ялтирар.

Осмон узра минг-минг юлдузлар
Кўз қисишиб боқар ер томон.
Кеча сокин. Дарё тўлқини
Шағал тошни сурар беомон.

СЕВГИЛИМНИНГ ИЗИДАН ЮРИБ...

Севгилимнинг изидан юриб,
Бормоқдаман чакалак аро.
Унга яқин бормасимданоқ
Юрак қурғур уради бежо.

Зўрға-зўрға айтдим сўзимни,
Юрагимни ёндирган гапни.
Четга боқар жонон бепарво,
Менга бермай аниқ жавобни.

Унга яқин борганим сайин,
Яхши сўзлар айтганим сайин
Чўчиб қочар мендан нарироқ,
Сўзлашмоқлик бўлади қийин.

Қочар мендан, қўлимдан чиқиб,
Нозиккина белидан қучсам.
Қўлларимни ола олмайман,
Юрагимга яқин жуда ҳам.

Кўксимга бош қўймоқлик учун
Норозими ё розимикан.
Тўхтамасдан бўса оламан
Лабларидан, киприкларидан.

Кўкрагимга босаман маҳкам,
Ҳатто чиқмас нафасим бўғиқ.
Зерикиши нимадандир деб,
Сабабини сўрайман тўлиқ.

Жавобини айтар менга у,
Эҳтиросдан кўзи ёнароқ:
— Қимматлисан менга, азизим,
Лекин баъзан сен такаббуроқ.

СЕНДАН ОЛИСДАМАН...

Сендан олисдаман ёлғизу яккаш!
Печкада липиллаб турганда оташ,
Шамол эшик қоқар, кеча сим-сиёҳ,
Хотиралар қалбни илитар озроқ...
Наздимда қариман, сочим оқ жуда,
Мен ярим ўликман, сен эса мурда...
Ҳеч кимга керакмас ва севиклимас
Сирларни санайман бўлиб маст-алас.
Хотирамда тўқиб ўтмиш матосин,
Қўлларинг салқинин сезаман тағин
Кўзларингга қараб қучоқлаб секин,
Титраган бағримга тортаман тайин...
Бағримдан айрилма, тўхта, кетмагин!
Лекин сен йўқолдинг ёлғончи руҳдай,
Тумандан чиққандинг, ўчдинг тумандай...
Сен билан йўқолди бахтим ҳам алҳол,
Мен ёлғиз қолдим-ку мисоли бир чол.

ЯНА ЎША КЎЧА БОШИДА

Яна ўша кўча бошида
Хира ёғду сочмоқдадир ой.
Очиқ қолган дераза оша
Кутмагайсан мени ҳойнаҳой.

Деразангнинг ортида ўша
Садалару соя ғимирлар.
Ушбу кекса садалар учун
Қайтмас энди ўтган умрлар.

Сен бошқасан энди мутлақо,
Кўзларинг ҳам бошқача бугун.
Фақат бир мен ўзгармаганча,
Қоронғуда юрибман нечун.

Эсингдами, ерга боққанча,
Алғов-далғов туш кўргансимон
Келган эдинг аста одимлаб,
Чакалакка, мен турган томон.

Кўкрагимга бош қўйиб у дам,
Хижолатни енгиб, севгидан
Узоқ-узоқ сўйладинг менга,
Тўлиб-тошиб ишқий сезгидан.

Қалбим дук-дук урарди хушбахт,
Кўзим тиниб айланарди бош.
Кераксиз сўз ўрнига эса
Бўсалар ҳеч бўлмасди одош.

Мен маст бўлиб билолмас эдим
Дунё билган ишни аксига.
Қучоқлашми сояни ёки
Ишонмоқлик аёл лафзига.

Пардаларга урилар шамол,
Ўчиб борар кўкда хира ой.
Очиқ қолган дераза оша
Кутмагайсан мени, ҳойнаҳой.

СЕВГИЛИМ, ЭСЛАСАМ...

Севгилим, эсласам ўтмиш йилларни,
Кўраман уммоннинг музликларини.
Осмонда юлдуз йўқ, жимлик ҳукмрон,
Ой сузар, ёлғиз ой, ранги заъфарон.
Соҳилда харсанглар узра паришон
Учмоқда ёлғиз қуш ҳорғин ва нимжон.
Бошқаси ғарб томон учар қийқириб,
Қанотли дўстларин ғаласин қувиб.
Бу ерда қолган қуш чекар азият,
У ўлим олдида турибди албат,
Азоблар у қушни ўтмиш хотира...
Орамиз кенгликдир, шубҳа йўқ сира,
Қорайиб, совқотиб қолдим мен ёлғиз,
Сен эса йўқолдинг, севгилим, эй қиз...

ЎРМОН БИЛАН УЧРАШУВ

— Аҳвол қалай, жонажон ўрмон?
Қандай кечар баҳор, қаҳратон?
Кўп замонлар айрилган эдик,
Йиллар ўтди тезкор, югурик.
Мен олисга, ёт ўлкаларга
Кетган эдим сўнгсиз йўлларга.

— Қадрдоним, аввалгидайин
Қишда бўрон хуружи тайин.
Шохларимни қайиради у,
Муз остида жилғада уйқу.
Қулоқ солмас қушлар ғим-зорга,
Қиш сўқмоқни кўмади қорга.
Аввалгидай қадрдон ўғлон.
Ёруғ ёзда, баҳорда чандон.
Қўшиқларин тинглайман қувноқ.
Жилға томон югурган сўқмоқ
Бўйлаб бориб сув олган қизлар
Қўшиқ айтса жўшади ҳислар.

— Жилғаларинг соз, ўрмонгинам.
Ўтди қанча йиллар, ғам, алам,
Сен қуримай ва сийраклашмай,
Очиласан йилдан-йил гулдай.

— Вақт нимадир, кечаю кундуз
Акс этаркан дарёда юлдуз.
Шаррос ёмғир ёғса ҳам агар,
Япроқларда қўшиқ жаранглар.
Очиқ кунда, қора кунда ҳам
Дунай оқар доим серҳашам.
Ўзгаргандир фақат инсонлар,
Уларга ҳеч тегмаган сонлар.
Биз қолганмиз аввалгидайин,
Ҳуснимизни сақлашиб тайин.
Дарёлар ҳам оқар ўшандай,
Тоғу чўллар боқар ўшандай.
Осмонлар ҳам тоза, мусаффо,
Қуёш, ўрмон ўша, сержило.

ОҲ, ОНАМ!..

Оҳ, онам! Ғамхона уйингдан ҳар гал
Сен мени чорлайсан, олгин деб хабар.
Охирги маконинг – қабрингга буткул
Заранг дарахтлари тўкар сўлғин гул.
Дарахт шивирлари — овозингдир у.
Шивири мангудир, уйқунг ҳам мангу.

Заминга “кечир” деб айтганим замон,
У дейди: “Марҳумга қайғурма, ўғлон;
Қабрга хуш ислик жўкадан эккин,
Уни кўз ёшинг-ла суғоргин секин...
Қабр узра дарахт шивирлар майин,
Ҳаёт ҳам ёшарар вақт ўтган сайин.”

Бирга кетмоқ бўлса агар тақдирда,
Сен билан тобутда ётардик бирга.
Бизларни кўмсинлар тик қирғоқ узра,
Тўлқинлар турсинлар оҳиста сўзлаб.
Жимгина ётардик бир-бирга ёвуқ.
Тўлқинлар йиғларди, кўз ёши совуқ.

ТАРК ЭТМОҚДА ЕЛКАНЛАР ТАҒИН...

Тарк этмоқда елканлар тағин
Ғам-аламсиз бандаргоҳларин.
Елканларнинг қанча-қанчасин
Пора айлар еллару тўлқин!

Қушларни қиш жанубга чорлар,
Кенгликларга қувар пайдар-пай.
Қанчасини сувга ғарқ этар
Тўлқинлару еллар аямай.

Унутаман осон бахтимни,
Тез ўтгувчи ҳисларимни ҳам;
Чунки билмай ҳудуд, ҳаддини,
Шамол, тўлқин урар дамо-дам.

Туш унарсиз бўлажак фақат
Ўзбошимча фикру хаёллар...
Ивир-шивир қилар бетоқат
Тўлқинлару эркин шамоллар.

ТУНДА ТЕРАК ШОХИ — НОВДАСИ...

Тунда терак шохи — новдаси
Деразамга урилса агар,
Юзинчи бор унинг нидоси
Севгилимдан бермоқда хабар.

Кўкда агар юлдузлар имлаб,
Дарё узра кўз қисса секин,
Юрагимга томчи-томчилаб
Хотиржамлик қуйилар сокин.

Ой чиқса ғар булутни ёриб,
Ўчиб қолса момақалдироқ,
Эмас экан хотиранг ғариб,
Юрагимда экансан мутлоқ.

ТУННИ ЁРАР ОЙНИНГ ЗИЁСИ

Тунни ёрар ойнинг зиёси,
Япроқларнинг шивири бўғиқ.
Буталарни оралаб чўзиқ
Эшитилар сурнинг садоси.

Чўзиқ-чўзиқ ва синиқ-синиқ
Олисларда ўчар товуши.
Ҳайронликдан учади ҳушинг,
Солар ўлим ваҳимасини.

Нега ўчдинг аламли оҳанг?
Мен тайёрман сўнгги йўлга ҳам.
Қачонлардир энг охирги дам
Чорлайсанми урган каби занг?

ХАЙРЛИ ОҚШОМ

Қушлар тинди. Тинчлик ҳукмрон,
Кўзни елпир уйқу беором.
Гуллар ухлар, хорғиндир чунон, —
Хайрли оқшом!

Жилдирайди жилга гўёки
Ширин-ширин ёқимли қўшиқ.
Ўрмон ухлар. Атроф жимликки,
Ухлайвер тиниқ.

Чайқалганча мудрайди оққуш,
Сув устида, учгандир ҳуши.
Майли уни қамрасин оғуш,
Уйқу оғуши.

Ой ҳам чиқди, соялар эса
Қисқармоқда мудом ва мудом.
Орзуларинг тушингга кирса...
Хайрли оқшом!

ЙИЛЛАР ЎТИБ КЕКСАЙМОҚДАМАН

Йиллар ўтиб кексаймоқдаман...
Лек кундан-кун қаттиқ, баттарроқ
Мафтун бўлиб қолаётирман
Ул жононга, билмайман қандоқ.

Унинг бир бор боқиши алҳол
Куйдириб кул қилажакман дер.
Оддий аёл эмас у аёл,
Бошқа аёл, билмайман недир.

Унда бутун ҳаёт мужассам:
Сўзда жило, сукутида тун.
Овозлари қўшиқдай хуррам,
Чорлар мени, билмайман нечун?

Соғинчга қул бўлганча йўлда
Бормоқдаман соқова кардай.
Мафтунлигим сирини ўйлаб,
Тополмайман, топарман қандай?

КЕЛАРСАН...

Келарсан долғалар бағрин ёрароқ,
Зулфларинг товланар, қўлларинг оппоқ.
Момиқдай юзингга азоб-уқубат
Тип-тиниқ соядай солмиш ругубат.
Табассумнинг нозик, содда назаринг,
Аёллар ичида юлдузсан ўзинг.
Қўлларинг ушламоқ истайман титраб,
Кўзимга ёш келар бахтдан қалтираб.

Мумкинми зулматдан сени қутқармоқ?
Севгили фаришстам, мумкинми қучмоқ?
Бетингга кўз ёшдан шўр бўлган бетим
Босганча қучаман, ўпаман бетин.
Совуқ қўлларингга бериб ҳарорат,
Бағримга босаман бўлиб бетоқат.

Лекин сер ер учун ёт ва нораво,
Йўқолдинг создайин, зулумот аро.
Ортингдан қўл силтаб бекор, беҳуда
Сени чақираман, истайман жуда.
Эзиламан ёлғиз соғинчдан алҳол,
Сени долғалардан қутқармоқ маҳол.

ЮЛДУЗ

Мурғаккина юлдузнинг нури
Ерга етиб келгунга қадар,
Юз мингларча йил йўлда юриб,
Келар бизга етгунга қадар.

Ўчмишдир ул юлдуз эҳтимол.
Кенг бўшлиқлар аро зиёси
Етгунича келиб бемалол,
Етгандир ул юлдуз қазоси.

Юлдуз ўчмиш, ўлмишдир кўкдан,
Аммо нури келмоқда равшан.
Кўрмагандик, бор эди кўкда,
Кўрган эдик, учмиш муайян.

Ишқ бор эди, энди йўқдир у,
Уни тўсди тун қоронғуси.
Ўчган ишқдан келгувчи ёғду
Кўзларимни қамаштиргувси.

Леонид МЛЕНИН

Юрий Владимирович Андропов

2002 йилда Москва "Центрполиграф" нашриётида босилган "КГБ. Давлат Хавфсизлиги органларининг раислари" китобидан бир боб

Бу КГБчиларнинг жиловини қаттиқ тут ва уларнинг ишларингга аралашишига йўл қўйма — Юрий Владимирович Андропов очилиб кетган камдан-кам ҳолларда бир нарсадан ғаши келса ўзига тобе одамга шундай деб насиҳат қилар эди.

Айни ана шу шоввоз чекистлар ўзларининг бўлғувси раисларини юрак хасталигига дучор қилишган. Бу воқеани унинг адаши ва КПСС Марказқўмида у билан бирга ишлаган Юрий Владимирович Бернов айтиб берган эди: "Мен Андроповнинг қабулхонасига киришим биланоқ алланечук нохуш бир ҳолни сездим. Хонани дори ҳиди тутиб кетган эди, кабинетдан врачлар чиқиб келди. Юрий Владимировичнинг юраги қаттиқ хуруж қилаётган экан. Унга бир нечта укол қилишди. Мен Андроповнинг кабинетига кирдим. У диванда ётар эди. Аҳволи жуда ночор эди". Айни ўша пайтда зўр-базўр нафасини ростлаб олган Андропов ходимига юқоридаги бамаъни маслаҳатни берганди. Бошқа хотиржамроқ ҳолатда бўлганида у тилига бунчалик эрк бермаган бўлиши ҳам мумкин эди.

Кремлдаги олий рутбалик аъёнларнинг ҳаётини биз кўпинча нотўғри тасаввур қиламиз. КГБнинг раиси этиб тайинланганига қадар Юрий Владимирович Андропов КПСС Марказқўмининг котиби бўлган ва қардош социалистик партиялар билан муносабат масаласига жавоб берган. Москвада Прагадан келган олий мақомли меҳмон бор эди. Уни аэропортга кузатиш белгилаб қўйилган партиявий қоидаларга биноан Сиёсий бюро аъзоси ва Марказқўм котиби Андрей Павлович Кириленкога топширилган эди. Бироқ бу кишини ҳеч ким хушфеъл ва истараси иссиқ одам деб айта олмасди.

Кимдир ниманидир яхши англамай қолипти – у, ҳойнаҳой, КГБнинг тўққизинчи бошқармасида хизмат қилувчи соқчилар зобити бўлса керак. У махсус самолётнинг учиб кетадиган вақтини чалкаштириб юборибди. Кириленко аэропортга етиб боролмайман деб ўйлабди ва Юрий Берновнинг эслашига кўра, сиёсий жиҳатдан жуда муҳим тадбирни барбод қилгани учун Андроповга "дағал шакл"да дашном берипти. Эски майдондаги кабинетида ўтирган Андроповнинг ўзи ҳам ҳукумат аэропортидан самолётнинг аниқ учиб кетиш вақтини билолмай хуноб экан, дарғазаб Кириленко эса лаҳза сайин қўнғироқ қилиб, ғазабланиш даражасини бир бахядан кўтараверипти.

Андропов миллионлаб шўро одамлари учун келгусида мамлакатдаги олий ҳокимиятнинг раҳбари бўлиб танилади, унга ҳавас қиладиган, унинг изларини тавоф қиладиган бўлишади. Аммо биз ҳикоя қилаётган кезларда эса Андропов Кириленко учун шунчаки ўзига тобе оддий бир ходим эди. Хуллас, КПСС Марказқўмининг ўзидан юқори турган котиби билан бўлган ўша суҳбат туфайли Андропов юрак хуружини бошдан кечиришга мажбур бўлди.

Гавда тузилиши Наполеонникига ўхшаб кетадиган пакана Андрей Павлович нақадар дийдаси қаттиқ, оғзи шалоқ ва ўзига бино қўйган одам бўлганини

ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бироқ Брежневнинг меҳри тушган Кириленко жон-жаҳди билан мамлакатда иккинчи одам ўрнини эгаллашга интилди. Бироқ миясидаги оғир хасталик уни шахс сифатида бутунлай емирилишига олиб келди.

Аммо арзимаган иш бўйича Сиёсий бюро аъзосининг ўшқиргани том маънода уни оёқдан йиқитган бўлса, афсонавий Юрий Владимирович Андропов юрак олдириб қўйган шўрпешона бир одам бўлган экан-да! Шу одам иродаси темир-метиндек мустаҳкам, атоқли ислоҳотчи ҳисобланадими? Бу эпизод Юрий Андроповни мустақил бўлмаган, бошқаларнинг фикрига қарам бўлган, ўзига унчалик ишончи комил бўлмаган бир одам сифатида таърифлашга имкон бермайдими? Бу одам ихтилофларни четлаб ўтадиган, амали ўзидан юқори бўлганларга гап қайтаришга ботина олмайдиган бир одамдек кўринмайдими?

Юрий Владимирович Андропов 1982 йилнинг ноябрь ойида КПСС Марказқўмининг Бош котиби бўлгандан кейин ишдан жўнатган биринчи одами Кириленко бўлди. Кириленко оғир касал эди ва табиийки, ишлай олмас эди. Аммо Брежнев ўз одатига кўра эски ошнасини хафа қилишни истамай, уни нафақага чиқариб юборишга унча шошилган эмасди. Андропов эса Кириленкодан ишдан кетиш тўғрисида ариза ёзишни талаб қилди. Аммо Кириленко бунақа жиддий ҳужжатни ёзишга қурби етмаслигидан қўрққани учун, аризани унинг ўрнига Андроповнинг ўзи ёзиб қўяқолди. Кириленко қалтироқ қўллари билан уни кўчириб ёзди, холос.

БОҢМАНГА ҚАРАБ ТЕКИСЛАН

Юрий Владимирович Андропов 1914 йилнинг 15 июнида Ставрополь ўлкасида Нагутская бекатида темир йўл телеграфчиси оиласида таваллуд топган. Юрий беш ёшга кирганида отаси вафот этади. Онаси мусиқа муаллимаси бўлган. У ҳам анча эрта – 1927 йилда вафот этган. Турмуш машаққатларини енгиб ўтиш ёлғиз Юранинг зиммасига тушади. Андроповнинг онаси Евгения Карловнанинг фамилияси русча эмас эди. Унинг фамилияси Файнштейн бўлиб, бу унинг келиб чиқиши жиҳатидан яҳудий миллатига мансублиги тўғрисидаги миш-мишларга асос бўлади. Юрий Владимирович билан учрашганлар ҳатто унинг ташқи қиёфасида ҳам яҳудийларга хос белгилар бўлганини гапиришади. Эҳтимол, улар бу белгиларни кўришни жуда-жуда истаган бўлсалар керак.

Горбачёвнинг ёрдамчиси Валерий Иванович Болдиннинг ёзишича, Андроповнинг одамлар ўртасида катта обрўга эгалиги Михаил Сергеевичнинг ғашини келтирган. Бир куни у Болдинга алам билан деган экан:

– Андропов мамлакат учун қанақа хизмат қилиб қўйган экан? Нима деб ўйлайсан – диссидентларни турмалар ва жиннихоналарга ташлаган, кўпгина одамни мамлакатдан ҳайдаган, КГБнинг собиқ раисини биздаги ва хоришдаги оммавий ахборот воситалари нима учун тириклай ямламай ютмади? Сабаби шуки, унинг ярми рус, ярми яҳудий, улар эса ўз одамларини бировга хафа қилдириб қўймайди.

Горбачёвнинг бутун жаҳон яҳудийларининг ҳамжиҳатлиги ҳақидаги тасаввури рус миллатчиларининг биринчи авлод вакилларига хос бўлган шубҳа-гумонларга ўхшаб кетади. Улар ҳатто Андроповнинг уруғ-аймоқларининг илдизларини синчиклаб ўрганиб келиш учун унинг ватанига махсус чопарлар юборишган эди.

Агар Андропов ўртоқларининг шубҳа-гумонларидан хабардор бўлганда ўзининг бутун хулқ-атвори билан уларнинг адашаётганини исбот қилмоқ учун ҳаракат қилар эди. Андропов КГБда "семитизм"га қарши фаол кураш олиб борган. Бу амалда яҳудийларнинг хорижга кетишини тақиқлаш, яҳудий тили, маданияти ва халқ ҳаётини ўрганишга ҳар томонлама тўсқинлик қилиш, "туб миллат"га мансуб бўлмаган одамларнинг юқори лавозимларни кўплаб эгаллаши устидан қаттиқ назорат ўрнатишга олиб келган. КГБнинг Бешинчи бошқармасида душманлик руҳидаги сионистик фаолиятга қарши кураш бўйича бўлим тузилган.

Юрий Владимирович мактабда Шимолий Осетияда – Моздок шаҳрида

ўқиган. Бу шаҳар ҳозирги пайтда Кавказдаги воқеалар важидан тез-тез тилга олиб турилади. 1932 йилда Андропов Рибинскдаги сув транспорти техникумига ўқишга киради. У ўз аризасида шундай деб ёзган: "Мени ётоқ ва стипендия билан таъминлашингизни илтимос қиламан, чунки тирикчилик қилишга маблағим йўқ".

Техникумда Андропов комсомол фаолига айланади – Осовиахим (Мудофаага, авиацион ва кимёвий қурилишга ёрдам бериш жамияти)нинг билетларини тарқатади.

Карело-Фин ССР Компартияси Марказқўмининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб юрган кезларида – 1950 йилда у сиртдан КПСС Марказқўми қошидаги Олий партия мактабига имтиҳон топширади. Олий маълумот ҳақида дипломсиз у ўзини анча ноқулай ҳис қилган. Олий партия мактаби амалий фаолиятда анча катта мартабаларга эришган, лекин дурустроқ маълумоти бўлмаган, вақти ғоятда тиғиз ва очиғини айтганда, баъзан маълумот олишга чоғи ҳам келмайдиган ходимлар учун барпо этилган эди.

Кейинчалик унинг билимлари жуда чуқур ва кенг экани тўғрисида, инглиз тилини сув қилиб ичиб юборгани ҳақида ривоятлар тўқилади. Аммо бўлмаган, йўқ нарсани йўқ демоқ керак. У КГБнинг раиси бўлганидан кейин инглиз тилини ўрганишга ҳарчанд уринмасин, ёши ўтинқираб қолгани учунми ёки иш билан ҳаддан ташқари банд экани важиданми, бунинг иложи бўлмаган. Аммо хорижда ишлагани, китоблар ва маълумотларни кўп ўқигани, зиёли гуруҳлар билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлиб тургани қай бир даражада унинг мунтазам маълумотга эга эмаслигини яшириб келган.

Андропов Моздокда телеграфчи ва киномеханикнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Техникумдан кейин Волга бўйлаб сузадиган кемаларда хизмат қилиш унга насиб этмади. Лекин кейинчалик у ўзини волгалик матрос деб аташни ёқтирган, бу билан у ўзининг келиб чиқиши ишчилар синфи билан боғлиқ эканига ишора қилмоқчи бўлган. Денгизчи бўлиш иштиёқи унда унчалик ҳам катта бўлмаган кўринади. Сув транспорти техникумини тугатгач, у ўша ерда комсомол қўмитасининг котиби бўлиб қолишни афзал кўрган. Ўзининг техникумдаги ўқиш йилларидан у биргина боцманни эслашни ёқтирарди. Бу боцман бутун команданинг жиловини жуда қаттиқ ушларди. У ўзига хос раҳбарнинг идеали эди.

БЕРИЯДАН ОЛИНГАН ОРДЕН

Ўша йили, яъни 1936 йилда уни В.Володарский заводига ВЛКСМ Марказқўми ихтиёридаги комсомол котиби қилиб ўтқазишади. Ўша кезларда у йигирма икки ёшида эди. Ўшандан кейин, агар элчи бўлиб ва КГБ раиси бўлиб ишлаганини ҳисобга олмаса, умрининг охиригача комсомол ва партия аппаратларида хизмат қилди. У ҳеч қачон на бирон реал ишлаб чиқариш корхонасига, на бирон минтақага раҳбарлик қилган. У саноатда, қишлоқ хўжалигида ва молия соҳасида на билимга, на тажрибага эга бўлган.

Бу жиҳатдан унинг амал пиллапояларидан кўтарилиши Шелепиннинг йўлини эслатади – у ҳам комсомолдан партияга, партиядан КГБга ўтган эди. Бундай ҳаёт йўлининг афзаллиги аён кўриниб турипти — бу йўлни ўтган одам амал сирларини жуда яхши билади. Бунинг нуқсони шунда эдики, мамлакат ҳақидаги ҳамма билим иккинчи манбалардан – кимларнингдир ҳикояларидан, маълумотномалардан, қўлида ишлайдиган ходимларнинг таҳлилий ахборотларидан олинарди. Марказқўм котиби ва КГБ раисининг столи устига ҳар куни келиб тушадиган минглаб саҳифа махфий ҳужжатлар бир қараганда, мамлакатда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида тугал маълумот берадигандай кўринарди. Лекин, аслида, бундай деб ўйлаш хомхаёл эди.

КГБнинг ички ёзишмалари ҳар қанча ошкора бўлмасин, асосий ақидалар шубҳа остига олиниши мумкин эмас эди. Афтидан шунинг учун бўлса керак, Андропов мамлакат мутлақо иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга эмас, асосан,

тартибни қаттиқ жорий этишга, интизомни мустаҳкамлашга, коррупцияга қарши курашга муҳтож деб астойдил ишонарди.

Тозалаш йилларида комсомол йўли билан амал пиллапояларидан кўтарилиш анча тез содир бўлар эди, бунинг учун тозалаш тегирмонидан омон чиқишнинг ўзи кифоя эди. 1957 йилда уни Ярославль ВЛКСМ вилоят қўмитасининг котиби, яна бир йилдан кейин эса биринчи котиби қилиб сайлайдилар. 1944 йилнинг 14 июлида Бериянинг тавсияномаси асосида СССР Олий Совети Президиумининг "НКВДга қарашли Волгостройнинг инженер-техник, маъмурий-хўжалик ходимлари ва ишчиларини" "Волга дарёсидаги гидроузеллар қурилишида эришган катта ютуқлари ва муваффақиятлари учун" орден ҳамда медаллар билан мукофотлаш тўғрисида фармон чиқади. ГУЛАГ ходимларининг катта гуруҳига орденлар берилади, улар билан бирга Андропов ҳам Ярославль вилоят комсомол қўмитасининг собиқ котиби сифатида орден билан тақдирланади.

1940 йилда уни Петрозаводск шаҳрига ўтказишади ва Карело-Фин ССР комсомоли Марказқўмининг биринчи котиби қилиб сайлашади.

20- ва 30-йилларда бу республика Россия Федерацияси таркибига кирадиган Карелия автоном республикаси эди. Аммо Сталин Финляндияга қарши уруш бошлаганда унинг калласида узоққа мўлжалланган режалар пайдо бўлди. Агар бу режалар амалга ошганда ва Финляндия мағлубиятга учраб таслим бўлганида, унинг ҳудуди анча қисқариб кетарди ва аксинча, Карелиянинг ҳудуди анча кенгаярди. Шунинг учун тўйдан олдин ноғора деганларидек Карелия АССРга Карело-Фин республикаси деб ном бердилар ва унинг мақомини автоном республикадан иттифоқчи республика даражасига кўтардилар.

Янги республикага Финляндия компартиясини барпо этганлардан бири, Коминтерннинг кўп йиллик ходими Отто Вильгельмович Куусинен раҳбар этиб тайинланди. У кўп ўтмай Андроповга ҳомийлик қила бошлайди. Куусинен теран маълумотли, босиқ ва доно одам эди. Ва у билан мулоқотда бўлиш ёш комсомол котибига жуда кўп нарса беради.

1935 йилда Юрий Владимирович ўзи ўқиган техникумни битириб чиққан Нина Ивановна Енгаличевага уйланади. Улар икки фарзанд кўришади, бир қиз (1937 й.) ва ўғил (1940 й.).

Ўғли туғилгандан кейин кўп ўтмай Андропов ёлғиз, оиласиз Петрозаводскка кетади. Сўнг у Нина Ивановна билан ажралишади ва иккинчи марта уйланади ва янги оиласидан ҳам иккита фарзанд - ўғил ва қиз кўради.

Биринчи хотинидан кўрган фарзандларининг ҳаётига Андропов деярли қизиққан эмас. Ўтмиш ҳақидаги хотираларни у унча хушламас эди. Унинг ўзи ўтмиш йилларини деярлик хотирламас, бирорта одам унутиб юбормоқчи бўлган нарсасини эслатмоқчи бўлса аччиғи келарди.

1940 йилда у Петрозаводск дорилфунунига ўқишга киради, бироқ унинг ўқишига уруш халақит беради. Андроповни фронтга жўнатмайдилар – у фронт орқасида кўпроқ керак эди – тўрт йил мобайнида республика комсомолига раҳбарлик қилади. Унинг расмий таржимаи ҳолида "Карелияда партизан ҳаракатларида фаол иштирок этди" деб ёзиб қўйилган. Бу қатнашиш шундан иборат бўлганки, у ҳам худди Шелепин каби бошқаларни партизан отрядларига жўнатиб турган.

1944 йилда Андроповни партия ишига ўтказишади – у Петрозаводск шаҳар қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлай бошлайди – ўттиз яшар инсон учун ҳавас қилса арзигулик мансаб эди бу. Урушдан кейин эса у Карело-Фин ССР Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби бўлиб сайланади. Бу ерда 1949 йилда бошланган "Ленинград иши"нинг бир учи унга ҳам тегиб ўтади.

Асосий арбоблар – Марказий Комитет котиби Кузнецов ва ҳукумат бошлиғининг биринчи муовини Вознесенский қамоққа олингач, давлат хавфсизлиги министрлиги ленинградлик кадрларни бутун мамлакат бўйлаб қидира бошладилар. Ленинградда хизмат йўлини бошлаган партия ходимларини дабдабаю асъаса билан ишдан олишар, партиядан ўчиришар ва қамашарди. Бўрон Петрозаводскни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин Петрозаводскда айнан

нималар рўй бергани ҳақида биладиган одамлар ҳар хил фикрлар айтишади. Баъзиларнинг гапига қараганда, тозалашлар вақтида Андропов ўзини омон қолишини ўйлаб, партиядош ўртоқларини қоралаб, балчиққа булғаган. Бошқаларнинг гапига қараганда, Андроповнинг ўзи қаттиқ таъқиблар остида қолган ва уни яна ўша Куусиненнинг ўзи қатли омдан олиб қолган.

– Мендаги маълумотларга қараганда уни "Ленинград ишидан" Куусинен қутқариб қолган, - дейди Андроповнинг собиқ ёрдамчиси Игорь Синицин. – Куусинен унинг юқорига кўтарилишига ҳам ёрдам бериб турган, чунки Юрий Владимировичнинг истиқболли одам эканини кўрган ҳамда унда ўша пайтдаги раҳбарларнинг кўпчилигига хос бўлган кибру ҳаво, манманлик ва дағаллик йўқлигини жуда қадрлаган.

Генерал-лейтенант Вадим Кирпиченконинг ёзишича, Андропов кек сақламайдиган одам бўлган. Бир куни Андропов УГБга раис бўлиб турган вақтларида бир ходимнинг қандай ишлаб юрганини суриштиради. Бу ходим "Ленинград иши" авж паллага кўтарилган пайтларда Андроповнинг иши билан шуғулланган ва қамаш даражасига етказиб қўйган экан. Юрий Владимирович на фақат бу одамни жазолашга ҳаракат қилган, балки, аксинча, уни нафақага жўнатиб, ундан қутулиш йўлини ҳам тутмаган.

Кек сақламаслик ва бағри кенглик ижобий сифатлардир. Бироқ нима учун бунақа қабиҳ ишларни қилган, бегуноҳ одамни жиноятчига чиқариб қўйган ходимни давлат хавфсизлиги аппаратида сақлаб турмоқ керак эди? Агар чиндан-да шу воқеа бўлган бўлса, унда бундан чиқадики, Юрий Владимирович ўзининг Лубянкада ўтган салафларини чин юрақдан қораламаган экан-да?

Андроповнинг Петрозаводскдан Москвага — Марказқўм аппаратига ўтиши ҳам Куусиненнинг ёрдамисиз содир бўлмаган. У бўлим қошидаги бўлимчада аввал инспектор, кейин мудир бўлди. Аммо Сталиннинг вафоти ва Эски майдондаги ўзгаришлар Андроповнинг партиявий амал пиллапояларидан кўтарилишини тўхтатди. Уни ташқи ишлар министрлигига ўтказишади. Уни Данияга элчи қилиб жўнатишни кўзлашган эди, шу важдан у бир қанча вақт Ташқи ишлар министрлигининг Скандинавия бўлимида тажриба орттиради. Бу ишда унга Андрей Михайлович Александров-Агентов раҳбарлик қилади. Кейинчалик эса бу одам халқаро ишлар бўйича унинг ёрдамчиси бўлди.

Кейин Андроповни IV Оврўпа бўлимига ўтказишди – социалистик мамлакатларга тажрибали партия ходимларини дипломатик ишга юборишга қарор қилинган эди. Орадан кўп ўтмай у Будапештга элчихонага маслаҳатчи қилиб тайинланади. Бир йил ўтгач эса – 1954 йилда уни Венгрияга элчи қилиб тайинлашади.

Руминияга Давлат хавфсизлиги министрининг кадрлар бўйича собиқ муовини Алексей Алексеевич Епишев элчи бўлиб кетади. Польшага Марказқўмнинг собиқ котиби ва Москва шаҳар қўмитасининг собиқ биринчи котиби Георгий Михайлович Попов жўнатилади.

Ўзини тутолмайдиган, ўзбошимча Попов Польшада ўзини анархистлар тўдасининг комиссаридек тутади, у ҳар қандай арзиган ва арзимаган баҳона билан партия ва давлат раҳбари Болеслав Берутга дашномлар беради. У ҳатто поляк деҳқонлари ерни унинг кўнглидагидек ҳайдамагани ва экишни ҳам унга маъқул тарзда ўтказмаганлари учун ҳам Берутга қаттиқ танбеҳ беради, сиздақа одамни Москва вилоятида бўлса, лоақал райком котиблигига ҳам олмас эдим деб ҳақорат қилади.

Бунга чидаёлмаган Берут Хрушчевга қўнғироқ қилиб, агар мен ҳатто райком котиби бўлиб ишлашга ҳам лаёқатсиз бўлсам, унда мени ишдан озод қилиш масаласини қўйишга мажбурман, дейди. Хрушчев шоша-пиша уни юпатади ва Попов Польшада элчи бўлиб ишлаётганига бир йил тўлмасданоқ чақириб олинади. Кейин уни анча вақтгача бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказиб юришади ва ниҳоят, Владимир шаҳрига, авиацион асбоблар заводига директор қилиб жўнатишади.

Андропов элчи сифатида феъл-атворига ва қизиққонлигига кўра ўзини анча бамаъни тутади. Лекин у ҳам Венгрияда ўзига хос бир ноиб эди, холос.

ЭЛЧИХОНА АТРОФИДАГИ ЎТТИЗ ТАНК

“Совет Иттифоқи ва Венгриядаги 1956 йилдаги таназзул” деб номланган каттагина ҳажмдаги ҳужжатлар тўплами олимлар ва архивчиларнинг жиддий меҳнатининг маҳсулидир. Бу тўплам ўша кезлардаги Венгриядаги фожеали воқеаларда совет элчиси қандай роль ўйнаганини ёритишга ёрдам беради.

Уч йил мобайнида элчилик қилиш Андроповга ўз савиясини ошириш борасида жуда кўп нарса берди. У ҳаётнинг Ярославль ва Петрозаводскда бўлганига қараганда бошқача бўлиши ҳам мумкинлигини кўрди. Будапешт ҳамиша Оврўпа шаҳри бўлиб келган. Ўз-ўзича олганда элчилик ҳаёти ҳатто ўша йилларда ҳам бир қадар бўлса-да, ҳузурбахш жиҳатларга эга эди. Яна шуниси борки, элчи эндигина қирққа кирган қирчиллама йигит эди.

Аммо Андропов шундай бир фурсатда элчи бўлиб келдики, Венгрияда саноатлаштириш жараёни тезлаштирилгани оқибатида иқтисодий вазият ёмонлаша бошлаган эди, деҳқонлар ҳам қишлоқни коллективлаштириш юзасидан қаттиқ дарғазаб эдилар. Венгерлар уларнинг мамлакатида ХХ съезддан кейин лоақал Совет Иттифоқида бўлганидек тозариш жараёни юз бермаганидан норози эдилар, улар мамлакатда раҳбариятнинг ўзгаришини, биринчи навбатда, бир ўзи бутун мамлакатнинг якка хўжайини бўлиб олган, ҳокими мутлақ Матиас Ракошини олиб ташлашни талаб қилар эдилар, шунингдек, қатағон қилинганларнинг ҳаммасини оқлашни талаб қилардилар. Сталин томонидан хизмат сафарига юборилган давлат хавфсизлиги министрлигининг ходимлари ўз вақтида венгер дўстларига қонли тозалашларни амалга оширишда хўп ёрдам берган эдилар.

Элчи Андропов қатъий равишда Матиас Ракошини қўллаб-қувватлади ва авваллари қатли ом қилинган Янош Кадарнинг катта сиёсатга қайтишини шубҳа билан кузатиб борди. Янош Кадарнинг сиёсий бюро аъзолигига тикланишини Андропов “ўнгларга ва сафсатабоз унсурларга жиддий ён бериш” деб ҳисоблаганди.

Кадар урушдан кейин Компартия Бош котибининг муовини ва ички ишлар министри бўлган эди. Аввалига у сиёсий судлов жараёнларини уюштиришда иштирок этди, бироқ кейинчалик сохта айблов билан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Кейинчалик уни оқлашади, лекин унда сиёсий ишончсизлик тамғаси сақланиб қолади. Москвада қамалгани учун аламзада Кадарнинг мухолифат томонига ўтиб кетишидан чўчир эдилар. Ҳужжатлар таҳлил қилинганда аён кўринадики, Будапештдаги элчихона жуда тор доирадаги одамлар билан мулоқотда бўлган. Улар догматик линияга тарафдор одамлар бўлишган. Ана шу одамлардан олинган маълумотлар асосида хулосалар чиқарилган ва улар Москвага етказиб турилган.

Венгрия раҳбарлари сиёсий бюро ва ҳукумат мажлисларининг мазмунини, мамлакат раҳбарлари ўртасида бўлаётган ғайрирасмий гап-сўзлар тафсилотини бирлари олиб, бирлари қўйиб оқизмай-томизмай Андроповга етказиб туришган. Улар имкониятдан фойдаланиб, ўзларининг сиёсий рақиблари устидан аямай мағзава ағдараверишган.

Агар Андропов Москвага жўнатиб турган хуфия мактубларни ўқиб кўрсангиз, шундай таассурот туғиладики, гўё Венгриянинг бирдан-бир муаммоси бўлган – аллақандай бир ҳовуч “ўнглар” мамлакатнинг тинч ҳаётига рахна солмоқда. Улар бир ёқли қилинса бас, шу билан сиёсий бюрода якдилликка эришилади-қўйилади. Кейин эса қўққисдан халқнинг бош кўтаргани маълум бўлади. Худди шунга ўхшаш бир нарса равшан эмас – нима учун хуфия ахборотларда доимий равишда Имре Надь деган ном учрайверади, нима учун унинг сиёсатга қайтишидан ҳамма хавотирда, у эса барибир, сиёсатга қайтмоқда? Элчихона бамисоли Наднинг қайтишидан қўрқиб, тахта бўлиб қотиб қолган. Фақат анча ўтгандан кейин маълум бўладики, у мамлакатдаги энг донгдор сиёсатчи экан ва одамлар уни ҳокимият тепасида кўришни исташади.

Имре Надь ўртамиёна сиймо эмас эди. 1916 йилда — Биринчи жаҳон уруши вақтида у русларга асир тушади, инқилобни муборакбод қилиб, большевикларга қўшилиб кетади. Фуқаролар урушидан кейин уни яширин

иш олиб бориш учун Венгрияга жўнатишади. 1930 йилда у Москвага қайтади ва бу ерда 15 йил яшайди. У Коминтерннинг халқаро аграр институтида ва СССРнинг Марказий статистика бошқармасида ишлайди. Кейин у 1945 йилдан сўнг Будапештта қайтади, аввал министр бўлади, сўнг эса ҳукуматта раҳбарлик қилади. Аммо бир неча муддатдан сўнг уни "ўнг оғмачи" сифатида ҳамма лавозимлардан олиб ташлашади ва ўзини партиядан ўчиришади.

1989 йилнинг ёзида КГБ раиси Владимир Александрович Крючков Горбачёвга ўз идорасининг архивидан олинган бир даста ҳужжатларни топширади. Уларда айтилишича, Имре Надь урушдан аввалги йилларда НКВДнинг айғоқчиси бўлган экан. У 1933 йилда ёлланган экан ва ўзининг ватандошлари – Совет Иттифоқида бошпана топган можарлар тўғрисида маълумотлар бериб турар экан.

Бу, эҳтимол, ўшанда Наднинг ўзини қутқариб қолган омил бўлган эди. 1938 йилнинг мартида НКВДнинг Москва бошқармасидаги чекистлар уни ҳам қамоққа олишади. Бироқ у қамоқда атиги тўрт кун ўтиради, холос. Давлат хавфсизлиги Бош бошқармасининг 4-бўлими унинг ёнини олади ва Венгриянинг бўлажак бош министри қамоқдан озод қилинади.

Крючков бу ҳужжатларни архивдан нечук қидириб топди экан? Ҳужжатлар билан бирга Горбачёвга қўшиб юборилган мактубда бу тўғрида шундай ёзилган: "Имре Надни бениҳоя ҳалол ва принципиал, камтарин ва камсуқум, бегуноҳ қатли ом қилинган одам сифатида кўтариб, авлиё даражасига чиқариб қўйишмоқда. Наднинг номи тевaрагида кўтарилаётган шов-шувларда асосий урғу шунга бериляптики, гўё у "сталинизмга қарши изчил кураш олиб борган", "демократия ва социализмни тубдан янгилаш тарафдори" бўлган эмиш. Венгрия матбуотида эълон қилинган бир қатор мақолаларда Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилган босим натижасида Наднинг аксилинқилобчилик фаолиятда айбланганига, ўлимга ҳукм қилинганига ва қатл этилганига шама қилинмоқда.

Будапештда совет элчихонасида Андропов билан бирга хизмат қилган Крючков, афтидан, Имре Надни жон-жаҳди билан ёмон кўрган, ундан нафратланган бўлса керак. Шунинг учун у махсус хизматларнинг энг муқаддас қонунини бузиб, махфий ходимнинг номини фош қилиб ўтирипти. Крючков кўп ҳам ҳаяжонланаверадиган ёки эҳтиросга бериладиган одам бўлмаган. Аммо можарларга уларнинг миллий қаҳрамонининг авра-астарини кўрсатиб қўйишдан ўзини тийиб туролган эмас.

Бу ҳужжатларни олган можар тарихчилари қаттиқ ғазабланадилар. Улар буни қалбаки деб, ҳужжатлар сохталаштирилган деб ҳисоблайдилар. Лекин уларнинг ғазаби ножоиз – ҳужжатлар ҳақиқий бўлиши керак. Чунки Коминтерннинг ҳамма ходимларини душман ҳақида маълумот беришга мажбур қилишган. Агар сен халқ душманларини фош қилишга ёрдам бермасанг қанақа коммунист бўлдинг? Агар НКВДга ёрдам бермасанг, қанақа большевиксан?

XIV съезд минбаридан туриб 1926 йилдаёқ Марказий назорат комиссияси ҳайъатининг аъзоси Сергей Иванович Гусев келгусида ўзининг ҳам бу қушхонанинг қурбони бўлажагини хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда шундай деган эди:

– Бир вақтлар Ленин бизни ҳар бир партия аъзоси чеканинг агенти бўлмоғи керак, яъни ҳамма нарсани кузатиб юриб, кўрган-билганини етказиб турмоғи керак деб ўргаттан эди. Агар биз бирор нарсадан қисилиб, изтироб чекаётган бўлсак, бунинг боиси чақимчиликнинг кўпайиб кетгани эмас, аксинча, унинг етишмаётгани, камёблигидир.

Имре Наднинг ислоҳот ҳақидаги ғоялари иқтисодиётни қайта қуришнинг бутун бошли назарияси эди ва можарлар бу назарияни ҳаётда амалга оширишни истардилар. Венгрияда кенг кўламли мухолифат шаклланди ва бу мухолифат югославлар ўз иқтисодиёти ва сиёсатларини бошқача қуришаётганини, поляклар ҳам ўзларининг ички муаммоларини Москванинг кўрсатмасисиз ҳал қилабошлаганларини кўрди.

1956 йилнинг октябрида Имре Надни партияга тикладилар. У энди Польшадаги ҳодисалардан илҳомланарди – у ерда 1949 йили ўнг оғмачилик ва миллатчиликда айбланиб қамалган Владислав Гомулка оқланиб, партияга тикланган эди.

Москванинг иродасига хилоф ўлароқ Гомулкани Польша Бирлашган ишчи партияси (ПОРП)нинг Марказий қўмитасига Биринчи котиб қилиб сайлашади. Қизиқ, Москваки Польшадаги бунақа ўзгаришларга рози бўлган бўлса, эҳтимол, Венгрияда ҳам худди шундай ишларнинг бўлишига розилик берар?

Польшадаги воқеалар Венгрия воқеаларига қараганда силлиқроқ ва юмшоқроқ эмас эди. Ишчилар аксилшўровий ва аксилсоциалистик шиорлар кўтариб, кўчаларга чиқишди. Маршал Конев Москвадан шўро ҳарбий қисмларини Варшавага жўнатиш ҳақида буйруқ олди. Аммо поляк генераллари ва, айниқса, ички қўшинлар қўмондонлари (у ерда шўро одамлари ёхуд тарафдорлари кам эди) совет аскарларини ўт очиб қарши олажакларини айтиб, огоҳлантирдилар.

Хрушчев аралашмаган маъқул эканини кўрди. Сталин қардош Польшага хизмат қилиб бериш учун 1949 йилда маршал Константин Константинович Рокоссовскийни Польшага жўнатган эди. Поляклар уни ПОРП Марказқўми Сиёсий бюросидан чиқаришади ва Мудофаа министри лавозимидан озод қилишади. У Москвага қайтар экан, юртда аламли сўзларни айтади:

— Мен ҳамиша Россияда поляк ҳисоблангандим, Польшада эса ҳамиша мени рус деб билишган.

Польша воқеаларини муҳокама қилиш учун Москвага венгерлар делегациясини таклиф қилишади, лекин бу ерда биринчи ўринга Венгр воқеалари чиқиб қолади. Будапештда отишмалар бошланади, намойишчилар Сталиннинг улкан ҳайкалини ағдариб ташлашади.

Элчи Андропов ҳамма муаммоларнинг бош сабаби — Венгер сиёсий бюросининг қатъиятсизлиги, унинг принципсизлиги, ҳамма нарсада ён бераверишни деб ҳисоблашда давом этарди. Элчихона можар халқи қўллаб-қувватламаган арбобларни қўллаб-қувватларди. Ҳатто коммунистлар ҳам советча социализм эмас, венгерча социализм қуришни хоҳлашларини баралла айта бошлаганди.

Элчихона раҳбарият доирасида нималар бўлаётганини энг майда тафсилотларигача яхши биларди. Аммо мухолифат раҳбарлари нималар деяётгани тўғрисида элчихона ҳеч қандай ахборотга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам, моҳиятан олганда, у бир томонлама ахборотлари билан Москвани чалғитди.

23 октябрдаги аввал тақиқланган, кейин ижозат берилган студентлар намойиши ҳокимиятга қарши оммавий чиқишга айланиб кетди.

Элчи Андропов Венгриядаги совет қўшинларининг алоҳида корпус командирига тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, уни қўшинларни Будапештга олиб келишга даъват этди. Командир бунинг учун менга мудофаа министрининг буйруғи керак деб жавоб берди.

Андропов Москва билан боғланади. Бош штабнинг бошлиғи маршал Василий Данилович Соколовский корпус командирига халқаро ҳукуматлараро алоқа воситаси орқали буйруқ беради. Улар совет танклари кўриниши биланоқ ҳаммаси тамом бўлади деб ўйлашган эди. Ахир, 1953 йилнинг июнида Берлинда советларнинг аралашиши билан ҳамма ғалва барҳам топган эди-ку! Нега энди бу гал ҳам шундай бўлмасин?

Лекин венгерлар қаршилик кўрсата бошладилар. Улар совет солдатларига ўқ узишди, танклар устига ёнувчи суюқликлар солинган шишалар ирғитишди.

Совет қўшинлари шаҳарни тинчита олмади. Венгер армияси уларга ёрдамга келмади. Қаршилик кўрсатувчи курашчиларнинг сони тобора кўпайиб борарди. қаршилик кўрсатувчи жангчилар сони бир неча минг кишига етди. Қуролсиз намойишчиларни ўққа тутиш, уларга қарши танкларнинг тўпларидан ва пулемётларидан ўт очиш, уйларга қарата ўқ отиш аксилшўровий кайфиятларни янада кучайтирди. Ҳукуматнинг бошлиғи Имре Надь бўлди — бу гал энди халқ талаби билан шундай бўлди. У пойтахтдан совет қўшинларини олиб чиқиб кетишни илтимос қилди.

Москвада фикрлар бўлиниб кетди. Хрушчев, биз Коминтерн замонида яшаётганимиз йўқ, қардош компартияларга қўмондонлик қилиб бўлмайди, деди.

Хрушчев Польшада таваккал қилиб Гомулкага таянишга аҳд қилди. Москвага камроқ даражада бўйсунса ҳам гўрга, бунинг ўрнига мамлакатни қўлида ушлаб турипти-ку! Венгрияга нисбатан ҳам у Имре Надь ҳукуматини қўллаб-қувватлашга ва совет қўшинларини Будапештдан олиб чиқиб кетишга қарор қилди. Танклар шаҳарни тарк этди. Хрушчев социалистик мамлакатлар билан муносабатларда таназзул бошланганини тушунди, аввалги принципларни қайта кўриб чиқмаса бўлмай қолди.

Аммо қўшинлар Будапештдан чиқиб кетишлари биланоқ оломон пойтахт шаҳар партия қўмитасининг ходимларини тилка-пора қилиб ташлади. Венгрия давлат хавфсизлиги хизмати зобитларини оёқларидаги сариқ ботинкаларидан таниб олишди – хўжалик бўлими зобитларнинг ҳаммасини бир хил сариқ ботинкалар билан таъминлаган эди. Уларни дарахтларга бошини пастга қаратиб осишди. Бу Кремлдаги кайфиятни ўзгартириб юборди. Айни шу кунларда Яқин Шарқда уруш бошланган эди. Англия, Франция ҳамда Исроил яқиндагина Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатлар ўрнатган Мисрга ҳужум қилишди. Мисрнинг мағлуб бўлиши муқаррар эди. Шундай шароитда Москва Венгрияда ҳам яна бир мағлубиятни бошидан кечиришни истамас эди. Бунинг устига АҚШ ва Ғарб Венгрияни ҳимоя қилмасликлари маълум бўлиб қолди.

Кремлда Венгрияга яна қўшин киритишга ва бу гал қатъий ҳаракат қилишга қарор қилинди. Министрлар Советининг раиси Николай Александрович Булганин биринчи бўлиб, модомики, ҳозирги ҳукумат ўзини "нотўғри" тутаётган экан, унинг ўрнига янги ҳукумат тузишни таклиф қилди. Раҳбар лавозимига номзодлар қидира бошладилар. Асосан, иккита номзод — Янош Кадар ва Ички ишлар министри Ференц Мюннихларнинг номзоди кўриб чиқилди. Икковларини ҳам совет қўшинлари жойлашган ҳудудга олиб келишди, сўнгра самолётда махфий равишда Москвага танишиш учун олиб келишди. Кадар кўпроқ маъқул бўлди ва бир неча муддат иккиланиб турганидан сўнг у ҳукуматга раҳбарлик қилишга рози бўлди. Будапештда эса элчи Андропов ғазаб билан Имре Надга Янош Кадар ҳамда Ференц Мюннихларнинг ўйиб бўлиб қолганига мутлақо дахлдор эмаслигини айтди. Улар совет қисмлари билан бирга қайтиб келишди ва операцияга раҳбарлик қилган маршал Коневнинг қароргоҳида жон сақладилар. Будапештга Кадарни совет бронетранспортерида олиб боришди.

Кейинчалик Югославиянинг раҳбари Иосип Броз Тито билан бўлган махфий суҳбатда Хрушчев шундай деди:

– Биз Венгрияда капитализмнинг қайта тикланишига йўл қўйиб қўя олмаймиз. Негаки, одамлар Сталин даврида бунақа гаплар йўқ эди, ҳозиргилар Сталинни қоралаб, ҳамма нарсани бой бериб ўтиришипти, деб гап қилишади.

Ўзаро ошкора гурунгларда Марказқўм ҳайъатида Хрушчев ва бошқалар Венгрия воқеалари Ғарбнинг иши, Ғарб жосусларининг кирдикори деб айтишган эмас. Улар ўзларига қарши халқ исён кўтарганини жуда яхши англашарди. Эндиликда улар суяниши мумкин бўлган ягона суянчиқ фақат Совет армиясию, Янош Кадар бошчилигидаги бир ҳовуч можарларгина эди, холос. Венгрияга бостириб кирган Совет Армияси олтмиш минг кишини ташкил қиларди. Венгрия армиясининг кўп қисмлари қаршилик кўрсатишгани йўқ, улар қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқлигини билишарди. Аммо баъзи бир Венгр қисмлари жангга киришишни маъқул кўришди. Минглаб исёнчилар уларнинг сафига қўшилди. Уларнинг бир нечтагина танклари, арзимаган замбараклари бўлган. Улар ҳатто зенит тўпларидан битта совет самолётини уриб ҳам туширишган.

Совет элчихонаси бино атрофини ўгтизта танк билан қуршаб олиб, ўзининг хавфсизлигини таъминлаган. Будапештда бошидан кечинган қўрқув туйғусини Андропов ва айниқса, одамларнинг айтишича, унинг хотини узоқ вақт унутолмай юришган.

1 ноябр куни премьер-министр Имре Надь Варшава шартномасидан чиқади ва Венгриянинг бетарафлигини эълон қилади. У радио орқали сўзлаб совет истилоси ҳақида баёнот беради.

– Бугун тонгда совет қўшинлари бизнинг пойтахтимизга ҳужум бошлашди. Уларнинг ниятлари аён кўриниб турипти – улар Венгриянинг қонуний

демократик ҳукуматини ағдариб ташлашмоқчи. Бизнинг қўшинларимиз жанг қиляпти, ҳукумат ўз постида турипти.

Совет қўшинлари кенг кўламда артиллерия ва танкларни ишга солиб, қаршилик кўрсатаётган кучларни бирин-кетин маҳв этдилар. Венгрия воқеаларида совет қўшинларидан 60 киши ўлди ва 1251 киши ярадор бўлди, Венгрларнинг умумий талафоти эса ўлганлардан 2652 кишини, ярадорлардан эса 19226 кишини ташкил қилди.

Янош Кадарнинг ҳукумати намойиш қилиб чиққан шахтёрларни ўққа тутди. Ишчи кенгашлари фаолиятини тақиқлаб қўйди, уларнинг раҳбарларини ҳибсга олди, ёзувчилар ва журналистлар уюшмасини тарқатиб юборди. Ҳарбий-дала судлари ташкил қилинди, уларга сусткашлик қилмай ўлимга ҳукм қилиш ҳуқуқи берилди.

Мамлакат ичидан мадад топмаган Кадар борган сари қаттиққўлроқ бўла борди, бундан Москва беҳад хурсанд эди, ҳолбуки, шўровий ўртоқлар дастлаб унинг қатъиятини шубҳа остига олишганди.

Ағдарилган Имре Надь, унга содиқ қолган министрлар, уларнинг оила аъзолари Будапештдаги Югославия элчихонасидан бошпана топишди. Кадар уларнинг дахлсизлигига кафолат берди ва жавобгарликка тортмасликка ваъда қилди. Шундагина Имре Надь ва бошқалар Югославия элчихонасини тарк этишга рози бўлишди.

Уларнинг автобусига совет офицери чиқди — у гўёки уларнинг ҳаммасини уй-уйларига олиб бориб қўймоқчи эди. Автобусда иккита югослав дипломати ҳам бор эди. Бироқ кутилмаганда автобус совет комендатураси олдида тўхтади ва офицер югослав дипломатларини автобусдан тушиб кетишга мажбур қилди. Шундан кейин автобусни совет бронетранспортерлари қуршаб олади. Надни, унинг ҳамкасабаларини ва уларнинг оила аъзоларини Руминияга жўнатишади. У ерда улар аввалига Руминия давлат хавфсизлиги ходимларининг назоратида бўладилар, кейин эса уларни қамоққа ташлашади, 1957 йилнинг 17 апрелида эса уларни Венгрияга қайтариб юборишади. Янош Кадар сўзининг устидан чиқмайди.

Имре Надь, унинг мудофаа министри Пал Малетер ва яна бир неча киши ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Гап-сўзларга қараганда қатл пайтида Кадарнинг ўзи ҳозир бўлган эмиш, кейин у Хрушчевга қўнғироқ қилиб, ҳукм ижро этилганини маълум қилипти. Бу ишда шахсий масалалар аралашган ҳоллар ҳам бор эди: бир вақтлар Кадарни турмада жуда қаттиқ қийнашган. У ўзи чеккан азоб-уқубатларга Имре Надни айбдор деб ҳисоблаган.

Андроповнинг Венгрияда олган сабоғи оддий эди. У бир нарсага амин бўлди: агар коммунистик партия мафкуравий назоратни бўшаштиришга йўл қўйиб берса, цензура заифлашса, агар одамлар кўнглидаги қўрқув йўқолса, партия жуда осонлик билан мамлакат устидан ҳукмронлигини йўқотиб қўяди. Бошқа ҳеч нарса — на иқтисодий қийинчиликлар, на турли-туман қаланғи-қасанғилар, на душман жосуслари партиянинг ҳукмронлигига путур етказа олмайди. Энг муҳими — эрк бермаслик. Социалистик тузумларнинг мавжудлигини таъминлаб турувчи мантиқ шундаки, қаердаки жилов жиндай бўшаштирилса, ўша ерда ҳокимият емирила бошлайди.

Сабоқнинг аёвсиз жиҳати шунда эдики, Андропов ҳокимиятни йўқотиб қўйиш дардига чалинган экан. Жисмоний қийноққа олинган оломон давлат хавфсизлиги ходимларини кўпинча қандай бартараф қилганини кўрди. У бирон-бир шунга ўхшаган воқеа ўзининг бошига тушишини истамас эди. Венгрия воқеаларини Андроповнинг хотини жуда катта қийинчиликлар билан бошидан кечирган деб ҳисоблашади. Унинг аёли тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолди ва бора-бора Андропов нормал оилавий ҳаётдан маҳрум бўлди. Унинг ихтиёрида фақат ишина овунчоқ бўлиб қолди.

Жарроҳ Просковья Николаевна Мощенцова СССР соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи Бош бошқарма тизимида ўттиз йилдан ортиқ хизмат қилган экан. У “Кремль хастахонасининг сирлари” деган китобида тажрибаларидан ҳикоя қилар экан, Андроповнинг хотини тўғрисида ҳам ёзади: “У неча марталаб асаб хасталиклари бўлимида ётган ва ҳар гал унга кўплаб уколлар қилишни талаб қиларди... У ўзининг ҳар хил бетобликларини ўйлаб

топар ва наркотикли дорилар берилишини талаб қиларди. Тинчлантирувчи уколларни писанд қилмасди, уларга қўл силтарди. Афтидан, у ёшлик йилларидан гиёҳвандликка ўрганиб қолганди. Ҳозир, менинг назаримда, бунга врачлар айбдор кўринади. Улар эрининг номини эшитишлари биланоқ дағдаға қалтираб, хотиннинг инжиқлик билан қилган илтимосларини дарров бажо келтиришга ҳаракат қилишган. Уни гиёҳванд моддаларга ўргатганлар ҳам врачларнинг ўзи бўлган".

МАРКАЗҚЎМ КОТИБИ ТУНГИ БАРЛАРГА ҚАТНАМАЙДИ

1957 йилнинг баҳорида Андропов Москвага Венгрияда социализмни қутқариб қолган одамнинг шуҳрати билан қайтиб келди. Уни Марказқўмга ишга олишди. Марказқўмнинг яхлит халқаро бўлимини иккига бўлишган эди.

Коминтерннинг кекса ходими Борис Николаевич Пономаревга капиталистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлардаги компартияларни қолдиришди. Социалистик мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари билан алоқалар бўлимига Андроповни бошлиқ қилиб тайинлашди. Аввалига ҳамма ишлар ўнгидан келди. Андроповнинг ҳомийси Отто Вильгельмович Куусинен бу пайтта келиб, Москвага ўтган эди – 1957 йилда Марказқўмнинг Июнь пленумида у Марказқўмнинг котиби ва ҳайъат аъзоси қилиб сайланади. У Андроповга жуда ҳам меҳрибонлик билан қараган ва аппаратда мустаҳкам ўрнашиб олишига катта ёрдам берган. Янги ишга келган одам учун бунақа ҳомийлик жуда катта аҳамиятта эга эди. Андроповнинг муаммолари керагидан ҳам ортиқча эди. Югославия, Албания ва айниқса, Хитой билан муносабатлар тобора ёмонлашиб борарди. Андропов бу муносабатларнинг жиндай бўлса-да яхшиланишига эриша олди деб айтиш анча қийин. Лекин шуниси ҳам бор эдики, бунақа ҳал қилувчи муҳим масалаларда гапнинг индаллосини Никита Сергеевич Хрушчевнинг ўзи айтарди. У эса Америка Қўшма Штатлари билан муросаи мадора қилса қилардики, Хитой билан дурустроқ муомала қилишга бўйни ёр бермасди.

Янги лавозимда Андропов ҳамкасабалари билан ихтилофга киришмасликка ҳаракат қилди. У жуда кўп ишлар эди, ўзининг бўлими учун жуда бамаъни одамларни танлади – уларнинг баъзилари кейинчалик академик бўлди. Георгий Аркадьевич Арбатов ва Олег Тимофеевич Богомоловлар шулар жумласидандир. Унинг қўлида юксак маҳоратли журналист Александр Витентьевич Бовин ва атоқли хитойшунос Лев Петрович Делюсинлар ишлар эди. Теварагида бунақа юксак интеллектуал салоҳиятта эга бўлган одамларнинг мавжудлиги беихтиёр Андроповнинг ўзининг ҳам ўз устида кўпроқ ишлашга ундар эди. Айни шу важдан Андропов шу кезларда эркин фикрлайдиган ва либерал сиёсатчи сифатида шуҳрат топди. Ўша пайтда у билан бирга ишлаган одамлар Андропов уларга том маънода руҳий эркинлик муҳитини яратиб берганини, ўқтин-ўқтин улар билан Марказқўм биносида тилга олиб бўлмайдиган мавзуларда гурунглашиб турганини мамнуният билан эслашади. Албатта, улар Юрий Владимировични баҳолашда муайян муболағага ҳам йўл қўйишган.

Академик Георгий Арбатовнинг ҳикоя қилишича, ходимлар Андроповнинг иш кабинетига келиб, костюмларини ечиб қўйишар, Юрий Владимирович ручкани қўлига олар ва шу тариқа ижодий иш бошланиб кетар экан. Андроповга ўхшаш закий ва қолипга сиғмайдиган воситачи орқали сиёсатта аралашиш ғоятда мароқли эди, деб ёзади Арбатов.

Юрий Владимирович, албатта, Марказқўм котибиятида ишлайдиган ҳамкасабаларидан ажралиб турарди, уларнинг кўпчилиги дағал, қаттиққўл ва чаласавод партия котиблари эди. Улар дўқ-пўписалар билан бақириб-чақириб иш юритишга ўрганиб қолган эдилар. Арбатовнинг фикрича, ўз маслаҳатчилари билан мулоқот Андроповга ўз савиясини оширишга, билимларини кенгайтиришга ёрдам берган. Бу мулоқотлар, айни чоғда, кундалик ҳаёт ҳақида маълумот берувчи, кутилмаган ва кўникилмаган фикрлар ҳамда баҳоларга ўргатувчи манба эди. У ҳатто ўзига маъқул бўлиши мумкин бўлмаган гапларни

ҳам сабр-тоқат билан эшитарди. Лекин кўпинча у эшиттан гапларини шарҳламас, индамай қолар, уларга муносабат билдирмас эди. Бу эса кўпни кўрган тажрибали мансабдорларга хос хусусиятдир.

Андропов ичмас ва чекмасди, ўзини босиқ тутарди, бақириб-чақирмасди, шеърлар машқ қилиб турар, ўрни келиб қолганда бирон беҳаё сўзни шеърга қўшиб юборишдан ҳам тоймасди, мусиқани яхши кўрар, дурусттина қўшиқ айтар, халқ қўшиқларини, казак қўшиқларини кўп биларди. Партия раҳбариятидаги ҳамкасабалари билан яна бир муштарак жиҳати бор эди – у ҳам хоккейни жуда яхши кўрар, "Динамо"нинг ашаддий ишқибози эди.

Унинг шеърлари ҳаваскорлик даражасидан кўтарилган эмас, лекин битта шеъри анча-мунча ғаройиб. Кунлардан бирида Бовин ва Арбатов қандайдир муносабат билан унга табрикнома юборишади. Унда ҳокимият одамни бузиши тўғрисида енгил-елпи хавотирлик ҳам билдирилган эди. Андропов бунга шеърий жавоб ёзган.

Бир бетамиз деганмиз бир кун
Стол бузар одамни бешак.
Кўп лақмалар буни такрорлар.
Кўпдан бери сезмайди мудом –
Асли аҳвол бунинг аксидир:
Столларни бузар одамлар...

Андропов раҳбар бўлган бўлим янги эди, шунинг учун у ноёб бир имкониятга эга бўлди – ўз бўлимига партия аппаратининг мактабини кўрмаган одамларни, яъни мияси айнимаган, масалаларга соғлом қарай оладиган ёшларни танлади. Одатда Марказқўм аппаратига бошқа ишлардан бўшаган ҳолда партия ишида кўп йиллар ишлаган одамларни, яъни собиқ райком, горком, обком котибларини олишарди. Улардан интеллектуал меҳнат соҳаларида фойдаланиш анча қийин кечарди.

Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Георгий Хусроевич Шахназаров ҳам Андроповнинг қўлида ишлаган эди. Унинг ёзишича, Андропов ҳарҳолда ўзига ёрдамчиларни партия мансабдорлари сафидан танлаб олган ва кейинчалик улар билан бирга КГБга ўтган Юрий Владимирович интеллектуаллар билан гурунглашиб туришни ёқтирарди, уларнинг билимларидан баҳраманд бўларди, юяларидан фойдаланарди, лекин улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетмасди, худди буржуа мутахассисларидай уларни ўзига кўп ҳам яқинлаштиравермасди. Ишда у партократларни афзал кўрарди, уларнинг итлардек вафодорлигига кўпроқ ишонарди. Маълум маънода Юрий Владимировичнинг ўзи қуюшқондан чиқиб кетавермайдиган бир инсон эди. Ўзининг врачи Иван Сергеевич Кломашовга у шундай деган экан:

– Иван Сергеевич, Лениннинг этагидан маҳкам тутинг, шунда замин узра бемалол одимлайсиз.

Хрушчев даврида, кейин эса, айниқса, Брежнев замонида нутқлар ва докладлар матнларини ёзиб берадиган олимлар юксак қадрлана бошладилар. Бу ишни партия аппаратидаги мансабдорларга зинҳор ишониб бўлмас эди, истеъдодли, салоҳиятли, қалами ўткир одамларни излай бошладилар. Андропов, албатта, қўлида шундай бақувват одамлар ишлаётгани билан ажралиб туришини тушунар эди. Унга бирор муҳим ҳужжат устида ишлаш топширилганда, Андропов унинг натижаси билан Хрушчевни огоҳ қилиб қўярди.

Чиндан ҳам бири биридан ғўзал нутқлар ёзиб бериларди, лекин афсуслар бўлғайким, уларнинг реал ҳаётта таъсири деярли бўлмас эди. Нутқлар борган сари яхшироқ ва ғўзалроқ бўлиб борар, ҳаётдаги ишлар эса борган сари ёмонроқ ва бемазароқ бўла берарди – ўша йиллардаги вазият ана шунақа эди. Меҳнатлар зое кетмади. 1962 йилнинг ноябрида Хрушчев ўзи олдинга сурган кадрларининг яна бир гуруҳини Марказқўмнинг котиби қилиб тайинлади. Уларнинг орасида Андропов ҳам бор эди. Аппаратда Андропов кутилмаган хавф-хатарларга чап беришни ўрганди ва аввалгига қараганда янада эҳтиёткорроқ бўлиб қолди.

Юқорида номи зикр қилинган, Андроповнинг бўлимида хизмат қилган Юрий Владимирович Бернов 1963 йилнинг августида Хрушчев Югославияга борганини эслайди. Ўзи билан бирга у Андроповни, Москва вилоят партия қўмитасининг котиби Егоричевни, Ленинград обкомининг котиби Толстиковни олиб кетган. Кечқурун Хрушчев билан Тито дам олишга кириб кетишганда, Югославияда иккинчи одам ҳисобланган Александр Ранкович совет делегациясини тунги барга таклиф қилади. Андропов қаттиқ толиққанини баҳона қилиб, тунги барга бормайди. Ҳойнаҳой, у чиндан ҳам толиққан бўлиши мумкин, лекин шу билан бирга, у ҳаддан ташқари эҳтиёткор эди, Марказқўм котиби тунги барларга бормаслиги кераклигини яхши биларди.

ВРАЧЛАР ҲУКМИ

Георгий Шахназаров бир қизиқ нарсани пайқаган экан – Андропов гўё ўзининг бўйдорлигидан хижолат чекаётгандай кўринар, ҳеч қачон ўзига ишончи комил одамлар қилгани каби қаддини ғоз тутиб, кўкрагини чиқариб юрмас экан. Бироз елкасини чиқариб, букчайиброқ юрарди. Лекин бундай қилишига сабаб – табиатан тортинчоқ бўлгани эмас, балки партиявий доираларда камтарлигини намойиш қилиш расм бўлгани учун шундай қиларди. Бу унинг иккинчи табиатига айланиб кетганди.

Эски майдондаги мансабдор одамлар юрганда қадам товушлари эшитилмас эди. Улар ўзларининг бутун феълу атворлари ва қиёфалари билан "бошлиқларга эҳтиромим чексиз ва уларнинг ҳар қандай топшириқ ва кўрсатмаларини сидқидилдан бажаришга тайёрман" деб тургандай эдилар. Афтидан, Андропов ҳам бундан истисно эмас эди. Чунки бундай бўлмаса, унинг партиянинг амаллар силсиласи пиллапояларидан кўтарилиши қийин бўларди.

Шахназаров бир куни Юрий Владимирович билан гурунглашиб ўтиришганини эслайди. Тўсатдан Хрушчев билан бевосита боғланган телефон жиринглаб қолипти. Шахназаров ғаройиб бир манзаранинг гувоҳи бўлипти. Тийрак, ёрқин, суҳбати ширин одам бирданига унинг кўз ўнгида командирнинг ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр турган солдатга айланипти-қолипти. Унинг товушида мутелик ва итоаткорлик оҳанглари эшитилибди.

Брежнев Марказий Комитетга келгач, иккинчи котиблик лавозими Суслов билан Кириленко ўртасида талаш бўлган. Улар Бош котибнинг ёнидан жой олиш ҳуқуқи учун курашганлар ва бир-бирларидан ваколатларни тортиб олиш билан шуғулланганлар.

Андропов саросимага тушиб қолган – бир масалани Суслов билан муҳокама қилиб, ҳал қилиб чиққач, балога қолмаслик учун уни Кириленко билан ҳам муҳокама қилишга мажбур бўлган. Аммо Кириленко бутунлай тескари бир фикрни айтиши ҳам мумкин эди – унда уларнинг қай бирининг буйруғини бажаришни билмай, Андропов аро йўлда қоларди.

ГФРдаги собиқ элчи ва Марказқўмнинг халқаро ишлар бўйича собиқ котиби Валентин Михайлович Фалин шундай ёзади: "Раҳбариятнинг бошқа аъзолари ўртасида у ақл-заковати жиҳатидан кескин ажралиб турарди, лекин Андропов иккинчи-учинчи ролларда юрганида бу нарса унга кўп ҳам яхшилик келтирмаган".

Ҳамкасабаларининг андишасиз мулоҳазалари ва сурбетларча қилиқлари уни ҳанг-манг қилиб қўяр, у хафа бўлар, ўз қобиғига биқиниб олишга мажбур бўларди. Шу сабабдан Сиёсий бюро таркибига сайлангандан кейин Андропов билан Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабат, шунингдек, етакчи министрлар билан муносабат ҳам жуда мураккаб туста эга бўлган эди.

КГБнинг раиси бўлганидан кейин ҳам у бу дунёнинг зўрлари ўртасида чапдастлик билан иш юритишга мажбур бўлди. Албатта, КГБнинг раиси шахсан Бош котибнинг номенклатурасида турадиган одам эди, у бошқа ҳеч кимнинг олдида ҳисоб бермасди. Аммо кўп масалаларни ҳал қилишда Андроповнинг Марказқўм котибларига қарамлиги бор эди. У Сиёсий бюронинг бошқа

аъзоларини ҳам унутишга ўзига изн бермасди. Уни тезгина ямламай ютишлари ҳеч гап эмас эди.

Ҳаммадан ҳам мушкули Суслов ва Кириленко билан тил топишиш эди. Улар бир-бирлари билан чиқишмас ва икковлари ҳам Андроповни хушламас эдилар. Бири маъқуллаган нарсани иккинчиси аґдариб ташлашнинг пайидан бўларди. Суслов таътилга чиқибми ёхуд бетоб бўлибми котибият мажлисларини ўтказа олмай қолганида, уларни Кириленко ўтказарди ва баъзан ҳатто авваллари Суслов маъқуллаган қарорлар ёхуд ечимларни ҳам бекор қилиб юбораверар эди. Марказқўм котибиятининг мажлисида эса ҳамма асосий амалий масалалар, шу жумладан, кадрлар масаласи ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинарди. Кейинчалик Андропов ҳамкасабаларидан бирортаси билан мунозарага киришар экан, овозини кўтармасдан, лекин комил ишонч билан койишни ўрганиб олди:

— Мен ҳам давлатнинг энг кейинги одами эмасман.

Хрушчев олиб ташлангандан кейин Андропов фавқулодда мушкул аҳволга тушиб қолди. Бунинг устига-устак, ўша 1964 йилда унинг ҳомийси Отто Куусинен вафот этди. Андропов яккаланиб қолди. У тақдири нима бўлишини, янги раҳбарият уни суриб қўйиш-қўймаслигини билмасди.

Шелепиннинг бақувват гуруҳига у кирган эмасди. Ҳукуматнинг янги раҳбари Косигин билан-ку муносабатлари жуда совуқ эди. Мамлакатнинг бош мафкурачиси бўлиб олган ва жуда катта салмоққа эга бўлган Суслов ҳам Андроповни ёқтирмас эди.

Академик Александр Николаевич Яковлев шундай ҳикоя қилади:

— Мен Канадада элчи бўлиб турганимда ўн уч кишини жосусликда айблаб, мамлакатдан чиқариб юборишди. Ўшанда Андропов КГБнинг раиси эди. У Сиёсий бюрода мени ишдан олиб ташлашни талаб қилди. Менинг Марказқўмдан кетишимга дахлдор бўлган Суслов анча кескин оҳангда деди: “Ўртоқ Андропов, агар хотирам панд бермаётган бўлса, ўртоқ Яковлевни Канадага элчи қилиб КГБ тайинлаган эмас эди, шекилли”. Андропов тахта бўлиб қотиб қолди. У Сусловдан қўрқар эди. Андроповнинг мухлислари ҳисоблайдики, уларнинг шефи Брежнев ҳокимият тепасига келгандан кейин содир бўлаётган консерватив бурилишлардан қаттиқ хавотирга тушган. Лекин бунчалик бўлмаса керак. Мабодо у ташвиш чеккан бўлса, биринчи навбатда, ўзини ўйлаб, мени четга суриб қўйишмадимикин” деб ташвиш чеккан, умуман, унинг жавобини бериб юборишларидан қўрққан. У ҳар нима қилиб бўлса ҳам, Брежневга манзур бўлишга ҳаракат қилган. Георгий Арбатовнинг эслашича, агар бошлиқлар танқид қилса, Андроповнинг кайфияти жуда тушиб кетар, хатто у ўзини йўқотиб ҳам қўярди. У бошлиқлардан қўрқар эди. 1965 йилнинг январида Марказқўм ҳайъатида совет ташқи сиёсати муҳокама қилинади. Синфий ёндашишнинг етишмаслиги учун Андроповнинг роса пўстагини қоқишади. Уни, айниқса, Шелепин билан Косигин жуда қаттиқ танқид қилишади. Улар ташқи ишлар масаласида жуда қаттиқ позицияда туришарди. Андропов ёмонотлиққа чиқиб қолди. Бу кечинмалар унга жуда қимматга тушди. Уни “гипертоник хасталик, миокард инфаркти” деган ташхис билан Марказий клиникага ётқизишади. Врачлар Андроповни ногиронликка ўтказишни таклиф қилишади, бироқ бу сиёсий фаолиятни йиғиштириб қўйиш билан баробар эди.

Айни ўша кезларда Андроповни муолажа қилишга ёш врач Евгений Чазовни олиб келишади. Кейинчалик у академик даражасига кўтарилади ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи бош бошқармага, яъни Кремль тиббиётига раҳбарлик қилади.

Чазов Андроповда на инфаркт, на гипертоник хасталик бор, деган тўхтамга келади. Оғир белгилар — буйрақдаги хасталикнинг натижасидир. Чазов дориларни тўғри танлай билди ва бир неча кундан кейин кардиограмма жойига тушиб қолди.

Андропов бир неча ой касалхонада ётиб тузалиб чиқди ва 1967 йилнинг баҳорига келиб ўзини бутунлай соғлом ҳис қилди.

КГБга ишга тайинланиши унинг учун мутлақо кутилмаган бир иш бўлди деб ёзади ўша пайтда Брежневнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган Александр Агентов. Андропов Брежневнинг кабинетидан батамом ҳанг-манг ҳолатда чиққан. Ўша чоғда Александр Агентов Бош котибнинг қабулхонасида экан. Андроповнинг аҳволини кўриб сўрапти:

— Хўш, қалай, Юрий Владимирович, табрикласак бўладими ёки?..

— Билмадим, — дебди Андропов. — Фақат шуни биламанки, мени тарих ғилдираги яна бир марта босиб ўтди.

Юрий Владимирович чиндан ҳам бу вазифада ишлашни хоҳлаган бўлиши ҳам мумкин. У йилларда Марказқўм котиблигидан КГБ раислигига ўтиш пастроқ рутбага тушиш деб ҳисобланган. Унинг ҳали хабари йўқ эди — бу мансаб уни мамлакатдаги энг дасти узун одамлардан бирига айлантиради ва вақт-соати келганда уни Бош котиб ўриндиғига ўтказади. Сиёсий бюро мажлисида Брежнев Андроповни КГБнинг раиси қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритганда у зўр-базўр шундай деган экан:

— Шу ишни қўяқолсак қандай бўларкин? Бу масалаларга менинг тишим ўтмайди. Бу қийин ишни ўзлаштириш мен учун жуда оғир бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳеч ким унинг гапини инобатга олмаган. Сиёсий бюронинг кўпчилик аъзолари билан Брежнев аввалдан келишиб олган эди. Қолган аъзолар "миқ" этиб гап қайтаришга журъат қила олмадилар — модомики, Бош котиб шундай деб ҳал қилгандан кейин шунақа бўлади-да!

Унинг садоқатли ёрдамчиси Владимир Александрович Крючковнинг сўзларига қараганда, Андропов КГБга раис бўлишини унга шу таклифни айтишган кундагина билган. Крючков шундай ҳисоблайдики, Брежнев Косигиннинг кўнглини олиш учун Андроповни Марказқўм аппаратидан четлаштирган.

Ҳукумат бошлиғи билан Андропов ўртасидаги муносабатлар ўта мураккаб эди. Улар алланечук бир-бирлари билан шахсан чиқишмас эди. Аммо энг муҳими шундаки, улар ўртасидаги ихтилоф аниқ сезилиб турадиган сиёсий заминга эга эди. Андроповнинг ёрдамчилари Косигин таклиф қилаётган ислоҳот суръатлари на фақат оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, балки ижтимоий-сиёсий тузумга ҳам путур етказади деб унинг қулоғига қуйишди ва у бу гапга ишонди. Бошқача қилиб айтганда, Андропов Косигиннинг ислоҳотларидан чўчиган, ҳолбуки, улар жуда ҳам меъёрдаги ўртамиёна ислоҳотлар эди. Шундоқ экан, қандай қилиб, Андропов 1982 йилда Бош котиб бўлгандан кейин жамиятимизда муҳим ислоҳотлар ўтказиш ниятида эди деган гапга ишонмоқ мумкин?

"Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси" фильмида герман разведкасининг бошлиғи Шелленберг ролини фавқулодда зўр маҳорат билан ижро этган Олег Табаков кейинчалик гапириб берган эди. Фильмнинг кўригидан кейин Андропов уни бир чеккага олиб бориб шундай депти:

— Олег, ролни бунақа ижро этиш виждонсизликдир.

Бироқ Брежнев Андроповни КГБ раислиги мансабига қўяр экан, бу билан у Косигиннинг эмас, ўзининг кўнглини хуш этмоқчи эди. Леонид Ильич одамларни жуда яхши танир эди, у ўзига ким содиқ, ким содиқ эмаслигини яхши биларди.

У энг муҳим мансабга ўта садоқатли одамни қўйган эди. Бу томондан Брежневга то сўнгги кунларигача ҳеч қанақа хавф-хатар таҳдид солмаган. Лекин шунга қарамай, у ҳар эҳтимолга қарши Андроповнинг муовинлари қаторида иккита ўзига содиқ ва ишончли одамни сақлаб турган. Булар генерал Цвигун ва Циневлар бўлиб, Андроповнинг ҳар бир қадамини Брежневга етказиб туришган. Андроповнинг Косигинни ёқтирмаслиги эса Брежневга жуда-жуда маъқул эди.

КПСС Марказқўми Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси Вадим Андреевич Медведевнинг ёзишича, Андропов Брежневга астойдил жону жаҳони билан хизмат қилган. У бирон одамнинг, шу жумладан, Косигиннинг ҳам бирон мустақил фикр айтишга уринишларига мутлақо йўл берган эмас.

КГБ РАИСИ

1967 йилнинг 19 майида Андроповни Семичастнийнинг ўрнига КГБга раис қилиб тайинлашади. Бу лавозимда ўн беш йил ишлади – то 1982 йилгача КГБ раиси бўлди. Шу тарзда Андропов Лубянка хўжайинлари ичида бу мансабда энг кўп ишлаган одам сифатида рекорд қўйди. КГБдан кетганда ҳам кўтарилиб кетди, унгача бу фақат Берия билан Шелепингагина насиб этган эди. Бир ойдан кейин Марказкўм пленумида уни Сиёсий бюро аъзолигига номзод қилиб сайлашади. Лаврентий Павлович Берия ва Семен Денисович Игнатьевдан кейин Андропов ана шу юксак партиявий унвонга сазовор бўлган давлат хавфсизлиги раҳбарларининг биринчиси эди.

Бу Брежневнинг туҳфаси эди, Андропов хоҳламаган ишга тайинлангани учун тўланган бадал ҳақи ва айни чоғда келажак учун аввалдан берилган аванс ҳам эди. Лубянкада Андроповнинг ўзини тутиши бенуқсон бўлган эди. У Брежневнинг содиқ сафдоши эди, бирор лаҳза ҳам Леонид Ильичнинг партия ва давлат тузумига раҳбар бўлиши кераклигига шубҳа қилишга ўзига эрк бермагани эди. Хрушчевдан кейин ҳокимиятни гўё уч киши бўлишиб олишгандай кўринарди. Брежнев – партиянинг раҳбари, Косигин ҳукуматнинг бошлиғи, Олий Совет Подгорнийнинг қўлида. Тўғри, Брежнев мамлакатда жуда катта обрў-эътиборга эга бўлган Косигинни йўқотишга анча вақтгача журъат қилолмай юрди, лекин охир-пировардида уни ҳам ўзининг днепропетровсклик ошнаси Николай Александрович Тихонов билан алмаштирди. Брежнев ўзига садоқатли эмасдай кўринган ва давлатта раҳбарлик қилишга даъво қилиши мумкин бўлган ҳамма одамни аста-секин бир чеккага суриб қўйди. У Украина Компартияси Марказкўмининг биринчи котиби Петр Николаевич Шелестни, РСФСР ҳукуматининг бошлиғи Геннадий Иванович Вороновни ва Министрлар Совети раисининг биринчи муовини Дмитрий Степанович Полянскийни бартараф қилди. Баҳслар, мунозаралар вақтида Андропов ҳаммавақт Брежнев ёнинини олар ва бошқаларнинг ҳам унга садоқат билан иш юритишларини қаттиқ тергаб турарди.

Ўша кезларда Сиёсий бюро аъзоси бўлган ва Москва вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Виктор Васильевич Гришин шундай эслайди:

“Ҳаммаси ва ҳамма нарсага у шубҳа-гумон билан ишонқирамай қарар эди. Брежнев ёқтирмаган одамларга у ҳам жуда салбий муносабатда бўларди. Юрий Владимирович бу масалада яқин-яқинларда ўзи таъзим бажо келтириб юрган одамларни ҳам аяб ўтирмас, уларни ҳам бажону дил чўктириб юбораверарди. 1970 йил 25 декабрида у Марказкўмга шундай мактуб билан мурожаат қилган:

“Сўнгги пайтларда Н.С.Хрушчев номига хусусий одамлардан ва капиталистик мамлакатлардан катта миқдорда мактублар ва хат-хабарлар келиб турипти. Уларнинг кўп қисмини Янги йил ва Рождество байрами билан табриклаб юборилган откриткалар ташкил қилади. Уларнинг айримларида диний характерга эга бўлган иборалар мавжуд, уларда Хрушчев Инжил “қаҳрамонлари” билан қиёсланади.

Мактубларнинг муаллифлари Н.С.Хрушчевга “тинчлик курашчиси сифатида ва антисемитизм душмани сифатида” мурожаат қилишади ва унинг беморлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиришади. Бунга ўхшаш хат-хабарлар ва мактублар бир томонлама характерга эга эканини ва хориждаги бузғунчи кучлар томонидан уюштирилаётган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, Н.С.Хрушчев номига келаётган бундай хат-хабарлар миқдорини чеклаш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман...”

Бу мактубда алланечук ғайриинсоний ва қабиҳ бир руҳ бор. Андропов бу ўринда “душманлик фаолияти”дан асар ҳам йўқлигини жуда яхши тушунарди. Дунёнинг ҳар хил бурчакларида истиқомат қиладиган турли одамлар Хрушчевга мактублар йўллашар экан, нафақага жўнатилган кекса одамга бирон оғиз илиқ гап айтишга, шу билан унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишарди. Бу хат-хабарлар соф инсоний туйғулар таъсирида ёзилган эди. Аммо Андропов собиқ доҳийга қаттиқ ботадиган бирон ғаламислик қилиш имконияти пайдо бўлганидан уни қўлдан чиқармади. Ҳолбуки, бир вақтлар

Андропов ўз ҳамкасабаларидан бири билан холи гаплашганида ҳеч ким ва ҳеч нарса уни мажбур қилмаган бир шароитда Хрушчев тўғрисида завқ-шавқ билан шундай деганди:

— Бу одамни катта ҳарфлар билан ёзиш керак бўлган ҳақиқий коммунист деса арзийди.

Гришин Андропов тўғрисида шундай деб ёзади:

"Андропов гарчи писмиқ одам бўлса-да, ўзини камтар тутар ва ўртоқларига диққат-эътибор билан қararди. Баъзан ҳаддан зиёд эҳтиёткор бўлиб кетар эди. Масалан, ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётган пайтларда ҳар гал ҳар хил йўллардан юрган, машиналарини тез-тез алмаштириб турган. Унга мутакаббирлик ҳам бегона эмас эди — баъзан манманликка берилиб кетар, ўзига ҳаддан зиёд бино қўйиб юборар, димоғдорлик ҳолатлари ҳам сезиларди. Л.И.Брежнев билан жуда яқин эди. Хизматда ҳам, уйда ҳам истаган вақтда уни ҳузурига кира оларди. Ҳамма масалалар бўйича ахборотни ва таклифларни унга шахсан ўзи айтарди. Уларнинг айримларигина кейинчалик КПСС Марказқўмининг Сиёсий бюросида кўриларди".

Олий рутбалик амалдорларнинг ҳаммаси иш кабинетларида хуфия равишда гап-сўзларни ёзиб оладиган аппаратлар борлигини ва телефондаги гап-сўзларни назорат қилинишини билар эдилар ва фаолиятларида буни инобатга олардилар. Шунинг учун улар ғоятда эҳтиёткор эдилар ва кабинетларида хатарли гапларни гаплашмас эдилар. Энг хавфлиси — Бош котиб ҳақида бирон ёмон гап айтиш эди. Бунинг оқибати ҳамиша ишдан ҳайдалишга олиб келарди.

"Барвиха" санаторийсида Сиёсий бюро аъзолари учун махсус бино қурилган эди. Бу ерда хизмат қилувчилар дам олишдаги Сиёсий бюро аъзоси тўғрисида билган, эшитган ва кўрган нарсаларининг ҳаммасини, унинг ўзини қандай тутишлари, кимлар билан учрашгани, кимга нималар деганини санаторийда ишлайдиган КГБ ходимига оқизмай-томизмай айтиб беришлари керак эди. Андропов қўлтиғида семиз папкаси билан деярли ҳар куни Брежневнинг ҳузурига келарди. Расмий қоғозлар Марказқўмга умумий бўлим орқали етиб келарди. Аммо энг муҳим материаллар тўғрисида Андропов Бош котибга шахсан гувоҳларсиз ахборот берарди.

Виктор Гришин ёзади:

"Ўйлайманки, бизнинг ҳар биримиз тўғримизда, Сиёсий бюронинг ҳар бир аъзоси ва аъзоликка номзод тўғрисида, шунингдек, марказда ва жойлардаги ҳамма раҳбарлар тўғрисида КГБда махсус папкалар бор эди. Тахмин қилиш мумкинки, Л.И.Брежневнинг Сиёсий бюро аъзолари даврасида айтган бир гапи шу ҳол билан боғлиқ эди:

— Сизнинг ҳар бирингиз тўғрисида қўлимда материаллар бор...

На фақат телефонларгина хуфия тингланарди. Техника ёрдамида КГБ партия ва ҳукумат раҳбариятининг ҳамма аъзолари уйларида ва чорбоғларида нималар тўғрисида гапиришларидан огоҳ бўлиб турарди. Бир куни шахсий суҳбатда Ю.В.Андропов шундай деган эди:

— Телефондаги сўзлашувларни ва тўғри гап-сўзларни менинг соҳамда ёш-ёш қизлар ўтириб эшитишади. Баъзан одамлар гапирадиган гапларни ёки уйларида кўрсатадиган нағмаларини эшитиб, қиз бечоралар қийналиб кетишади. Ахир, бу гап-сўзлар кечаю кундуз узлуксиз олиб борилади-да.

КГБ ходимларининг тасдиқлашига кўра, партия аппаратида ишлайдиган одамларнинг телефондаги гап-сўзларини хуфия тинглаш ва уларнинг гурунгларини ёзиб олиш КГБ ходимларига ман қилинган экан. Аммо бу тақиқларга чап бериш осон эди — партия аппарати ходимининг эмас, у гаплашаётган одамнинг телефондаги гапи тингланарди, тамом-вассалом.

Валентин Фалин бир куни унга Андропов қўнғироқ қилганини ва Марказий Қўмитанинг халқаро ахборот бўлимида хизмат қиладиган бир маслаҳатчини ишдан бўшатиш кераклигини айтипти. Негаки, КГБ унинг бир немис дипломати билан "шубҳали" мазмундаги суҳбатини ёзиб олган экан. Бир элчини Андропов хорижга юборилмайдиган қилиб қўйипти, чунки у аллақайси даврада "Ғарбда ақлли одам хор бўлмайди" деган экан. КГБ ходимлари бу гапни ёзиб олиб, Андроповга кўрсатишипти ва у шу заҳотиёқ муайян қарор қабул қилипти. Ҳаммани қўрқитиб олган Андроповнинг ўзи ҳам қўрқар эди.

Виктор Гришин ёзади:

“Юрий Владимировичнинг консерватизми унинг шахсий ҳаётида, феъл-атворида ҳам намоён бўлар эди. У жуда писмиқ эди, ичимдагини топ деб ўтираверарди, одамларга ишонмас эди, ҳар нарсадан чўчийверарди. Унинг шахсий ҳаёти ҳам бошқаларнинг кўзидан яширин кечарди, у хизматдош ўртоқлари билан шахсий мулоқотларда бўлишни истамасди. Мен уни дўстлар даврасида дастурхон тепасида атиги икки-уч марта кўрганман, холос. Бу – Янги йилни кутишда ёки Сиёсий бюро аъзоларидан бирортасининг туғилган кунида рўй берган эди. Ўшанда ҳам бу йиғинларга Андропов Л.И.Брежнев борсагина борарди”. Ю.В.Андропов бир хил тусда кийинарди, қишда ҳам, кузда ҳам бир хил узун қора рангдаги пальто устидан тушмас, тим қора ёхуд тўқ ҳаворанг костюм кияр, тўқ кулранг шляпани эса ҳатто иссиқ ёз кунлари ҳам ечмасди. Ҳокимиятнинг учта юқори табақасида - Сиёсий бюро аъзолари, аъзоликка номзодлар ва Марказқўм котиблари ўртасида ҳеч қанақа шахсий муносабатлар йўқ эди. Партия раҳбарлари ўртасида ҳам амалда ҳеч қандай шахсий муносабатлар йўқ эди. Улар бир-бирларини хушлашмас ва ўз-ўзидан аёнки, ҳеч кимга ишонишмас эди. Сталин Сиёсий бюро аъзоларининг ўзи иштирок этмайдиган йиғилишларини ёмон кўрарди. Бу борадаги ҳадик – Бош котибдан қўрқиш ўша замонлардан сақланиб қолган. Агар иш юзасидан бўлмаса, ҳеч ким ҳеч ким билан учрашмас эди.

Михаил Сергеевич Горбачёв Сиёсий бюро аъзоси бўлгандан кейин Андропов билан ёнма-ён дала боғига жойлашганини ёзади. Бир куни уни хотини Татьяна Филипповна билан бирга уйига тушликка таклиф қилипти. Андропов таклифни рад этипти ва буни шундай изоҳлапти:

– Агар мен сеникига борадиган бўлсам, эртагаёқ ҳаммаёқда дув-дув гап бўлиб кетади, ким, қачон, ким билан, нимани муҳокама қилишди? деб роса чайнашади. Мен сеникига етиб бормасимданоқ Леонид Ильичга етказишади...

Генерал Кирпиченко Андроповнинг ўта эҳтиёткор одам бўлганини ёзади. У ўз ваколати доирасидан чиқиб кетяпти деган таассурот туғилмасин учун Андропов зиммасига ортиқча масъулият олмас эди. Сал-пал муҳим бўлган ҳар қандай масала бўйича дарҳол Марказқўмга ахборот ёзарди...

1974 йилда Ленинград вилоят қўмитасининг биринчи котиби Григорий Васильевич Романов иккинчи қизини узатади. Тўй унинг дала ҳовлисида бўлиб ўтган. Лекин орадан кўп ўтмай, бутун мамлакат бўйлаб миш-мишлар тарқади: тўй бениҳоя катта дабдабалар билан ўтганмиш, ҳатто бебаҳо идиш-товоқлар Эрмитаждан олинган эмиш, бадмаст меҳмонлар бебаҳо сервисни чил-чил қилиб синдиришганмиш... Бу миш-мишларни баъзи бир ғарб радиостанциялари ёзиб олиб эшиттиришди. Буларнинг бари чет элда ўзига қарши уюштирилган фитнанинг оқибати эканига Романовнинг ишончи комил эди.

Партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг собиқ ходими Валерий Легостаев Романовнинг Андроповга ёрдам сўраб мурожаат қилганини ёзади:

“Радиода амалга оширилган бу иш Ғарбдаги махсус хизматларнинг розилиги ва фатвоси билан қилинганини Андропов тасдиқлаган. Бундан кузатилган мақсад СССРнинг олий рутбали раҳбарияти таркибида Ленинград вилояти қўмитасининг биринчи котиби эгаллаб турган мавқега путур етказиш бўлган.

Г.В.Романов Ю.В.Андроповдан бу тўғрида КГБ номидан расмий баёнот беришни илтимос қилди. Бунга Андропов шундай жавоб берди:

“Улар бехосдан акса уриб юборса ҳам, биз уларга жавоб бераверамизми? Парво қилма, ишлайвер”.

Андропов Романовни ёқтирар эди. Юрий Владимирович Бош котиб бўлганидан кейин Романовни Москвага ўтказади. Аммо КГБнинг раиси сифатида у Сиёсий бюро аъзоларидан бирининг тақдирига кўмаклашишни истамади. Ахир, бошқаларда Андропов ўз гуруҳини тузяпти деган таассурот қолиши мумкин эди-да. Агар Брежневда шунақа гумон туғиладиган бўлса, Андроповга ҳам Шелепиннинг кетидан кетишга тўғри келарди. У столидан жудо бўларди.

ИТНИ ЗАҲАРЛАМОҚ ЛОЗИМ

Андропов КГБга тайинлангандан кейин бир неча кун ўтгач, Семён Кузьмич Цвигун унинг муовини бўлди, Георгий Карпович Цинев эса коллегия аъзоси бўлди. У айни чоғда Иккинчи бош бошқармага раҳбарлик ҳам қилар эди. Бунга қадар эса Цинев Учинчи бошқарма (ҳарбий контрразведка)га раҳбарлик қилар эди. Энди унга бошлиқ этиб Виталий Васильевич Федорчук тайинланди. Кадрлар бошқармасининг бошлиғи этиб эса Украина Компартия Днепропетровск вилоят бўлимида иккинчи котиб бўлиб ишлаган Виктор Михайлович Чебриков тайинланди. Моҳиятан олганда, Давлат хавфсизлиги қўмитасининг ҳамма раҳбариятини ўзгартиришди. Шу жумладан, Тўққизинчи бошқарма бошлиғи (Бош котибнинг шахсий соқчилари ва Сиёсий бюронинг қўриқчилари) ҳам янгиланди.

Тўққизинчи бошқарманинг бошлиғи тўғридан-тўғри Бош котибга бўйсунарди ва топшириқларни бевосита унинг ўзидан оларди. Агар у ўзи хоҳласа, қилаётган ишлари тўғрисида КГБ раисига ахборот берар, хоҳламаса – бермасди.

Андропов бошиданоқ комитетда ўз мавқеини тўғри қўя олди. КГБнинг эллик йиллиги муносабати билан 1967 йилнинг декабр ойида кўпни кўрган Семён Кузьмич Цвигун янги раиснинг уйига бир яшик коньяк жўнатди. Унинг хотини Татьяна Филипповна коньякни олиб келган одамга деди:

– Семён Кузьмичга айтиб қўйинг, – Юрий Владимировичда бу коньякдан фойдаланиш имконияти йўқ. Шундоқ бўлгандан кейин яшикни қайтариб олиб кетаверасиз...

Бу гап бутун комитетга тарқалади ва раисга бошқа совға-салом олиб келишмайди.

Вадим Кирпиченконинг ёзишича, Андропов билан бирга Марказий Комитетдан унинг бир гуруҳ ёрдамчилари ҳам комитетга ўтишади. Кейинчалик уларга генераллик унвонлари берилади. Бу гуруҳ шахсан унга жуда садоқатли эди ва раисга нисбатан бирон ғаламислик ёки нохайрихоҳлик пишиб келмаяптими деб қаттиқ кузатарди. У ходимлари билан гаплашаётганда бехосдан бирор бошлиқни қаттиқ койир эди-да, кейин унинг нима дейишини кутиб турарди. Ҳойнаҳой, у теварагида турган одамлар тўғрисида қўшимча ахборот олишга эҳтиёж сезган бўлса керак.

Янги раис ўз тобеинларига топқирлиги билан кўп манзур бўлди. Биринчи бош бошқармада хизмат қилган генерал Олег Данилович Калугин битта жиддий операцияни таърифлаб берган. КГБдагилар америкаликларнинг совет резидентининг хотинини ёлламоқчи бўлишаётгани тўғрисида хабар олишади. Бу аёлнинг жинсий иштиёқларида одатдагига хилоф ғаройиб жиҳатлар бор экан – у ўзига шерик қилиб итни танлаган экан.

Кенгашни Андроповнинг ўзи ўтказипти. КГБ раиси ғоятда дадил бир таклифни айтипти – у итни заҳарлаб ўлдиришни таклиф қилипти. Аммо бизнинг совет дорилари итнинг бақувват организмига таъсир кўрсата олмапти. Дорининг кучи шунга етиптики, ит фалаж бўлиб қолипти, холос. Буни кўриб, итнинг эгаси – бояги аёл қаттиқ қайғурипти.

Андроповнинг КГБга келиб қилган энг катта иши шу бўлдики, у бу муассасанинг кўламини жуда кенгайтирди. Хрушчев замонида ўтказилган штатлар қисқартирилиши туфайли еттан зарарлар ўрнини қоплади, комитетда ишлайдиганлар сонини тиклади ва аппаратни янада кенгайтирди. Н.С.Хрушчевнинг чекистларга ва уларнинг муассасасига беписанд муносабати туфайли комитетнинг пинҳона ҳокимиятидан анча путур кеттан эди. Андропов Комитетнинг ана шу ҳокимиятини қайта тиклади.

КГБ раисининг собиқ биринчи муовини Филипп Денисович Бобковнинг китобидан КГБнинг маҳаллий органлари нима билан машғул бўлганини билиб олиш мумкин. Масалан, бирор аёл дам олгани скамейкага ўтирди, дейлик. У ёнига хорижий турист келиб ўтирганидан бутунлай бехабар. Уни шу заҳотиёқ хорижлик одам билан мулоқотга киришган сифатида рўйхатга олиб қўйишади. Шунинг ўзи бу аёлни ишга олишда чекловлар қўймоқ, унинг хорижга чиқишини тақиқламоқ учун мутлақо кифоя эди.

Андроповгача КГБ Министрлар Совети қошидаги Давлат қўмитаси эди. Андропов келгандан кейин КГБни ҳукуматга тобеликдан бутунлай халос этишади ва у жўнгина СССР КГБси деб атала бошланади. Андропов ўз тобеинларининг моддий фаровонлиги тўғрисида ҳам кўп ғамхўрлик қилар эди ва улар ҳам бунинг эвазига бекаму кўст садоқат билан жавоб берар эдилар. Бироқ Комитетнинг обрўйи кўтарилганидан улар янада мамнун эдилар. Сталин даврида давлат хавфсизлиги қилган ярамас ишлар ҳақидаги гап-сўзлар орқада қолиб кетди. Органлар тарихида фақат инқилоб шунқори Феликс Эдмундович Дзержинскийнинг ёрқин образигина қолди ва КГБда хизмат қилиш ҳавас қиладиган ишга айланди. Юрий Владимирович кам нутқ сўзларди, сўзлаганда ҳам босиқлик билан шошмай, секин гапирарди. Унинг тобеинларининг мутлақ кўпчилиги ўз раисларини тириклигида бирон марта ҳам кўришган эмас. Раис уларнинг тасаввурида осмоннинг еттинчи қаватида ўтирадиган буюкларнинг буюги эди.

КГБда хизмат қилиш романтик иш бўлиб кўринарди. Бу ерда ишлаганлар ўзларининг фавқулодда одамлар эканига астойдил ишонишар, бошқаларнинг ақли етмайдиган яширин нарсаларга, катта сирларга дахлдорликлари важидан димоғлари шишиб юрарди. Ҳолбуки, қуйи ходимларга ҳеч қанақа ахборот берилмас, улар ҳеч нарсадан воқиф қилинмасди. Бошлиқлар қўллари остидаги ходимларнинг бевосита бажарадиган ишларидан ташқари бирон нарсадан хабардор бўлишларини истамас эдилар. Бунинг эвазига уларга катта маош тўланар, квартиралар берилар, тансиқ озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма олинарди. КГБнинг поликлиникаси, госпиталлари, ателъелари, дам олиш уйлари ва санаторийлари бор эди. Бу санаторийларда ходимлар деярли бепул дам олишарди.

Андропов даврида КГБда генералга хизмат қиладиган лавозимлар жуда ҳам кўпайиб кетди. Ҳарбий контрразведкада ҳамма бўлим бошлиқларининг лавозимларини генераллар ишлайдиган лавозимга айлантирдилар. Ҳатто уруш йилларида ҳам бунақаси бўлмаган эди. Андроповнинг тўртта муовини армия генерали бўлиб қолди. Бу саркардаларга бериладиган унвон, уруш йилларида кўпгина машҳур генераллар ҳам бу унвонга сазовор бўлган эмас. Лубянкада эса ардоқли юлдузларни орқа-олдиларига қарамай улашаверар эдилар.

Андроповнинг оператив техника бўйича Николай Павлович Емохонов деган муовини бўлар эди. У алоқа қўшинларида хизмат қилган, 1945 йилда Ғалаба парадида иштирок эттан, фурсати билан 108 рақамли Илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилган, техника фанлари доктори деган илмий даража учун диссертация ёқлаган, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотларининг лауреати бўлган. Андропов уни 1968 йилда бошқарма бошлиғи қилиб ишга олган, кейин эса ўзига муовин қилиб олган ва армия генерали унвонини берган.

Андропов КГБнинг маҳаллий органлари тармоқларини кенгайтирди, мамлакат ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олмоқ учун марказий аппаратда янги бошқармалар ташкил қилган. Лекин у дарҳол ўзининг нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган масалани – жамиятнинг маънавий ҳолати устидан назоратни ажратиб олган.

Венгрия тажрибаси унга социализм учун хавф мафкуравий занглаш туфайли юзага келишини доим эслатиб турган.

Андропов янги лавозимда ишлар экан, оддий фуқароларнинг назаридан панада қоладиган кўпгина янги муаммолар унинг нигоҳи қаршисида намоён бўлди. Фуқаролар бу муаммолардан фақат Горбачёв даврида хабардор бўлишади ва уларни, хусусан, миллий муносабатлар соҳасидаги жуда жиддий проблемаларни яқинда пайдо бўлган янги муаммолар деб қабул қиладилар.

ГДР разведкасининг ўша пайтдаги бошлиғи генерал-полковник Маркус Вольф Андропов билан кўп марталаб учрашган эди. Бир гал у Москвага ёрдам сўраб учиб келди. У ўзининг агенти Гюнтер Гийомни озод қилиш ниятида эди. Шу одам туфайли Ғарбий Германия канцлери Вилли Брандт истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди. Буни амалга оширса бўларди, лекин бунинг учун Москва Исроилга кетаман деб оёқ тираб туриб олган физик Шаранскийнинг кетишига рухсат бермоғи керак эди. Аммо бунинг ўрнига

Шаранскийни жосусликда айблаб, катта муддатта қамоққа ҳукм қилишган эди. Маркус Вольф Андроповни бу масалада фикридан қайтармоқчи бўлади, бироқ кўрадики, бутун Кремль нима учундир тиш-тирноғи билан Шаранскийга ёпишиб олган.

— Ўртоқ Вольф, — дейди унга Андропов, — агар биз шундоқ бир сигнал берсак, бу нималарга олиб келиши мумкинлигини наҳотки тушунмаётган бўлсангиз? Бу одам жосус, лекин бундан ҳам муҳими шундаки, бу одам — яҳудий. У яҳудийлар ҳимояси учун кураш олиб бормоқда. Агар биз яҳудийларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадиган Шаранскийни озод қиладиган бўлсак, бошқа халқлар ҳам ундан ибрат олиб, шу йўлдан кетишлари мумкин. Навбатдагиси ким бўлади? Немисларми? Волга бўйими? Крим татарларими? Қолмиқларми? Чеченларми? Агар биз ҳамма тўсиқларни олиб ташлаб, йўлни кенг очиб қўйсак, халқ ҳамма дардлари ва даъволарини дастурхон қилиб ёйиб ташлайди. Улар лава каби устимизга ёпирилади, унда биз бу лавани тўхтатиб қолишга ожизлик қилиб қоламиз.

БЕШИНЧИ БОШҚАРМА: УНИНГ АВРА-АСТАРИНИ КЎРИНГ

Андропов Лубянкага келгандан кейин бир ой ўтар-ўтмас Марказқўмга мактуб йўллайди. Унда қўпорувчи кучларнинг яширин фаолияти анча маҳобат билан тасвирланган. Бу фаолият яширин аксилшўровий гуруҳлар тузишга миллатчилик тамойилларини аланга олдиришга, черков ходимлари ва мазҳабпарастларнинг реакцион фаолиятини жонлантиришга йўналтирилган. Мактубда “бизга ёт бўлган мафкуравий таъсир остида шўро фуқароларининг сиёсий жиҳатдан пишиб етмаган бир қисми ўртасида, айниқса, зиёлилар билан ёшлар орасида сиёсатта лоқайдлик ва нигилизм кайфиятлари шакллана ётгани ҳақида огоҳлантирилади. Бундан маълум ва машҳур аксилшўровий унсурларгина фойдаланиб қўя қолмайди, балки сиёсий лақмалар ва сафсатабозлар ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланади. Бу ҳол бундай одамларни сиёсий жиҳатдан зарарли хатти-ҳаракатлар қилишга ундайди”. Андропов марказда ҳам, жойларда ҳам бутун кучини мафкуравий бузғунчиликлар билан курашга сафарбар қиладиган бўлинмалар тузишда давом этди.

1967 йилнинг июлида КГБнинг Бешинчи бошқармаси тузилди. Бошқарманинг биринчи бошлиғи КПСС Ставрополь ўлка қўмитасининг собиқ котиби тайинланди, аммо орадан бир йилдан ошиқроқ вақт ўтгач, унинг ўрнига кўп йиллик тажрибага эга бўлган чекист Филипп Денисович Бобков келди.

Георгий Арбатовнинг ёзишича, Андропов ўзининг юоясидан жуда мамнун бўлган экан. У шундай депти: энди зиёлилар билан янги одамлар шуғулланишади. Улар бамаъни, ишнинг кўзини биладиган одамлар. Шунақа қилмасак, контрразведка уларга шунчаки жосус қилиб олса бўладиган одамлар сифатида қарамоқда. Шундай катта комитетда жосусларни ушлайдиган одамлар барибир, етишмас эди. Шунга қарамай, уларнинг кўпчилигини бу ишдан халос этдилар ва улар зўр иштиёқ билан зиёлиларнинг пўстагини қоқишга киришишди.

Бешинчи бошқарманинг иши тўғрисида менга 1967 йилдан Бобковнинг қўлида ишлаган подполковник Александр Николаевич Кичихин батафсил гапириб берган эди.

— Бешинчи бошқарма қанақа бўлимлардан ташкил топган?

— Ижодкор зиёлилар билан шуғулланадиган бўлим бор эди. Мен ўзим миллатлараро муносабатлар бўлимида ишлаган эдим. Талабалар ва уюшмаган ёшлар бўлими. Уюшмаган ёшларга панклар, хиппилар ва ўзимиздан чиққан дастлабки фашист ёшлар кирарди. Дин бўлими — энг катта бўлимлардан бири эди. Шахси маълум бўлмаган одамлар ва террористик ниятларни ўйлаб юрган одамлар билан шуғулланувчи бўлим. Бу одамлар, одатда, ишга киришишдан аввал газеталарнинг таҳририятларига дўқ-пўписаларга тўла мактублар йўллашади. Сионизм билан кураш бўлими ҳам бор эди. Бу бўлимга бошқарма

бошлиғининг шахсан ўзи раҳбарлик қиларди. Солженицин, Сахаров каби энг кўзга кўринган диссидентлар билан шуғулланадиган бўлим ҳам бор эди. Кейинчалик у мустақил тизимга айланди. “Озодлик” радиостанциясига қарши, Халқ-Меҳнат Иттифоқи (НТС)га қарши кураш олиб борадиган бўлим ҳам мавжуд эди. Яна бир кичкина бўлимча бор эди – у социалистик мамлакатлардаги ҳамкасабаларимиз билан алоқалар масаласига масъул эди.

– Сизнинг қўлингизда қанча одам ишлар эди?

– Мен келганимда икки юзга яқин эди. Бу КГБ Марказий аппаратидаги энг кичкина бўлим эди. Бошқа бўлимларда минглаб одамлар ишлар эди. 1980 йилдаги Москва Олимпиадаси арафасида бошқармада ишлайдиганларнинг сони олти юз кишига етиб қолди. Ҳамма бўлимлар ҳам катталашди. Агар Олимпиадага қадар, масалан, спорт ва спортчилар билан кичкинагина бўлимча шуғулланган бўлса, Олимпиада вақтида бу йўналишга беш юз кишидан ортиқ ходим ташланди.

КГБ ва Олимпиада масаласи алоҳида мавзу. Олимпиадани ўтказмоқ учун КГБнинг Москва шаҳар бошқармаси марказий аппаратдан мадад учун икки минг одам келди. Булардан ташқари яна жойлардан тўққиз юз одам, Орлов алоқа билим юртидан яна тўрт юздан ортиқроқ курсант ва ўқитувчилар ёрдамга келди.

Олимпиададан кейин кўпгина зобитларга орденлар берилди. Пойтахт бошқармасининг бошлиғи Алидин Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва СССР Давлат мукофоти лауреати нишонини олди.

– Бешинчи бошқармада кимлар ишларди? Улар КГБнинг Марказий аппаратида нимаси биландир ажралиб турармиди?

– Ҳа, албатта. Бошқа ҳамма бошқармалардан ажралиб турардик. Бизда “тилла ёшлар”, ҳар хил алоқаларга эга бўлган кимларнингдир ўғиллари йўқ эди.

- Сизларнинг бошқармангиз унчалик обрўли эмасмиди?

– Орқасида мададкорлари бор йигитлар, асосан, биринчи бошқармада, разведкада кўп эди, чунки бу иш тўппа-тўғри хорижга олиб борадиган энг ишончли йўл эди. Лекин биз ўз бошқармамизни бошқаларига қараганда энг муҳими деб ҳисоблаймиз.

– Нечук?

– Бешинчи бошқарма жамиятда нималар содир бўлаётганини бошқалардан кўра яхшироқ билар эди. Разведка хорижий ишлар билан шуғулланарди. Контрразведканинг ҳам асосий эътибори хорижликларга, хорижий жосусларга қаратилган эди. Фақат бизгина ҳамма қора ишни бажарар ва жамиятдаги жараёнларни ҳамда кайфиятни ўрганардик. Биз ҳаётни персонал машиналаримизнинг деразасидан қараб ёки хорижий газеталар саҳифаларини ўқиб ўрганмас эдик. Бизнинг ишончимиз комил эдики, жамиятдаги жараёнлар таҳлили мамлакат раҳбариятига жуда-жуда зарур, улар шунга қараб тўғри қарорлар қабул қилади, мамлакат ҳаётида нималарнидир тўғрилашади.

– Сиз бунга чиндан ҳам ишонармидингиз?

– Ҳар битта кенгашда бизнинг кулоғимизга шундай деб қуйишар эди. Ахир, комитетнинг ичида узлуксиз равишда ходимларни психиологик жиҳатдан тарбиялаш иши давом этарди. Юқоридан пастгача ва пастдан юқоригача. Яъни биз бир-биримизнинг мияларимизни тозалаш билан овора эдик. Бизнинг бошқармамизга Филипп Денисович Бобков бошчилик қиларди. У Бешинчи бошқармага ўн беш йил раҳбарлик қилган. Уни КГБ раисининг муовини этиб тайинлашгандан кейин ҳам, бизнинг бошқарма ишларига кўз-қулоқ бўлиб туришда давом эттан. Ишга қабул қилинадиган ҳар бир янги одам билан Бобковнинг ўзи суҳбатлашар эди.

– Генерал Бобков ўзгача фикрлайдиганларга қарши кураш учун асосий масъул одам эди.

– Агар Бобков бўлмаганда, бу кураш ўттиз еттинчи йиллар усулида олиб борилган бўларди. КПСС Марказқўмидан келадиган ва оқизмай-томизмай бажарилиши керак бўлган кўрсатмаларни у бироз ўзига хос тарзда – ўзгача фикрловчиларни маҳв этиш эмас, қайта тарбиялашга йўналтирилган ҳолда

қабул қиларди. Бобков менинг назаримда ўз соҳасини бекаму кўст биладиган юксак маҳоратли мутахассис. Бироқ у тузум ҳудудларидан ташқари чиқиб кетолмасди. Бу ҳудуд эса бир томондан бошлиқларнинг буйруқлари ва кўрсатмалари билан, иккинчи томондан, қуйидан келадиган ахборот билан белгиланар эди. Мен бошқармада ўн йил мобайнида қатағон қилинган халқлар билан шуғулланганман. Шунинг учун бир мисол келтирмоқчиман. Биз 1969 йилдан бошлаб КПСС Марказқўмига ахборотномалар ёзиб Волга бўйидаги немислар автономиясини тиклаш зарур эканини уқдириб келганмиз.

— Бобковнинг кетиши билан нима ўзгарди?

— Бобков раис муовини бўлиб кўтарилиб кетгандан кейин бошқармада таниш-билишчилик орқасида ишга ўрнашиб олган одамлар кўпайиб кетди. Улар фақат хорижга кетиш билан алоқадор ўринларни эгаллаб олган эдилар. Ижодкор зиёлилар билан иш олиб бориш бўйича тузилган бўлим ҳам табиийки, шунақа ўринлардан бири эди, чунки у ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, артистлар, шунингдек, спортчилар билан ҳам биргаликда хорижга бориш имконини берарди. Бошқармага уддабурон йигитлар тўпланиб қолганди. Улар бирор "гуноҳ" қилиб қўйган рассомнинг альбомини, буклетларини олиб қўйиб, керакли одамларга улашиб чиқардилар. Ёшлар билан шуғулланадиган бўлим керакли болаларни университетларга жойлаб қўярди. Ҳар йили июль ойида бўлимда керакли одамлар болаларининг рўйхати тузиларди.

— Бошқарма ходимлари мамлакатдаги аҳволни тўғри тасаввур қилармиди?

— Бўлаётган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида биз ҳаққоний ахборотга эга эдик. Аммо биз Марказқўм ва Министрлар Советига маълумотномалар ва ахборотномалар жўнатар эканмиз, уларни партия олиб бораётган сиёсатга мос шаклга келтирмоғимиз керак эди. Масалан, Қрим татарлари мамлакатнинг олий ҳокимияти олдига фаоллик билан талаблар қўйишарди, лекин биз экстремистик чиқишларга йўл қўймаслик тўғрисида топшириқ олгандик, яъни террористик актларга, транспорт ишини издан чиқаришга, иқтисодиётга зарар етказилишига, иш ташлашларга йўл қўймаслигимиз талаб қилинарди.

Бу ишларнинг ҳаммасини қилганмиз. Аммо биз яхши билар эдикки, Қрим татарларининг масаласи ечилмагунча уларнинг ҳаракати барҳам топмайди Марказқўмга маълумотномалар жўнатар эканмиз, биз, албатта, экстремистлар тўғрисида ёзар эдик, лекин айни чоғда масалани ҳал қилишнинг сиёсий йўлларини ҳам талаб қилар эдик. Эски майдонда бизнинг ёзганларимизни ўқир эдилар, лекин масалани ҳал қилмасдилар. Биз эса, албатта, оғзаки шаклда. Қамоққа олишлар тўғрисида кўрсатмалар олаверар эдик.

— Бироқ сизнинг фикрингизча, ўз соҳасини яхши биладиган, ҳаётдан ҳам чинакамига хабардор ходим мамлакатимиздаги зиёлилар йўл қўйган нуқсон ва камчиликлар билан қай тарзда кураш олиб борарди?

— Ўзингизни комитетнинг истаган ходими ўрнига қўйиб кўринг. Агар бошлиқлар хавфли деб ҳисоблайдиган нарсани сиз хавфли деб ҳисобламайдиган бўлсангиз оддийгина қилиб сизни даф қилишади. Кўпгина ходимлар бошлиқларнинг фикрига мослашиб оларди, улар эшитмоқчи бўлган гапларни айтиб маълумотномалар беришарди. Агар генерал фалон ёзувчи ёмон деб турса, мен қандай қилиб уни ёмон демаслигим мумкин?

— КГБ қайта қурилгандан кейин Бешинчи бошқарманинг фаолияти ҳақида эълон қилинган материаллар КГБ агентларининг бош суқмаган жойлари қолмаганини кўрсатади. Улар ҳамма уюшмалар таркибига, театрларга, кинога кириб борган эканлар. Бу ҳақиқатан ҳам шундай эдими?

— Бу муҳитдан чиққан баъзи бир одамлар биз билан ҳамкорлик қилишга рози бўлишарди ва комитетдан фойдаланиб, мамлакат раҳбариятининг қулоғига жуда муҳим масалаларни етказишга ва шу йўл билан ҳаётимизни бир даража бўлса-да яхшилашга ҳаракат қилишарди. Бошқа баъзи одамлар эса ҳаётда мавқеларини ўнглаб олишни ёки бирон-бир моддий неъматларга эришмоқни кўзлардилар. Биз уларнинг китобларини нашр эттиришга, хорижга сафар қилишларига, квартира олишларига, телефон қўйиб берилишига ёрдам қилардик.

— Сизлар ўз агентларингизга катта ҳақ тўлардингларми?

— Бизнинг бошқармамизда пул эвазига ишлайдиган агентлар йўқ ҳисобида эди. Биз билан ҳамкорлик қиладиган одамларнинг пулга муҳтожлиги йўқ эди.

Ҳа, энди, ёлғон бўлмасин, аёл агентларимизга 8-март кунига гуллар тақдим этардик.

— Ҳақиқатда Бешинчи бошқарма нима билан шуғулланган? Бошқарма машҳур одамларнинг тевaрагини ўзининг айғоқчилари билан қуршаб олиб, шу тариқа зиёлиларнинг кайфиятини кузатиб борарди.

1970 йилнинг 7 сентябрида Андропов Марказқўмга қуйидаги мактубни йўллайди:

"Давлат хавфсизлиги Қўмитасига шоир А.Твардовскийнинг кайфияти тўғрисида материаллар келиб тушди. Бир хусусий суҳбатда у шундай деган: "Бугун Сталинни оқлашга ҳаракат қилаётган ҳар қандай одамга уят бўлиши керак, чунки бу одамлар нима қилаётганини қалбан ҳис қилмайди. Йўқ, улар нима қилишаётганини билишади, лекин олиймақом сиёсий мулоҳазалар билан ўзларини оқламоқчи бўладилар: сиёсий шароит шуни талаб қилар эмиш, давлат манфаатлари шуни тақоза этармиш... Бу борадаги ғайратлари шу даражада жўшиб кетадики, ўзлари ҳам ўзларининг алмаи-алжаи ёзганларига ишона бошлайди. Мана, кўрасиз — йилнинг охирига бориб, "Литературная газета"да "Новый мир" журнали тўғрисида шарҳ босилади ва унда журналнинг эндиликда нақадар мазмундор ва қизиқарли бўлиб қолгани ҳақида гап сотилади. Нима, бунақа гапларга ишонмайдиган одамлар топилади деб ўйлайсизми? Топилади. Обуна янада ошиб кетади. Бизда "оддий китобхон" деган иборани қўллашни яхши кўришади. Ана шу "оддий китобхон" матбуотда босилган гапга ишонади. У ўнта мақола ўқиб, бизда цензура йўқлиги тўғрисида ахборот олади ва, ўн биринчи мақолани ўқиб, бу гапга чиппа-чин ишонади...

Ахборот тарзида маълум қилинянти.

Давлат хавфсизлиги қўмитасининг раиси: Б.Андропов".

КГБ ҳужжатларида варақалар ва аксилшўровий ёзувлар ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда "ҳокимият обрўсини тўкадиган" адабиёт ва санъат асарлари ҳақида тўғридан-тўғри чақувлар ҳам мавжуд. Таганкадаги театр, Ленком театри спектакллари қораланарди — уларда мазмун тагдор экани, совет воқелигини "аллегрик" шаклларда масхара қилишга интилиш мавжудлиги айтиларди. Ҳатто айрим одамларнинг ахлоқий беқарорлиги ҳам кино ва театрларнинг баъзи бир ходимлари учун жуда ардоқли мавзу бўлиб қолгани КГБнинг ғашини келтирарди.

"Экранда ва саҳнада В.И.Ленин образининг ҳар хил бир-бирига зид тарзда талқин қилиниши ҳам жиддий эътирозлар туғдирмай қолмайди. "Бир сайёрада" деган фильмда Ленин ролини артист Смоктуновский ижро этади. Унда Ленин жуда ғаройиб тарзда намоён бўлади. Бу фильмда инқилобчи Ленин йўқ, аксинча, толиққан, ҳаётдан безган зиёли бор".

"Биз моҳият эътибори билан "Новый мир" журналининг сиёсий жиҳатдан зарарли йўлига чидаб келмоқдамиз. Буни оқлайдиган ҳеч қандай асос йўқ. "Юность" журналининг танқид бўлими ҳеч ким томонидан ҳисобга олинаётгани йўқ ва ҳеч ким бундан зарур хулосалар чиқараётгани йўқ. Журнал сонма-сон шубҳали маҳсулотларни эълон қилишда давом этмоқда..."

Бунақа бадииятдан маҳрум баҳо беришлар КГБнинг асосий вазифасидан нақадар йироқ, тўғрими? Аммо КГБ ўзининг вазифасини айни шундай деб тушунар эди. Мамлакатда жосуслар кам эди, бир ҳовуч жосусни деб шунча кўп одам ишлайдиган улкан муассасани сақлаб туриш — бемаънилик эди. Ҳамма тушунар эдики, партия аппарати ва тузум учун асосий хавф сўз эркинлигида.

Андропов Марказқўмга "самиздат" (хусусий йўл билан китоб нашр этиш) тўғрисида ахборот беради: "Сўнгги йилларда ёшлар ва зиёлилар ўртасида мафкуравий жиҳатдан зарарли материаллар тарқалмоқда. Улар сиёсий, иқтисодий, фалсафий асарлардир. Шунингдек, адабий асарлар, партия ва ҳукумат идораларига, суд ва прокуратура органларига кўпчилик имзо чеккан мактублар, "шахсга сиғиниш қурбонлари"нинг хотираларидир.

Шундай бўлса, бунинг нимаси ёмон? Андропов бундай адабиётнинг тарқалиши "совет халқининг тарбиясига, айниқса, зиёлилар ва ёшларнинг тарбиясига катта зарар етказади" деб исботлашга уринади. Хўш, бунга қарши қандай чора кўрмоқ керак? "Самиздат" фаолиятига дахлдор шахсларнинг кўпчилиги жамоатчилик ёрдамида профилактикадан ўтказилди, бир қанча

ашаддий муаллифлар ва совет давлати ҳамда ижтимоий тузумини қораловчи ҳужжатларни тарқатувчилар жиноий жавобгарликка тортилди.

1980 йилнинг 20 декабрида Андропов Марказқўмга Москва талабаларидан баъзи бирлари бастакор Жон Леннон хотирасига бағишланган митинг ўтказиш ниятида экани тўғрисида ахборот беради. Давлат хавфсизлиги қўмитаси томонидан "бу йиғиннинг ташаббускорларини топиш ва воқеалар ривожи устидан назорат ўрнатиш" бўйича чоралар кўрилмоқда.

Бешинчи бошқарманинг кўпгина ҳужжатлари эълон қилинган. Уларга қараб бошқарма ҳақиқатда нима билан шуғулланганги тўғрисида холисона ҳукм чиқариш мумкин. Масалан, унинг ҳисоботларидан бирида маълум қилинишича, Бешинчи бошқарма драматург Виктор Розов ва файласуф Юрий Карякин устидан материал йиққан, СССРнинг Олимпия делегацияси таркибига 16 та айғоқчини (эътибор беринг – айғоқчини! Соқчиларни эмас, яъни совет спортчиларини хавфсизлигини таъминлайдиган одамларни эмас, уларни хуфиёна кузатиб юрадиган одамларни) қўшиб қўйган, композитор Дмитрий Шостакович оиласидаги аҳвол ҳақида ахборот тайёрлаган ва Михаил Жванецкий ижодидаги ғоявий жиҳатдан ғўр ҳолатлар тўғрисида материаллар тўплаган, атоқли олим Сергей Сергеевич Аверинцов устидан иш қўзғаган, Святослав Николаевич Рерих СССРга келганида у билан мулоқотда бўлган совет фуқароларини текширувдан ўтказган.

Ёшгина спортчи қиз ГДР га мусобақага бориши керак экан, лекин КГБ унинг хорижга чиқишига йўл қўймапти, чунки бу қиз "бирон хорижлик одамга турмушга чиқмоқ ниятим бор" деган гапни айтиб юборган экан. Бешинчи бошқарма буни ҳам ўзининг муваффақиятлари қаторига қўшган экан.

Бояги ҳужжатда булардан ташқари Горький номидаги адабиёт институтига ўқишга кирадиган абитуриентлар ҳам текшириб турилгани айтилади. Абитуриентни обрўсизлантирадиган материаллар асосида бир неча киши кириш имтиҳонларига киритилмаган.

"Наш современник" журналида айғоқчилар воситасида муҳожир ёзувчи Лев Копилев тўғрисида унинг Ғарбдаги аксилшўровий марказлар билан алоқасини фош қилувчи материал эълон қилинганини ҳам бошқарма ўзининг ютуқлари қаторида санайди. Мазкур ҳисоботдан биз яна шуни билиб оламизки, Бешинчи бошқармадаги махсус бўлим муҳожиротдаги НТС ташкилоти билан шуғулланган.

– Давлат хавфсизлиги қўмитаси ходимлари ўртасида НТС нечоғлик жиддий рақиб ҳисобланган? – Мен буни Бешинчи бошқарманинг яна бир собиқ ходимидан сўрадим. У фамилиясини ошкор этмаслигимни илтимос қилди.

– Кўпгина ходимларимиз бошқарманинг хилват жойларида анча-мунча ошкора тарзда "агар КГБ НТСни ўз айғоқчилари билан тўлдириб турмаганида, бу ташкилот аллақачон тарқаб кетган бўларди" деб гапиришарди. Ҳолбуки, бирор айғоқчини НТСга сингдиришдан аввал уни керакли тарзда тайёрламоқ лозим, уни таниқли диссидентга айлантирмоқ керак. Унинг бирор аксилшўровий ҳунар кўрсатишига рухсат бермоқ керак, токи хорижда у чинакам диссидент сифатида обрў топсин. Бундан ташқари уларнинг ҳар қайсиси ўзи билан хорижга бирор арзийдиган ахборот билан бориши, хорижликларни қизиқтира оладиган бирон салмоқли ғояни ўртага ташламоғи талаб қилинарди. Бу ғоя эса, табиийки, бизнинг ижодимизнинг маҳсули бўларди. Шу тарзда биз ўзимиз НТСга кадрлар етиштириб бериб турардик ва уни интеллектуал жиҳатдан озиқлантирардик. Украин миллатчилари ташкилоти (ОУН) масаласида ҳам аҳвол худди шундай эди. Агар ОУН раҳбарларининг рўйхати кўздан кечирилса, уларнинг салкам ярми бизнинг айғоқчиларимиз бўлиб чиқади.

– Аммо НТСнинг мен билан суҳбатлашган раҳбарларининг ишончи комилки, айтайлик, НТСнинг яширин қисмида КГБ айғоқчилари бўлган эмас. У ердаги раҳбарларнинг ҳаммаси бир-бирларини ҳатто болалик чоғларидан бери танир эканлар.

– Рус муҳожирлари сафларига бизнинг айғоқчилар қанақа мураккаб йўллар билан сингдирилганини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Одамлар урушдан олдинги йиллардаёқ жўнатилган эди, улар билан алоқа эса кўп йиллар ўтгандан кейингина тикланарди. Бу пайтга келганда у муҳожирлар даврасида

аллақачон ўзларининг одамига айланиб кетган бўлар ва унинг муҳожирлар ишига садоқати ҳеч кимда шубҳа туғдирмасди.

– Ундай бўладиган бўлса, нима учун КГБ унча хатарли бўлмаган бир ташкилотга қарши курашда шунча кучу шунча маблағ сарфлади?

– НТС ёки ОУНга айғоқчилар юборар экан, қўмита амалда ўзига ўзи хизмат кўрсатар эди, тегишли бўлинмалар ўзларини ўзлари иш кўлами билан таъминлар эдилар. Шу тарзда Бешинчи бошқарманинг штати тобора кенгайиб борарди. Бунинг асосий сабаби шунда эдики, биз томонимиздан юборилган айғоқчилар ўша НТСга жон ато қилардилар, уни яққол сезилиб турадиган ташкилотга айлантирар эдилар. Бинобарин, унга қарши курашмоқ учун КГБнинг ишини кучайтириш талаб қилинарди. Тўғрисини айтганда, агар қўмита мутлақ ҳокимиятга эга бўлган йилларда НТСга қарши курашга жам бўлишиб, жиддий киришилганда, бир йилнинг ўзидаёқ НТСни бартараф қилмоқ мумкин эди. Аммо бу тизимни чалажон ҳолда ушлаб туриш қўмита учун мутлақо фойдасиз эди; бу ташкилотнинг икки пуллик зарари йўқ эди, комитет эса борган сари кенгайиб, семириб бормоқда эди.

Андроповнинг фикрича, душман хорижий туристлардан жосуслик ва мафкуравий қўпорувчилик ишларида фойдаланади. У совет фуқароларининг хорижга сафарини кенгайтиришга қарши эди ва муҳожирликка кетишларига ҳам эътироз билдирарди.

Брежневнинг куёви Юрий Михайлович Чурбанов шундай эслайди: Одамларнинг СССРдан чиқиб кетиши муҳокама қилинганда "Леонид Ильич анча кескин оҳангда айтган экан: "Кимгаки бизнинг мамлакатимизда яшаш маъқул эмас экан, майли, қаерда унга яхши бўлса, қўйворинг, бориб яшайверсин". Леонид Ильич бунақа одамларнинг йўлига қандайдир тўсиқлар қўйишга қарши эди. Бу масалада Юрий Владимирович бошқача фикрда эди, шекилли".

Ленин комсомоли номидаги театрнинг бош режиссёри Марк Анатольевич Захаров газетада босилган суҳбатида театр билан Парижга гастролга боришганини эслайди. Артистлар Париж кўчаларида беш кишидан бўлиб юришган экан, ҳар қайси бешликнинг ўз раҳбари бўлган экан. Қайтишларига тахминан бир ҳафтача қолганда, Захаровнинг ҳузурига артистларга бириктирилган КГБ ходими келипти. У меҳмонхонада гаплашишдан бош тортипти, душманларнинг махсус хизматлари гапимизни эшитиб олишлари мумкин деб чўчипти. Улар Булон ўрмонида анча вақт айланиб юришди. Чекист бош режиссёрга Францияда қолиши мумкин бўлган артистлар рўйхатини кўрсатди, лекин Захаров артистлардан биронтаси ҳам Францияда қолиш ниятида эмаслигини уқдирди. Охир-оқибат бош режиссёр ҳақ бўлиб чиқди.

Андропов ҳам ўз вақтида Семичастний қилганидек, рассом Иван Сергеевич Глазуновни беэътибор қолдирмади. Бироқ Глазунов масаласида Андропов қамчи билан эмас, ширин кулча ёрдамида ҳаракат қилишни таклиф қилди. Бу билан у Давлат хавфсизлик қўмитасининг ҳуқуқлари доирасидан бирмунча ташқарига чиққан эди.

Мана унинг КПСС Марказқўмига йўллаган мактуби:

"1957 йилдан бери Москвада И.С.Глазунов деган рассом ижод қилади. У ижодий жамоатчиликнинг ҳар хил табақаларида ўзини ҳар хил тарзда намоён қилди. Бир томондан унинг теварагида Глазуновни юксак иқтидорли деб ҳисобловчи шахслар тўпланган, иккинчи томондан эса уни мутлақо истеъдодсиз деб ҳисоблайдиган, тасвирий санъат соҳасида мешчанлик дидини тиклаётган одам деб ўйлайдиганлар йиғилган. Шу билан бирга, Ғарбдаги атоқли жамоат ва давлат арбоблари уни мунтазам равишда таклиф қилиб туришади ва унга ўзларининг портретларини ишлаш бўйича буюртмалар бериб туришади. Глазунов портретчи рассом сифатида анча катта шуҳратга эга. Финляндия президенти Кекконен, Швеция ва Лаос қироллари, Индира Ганди, Альенде, Корвалан ва бошқа кўпгина одамларнинг портретларини ишлаган. Бир қатор давлатларда унинг кўргазмалари бўлиб ўтди, бу кўргазмалар тўғрисида матбуотда ижобий фикрлар билдирилди. Совет муассасаларининг топшириғи билан у Вьетнам ва Чилига бориб келган. У ерда ишланган бир туркум сувратлар махсус кўргазмаларда намойиш қилинмоқда.

Глазуновнинг бундай аҳволи, яъни хорижда уни бажону дил қўллаб-қувватлашлари, совет рассомлари муҳитида эса чўчиброқ қабул қилиниши унинг санъаткор сифатида шаклланишида ва, айниқса, унинг дунёқарашини шакллантиришда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Глазуновнинг сиёсий мавқеи унчалик аниқ эмас. Шубҳа йўқки, унинг ижодида ҳам муайян кемтикликлар бор. Кўпинча у ўзининг чиқишларида руспарастлик мавқеида туради, ўқтин-ўқтин эса ошкора антисемитлик кайфиятларига берилади. Унинг сиёсий қарашларининг аралаш-қуралашлиги нафақат кишини сергаклантиради, балки баъзан ундан нафратлантиради ҳам. Унинг жиззакилиги, ҳашаки такаббурлиги ҳам ижодий муҳитда нормал муносабатлар ўрнатишига ёрдам бермайди.

Аммо шуларни баҳона қилиб, Глазуновни ўзимиздан узоқлаштиришимиз кўп ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни Рассомлар уюшмаси томонидан ошкора тан олинмаслиги аҳволни янада мураккаблаштирмоқда. Глазуновдаги салбий сифатларни чуқурлаштирмоқда ва бундан бадтарроқ тарзда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Яна шуни ҳам эътиборга олмоқ керакки, Ғарб вакиллари унинг ижодини реклама қилиш билан чекланиб қолмай, унга таъсир қилишга, хусусан, Совет Иттифоқини тарк этишга ҳам ундамоқда.

Юқорида зикр этилган фикрлар асосида бу рассом теварагида вужудга келган шароитни диққат билан синчиклаб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ кўринади. Эҳтимол, уни бирон-бир салмоқлироқ жамоат ишига жалб қилган маъқулдир. Хусусан, уни Москвада рус мебели музейини очиш ишига жалб қилса ҳам бўлади. Бундай музей ташкил қилишни унинг ўзи ва теварагидаги ўртоқлари қатъият билан талаб қилишмоқда. Масалани кўриб чиқишни илтимос қиламиз”.

Жуда яхши эсимда – ўша кезларда РСФСР Ёзувчилар уюшмасининг Комсомол проспектидаги ҳашаматли иморатида Бешинчи бошқармада хизмат қиладиган полковник одамларни йиғиб, зиёлиларнинг айрим вакиллари Ғарбга сотилгани тўғрисида гапириб берган эди. Ёзувчилар полковникдан миннатдор бўлишди ва уни ўзаро алоқага киришиб, ҳамкорлик қилиб туришга чақирдилар. Улар хато қилмайдиган, тўғри ёзувчилар эди.

Давлат хавфсизлиги қўмитасининг ҳаддан зиёд семириб кетган идораси мамлакатда ҳаммаси бўлиб нечта диссидентга қарши кураш олиб борган? Андроповнинг диссидентлар ҳақидаги маълумотларидан бири эълон қилинган. 1976 йилда 851 та сиёсий маҳбус бўлган, улардан 261 киши аксилшўровий тарғибот учун ўтирган. Мамлакатда 68 минг киши профилактория қозонидан ўтказилган, яъни КГБга чақирилиб, янаги гал энди терговчи чақиражагини айтиб огоҳлантирилган. КГБ раисининг маълум қилишича. 1800 та аксилшўровий гуруҳ ва ташкилотларнинг вужудга келишининг олди олинган. Буни айғоқчилар орқали амалга оширилган. Бундан чиқадики, шахсан Андроповнинг ўзи ҳам мамлакатда юз минглаб одамлар совет ҳокимиятига қарши ҳаракат қилишга тайёр деган фикрдан келиб чиқиб иш юритган.

Диссидентларни Жиноий мажмуанинг икки моддаси бўйича қамашган. 70-модда анча қаттиқроқ бўлиб, у Хрушчев даврида қабул қилинган “аксилшўровий ташвиқот ва тарғибот” деб аталарди. Унда жуда шафқатсиз жазолар назарда тутилган эди. Бу модда бўйича олти ойдан бошлаб, етти йилгача қамоқ жазоси берилиши мумкин эди. Айбланувчи бунга қўшимча равишда яна икки йилдан беш йилгача сургун жазосини ҳам олиши мумкин эди. Агар раҳмдилроқ судья рўпара келиб қолса, у шунчаки жўн, оддий сургун билан қаноатланиб қўяқолиши ҳам мумкин эди.

1966 йилда – Брежнев даврида Мажмуага 190-модда қўшилди. У бироз юмшоқроқ бўлиб, “Совет давлат тизими ва ижтимоий тузумини атайин қораловчи ёлғон-яшиқ гапларни тарқатиш” деб аталади. Унда кўзланган жазо уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 100 сўмгача жаримадан иборат эди. Бу модда бўйича истаган одамни жазога тортиш мумкин эди.

70- ва 190-моддалар бўйича айбланувчиларни чекистлар экспертизадан ўтказиши учун В.П.Сербский номидаги психиатрия институтига жўнатар эдилар.

Агар врачлар КГБ вакилларининг фикрларига қўшилишса, айбланувчиларни мажбурий даволанишга юборар эдилар. КГБ учун бирор одамни совет ҳокимиятининг душмани деб эълон қилиш фойдалироқ эди. Алоҳида архивнинг собиқ бошлиғи Анатолий Прокопенко "Труд" газетасидаги суҳбатида шундай дейди:

"1967 йилда Марказқўм номига ёзилган мактубларида КГБ раиси Андропов, Бош прокурор Руденко, ички ишлар министри Шчелоков мамлакатда содир этилган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни шундай таърифлаб-тасвирлашганки, буни ўқиб, Сиёсий бюро аъзолари ҳанг-манг бўлиб қолишган. Табиийки, бу ишларни қилганларнинг ҳаммаси руҳий хаста одамлар деб таърифланган.

Мактуб муаллифларининг назарида улар келтирган бир мисол совет ҳокимиятига қарши мислсиз даҳдаҳа билан чиқишнинг намунаси бўлади. Бу – Қизил майдонда ўзини қўлбола бомба ёрдамида портлатиб юбормоқчи бўлган Красенков деган одам; бу – мавзолейга кириб олиб, Ленин ётган саркофагни иккига ажратиб ташлашига сал қолган бир одам; бу – "ҳақиқат излаш" дардига чалиниб, ақлдан озган, КГБ иморати олдидаги майдонда ўзини ўзи ёқиб юборган. Хуллас, жиннихоналар етишмаяпти, жиннихоналар ГУЛАГи орадан кўп ўтмай яна бешта хастахонага кенгайди.

1978 йилда олий партия раҳбарияти Министрлар Совети раиси Косигин бошчилигидаги комиссияга совет жамиятининг руҳий аҳволини ўрганиб чиқиш вазифасини топширди. Комиссия "сўнгги йилларда руҳий хасталарнинг сони ортиб бормоқда" деган хулосага келади. Хулоса: одатдаги 80 та психиатрия хастахоналаридан ташқари яна 8 та махсус хастахоналар қурмоқ зарур.

Сиёсий жиннишунослик фақат 1988 йилга келибгина хотима топди. Бу пайтда Ички ишлар вазирлиги ихтиёридан Соғлиқни сақлаш министрлиги тасарруфига турма қабилидаги 16 та жиннихона ўтказилди, 5 таси бўлса бутунлай тугатилди. 800 минг кишига яқин бемор зудлик билан руҳий хасталар рўйхатидан ўчирилди...

КГБнинг таклифи билан Свердловск шаҳридаги подшо оиласи отиб ташланган уй бутунлай бузиб ташланди.

1975 йилнинг июлида КГБ Марказқўмга махфий мактуб юборади: "Ғарбдаги аксилшўровий доиралар томонидан ўқтин-ўқтин подшо Романовлар оиласи тевараги да турли-туман тарғибот тадбирлари ўтказилиб турилади. Шу муносабат билан Свердловск шаҳридаги собиқ савдогар Ипатьевнинг хос уйи тез-тез тилга олинади. Ипатьевнинг уйи ҳамон шаҳар марказида турипти... Шаҳарни режали қайта қуриш тартибида Ипатьевнинг уйини бузиб ташлаш масаласини кўриб чиқиш Свердловск вилоят партия қўмитасига топширилса, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди".

Сиёсий бюро Андроповнинг таклифига рози бўлди ва Свердловск обкомининг биринчи котиби Борис Николаевич Ельцин Ипатьев уйини бузиб ташлаш ҳақида кўрсатма олди.

"БУ СИЗГА ПОКИЗА ҚЎЛЛАР БИЛАН ҚИЛИНАДИГАН ИШ ЭМАС"

Шундай миш-мишлар юради: агар КГБнинг раҳбари Андропов эмас, бошқа одам бўлганида мамлакатда яна Сталинникидан қолишмайдиган даражадаги қатли омлар бўлиши муқаррар эди. Бу, албатта, бўлмаган гап. Сиёсий бюронинг айрим аъзолари бор эдики, улар бирор воқеа бўлиб қолса, ҳуда-беҳудага янада қаттиқроқ чора кўришни талаб қилаверар эдилар. Аммо репрессияларнинг кўлами ва қизғинлиги бош котибнинг феъл-атвори билан белгиланар эди. Брежнев эса ортиқча қаттиққўл бўлишни истамайди. Адиб Константин Михайлович Симоновга Брежнев шундай деган экан:

– Мен ҳаёт эканман... – Шундай дегач, у гапини тўғрилаб олипти. – Мен шу кабинетнинг эгаси эканман, қон тўкилмайди.

Андроповнинг ўрнида уникичалик нозик ақл-заковатга эга бўлмаган одам КГБга раис бўлиб қолганида бутун жамиятни бу қадар кенг кўламдаги мафкуравий назорат остига ола билмас эди.

Комитетдан ўлгудай қўрқишарди. Бу, албатта, бир вақтлардагидек ўлим қўрқуви эмасди, лекин, барибир, қўрқув эди. Ҳатто партиянинг ҳукмронлиги ҳам бу қадар қўрқинчли эмас эди. У комитетга қараганда очиқроқ эди, партияга нималарнидир тушунтиришга уннаб кўрса бўларди. Яширин ҳокимият билан эса баҳсга киришиш мумкин эмас эди. Одамни жиноятчига чиқариб қўйишарди, бироқ буни яширин ҳокимият қиларди. Ўзингни оқлай десанг, эътироз билдирай десанг, бирор нарсани айтиб ўзингнинг ҳақлигингни исбот қилай десанг, кимга ва қаерга айтишингни билолмай хуноб бўлардинг. КГБ ҳеч қачон ҳеч нарсани тан олмасди.

Виктор Гришин ўз хотираларида шундай ёзади:

"Давлат хавфсизлиги комитетига келиши билан Ю.В.Андропов бу идорада Н.С.Хрушчев томонидан амалга оширилган демократлаштириш ва ошкоралик бўйича ҳамма тадбирларни бекор қилди. Қўмитада Сталин даврида нима мавжуд бўлган бўлса. шунинг ҳаммасини қайта тиклади (албатта, оммавий репрессиялардан ташқари). У ҳамма шаҳарлар ва қишлоқларда давлат хавфсизлиги бошқармаларини қайта тиклашга эришди. Давлат хавфсизлиги ходимларини илмий-тадқиқот институтларига, мудофаа аҳамиятига эга бўлган ёхуд бирон-бир муҳимроқ қимматга эга бўлган корхона ва муассасаларга жойлаштирадиган бўлди. Давлат хавфсизлиги органлари темир йўл, денгиз ва ҳаво транспортида яна қайта тикланди.

Одамларнинг ёзишмалари, турли идораларнинг почтаси яна текширувдан ўтказила бошлади. Корхоналарда, муассасаларда, ҳатто одамларнинг яшаш жойларида, "фаоллар", "даракчилар" тизими қайта тикланди. Оддий халқ уларни чақимчилар деб атар эди. Яна телефондаги гап-сўзларни хуфия тинглаш бошланди. Улар маҳаллий бўладими, халқаро бўладими – бунинг аҳамияти йўқ эди.

Андропов бир қарашда ўз қўлида ишлаб кетган Александр Евгеньевич Бобинга ёмон муносабатда эмас эди. Бироқ КГБ унинг мактубини қўлга туширади. Бобин унда "бутун умрим ва истеъдодимни ҳеч нарсага арзимайдиган одамларга (яъни биринчи навбатда бош котибга) хизмат қилиб ўтказишга мажбур бўляпман" деб шикоят қилган экан. Юрий Владимирович шоша-пиша мактубни Брежневга кўрсатади. Бобинни Марказқўмдан ҳайдашади. Андропов эса собиқ ходимига қасамлар ичиб, бу ишга унинг дахли йўқлигини исбот қилмоқчи бўлган.

Бунақа ишлар фақат бир марта бўлган эмас. Мен бир одамни биламан. Уни сабабини мутлақо тушунтирмаган ҳолда Брежневнинг ҳузурида ишдан олишади ва бу билан ҳам кифояланмай, умуман, севимли иши билан шуғулланишни тақиқлаб қўйишади. Бу унинг учун даҳшатли зарба эди. У бу ишда КГБнинг қўли бор деб гумон қилади. У Андроповни шахсан танир эди, шунинг учун нимага бундай бўлганининг сабабларини сўраб, унга хат ёзади.

Уни контрразведка Бош бошқармасининг бошлиғи, раис муовини ҳузурига чақиради, ғоятда хушмуомалалик билан манзират қилади, қўлларини қисиб кўришади ва тантанавор оҳангда шундай дейди:

– Юрий Владимирович сизга айтиб қўйишимни топширди – Комитетнинг сизга ҳеч қандай даъвоси бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ ва умид қиламизки, бундан кейин ҳам бўлмайди.

Андроповнинг вафотидан кейин маълум бўладики, бу ишнинг сабабчиси КГБ бўлган: Черненконинг ёрдамчиси у одамнинг делосини топиб олади – КГБ томонидан очилган бу дело ҳаддан ташқари семириб, қапшайиб кетган экан. Чекистлар унинг одамларга гапирган гапларини ёзиб олишган экан. У чуқур алам билан "Афғонистонга қўшин олиб кирилиши – жиноят, Брежнев қариб, мияси айниб қолипти" деган экан. Андропов бу гапларнинг магнитофондаги ёзувни шахсан ўзи эшитиб кўрипти (у бу ишни тез-тез қилиб турар экан) ва уни ишдан ҳайдаш тўғрисида кўрсатма берипти. Кейин эса ўзларининг бу ишга дахллари йўқлигини кўрсатиш учун роса ўйин кўрсатишган экан".

Бироқ шунақа ишларни қила туриб Андропов тарихда "эркинлик кушандаси" деган ном билан қолишни истамаган.

– Бир куни Марказий Комитетдан бир гуруҳ артистлар ва режиссёрларни орденлар билан мукофотлаш тўғрисида тақдимнома келди. – деб эслайди унинг ёрдамчиси Игорь Синицин, – Рўйхатда Юрий Петрович Любимов ҳам бор эди. Андропов унинг фамилиясининг тўғрисига "йўқ" деб ёзиб қўйипти. Мен ҳайрон бўлиб дедим: "Юрий Владимирович. Ахир, рўйхатдан Любимовни айни сиз ўчириб ташлаганингиз дарҳол маълум бўлади-ку?" У шу заҳотиёқ "йўқ" деганни ўчириб, ўрнига "розиман" деб ёзиб қўйди".

1973 йил апрел пленумида Брежнев маъруза матнидан чекиниб, шундай деганди:

– КГБ Юрий Владимирович раҳбарлигида Сиёсий бюрога ташқи сиёсат борасида жуда катта ёрдам бермоқда. Одатда, КГБ тўғрисида ўйлаганларида, бу ташкилот фақат одамларни ёқасидан олиб қамашни билади, холос, деб ҳисоблашарди. Жуда катта хато бу. КГБ – бу, биринчи навбатда, жуда катта ва жуда хатарли хорижий ишдир. Бу ишда қобилият керак, тоқат ва бардош талаб қилинади, ҳамма ҳам сотмасдан, хиёнат қилмасдан, ҳар хил неъматларга учмасдан ишлай олмайди. Бу сизга... покиза қўллар билан қилинадиган иш эмас. Бу ишда жуда катта матонат ва садоқат керак.

Шу пленумда Андроповни Брежнев Сиёсий бюро таркибига киритади. Олтмиш йиллигида – 1974 йилда уни Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг Олтин медали билан мукофотлайди.

Андропов ўзининг бошқа баъзи бир салафлари каби бир кун ҳам армия хизматини ўтамаган эди. 1973 йилнинг декабрида унга бирйўла генерал-полковник унвонини берадилар, уч йилдан кейин эса у армия генерали унвонини олади. Министрлик лавозимида ишлаётгани учун у саккиз юз сўм маош олар эди, унвони ва кўп йиллик хизматлари учун бу маошига яна тўрт юз сўм қўшиб оладиган бўлган. Лекин очиғини айтганда, бошқа Сиёсий бюро аъзолари каби унинг бирон нарсага пул харжлашга эҳтиёжи йўқ эди.

1973 йилда Сиёсий бюро ишлари бўйича унинг янги ёрдамчиси пайдо бўлди. Игорь Елисеевич Синицин собиқ разведка ходимининг ўғли эди, лекин ўзи ҳарбийдан батамом узоқ одам эди.

– Юрий Владимирович ўша пайтларда жуда бақувват одамдай таассурот қолдирар эди, – деб гапириб берган эди менга Игорь Синицин. – У ҳар куни қирқ минут гимнастика билан шуғулланарди. Машинада юрганида лимузиннинг бир бурчига кириб, ғужанак бўлиб олмасди, балки дераза олдидаги ўриндиққа ўтирарди. Тўғри, ўша пайтдаёқ унинг ёзув столи устида икки хил шарбат ва буйраги хаста одамлар ичадиган Трусковец минерал суви турарди. Ёрдамчилари унинг буйраги анча қийнаб туришини билишарди, лекин Андропов дард чекишини сира ошкор қилмасди.

Унинг иш графиги жуда тиғиз эди. У эрталаб соат тўққизда ишга келар ва кечқурун тўққизда ишдан кетарди. Кундузи у бир соат дам оларди, кейин тушлик қиларди, сўнгра иш кабинетига қайтарди. Иш кабинетини шошилинч қоғозлар ҳақида Брежневга маълумот бериш учунгина, шунингдек, Ясеневодаги разведка биносига бориб келмоқ ёки касалхонага бориб муолажа олиб келмоқ учунгина тарк этар эди. Шанба кунлари соат ўн бирдан кечқурун олтигача ишлар, ҳатто якшанба кунлари ҳам кундузи келиб, бир неча соат...

Унинг ўзига эрк бериб, машғул бўладиган бирдан-бир нарсаси – ҳар кунги кечки пиёда сайрлар эди – унинг шахсий врачи ҳар куни ўн минг қадам юриб туришни тавсия этган эди. Таътилга чиққанида эса икки ҳафтани Қримда, икки ҳафтани Минералние Водида ўтказарди.

– Унинг аҳволи 1979 йилнинг охирларига бориб бирдан жуда ёмонлашиб кетди. Афғонистон сафаридан кейин шундай бўлди шекилли, – деб давом эттиради Синицин. – Унинг ташқи қиёфасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди – сочи тез тўкилиб кетди, териси сап-сариқ тус олди. Қўли ҳам анча заифлашиб қолди – уни ҳатто қаттиқроқ қисишга ҳам чўчирди одам. Бундан икки йилча муқаддам эса унда аллақандай ўзгариш содир бўлган эди. Синициннинг сўзларига қараганда, дастлабки йиллар Юрий Владимирович мамлакатда, иқтисодиёт соҳасида, банк тизимида амалга ошириш керак бўлган ўзгаришлар тўғрисида ғоятда қизиқарли ғояларни айтиб турарди, кейин бирдан буларнинг бари тақа-тақ тўхтади. Ўзининг ғояларини Андропов 18 саҳифали мактубда баён этди ва уни 1976 йилнинг 8 январ куни Брежневга жўнатди.

“Қимматли Леонид Ильич!

Шахсан мен ўзим томонимдан тайёрланган мазкур ҳужжат фақат сизнинг ўқишингиз учун мўлжалланган. Агар Сиз унда иш учун фойдали бўлган бирор жиҳат топа олсангиз, бошим осмонга етарди. Агар бунақа нарса топилмаса, бу мактубни ҳам ёзилмаган ва юборилмаган деб ҳисоблай қолинг”.

Хўш, Андропов қандай ишларни амалга оширишни таклиф қилган эди. Большевистик партиявийлик, қатъий уюшқоқлик, темир интизомни асосий қурол қилиб олмоқ керак. Партия ишига мутахассисларни эмас, балки профессионал сиёсий раҳбарларни қўймоқ лозим. “Тадбиркор одамлар” деб аталмиш арбоблар эса ҳар қандай гапни қоғозга рақамлар чизишдан бошлайди, деб ёзади Андропов. Табиий савол туғилади: агар шундай бўладиган бўлса, бунақа раҳбар америкалик менежердан нимаси билан фарқ қилади. Бу менежер иш деганда даставвал ҳисоб-китобни, пулни тушунади, одамлар эса унинг учун иккинчи даражали масала. Бизнинг шароитимизда бунақа “тадбиркор одамлар”ни корчалонлар дейишади...

Юрий Владимировичнинг ҳамма ғоялари, сирасини айттанда, шулардан иборат эди.

— Сиёсий бюронинг ҳар бир мажлисига мен унга музокараларда қатнашганда қийналиб қолмасин деб, кун тартибининг ҳар бир моддаси учун материал тайёрлаб берар эдим, — дейди Синицин. — Мен унга ҳар бир масала бўйича нима ўйлашимни ихчамгина қилиб ёзиб берардим. Тахминан 1977 йилларга келганда менинг эътиборимни бир нарса ўзига тортди — назаримда у менинг ёзиб берганларимни ўқимай қўйганга ўхшаб кўринди — авваллари менинг саҳифаларим унинг қайдлари ва ҳар хил белгиларига тўлиб кетган бўларди, энди бўлса қандай берган бўлсам, шундайлигича — топ-тоза ҳолда қайтариладиган бўлиб қолди. Мен нега бундайлигини сўрадим. У жавоб берди: “Мен ҳаммасини ўқийман. Лекин сен буларни нима учун менга ёзиб беряпсан? Мени Сиёсий бюродан ҳайдаб чиқаришларини истайсанми?” У бирон-бир янгироқ фикр айтишдан қўрқиб қолганди.

Андропов Брежневдан жуда қўрқар эди, лекин юрагининг туб-тубида ҳокимият бошлиғи бўлиш орзусини ардоқларди, албатта.

Оғир хасталик КГБ раисини ҳаётнинг ҳамма лаззатларидан, инсоний қувончлардан маҳрум этган эди, унинг ихтиёрида фақат меҳнат қилиш-у, ҳокимиятдан лаззатланиш туйғуси қолган эди, холос.

Унинг олтмиш йиллигига Лубянкадаги иморатда жуда катта миқдорда совға-саломлар ёғилиб кетди. Уларнинг ичида, жумладан, Чехословакия раҳбари Густав Гусак юборган ғоятда ноёб чех биллури ҳам бор эди. Ҳамма совға-саломларни КГБ коллегиясининг биносига тўплашди. Юрий Владимирович уларни кўриб баҳолади.

У ўзининг хўжалик ишлари бўйича муовини, илгари КПСС Марказқўмида маъмурий органлар бўлимида сектор мудири бўлиб ишлаган Ардалион Николаевич Малигинга ўгирилиб шундай деди:

— Бу совға-саломлар менга эмас, менинг амалимга. Буларнинг ҳаммасини махсус буфетга жўнат. — Яъни буларнинг ҳаммасини дачасига ёхуд квартирасига ташиб кеттани йўқ, балки жуда оқилона иш қилди. Бошқа хўжалик ишларида, маиший масалаларда ҳам у ана шундай камсуқумлик билан иш тутар эди.

АФҒОНИСТОНГА БОСТИРИБ КИРИШ

Кўп йиллар мобайнида КПСС Марказқўмининг халқаро бўлимида хизмат қилган Анатолий Сергеевич Черняевнинг ёзишича, 1967 йилнинг охирида Брежнев Прагага боради-ю, кўп ўтмай қайтади. Қайтиб келгач, у ёрдамчиларига шундай деган экан: “Биринчи котиб Новотний Президиум аъзоларидан шикоят қилди, улар эса мени хилватга тортиб, ҳатто ярим кечада ҳам гаплашишга уринишарди ва биринчи котибни қоралаб, ундан зорланишди. Уларнинг ҳар қайсиси мени ўз томонига тортади. Мени ўзининг иттифоқчисига айлантиришга ҳаракат қилади. Менга нима кераги бор бунинг? Мен “самолётни тайёрланглар, эртага учиб кетамиз. Уларнинг ички ғийбатларига аралашув етмай турганди

менга! Ғалваларини ўзлари ҳал қилишсин”, дедим. Тўққиз ойдан кейин эса Брежнев Чехословакияга қўшин киритди. Хўш, нима рўй берди?

Черняевнинг фикрига кўра, бунда Прагадан келаётган ахборот ҳал қилувчи роль ўйнаган. Устма-уст келаётган материаллар жуда кенг кўламда шундай таассурот туғдирганки, натижада Чехословакияда социализмга хиёнат пишиб келаётир деб ўйлаш мумкин эди.

Андропов учун “Прага баҳори”, яъни чехлар ва словакларнинг “башарий социализм” қуришга интилиши Венгер ҳодисаларининг такрори эди. қаттиққўллик билан жуда тез ҳаракат қилмоқ лозим эди.

Андропов, – деб ёзади Александров-Агентов, — жуда қаттиқ амаллар ва жазо тадбирларининг ташаббускори бўлган эди. Чехословакияда Андропов шиддат билан ҳаракат қилиб, ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўймоқчи эди. У чехларни қўрқиб кетади деб ўйлаган эди. Аммо у адашди: қўшин олиб кирилиши ҳеч нарсани ҳал қилмади.

Бир-икки ҳолни назардан соқит қилинса, халқ қуролли қаршилик кўрсатмади, лекин истеълочи қўшинлар билан ҳамкорлик қилишни ҳам истамади. Александр Дубчек билан ва “Прага баҳори” нинг бошқа раҳбарлари билан музокара бошлашга тўғри келди.

Даманск оролидаги ҳодисалар вақтида 1969 йилнинг март ойида Андроповнинг ҳузурида кенгаш бўлган эди. Нима қилмоқ керак? Қандай муносабатда бўлмоқ лозим? Хитойларга қақшатқич зарба бериш тарафдорлари қизишиб нутқлар сўзладилар. Андропов бунга қарши эди. Брежнев уни қўллаб қувватлади. Ҳар қалай Хитой билан уруш бўлмади ва ихтилоф аста-аста босилиб қолди. Эгаллаб турган мансабининг ўзи Андроповга шунқор бўлмоқни, атрофини қуршаб олган дунёга, албатта, ёмон ниятли куч сифатида қарашни тақазо қиларди. КГБнинг хизмат юзасидан фойдаланадиган ҳужжатларида Америка Қўшма Штатлари тўғридан-тўғри “асосий душман” деб номланарди.

Брежневнинг саломатлиги жойида бўлганида унинг вазиятни юмшатишга, Ғарб билан муносабатларни нормаллаштиришга интилиши тарозининг посонгисини бир маромда тутиб туришга имкон берарди. Брежнев оғир дардга чалиниб ётиб қолганидан кейин бошқарув жилови унинг қўлидан тушиб қолди ва ташқи сиёсат билан ички сиёсатни КГБ раиси Андропов, ҳарбий министр Дмитрий Федорович Устинов ва ташқи ишлар министри Андрей Андреевич Громико биргаликда белгилай бошлашди. Улар ҳатто сиёсий бюро мажлисларида ҳам ёнма-ён ўтиришарди. Андропов Устинов билан Громиконинг ўртасидан жой оларди.

Ҳарчанд ғалати кўринмасин, уч кишининг бошқаруви Брежневнинг якка ўзи бошқарганидан кўра ёмонроқ эди. Ўзига ишонган раҳбар ён беришлар ва музокаралардан чўчимайди. Бунда эса уч кишининг ҳар қайсиси ўзининг матонати ва қатъиятини намойиш қилишга ҳаракат қиларди. Улар мамлакатни ташқи дунё билан анча-мунча кескин ихтилоф лабига олиб бориб қўйишди. Андропов, айниқса, Устинов билан яқин бўлиб қолди, уни сенсирай бошлади, унга “Миша” деб мурожаат қиладиган бўлиб қолди. КГБ раиси империалистик кучларнинг агрессив ниятлари ҳақидаги ахборотлари билан бюджетнинг каттагина қисмини ҳарбий саноатга олиб беришда Устиновга ёрдам берарди. Андропов Бош котиблик лавозимига ўтгандан кейин Ғарб билан муносабатларимиз шу қадар ёмонлашдики, янги уруш хавфи тўғрисида гап-сўзлар бошланди. Андропов, Устинов ва уларга қўшилиб олган Громико афғон можароларининг бошланишига аралашиб қолишди.

1978 йилнинг апрелида ҳарбий тўнтариш ясаб, давлат тепасига келган янги афғон раҳбарлари советлардан нусха кўчириб, мамлакатда социализм қурмоқчи эдилар. Аммо Кобулга элдан бурун етиб борган маслаҳатчиларимиз у ерда афғонлар ҳаётининг ғоятда мураккаблиги, муаммолар чалкашиб кетганини кўрдилар. Москвадаги совет раҳбарларининг бу мамлакат ҳаётидаги тасаввури ғоятда ибтидоий ва тахминий экани маълум бўлиб қолди. Ҳукмрон партия иккита оқимга бўлиниб кетган эди. Буларнинг бири “Халқ”, иккинчиси “Парчом” (“Байроқ”) деб аталарди. Ҳар иккала оқимлар ёки қанотларнинг раҳбарлари бир-бирларини ўлгудай ёмон кўрар ва ҳокимиятни ўзаро бўлишиб

ола билмас эдилар. Бу душманлик, асосан, икки раҳбар – Нур Муҳаммад Тараққий (“Халқ”) билан Бабрак Кармал (“Парчом”) ўртасидаги шахсий рақобат натижасида туғилган эди. Тараққий мамлакатнинг яккаю ягона хўжайини бўлмоқни истар эди, Бабрак Кармал эса иккинчи одам ролини ўйнашга рози эмас эди. Яна шуниси ҳам борки, амалда иккинчи одам ўрнини Ҳафизулла Амин эгаллаб олганди. Хафизулла Аминни Муҳаммад Тараққий қўллаб-қувватларди. Орадан кўп ўтмай, Бабрак Кармал Чехословакияга элчи этиб тайинланди. У билан бирга бошқа мамлакатларга “Парчом” фракциясининг яна бешта вакили элчи сифатида жўнаб кетди, шу жумладан, мамлакатнинг бўлғуси президенти Нажибулла Теҳронга элчи қилиб тайинланган эди. Қобулдан жўнаб кетиш олдидан Бабрак ўз тарафдорларини йиғиб, шундай деган экан:

– Мен ҳали қайтиб келаман. Қайттанда ҳам қизил байроқ билан қайтаман.

“Парчом”чилар яна яширин ҳолатга ўтишга қарор қилдилар. Амалда бу эса тунги кенгашда гап “Парчом”нинг ҳокимиятни босиб олиши тўғрисида кетмоқда эди. Халқчилар тунги кенгашдан ва унда гапирилган гаплардан хабар топишади. Кўпгина “Парчом”чиларни юксак мансаблардан олиб ташлашади, қамоққа олишади. Армиядан ҳам командирлик қилаётган “Парчом”чиларнинг деярли ҳаммасини қувиб юборишади. Аммо “Парчом”чилар билан КГБ вакиллари иш олиб борарди. Афғонистондаги маслаҳатчилар ўртасида ҳам якдиллик йўқ эди. Партиявий ва ҳарбий маслаҳатчилар амалда ҳокимият тепасида турган “Халқ” фракцияси билан иш олиб бориш керак деб ҳисоблар эдилар. КГБ вакилларининг эса “Парчом” вакилларидан умидлари катта эди. Улар КГБ вакиллари билан бажону дил мулоқотга киришар ва уларни бошқариш жуда осондек кўринар эди.

КГБнинг ташқи разведка резидентурасининг вакиллари айни ана шу “Парчом”чилар билан алоқа ўрнатишган эди. “Парчом”нинг вакиллари эса жон-жаҳдлари билан Москванинг кўзига яхши кўринишга уринишарди. КГБ ходимлари икки фракция ўртасидаги ихтилоф замирида ўзлари учун зўр имкон борлигини кўрди. Халқчиларнинг кучлари унчалик кўп бўлмаса ҳам, ўзларини анча мустақил тутишарди; “Парчом”чилар эса ҳамма нарсада Москвага бўйсунишга тайёр эдилар. Шундай бўлгандан кейин бу сиёсий ўйинда “Парчом”чиларга ва уларнинг раҳбари Бабрак Кармалга ён босган яхши-да. Бабрак Кармал Чехословакияга жўнаб кетгандан кейин Тараққий билан Амин ўртасидаги низо кучая бошлади. Дастлаб улар бир ёқадан бош чиқарар эдилар. Амин ўзини Тараққийнинг садоқатли ёрдамчиси ва шогирди қабилида тутар эди. У кенгашлар ва машваратларда сўзга чиққанида ҳамиша Тараққийнинг номидан гапираётгандек кўринарди.

Амалий ишларда Тараққий жуда ҳам ночор эди. Амин, аксинча, жуда зўр ташкилотчи чиқиб қолди. Жисмонан бақувват, қатъиятли, ўжар ва қаттиққўл Амин жуда кўп меҳнат қилишга қодир, иродаси мустаҳкам одам эди. Тараққий Аминни “севимли ва донгдор ўртоқ” деб атар ҳамда бажону дил кўп ишларни унинг қўлига бериб қўйган эди. Тараққий меҳнат қилишни ёқтирмас ва хоҳламас эди. Тараққийни тирик илоҳдай кўкларга кўтариб мақташар ва бу унга ёқарди. Тараққий подшолик қилар, Амин эса мамлакатни бошқарарди. Ва у аста-секин уни давлатни, армияни ҳамда партияни бошқариш ишидан бутунлай суриб четга чиқариб қўйди. Кобулдаги совет вакилларининг кўпчилигига мамлактда ҳокимият Аминнинг қўлига ўтиб бораётгани мутлақо табиийдек кўринарди, негаки, Тараққий давлатни бошқаришга қодир эмас эди-да!

– Мен Қобулда бўлган кезларимда Тараққий билан Амин жуда иноқ эдилар, уларнинг орасига ҳатто қил сиғмасди, – дейди Кобулда партиявий шўро маслаҳатчиларнинг биринчи гуруҳига раҳбарлик қилган Валерий Харазов. – Улар ҳокимиятни қўлга олишди, мамлакатга раҳбарлик қилишди. “Парчом”чиларнинг эса устларидан мағзавалар ағдаришди. Шу ишлар асносида Амин аравани ёлғиз ўзи тортди. Юк жуда оғир эди. У партиявий ишлар билан шуғулланди, армия билан, кадрлар билан шуғулланди. Кейин эса ғалвалар, ихтилофлар бошланди. Даставвал бу можаролар бизнинг Иттифоқимиздаги катта идораларда бошланди. Биз Тараққий билан Аминни бир-бирига қайраб солдик.

– Аминнинг Совет Иттифоқига муносабати ёмон эканини, Қўшма Штатларга кўпроқ мойил эканини юрагингиз сезганмиди? – деб сўрадим

мен Харазовдан. – Негаки, кейинчалик Аминни ўлдирганларида ва ўрнига Бабрак Кармални қўйганларида бу важ энг асосий сабаб сифатида кўрсатилади.

– Амин ҳамиша Совет Иттифоқига нисбатан ўзининг самимий туйғулари тўғрисида гапирар эди. Амин ЦРУнинг айғоқчиси экани тўғрисидаги миш-мишлар биз Қобулда эканимизда ҳам юрарди. Бундай миш-мишларга асос бўлган нарса шу эдики, Амин Қўшма Штатларда бир неча муддат таҳсил олган эди ва у ердаги афғон талабалари уюшмасига раҳбарлик қилган эди. Бироқ на ўшанда, на ҳозир – Амин гумдон қилингандан сўнг йигирма йил ўтиб кеттандан кейин ҳам унинг ЦРУ айғоқчиси бўлганини тасдиқловчи биронта ҳужжат ёки далил-исбот топилгани йўқ.

Аминни ва унинг икки ўғлини ўлдиришгандан кейин унинг беваси қизалоқлари ва кенжа ўғлини олиб Совет Иттифоқига кетди. Ҳолбуки, ўшанда унга истаган мамлакатига жўнаб кетишга имкон берилган эди. У шундай деди: “Менинг эрим Совет Иттифоқининг дўсти эди, мен фақат Совет Иттифоқига кетаман”.

Афғон раҳбарларининг ўртасидаги ихтилоф сиёсий ихтилоф эмас эди, улар бор-йўғи шахсий низолар эди, холос. Улар “сен эмас, мен ўзим зўр” маъносидаги мутакаббирликлар кураши эди. Бундан бизнинг ҳар хил идораларда хизмат қиладиган маслаҳатчиларимиз фойдаланишди. Муассасалар ҳам ўзаро рақобатлашишар эди.

– Ўша пайтларда русларга муносабат жуда яхши эди, – деб эслайди Валерий Харазов, – “Шўровий” дегани дўст дегани билан баробар эди. Нотаниш одамлар тўғридан-тўғри кўчада бизларни учратиб қолса, уйига меҳмонга таклиф қилар эдилар. Аммо буларнинг ҳаммаси биз Афғонистонга қўшинларимизни олиб киргунга қадар бўлган эди. Қўшинлар олиб кирилгандан кейин афғонларнинг русларга муносабати тубдан ўзгарди.

– Бироқ янги тартиблардан норозилик кўп ўтмаёқ намоён бўла бошлаган эди. Бунга жавобан янги ҳокимиятга душманларни ёхуд душман бўлиши мумкин бўлганларни оммавий қамашлар бошланиб кетди. Жуда кўп бегуноҳ одамларни ҳеч қандай асоссиз қамайверишди. Одатда кечқурун қамоққа олишар, кечаси сўроқ қилишар, эрталаб эса отиб ташлар эдилар. Қатли омлар Ҳафизулла Амин бошчилигида амалга оширилганди. Бунда шўро тажрибасидан фойдаланиш афғон анъаналарига қўшилиб кетганди – ўз салафлари ва рақиблари йўқ қилинарди. Агар фарқи бўлса, шунда бўлганки, Афғонистонда айтарлик мафкуравий кураш бўлмаган, мухолифларни тўғридан-тўғри маҳв этаверганлар.

КПСС Марказқўми халқаро бўлимининг раҳбарларидан бири лол қолган Харазовга шундай деган экан:

– Хўш, нима демоқчи бўласан? Буни Шарқ дейдилар. Бу ерда анъана шунақа. Ҳокимият тепасига янги раҳбарият келганда, даставвал ўз ватандошларини маҳв этишдан бошлайди.

Москвада бу анъаналарга хотиржам муносабатларда бўлдилар. Бу Тараққийнинг ҳалокатига қадар давом этди. Тараққийни Брежневнинг ўзи оддий бир инсоний тарзда яхши кўрарди. Тараққий дастлабки вақтларда оптимистик кайфиятда эди.

Инқилоб осонлик билан амалга оширилди. Ёш зобитлар саройни қўлга киритдилар, ҳукумат раҳбари Довуд ва унинг яқинларини маҳв этдилар. Тамом, шу билан ҳокимият уларнинг қўлига ўтди. Буларнинг барчаси Тараққийга илҳом бағишлар эди. Бундан кейин ҳам ишларнинг яхши бўлишига, ҳеч қандай мушкулотлар пайдо бўлмаслигига Тараққийнинг ишончи комил эди. Ахир, Афғонистонга Совет Иттифоқининг ўзи ёрдам бераётгандан кейин, бундай бўлиши табиий-да! Аммо охир-оқибат ҳаммаси бутунлай бошқача бўлиб чиқди.

Социалистик ўзгаришларни жорий қилишга мамлакат қаршилик кўрсата бошлади. Афғонлар марксист бўлишга кўп ҳам ошиқишмади. Жуда тез фурсатда қуролли қаршилик кўрсатиш бошланди. 1979 йилнинг мартида Афғонистоннинг йирик шаҳарларидан бири бўлмиш Ҳиротда ҳокимиятга қарши исён кўтарилди. Ҳирот шаҳрининг ҳарбий гарнизони исёнчиларга қўшилиб кетди, можаролар ичида бизнинг ҳарбий маслаҳатчиларимиздан бири ўлдирилди.

Тараққий Москвадан уни қабул қилишларини илтимос қилди. У Москвага учиб келиб, Афғонистонга қўшин киритишларини сўраб, совет раҳбариятига узоқ ялиниб-ёлборди. Ўшанда Тараққийнинг илтимоси рад қилинган эди. Буни кўриб Амин фаолроқ ҳаракат қила бошлади. У Тараққий ҳокимиятни қўлида сақлаб қолишга қодир эмас деб ҳисобларди.

Аввалига Афғонистонда мудофаа министри йўқ эди, бу соҳага Аминнинг ўзи кўз-қулоқ бўлиб турарди, лекин унинг минглаб кишилари бор эди. Сўнгра савр инқилобининг фаол иштирокчиси Ватанжарни мудофаа министри қилиб тайинлашди. Афғон армияси Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғига маслаҳатчилик қилган генерал Василий Заплатин собиқ батальон командирининг бу амални эплашга чоғи келмади деб ҳисоблайди. Лекин Тараққий уни жуда яхши кўрарди, Ватанжар Аминга қарши бирлашган "тўртлар гуруҳи"га кирар эди.

Ватанжардан ташқари (кейинчалик, у ички ишлар министри этиб тайинланади) бу гуруҳга давлат хавфсизлиги раҳбари Сарварий, алоқа министри Гулабзой ва чегара ишлари министри Маздурёр кирган эди.

Генерал Заплатин ва бизнинг бошқа маслаҳатчиларимизнинг фикрича, "тўртлар гуруҳи"га кирганлар ҳали она суги оғзидан кетмаган ёш-ёш йигитлар эди. Улар ҳокимиятни қўлларига олишлари билан ҳамма иш битди, энди бемалол дам олиб маишат қилаверса ҳам бўлади деб ҳисоблаганлар.

— Бундай кайфият туфайли эса ишга катта зарар етган эди, — дейди генерал Заплатин. — Улар маишатга берилади. Тараққий уларнинг ўйнаб-кулишларига йўл қўйиб беради, ичкиликбозликлар ва кайф-сафоларини кечиради. Амин эса ишлайди ва уларни ҳам ишлашга мажбур қилади. Улар Аминнинг устидан Тараққийга шикоят қилишади, унинг устига ҳар хил гуноҳларни юклашади. Уларнинг ўзаро низолари ана шундан бошланган эди.

Давлат хавфсизлиги министри Сарварийнинг ортида эса КГБнинг ваколатхонаси турарди. У КГБнинг одами эди. Полковник Александр Кузнецов кўп йиллар мобайнида Афғонистонда ҳарбий таржимон бўлиб ишлаган. Савр инқилоби чоғида ҳам у Афғонистонда бўлган. У шундай эслайди:

— Амин оғзига ичкилик олмайдиган одам бўлмаган, албатта. Аммо у ҳарбий замонларда ичиш, маишат қилиш, хотинбозлик қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган. Бизнинг органларимиз-чи? Улар қандай ишлайди? Кимлар биландир ичишади, мириқиб овқатланади, кейин зиёфат жараёнида ундан бирон-бир муҳим нарсани сўраб билиб олади.

Бироқ Амин билан бу тарзда ишлаб бўлмасди, лекин "Тўртлар" билан шундай ишласа бўларди. Улар ҳаш-паш дегунча КГБ ходимларининг энг яқин дўстларига айландилар.

"Тўртлар гуруҳи"нинг ахбороти КГБ каналлари орқали Москвага келарди. Уларни баҳолаш совет раҳбарларининг Афғонистондаги содир бўлаётган воқеаларга муносабатини белгилар эди. "Тўртлар" Тараққий билан Аминнинг ораларини бузишга, Аминни ҳокимиятдан четлаштиришга интилдилар, лекин Амин анча-мунча муғамбирроқ чиқди.

Кейин Амин Тараққийни ағдариб ташлагандан сўнг, "тўртлар"ни ҳам бартараф қилиш ҳаракатига тушиб қолади. Улар ёрдам сўраб совет элчихонасига мурожаат қилишади. Ўша кезларда Қобулдаги резидентура ходими бўлган ташқи разведка полковниги Александр Морозов менга КГБ бу "тўртлар"ни қандай машаққатлар ва сарғузаштлар билан Совет Иттифоқига олиб кеттанини айтиб берганди. КГБ ваколатхонаси билан Қобулдаги ҳарбий маслаҳатчилар ўртасидаги зиддият авж нуқтасига кўтарилди.

— Сиз КГБ ваколатхонаси билан ораларингдаги ихтилофни қай бир даражада бартараф қилишга уриниб кўрганмисиз? — деб сўрадим мен генерал Заплатиндан. — Ахир, сиз принципиал масалаларда нуқтаи назарларингиз бир-бирига тўғри келмаслигини кўргансиз-ку?

— Бу тўғрида ўртамизда гап-сўзлар бўлган, — деб жавоб берди Заплатин. — КГБ ваколатхонасига Борис Семенович Иванов бошчилик қилганда ўзаро алоқаларимиз анча енгил кўчган эди. У соғлом фикрлайдиган одам. У билан гаплашса бўлар эди. Ундан олдинги бошлиқ билан гаплашиш эса жуда қийин эди. Негаки, мен уни камдан-кам ҳолларда хушёр кўрардим.

Генерал Заплатиннинг қаттиқ ғашига теккан нарса шу эдики, давлат хавфсизлиги ваколатхонасининг раҳбарлари кушша-кундуз куни, авжи иш вақтида ҳаммомга кириб ялпайиб ўтириб олишарди-да, бурунларидан чиққунча ичиб, маишат қилишарди.

— КГБ вакилларининг мантиқини қандай тушунмоқ керак? — деб сўрадим мен генерал Заплатиндан. Улар Аминни гапга кирмайдиган одам деб ҳисоблаб, унинг ўрнига Қобулда ўзимизнинг одамимизни ўтқазиб қўйсак, олам гулистон бўлади, ҳамма ишлар юришиб кетади деб ўйлашганми? Шундоқми?

— Уларнинг ишонганлари Бабрак Кармал эди, — деб ҳисоблайди генерал Заплатин. — Уни ҳокимият тепасига келтириш зарур эканига уларнинг ишончи комил эди. Шундоқ бўлгач, албатта, Аминни даф этмоқ керак бўлади. Бабрак, - деб ўйларди улар, - Тараққий билан тил топиша олади. Бабрак нимаси билан уларга манзур бўлиб қолган эди? У осонлик билан бошқариш мумкин бўлган одам. Кези келганда Амин совет вакилларининг фикрига қўшилмаслиги ҳам мумкин, ўзи билганича сиёсат юритавермоқдан ҳам тоймайди. Лекин у Бабракка ўхшаган пиёниста эмас эди. Лоақал биргина шу сабаб учун ҳам уни ҳокимиятга яқинлаштириб бўлмас эди.

Ҳарбий маслаҳатчилар билан КГБ ваколатхонасининг аппарати ўртасидаги зиддиятлар афғон можаролари бошлангандан тамом бўлгунча сақланиб қолган. Қобулда кўп йиллар хизмат қилган генерал Александр Алховский шундай эслайди.

— Бизнинг қўшинларимиз олиб кирилгандан кейин жуда қаттиқ бир қоидани жорий қилишди. Афғонистондан Москвага жўнатиладиган ахборот бир неча ташкилотлар ўртасида келишилган ахборот бўлмоғи керак эди. Унга элчи, КГБ вакили ва мудофаа министрлиги оператив гуруҳининг раҳбари имзо чекар эди. КГБ ваколатхонаси эса кейин, барибир, ўз телеграммасини жўнатар ва у кўпинча келишилган ахборотга тўғри келмас эди. Бизнинг хизмат сафаримиз охирлаб қолганда, хайрлашгани КГБ ваколатхонасига кирдик. "Ҳамкорликда ишлаганимиз учун сизларга ташаккур" дедик. Шунда улардан бири "Э-э, сизларнинг йўлингизга қанча ғовлар қўйганимиздан хабарларинг йўқ-да!" деди".

Бизнинг ҳарбий маслаҳатчиларимиз ҳикоя қилишича, яширин ҳолатга кўчган "тўртлар гуруҳи" ҳатто совет чекистлари ёрдамида Аминга қарши исён кўтармоқчи ҳам бўлишган.

Заплатиннинг эслашича, 1979 йилнинг 14 октябрида 5-пиёда дивизияда тўсатдан исён бошланган ва Заплатин бу исённи бостирмоқ учун танкчилар бригадасини оёққа турғазган.

Исён бостирилгандан кейин Заплатин амалга оширилган операция тўғрисида гапириб бермоқ учун элчихонага борган. Элчининг қабулхонасида элчихона ходимларидан бири ўтирар ва том маънода йиғлар эди. Ҳайрон бўлиб, "Тинчликми? Нима бўлди?" деб сўраганимизда Пузанов "исён ўнгидан келмагани учун чекист ҳўнг-ҳўнг кўз ёши тўкиб ўтирипти" деган эди. Афғонистондаги маслаҳатчилар жамоаси ана шунақа "дўстона" тарзда ҳамжиҳатлик билан иш юритган эди.

КОБУЛДАГИ МАХСУС ОПЕРАЦИЯ

1979 йилнинг кузида Тараққий Кубага борган эди. Қайтишда у Москвада тўхтаб ўтди. У билан Леонид Ильич суҳбатлашди, Амин тўғрисида ёмонлаб гапирди, бу одамдан қутулмоқ керак, деди. Тараққий рози бўлди. Бироқ буни қандай қилиб амалга ошириш мумкин?

КГБ раиси Андропов Тараққийга тасалли берди: "Хафа бўлманг. Сиз Кобулга қайтиб борганингизда, Амин ортиқ у ерда бўлмайди". Аммо бу режа амалга ошмади. Умумий ҳисобда Аминни ўлдиришга беш марта уриниб кўришган. Фақат энг сўнгги уринишгина натижа берган. Икки марта уни отиб ўлдирмоқчи бўлишган, икки марта заҳарлашга уриниб кўришган.

Генерал Ляховский бу ишларнинг баъзи тафсилотларини менга айтиб берган эди. "Зенит" отрядига мансуб иккита совет снайпери президент ишга қатнайдиган йўлда пистирма қуриб, Аминни пойлаб туришган. Аммо уларнинг

иши ўнгидан келмаган, негаки президент тушган машиналар тўпи жуда катта тезлик билан ўтиб кетган. Заҳарлашга уринишдан ҳам ҳеч нарса чиқмаган.

Бир стакан заҳар солинган кока-колани Аминнинг ўрнига жияни Асатулла Амин ичиб юборган ва заҳар унга қаттиқ таъсир қилган. Уни бағоят оғир аҳволда дарҳол Москвага олиб кетишган. Асадулла Амин контрразведканинг бошлиғи эди. Москвада унинг ҳаётини сақлаб қолишади, бироқ касалхонадан тузалиб чиқиши билан уни "Лефортово"даги турмага ташлайдилар, негаки, энди давлат тепасига Бабрак Кармал келиб улгурган эди. Уни Аминга қарши кўрсатма беришга мажбур қилмоқ учун анча қийнашган. У метин иродали одам эканини намойиш этиб, ҳеч нарса демаган. Уни Афғонистонга жўнатишган, у ерда эса уни қатл этишган.

Тараққий Кобулга қайтиб, самолётдан чиққанида Аминни кўрди. Аввалги гапларга кўра Амин аллақачон гумдон қилинмоғи керак эди. Уни соғ-омон, бешикаст юрганини кўриб, Тараққий ҳанг-манг бўлиб қолади. Аммо бир-бирини кўришга кўзи йўқ бу икки душман бир-бирлари билан гўё ҳеч нарса бўлмагандек оғиз-бурун ўпишиб кўришади.

Аминни яна бир марта ўлдиришга уриниб кўришади – бу гал уни афғонларнинг қўли билан ўлдиришга ҳаракат қилишади.

14 сентябр куни совет элчиси Пузанов Тараққийнинг ҳузурига келади ва у ерга Аминни ҳам таклиф қилади. Унинг келишга оёғи тортмайди. У нималардандир гумонсираган ва унинг гумонлари асоссиз эмасди. Бироқ шундай бўлса-да, совет элчисининг гапини қайтаришга тили бормади. Тараққийнинг саройида уни ўққа тутишади. Лекин у омон қолади ва қочиб кетади.

Ўша куни бутун оқшом ва тун давомида Тараққий билан Амин ўртасида кураш кетади. Тараққий Аминни йўқ қилиш тўғрисида армияга буйруқ беради. Аммо Кобул гарнизони қўшинларининг асосий қисми Амин томонида қолади. Бизнинг маслаҳатчиларимиз ҳам ҳарбий қисмлар казармаларини тарк этмаслиги учун анча-мунча ҳаракат қилишади. Иккита "Ми-24" вертолёти зарур бўлиб қолса мудофаа министрлигини ракеталар билан ўққа тутиш учун осмонга кўтарилади. Амин мудофаа министрлиги биносига ўрнашиб олган эди. Бизнинг маслаҳатчиларимиз бир амаллаб, вертолётларни қайтиб ерга қўндиришга муваффақ бўлишади, чунки бино ичида совет офицерлари ҳам жуда кўп эди.

Москвада воқеалар бунақа тус олишини кутишмаган эди ва жуда имиллаб, иккиланиб қарорлар қабул қилишарди. Тараққийни қўриқлаш учун спецназ отрядини жўнатмоқчи бўлишади, лекин охирги дақиқада буйруқни бекор қилишади.

"Зенит" отряди Амин қароргоҳини ҳужум билан эгаллаб, унга жойлашиб олиш тўғрисида буйруқни кутиб шай турарди, бироқ буйруқдан ҳадеганда дарак бўлавермади.

Эртаси куни Тараққий қамоққа олинади. 16 сентябр куни мудофаа министрлиги биносида Инқилобий Кенгашнинг машварати, кейин эса Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказқўмининг пленуми бўлади. Тараққий Инқилобий Кенгаш раислиги ва партиянинг Бош котиби лавозимидан бўшатилди. Иккала лавозим ҳам Аминнинг қўлига ўтди. Ишни у, биринчи навбатда, ўз душманларини йўқотишдан бошлади – бир неча минг кишини отиб ташлади.

Ҳолбуки, КГБ ваколатхонаси Москвага юборган ахборотида Тараққий жуда бақувват ва Аминни маҳв этишнинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ деб маълумот берган эди. Ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди. Энди эса КГБ ваколатхонаси ҳар қандай қилиб бўлса-да, Аминни маҳв этмоққа мажбур эди.

Тараққийни бўғиб ўлдиришганда Аминнинг ўзини ҳам тақдири ҳал бўлган эди. Брежнев буни шахсий ҳақорат сифатида қабул қилди. У Тараққийнинг хавфсизлигига кафолат берган эди, уни эса ўлдириб ўтиришибди.

– Бошқа мамлакатларда нима дейишади? – деди Брежнев ташвиш билан. – Агар ёрдам берамиз деб ишонтирганлари, ҳимоя қиламиз деб берган ваъдалари қуруқ сўз бўлиб чиқса, Брежневга ишониб бўлмас экан-да, дейишмайдими!?

Леонид Ильич Кобулдаги махсус операцияга ижозат берди.

КГБдагилар дарҳол Амин Америка разведкасининг одами деган фаразни тўқиб чиқаришди. Андропов Бабрак Кармални Москвага етказиб келишни буюрди. Бизнинг махсус бўлинмамизни Афғонистонга жўнатиш бошланди. Махсус операция бўлишидан на ҳарбий маслаҳатчиларимиз, на элчи огоҳ қилинди.

10 декабр куни Заплатинга Москвадан қўнғироқ қилишди.

"Қизингиз сиз билан вақтинча учрашишни илтимос қиляпти, зудлик билан қайтинг". У шу заҳотиёқ Москвага учиб кетди. Ўз-ўзидан аёнки, унинг қизи ҳеч кимга ҳеч нарса деб мурожаат қилган эмасди. Заплатиннинг Кобулдан четлаштирилганига сабаб шу бўлган эдики, у Амин билан ҳамкорлик қилиш керак деб ҳисоблар эди. Москвада эса бошқача қарор қабул қилинган эди.

— Ҳарбийлар ваколатхонаси билан КГБ ваколатхонаси тенг ҳуқуққа эгадай кўринар эди. Аммо биз ўзимизнинг ҳақлигимизга Москвани инонтира олмадик, КГБ ходимлари эса бунинг уддасидан чиқишди. Уларнинг таъсир кучи зўрроқмиди?

— Албатта, — деб жавоб берди Заплатин. — Мамлакатдаги сиёсий вазиятни баҳолаш уларнинг вазифасига киради. Охирги суҳбатимизда Мудофаа министри менга айни ана шу гапни уқдиришга ҳаракат қилди.

Эрталаб Заплатинни министрнинг ҳузурига чақиришди. Аммо у Кремлга отланаётган эди. У шинелини кийиб бўлганди. "Кейинроқ келинг" деди у Заплатинга қараб. Министрни кутиб ўтирар экан, у икки соат мобайнида Бош штаб бошлиғи Огарков билан суҳбатлашиб ўтирди. Николай Васильевич мамлакатни қутқариб қолмоқ учун Афғонистонга қўшин киритиш фурсати етиб келмадимикин, деб сўради. Замятин қатъий равишда бундай қилиб бўлмайди, акс ҳолда, биз бегона бир фуқаролар урушининг қозонига тушиб қоламиз, деди.

Сиёсий бюронинг мажлисидан кейин Устинов қайтиб келди ва ҳузурига яна Огарков, Заплатин ҳамда Бош сиёсий бошқарманинг бошлиғи генерал Епишевни чақирди.

Огарков министрга деди:

— Ўртоқ Заплатин ҳамон ўз фикрида турипти.

— Нечук? — деб ҳайрон бўлди Устинов. — Сиз бекорга ўз фикрингизни ҳимоя қилмоқдасиз. Сиз КГБ ваколатхонаси Афғонистондаги аҳвол ҳақида юборган ахборотини ўқиб кўринг.

Яширин ахборотда афғон армияси хароб бўлгани, Амин эса ҳалокат ёқасида тургани айтилган эди. Заплатин Кобулда бу телеграммага имзо чекишдан бош тортган эди.

Заплатин уни ўқиб чиқиб, яна қатъий оҳангда деди:

— Ўртоқ министр, бу гап ҳақиқатга тўғри келмайди. КГБга бунақа маълумотни ким берганини мен яхши биламан.

Устинов деди:

— Сен у ердаги аҳволни бамисоли бир йўловчи янглиғ ўрганасан. Улар эса ҳар бир сўзлари учун бошлари билан жавоб беради.

— Биламан, — деб бош ирғади Заплатин. — Агар соғ калла бўлганида ҳаммаси тўғри бўларди, лекин фикр маст калладан чиқса, унда...

Генерал министр мени ҳозир кабинетидан ҳайдаб чиқарса керак, деб ўйлади. Устинов Заплатинга, Епишевга, Огарковга бир-бир қаради-да, алланечук хаёлчан оҳангда деди:

— Лекин энди кеч бўлди-да...

Айни ўша куни Сиёсий бюро мажлисида Афғонистонга қўшин киритиш масаласи узил-кесил ҳал бўлган эди.

Фалиннинг сўзларига қараганда Устинов Афғонистон масаласини бир неча ойда бартараф қилишга ваъда берган.

— Афғонистонда бизга қарши тура оладиган ҳарбий куч йўқ.

Армия генерали Махмут Ахметович Гареев Сиёсий бюро мажлисида Бош штаб бошлиғи Огарковнинг совет қўшинларини Афғонистонга киритишга қарши гапирганини эслайди. Огарков бу иш Совет Иттифоқи учун жуда ёмон ҳарбий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтган.

Андропов маршалнинг гапини бўлган:

— Бизда сиёсат билан шуғулланадиган одамлар бор. Сиз ишнинг ҳарбий томонини ўйламоғингиз керак. Сиз ҳукумат томонидан зиммангизга юклатилаётган муҳим топшириқни яхшироқ бажариш устида бош қотиринг.

Сиёсий бюронинг 1979 йил 6 декабридаги мажлисида қабул қилинган қарорда Андропов ва Бош штаб бошлиғи Огарковларнинг "Амин қароргоҳини ҳимоя қилмоқ учун" Бош штаб ихтиёридаги Бош разведка бошқармасининг 500 кишилик "махсус отрядини жўнатиш тўғрисидаги таклифига рози бўлинсин. Бу отряд унинг қуролли кучларга мансублигини ошкор қилмайдиган кийимларда бўлмоғи керак".

— Бу батальон кейинчалик Аминнинг саройини ҳужум билан олди. Аминнинг ўзини, унинг оила аъзоларини, уларга қўшиб бир совет врачини ва саройда бўлган одамларнинг ҳаммасини ўлдирди.

Аввал режалаштирилганига кўра, совет қўшинларини Афғонистонга олиб киришни ўзи илтимос қилгани тўғрисида Ҳафизулла Амин баёнот бермоғи даркор эди, шундан кейин уни бартараф қилишлари керак эди. Тарғибот нуқтаи назаридан шундай қилинса, яхшироқ бўлар эди. Ҳатто Амин телевидение орқали чиқиш қилди деб эълон ҳам қилишди. Бу вақтда Бабрак Кармал КГБнинг Тўққизинчи бошқармасининг офицерлари ҳимоясида ўзига навбат келишини кутиб турарди.

Аммо КГБ шошқалоқлик қилди. Президент саройидаги ошпазлар орқали Аминга заҳар солинган овқат бердилар. Шу важдан у телевидениедан чиқишга улгуролмай қолди. У ҳушини йўқотмасдан аввал совет элчисидан врачлар жўнатишни илтимос қилди — Амин ўзининг врачларига ишонмас эди. КГБ элчига билдирмай, Кобулда махсус операция ўтказаётганидан хабари ҳам йўқ эди. Совет врачлари президентнинг ҳаётини асраб қолишди, лекин бир неча соатдан кейин бизнинг спецназчилар[1] президентни барибир, отиб ташлашди. Улар отишмалар ичида совет врачларидан бирини ҳам отиб ўлдирдилар.

КГБнинг спецназ десантчилари билан биргаликда Аминнинг саройини ҳужум билан босиб олишади. Ҳужум вақтида афғонлардан жуда кўп одам ўлди. Улар жон таслим қилаётган вақтларида ўзларини энг яқин дўстлари ўлдираётганига сира-сира ишона олмас эдилар. Энг сўнгги дақиқаларга қадар президент Амин ҳам бунга ишонмаган эди. Уни ҳам бошқалар қатори отиб ташлашди. Унга қўшиб ўғилларини ҳам ўлдиришди. Полковник Кузнецов менга айтиб берганди:

— Ўша кеча мен алоқа бўлимида эдим. КГБ вакили генерал Иванов ҳам шу ерда эди. У Аминнинг оламдан ўтгани ҳақида маълумот олиши билан "тамом, ғалаба — бизники!" деган маънода хурсанд бўлиб, мени қучоқлаб ўпди.

1979 йилнинг 31 декабр куни Кирпиченко ва КГБнинг яширин разведкасининг бошлиғи Юрий Иванович Дроздов Андроповга операциянинг муваффақиятли якунлангани тўғрисида маълумот бердилар. Андропов уларни мукофотларга тақдим этишга ваъда қилди.

Андропов Афғонистонда ўз муассасасининг тузоғига ўзи илиниб қолди — муаммони ҳал қилишнинг ғоятда осонлиги уларни маҳлиё қилган эди — Аминни йўқотасан, Кобулга ўз одаминг Бабрак Кармални етказасан, уни ҳокимият тепасига қўясан. Тамом-вассалом! Махфий операциялар ўзларининг жўнлиги, арзонлиги ва хуфиялиги билан ғоятда одамни ўзига маҳлиё қилади. Тўғри, кейинчалик ҳамма нарса мутлақо бошқача экани аён бўлади, лекин бу ... ҳар қалай, кейинчалик бўлади-да!

Совет қўшинлари Афғонистонга олиб кирилганда Брежнев узил-кесил бетоб бўлиб қолганди ва номигагина давлат бошлиғи бўлиб турарди. Агар Брежнев ҳар жиҳатдан ишга яроқли бўлиб турганида, эҳтимол, у Андропов, Устинов ва Громиколарга мамлакатни афғон можаролари ботқоғига тушириб қўйишларига йўл бермаган бўларди.

Валентин Фалиннинг эслашича, "ҳамма ишлар Бош котибга билинтирмай, ими-жимида қилинган эди. Бошқача қилиб айтганда, Бош котиб вазиятни соғлом баҳолай олиш салоҳиятидан маҳрум бўлиб қолганди". Фалиннинг сўзларига қараганда, Леонид Ильич "ташқи сиёсат борасидаги ўзининг севимли

[1] Махсус тайинланган десантчилар.

ихтироси таназзулга юз тутганидан қаттиқ изтиробга тушган, лекин бирор нарсани ўзгартириш ортиқ қўлидан келмас эди. Ҳатто ўзи хоҳлаганда ҳам, бунга ожизлик қиларди".

Андропов Бош котиб лавозимига ўтгандан сўнг атеистик ишларни кенгроқ авж олдиришга кўрсатма берди, чунки бостириб кириш натижасида ислом дини арбобларининг роли ошиб кетганди.

1983 йилнинг январида КПСС Марказқўми "Мусулмон руҳонийларининг реакцион қисмини мафкуравий яккалаб қўйиш тадбирлари ҳақида" қарор қабул қилади. Лекин бу қарор энди ёрдам беролмас эди. Совет қўшинларини Афғонистонга киритган одамлар ўз қўллари билан мусулмон халқларини Совет Иттифоқидан бездирдилар, диний туйғуларнинг қайта тикланишига ҳамда давлат мустақиллигига интилишларнинг кучайишига бевосита ёрдам бердилар.

СУСЛОВНИНГ ЎЛИМИ

Ўша даврдаги воқеаларнинг баъзи бир иштирокчилари Андропов ўзининг ҳокимият тепасига келишини тезлаштиришга уринган деб ҳисоблашади. Юрий Владимировичнинг ўзи жиддий касал эди ва Леонид Ильич ўз ўрнини унга табиий бўшатиб берадиган кунга етиб бора олмайман деб қўрқар эди.

Бу фараз тарафдорларининг фикрига кўра, Андропов Брежневнинг ўзининг ҳам, теварагидагиларнинг ҳам обрўсини тўкишга уринган. Шунинг учун Юрий Владимирович давлат бошлиғининг хонадони коррупцияга ўралашиб қолгани тўғрисидаги миш-мишларнинг кенг тарқалишига йўл қўйиб қўйган. Бу миш-мишлар эса Бош котибнинг қизи Галина Леонидовна Брежнева теварагида кўп айланар эди. Унинг ишқий саргузаштлари ва баъзи бир шубҳали шахслар билан яқин муносабатлари ўша пайтларда бутун мамлакат бўйлаб кенг муҳокама қилинар эди. Эндиликда яхши маълумки, аслида ҳеч қанақа "Галина Брежнева иши" деган нарса бўлган эмас. Бироқ у ҳақиқатан ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг назарлари доирасига тушиб қолган баъзи бир одамлар билан таниш бўлган. Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси, академик Александр Яковлев менга шундай деган эди.

— Брежнев Андроповдан бироз қўрқиб юрарди. Унинг бундай ҳайиқиб туриши жўяли ҳам эди. Андропов унга қарши иғво тўрларини тўқишдан ҳам тоймасди. Менга маълумки, Брежнев бир неча марта Сусловга уни тийиб қўйишни топширган.

— Қанақа иғво тўрларини кўзда тутяпсиз?

— Андропов қўрқоқроқ одам эди. У Брежневни оиласи орқали чақиб олишга ҳаракат қилди. Бош котибнинг оиласини ёмонотлиқ қиладиган миш-мишларни мамлакат бўйлаб тарқалишига йўл очиб берди. Бу — Брежневнинг обрўйига путур етказган эди.

— Андропов Брежнев оиласининг қинғир ишлари ҳақидаги ахборотнинг КГБдан чиқиб тарқалиб кетишига онгли равишда йўл қўйган ва шу йўл билан Леонид Ильичнинг обрўйига путур етказмоқчи бўлган дейиш мумкинми?

— Андропов ҳаддан ташқари эҳтиёткор одам эди, — деб жавоб беради РСФСР КГБсининг собиқ раиси Виктор Иваненко. — У олий рутбали раҳбариятга қарши биронта ҳам хатарли ишга ҳеч қачон қўл урмас эди. Бу унинг табиатига тўғри келмасди. У ўз қўли остидаги баъзи бир ҳовлиққан ходимларни улар партиядаги баъзи бир мансабдорлар билан фаолроқ шуғулланишга даъват эттанларида попукларини пасайтириб қўяр эди.

Гапнинг индаллосини айттанда, Андропов Брежневнинг ҳузурида қалтираб турар эди. Бир куни Андропов Брежнев билан гаплашаётиб, Бош котибга бириктириб қўйилган ҳамширанинг эри тўғрисида гап очиб қолади, унинг эри анча-мунча лақма эканини, бўлар-бўлмас гапларни кўп гапиришини айтади, эҳтимол, ҳамширани алмаштириш мақсадга мувофиқдир, дея ўз мулоҳазасини билдиради. Брежнев билан ҳамшира ўртасида хизмат доирасидан ташқари чиқадиган муносабатлар пайдо бўлган эди.

Брежнев Андроповга қаҳр билан жавоб берди:

— Биласанми, Юрий, бу менинг муаммом, бошқа ҳеч қачон унга тил тегизма.

Бу суҳбатнинг ошкор бўлиб, одамлар ўртасига тарқалганига бирдан-бир сабаб шуки, Андропов у тўғрида СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги Тўртинчи Бош бошқарманинг бошлиғи академик Чазовга гапириб берган эди. Бош котиб билан нозик масалалар тўғрисида нима учун бемалол гаплаша олмаслигини шу билан изоҳлаган эди.

Брежнев ҳокимият тепасида турган сўнгги йилларда Андроповнинг Леонид Ильичга муносабати анча-мунча мураккаб бўлган эди.

Бир куни Сиёсий бюро мажлисини олиб бораётганда оғир беморликни бошидан кечираётган Брежнев ҳуши учиб, муҳокама тизгинини қўлдан чиқариб қўяди. Сиёсий бюро мажлисидан кейин Андропов бу пайтда Москвага ишга кўчирилган Горбачёвга шундай дейди:

— Биласанми, Михаил, Леонид Ильични ҳатто шу аҳволда ҳам қўллаб-қувватламоқ учун ҳамма ишни қилмоқ керак. Бу — мамлакатда, давлатда барқарорлик масаласи, қолаверса, халқаро барқарорлик масаласи ҳамдир.

Андропов тугал равишда Брежневнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ эди, - деб ёзади академик Чазов. У тушунарди — унинг асосий камчиликларидан бири Марказқўм котибларидан ажралиб қолгани эди. Бу доирада Кириленко ёки Черненкодан фарқ қилар, унинг етарли суянчиғи йўқ эди. У эса бу одамларнинг дасти ғоятда узун эканини жуда яхши тушунар эди. У ҳали ўзининг фурсати етиб келмаганини англар, шунинг учун ҳам Бош котиблик лавозимида мункиллаб, тўкилиб қолган, аммо Андропов учун қулай бўлган Брежневни сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан тиришиб ётарди.

Андропов ёш партия котибларини ўз томонига оғдириш учун жамики имкониятларни қидириб топишдан эринмасди. Шунинг учун ҳамма имкониятларни ишга солиб ўзига шахсан таниш бўлган Михаил Сергеевич Горбачёвни Ставрополдан Москвага ўтказилишига ва КПСС Марказқўмининг котиби этиб тайинланишига эришди.

Айни чоғда Андропов вақтнинг ҳалокатли тарзда тез ўтаётганини тушунарди — унинг касали жуда оғир, у узоқ кутиб туришга ярамайди. Юрий Владимирович Брежневдан кейин бўладиган воқеаларга тайёргарлик кўриб борганди. Холисанлилло олганда у Брежнев теварагидаги ўзи билан рақобатлашиши мумкин бўлган айрим даъвогарларнинг обрўсига путур етишидан манфаатдор эди.

Андропов академик Чазов билан яқин муносабатлар ўрнатди. Чазов Брежневнинг ва қолган Сиёсий бюро аъзоларининг саломатлиги қай аҳволда эканини ҳаммадан кўра яхшироқ билар эди.

У ўқтин-ўқтин Чазов билан учрашиб турарди. Бу учрашувлар ё Андроповнинг уйида ёки КГБнинг хуфия уйиида содир бўларди. Хуфия манзили Сатира театридан унча узоқ бўлмаган жойдаги эски уйлардан бирида эди. “Гап, асосан, Брежневнинг саломатлиги тўғрисида борган эди, — деб эслайди Чазов. — Биз унинг хасталиги муносабати билан муолажа учун нималар қилаётганимиз, ҳокимиятнинг олий табақалари ўртасидаги аҳвол тўғрисида гаплашдик. Ақлли ва олисни кўра оладиган сиёсатчи, таҳлилий тафаккурга мойил Андропов худди шахматчи каби у ёки бу сиёсий арбобларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари қандай бўлиши мумкинлигини аввалдан чамалаб кўрарди”.

Юрий Владимирович КГБдан имкон қадар тезроқ КПСС Марказқўмига қайтишни орзу қиларди, чунки бу ерда унинг учун Бош котиблик лавозимига йўл очиларди. Андроповни Черненко билан ўрталарида аланга олиб бораётган рақобат ташвишга соларди. Брежнев заифлашиб боргани сари Черненко унинг пинжига суқилиброқ киришга ҳаракат қиларди. Марказқўмнинг умумий бўлимига раҳбарлик қилган Константин Устинович партия аппаратининг ҳамма ишини назорат остида тутарди. У бўлаётган ишлардан Брежневни огоҳ қилиб туриш билан чекланмас, балки Бош котибнинг ишлари жуда тиғиз ва кўп деган таассурот туғдиришга ҳам уринарди. Брежнев сўнгги йилларда Черненкога шу қадар ишониб кетгандики, у олиб келган қоғозларнинг ҳаммасига маъносини дурустроқ уқмасдан ҳам имзо чекиб юбораверарди.

Тўғри, ўттиз беш йил мобайнида Марказқўм котиби бўлиб келган Михаил Андреевич Суслов 1982 йил 25 январда вафот этгандан кейин вазият ўзгарди.

Суслов Марказқўмда котиб бўлиб ўтирар экан, Андроповга юқорига йўл берк эди. Суслов Андроповни ёқтирмасди. Чекистларнинг каттасини Сиёсий Бюронинг бошқа аъзолари ҳам ёқтиришмасди. Фақат мудофаа министри Дмитрий Федорович Устиновгина бундан мустасно эди. КГБнинг раиси ҳеч кимнинг амал пиллапояларидан кўтарилишига ёрдам бермас, лекин жуда осонлик билан бир зумда бу йўлни қирқиб қўйишга қурби етарди.

Энди эса КПСС Марказқўмининг асосий биносидаги биринчи йўлакнинг бешинчи қаватидаги иккинчи рақамли кабинетда ўрин бўшаб қолди. Бу қаватда фақат иккита кабинет – Бош котибнинг кабинети-ю, партиядаги иккинчи одамнинг кабинети бор эди, холос. Уни ким эгаллашини ҳамма интиқлик билан кутарди. Турли-туман номзодлар кўп эди. Брежнев сира кутилмаганда Андроповни танлади.

Бош котибнинг ёрдамчиси Андрей Александров-Агентов шундай эслайди:

"1982 йилнинг бошланишида Суслов қўққисдан бетоб бўлиб қолганидан кейин бир-икки кун ўтгач, Леонид Ильич мени Марказқўм биносидаги қабулхонасининг хилватроқ бурчагига тортди-да, овозини пасайтириб деди:

– Менга Чазов қўнғироқ қилди. Сусловнинг куни битиб қолган кўринади. Мен унинг ўрнига Марказқўмга Андроповни ўтказишни ўйлаб турибман. Ахир, Юрканинг Черненкодан зўрроқ экани ҳақиқат-ку! Салоҳиятли, ижодий фикрлайдиган одам..."

Қизиқ, нима учун Брежнев ёрдамчисини хилватга тортдийкин? Гапларини бегона одамлар эшитишини хоҳламадимикин? Унинг гапларини ҳам махфий эшитиб оладиганлар бор деб ўйладимикин? Бундай қилишга кимнинг ҳадди сиғарди?

1991-йилдан кейин Сиёсий бюронинг энг махфий ҳужжатларини кўриб чиқишга ижозат олган генерал-полковник Дмитрий Волкогонов буни Черненко қилган деб таъкидлайди. Унинг кабинетида махсус аппаратлар бор экан. Уларнинг ёрдамида эски майдондаги энг юқори рутбалик амалдорларнинг, шу жумладан, Марказқўмнинг асосий биносидаги бешинчи қаватдаги кабинетларда бўладиган гап-сўзларни ҳам эшитиш мумкин эди.

Брежнев нима учундир узил-кесил қарор қабул қилишни орқага ташлар, Андропов эса бу ишда Черненконинг найранги бор деб ҳисоблаб, изтироб чекарди.

Ҳатто Чазов ҳам Андроповдан иш нимага чўзилаётганини сўраб-суриштирди.

– Нима, Марказқўмдагиларнинг менга кўзлари учиб турипти деб ўйлайсизми? – деб жавоб берди Андропов маъюсланиб. – Кириленко бир куни менга шундай деган эди: "Агар сен Марказқўмга ўтадиган бўлсанг, ҳойнаҳой, ҳаммамизни ҳар томонга тирқиратиб юборсанг керак-а!"

Кириленко ҳақ бўлиб чиқди. Андропов Бош котиб бўлгандан кейин эски аламларини унута олмай, биринчи навбатда, Сиёсий бюро аъзоси Андрей Платонович Кириленкони нафақага жўнатди. Тўғри, бу вақтга келганда Кириленко анча оғир хаста эди. Бундай деса, Андроповнинг ўзининг соғлиғи ҳам Кириленконикидан аъло эмас эди.

КГБ Москва бошқармасининг собиқ бошлиғи генерал Виктор Алядин шундай эслайди: Улар Андропов билан баъзан-баъзан Брежневнинг саломатлиги ёмон экани тўғрисида гаплашиб туришар экан.

– Леонид Ильич қариб қолди, бор кучи билан ишлай олмаяпти. Аллақачон ўзини раҳбарлик ишидан озод қилиш масаласини қўйган. Лекин унинг ўрнини боса оладиган одам топилмаяпти, – дебди бир куни Андропов.

– Бу вазифани ўзингиз зиммангизга олақолсангиз бўлмайдими, Юрий Владимирович? Партия ва давлат ишларида жуда катта тажрибага эгасиз, - деб жавоб берган Алядин.

– Шунақа-я, лекин мен саноат соҳасини жуда бўш биламан-да, – дейпти Юрий Владимирович.

– Менимча, ҳозир Марказқўмда саноат ишлари билан шуғулланаётган одамлар уни сиздан яхши билолмаса керак, – дея эътироз билдирган Алядин.

Шунда Андропов генералга Брежнев билан болгарлар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни айтиб берипти. Тодор Живков маслаҳатлашгани келган экан.

— Мен Болгария компартияси Сиёсий бюросининг икки аъзосини алмаштирсам дейман. Улар жуда қариб қолишди, меҳнат қилиш қобилиятлари ҳам сусайиб қолган. Бунга сиз қандай қарайсиз, Леонид Ильич? - дебди Живков.

— Менга қолса, бундай қилмас эдим, — деб жавоб берипти Брежнев очиқчасига. - Улар сизга халақит беришяптими? Сиёсий бюрога ёшроқлардан аъзо қилсак, уларнинг турган-биттани ортиқча ташвиш. Улар вазиятни чалкаштиришдан бошқага ярамайди. Сизга шу керакми?

— Ўзингиз кўриб турибсиз, бизнинг сиёсий бюромиздаги вазиятни ўзгартиришга ҳам хоҳиш йўқ, — деб суҳбатга хотима ясапти Брежнев.

1982 йилнинг бошида Алядин Андроповнинг хасталигини, Марказий клиника хастахонасида ётганини эшитипти. Уни кўргани бормоқчи бўлган экан, соқчилар Андроповнинг ўзини ёмон ҳис этаётганини айтишипти. Бир неча кундан кейин Андропов ишга чиққан ва Алядинни ҳузурига чақирган.

Генерал шундай эслайди: "Биз учрашдик, қучоқлашиб, ўпишиб кўришдик. У менга Афғонистонга бориб келганини, у ерда энг пешқадам раҳбарлар билан учрашганини айтиб берди. У ерда ҳам учрашганда ўпишиб кўришиш одати бор экан. Шу йўл билан Андропов чечак юқтириб келипти. Уни Москвага жуда оғир аҳволда олиб келишипти. Бир неча кун у ҳушсиз ётипти. Андроповнинг шакл-шамойилини кўрган одам қўрқиб кетарди. Унинг шашти жуда паст, юзи сўлиб бир бурда бўлиб қолган, аввалги ғайратидан ном-нишон қолмаганди. Марказқўмга ўтиш ҳақдаги таклиф Андроповда қарама-қарши туйғулар уйғотди. КГБга кўникиб қолганди, реал ҳокимиятдан маҳрум бўлишдан қўрқарди, негаки, партияда расман иккинчи котиб деган лавозим йўқ эди. Брежнев эса унинг ваколатлар доираси қанақа бўлишини аниқроқ айттани йўқ, у чиндан ҳам Андропов Сусловнинг ўрнини босади деб ўйлаганмиди ёки унга яна битта шунчаки Марказқўм котиби керакмиди - буни ҳам айттани йўқ.

Андропов Алядинни ўзига яқин олиб деди:

— Виктор Иванович, менга Марказқўм котиби лавозимига ўтишни таклиф қилишяпти. У ернинг йўлакларида у ёқдан-бу ёққа қоғоз кўтариб, югуриб юришимдан нима маъно бор? Бу ерда кўпроқ фойда келтираман-ку!

"Бу гап мен учун мутлақо кутилмаган бир гап бўлди, — деб эслайди генерал Алядин. — Вақт-соати келиб бизда бошқа бирон одам раҳбар бўлади деб тасаввур ҳам қила олмас эдим. Юрий Владимировичнинг ҳасратига шерик бўлдим-у, лекин унга бу таклифни қабул қилмасликни маслаҳат бердим.

Мени ваҳима босди. Демак, Брежнев билан Андроповнинг орасига совуқчилик тушипти-да! Афтидан, Бош котиб уни ўзининг вориси деб ҳисобламас экан-да! Марказқўмда иккинчи котиб лавозими бўш эди, лекин Андроповга бор-йўғи оддий котиб вазифасини таклиф қилишган эдилар, холос..."

БРЕЖНЕВ ВА ШЧЕРБИЦКИЙ

Тахминан шу вақтларда Брежнев билан Украина компартияси Марказқўмининг Биринчи котиби Владимир Васильевич Шчербицкий ўртасида махфий суҳбат бўлиб ўтади. Шуни таъкидламоқ керакки, Брежнев Владимир Васильевични Москвага таклиф қилгани йўқ, балки кутилмаганда ўзи Киевга етиб борди.

Генерал Алядин эслайди: "1982 йил май ойининг бошида Леонид Ильич юятда махфий равишда бир неча соатга Киевга борди. Бу воқеа кутилмаганда қўққисдан рўй берди. Буни мен Внуково аэропортида оператив хизмат кўрсатувчи бошқарма бўлинмасининг бошлиғидан эшитдим. Ўз-ўзидан аёнки, мен бу тўғрида дарҳол Андроповга хабар қилдим".

Юрий Владимирович бунақа сафарнинг замирида нима ётишини тушунгани сабабли, қаттиқ ташвишга тушиб қолди.

Владимир Васильевич Шчербицкий Брежнев яхши кўрадиган кадрлар сирасига кирарди. Шчербицкий Днепропетровск шаҳрида туғилган бўлиб у ерда аста-аста партиявий амаллар зинасидан кўтарила-кўтарила кўп йиллар давомида ишлаган эди. Владимир Васильевич 1957 йилда Украина Компартияси Марказқўмининг котиби бўлди, 1961 йилда эса республика Министрлар Советининг раиси бўлди. Аммо Украина Компартияси Марказқўмининг Биринчи котиби бўлган Петр Ефимович Шелест унинг тагига сув қуйди. Шелест Хрушчевнинг арзандаларидан эди. Шчербицкийнинг амалини анча пасайтириб, туғилиб ўсган шаҳри Днепропетровскка қайтариб юборишди. Брежнев биринчи котиб бўлиб сайлангандан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетди. У Шчербицкийни бадарға жойидан топиб қайтариб олиб келди ва бир йилдан сўнг – 1965 йилнинг кузида у яна Украина ҳукуматининг бошлиғи бўлди. Брежнев дабдурустданоқ уни Президиум (Сиёсий бюро) аъзоси қилди. Ҳолбуки, ишлаб турган мансаби уни бунақа унвонларга эга бўлишини тақозо қилмас эди.

1972 йилда Брежнев ғоятда устомонлик билан Шелестни биринчи котиблик вазифасидан олиб ташлади. Бу операцияда Андропов ҳам иштирок эттан эди.

Бундан бир йилча аввал, одатда, Москвани сира тарк этмайдиган, кабинетидан чиқмай ишлайверадиган Андропов Украинага борган эди. Бу сафардан кўзланган мақсад – расман республика КГБсининг кенгашида иштирок этиш, аслида эса Шелестнинг қўйнига қўл солиб кўриш эди. Улар шаҳардан ташқарида учрашишди ва ғайрирасмий шароитда узоқ суҳбатлашишди.

“Андропов партия съезди олдидан менинг фикрларимни билгани ва қандай мавқеда эканимни аниқлашга келгани яққол сезилиб турарди, – деб ёзади кундалигида Шелест.– Мен ўз мулоҳазаларимни очиқ айтдим. Шу жумладан, марказнинг раҳбарлик услубидаги камчиликлар тўғрисида ҳам гапирдим. Брежнев тўғрисида шак-шубҳасиз уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур эканини айтдим. Лекин шу билан баробар Сиёсий бюрони фақат гап сотадиган “бозор”га айлантириб юбориш ҳам мумкин эмаслигини гапирдим. Бошланган ишларни охирига етказиб қўйиш керак. Эҳтимол, менинг гапларим кескинроқ бўлгандир, лекин улар ҳақиқат эди. Андропов билан суҳбат мен учун оқибатсиз ўтиб кетмаслигини сезиб турардим”.

Шелест адашмади. Андропов унинг заиф жойларини билиб олган эди. Петр Ефимович киевлик сиёсатчилар ўртасида Украинани, украин тилини ҳаммадан ортиқроқ яхши кўрарди, десак хато бўлмас. 1965 йилнинг ёзида ҳамма олий ўқув юртларига уч ойлик муддат ичида таълимни украин тилида олиб боришга ўтиш тўғрисида кўрсатма берилган эди.

Москвада бунақа гапларни ёқтирмай, ғашлик билан қабул қилишар, унинг замирида миллатчилик ва сепаратизм кайфиятлари бор деб ҳисоблашар эдилар. Шчербицкий эса, унинг ўзи айтганидек, “Богдан Хмельницкий мавқеи”да турарди, яъни ҳамма ишларимизни тўла-тўкис Москвага қараб юритарди.

Анатолий Черняев Сиёсий бюрода Андроповнинг мактуби муҳокама қилинганини эслайди. Бу мактубда “руслаштиришга қарши турган ва мустақиллик талаб қилган украин миллатчилари” ҳақидаги ҳужжат тўғрисида гап борарди.

Брежнев норози оҳангда шундай деган:

– Мен Петр Ефимович билан телефон орқали деярли ҳар куни алоқа қилиб тураман. Колбаса тўғрисида, буғдой, мелиорация ҳақида гаплашамиз. Ҳозир бизнинг столимиз устида ётган ҳужжат эса унга ва Украина Компартияси Марказқўмига олти йилдан бери маълум экан. Лекин ҳеч ким Киевда менга бу тўғрида гапиргани йўқ, лом-мим деб оғиз очмаган. Бу масалада Петр Ефимович ҳеч қанақа ишкалликни кўрмаган экан-да!

Брежнев дўсти Шчербицкийни Украинага раҳбар қилиб қўйди. Шчербицкий икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг “Ўроқ ва Болға” олтин медалини олди ва ҳарбий саноат комплексида ишлайдиганлар учун махсус белгиланган Ленин мукофоти билан (яширин рўйхат бўйича) тақдирланди. Бунда мудофаа министри Устинов ташаббус кўрсатди. Унинг билан ҳам Шчербицкий ўртасида дўстона алоқалар мавжуд эди. Сиёсий бюронинг собиқ

аъзоси Вадим Медведевнинг гапларига қараганда Шчербицкий билан Бош котиб ўртасида "баҳоят қалин муносабатлар мавжуд эди, улар бир-бирларига ишонар эдилар. Шчербицкийнинг қўллаб-қувватлаши билан Брежнев кўпгина нозик масалаларни ҳал қиларди".

Брежневнинг вориси ҳақидаги гаплар кўпдан бери айланиб юрарди. Унинг ўзи ҳам баъзан бунга шама қилиб қўяр, баъзан эса очиқчасига тўппа-тўғри айтаверарди.

Ҳатто шундай гап ҳам юрадики, бир куни Брежнев кўнгли тўлиб кетиб, Шчербицкийга деган экан:

— Мендан кейин, Володя, сен бош котиб бўласан.

Новча, қадди-қомати келишган Шчербицкий жуда ёқимли таассурот қолдирарди. Мамлакат бўйича олганда ҳам у катта обрўга эга эди.

СССР Министрлар Советининг раиси Алексей Николаевич Косигин оғир дардга чалиниб, ётиб қолганида, Брежнев Шчербицкийга ҳукуматга бош бўлишни таклиф қилган эди.

Брежнев билан Шчербицкий Кишиневга боришган. Леонид Ильичнинг кайфияти жуда паст бўлган, у Министрлар Советига ким раис бўлишини ўйлаб, ўйининг тагига етолмаган. Ниҳоят, кечаси вақт алламаҳал бўлиб қолганда у пижамада Шчербицкийнинг хонасига кирган.

— Володя, Косигиннинг ўрнига сен бўлишинг керак. Бошқа одам йўқ...

Шчербицкий таклифни рад қилган. Ҳарҳолда кейинчалик ёрдамчиларига шундай деб айтиб берган. Нима учун у иттифоқ ҳукуматига бош бўлишни хоҳламади. Афтидан, у Министрлар Совети раисининг ўрнини хатарли деб ҳисоблаган бўлса керак. Бу мансаб ҳар томондан танқид учун очиқ, иқтисодиётдаги оғир аҳвол учун айбни партия аппарати осонгина ҳукуматнинг устига ағдариб қўяқолади.

Ундай бўлса, Брежнев билан Шчербицкий 1982 йил майида Киевдаги махфий учрашувларида нимани муҳокама қилишган?

Эҳтимол, Леонид Ильич Андроповни Марказқўмнинг котиби қилиш нияти борлиги тўғрисида гапириб берган-у, лекин Андропов унинг вориси бўлмаслигини айтиб, киевлик дўстини хотиржам қилгандир?

Бу суҳбат Шчербицкий учун ёқимли, лекин хатарли суҳбат эди. Агар у Бош котибнинг вориси ким бўлади деган масалани муҳокама қилишда ўзининг манфаатдорлигини жиндай намойиш қилиб қўйса, шу заҳотиёқ Брежневнинг ундан кўнгли қолиши мумкин эди. Хуллас, Брежнев узоқ вақт иккиланиб юрди. Андропов Марказқўмга ўтиш учун кураш олиб борди ва охир-пировардида, ўз мақсадига эришди.

Суслов 1982 йилнинг январида вафот этди, Андроповни эса Марказқўм котиблигига 24 майда сайладилар.

Мамлакат ва жаҳон янги котиб ўзи билан нима олиб келаркин, қанақа янги ғояларни олдинга сураркин, дея фол боқишга тушди. Лекин камдан-кам одам КПСС Марказий Комитетидаги кабинетни оғир дардга чалинган дардман эгаллаганидан воқиф эди. Аслида, Андропов умрини яшаб бўлган, фурсати ўтган эди.

Генерал Вадим Кирпиченко унинг чекистлар кўз ўнгида сўниб борганини эслайди: У сайр қилишни ёқтирмас, кабинетдан ташқарига чиқмайдиган хонанишин одамга айланиб қолган эди. Сўнгги пайтларда — ҳали КГБда ишлаб юрган кезларидаёқ Андропов ишларни кўрар экан, аввалги иштиёқи сезилмасди. У ўқишга ҳам қийналиб қолган эди, биров ўқиб беришини илтимос қиларди.

КГБда ишлаган йиллари унга фойда келтирмади. Валентин Фалиннинг ёзишича, "биқиқ, салбий ҳаволарга тўлиқ муҳитда Андроповнинг ўзи ҳам жуда кескин ўзгариб кетди". Унинг гапларида ҳаққонийлик камайиб кетди, ҳар нарсага шубҳа билан қараш, ҳар нарсадан ҳадиксираш кучайди, ҳамма нарса тегиб кетадиган бўлиб қолди, кекчилиги зўрайди.

Брежневга шама қилиб, Андроповнинг ҳаддан ташқари хаста эканини, мамлакатни бошқара оладиган ҳолда эмаслигини айтишди.

Леонид Ильич партия ва давлатнинг олий рутбали раҳбарларининг саломатлиги учун масъул бўлган академик Чазовга телефон қилди.

— Евгений, нима учун Андроповнинг саломатлиги тўғрисида менга ҳеч нарса демадинг? Менга унинг аҳволи ниҳоятда оғирлигини ва куни битиб қолганини айтишди. Мен уни уйимга меҳмонга келганда кўргандим — ҳеч нарса ичмайди, деярли ҳеч қайси овқатга қўл ҳам тегизмади. "Нега ҳеч нарса емаяпсан?" десам, фақат тузсиз овқат ейман, дейди.

Чазов дипломатларга хос муғамбирлик билан жавоб берди: ҳа, Андропов ҳақиқатан ҳам анча оғир касал, аммо даволаш унинг аҳволини барқарорлаштиришга бемалол имкон беради. Ҳозир Юрий Владимирович бемалол ишга яроқли.

— Тўғри, у кўп ишлаяпти, — деб унинг гапини маъқуллади Брежнев. — Лекин унинг бетоблиги ҳақидаги гап-сўзлар жуда кўпайиб кетяпти. Биз бу гапларга индамай қараб туролмаймиз. Андроповнинг куни битганлиги ҳақида миш-мишлар юрипти. Унинг имкониятлари ва келажаги тўғрисида бизга аниқ гап айтишинг керак.

Брежневнинг сўзлари ёмон бир нарсадан дарак берарди. Сиёсий бюро аъзолари ичида соғлом одам кам эди, аммо уларнинг саломатликлари қай аҳволда экани ҳамма учун сир эди. Агар бирор одамнинг хасталиги ҳақида гап-сўзлар кўпайиб кетса, у одам хизматни тарк этиб, дам олишга ўтишни ўйламоғи керак эди.

Орадан кўп ўтмай Андроповнинг ўзи ҳам Чазовга қўнғироқ қилиб қолди. У анча ташвишда эди, академикдан ёрдам беришини илтимос қилди.

— Мен Брежнев билан учрашдим. У ўзимни қандай ҳис қилаётганим тўғрисида, саломатлигим қай аҳволда, ундан нима ёрдам кераклиги ҳақида анчагина сўраб-суриштирди. Афтидан, кимдир хасталигимни рўкач қилиб, ўзини менга ғамхўрдай кўрсатмоқчи, мени жуда оғир хаста кўрсатиб, ногиронга чиқариб қўймоқчи шекилли. Мен сиздан илтимос қиламан — Брежневни хотиржам қилиб қўйсангиз, менинг келажагим масаласидаги шубҳа-гумонлари ва безовталиги барҳам топса...

Балки Бош котиб аллақачон ўзи учун қандайдир хулосалар чиқариб бўлгандир. Марказқўмнинг кадрлар бўйича собиқ котиби Иван Васильевич Капитонов уни 1982 йил октябр ойининг ўрталарида Леонид Ильич ҳузурига чақирганини ҳикоя қилади.

— Манави ўриндиқни кўряпсанми? — деб сўрапти Брежнев ўзининг ўриндиғига ишора қилиб. — Бир ойдан кейин бу ўриндиқда Шчербицкий ўтиради. Ҳамма кадрлар масаласини шуни ҳисобга олиб ҳал қил.

Бу гап-сўзлар Сиёсий бюрони сергаклантириб қўйди: Москвалик аппаратчилар Украинадан чиққанлардан анча ҳадиксирар эди. Алексей Илларионович Кириченко ўзини анча бемаза тутгани эсларида эди. Уни Хрушчев Киевдан олиб келиб, КПСС Марказқўмининг иккинчи котиби қилиб қўйганди, аммо ишни эплай олмаётганини кўриб, уни тезгина жўнатиб юбора қолганди. Украина Компартияси Марказқўмининг яна бир собиқ котиби Николай Викторович Подгорний эди. У ҳаддан ташқари ўзига бино қўйган ва ақл бовар қилмайдиган даражада бетакаллуф, беандиша одам эди. У ҳам ўзидан ёмон хотира қолдирган эди, негаки, ҳатто сиёсий бюро аъзолари билан ҳам таҳқирли шаклларда гаплашаверар эди.

Шчербицкий унга қараганда беқиёс даражада андишали одам эди, бу кайфиятлардан воқиф эди ва уларни ҳисобга олишга интилар, ҳамиша ёрдамчиларидан сўраб турарди:

— Хўш, бу масалада Москов боёнлари нима деб ўйлашмоқда?

Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси Гришин ҳам Шчербицкийни Брежневнинг жуда яқин одами деб ҳисоблар ва Брежнев миш-мишларга қараганда Марказқўмнинг яқинда бўладиган Пленумида Шчербицкийни КПСС Марказқўмининг Бош котиблигига тавсия қилиб, ўзи эса партия Марказқўмининг раиси лавозимига ўтмоқчи деб ўйлаган. Л.И.Брежнев бу ниятларини амалга оширишга улгурмади. Белгиланган пленумга чамаси икки ҳафталар вақт қолганида у қўққисдан вафот этди.

Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси шунчаки бир тахминдир, холос.

Брежнев ўзининг ишдан бўшаб, дам олишга кетиши тўғрисида анча олдин оғиз очган эди. 1979 йилнинг апрелида Брежнев хос соқчиларининг бошлиғи Александр Рябенкога тўсатдан айтган экан:

– Дам олишга кетгим келяпти...

Рябенко Бош котиб таътилга чиқишни хоҳлаб қолипти деб ўйлабди. Кейинчалик маълум бўлишича, Брежнев истеъфо ҳақида гапирган экан. Черненко Сиёсий бюро мажлисини чақирган, Брежнев нафақага чиқиш фурсати етиб келди, деган. Ҳамма бунга қарши бўлган, якдиллик билан Бош котибга ишлаши учун шароит яратиб бериш кераклиги, кўпроқ дам олишига имкон бериш тўғрисида гапирган. Брежнев ўз мансабида қолишга рози бўлган.

Аммо Леонид Ильичнинг кайфияти тез-тез ўзгариб турган, шекилли.

КПСС Марказқўмининг собиқ котиби Валентин Фалиннинг ёзишича, Черненко билан суҳбатларидан бирида Брежнев унга шундай деган экан:

– Костя, мендан ишларни қабул қилишга тайёргарлик кўравер.

“Ажаб эмаски, – деб илова қилади Фалин, – айни шу сўзларини айни шу вақтнинг ўзида унинг оғзидан яна бошқа бирор одам эшитган бўлиши мумкин. Ҳамма қасрларда шунақа ўйинлар бўлиб туради. Аммо Черненко Брежневга ўта садоқати билан ажралиб турарди. Черненко унда бирон ғаразли ният бор деб гумон қилиш учун заррача ҳам баҳонага йўл қўймаганди. Унда қуввати кетиб мункиллаб қолган Бош котиб тахтининг оёқларини арралаш хоҳиши бўлган эмас”.

Брежнев Андроповни Марказқўмдан олиб, иккинчи котиб қилиб қўйганида ворис бўлмоқ учун Юрий Владимировичнинг имкониятлари ҳамманикидан ортиқроқ экани аён бўлди. Бироқ у бундай шамалар ва ваъдалар Черненкога ҳам, Шчербицкийга ҳам айтилганидан хабардор эди, бу эса уни янада кўпроқ асабийлашишга мажбур қилар эди.

Аслида эса Леонид Ильичнинг кетиш нияти йўқ эди. Ҳар қандай нормал одам каби ўзининг ўлими яқинлиги тўғрисида ҳам ўйламас эди. Шунинг учун ворислик ҳақидаги бу гап-сўзларни ҳеч ким жиддий қабул қилгани йўқ. Бундан ташқари теварагидагилар учун ҳам Брежневнинг ўз мансабида имкони борича узоқроқ қолиши фойдали эди.

Брежнев ҳали ҳаётлигида 1982 йил январида В.И.Лениннинг туғилган куни муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда Андроповнинг сўзлаган нутқи ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Унинг нутқида бошқаларникига қараганда баландпарвоз гаплар камроқ эди. Уларда бир қанча кутилмаган иборалар бор эди. Масалан, “Биз ўзимиз яшаётган жамиятни керагича билмаймиз”. Анатолий Черняев кундалигида шундай ёзади: “Сийқа гапларни гапирди, лекин кўлам билан гапирди. Танаффус чоғида фойеда ҳар хил гап-сўзлар қулоққа чалинди. “Навбатдаги бош котиб бўлса, не ажаб?” Андроповга одатдагидан қаттиқроқ ва узоқроқ қарсаклар чалинди. Юрий Владимирович қўрқиб кетди”.

Сиёсий бюро мажлисларида Черненко Брежневнинг ёнида ўтирарди, Андропов эса бир киши оралатиб, яъни Министрлар Советининг раиси Тихонов билан ёнма-ён ўтирар эди. Андропов ҳатто Брежневга шикоят қилиб, Черненко мени сиқиб қўймоқда, котибият ва сиёсий бюро мажлисларини олиб боради, – деган эмиш. Брежнев мажлисларни Андропов олиб бориши тўғрисида кўрсатма берипти. Бу ўринда ўзига хос маккорлик бор эди.

Брежнев ҳамиша иккинчи котибнинг кучайиб кетишидан хавотир оларди, негаки, котибият мажлисларини олиб борувчи ва КПСС Марказқўмининг бинафшаранг муҳрига эгалик қилувчи одам партиянинг иккинчи одами ҳисобланарди. У марказий аппарат ходимлари учун ва маҳаллий котиблар учун жуда муҳим сиймога айланарди. Бу сиймо уларни ишга тайинлар ва ишдан олар, хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига ва ўқишга жўнатар, яъни “маҳаллий князларни” “боқув”га қўярди. Иккинчи одамнинг рўйхушлигига боғлиқ бўлган партия қўмиталарининг котиблари ўзларининг унга бўлган садоқатларини намойиш қилишга ҳаракат қилишарди.

РАҚАМЛИ ҚУЛФИ БОР ЧАМАДОНЧА

Академик Чазов 1982 йилнинг 10 ноябрида унга Брежневнинг соқчиси қўнғироқ қилганини эслайди.

– Евгений Иванович, Леонид Ильични реанимацияга ётқизмаса бўлмайди. Чазов етиб келиб, Брежнев бир неча соат аввал узилиб бўлганини кўрди. Чазов ўйланиб қолган бўлса, тиббиёт масалаларини ўйлаган эмасди. Унинг олдида ғоятда мураккаб вазифа турарди: Бош котибнинг оламдан ўтганини биринчи бўлиб бу дунё зўрларининг қайси бирига хабар қилмоқ керак?

"Мен тахминан билардим, – деб эслайди Чазов, – ҳамма телефонлардаги гап-сўзлар хуфия эшитилади ва мен айтган ҳар қандай гап бир неча минутдан кейин ё Федорчук, ёки Шчелоковнинг қулоғига етиб боради. Мен жуда яхши билардим – бунақа воқеалар рўй берганида, албатта Андроповни огоҳ қилиш керак. У давлат ва партиядаги иккинчи одам сифатида воқеалар оқимини бошқаришни ўз қўлига олиши керак эди".

Чазовнинг қарори сиёсий қарор эди – кимки Брежневнинг дала ҳовлисига биринчи бўлиб етиб борса, ўша ворис бўларди.

Вақт ҳам жуда эрта эди – Андропов Марказқўмга етиб боргани йўқ эди. Чазов қабулхонадаги навбатчига қўнғироқ қилиб дарҳол Андроповни Брежневнинг дала ҳовлиси билан боғлашни буюрди. Андропов қўнғироқ қилганида, Чазов ҳеч қандай изоҳ бериб ўтирмай, дарҳол етиб келишни илтимос қилди. Андропов биронта ҳам савол бермади, лекин нима воқеа рўй берганини дарров англади. Етиб боргандан кейин у саросимага тушиб довдираб қолди. "Нима учундир хижолат чека бошлади, – деб эслайди Чазов, – сўнгра бирдан Черненкони дала ҳовлига таклиф қилишимизни илтимос қила бошлади. Бунга Брежневнинг хотини "Черненко эримни қайтариб берармиди? Бу ерга келмай қўяқолсин", деди. Мен билар эдим - Бош котибнинг хотини Черненкони эрини тинчлантирувчи дорилар билан таъминлаб турган одамлардан бири деб ҳисобларди, бундай дориларни истеъмол қилишни эса врачлар унга тақиқлаб қўйишганди.

Андропов Чазовнинг ҳамроҳлигида Брежнев билан видолашиш учун хобхонага киради. "Андропов Брежневнинг жасадини кўриб сесканиб тушди ва ранги оқариб кетди, – деб ёзади Чазов. – Бу дақиқада у нимани ўйлаётганини англаб олиш мен учун жуда қийин эди. Қанақа мавқе тугмайлик, ҳаммамиз ҳам бир куни ўлишимизни ўйладимикин (бунинг устига ўзи оғир хаста бўлса)? Ёки ҳадемай унинг доимий орзуси вожиб бўлишини - партия ва давлатнинг бошлиғи бўлиб қолишини ўйладимикин? У бирдан отланиб қолди, Виктория Петровнанинг кўнглини кўтарадиган бир-икки гап айтди, мадад беришларини, ёрдамларини аямаслигини гапирдию тезгина хайрлашдида, жўнаб кетди.

"Гласность" газетасининг муҳаррири Изюнов Брежнев оиласига яқин бўлган одамларнинг гапларига таяниб, ёзадики, Виктория Петровнанинг ўзи гўё Андроповнинг Брежнев хобхонасида сақлайдиган қора чамадончани олиб кетган эмиш. Чамадончада нима бор эди? Виктория Петровнанинг ўзи у чамадонни олиб кўрмаган экан, лекин у бир куни Брежневнинг кулиб, "бу чамадоннинг ичида ҳамма сиёсий бюро аъзоларининг устидан тўпланган айбномалар бор деганини эслаган. Брежневнинг куёви Юрий Чурбанов ҳам буни тасдиқлаган. Андропов Брежневнинг портфелини ҳам олиб кетган. Унинг рақамли қулфи бўлиб, портфелни ҳамиша Брежневнинг соқчиси кўтариб юрар экан.

Леонид Ильичнинг ихтиёрига ҳақиқатан ҳам Андроповнинг ўзидан олинган ёки КГБ нинг янги раиси Федорчукдан олинган материаллар мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Бу материаллар Бош котибнинг теварагидаги одамларнинг обрўсига путур етказмайдиган материаллар ҳам бўлиши мумкин. Лекин уларни ўзи билан кўтариб, нима учун дала ҳовлисига олиб келиши зарур эди? Бу портфелда у "махфий" деган муҳр босилган қоғозларни кечқурун бир қур варақлаб кўргани шунчаки дала ҳовлисига олиб келган бўлиши ҳам мумкин-ку.

Худди шунга ўхшаш материалларни Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари ҳам олишган, лекин улар бу қоғозларни Марказқўмдаги кабинетларидан ташқарига олиб чиқишга журъат эта олмаганлар.

Андропов бу қоғозларни олиб кетган бўлса, буни Бош котибнинг архивидан бир қисмини қўлга киритаман деган умидда қилмаган бўлса керак, балки КГБда хизмат қилган ўн беш йили давомида шаклланган ички туйғусининг даъвати билан қилган бўлиши ҳам мумкин. Бу туйғуга кўра махфий қоғозлар ҳамиша пўлат сандиқда сақланмоғи даркор. Андропов, Громико, Устинов ва Тихоновлар бир хилват хонада ўтиришиб, Бош котиб Андропов бўлмоғи керак деган тўхтамга келишди. У олтмиш саккиз ёшда эди – бизнинг мамлакатимизда бу ёш анча жиддий ёш ҳисобланади. Бу ёшга кириб, ғайратини сақлаб қолганлар, янги иш бошлашга имкон берадиган ҳаракатчанликка эга бўлганлар кам топилади.

Андроповнинг Бош котиб этиб тайинланиши халқ ўртасида кўпгина ҳазил-мазахлар туғдирди. КПСС Марказий Қўмитаси номини КПСС Фавқулодда Қўмитаси деб ўзгартиришни, Кремлни Андрополь деб аташни таклиф қилишди. Яна бир ҳангома: Андроповнинг аграр программасига кўра, ҳамма нарсани баҳорни кутмай ўтқазиш, кузни кутмай, ўриб олиш керак экан.

Ёзувчи Юрий Маркович Нагибин кундалигида Андроповнинг Бош котиб этиб тайинланишини шундай қайд қилган:

"Россия адабиётига дахлдор одамларнинг ҳаммаси бениҳоя муштоқлик билан кутган улуғ тадбир, ниҳоят, амалга ошди. Бироқ нима учундир кутиб толиққан қалбларда нурланиш содир бўлмади. Турмушимизнинг бу янги ҳалқаси негадир жозибадан маҳрум. У ҳатто одатдаги рўёга ўхшаган умидларни ҳам бахш этмади. Одатда совет кишилари янги раҳбарларнинг келишига ишониброқ қарагувчи эдилар. Аммо бу гал шу одатга хилоф ўлароқ, бирон оғиз ҳам яхши гаплар қулоққа чалинмади. Ҳамма фақат сиқувнинг кучайишини, нарх-навонинг ошишини, қашшоқликни, репрессияларни кутяпти, холос. Ҳеч ким қияликка тушиб кетаётган поездни яна изига солиб юбориш мумкинлигига ишонмайди. Янги раҳбарнинг ҳадиксираб қилган ҳаракатлари совуқдан-совуқ, кўлами эса катта одам эмас экан. У қадимги тариқатга амал қилар экан – фақат зўрликка таяниш керак деб ҳисоблар экан. Бу эса ҳалокатли йўлдир".

СТАЛИНЧА МАЪДАН

Агар Андропов узоқроқ умр кўрганида нималарни амалга оширган бўларди ва мамлакат қай йўлдан кетарди, деган баҳслар ҳозиргача тўхтамайди. Андроповнинг кўпгина ихлосмандлари аминки, у давлатни вайрон этмаган ҳолда ҳамма зарур ислоҳотларни ўтказар эди. Эҳтимол, уларнинг кўз ўнгиларида навқирон, кучга тўлган, ҳаракатчан, тўлақонли меҳнат қилишга қодир бўлган Андропов турар. 1982 йилда мамлакатга шундай одам бош бўлдики, агар у Сиёсий бюронинг аъзоси бўлмаганда, УНИ АЛЛАҚАЧОН НОГИРОНЛИККА ЧИҚАРАР ЭДИЛАР. Лекин унинг беморлигини ҳаммадан сир тутиб, яшириб келишарди. Бу дардлар уни деярли ҳаммавақт касалхонага ётишга мажбур қилар, у ерда эса уни азобли йўллар билан муолажа қилишарди.

Архивлардан "Ю.В.Андроповнинг саломатлиги тўғрисида СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги 4-Бош бошқарманинг ахбороти" топилган. У ерда айтилишича, Андропов 1965-1966 йилларда "майда уяли" инфаркт миокардини ўтказган, буйрагининг усти сурункасига хаста бўлганидан азоб чекади. Ўқтин-ўқтин гипертоник хасталиклар, пневмония хуруж қилиб туради, сурункали колит, артрит бор, буларнинг устига, маргипал-аритмия ва белбоғдай ўраб олган тошма касалларига ҳам чалинган". Юрий Владимирович аллақачон нафақага кетиши керак эди, бироқ совет жамиятида ҳеч ким бу ишни қилмасди, негаки, сен ҳокимият тепасида экансан – одамсан, ҳокимиятдан кеттанингдан кейин ҳеч ким эмассан.

Жисмоний дардлар унинг руҳига таъсир қилди. 1982 йилда биз телевизор экранларида ўз вазифасини зўрға, бир амаллаб бажараётган ҳаддан ташқари толиққан одамни кўрдик.

1983 йилда Сиёсий бюро, “Сиёсий бюро аъзоларининг, Сиёсий бюро аъзолигига номзодларнинг ва КПСС Марказқўми котибларининг иш режимлари” деган масалани уч марта кўриб чиққан.

Бир мажлисда Черненко шундай деган:

— Иш вақтини соат 9 дан 17 гача чеклаб қўйиш, 65 ёшдан ошган ўртоқларга эса узоқроқ муддатли таътил бериш ва ҳафтада бир кун уй шароитида ишлашларига имкон бериш тўғрисида қабул қилган қароримиз бажарилмаяпти.

Андропов бундай дейди:

— Сиёсий бюро аъзоларининг ёшлари масаласига ҳар хил қараш мумкин. Бунда партиямиз орттирган сиёсий тажрибанинг қаймоғи йиғилган. Шунинг учун одамларни ҳовлиқиш билан, тузукроқ ўйлаб кўрмай алмаштириш ҳаммавақт ҳам ишга фойда келтиравермайди. Агар иш мароми ҳаддан ташқари зўрайиб кетса, бунда биз ютишдан кўра кўпроқ ютқазишимиз ҳам мумкин. Сиёсий бюронинг ҳар бир аъзоси ҳафтада бир кун уй шароитида ишлаш имконига эга бўлиши керак. Дам олиш кунлари дам олмоқ керак.

Партия назорати қўмитасининг раиси Арвид Янович Пельше Бош котиб ҳақида қайғуришини намойиш қилди.

— Энг муҳими шуки, Юрий Владимирович, сен ўзинг бу тартибга қаттиқ риоя қилмоғинг, ўзингни эҳтиёт қилишинг, саломатлигингга тузукроқ қарашинг керак. — Андропов ўтирган ўрнидан зўрға тура оларди, юрганида эса иккита соқчиси икки томондан суяб олиб юришарди. У атиги бир неча ойгина ишлади, кейин касалхонага тушиб қолди, касалхонадан эса қайтиб чиқмади.

— Мен Марказқўмда бешинчи қаватда кетиб бораётган эдим, — деб ҳикоя қилади Горбачёвнинг собиқ ёрдамчиси, журналист Валерий Болдин. — Қаршимдан Андропов чиқиб қолди. Мен салом бердим. У менга ўгирилиб қаради. Унинг юзи мутлақо туссиз эди. У ўзини жуда ҳам ёмон ҳис қилмоқда эди. Менимча, у ҳатто менинг нима деганимни ҳам тушунмади. Унинг узоққа бормаслиги аён кўриниб турарди.

Молия министрлигининг фахрийси, 90-йилларда Россияда молия министри бўлган Владимир Георгиевич Пансков газетада босилган суҳбатида 1982 йилда бўлиб ўтган бир махфий воқеа ҳақида ҳикоя қилади:

“1982 йилнинг октябрида Брежнев қанд, нон ва нон маҳсулотларининг нархини ошириш тўғрисидаги Марказқўм ва Министрлар Советининг қарорига имзо чекди. Қарорни 1-декабрдан кучга киритмоқчи бўлишди. (Байрамларда, айниқса, 7 ноябр арафасида бунақа ишларни қилишга йўл қўйилмасди.) Қарорда маоши кам одамлар кўрадиган зарарни тўла қоплаш ҳам назарда тутилган эди. Нарх-навони кўтаришдан мақсад — фуқароларни тежамкорликка ўргатиш эди”. Бу тадбирдан ҳукумат раиси Николай Тихонов, молия министри Василий Гарбузов, бўлғувси бош министр Валентин Павлов ва у пайтларда Молия министрлигида бюджет бошқармасининг бошлиғи бўлган Владимир Пансковлар хабардор эди. Ҳатто Марказқўмнинг иккинчи котиби Андроповнинг ҳам бу гапдан хабари йўқ эди. Брежнев қарорга имзо чекди-ю, 10 ноябрда вафот этди. Андроповни Бош котиб қилиб сайладилар. Табиийки, унга дарҳол қарор ҳақида маълумот берилди. У бирдан ўшқириб берди:

— Нима деяпсизлар? Янги одам келиб, ишни нонинг нархини кўтаришдан бошлайдими?

Аллақачон қабул қилинган қарор бекор қилинди”.

Андропов мамлакат раҳбари бўлганидан кейин Москва шаҳар партия қўмитасининг собиқ раҳбари, кейин Данияга элчи қилиб жўнатилган Николай Григорьевич Егоричев унга шахсий мактуб йўллади.

“Юрий Владимирович, Гарбда Сизнинг шахсиятингизга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Сиз мамлакатга қандай раҳбарлик қилаётганингизни ҳамма кўриб турипти. Бироқ Гарбда бир одат бор — бу ерда нафақат сиёсатга, балки шахсий сифатларга ҳам катта эътибор беришади. Мен яхши бир журналистни жўнатишим мумкин. У социал-демократ, имонли-инсофли одам. У дала ҳовлингиздами ёхуд уй шароитидами (фақат хизматда эмас), сизнинг сувратларингизни олади ва бу сувратлар бутун дунёда босилади. Дунё сизни инсон сифатида таниб олади”.

Андропов авваллари сира қилмаган ишини қилди – у шифрланган телеграмма билан жавоб берди: “Бу таклифинг учун сендан ғоятда миннатдорман, Николай. Лекин ундан ҳозир фойдалана олмайман. Эҳтимол, кейинроқ мумкин бўлар...”.

Кейинроқ мумкин бўлишининг иложи бўлмади.

Андропов Дания элчихонасига Финландиядан резидент жўнатди. У ғоятда ишончли одам эди. У келиб, ўзининг хизмат юзасидан келганини айтди. Элчихонада бир кун юрди, икки кун юрди, уч кун юрди. Ниҳоят, Егоричев ундан тўппа-тўғри сўраб қўя қолди.

– Сен нима мақсадда келгансан?

У кулиб юборди.

– Агар мен бирор ножўя нарса ёзмоқчи бўлсам, сизга нима мақсадда келганимни айтармидим.

Юрий Владимирович атрофига одамлар тўплай бошлади, ишончли одамларни йиғиб олгач, йўлини узил-кесил белгилаб олмоқчи эди. Бироқ улгураолмади.

Жисмоний ожизлик ва доимий равишда дард чекиш ислоҳотчилик фаолияти учун қулайлик яратиб берадиган нарсалар эмас. Бунинг устига, Андроповда ҳаётни қайта қуришнинг тайёр дастури, аввалдан ўйлаб юрилган, кўнгилда пишитилган режалар йўқ эди. Янги дастурни ишлаб чиқмоқ учун эса ҳар нима бўлганда ҳам на унинг вақти бор эди, на кучи етарди. Ва, умуман, Андропов мамлакатга нимани ҳам таклиф қилаоларди? Унинг тартиб ва интизом ҳақидаги тасаввурлари бекорчи хўжаларни ва ишдан қочиб юрадиганларни аниқлаш учун иш вақтида магазинларда, ҳаммомларда, кинотеатрларда ўтказилган текширувларда ифодаланган эди. Бу эса анойиликдан ўзга нарса эмас эди.

Грузия Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби Эдуард Амвросиевич Шеварднадзега Андропов тартиб ўрнатиш борасида Сталиндан ўрганса арзийди, деган экан.

Георгий Шахназаров бир марта Андроповга ҳарбий харажатларнинг ғоятда кўплигини, мамлакатга оғир келаётганини айтган экан, у шундай деб жавоб берипти.

– Гапинг тўғри, бизга қийин.

Аммо социалистик тузумнинг имкониятлари беқиёс даражада кўп. Биз ҳали унинг юздан бирини ҳам кашф этиб улгурганимиз йўқ. Бизда ҳали бемазагарчиликлар, тартибсизликлар, ичкиликбозликлар, ўғирлик кўп. Мана шуларнинг ҳаммасини чинакамига бартараф қилиш керак. Мен сени ишонтириб айтмоғим керакки, агар бу ишга киришсак эплаймиз, кучимиз етади.

Ҳолбуки, ҳалокатли аҳвол юзага келганди. Андропов Бош котиб этиб сайланган вақтда мамлакатда баъзи вилоятларда айрим озиқ-овқат маҳсулотларига талонлар жорий қилинган эди. Ҳатто ўша пайтда РСФСР Министрлар Советига раҳбарлик қилган Виталий Иванович Воротниковнинг эътироф этишича, мамлакатдаги улкан халқ хўжалигини эски усуллар билан юритишнинг мутлақо имкони қолмаган эди. Госплан, Госснаб, Молия министрлиги иқтисодиёт механизмининг мурватларини айлантиришга ожизлик қилиб қолишганди. Ислоҳотлар ҳаёт заруриятига айланиб қолганди.

Бироқ таассуфлар бўлғай! У ўзини мутахассис деб ҳисоблаган бирдан-бир соҳа иқтисодиёт соҳаси эди. Бунга унинг бир қадар алоқаси ҳам бор эди. Шуни ҳам айтмоқ керакки, буни унинг ўзи ҳам яширмас эди, – деб ёзади Крючков Андропов тўғрисида.

Михаил Горбачёвнинг сўзларига қараганда мамлакатдаги аҳволни бошқалардан кўра яхшироқ билган ва бунинг жамиятга қандай таҳдиди борлигини аниқ тасаввур қилган. Бироқ бошқа кўпгина одамларга ўхшаб, у ҳам кадрлар малакаси тузукроқ йўлга қўйилса, мустаҳкам интизом ўрнатилса. ҳамма нарса изга тушиб кетади деб ўйлайди. У мафкуравий характердаги ҳодисаларга жуда кескин муносабатни оқлар эди. Аммо иқтисоддаги ривожланишга халақит бераётган сабаблар муҳокама қилинса, нима учун ислоҳотлар қанот ёзмай тўхтаб қолаётгани тўғрисида ... кетса, бунақа

масалаларга лоқайдлик қиларди. У радикал ўзгаришлардан ва мустақил қарорлар қабул қилишдан чўчир эди, янги одамлардан ҳадиксираб турарди. Умуман, унинг теварак-атрофидаги одамлар билан муносабати анча оғир кечган бўлиши керак. Аслида у ўзини психоаналитикка кўрсатиб муолажа олса, ёмон бўлмас эди, лекин ким унга психотерапевтнинг сеансларини олинг деб таклиф қилишга журъат этарди? Беш-олтита бош котибни кўрган, уларнинг қўлида ишлаган Анатолий Сергеевич Черняев Андроповга баҳо беришда унчалик ҳам завқ-шавққа берилмайди.

"Ҳеч қачон унга нисбатан завқ-шавқ ҳис этмаган, на унинг истеъдодига ишонар, на маданиятлилиги ва зиёлилигига тан берарди. Лекин билими зўр эди, ҳамкасабаларига қараганда илми анча юқори эди, албатта". У пинҳона равишда диссидентлар ҳаракатини ўз ноғорасига ўйнатиб келган, — деб ҳисоблайди Черняев. Бундан кўзланган мақсад — "партия ва мафкурага ва, айниқса, юқорига кўтарилишига ёрдам бериши мумкин бўлган кимсаларга" садоқатини намойиш қилиш бўлган. Унинг муассасаси доимий равишда антисоветизм олдига суяк ташлаб турган. Андропов Сахаровни эзиб ташлаш кампаниясига раҳбарлик қилган, Солженицинга ва яна бошқа кўпгина одамларга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларига бошчилик қилган. Ёзувчиларни таъқиб қилиб, пойлаб, кузатиб юрадиган бутун бошли бир тизим барпо этилган эди. Бу тизимнинг қўли жуда узун эди. Шу билан бирга пул олиб ишлайдиган сон-саноқсиз чақимчилар армияси ҳам мавжуд эди. "Сексот" деб аталган бу чақимчилар ҳамма соҳаларда ҳам кўп миқдорда топиларди. Афғонистон можаросини бошимизга ёғдирган одам ҳам биринчи навбатда Андропов бўлганди. У империализмнинг қора ниятлари ҳақидаги разведка маълумотларини мунтазам етказиб турган ва шу билан мамлакатнинг тинкани қуритувчи қуролланиш пойгаси ботқоғига тобора чўкиб боришига сабабчи бўлган.

"Ўн беш йиллар мобайнида қабиҳ ишлар қилиб мамлакатга жуда катта зарар етказган одамга мен чин қалбимдан ихлос қўя олмас эдим, — деб ёзади Черняев. — У ҳатто ҳокимият тепасига чиққандан кейин халқни бахтиёр ва фаровон қилиш ниятини юрагида сақлаб юрган бўлса-да, уни астойдил ҳурмат қилолмайман. Интизом учун курашни ва газеталарда танқидий руҳнинг кучайганини айтмаса, у пичоққа илинадиган бирон каттароқ иш қилгани ёки бирон салмоқли ғояни ўртага ташлагани йўқ. Андроповни ислоҳотчи деб ҳисоблашнинг ўзи бемаънилик бўлади. У ташкилий-маъмурий чоралар ёрдамида тузумни бироз тузатмоқчи бўлган, холос. Бу беҳуда бир иш эди. Сирасини айтганда, ҳамма Андроповнинг Россияни қутқарувчи халоскор бўлишини истар эди".

Академик Яковлев Андропов тўғрисида янада кескинроқ ёзади:

"Юрий Андропов жуда айёр, маккор ва тажрибаси катта одам бўлган. Бирон тайинли жойда ўқиган эмас. Руҳий-ахлоқий репрессиялар ташкилотчиси, сургунлар ва мамлакатдан чиқариб юбориш билан, қамоқлар ва жиннихоналар билан зиёлиларга доимий босим кўрсатиб келган. Жамият тараққиётини у устқурмани тартибга келтириш, кирланган қисмини тозалаб ярқиратиб қўйишдан иборат деб тасаввур қилган, чунки жамиятдаги аксилсанитария аҳволи ҳар қандай чегарадан чиқиб кетган эди.

Бундай мавқе мамлакат раҳбариятининг кўпчилигига маъқул эди, чунки уларга омон сақланиб қолиш учун имконият берар эди. Бу — амалдорлар томонидан эзилган ва таҳқирланган, лекин кўнгилчанлигини йўқотмаган меҳнаткашларнинг қалбларида умидворлик туйғуларини тўлқинлантириб юборди. Умуман, Андропов халқнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Брежневдан кейин бунинг ажабланадиган жойи йўқ эди..."

Марказқўмнинг кадрлар бўйича собиқ котиби Иван Капитонов нафақага чиққандан сўнг бор-йўғи битта ёки иккита интервью берган, холос. Шулардан бири "Правда" газетасида босилган. Унда шундай гаплар бор:

"Сталинча маъдан жарангини мен Андроповнинг овозидагина сезганман, холос. У ички сиёсат бобида гапирганда — ишлаб чиқаришда жамоатчилик тартибларида интизом ўрнатиш учун кескин кураш бошланганда шундай бўлганди, шунингдек, ташқи сиёсат бобидаги гапларида ҳам маъдан жаранги эшитилган ҳоллар бўлган. Лоақал Жанубий Кореянинг "Боинг"и ҳалокатга

учраганда, дунёда советларга қарши қий-чув кўтарилганда бизнинг раҳбариятимиз берган баёнотини бир эсланг".

Андропов доимо АҚШ ва НАТО томонидан бизга қўққисдан ҳужум қилиб қолиниши мумкинлиги ҳақида гапирар эди.

1981 йилнинг май ойидаёқ КГБ қўшинлари ва органлари ходимлари раҳбарларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида Андропов шундай деган эди: бизнинг разведкамизнинг асосий вазифаси – душманнинг ҳарбий тайёргарликларини кўздан қочирмаслик, унинг ядровий ҳужумга тайёргарлигини беэътибор қолдирмасликдир. КГБда ҳаддан ташқари катта маблағ талаб қиладиган бир тизим ишлаб чиқилди. Бу тизим душманнинг ракета-ядровий ҳужумининг олдини олмоғи керак эди. Айни чоғда, бу билан чекланмай, НАТО штабларининг фаоллигини назорат қилиш ва ҳатто улар қанча дори-дармонлар ғамлаб қўяётгани, касалхоналар ва госпиталлар учун қанча қон заҳиралари борлигини аниқлаш вазифасини ҳам ўз ичига олар эди.

Андропов Америка президенти Рональд Рейган сиймосида ихтилоф даражасини тўғридан-тўғри тўқнашувга олиб боришга тайёр турган одамни англарди ва ўзи, моҳиятан, урушга тайёргарлик кўрарди.

Рейган икки томонлама муносабатларни яхшилаш йўлларини муҳокама қилмоқ учун Андропов билан шахсан учрашиш йўлларини излаётган бир пайтда Андропов Америка президентининг самимийлигига ишонмади. Бу Андропов учун характерли ҳамма нарсадан гумонсираш, ҳамма нарсани шубҳа остига олиш одати бўлиб, у кўп йиллик тажриба туфайли шаклланган хислат эди, деб ёзади Александров-Агентов. Юрий Владимирович Рейган чин дилдан, ҳақиқатан ҳам аллақандай ижобий қадамлар қўйишга интилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни ҳатто хаёлига ҳам келтира олмас эди. Бу билан у мамлакатимиз билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида жиддий тўқнашувлар бошланишига йўл қўйишига сал қолди.

1983 йилнинг августида Андропов Қримдаги дала ҳовлисида ўзининг сўнгги хорижлик меҳмонини – Жанубий Яманнинг раҳбари Али Носир Муҳаммадни қабул қилди.

"Суҳбатдан кейин тушлик бўлди. Тушлик тамом бўлганида, – деб эслайди халқаро бўлим мудирининг муовини Карен Брутенц, – Юрий Владимирович ўрнидан туриб, меҳмонлар билан хайрлашмоқ учун эшик томон юрди. Аммо қўлини узатиши билан тўсатдан ранги докадек оқариб кетди. Ранги оппоқ бўрга ўхшаб қолган Андропов гандираклаб кетди. Агар соқчиларидан бири унинг қўлтиғидан тутиб турмаганда ва дарҳол уни стулга ўтқазмаганда, Андроповнинг йиқилиб тушиши муқаррар эди. Бошқа соқчи унинг бошини силай бошлади. Буларнинг бари бир дақиқадан ортиқ давом этгани йўқ, кейин Юрий Владимирович ўрнидан турди ва гўё ҳеч нарса бўлмагандек, меҳмонлар билан хайрлашди..."

Қримда Андропов ўзини анча тетик ҳис қилди ва тоққа сайр қилди, у ерда шамоллаб қолди. Сурункали оғир хасталик унинг организмини иммунитетдан маҳрум қилиб қўйган эди. Ҳатто оддий тумов ҳам унинг учун ҳалокатли бўлиши мумкин эди-да, абсцесс пайдо бўлди ва кучайиб кетди. Уни операция қилишди, лекин йирингли жараённи тўхтатишнинг иложи бўлмади.

Унинг хотини ҳам хаста эди. У ҳар куни телефонга хотинини улаб беришни илтимос қилар, ҳатто унга бағишлаб шеърлар ёзарди.

Ноябр ойига Марказқўмнинг пленуми белгиланган эди, энг сўнгги дақиқага қадар пленумда сўзга чиқиш умидида бўлди. У касалхонада ётганида ҳузурига Марказқўм ва Министрлар Советининг раҳбарларини чақириб турди, у ишлашга уринар, лекин ҳамманинг кўз ўнгида сўниб борарди. Борган сари камгап бўлиб борар, ўз қобиғига биқиниб олиб, ҳар нарсани кўнглига оладиган бўлиб қолди. Андропов Марказқўмнинг янги котиби Николай Иванович Рижковга қўққисдан қўнғироқ қилиб, агар уни нафақага жўнатишса, моддий жиҳатдан қандай таъминлашларини сўраган. Рижков ҳатто нима дейишини билмай ҳанг-манг бўлиб қолган.

Афтидан, – деб ёзади Чазов, – Андроповнинг миясига бир фикр ўрнашиб қолган бўлса керак – сафдошларим мени элдан бурун ҳисобдан чиқариб ташлашмадимикин дея хавотир олган-у, уларнинг садоқатини текшириб

кўрмоқчи бўлган. Аммо партия аппаратида Бош котибни нафақага жўнатиш фикри бирорта ҳам ходимнинг хаёлига келиши мумкин эмасди – у дахлсиз шахс сифатида қолишда давом этмоқда эди. Ҳолбуки, унинг саломатлиги ночор эканини инобатга олиб, нафақага чиқарилса, бу ғоятда табиий бир иш бўларди.

Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси Егор Кузмич Лигачев менга шундай деган эди:

– Мен у билан вафоти арафасида учрашган эдим. Ўшанда мени Марказқўм котиби лавозимига тайинлаш тўғрисида гап кетганди. Юрий Владимирович, умуман, жуда ҳам мардона одам бўлган. Кабинетига киришинг билан уни кўрибоқ дард чекаётган одам эканини ҳис қиласан. У эса ишдан гапиради, сен билан гурунглашади, музокаралар олиб боради, мажлисга раислик қилади... Ўшанда у мени ўз ҳузурига – касалхонага чақиртирган эди. Шу учрашувдан кейин мен жуда қаттиқ хавотир олиб ташвишланиб юрдим, чунки мен уни таниёлмай қолган эдим.

– Мен палатага кириб қарасам, – деб давом этади Лигачев, – аллақандай одам ўтирипти. Устида пижама, ич кўйлак, уйда кийиб юрадиган яна алланима бало. Бу ерда эса томчи дори, каравот турипти. Мен бу одам Юрий Владимирович бўлмаса керак, бошқа бирон одам бўлса керак, Андроповнинг ҳузурига мени энди олиб киришади деб ўйладим. Кейин шу одам Андропов эканини англадим. У эса ҳойнаҳой, менинг бунақа тараддудланиб қолганимни ҳаяжонимга йўйган бўлса керак. Ўтирдим, у менга гапирди: "Қани, гапириб бер - қалай юрибсан? Нима ишлар қиляпсан? Қандай муаммолар бор?"

Гапни чўзиб ўтириш мумкин эмаслигини мен тушунар эдим. Негаки, қаршимдаги одам – бемор. Ишим юзасидан қисқагина ахборот бердим. Кейин яна ўн-ўн беш дақиқа гаплашиб ўтирдик, чой ичдик. У деди:

– Егор Кузьмич, сизни кўтаришга қарор қилдик.

Мен миннатдорчилик билдириб жўнаб кетдим. Бу воқеа декабрда бўлган эди, февралда эса у ҳаётдан кўз юмди.

Юрий Владимирович буйрак ўрнини босадиган аппаратсиз яшолмай қолган эди. Диализнинг, яъни қон тозалашнинг ҳар бир сеанси бир неча соат давом этар эди. Бу кишини ҳолдан тойдирадиган жуда оғир жараён эди. Аста-секин унинг буйраги, жигари ва ўпкаси ишдан чиқди. Овқатни ҳам сунъий равишда едира бошладилар.

Соқчилар уни худди ёш боладек парвариш қилишга мажбур бўлишди. Уни қўлда кўтариб юришарди. Унинг фақат битта кўзи кўрадиган бўлиб қолганди. У китоб ўқиганда ёки иш юзасидан келган қоғозлар билан танишганда, навбатчилик қилиб ўтирган соқчи саҳифаларни варақлаб, очиб бериб турарди.

"Мен Андроповга қараб эзилиб кетардим, – деб ёзади академик Чазов, – у махсус каравотда, қаттиқ ботмайдиган тўшакда ётарди. Бемор деярли ҳаракат қилмас. Нигоҳи сўник, юзи сап-сариқ, заҳил рангда эди. Унинг буйраги ишламай қўйган эди. У теварагида бўлаётган нарсаларни тобора камроқ пайқаб борар, кўпинча ҳушсиз ётарди". Унинг буйраги ёмон ишларди, кейин иккала буйраги ҳам бутунлай ишламай қўйди".

1984 йилнинг январида Москва меҳнаткашлари КПСС Марказқўмининг Бош котиби, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповни Олий Совет депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

9 февралда у вафот этди.

14 февралда уни Қизил Майдонда дафн этдилар. Мотам маросимида КПСС Марказий Комитетининг янги сайланган Бош котиби Константин Устинович Черненко нутқ сўзлади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси.

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан

Наим КАРИМОВ

Ойбек чўққиси

50-йилларнинг бошларида СССР Гидрометерология Давлат комитети раиси академик Ю.А.Израиль раҳбарлигидаги бир гуруҳ альпинистлар Помир тоғ тизмаларининг шу вақтгача инсон оёғи тегмаган чўққиларидан бирини забт этдилар. Бу, 3000 метрдан зиёд баландликдаги, аммо кўтарилиш ғоят қийин ва машаққатли бўлган чўққи эди. В.Элчибеков, В.Рацек, Ю.Стрельников сингари тажрибали альпинистлардан иборат гуруҳнинг бу чўққини забт этиши ўзбекистонлик альпинистларнинг улкан зафари бўлди. Академик Ю.А.Израилнинг ташаббуси билан бу номсиз чўққига шу кунларда оғир хасталикка чалинган буюк ўзбек мутафаккир адиби Ойбек номи берилди.

Агар йўлингиз тушиб, Ойбекнинг Ишчилар шаҳарчасидаги уй-музейига бориб қолсангиз, адабий қадамжонинг биринчи хонасидаги расмга эътибор беринг. Рассом ва альпинист Юрий Стрельников мўйқаламига мансуб бу расмда Ойбек чўққиси тасвир этилган.

* * *

Ойбек авлоди адабиёт оламига кириб келган вақтда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари устозлар туфайли ўзбек адабиёти ва тилининг янги тараққиёт даври бошланган эди. Шеъриятда бармоқ вазнининг камол топиши, насрда реалистик ҳикоя, қисса ва роман жанрлари ҳамда драматургиянинг пайдо бўлиши биринчи навбатда шу устозлар номи билан боғлиқ.

Ойбек 1922 йилдан бошлаб шеъриятда тетапоя юра бошлаган пайтда Чўлпон ва янги турк шеърияти намояндаларининг асарлари ёшлар ўртасида машҳур эди. У 20-йилларда бошқа тенгдошлари қатори ана шу шеърият жилғаларидан баҳраманд бўлди. Ойбек 1927-1929 йилларда Ленинграддаги Плеханов номли халқ хўжалиги институтида ўқиб юрган кезларида А.Блок, В.Брюсов, В.Маяковский сингари рус ва Э.Верхарн сингари Ғарб шоирлари ижоди билан танишди. 1936 йилда "Евгений Онегин" шеърий романини таржима қилиш асносида А.С.Пушкиннинг сеҳрли шеъриятини кашф этди. 1938 йили эса Ойбекнинг "Рим адабиёти" хрестоматиясини таржима этиши унга жаҳон адабиётининг олтин саҳифалари билан танишиш имконини берди... Ана шу тарзда адабий билим доирасининг кенгайиши билан Ойбек шеърияти ҳам сайқалланиб, янги шакл, ранг ва оҳанглар билан бойиб, ўн турт кунлик ойдек гўзаллашиб борди.

Шеърият – туйғулар гулшанидир. Биз Чўлпоннинг "Гўзал" сингари лирик шеърларини ўқиганимизда қалбимиз шу гулшандан таралган нафосат уфори билан тўйинади. Аммо, афсуски, бир томондан, ўз ижоди билан эрк ва ҳуррият учун курашгани, иккинчи томондан, исканжага олингани ва шу курашда соғлиғини батамом йўқотгани учун Чўлпон 30-йилларда ўзбек лирик шеъриятини янги ижодий босқичга олиб чиқиш имконига эга бўлмади.

Ойбекнинг шеърий истеъдоди худди шу даврда олмос қирралари билан товланиб юборди. Айниқса, 1936 йили ёзилган ва "Чимён дафтари" туркумини ташкил этган шеърларида Ойбек, Чўлпондан кейин, бармоқ вазнининг аруз сингари, ҳатто арузга нисбатан ҳам катта бадиий имкониятларга эга эканини исботлаб берди. У ўзбек шеърининг мусиқий-ритмик оҳангларини бойитиб, нафис ташбеҳлар билан безанган тилига янада сайқал берди. Лирик қаҳрамоннинг руҳий оламини шу қадар ажойиб поэтик топилмалар ва тасвир воситалари ёрдамида очдики, шоирнинг лирик туйғу ва кечинмани ифодалашда нафақат Чўлпон, балки Пушкин мактабида ҳам таълим олгани кундек равшан бўлди. У шеърларидаги замон ва маконни ёрқин бўёқлар билан нурлантириб юборди; бинобарин, унинг шеърларида ҳаётийлик, ҳаққонийлик, бадиий ҳақиқат кучайди. Лирик туйғунинг теранлиги, бокиралиги, порлоқлиги, поэтик тилнинг эса фавқулодда нафислиги Ойбек шеъриятининг ўзига хос белгилари сифатида намоён бўлди.

Мана бу сатрларга эътибор беринг:

Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен,
Табассуминг, Қуёш, сўнар оҳиста.
Дала ва қирлардан тиниқлик учар,
Сувлар ойнасига шом қора суркар,
Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен...

Қуёш ботаётган ва табиат маъюсона бир кайфият оғушига кира бошлаган манзарани Ойбек шундай аниқ бўёқлар билан чизган. Биз бу сатрларни ўқиганимизда шоирнинг ҳар бир сўзи, рассомнинг бўёқлари каби, оқшом манзарасини аниқ гавдалантириб беради. Биз айни пайтда табиатнинг шу лаҳзадаги манзараси киши руҳида уйғотадиган ҳазин бир ҳолатни, руҳни сезамиз. Бу ҳолат эса бизда мавҳум фалсафий ўйларга мойиллик уйғотади. Ойбек ўзини забт этган ана шундай ҳолатни: "Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен" сатрларида аниқ ва гўзал ифодалаган.

Ойбек – лирик шеър устаси. Аммо у айни вақтда ўткир нигоҳли ижодкор. Шунинг учун ҳам у табиат манзараси ёки инсон образини тасвирлар экан, сийқа сўзлар ва туссиз бўёқларга мурожаат этмайди, балки шу манзара ва шу инсонга хос энг муҳим ҳаётий тафсилларни топиб, шеърият маржонига тизади.

Шоир 1931 йили марҳума онаси Шаҳодат Назар қизини эслаб ёзган шеърида поэтик тафсил санъатидан шундай маҳорат билан фойдаланганки, шунинг натижаси ўлароқ биз шоирнинг онасини кўз олдимизга яққол келтирамиз:

...Ёз чоғи... Сен якка ариқ бўйида
Ёдингга келган бир дардли қўшиқни
Куйлаб секингина... хаёл қўйнида
Қатим тортиб қучдинг умид-тўпиқни.

Қуйиларкан секин руҳсиз оқшомлар
Сенинг ёниқ кўзларинг қорачиғида,
Кундузги меҳнатнинг излари қатор...
Биз-ла ўлтирардинг айвон бурчида.

Еттинчи лампанинг олов тилчаси
Қоронғилик бағрин аста тиларкан,
Тиззангда бир дўппи ё тўн жияги,
Ишлардинг тинмасдан, асло тинмасдан.

Қаҳратон қиш... Совуқ... Титрар қўлларинг...
Тутолмас игнани... Ўлик бир кеча.
Илиқ нафаслари сўнган танчага
Ётқизгач бизларни, очиб китобинг –

Ўқирдинг ичингда...

Аслида, 14 банддан иборат бу шеърни достон деб аташ ўринли.. Ойбек бутун бир достонда ҳам тасвирлаш осон бўлмаган она образини ана шу шеърда буюк шоирона маҳорат билан мужассамлантирган. Бу шеърдан келтирилган сатрлардаёқ замон ва макон образлари ёрқин қиёфага эга: Она ана шу замон ва маконда секингина "дардли қўшиғи"ни куйлаб, қаҳратон қишда, "еттинчи лампа"нинг жонсиз шуъласида совуқдан титраган қўллари билан қатим тортади. Она кўзларининг қорачиғида кундузги меҳнатнинг излари аён сезилиб туради.

Шоир она образини тасвирлар экан, фақат бир нарсани: унинг тинмасдан ишлашини, асло тинмасдан ишлашини таъкидлайди. Биз айни вақтда онанинг айвон тўрида эмас, балки бир бурчида ўтиришига эътибор қаратмоқчимиз. Зеро, худди шундай тафсилларда ўта меҳнаткаш, меҳридарё, камтар, жабрдийда, хоксор ўзбек аёлларининг образлари очилади. Ойбек шеъридаги яна бир ғоят муҳим нарса – онанинг болаларини ётқизгач, ўша совуқ кечада китобини очиб ўқишидир. Лирик сюжет ана шу нуқтага етганида портлаб кеттандек бўлади...

"Онамни эслаб..." шеъри – ойбекона лиро-эпик шеъриятнинг юксак намунаси. Ойбекнинг шеърий меросида бундай дурдоналар оз эмас. Кези келганда айтиш жоизки, Ҳамид Олимжон қаламкаш дўстини "прозада шоиру поэзияда прозаикдир", деб бежиз таърифламаган. Ойбек ўз истеъдодининг хусусиятидан келиб чиқиб, 1933 йилдан то сўнгги нафасига қадар достон жанрида бошқа барча ўзбек шоирларига қараганда изчил ва самарали меҳнат қилган ва 18 та достон ёзган. Бу достонлар халқ, мамлакат ва Ойбек яшаган давр ҳаётининг энг муҳим масалаларига бағишланганлиги, халқ манфаати йўлида яшаган ва курашган фидойи кишилар образини яратишга бағишланганлиги, ўзбек шеъриятида реалистик тасвир санъатининг қарор топишидаги ўрин ва аҳамияти билан, айниқса, қимматлидир.

Ойбек шоир сифатида лирик ва лиро-эпик дурдоналар яратибгина қолмай, лирик (масалан, "Навоий"), драматик (масалан, "Маҳмуд Торобий")достон жанрларига асос солди; уч сатрли (терцет) ва "Онегин банди" таъсирида ўн сатрли ("Қизлар" достонида) банд тизимларини, шунингдек, мансур шеър жанрини бошлаб берди; энг муҳими, Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар туфайли шаклланган ўзбек адабий тилига ойбекона сайқал берди.

Ўзбек шеъриятининг XX асрда янги, юксак босқичга кўтарилишида Ойбекнинг ҳиссаси буюкдир.

* * *

Ойбек-шоирни уч муҳим фазилат ажратиб туради. Булар – билим ва дунёқарашнинг кенглиги, туйғу ва фикрнинг ўзаро муносабатида фикрнинг устуворлиги ва лиро-эпик тасвирга мойилликдир. Худди шу хусусиятлар Ойбекнинг наср оламига дадил кириб келишида асос бўлди.

Ойбек биринчи романи – "Қутлуғ қон"ни 1938 йили, 33 ёшида ёза бошлади. Шу вақтда у "Туйғулар", "Кўнгил найлари", "Машъала", "Бахтигул ва Соғиндиқ" сингари шеърий китобларнинг, "Евгений Онегин" шеърий романи таржимасининг муаллифи, машҳур шоир эди. Ойбек шеърият соҳасида катта ютуқларга эришганига қарамай, шеърият торлик қила бошлаганини сезди. Чиндан ҳам, 30-йилларнинг ўрталарига келиб, у катта ижодий куч-қувватга тўлган, халқ ва мамлакатнинг олис ва яқин ўтмиши ҳамда ҳозирги куни ҳақидаги билими, мушоҳадалари, дардли фикрлари боши ва юрагига сиғмай қолган эди. Шунинг учун ҳам шоир ички эҳтиёж талаби билан "Қутлуғ қон" романини ёзишга киришди.

1937-1938 йилларнинг қонли кунларида Ойбек камбағал оиладан чиққанлиги ва шўро ўқув юртларида тарбияланганлиги туфайли қатағон қиличидан омон қолган, лекин хизмат қилаётгани Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалган эди. Бундай кимсанинг нафақат асарлари, ҳатто номининг ҳам матбуотда чиқиши мумкин эмас эди, ўшанда. Ойбекнинг шундай қалтис тарихий даврда ва мушкул иқтисодий-руҳий шароитда роман ёза бошлашининг ўзи том маънода жасорат эди.

"Қутлуғ қон" – ўзбек халқининг XX аср бошларидаги миллий уйғониши

ҳақидаги асар. Ойбек Тошкентдаги 1916 йил воқеаларининг шоҳидигина бўлмай, Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг раҳнамоларидан бири Мунаввар қорининг шогирди ҳамдир. Шу сўнгги омил адиб дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсаттан. У "Қутлуғ қон"да мустамлака шароитида яшаган, чексиз-чегарасиз зулм орқасида сабр косаси тўлган халқнинг Биринчи жаҳон уруши арафасидаги оғир аҳволини Л.Толстой сингари даҳо санъаткорларга хос зўр бадиий куч билан очиб берди.

Адиб бадиий мақсадининг рўёбга чиқиши учун халқнинг мустамлакачилик шароитида икки соҳилга ажралиб чиққан вакилларини, бир томондан, Йўлчи ва Гулнор, иккинчи томондан, Мирзакаримбой ва унинг куёву фарзандларини қаҳрамон қилиб танлади. Аслида, Йўлчи Мирзакаримбойнинг жияни бўлади: улар қариндош. Бинобарин, асарда ўзаро яқин қариндошлар ҳаёти мисолида ўзбек халқи тарихининг муҳим бир даври бадиий тадқиқ этилган.

Ойбекнинг ушбу асарни ёзишдан мақсади халқ миллий онгининг уйғонишини кўрсатиш. Шунинг учун ҳам у, бир томондан, халқнинг ижтимоий омиллар таъсирида турли қатламларга бўлиниб кетишини, иккинчи томондан эса, зулм ва зўравонлик қурбони бўлган қатламнинг қашшоқланиши ва инсоний ҳуқуқларининг паймол этилишини тасвирлашга алоҳида эътибор берди. Халқ икки қатламга ажралиб чиққач, бойлар қатлами камбағаллар қатламига зулм ўтказиши, уларни хизматкорларга айлантириши, уларнинг инон-ихтиёри, эрк-иродаси билан ҳисоблашмаслиги табиий. Худди шунингдек, бу икки қатлам ўтасида низо ва жанжал чиқиши ҳам тайин. Мустамлакачи давлат эса халқнинг парчаланишидан ҳам, ички низо ва курашлардан ҳам манфаатдор. Лекин у Туркистон аҳолисини муте ва итоаткор омма ҳисоблаб, катта хатога йўл қўяди: Биринчи жаҳон урушида Россиянинг танг аҳволга тушиши муносабати билан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишиларнинг фронт орқасида қора ишларни бажариши учун сафарбарлик эълон қилади. Бу, сабр косаси тўлган халқнинг миллий уйғониши ва кураш майдонига чиқишига сабаб бўлади. Ойбек ўз асарида катта ижтимоий аҳамиятга молик шу воқеани бадиий тасвир доирасига тортади.

"Ўткан кунлар" романининг китобхонларга манзур бўлишининг асосий сабаби Отабек билан Кумуш муҳаббатининг юксак маҳорат билан тасвир этилишида. Агар "Қутлуғ қон"да ҳам Отабек билан Кумуш муҳаббатига тенг ёки яқин ишқий сюжет чизиғи бўлмаганида китобхонлар оммаси асарни, шак-шубҳасиз, шавқ-завқ билан ўқимаган бўларди. Ойбекнинг санъаткорлик маҳорати шундаки, у ўз олдига муҳим ижтимоий масалани бадиий тадқиқ этганига қарамай, муҳаббат чизиғини асарнинг бадиий тўқимасига усталик билан сингдириб юборди. Натижада китобхон Йўлчи билан Гулнор фожиали муҳаббатининг тасвири оша асарда тасвирланган ижтимоий масалаларни идрок этиш имконига эга бўлди.

Хуллас, адиб 1937-1938 йиллардаги қонли воқеаларни бошидан кечирган ва яна шундай воқеалар туфайли азоб-уқубат чекиши мумкин бўлган замондошларига халқнинг 1916 йил воқеаларига бўлган фаол муносабатини эслатиш билан уларда ижтимоий фаоллик ва муросасизлик хислатларини тарбиялашга интилди.

Агар Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" асари билан романтик тасвир тамойилига асосланган ва Шарқ адабиёти анъаналари билан уйғун бўлган ўзбек романчилик мактабига асос солган бўлса, Ойбек Европа адабиётидаги бадиий тасвир мезонларига тўла жавоб бера олувчи биринчи реалистик ўзбек романини яратди.

"Қутлуғ қон" – ўзбек халқининг мустамлакачилик даври ҳақидаги асар. Аёнки, ўзбек халқи тарихининг бу шармандали давридан аввал халқ ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаган даврлари кўп бўлган. Шулардан бири Амир Темур ва Темурийлар давридир.

Ойбек ўзининг иккинчи буюк романида ана шу даврга, шу даврнинг тимсоли бўлган буюк мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётига мурожаат этди.

Адибнинг "Навоий" романи яратилгунига қадар Европа, шу жумладан, рус ижтимоий фанларида "Навоий – форс шоирларининг тақлидчиси", деган

қараш ҳукмронлик қилган. Совет мафкураси Навоийга берилган бундай “баҳо” билангина кифояланиб қолмай, улуғ ўзбек шоирини “феодал давр куйчиси”, деб ҳам атади. Бу, ўз моҳиятига кўра, Навоий билан ХХ асрдаги ўзбек халқи ўртасига қўйилган темир парда эди. Ойбек ўз романи билан ана шу пардани парчалаб ташлади. У “Навоий” романини ёзишдан аввал шоир яшаган даврни, унинг ҳаёти ва ижодини тадқиқотчи олим сифатида пухта ўрганиб, шундай илмий мақолалар ёздики, бу мақолалар ўзбек адабиётшунослигида навоийшунослик фанининг вужудга келишида пойдевор бўлиб хизмат этди.

Шундай катта тайёргарлик билан асар ёзишга киришган адиб Навоийни ўзбек халқи тарихининг бурилиш нуқтасида майдонга келган, шу даврдаги миллий уйғонишнинг тимсоли ҳисобланган мутафаккир ва гуманист (инсонпарвар) шоир сифатидаги пурвиқор образини яратди. Роман Ғарб ва Шарқдаги қатор тилларга таржима қилинди. Турли мамлакатлардаги китобхонлар роман муаллифига Навоийни халққа тирилтириб, қайтиб берган ёзувчи сифатида ҳурмат билдирдилар. Ойбек бу ўлмас асари билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига асос солди.

“Навоий” романининг “Ўткан кунлар” тарихий романидан фарқи аввало шундаки, биринчидан, Ойбек ўз асарига тарихий шахсларни асосий қаҳрамонлар сифатида олиб кирган бўлса, иккинчидан, асарда бош қаҳрамоннинг муҳаббати тарихини эмас, балки Султонмурод билан Дилдорнинг – иккинчи режадаги қаҳрамонларнинг муҳаббатини тасвир этди ва китобхондаги руҳий эҳтиёжни шундай йўл билан қондирди. Айни пайтда бу муҳаббат чизиғини романдаги асосий воқеалар тизмаси билан узвий равишда боғлай билди. Учинчидан, адиб адолатли шоҳ ва халқ, Навоий ва халқ, Навоий ва уруш, Навоий ва маданият тақдири, Навоий ва халқлар дўстлиги сингари масалаларни бадиий талқин этди ҳамда замондошлари учун муҳим, келгуси авлодлар учун эса ибратли бўлган ижтимоий-фалсафий қарашларини шоир образи орқали олға сурди.

“Қутлуғ қон” ҳам, “Навоий” ҳам ғоят нафис, ширали, камалак нурлари билан товланувчи адабий тилда ёзилган. Бу ҳар иккала асар Ойбек қаламидан тўкилган ҳикматли иборалар билан тўла. Мана, бир-икки мисол:

“Чақмоқ қанчалик баландда чақмасин, эгри бўлгани учун ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, адлдир – куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куюр”;

“Кишиларни бахтли кўрмакнинг ўзи бахтдир”;

“Кўмирчининг юзи қаро, жаллоднинг кўзи қон бўлганидек, разилларнинг разолати улар учун жазо ва шармандаликдир”;

“Бир гул юз ғунча очади”;

“Табиатнинг ўз ҳусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улуғ кўзгусидир”...

“Навоий” – ана шундай шоҳи иплар билан тўқилган ажойиб асар.

Ҳикоя қилишларича, роман шўро давлатининг юксак мукофотига тавсия этилганида, давлат бошлиғи А.А.Фадеевдан: “Қани, айтинг-чи, Александр Александрович, “Навоий» романининг қандай фазилатлари учун унинг муаллифига мукофот бермоқчисиз?” деб сўраган ва шунда СССР Ёзувчилар уюшмасининг бош котиби бундай жавоб берган экан: “Агар Алексей Толстой “Улуғ Пётр” романида Пётр сиймоси орқали рус халқининг бундан 250 йил аввалги ҳаётини бадиий мужассамлантирган бўлса, Ойбек ўз романида Навоий сиймоси воситасида ўзбек халқининг бундан 500 йил аввалги ҳаётини шундай мужассамлантирган”.

Чиндан ҳам, биз Ойбек асарини ўқир эканмиз, унда Навоий сиймоси орқали ХУ асрда Мовароуннаҳрда яшаган халқ ҳаётининг ёрқин манзараларини кўрамиз. Шу маънода “Навоий” романи ХУ асрдаги ўзбек халқи ҳаётининг ўзига хос қомусидир.

Ойбек Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар номи халқ хотирасидан ситиб чиқарилган, асарлари куйдириб ташланган, уларни ўқиш эса ўта хавфли бўлган замонларда зикр этилган бадиий полотнолари билан ўзбек романчилик мактабига ғубор қўндирмасдан, уни янада юксак поғонага кўтарди. Унинг бу икки буюк асари яратилажак янги ўзбек романлари учун бадиий мезон вазифасини бажарди.

* * *

Навоий – Ойбек ижодининг қалби.

Ойбек 1928 йилдан – Ленинграддаги Плеханов номли Халқ хўжалиги институтида ўқиб, айни пайтда Жонли Шарқ тиллари институтида ишлаб юрган кезларидан то умрининг сўнгги кунларига қадар Навоий яшаган тарихий даврни, шоир ҳаёти ва ижодини тинмай ўрганди ва у ҳақда турли жанрларда асарлар яратди. Айтиш мумкинки, у бутун умри давомида Навоий олами билан яшади.

Ойбекнинг бу қутлуғ мавзуга бағишланган "Навоий ҳақида" ва "Хамса"нинг асосий образлари" деган икки йирик тадқиқоти 1935-1936 йилларда навоийшунослик илмининг илк намуналари сифатида майдонга келди. Шундан кейин Ойбекнинг "Навоийнинг дунёқараши масаласига доир", "Навоийнинг "Мажолис-ун нафоис" асари ҳақида" (1940), "Навоийнинг таржимаи ҳоли" (1941), "Навоийнинг адабий меросига доир" (1948) деган тадқиқотлари юзага келди. Ойбек Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан 1948 йил май ойининг ўзида қардош халқларнинг ўндан зиёд тилида ўттиз дан ортиқ газета ва журнал мақолаларини эълон қилди. У, бошқа навоийшунослардан фарқли ўлароқ, улуғ шоир ҳаёти ва ижодини рус тили орқали собиқ шўро мамлакати ва жаҳон миқёсида тарғиб этишга алоҳида эътибор берди. Ойбекнинг рус адабиётшуноси А.Дейч билан ҳамкорликда ёзган мақолалари 1968 йили алоҳида китоб шаклида нашр этилди. 1948 йилда Навоий юбилейининг собиқ иттифоқ миқёсида баланд савияда нишонланишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, навоийшунос олим ва адиб Ойбекнинг хизматлари улкандир.

Ойбек Навоий сиймосига шоир сифатида илк бор 1937 йил майида, ўзбек санъатининг Москвадаги декадаси кунларида мурожаат этиб, "Навоий" лирик достонини яратди. 1942 йилнинг қаҳратон қишида тугалланган "Навоий" романи 1944 йилда нашр этилиб, рус (1945), латиш (1947), литва, эстон, чех, француз (1948), қозоқ (1949), украин (1950), уйғур (1952), туркман (1955), хитой (2002) тилларига таржима қилинди. (Бирорта ўзбек ёзувчисининг асари шу вақтгача бу қадар кўп тилларга таржима этилмаган.) Ойбек ана шу тарзда, ҳам навоийшунос олим, ҳам шоир, ҳам романнавис ёзувчи сифатида Алишер Навоийни ҳар бир ўзбек хонадонига барҳаёт сиймо сифатида олиб кирди, унинг жаҳон бадиий маданиятидаги қонуний ўрнини тиклаб берди.

Ойбек адабиётшунос, тарихчи, адиб сифатида ўзбек фани ва маданияти равнақига қўшган катта хизматлари учун 1943 йилда янги ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

Адиб "Навоий" романини ёзган вақтда "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонлари муаллифининг муҳаббати тарихи ҳамда болалик ва ёшлик йилларини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди. Шунинг учун ҳам у ҳаётининг сўнгги фаслида ижодидаги шу кемтикни тўлдириш ниятида "Бола Алишер" қиссаси ҳамда "Гули ва Навоий" достонини ёзди (1968).

Агар умр вафо қилганида Ойбек адабий ва илмий навоийномасини яратишда яна давом этган бўларди.

* * *

Ойбек – нафақат Навоий ижоди билан шуғулланган адабиётшунос ва тарихчи олим, айни пайтда замонавий адабий жараённинг ҳам нозик билимдони ва тадқиқотчиси бўлган. У 1934-1937 йилларда ҳозирги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, 1943-1951 йилларда эса янги ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва академия гуманитар фанлар бўлимининг раҳбари бўлиб хизмат қилган. Шу даврда у "Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси", "Ўзбек поэзиясида тил" (1934), "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" (1936), "Ўзбек совет" адабиётининг юқори ғоявийлиги учун" (1947), Ўзбек поэзиясининг тарихий тараққиёти тўғрисида" (1948), "Йигирма беш йил мобайнида ўзбек совет поэзияси" (1949) сингари тадқиқотлар,

А.С.Пушкин, И.А.Крилов, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, А.М.Горький, Н.С.Тихонов сингари рус, Ҳамза, С.Айний, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ҳасан Пўлат каби ўзбек, Файз Аҳмад Файз, М.Авезов, Б.Кербобоев сингари Шарқ адабиёти намояндалари тўғрисида кўплаб мақолалар ёзган. (Афсуски, Ойбекнинг Отажон Ҳошим билан 1935 йилда ёзиши режалаштирилган 12 босма табоқли "Мустамлака даври адабиёти" ҳамда 5 босма табоқли "Муқимий ва унинг "Танланган шеърлари" тадқиқотларининг тақдири бизга маълум эмас.)

Ойбекнинг адабиётшуносликка оид тадқиқот ва мақолалари орасида Абдулла Қодирий ва Чўлпонга бағишланганлари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" монографияси совет мафкурасининг таъсиридан холи бўлмаган ва буни Ойбекнинг ўзи ҳам эътироф этган бўлса-да, мазкур тадқиқотнинг асосий пафоси "Ўткан кунлар" романи муаллифининг бадиий маҳоратини очишга қаратилди. Ойбек бу тадқиқоти билан биринчи ўзбек романини вульгар социологизм марраларидан туриб баҳолаган Сотти Ҳусайнга кескин зарба берди. Унинг 1927 йилда Усмонхон Эшонхўжаевнинг "Ўзбек шоирлари. Чўлпон" ғайриилмий мақоласига қарши "Шоир Чўлпон ижодини қандай текшириш керак", "Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласига қарши эса "Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласининг муаллифига жавоб" деган мақолалари том маънода илмий ва ижодий жасоратдир. Ойбек бу мақолаларида Чўлпонни рус аристократияси вакили Пушкинга муқояса қилиш орқали устоз шоирни доноларча ҳимоя қилди.

* * *

Ойбекнинг бой адабий меросида таржима алоҳида ўринни эгаллайди.

Адиб 1937 йилнинг қонли бўрони тингач, 1938 йил охирида Ўқув-педагогика Давлат нашриётига таржимон лавозимида ишга қабул қилинди. Шу даврда у "Антик адабиёти" мажмуасининг Рим адабиётига бағишланган 2-жилдини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига жаҳон адабиётининг илк манбаларидан бири билан танишиш имконини яратди. Шундан кейин у "Довуд Сосунли" армон эпоси, А.С.Пушкиннинг "Евгений Онегин" шеърий романи, Мольернинг "Тартюф" комедияси, М.Ю.Лермонтовнинг "Маскарад" драмаси, В.Г.Белинскийнинг машҳур мақолалари ҳамда қатор хорижий шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирди.

У ҳаётининг бир кунини ҳам адабий меҳнатсиз ўтказган эмас. Ҳамиша ижод иқлимида яшаган адиб учун адабиёт халқ ва мамлакатни юксак ғоялар ва идеаллар асосида олга етакловчи буюк куч эди. У ўзининг олтин қалами билан ўзбек халқини ер куррасидаги тараққий этган халқлар қаторига олиб чиқишга интилди. Аммо бундай истак ва орзу билан яшаган кишилар мустабид давлат раҳбарлари назарида "миллатчи"лар бўлишган.

Сталинча қатағоннинг навбатдаги тўлқинида 1937 йил доридан базўр омон қолган Ойбек бошига туҳмат ва маломат тошлари ёғилди. "Дўстлар" "Навоий" романини титкилаб чиқиб, ундан миллатчилик нишоналарини, "Ўзбек поэзиясининг антологияси"та Ойбек ёзган кириш мақоласи ва у муҳаррирлик қилган "Ўзбек адабиёти" дарслигидан мафкуравий "хато"ларни "топдилар". Адиб қардош ёзувчилар билан бирга Покистонга борганида ўша ерда қолмоқчи бўлган, деб иғво тарқатдилар. Унинг партия ва профсоюзга тўлаган аъзолик бадалларини ҳисоблаб чиқиб, озгина фарқни республика касаба уюшмалари пленумига кўтариб чиқдилар.

Ойбекнинг кундан-кунга ортиб бораётган шуҳрати туфайли кимлардир роҳат ва фароғатларини йўқотган эдилар. Улар НКВДнинг Ойбек атрофига қўйган тузоқларини интиқлик билан кузатибгина қолмай, унинг шу тузоққа илиниши учун баҳолиқудрат ҳаракат қилдилар. Натижада 1951 йил 16 апрель куни Ойбек инсульт хасталигига йўлиқиб, тили ва ўнг қўлидан ҳаёт асари кетди.

Бу, Ойбек ижодининг минглаб мухлислари учун фожиа эди. Ўзбекистон шу кунларда Ойбек ташвиши билан билан яшади. Китобхонлар севимли ёзувчиларининг соғайиб кетиши учун турли-туман табибларни, даво усул ва воситаларини тавсия этдилар.

Тошкент, Москва ва Пекиндаги бир неча йиллик даволанишдан сўнг Ойбек яна ижодий ҳаётга қайтди. У ўз қўли билан ёза олмагани сабабли кўнглида туғилган катта-кичик асарларни вафодор хотини Зарифахонимга, қийинчилик билан бўлса-да, айтиб турди. У шундай йўл билан 1968 йили вафот этгунига қадар "Олтин водийдан шабадалар" романини қайта ишлади, чала қолган "Қуёш қораймас" романини тугатди, "Улуғ йўл" романи, "Нур қидириб" , "Болалик хотираларим", "Бола Алишер" қиссалари, "Даврим жароҳати", "Гули ва Навоий" достонлари, талайгина шеър ва мақолаларни ёзди.

Ижодга ўта ташна адиб 1959 йили дилидаги орзу ва армонини ифодалаб, бундай ёзган эди:

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб,
Ой менга ҳамқадам – сокин юрамен.
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен...

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур – менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам.

Ойбекнинг бу мовий орзуси рўёбга чиқмади. Аммо у хаста ҳолда ҳам, шоир айтмоқчи, ўлимларни доғда қолдириб, умрининг сўнгги нафасига қадар она халқи учун, адабиёт учун мардона меҳнат қилди. Унинг 17 йил давом этган хасталик даврида шу қадар самарали ижод қилганининг ўзи мислсиз жасоратдир. Ойбек ўзининг 20 жилдлик адабий мероси билан кўп асрлик ўзбек адабиётининг энг юксак чўққиларидан бирини забт этди.

Бу, Ойбек чўққисидир.

Раъно ИБРОҲИМОВА,

Филология фанлари доктори

У яшашда давом этмоқда

“Мен Тошкентнинг турли адабий хазиналарини ўзида жамулжам этган Навоий музейидан ташқари, Ўзбекистоннинг улкан, эндиликда эса мумтоз адиби бўлиб қолган дўстимиз Ойбекни хотирлаш маскани билан ҳам яқин орада бойишига астойдил ишонаман. Ойбек ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонди, унинг китоблари, қўлёзмалари ва буюмлари эндиликда муайян бир жойга тўпланишини ва бу жойда у яшаган ва ижод этган муҳит анқиб туришини истар эди киши”[1] – деганди ёзувчи Н.С.Тихонов. Унинг бу сўзларида кўпчиликнинг истаги ўз ифодасини топган. Мана бугунга келиб Ойбекнинг қаламкаш дўстининг орзуси амалга ошди. 1980 йилда Ойбек яшаган уй давлат ихтиёрига ўтди, ёзувчининг уй-музейига айлантирилиб, бу хушхабарни халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Адиб яшаган уй эндиликда умумхалқ мулкига айланди. Уйнинг пештоқидаги мармар тахтачага “Бу уйда 1940-1968 йилларда Ойбек яшаган ва ижод қилган” деган сўзлар битилган.

Ойбек яшаган уй жойлашган кўчанинг номи бир неча бор ўзгарди. Даставвал 1-Кисловодская, кейинчалик полковник Хўжаев, ҳозир эса Тазиддинов номи билан аталмоқда. Ишчилар шаҳарчасида жойлашган бу уйни билмаган киши йўқ. Ҳозир ҳам “Домла Ойбекнинг уйлари қайси?” – деб сўрасангиз, ёшу қари кўрсатиб беради. Адиб номига келган ва ҳозир унинг уй-музейида сақланаётган хатлар буни яна бир бор исботлайди. Хатларнинг деярли ҳаммасида манзили аниқ кўрсатилмаган. “Ёзувчи Ойбекка”, “Ишчилар шаҳарчаси. Мусо Тошмуҳамедовга”, кўпчилик хатлар Ёзувчилар уюшмаси, радио, турли нашриётлар манзилгоҳига “Ойбекка” деб юборилган. Бу хатларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, адиб қўлига етиб келган.

Ишчилар шаҳарчасидаги бу уйга Ойбек оиласи 1940 йилнинг 29 декабрида кўчиб ўтишди. Унгача ўтган бир йил уйнинг қурилишига кетди. Уй қурилиши жараёнида содир бўлган бир воқеани эслаб, адибнинг рафиқаси профессор Зарифа Саидносирова қуйидагиларни хотирлайди: “У кезлар мих камёб эди. Ишлатилган, эски, занглаб кетган михларни сотиб олиб, Ойбек иккаламиз уларни ўтириб олиб текислардик”. Адибнинг қўли теккан, у текислаган михлардан қад кўтарган бу уй йиллар оша Ойбекнинг ижодкор дўстлари – адабиётимизнинг етук намояндалари билан бўлган учрашувлар, ижодий суҳбатларнинг тилсиз шоҳиди, ёзувчига иккинчи умр бахш этган асарларининг туғилиш жойи бўлиб қолди.

Маълумки, Ойбек узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ва Бутуниттифоқ Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлади. Бадиий ижод билан бир қаторда, хизмат юзасидан унга турли адабий анжуманларда, мажлисларда, учрашув, тантанали кечаларда нутқ сўзлашга тўғри келган. Ойбек маърузаларининг кўп қисми бевосита рус тилида ёзилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти, умуман турли масалалар юзасидан ўтказилган кенгаш, мажлис, конференция ва йиғилишларда Ойбек сўзлаган нутқ ва маруза матнларини кузатсак, адибнинг жамоат ишлари билан ҳам ўта банд бўлгани яққол кўзга ташланади. Ойбекнинг ҳазиллашиб, “Илгарилари ёзишга вақт кўп бўларди, аммо тажриба етишмасди, энди эса тажриба ҳам бор, маҳорат ҳам етарли, вақт етишмайди”, – деб айтишига сабаб ҳам шунда бўлса керак.

Ойбек нутқлари унинг ниҳоятда билими кенглигидан далолат беради. Бу нутқлар матнидан уни шеърият, наср, танқидчилик, драматургия, таржима масалаларига оид кенгашлардан ташқари, киносценарийлар муҳокамасида, уюшма билан боғлиқ ташкилий муаммолар юзасидан чақирилган мажлисларда ҳам фаол қатнашгани маълум бўлди. Адиб ҳатто театр жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун ҳам вақт ажрата олган.

Ҳамза театри жамоаси Ойбек таржимасида М.Ю.Лермонтовнинг “Маскарад” пьесасини саҳналаштиришга киришади. Шу муносабат билан Ойбекнинг театрга

---

[1] Муаллифнинг Н.С.Тихонов билан қилган суҳбатидан. Москва, 1977 – Р.И.

тез-тез келиб тургани, тайёргарлик ишларида иштирок этгани, ўз фикрларини билдиргани ҳақида бизга таниқли артист Наби Раҳимов қуйидагиларни сўзлаб берди: “Режиссёр Амонтов бошчилигида театримиз коллективи Лермонтовнинг “Маскарад”ини саҳналаштиришга киришди. Бу театримизни рус классиклари асарига биринчи бор мурожаат этиши эди. Сабаби, тажриба кам, актёрлик маҳорати етишмас эди. Шунинг учун ҳам спектаклни саҳналаштиришда анча қийналдик. Лекин кўп қўйилмади, атиги бир йилгина давом этди. У кезларда театр танқидчилиги яхши ривожланмаганлиги сабабли, спекталь объектив баҳосини ололмади.

Спектаклни саҳналаштириш муносабати билан Ойбек домла театримизга тез-тез келиб турдилар. Адибнинг буюклиги, забардаст олимлиги, салобати у киши билан яқин мулоқотда бўлишимизга монелик қиларди. Таржима тўлиқ, мукаммал бўлганлиги туфайли, пьеса матнига деярли ўзгартишлар киритилмади: фақат айтилиши қийин бўлган сўзларгина ўзгартирилди”[1].

Ойбек қайси мажлисда сўзга чиқмасин, кўрилаётган масалага масъулият билан ёндашгани яққол кўринади. Ёзувчилар уюшмасида 1940 йилнинг 26 декабрида “Ҳамза”, 1946 йилнинг 4 октябрида “Алишер Навоий” киносценарийлари муҳокамасидаги Ойбекнинг нутқи фикримизга далил бўла олади. Гарчанд, Ойбек сўзининг бошида: “Мен киносценарий соҳасида мутахассис эмасман. Шу сабабли мен билдирган мулоҳазаларга муҳокамада қатнашувчи ўртоқларнинг қўшилмаслиги ҳам мумкин”, – деб эътироф этишига қарамай, иккала фильм юзасидан ҳам қимматли фикрлар билдирган. “...сценарийда мулоҳаза кўп, – дейди “Ҳамза” муҳокамасидаги йиғилишда Ойбек. – Айниқса, сценарий персонажлари икки буюк композитор – Моцарт ва Сальери ҳақида кўп мулоҳаза юритишади. Европа адабиёти, Пушкин ижоди билан яқиндан таниш бўлмаган омма учун бу албатта қизиқ ва тушунарли, аммо кинофильм кенг оммага мўлжалланганлиги сабабли оддий ишчи, колхозчи учун ҳам сценарий персонажлари тортишаётган масала тушунарли бўлиши керак. Уларнинг кўпчилиги Моцарт ва Сальери ижоди билан таниш эмас ва бу икки буюк зот ўртасидаги муносабат ва дўстлик иплари нима билан тугагани ҳам оддий халқ учун қоронғи. Европа мусиқаси ҳақида гап кетганда уни халққа персонажлар мулоҳазаси орқали эмас, бошқа бир йўл топиб етказиш керак”[2].

Ойбек нутқи матнининг бу сатрлари ортидан уни киносценарий соҳасида ҳам кенг билимга эга эканлигидан ташқари Европа мусиқа санъатидан яхши хабардорлиги, Ҳамза ижоди билан эса яқиндан танишлиги кўриниб туради. “Навоий” киносценарийси муҳокамасидаги нутқидан уни зукко тарихчи, Навоий шахси, замондошлари ва у яшаган давр тарихини мукаммал ўрганганлигига гувоҳ бўламиз. Мажидиддин образи хусусида: “Бу маккор вазирни Навоий ва Ҳусайн Бойқародан устун келиши тарихий ҳақиқатга тўғри келмади, масаланинг бу тариқа қўйилиши сиёсий жиҳатдан ҳам хато, чунончи, Навоий ўта ақлли ва узоқни кўрувчи шахс бўлганлиги учун Мажидиддин ва унинг атрофига йиғилганларни фош этишга муваффақ бўлган”, – деб фикр билдиради Ойбек. Бундан ташқари, адиб киносценарийда асосий камчиликлардан бири сифатида Навоийнинг дўсти Хожам дарвешнамо, ёлғизликни ёқтирувчи, Навоийга фақат шеърият билан шуғулланишни таклиф этувчи шахс сифатида тасвирланган. Аслида эса Хожам Хуросоннинг давлат ишларида фаол иштирок этган, ғайратли, сиёсий курашларга аралашиб турувчи, керагида ўз фикрини айтувчи, донишманд шахс бўлган”, – деб изоҳ беради Ойбек.

Сценарий муҳокамасидаги Ойбек нутқи бизга ёзувчининг ижодий эътиқоди хусусида ҳам маълумот беради. Ойбекнинг фикрича, адабиётчининг вазифаси – қандай асар бўлмасин, уни муҳокама этиб, ўз фикрини билдириш. “Биз, – дейди Ойбек, – ўзимизнинг қарашларимизни, ғояларимизни сценарий муаллифига зўрлаб уқдирмоқчи эмасмиз, лекин улар ҳам биз билдирган танқидий фикрлар устида ўйлаб кўришлари керак”. Ойбекнинг бу фикри эътиқодда изчиллигидан ташқари, ўта маданиятли инсон эканини ҳам кўрсатади. Адиб мулоҳазалари, танқидий фикрлари нечоғлик асосланган бўлмасин, ўз қарашларини кўр-кўрона қабул этишларига қарши эди.

1941 йилнинг 20 февралида Ёзувчилар уюшмасида Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи муҳокамаси бўлиб ўтади. Унда Ҳамид Олимжон, Шайхзода ҳам қатнашадилар. Ойбекнинг нутқидан мажлис қизғин ўтгани, бир қатор танқидий фикрлар ҳам билдирилгани маълум бўлади. Ойбек якунловчи сўзида: “Мен фикр

---

[1] Муаллифнинг халқ артисти Наби Раҳимов билан суҳбатидан. Тошкент, 1974 йил.

[2] *Ойбек.* 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами. Т., Фан, 20-жилд, 121-бет.

билдирган ўртоқлар билан тортишмоқчи эмасман, улар билдирган мулоҳазаларнинг кўпчилигига қўшиламан", – деб миннатдорчилик изҳор этади.

Ойбек ниҳоятда камтарин инсон бўлган. Айрим масалалар юзасидан ўзини ожиз сезса, албатта бу ҳақда огоҳлантирарди. 1945 йилнинг 29 октябрида Тошкент шаҳар ёзувчиларининг умумий мажлисида бир ёзувчининг асари тилига оид айрим танқидий фикрлар билдирилади. Мажлисда Ойбек шундай дейди: "Рус ёзувчисининг тили ҳақида фикр билдириш мен учун мушкул". У романнинг асосий қиммати, унда кўтарилган масалаларнинг муҳимлиги ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Ёзувчи мажлисларда бирон марта ҳам шунчаки номига гапириб, юзаки фикр билдирган эмас. Асари муҳокама этилаётган ёзувчи ким бўлишидан қатъи назар, Ойбек ҳамиша ҳақ гапни айтган, ранжитиб қўйишдан қўрққан эмас. 1945 йилнинг 2 ноябрида Ойбек Шайхзоданинг "Жалолиддин" пьесасининг муҳокамасида иштирок этади. У асарнинг ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ҳақида батафсил сўзлайди. Бу муҳокамада Ойбек ўзи ёзган "Маҳмуд Торобий" операси либреттоси ҳақида айтган мулоҳазалар ҳам қизиқарли. "Мен 1941 йилда "Маҳмуд Торобий" операсининг либреттосини яратганимда, – дейди адиб, – қаршиликка учрадим. Менинг қаҳрамоним Чингизга қарши халқни кўтарган косиб Торобий асар ниҳоясида ўлади. У эса тирик қолиши керак эди. Гарчи тарихий ҳақиқат бунга монелик қилса-да, 1941 йилнинг охирида Гитлер газандалари Москвага яқинлашиб келаётган бир пайтда, халқни руҳлантириш, уларнинг юрагида ғалабага бўлган ишонч учқунини ёлқинлатиш учун асар қаҳрамони ўлмасдан қолиши талаб этилади". Бу фикр бизга Ойбекнинг "Маҳмуд Торобий" асари ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда уруш йиллари адабиётимизга қўйилган талаблар ҳақида ҳам тасаввур беради. Лекин бу қаҳрамонни сунъий равишда иделлаштириш деган гап эмас, албатта. Шу боисдан ҳам Ойбек Шайхзоданинг асарда йўл қўйган хатоларидан бири Жалолиддинни ўта идеаллаштиргани деб билади.

Ойбекнинг нутқлари фақат унинг шахси ва ижодига оид чизгиларни эмас, балки салкам қирқ-эллик йилни ўз ичига олган давр ҳақида ҳам маълумот беради. 1946 йилнинг 23 майида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида "Ўзбек прозаси антологияси"ни яратишга оид масала кўрилади. Уни амалга ошириш учун эса ўзбек адабиётидаги барча наср намуналари билан танишиб чиқиш, сўнг уларни саралаб олиш лозим эди. "Бу жиддий ва масъулиятли вазифа-материал саралашни, – дейди Ойбек ўз сўзида, – биз Ҳомил Ёқубов, Миркарим Осим, Порсо Шамсиев ўртоқларга топширдик. Антологияга материал тўплаш жуда масъулиятли иш бўлиб, бунинг учун катта тайёргарлик кўрилиб, кутубхона, шарқшунослик институти ва архив каталогидан бор материалларни йиғиб, сўнг саралаш керак бўлади".

Мазкур кўчирмада мумтоз адабиётимиз билан чуқур таниш бўлган Ҳомил Ёқубов, Миркарим Осим ва Порсо Шамсиевларнинг билими ва ижодига берилган баҳо ҳам ётади.

1940-1945 йилларга оид Ойбек нутқларини кўздан кечирар эканмиз, Ватан озодлиги учун шиддатли жанглар кетаётган бир пайтда ҳам мамлакатимизнинг маданий ва адабий ҳаёти бир сонияга бўлса-да тўхтаб қолмаганига шоҳид бўламиз. Бу фактни Ойбекнинг нутқ матнлари билан бир қаторда адиб уй-музейида сақланувчи хат-ёзишмалар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Ойбек билан ёзувчи, адабиётшунос А.Дейчнинг ёзишмалари улар ўртасидаги яқин муносабатдан, ижодий ҳамкорликдан дарак беради. А.Дейчнинг хотирлашича, унинг Ойбек билан дўстлашишига Ҳамид Олимжон сабабчи бўлган.

Тошкент уруш йилларида душман босиб олган шаҳарлардан кўчиб келганлар учун ўз бағридан жой берди. Шу жумладан москвалик ва ленинградлик олим ва ёзувчилар ҳам Тошкентдан бошпана топишди. Уларнинг бир гуруҳи Пушкин кўчасидаги 84-уйда истиқомат қилишди. Мамлакатда шиддатли уруш кетаётганига қарамай, ёзувчилар ўз асарлари устида ишлашди, бастакорлар куй басталашдан, олимлар илмий тадқиқотлари устида иш олиб боришдан бир дақиқа ҳам тўхташмади. 84-уйда ҳам ҳаёт қайнади.

Ойбек бу уйга тез-тез келиб турар эди. Унинг А.Дейч билан ҳамкорликда "Халқ қалқони" драмасини яратиш хусусидаги фикри ҳам шу ерда туғилди. А.Дейч бу ҳақда бундай хотирлайди:

"Уруш йилларида бир куни Тошкент театрлари бўйича бошлиқ қилиб тайинланган С.М.Михоэлс меникига кириб келди. У таниқли композитор А.С.Чишко ва Ойбек билан ҳамкорликда катта тарихий-қаҳрамонлик мавзуида опера яратишга киришишган экан... Ўрта Осиё тарихининг билимдони сифатида Ойбек XIII асрга,

Бухорони мўғул хони Чиғатой томонидан забт этилган даврига мурожаат қилди. Бўлажак опера қаҳрамони ун эловчининг фарзанди Маҳмуд Торобий аслида она юрт, она тупроқ, муқаддас ер муҳаббати билан тўлиб-тошган одам... Тарихий аниқлик, ҳаққонийлик билан, туйғулар гўзаллиги, салмоқлиги билан ажралиб турадиган бу асар композиторга яхши материал берди. Михолэс ва Ойбек бу ишга мени жалб этишди. Шу тариқа Ойбек билан ҳамкорликда ана шу тарихий материал асосида "Халқ қалқони" драмасини ёзиш нияти пайдо бўлди".

Ойбек архивида мазкур драманинг 3 кўринишдан иборат бир пардаси сақланган. Ойбек ва Дейч ўртасидаги ёзишмаларга кўра, пьеса олти кўринишдан иборат бўлиши керак. Драма устидаги иш айни қизиган бир пайтда Дейч Москвага қайтади ва драма устидаги иш тугалланмай қолади: лекин Ойбек билан Дейч ўртасидаги ёзишмалардан уларнинг хаёлларини драма тақдири ҳамиша банд этиб келгани кўриниб туради. "Ҳурматли Александр Иосифович! – деб ёзади Ойбек хатида. – Соғман, саломатман! Фронт дафтарлари устида ишлаяпман, ҳали тугатганим йўқ. Ростини айтганда, пьесамизни иккинчи кўриниши устида ишлаяпман, ишни тезлатиб, муддатига тугатиш мумкин. Менимча, пьеса ёмон чиқмаяпти. Лекин бир нарса мени хавотирга соляпти. Хатингизнинг мазмунига қараганда сиз Тошкентга бошқа келолмайсиз, пьеса устида бирга ўтириб ишлашимиз керак эмасмикин? Келолмаслигингиз, албатта, ачинарли, мен сизни кутган эдим. Сиз аввал менга ўзингиз ёзган қисмларни жўнатинг, кейин у ёғини нима қилишни яна ўйлаб кўрамиз". (31.VIII. 43.)

"... сизга пьесамизнинг 1-кўринишини, сиз билан Москвада ўқиган қисмимизни юборяпман, – деб жавоб ёзади А.Дейч Ойбекка, – фақат бир оз ўзгартириш киритдим, кўриб чиқарсиз. Пьесанинг III кўриниши деярли тайёр, уни май ойининг бошларида сизга жўнатиб юбораман, хуллас, сиз пьесани олтинчи кўринишига қадар кўриб, эпақага келтиришингиз мумкин, сўнгги кўриниш эса менинг зиммамда. Уни май ойининг иккинчи ярмига қадар юбораман".

"Кеча хатингизни олдим, – деб Дейчнинг хатига жавоб ёзади Ойбек, – пьесамизнинг ярми биттанидан хурсандман. Эндиликда мен унинг иккинчи қисми устида ишлашим керак. Хотирингиз жам бўлсин, ниҳоятда бандлигимга қарамасдан, мен ўз қисмларимни ёзиб тугатаман ва шундан сўнг бирга ўтириб ишлаймиз. Бу жуда ҳам зарур" (21.1.44).

Хатларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, пьесанинг бир қисмини Дейч, иккинчи бир қисмини эса Ойбек ёза бошлаган. Асар устидаги иш тугагач, уни биргаликда таҳрир этишни режалаштиришган.

Мазкур хатлар Ойбек ижодий услубига хос бўлган яна бир чизгини аниқлашга ёрдам беради, у ўз ижоди давомида ҳамкорликдаги ишларни жуда кам ёзган. Ойбекнинг Дейч билан ҳамкорликда ёзган ишлари, хусусан, уларнинг "Навоий ва унинг даври" тадқиқоти устидаги иш фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Бу тадқиқоти устидаги иш узоқ муддатга, салкам 25 йилга чўзилиб кетди. Бунинг сабабларидан бири муаллифларнинг китоб юзасидан бир қарорга кела олмаганларида бўлса керак. Ойбек, Дейч билан ҳамкорликда яратаётган китобида ўзининг бадиий ва илмий ижодида айтилган фикрларни қайтариб қўйишдан хавфсираган. Дейч ўз навбатида, Ойбек шубҳаларининг ўринсизлигини айтишга, тадқиқотнинг бирор ерида қайтариқ йўқлигини уқтиришга ҳаракат қилган. Бу Дейчнинг қуйидаги хатидан ҳам кўриниб турибди: "Қўлёзмамизни яна ўқиб, – деб ёзади у, – унинг замонавий руҳ билан йўғрилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, унда беллетристикадан асар ҳам йўқ, романингиздан олинган ўринлар ҳам йўқ. У ҳозирги туришида соф адабиётшунослик иши, танқидий библиографик очерк. Назаримда, муаллифлар уни эълон қилиб, уятга қолмайдилар".

Ойбекнинг А.Дейчга ёзган қуйидаги хатидан унинг ижодга, ишга бўлган муносабати яққол кўриниб турибди: "Мен мукофот муносабати билан ўтган турли тантаналар ва қабуллардан сўнг, эндигина ишга киришяпман. Менинг табиатим шундайки, бир кун ишламасам, ҳаммаёқ бўшлиқдан иборат бўлиб кўринади. Ҳозир ўзимни руҳан ўз қаҳрамоним билан Ҳиротда яшаётгандек сезяпман ва у яшаган даврни ҳис этяпман. Лекин ҳозир имкон бўлса – замонавий мавзуга ўтмоқчиман. Сиз менинг иш услубимни биласиз: аввал пухта ўйлаб, ўрганиб, сўнг ёзишга ўтираман". Ойбекнинг биргина "Навоий" романининг ўзини ёзишга тайёргарлик жараёнида юзага келган Навоий ҳақидаги унинг тақриз ва мақолалари, илмий тадқиқотлари адибни "пухта ўйлаб, ўрганиб, сўнг ёзишга киришиш"ини тасдиқловчи омил бўлиб хизмат этади.

Асар устидаги иш, Ойбекнинг қўлёзма ва унинг оққа кўчирилган нусхасида тугамаган, у асар нашр этилгандан сўнг ҳам унинг устида ишлашни давом эттирган. Бир асарни турли йиллардаги нашри ўртасидаги фарқлар бунга мисол бўла олади.

Москвалик бир китобхон ўзбек адиби Ойбекнинг машҳур "Навоий" романини ўқиб, унга йўллаган мактубида: "Навоийга ўхшамай туриб, "Навоий" романини

ёзиш мумкин эмас”, – деб ёзган эди. Китобхон тўғри пайқаганидек, Ойбек ҳақиқатан ҳам Навоийга руҳан яқин, ўта беозор, баҳри кенг, кўнгли юмшоқ инсон бўлган. Лекин Ойбек нутқлари матнини ўрганишда давом этар эканмиз, иш масаласига келганда ўта талабчан раҳбар, амалий ташкилотчи, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилувчи ва бошқалардан ҳам шуни талаб этувчи адиб сиймоси гавдаланади. Ойбекдаги меҳнатчанлик, интизомлилик хусусида М.Шайхзода: “Шубҳасизки, Ойбек совет адабиётида ижодий иш интизомини ўз ижодига темир қоида қилиб олган адиб сифатида ёшларга яққол ўрнак бўла олади”, – деб бежиз айтмаган.

Умуман, Ойбекнинг ижодий принципига кўра, ёзувчи кўп ёзиши керак, ёзганда ҳам мағзи бўлиқ асарлар ёзиши керак. У асар ёзишга вақт етишмаслигини баҳона қилган ёзувчиларни тан олмайди. “Қандай қилиб ёзувчи, у нечоғлиқ банд бўлмасин, ёзмаслиги мумкин. Банд бўлсанг ҳам, ўта чарчаган бўлсанг ҳам, ички бир эҳтиёж ижодкорни ҳамиша ёзув столига тортади-ку?! Вақт етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатувчи ёзувчи ҳақиқий ёзувчи эмас”, – дейди Ойбек.

Беозор, баҳри кенг, кўнгли бўш Ойбек, ўз ишига масъулиятсиз бўлган, ижоди талабга жавоб бермайдиган ёзувчига нисбатан ўта бешафқат бўлган, уларни ҳатто уюшма аъзолигидан чиқариш масаласини кўриб чиқишни таклиф этган.

1948 йилнинг 15 мартида Ш.Саъдулланинг аризасига биноан Ёзувчилар уюшмасида ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Ш.Саъдулла ўз аризасида унинг шеърлар тўпламига “Правда Востока” рўзномасида эълон қилинган танқидий мақолага жавоб берилишини сўрайди. Йиғилиш шу муносабат билан чақирилган эди. Унга Шайхзода раислик қилади. Ойбек сўзга чиқади. У сўзида Шукур Саъдулланинг шеърий тўпламини ўқиб улгурмагани, лекин албатта ўқиб чиқиши ва китобнинг фазилат ва нуқсонлари нимада эканлигини аниқлашини айтади ва шу муносабат билан ўзининг умуман танқид ва унинг роли ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Ойбекни танқид хусусидаги хулосалари ёзувчининг ижодий принципи билан янада кенгроқ танишишимизга имкон беради. Ойбекнинг фикрича, танқид ёзувчиларни тарбиялашда жуда муҳим омил. Лекин бу масалада ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Айниқса, ёш ёзувчини танқид этишга ҳамма томонни – унинг ёшлиги, ижодга энди кириб келаётганини эътиборга олмоқ ва эҳтиётсиз танқид билан уни синдириб қўймаслик керак. Аммо ўн йиллардан бери қалам тебратиб, ўзи устида ишламайдиган ва ўзини ҳамиша ёш ижодкорлар қаторида деб билувчи ёзувчига нисбатан эса ўта жиддий муносабатда бўлмоқ керак. Шу принципдан келиб чиқиб, Ойбек Ш.Саъдулла шеърлар тўплами танқидга учраган бўлса, буни ачинарли томони йўқ, у ўзи учун хулоса чиқариб олмоғи керак, чунки танқидчи энди бошловчи шоир эмас, балки 16 йилдан бери ижод майдонида қалам тебратиб келаётган шоирни танқид этган деб баҳолайди.

Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда халқимиз олдида турган бирдан-бир вазифа халқ хўжалигини тиклаш бўлса, адабиёт халқнинг ана шу мушкул ишни бажаришда кўрсатаётган фидокорона меҳнатини тўлақонли бадиий асарларда ёритиб беришга сафарбар этилган эди. Мамлакатимизда бундай меҳнат фидокорлари кўпчиликни ташкил қиларди. Лекин Ойбек нутқларида урушдан сўнгги давр адабиётимизда тарихий мавзу билан фольклор сюжетларига берилиш кучли бўлгани таъкидланади. Хусусан, драматургиямиздаги аҳволни Ойбек таҳлил этар экан: “Бизнинг драматургларимиз тарихий тема ва фольклорга берилиб кетиб, ҳозирги замон тематикасидан ажралиб қолди. Шу сабабли бизда шу пайтгача совет кишиси образини ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириб берувчи бирорта драматик асар йўқ”, – дейди. Уруш йиллари халқда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга хизмат этган тарихий темадаги асарлар – “Жалолиддин”, “Алпомиш”, “Навоий” асарлари ўрнини эндиликда совет воқелигини акс эттирувчи асарлар эгаллашига эҳтиёж туғилади. Бундай асарлар эса йўқ, борлари ҳам талабга жавоб бермас, уларда совет воқелиги ўта “примитив ва схематик” тарзда ифодаланган эди. Урушдан сўнгги давр поэзияси ҳам бу камчиликлардан ҳоли эмас эди. Бу ҳақда Ойбек 1946 йилнинг 18 октябрида Ёзувчилар уюшмаси котибияти йиғилишида сўзлаган нутқида батафсил тўхталиб ўтади.

Ойбек нутқлари матнидан у адабиётимизда учраб турувчи камчиликларни фақат санаб ўтиш билан чекланмасдан, балки бу каби камчиликларни бартараф этиш борасидаги тадбирлар ҳақида ҳам гапиргани маълум бўлади. Уюшма қошида турли адабий бўлимлар ташкил этилади. ЎзМК қарори билан ўттиздан зиёд ёш ижодкорлар Москва ва Ленинградга адабиёт институтига ўқишга юборилади. Ўзбек поэзияси ва прозаси антологиясини чиқариш учун мутахассис таржимонлар жалб этилади, шу билан бир қаторда рус ва чет эл адабиётидан намуналар таржима этишга киришилади. Хусусан, МК қарорига биноан Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, Гоголнинг бир томлик, Пушкиннинг уч томлик асарларини, Горькийнинг ҳикоя

ва повестлар тўпламини, Дантенинг “Илоҳий комедия”, Байроннинг “Чайльд Гарольд”, Саъдийнинг “Гулистон” асарлари таржимасига киришилган эди. Миртемир таржимасида “Одиссея”ни чоп этиш ҳам мўлжалланди. Лекин ёзувчилар зиммасига фақат яхши бадиий асарлар яратиш билан чекланмасдан, ёш ижодкорларни тарбиялашдек муҳим вазифа ҳам юкланган эди.

Биз тилга олган Ойбек нутқлари, ёзишмалари бевосита рус тилида ёзилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ойбекнинг уй-музей архивида сақланмоқда. Нутқ матни қўлёзмаларини кўздан кечирар эканмиз, Ойбекни рус тилида ўта саводли ёзганига гувоҳ бўламиз.

1920 йилнинг ўрталаридан бошлаб Ойбекни жуда яхши билган дўсти, иқтисодчи К.И.Лапкин биз билан суҳбатда Ойбекнинг рус тилига муносабати ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди: “Иккита мактаб бор эди. Бири Хадрада жойлашган, бири “Навоий” номидаги мактаб бўлиб, у 10 йиллик эди. Унда 5-синфгача ўқиш ўзбек тилида олиб бориларди, ундан юқори синфларда эса рус тилида. Ўқувчиларни олий ўқув юртига тайёрлаш мақсадида дарслар рус тилида олиб бориларди (у кезларда олий ўқув юртларида ўқиш фақат рус тилида ўтиларди – Р.И.). Бу мактабларда 5-синфгача рус тили махсус ўқитилмаса-да, ўқувчилар билан ўрганиш борасида машғулотлар ўтказиларди. Ўзбек болаларини рус тилига ўргатишнинг қийин томони тилдаги “род” масаласи эди. Қанчалик жон куйдириб тушунтирилса-да, ўзлаштириш суст борарди. Шунда Ойбек бу вазиятдан қутулиш йўлини топади. Унинг фикрича, рус тилини ўрганиш учун кўпроқ “ўқиш керак, ёзиш керак, ёдлаш керак. Ана шундан кейингина грамматик қоидаларни ўрганишга киришмоқ лозим”. Ҳақиқатдан ҳам Ойбек ҳақ эди. Биз синфларда ўқувчиларга кўпроқ рус тилидаги матнларни ўқитадиган, парчалар ёдлатадиган, ўқилган кичик-кичик ҳикояларни гапиртирадиган бўлдик. Синфга турли жадваллар осиб қўйдик. Уларда энг кўп ишлатиладиган сўзлар ва уларнинг “род”и ёзиб қўйилган бўларди. Шу тариқа болаларнинг кўзини пишитардик. “Русский день” деб ном олган кун уюштирардик. Шу куни ҳамма рус тилида гапириши шарт қилиб қўйиларди. Бундан ташқари мактаб қошида интернат бўлиб, кўпчилик тарбиячилар руслар эди. Болалар уларга ўз-ўзидан рус тилида мурожаат этишга мажбур эдилар.

Рус тилини ўрганиш борасидаги тадбирларнинг ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам фойдаси катта эди. Шу сабаб Ойбек ҳам рус тилини тобора мукаммал эгаллаб бормоқда эди. Умуман, шу йиллари бу икки мактабни битирган ўқувчиларнинг кўпчилиги рус тилини жуда мукаммал эгаллашган эди.

Ойбек САГУ (ҳозирги Миллий университет)да ҳам сиёсий иқтисод курсидан сабоқ берар, бу фанни у рус тилида ўқир эди. Ойбекнинг рус тилини барча нозикликлари билан эгаллашига таржима билан шуғулланиш ҳам катта ёрдам берди. Ойбек таржималари ўзбек тилининг сўз бойлигини ҳам намойиш этиши жиҳатидан ҳам муҳим.

Ойбек жаҳон адабиётининг машҳур намояндалари – Данте, Байрон, Мольер, Ҳенрих Ҳайне, Анатоль Франс, Эмил Верхарн, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Г.Белинский, М.Горький ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилди.

“Ойбек ўз умрида фақат Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романини таржима қилиш билан чекланганда ҳам адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида номи абадий қолган бўлар эди”, – деб ёзади Иззат Султон. Ижодкор учун бундан юксак баҳо бўлмайди.

“У гўзал инсон эди, – дейди Ойбек ҳақида Н.Тихонов, – у улкан ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти ҳеч кимнинг ҳаётига ўхшамайди. Ойбек адабиётимизнинг кўрки эди”.

“Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади”, – деган эди Абдулла Қаҳҳор Ойбек ҳақида. Ойбекнинг умри яратган асарларида давом этмоқда.

Охунжон САФАРОВ,

Филология фанлари доктори

Ойбекнинг болалик олами

Устод Ойбек фашизмга қарши уруш айни шиддатли тусга кирган 1942 йилда "Болаларимга" отлиғ бир жажжи шеър ёзган. Афтидан жанг майдонларида ота-онасиз қолиб, фронт орқасига – Ўзбекистонга кўчирилган болалар қисматидан таъсирланиб битилган бу шеърда шоир болаларга улуғ муҳаббатини шундай изҳор этган:

Бўлсайди юрагим бир денгиз,
Сиғмасди шунда ҳам муҳаббат.
Илҳомим юлдузи, нашъамсиз,
Қалбимни ёритган сиз фақат.

Сиз – умрим кўклами, гулшани,
Сиз ҳаёт чиройи мен учун.
Тонг чоғи югурган нур каби
Ювасиз қайғумни сиз ҳар кун.

Қуёшни қучоқлаб зар булоқ
Тоғларда шўх, эркин оқади.
Сиз билан кунларим шод, қайноқ
Ҳаётнинг тошлоғин босади...[1]

Шоир "ҳаётнинг тошлоғин" иборасини қўллаётганига эътибор беринг. Бу ўша даҳшатли жанг кечган кунлар машаққатини таъкидлайди. Бундан ташқари, болалар бамисоли "қуёшни қучоқлаб шўх, эркин оқадиган зар булоқ"дай ҳар қандай машаққатларни аритувчи куч эканлигини ифодалашга хизмат қиляпти. Шоир бундан ўзгача бир мамнунлик туяди. Зеро, шоир ўз ҳаётини "оқ лентадай чексиз чўзилган қорли йўл" каби ҳис қилар экан, бу йўлни болаларсиз ва болаликсиз тасаввур этолмайди. Унингча, болалик бамисоли ёш йўлчи! Шу зайлда Ойбекнинг болаларга аталган шеърларига ёш йўлчи образи кириб келади. У шеърдан шеърга "ёш куч", "ёш қон", "ёш кўнгил", "ёш авлод", "ёш ишчи" қиёфасида товлана боради. Бу ёшлик гоҳида қизил замона аксини олиб "қизил чечак", "қизил нур", "қизил тўлқин", "қизил қуёш", "қизил ёш" тарзида сифатланади. Гоҳида у асл моҳиятига қайтиб беғуборлик ва мусаффолик рамзидай "оқ-оппоқ" тусида жилоланади. Ҳамиша орзулар қанотида яшаганидан "олтин нигоҳ", "олтин саҳар", "олтин киприк", "олтин бандак", "олтин бўса", "олтин жингалак", "олтин коса", "олтин булоқ", "олтин тос", "олтин хат" ва ҳатто осмондаги баланд ва ёрқин ёритқичлардан бири "Олтин қозиқ" тарзида таърифланади. Шоир болалик моҳиятини ифодалашда "олтин" сўзига кўпроқ мурожаат қилади, чунки болалик теварак-атрофга ҳайрат билан боқилган "олтин нигоҳ" инсон учун умрнинг "олтин саҳари", онийлиги-киприк қоқилгунча бўлганидан "олтин киприк"дай, ҳаёт сурури бўлганлигидан "олтин бўса"дай, ҳамиша инсонни инсонга боғлаши "олтин бандак"дай... Болалик, Ойбек талқинида, "абадий йўлчи"ликдир. У икки шеъри сарлавҳасида буни қайта-қайта таъкидлайди: бири – "Ёш йўлчи", 1925 йилда ёзилган; иккинчиси "Абадий йўлчилар", 1928 йилда битилган. Чиндан-да, бола йўлчи сифатида умр бошида йўлга чиқади, сўнг умр бўйи йўлда бўлади, йўл кечади, йўл

[1] *Ойбек.* – Ёш йўлчи. Шеърлар ва достон. Тошкент: "Ёш гвардия", 1984, 34-б.

ахтаради, йўл азиятини чекади. Сирасини айттанда, худди шу йўл машаққати – унинг сабоғи йўл кечиб ҳам жисман, ҳам маънан улғаяди. Ўзи ярата бошлайди, бунёдкор ва жангчи даражасига кўтарилади, бинобарин, ёш йўлчи учун сабоқ ва яратиш йўли чексиздир, уни қандай босиб ўтишинг – қисматда ким бўлишингни белгилайди. Афтидан, Ойбек машҳур "Қутлуғ қон" романи бош қаҳрамонини ҳам Йўлчи дея номлаганида шу ҳақиқатни кўзда тутган кўринади, зотан, унинг ёш йўлчиси халқ эрки учун истибдодга қарши курашчи Йўлчига қадар ўсган экан, бу, аввало, йўлга чиққан адибнинг болалик тақдири кўринишларидир. "Ёш кўнгил", "Қишлоқни эсларкан...", "Ёш куч", "Ёш йўлчи", "Болаликни эслаб...", "Эсимда қолганлардан...", "Укам билан қўзичоқ", "Абадий йўлчилар", "Қуёш ва болалар", "Ёшлик таронаси", "Йўлда", "Шоирнинг болалиги", "Шаҳарча болаларига" сингари қатор шеърларининг лирик қаҳрамони "умид ва эрк тилида най чалиб" улғая бошлаган болалар. Ойбек бу шеърларининг аксариятида болалик кунларига хос анъана ва удумларни келтиради. Шу воситада руҳни, халқчиллик жозибасини кучайтиришга эришади. Чунончи, у болалигини қўмсаркан, қуёш чарақлаб туриб ёмғир ёққанда, уни "бўри туғди" дея таъбирлаганларидан алоҳида сурур туяди:

Гул фасли-баҳор фасли... офтоб...
Парча булут тўкилиб кетди:
Дув қуйилди марварид ёмғир.
"Бўри туғди", чақнайди кулгу,
Ялангоёқ болаларга ҳузур[1].

"Ойи-ойи" шеърида эса "Барот ойи" ва "Қора мўнди" каби халқ қўшиқларига ишора қилса, "Юлдузлар"да "Олтин қозиқ"қа термула туриб, бувижонининг шу юлдузга дахлдор "суфра четидан ит тортгани" афсонасини хотирлаб, болалик беғуборлигидан лаззатланади.

Аммо "Шоирнинг болалиги", "Шаҳарча болаларига" шеърларининг лирик қаҳрамони ўтмишдан кўра кўпроқ янги замонни севади. Янги давр унга ўқиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини берганидан мамнунлик туяди. Дуркун яшаётганидан сархуш, лекин буларга нима эвазига эришилганини у ҳали англаб етмаган. Бинобарин, эрк ва озодлик унинг учун ҳали сароб, ўтмишга нафрати баландлигидан ғурури ҳали уйғонмаган, "қизил қуёш" ва "қизил байроқ" кўзларини қамаштириб, онги ва шуури ҳам шу ранг исканжасига асир.

Ойбек болаларнинг турфа ранг ва турфа қиёфадаги талай образларини яратди. "Қутлуғ қон"да Унсин, Шоқосимнинг тўрт яшар ўғли, Ҳакимбойваччанинг ўғли Рафиқжон, "Қуёш қораймас"да Зина, "Болалик"да Мусавой, "Қонли бармоқлар"да Али, "Мискин болалар"да Ғулом ва Илёс, Зафар ва Заҳролар шулар жумласидандир. Унсин ва Мусавойлар рус мустамлакачилиги шароитида дунёга келганлар, ўша мустабид тузум уларнинг болалигини таҳқирлаган. Шу хусусиятлари билан улар инглиз мустамлакачилиги асоратида юрти таланган, эрки бўғилган ва турмуши абгор этилган Зафар, Заҳро, Сакна, Али, Ғулом ва Илёслар билан сафдошгина эмас, балки дарддош ҳам. Мустамлакачилик истибдоди барчаларининг болалик ҳуқуқларини топтаган, шафқатсиз ҳаёт уларни эрта улғайтирган, шу боисдан аксарияти мурғаккина жон бўла туриб, "шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам оч кўп, ғам мўл", – дея катталардай мулоҳаза юритади, катталардай тирикчилик ташвишида изғийди.

Адиб жажжи қаҳрамонларининг эрта вояга етишини маънавий улғайиш асосида кўрсатишга катта эътибор беради. Уларда мустамлакачиларга, юрт талончиларига нисбатан уйғонган нафрат ўти бора-бора алангаланишига шубҳа йўқ. Бинобарин, мазкур образларнинг ижтимоий-эстетик қиммати ниҳоятда катта.

Ойбек Алишернинг ёшлиги қиссасида беш ярим аср илгариги тарихимизга Алишернинг болалиги призмасидан қарашга эриша олди. У жамиятдаги ижтимоий табақалараро муносабатлар бола характерини қандай шакллантирганини кўрсатишга, тарихий муҳит орқали давр руҳини ифодалашга эриша олди. Бу эса, ўз навбатида, улуғ мутафаккир табиатидаги инсонпарварлик

[1] *Ойбек.* – Ёш йўлчи. 38-бет.

фазилатларининг илдизларини асослаш ва далиллаш учун ниҳоятда қўл келди. Ойбек ўз халқининг "XV аср бадиий адабиётини юксак босқичга кўтарган, у адабиётнинг юксалиш тенденциясига якун ясаган буюк шоир" Алишер Навоий дунёқарашига бағишланган узоқ кузатишларидан олган сабоқларини умумлаштирар экан, "маълум бир туркум масалалар борки, шоир ўз ғазалларида ва поэмаларида у масалаларга доимо қайтиб келади, улар устида фикр юритади", — деб ёзган эди. Аслини олганда бу сабоққа Ойбек ҳам ўз ижодий ақидаси сифатида қараб, бутун фаолияти давомида унга амал қилиб келдики, бунинг ёрқин далилини адибнинг Навоий ва унинг адабий ижодий фаолиятига муносабати мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу муносабат Ойбек ҳали эски мактабда ўқиган йиллардаёқ бошланганини адибнинг ўзи қайта-қайта таъкидлайди: "Ёшлиқда асарлари билан танишган улуғ ўзбек классиги, буюк, ўлмас Алишер Навоий ҳақида ёзишни кўпдан бери орзу қилар эдим, — дея иқрор этади адиб. — Улуғ гуманист образи ўрта аср туни қоронғулигини ёритувчи ёруғ машъал каби менинг хаёлимни эгаллаб олди". Шу зайлда Ойбекнинг илмий ва адабий изланишларида Навоий сиймосини яратиш доимий мавзуга айланди. Адиб шу мавзу устида, 1928 йилдан то умрининг охиригача "фикр юритди". Натижада унинг "Алишер Навоий" (1936) монографияси, "Навоийнинг "Мажолис-ун-нафоис" асари ҳақида" (1940), "Навоийнинг таржимаи ҳоли" (1948) каби тадқиқотлари, "Навоий" (1936-1937), "Гули ва Навоий" (1968) достонлари, ўзбек прозасида реалистик тарихий романнинг мумтоз намунаси даражасига кўтарилиб, жаҳоншумул довруғ келтирган "Навоий" (1942) романи ва ниҳоят "Алишернинг ёшлиги" (1967) қиссаси бунёдга келди. Ойбек Навоий мавзуига шу тахлитда ранг-баранг жанрлар имкониятлари доирасида, ҳар хил савия ва ёшдаги китобхонлар имкониятини ҳисобга олган ҳолда мурожаат қилди. Ҳеч шубҳа йўқки, ўз асарларининг ҳар бирига давр руҳини сингдириб, улуғ мутафаккирнинг тўлақонли сиймосига замонамиз муносабатини сингдириб боришга ҳам муваффақ бўлди. Натижада Навоий мавзуи адиб ижодида замон муаммоси сифатида беқиёс салмоққа эга бўлган давомийлик касб этди.

Ёзувчининг рафиқаси Зарифа опа Саидносирова гувоҳлик беришича, "Алишернинг ёшлигини қаламга олиш нияти адиб қалбида қирқинчи йилларнинг бошларида туғилган бўлиб, "Навоий" романини ёзиш даврида бу иштиёқи янада кучайган" эса-да, аслида, "Навоийнинг таржимаи ҳоли" хусусидаги тадқиқотини амалга ошириш жараёнида тамоман пишиб етди. Шу маънода бу тадқиқотни тарихий қисса учун хамиртуруш вазифасини ўтади дейишга тўла асос бор. Чунки унда Ойбек Алишернинг болалик турмушини атрофлича кўрсатишга интилиб, тарихий манбалардаги далиллар негизида қатор жозибали бадиий лавҳалар яратган эди. Шу лавҳалардан баъзилари янгидан янада сайқалланган ҳолда қисса таркибидан жой олади.

Қисса учун тахминан 1445-1451 йиллардаги тарихий воқеалар асос қилиб олинган. Сирасини айттанда, бу қисқа муддат темурийларнинг сиёсат майдонида таназзулга учраш даври бўлиб, Шоҳруҳ Мирзо салтанати хотима топган, ниҳоят, шафқатсиз тўқнашувлардан кейин Абу Саид, Абдуллатиф ва бошқа шаҳзодаларни чеккага суришга эришиб, Ҳирот тахтини эгаллаган Абулқосим Бобур салтанатининг бошланишидан иборат эди. Ойбек Алишер болалигини ана шундай кескин ижтимоий-сиёсий вазиятларда кўрсатиш билан унинг инсон сифатида шаклланиш жараёнини аниқ тасвирлади.

Ёш китобхон дастлаб "тўрт ёшлар чамасидаги келишган, хипча гавдали, туйғун кўзларида теран ақл кўриниб" турган, "бошида тақя, устида адрас тўн, оёқларида хиёл этик, ҳолвани ея туриб, мажлисни одоб билан кузатаётган" (6-б.) кичкина Алишерга рўпара бўлади. Ёзувчи бола — Алишернинг портретини ана шундай чизиб, унинг мурғак қалби катталарнинг мураккаб оламидаги муносабатлардан сабоқ олишга мойил эканлигига ишора қилади. Бу ишора замирида бутун қиссада марказий ўринда турувчи Алишер характерига хос синчковлик, донолик, қизиқувчанлик, мушоҳадакорлик, ҳодисалар моҳиятига ўзича ёндашиш ва уни ўзича ечишга интилиш, меҳрибонлик, завқланувчанлик каби қатор хусусиятлар тажассум топган.

Ойбек ўз жажжи қаҳрамонининг болалик турмушини барча қирралари билан кўрсатишга эришади. Бунда у тарихий ҳақиқатига изчил риоя қилади, тарихий воқеликни аниқ ва тиниқ кўрсатиш ниятида Алишернинг болалик ҳаётига у ёки бу даражада алоқадор тарихий шахслар – дадаси "камтар, мулойим феъли, кўзлари ақлли, калта соқоли ўзига ярашган, жуссаси кичик" Ғиёсиддин Кичкина, Кобулий тахаллуси ила шуҳрат қозонган тоғаси Мирсаид, уриш-қирғинлар қаддини букчайтирганига қарамай, мақтанчоқлигини қўймайдиган Шоҳруҳ шоҳ, фитнакор қари малика Гавҳаршод бегим, ғийбатчи шаҳзода Абдуллатиф, ҳарбу зарбга меҳри баланд тантиқ Ҳусайн образларига ва қатор тарихий воқеаларга мурожаат этади. "Навоий" романини ёзишда орттирган тажрибасига таяниб, бу қиссада ҳам тарихий шахслар характерини ёрқин кўрсатиш ниятида ижодий фантазиясига эрк берди, тарихий воқеалар тасвирида ҳам уларни ўша замон руҳига мувофиқлигини назарда тутиб, ўз "хаёлининг натижаси"га айлантирди. Алишер ва Ҳусайннинг мактабдошлиги, Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" ("Қуш тили") асари мутолааси, Алишерлар оиласининг Шоҳруҳ шоҳ вафоти (1447 й.) дан сўнг тахт учун шаҳзодалар ўртасида бошланган қирғин-баротдан қочиб, Ироққа кетаётганда Тафт шаҳрида машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган учрашув, ниҳоят, Ироқдан қайтаётганда Алишернинг йўлда от устида ухлаб қолиб, адашуви ва топилиши сингари қатор эпизодлар шундай моҳиятга эга.

Ойбек ёш Алишер дунёқарашининг шаклланиш жараёнини бутун қисса давомида диққат марказида тутди. Шу мақсадига эришишни кўзлаб тарихий ҳақиқатга тааллуқли далиллару ҳодисаларни ҳам, ўз фантазияси маҳсули бўлган бадиий тўқима образ ва воқеаларни ҳам ўзаро омухталаштирди. Бунинг исботини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Мирсаид Кобулий – тарихий шахс сифатида маълум. У туркийда ғўзал шеърлар битади. Жияни Алишер қалбига шеър меҳри ва ўз она тилисига муҳаббат туйғуларини сингдиришда унинг ҳам маълум даражада роль ўйнаганлиги тарихан эътироф этилган. Ойбек шу тарихий ҳақиқатни ўша замон ва шароит тақозосига кўра ўз бадиий ниятига мослаштириб, тасвирнинг реалистик кучини оширган:

Ғиёсиддин Кичкина ҳовлисида фозиллар мажлиси. Унда даврнинг турли жиддий муаммолари муҳокама қилинмоқда. Тўрт яшар Алишер ҳам шу "мажлисни одоб билан кузатмоқда". Шунда:

"– Отни яхши кўрармисан, Алишербек? – дея сўради кулимсираб сипоҳлардан бири.

– Кўп яхши кўрурмен, лекин... – деди отасига термула туриб Алишер, – от чоптиришдан фикр юритиш яхшироқдир, чамамда" (6-бет). Ойбек ўз қаҳрамонининг болалик қиёфасини, одатда, болаларга бериладиган саволларнинг ўзига хослиги билангина эмас, балки Алишер жавобида болаларга мос оҳангни сингдириш орқали ҳам равшан гавдалантира олган. Яна муҳими шундаки, Алишер жавобининг эътирозли – "от чоптиришдан фикр юритиш яхшироқдир, чамамда" қисмида нарса-ҳодисаларга теран назар солишга ҳаракат қилаётган мурғак қалбнинг буюк келажагига ишора бор. Шу дақиқадан бошлаб Алишер қиссадаги воқеалар оқимининг асосий йўналтирувчига айланиб қолади.

Ойбек ёш Алишернинг маънавий ўсиш жараёнини психологик жиҳатдан ана шундай устакорона асослайди. Натижада қаҳрамон характерининг шаклланиш жараёни янада чуқурлашади. Адиб шу мақсадда янги-янги тўқима лавҳалар ярата бошлайди. Чунончи, Алишернинг исёнчи деҳқонлар ва севишган йигиту қизнинг дорга осилиши манзарасидан беҳад кучли таъсирлангани эпизоди ҳар қандай китобхон қалбига ларза солади: "Алишер бўздек оқарган, қаттиқ титроқда, ўқдек отилиб оломон орасидан чиқиб кетди, орқасига қарашга юраги дов бермас, тўхтамай чопар эди" (44-б). Ҳатто беҳад очлигига қарамай, уйда ойисининг таомга таклифига жавобан:

" – Таом емайман. Кўнглим беҳузур..." дея олди, холос. Худди шу нуқта Алишер характерига хос психологик таранглиқнинг кульминациясидир. Шу лаҳзадан эътиборан у ҳаётда ҳақ ва ноҳақлик мавжудлигини англаб етган бўлса-да, лекин ҳали унинг асосий сабабчилари кимлар эканлигини ўйлаб кўришдан анча узоқ эди. Бунга унинг болалигигина эмас, ҳатто ўша даврдаги ижтимоий турмуш тарзи ҳам монелик қилар эди. Ойбек буни чуқур англаб етганидан

Алишернинг болаларча соддалигини, беғуборлигини, орзулар қанотидаги парвозини, хаёлкашлигини, ўйинга майлини, ҳамдардлик туйғусини хуллас, инсонийлик мазмунини таъминловчи барча фазилатларини характерли штрихларда чиза боради.

Ойиси билан меҳмонликка кетаётган Алишер кўчани тўлдириб бораётган филни кўриб, унга ҳавас билан тикилади:

“ – Ойижон, катта бўлганимда дадамлар фил сотиб олиб берсинлар, хўпми, ясатиб миниб юрурмен” дейди Алишер тўлиб-тошиб. Унда катта бўлиш – улғайиш иштиёқи баланд. Зотан, бундай иштиёқ болаликда ҳаммага йўлдошдир.

Бувасининг най ясаб бериш ниятини фаҳмлагач:

– Жуда чиройли қилиб ясанг, бобожон, – деди севинчдан юраги ҳаприққан Али. – Пуфласа, ўзи сайрайдиган бўлсин, хўпми, – дея қайта-қайта таъкидлайди”. “Пуфласа, ўзи сайрайдиган най” ҳам фақат болалик ақлига сиғадиган орзудир. Ойбек Алишернинг болалик табиатини ранг-баранг товланишларда намоён этиш учун ана шундай тўқима эпизодлардан унумли ва ўринли фойдаланди.

Адибнинг маҳорати, Ҳусайн ва Алишернинг болаликдаги ўзига хос қиёфасини кўрсатишда яққол намоён бўлади. Адабиётшунос П.Шермуҳаммедов таъкидлаганидек, бунда ҳам “ҳар иккала дўстни бир-биридан ажратиб турадиган фазилатлар равшан кўринади. Ҳусайн чуввос ҳайқириқлар билан қиличбозлик қилаётган йигитларнинг машқини ўзгача завқ билан кузатади. Алишерни эса майдонда чопиб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопқирлиги, кабутарларнинг ажиб рақси мафтун этади”. Алишернинг гўзалликни англаш туйғуси шу хилда шаклланиб, теранлаша боради.

Ойбек Алишернинг болалиги тимсолида келажаги мутафаккирликка дахлдор қувноқ, хушчақчақ, тили бийрон, ҳаваси баланд, энг муҳими, фикр юритувчи, ҳаётсевар боланинг ёрқин образини ярата олган.

Хуллас, Ойбек XX асрдаги ўзбек болалар адабиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Ойбек яратган болалик манзараларининг замон ва макони қамрови беқиёс кенг бўлиб, салкам олти асрлик тарихий ҳаётни қамраб олади. Улар наинки Ўзбекистон, балки Покистон ва Афғонистон сарҳадларида ҳам кечади. Болалиги XV асрнинг ўрталарида ўтган бийрон тилли ва андишали Алишер билан XX асрнинг бошларида яшаган болакай – шўх ва тийрак Мусавойлар орасида олис мозий ястаниб ётади. Гарчанд уларнинг турмуш тарзи ижтимоий-сиёсий моҳияти ва имкониятлари жиҳатидан бир-биридан жиддий тафовутларга эга бўлса-да, ҳар қалай улар ўсган муҳитда, ота-оналар тарбиясида, ўқиш-ўрганиш жараёнларида маълум муштаракликлар ҳам бор эди. Худди шу ҳолат келажакда уларнинг шахс сифатида мутафаккирона шаклланишига монелик қилмади. Қолаверса, адибнинг хорижлик болалар образларига сингдирган инсон эрки, ватан озодлиги ва тинчлик учун кураш йўлидаги фидойилик ғоялари аслида шу тарихий ҳақиқатдан сув ичади ва ҳаммаси биргаликда Ойбекнинг болалар шоири ва носири сифатида ҳам теран маҳоратга эга сўз санъаткори эканлигини тасдиқлайди.

Ҳеч қачон ечилмайдиган жумбоқ

Ижодкор истеъдоди азал-азалдан кишиларни ҳайратга солиб келади. У ўзининг дунёқараши, идеаллари, тушунчаси ва ҳаётий мантиқ кўтара оладиган даражада истак ва хоҳиши асосида шундай оламлар бино қиладики, бу оламлар асар деб аталувчи яратилмада мужассамлашади ҳамда барчани ўзига мафтун этади.

Шоирлар кўпчилик қалбида кечган тутқич бермас ҳис-туйғуларни ҳеч ким ифодалай олмайдиган сатрларда тақдим этадилар. Бошқача айтганда, улар шаклсиз туйғуларга шакл, ранг ва жон бағишлайдилар. Уларни ўқиганлар эса ҳайрат бармоқларини тишлаб қоладилар. Носирлар эса кунда кўриб, кечириб келаётган воқеалардан, шахслар фаолиятидан янги дунёлар яратадилар, биз уларни ўқиб, бир умр ошуфта бўлиб яшаймиз. Ана шу асарларни араттан ва яратаётган шахслар – ижодкорлар кимлар, уларга бундай хилқатни бахш этган қудрат нимада? Мана шу савол узоқ замонлардан жумбоқлигича қолиб келади. Қанчадан-қанча олимлар бу жумбоққа жавоб бериш учун бел боғладилар, лекин улардан бирортасига ҳам жумбоқнинг моҳиятини очиш насиб этмади.

Ижодкор шахсиятини, унинг истеъдодини илоҳийлаштириш, аллақандай ғайритабиий сабабиятлар билан алоқадорликда изоҳлаш қадимдан мавжуд. Шу боис адабиёт ва санъатдаги улкан ижодкорлар истеъдодини оддий кишилар идрок эта олмайдиган, улар эриша олмайдиган асосларга олиб бориб боғлашни изчил илмий назария сифатида талқин қилиш ҳам ўзини оқлай олмайди. Бизнинг назаримизда, ижодкор шахсиятида оддий кишиларда учрамайдиган ўткир ҳис-туйғу ва уни бошқариб турадиган кучли ақл-идрок бор. Буларнинг иккисини ҳам уларга табиатнинг ўзи беради. Ўткир ҳис ва кучли ақл ижодкор руҳиятида ҳамма вақт биргаликда, бир хил даражада иштирок этавермайди.

Воқеликдан илҳомланиш – ижодий завқланиш, рағбатланиш, таъсирланган воқелик улушини туйиш жараёнида ижодкор кўпроқ ҳиссиёт оғушида яшайди. Шу сабабли адибу шоирлар ижод жараёнида ўзларини бутунлай ўзга оламда – ўз асарида яратадиган оламда ҳис қиладилар. Аммо бу дегани ижод пайтида улар бутунлай ақл билан фаолият кўрсатмайдилар дегани эмас. Ижод оғушида ижодкор ақл-идроки ҳис-туйғуга тобе бўлади. Бунда ҳис этилган туйғу ва кечинмани ақл муайян ғояни яхлит ифодалашга хизмат қилади. Ижод жараёнидаги “илоҳий” ҳиснинг топқирлигини, унинг шиддатли оқимини бошқариш ва муайян нуқтага олиб бориш ақлнинг табиий фаолияти орқали амалга оширилади. Шу боис асар яратиш жараёни, унинг лаззатбахш қийноқлари ижодкорнинг хатти-ҳаракатини, фаолиятини, ўзгаларга муносабатини маълум даражада ўзгартиради. Айрим ижодкорлар ўзлигини унутади, айримлари хаёлпараст, айримлари эса камгап, инжиқ бўлиб қоладилар. Ана шунда ақл ҳис оқимига бўйсунади. Асар яратилиб бўлгандан кейин ижодкор аста-секин ўзининг табиий ҳолатига қайта бошлайди. Унда ижод жараёнидаги “экстаз” йўқолиб, у ақл ҳукмига тобе бўлади. Мана шундагина ижодкор шахсиятидаги, аниқроғи, унинг руҳиятидаги илоҳийлик билан оддий инсонийлик алоҳидалашади. Шунинг учун бўлса керак, ижод жараёнида айрим ижодкорлар нима қилганликларини, кимларга қандай муносабатда бўлганликларини билмай қоладилар. Чунки улар ижод деб аталмиш хилқатда эркин яшайдилар.

Иш жараёнида нимани ёзиш, қандай ёзиш ва ёзиш пайтида ўзини қандай тутиш ҳар бир ижодкорда ҳар хил кечади. Айрим адибу шоирлар ёзадиган нарсаларини, воқеа ва кечинмаларини олдиндан режалаштириб, ипидан-игнасигача пухта ўйлаб оладилар. Айрим ижодкорлар эса то ёзув столига ўтириб, қўлларига қалам олмагунларича нималарни ёзиш кераклигини аниқ тасаввур қила олмайдилар. Шу ўринда улуғ немис шоири ва драматурги Ф.Шиллернинг 1796 йил 18 мартда

И.В.Гётега ёзган мактубидаги қуйидаги сўзларни келтиришни лозим топдик: “Драмадек мураккаб яхлитликни яратиш учун тайёргарлик ҳақиқатдан ҳам қалбни мутлақо нотабиий тўлқинлантиради. Бу эса ижодий ниятни пайпаслаб топиш эмас, уни рўёбга чиқариш учун муайян йўлни излашдан иборат биринчи операция бўлиб, у оддий нарса эмас. Мана шундан кейин мен ўз олдимда фақат маълум скелетни кўраман. Бу скелет эса худди инсоннинг тана тузилишидек драма структурасини белгилаб беради. Шундай пайтларда сиз ишга қандай киришишингизни билишни истардим. Менда эса дастлаб, маълум скелет ҳақида аниқ тасаввур бўлмагани ҳолда у ҳақда аллақандай таассурот туғилади; сюжет кейин шаклланади. Бошида менда аллақандай мусиқий кайфият юзага келади ва шундан кейингина бадиий ғоя шаклланади”.

Баъзи ижодкорлар эса олдиндан тайёргарлик кўриб, нималарни ёзиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб, режали тарзда изчил ишлайдилар. Масалан, йирик ўзбек адиби Пиримқул Қодиров бирор асар устида иш бошласа, ҳар куни эрталабдан тушгача ёзади. Шундан кейин эса бироз ҳордиқ олиб, кейин ёзган нарсаларини кўриб, таҳрир қилади ва эртасига ёзадиган нарсаларни пишитиб олади. Мана шу тариқа унинг ижод жараёни асар якунлангунга қадар давом этади.

Баъзи ижодкорлар эса ўзи ёзмоқчи бўлган асарини бошидан охиригача миясида пишитиб олиб, сўнгра уни бир неча кунлар ва тунлар мобайнида бирданига ёзиб ташлайдилар. Таниқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимов ана шу тариқа ижод қилади. Унинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси йигирма кунда ёзилган бўлса, “Тушда кечган умрлар” романи ўттиз кунда ёзиб тугалланган. Мана шундан кейин у қўлёзмани бир неча вақт ташлаб қўяди, кейин унинг бадиий матнни пишитиш устидаги машаққатли меҳнати бошланади. Асарларини ёзиш жараёнида у, кўпинча, рангли тушлар кўради. Баъзан у ана шу тушларида асари учун зарур ечимларни ҳам топади. Унинг “Шамол эсаверади” асарининг ечими тушида топилган эди.

Айрим адиблар асарини бир бошидан эмас, балки унинг ўртаси ёки охиридаги айрим бобларни ёзишдан бошлайди, кейин уни ҳаётий ва бадиий мантиқ асосида бошқа боблар ёки қисмларга улаб юбориши мумкин. Ўткир Ҳошимов ҳам ўзининг “Дунёнинг ишлари” романини охиридан бошланишига қараб ёзган.

Жорж Санд ўз умрининг сўнгги даврларида ҳеч қандай қораламасиз бирин-кетин бир нечта романлар ёзган. Қораламасиз тўғридан-тўғри асар ёзиш оқибатида унинг ижодида бадиий услубга хилоф ўринлар, қайтариқлар кўп учрайди.

Жорж Санднинг замондоши Теофиль Готье ҳам ҳеч қандай тайёргарликсиз, қораламасиз театр фельетонлари ёзган. Г.Флобер эса жуда қийинчилик билан, ҳар бир сўз ва жумлани қайта-қайта тузатиб ёзган. Бу жиҳатдан улкан ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор Г.Флоберга яқин туради.

Асар ёзиш пайтида ижодкорларнинг ўзларини тутишлари, хатти-ҳаракатлари, ёзиш манералари ҳам ҳар хил бўлиб, уларни бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди. Масалан, француз шоири А.Ламартьен (1790-1864) ўз шеърларини отда сайр қилиб юриб ёзган бўлса, рус шоири Ф.И.Тютчев илҳом келган пайтда тўғри келган қоғозга ёзиб ташлайверган. Бу қоғозларнинг кўпи унинг ёдидан чиқиб қолиши оқибатида бир қанча шеърлари йўқолиб кетган. Француз шоири В.Гюго (1802-1885) ўз қўлёзмалари устида сабр-қаноат билан узоқ ишлаган, ҳар бир асарини авайлаб сақлаган.

Адибу шоирларнинг ижод қилиш йўллари, режалари ва манералари хилма-хиллиги аниқ, аммо бу масалада бизни қизиқтирган бошқа нарса. У ҳам бўлса, ижод қилишга рағбат туғдирган, ижодкорни янги асар яратишга мажбур қилган, унга имкон берган истеъдоднинг асосида нима ётади, ана шу иқтидор унда қандай пайдо бўлганлигини, бироз бўлса-да, аниқлашдан иборат.

Ижодий истеъдоднинг пайдо бўлиши ҳақида шу пайтга қадар турлича қараш ва талқинлар вужудга келди. Бундай қараш ва тасаввурлар ҳақидаги афсоналар борасида академик В.М.Жирмунский мукаммал ва асосли маълумот берган эди. У англосаксон халқларининг биринчи шоири Кэдмон ҳақидаги афсонани батафсил таҳлил қилади. Афсонада айтилишича, Кэдмон Нортумбриядаги монастирларнинг бирида коҳин бўлиб хизмат қилади. У қўшиқ айтолмаслиги сабабли, зиёфат ва тантаналарни тарк этарди. Кунларнинг бирида у ана шундай базмни тарк этиб, ўзи қўриқлаб юрадиган оғилхонада ухлаб қолади. Туш кўради. Тушида бир киши келиб, ундан қўшиқ куйлашни сўрайди. Кэдмон эса куйлашни билмаслигини айтади. Шунда бояги киши дунёнинг яратилиши ҳақида куйлашни буюради. Кэдмон куйлай бошлайди. Эрталаб Кэдмон уйғонади, аммо унинг ёдида тушида кўрган киши ўргатган сўзлари сақланиб қолган эди. Бу ҳақда Кэдмон аббатиссага хабар беради. Аббатисса барча олимларни йиғиб, бўлиб ўтган воқеани айтиб, Кэдмонда шеър тўқиб куйлаш иқтидори қандай

пайдо бўлганлигини сўрайди. Йиғилганлар Кэдмонга бу иқтидор худо томонидан берилганлигини айтадилар.

Олим ана шу хилдаги талқинларни ўзбек, қирғиз, қозоқ, ойрот, бурят ва бошқа халқлар бахшилари, оқин ва манасчилари, тулчи ва улигерлари ҳақида ҳам мавжудлигини қиёсий таҳлил қилади. Унинг кўрсатишича, халқ бахшилари, яъни эпик асарлар яратувчи ва куйловчилар ҳақидаги афсоналар моҳияти асосида бир нарса – бўлажак ижодкорнинг тушда бир авлиёни, пирни кўриши, унинг ҳомийлигида шоирлик иқтидорининг пайдо бўлиши ётади. Кейинроқ бундай талқин ёзма сўздаги ижодкорлик қобилиятини илоҳийлаштиришга нисбатан ҳам қўллана бошланди. Мана шу тариқа ижодкордаги истеъдод асосида илоҳий, ғайритабиий кучлар туҳфаси ётажаклиги ҳақидаги қарашлар тизимлари юзага келди. Дарҳақиқат, ҳақиқий ижодкорда озми-кўпми даҳолик хислати мавжуд. Ана шу даҳоликни фақат ғаритабиийлик билан излаш ўзини тўла оқлай олмайди. Ёки бунинг акси – ижодкордаги даҳоликни фақат ижтимоий-маданий муҳит таъсири билан ҳам тўла асослаб бўлмайди. Буюк олмон файласуфи Г.В.Ф.Гегель ижодкорлиги яратувчиликни – даҳоликни руҳ феномени билан изоҳлайди. Албатта, инсондаги руҳ кўп нарсаларга қодир. Лекин ана шу ижодкор руҳ асосида нима ётиши масаласи, барибир, очилмай қолмоқда. Бизнингча, ижодкордаги даҳолик унинг фақат субъектив қобилияти маҳсулигина бўлиб қолмай, бу даҳоликнинг воқе бўлишида объектив факторлар ҳам белгиловчи роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, ижодкор даҳоси, истеъдоди субъектив ҳамда объектив факторлар маҳсулидан бошқа нарса эмас.

Ижодкордаги истеъдодни руҳий ҳамда ижтимоий-маданий муҳит билан тўла асослаб бўлмаганидек, унинг яратувчилик иқтидори маълум даражада шахснинг ўзи билан боғлиқ эканлигини ҳам бутунлай инкор этиб бўлмайди. Шундай экан адиб ва шоирлардаги истеъдодни яна қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин? Балки бу истеъдод асосида наслий ворислик ётгандир? Таниқли болгар адабиётшуноси М.Арнаудовнинг ёзишича, файласуф Дюпрель шоирлардаги даҳолик аждодлардан ўтиб келган ва авлодлардан бирида тўпланиб, муайян қулай ҳолат ва вазиятларда жонланиб ҳаракатга келган хусусиятлардан, аниқроғи, ижодий энергиядан иборатдир.

Дюпрелнинг фикрича, ижодкордаги бадиий хаёл унга аждодлардан мерос бўлиб қолган бўлиб, у ана шу шахсда тўпланиб боради ва қулай вазият ҳамда ҳолатларда портлаб, ўзлигини намоён этади. Бундай қараш тарафдорлари ўз фикрларини асослаш мақсадида Себастьян Бахнинг ота-боболари иқтидорли мусиқачилар, Титуманнинг ота-бобалари эса моҳир мусаввир бўлганликларини айтишади. Улкан шоирлардаги ижодий истеъдодни айрим олимлар уларнинг бувиларининг таъсири билан боғлиқликда асослашга интиладилар. Жумладан И.В.Гёте, Р.Бернс, А.Ламартье, А.С.Пушкин ва Ҳ.Олимжон каби шоирларнинг ижодий қобилияти ҳақида сўз юритганда ана шундай талқинни кўриш мумкин.

Ижодкорда яшириниб ётган ижодий қобилиятнинг етилиб бориши ва қулай вазият юзага келиши билан ана шу ижодий энергиянинг ҳаракатга келиши, бу жараёнда ижтимоий-маданий муҳитнинг, оиланинг аҳамияти етакчи роль ўйнаши ҳақида адабиётшуносликда турлича фикр-мулоҳазалар анча қадимдан мавжуд. Айни шу қараш тарафдорлари ўз ижодини жуда эрта бошлаган. Бунга Лопе де Вега (1562-1635), Алишер Навоий ва В.А.Моцарт (1756-1791) кабиларни мисол қилиб келтирадилар. Чунки улар тўрт-беш ёшлариданоқ қўлларига қалам олган эдилар. Очиғини айтганда, истеъдоднинг наслийлик орқали авлоддан-авлодга ўтиши ҳақидаги қарашларни тўла маънода оқлаш ва ижодий иқтидорнинг асосларини изоҳловчи етакчи сифатида қабул қилиш қийин. Аммо буюк итальян мусаввири, ҳайкалтароши ва шоири Б.Микеланжелонинг истеъдод наслийлик орқали ўтиши ҳақида “Ҳақиқий мусаввир энага оғушидаёқ ҳақиқий мусаввирдир” дея айтган сўзларини айни маънода эмас, балки бошқача маънода тушуниш лозим. Бизнингча, унинг юқоридаги сўзларида истеъдоднинг камол топишида оиладаги махсус таълим ва тарбия, маданий муҳитнинг муҳимлиги назарда тутилган. Шу муносабат билан шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, оилавий муҳит, махсус таълим ва тарбия қанчалар кучли бўлмасин, агар шахс қонида истеъдод заррачалари бўлмаса, унда барибир ижодкорлик иқтидори бўй кўрсатмайди. Жуда ҳам оз ҳолатларда у ёки бу ижодкорларнинг таржимаи ҳолида уларнинг даҳо сифатида шаклланишида оилавий муҳит ёки қариндош-уруғларнинг таъсири белгиловчи роль ўйнаганлигига кучли урғу берилади. Масалан, Алишер Навоийнинг буюк шоир сифатида шаклланишида оилавий муҳит, махсус тарбия, хусусан, тоғаларининг шоир бўлганликлари катта аҳамият касб этганлиги шубҳасиз. Аммо унинг буюк мутафаккир сифатида даҳолик салтанатидан муносиб ўрин эгаллашида туғма истеъдоди, тинимсиз меҳнати,

изланиши белгиловчидир. Чунки даҳо ижодкорнинг шаклланиши ва тан олинишида тинимсиз ўқиш ва ўрганиш, реал воқеликдан илҳомланиш, таъсирланиш ҳамда ижодий изланишнинг ўрни муҳимдир. Дарҳақиқат, унинг камол топиши ва эътироф этилишида, бетакрорликка эришиш ва ўзгаларни мафтун этишда фақатгина шахсий истеъдод муҳимдир. Фақат шахсий истеъдод ва тинимсиз изланиш туфайлигина у ўзгалар эриша олмаган ижод сарҳадларини забт этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, улкан даҳоларнинг фарзандлари ҳам даҳо бўладилар деган иқрор ўзини тўла оқлай олмайди. Агар шахс қонидаги буюк даҳо аждодлар қонининг зарралари оилавий муҳит, ота-она ёки бошқаларнинг таъсири, керакли шарт-шароитдан озиқланмаса, парвариш топмаса, улар муқаррар сўнишга маҳкум бўлади. Баъзи маълумотларга кўра, Себастьян Бах яшаган оила яқинлари билан қўшиб ҳисоблаганда 128 кишидан иборат бўлиб, улардан 57 киши мусиқачи, 29 киши эса таниқли устоз мусиқачи бўлганлар. Мана шундай муҳитда ўсган Себастьяннинг даҳо санъаткор бўлмаслиги мумкинми? А.Данте (1265-1321), В.Шекспир (1564-1616), М.Сервантес (1547-1616), Ж.Руссо (1712-1778), А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом каби йирик сўз санъаткорларининг на оталари, на оналари томонидан бирор киши адиб ёки шоир бўлмаган. Демак, даҳо шоир ёки адиб бўлиш учун уларнинг аждодларида ҳам шундай ижодкорлар бўлиши, уларга хос иқтидорнинг наслий йўл билан ўтиб келиши шарт эмас.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ҳар бир инсон қонида у ёки бу ҳунарга, санъат ва адабиётга, фан ва техникага мойиллик қилувчи ҳужайралар – генлар мавжуд бўлади. Ана шу генларнинг камол топиши шахснинг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан улғайиши пайтида қандай шароит ёки муҳитга тушиб қолишига ҳам боғлиқ. Чунки зарур бўлган шароит ва муҳит шахсдаги яширин ётган ижодкорлик имкониятларини жўш урдиради, акс ҳолларда бу генлар ва имкониятлар сўнади.

Адабий ижоднинг бошланғич босқичида оддий машқларнинг ўзгалар томонидан қабул қилиниши, айниқса, уларнинг матбуотда чоп этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Илк шеъри матбуот юзини кўрган ёш ҳаваскор ўзида аллақандай илҳомбахш бир куч сезади ва яна шеър ёзишга ўзида рағбат сезади. Кўп ҳолларда ана шундай рағбатлантиришни кўрмаган, мураббийлик меҳрини туймаган, ўзгаларнинг эътирофини заррача сезмаган, аммо қонида юксак истеъдод зарралари чақнаган ёшлар ўзларидаги истеъдод учқунларини бир умрга йўқотадилар. Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов каби шоиру адибларнинг ота-оналари ижодкор бўлмаганлар. Лекин уларнинг қонларидаги ижодкорлик учқунларининг алангаланишида дорилфунунда таҳсил олиш, шоиру адиблар билан доимий мулоқотда бўлиш, асарларининг матбуотда эълон қилиниб бориши, мухлисларнинг баҳолари уларни ижодга рағбатлантиргани сир эмас. Агар уларнинг илк асарлари эълон қилинмаганда, ўзгаларнинг рағбатини кўрмаганларида ҳозирги даражадаги ижодкор бўлмаган бўлардилар. Шу ўринда кўпгина истеъдодли ижодкорлар учун хос бўлган ижобий маънодаги ўжарликларнинг аҳамияти катта.

Бадиий ижодда барча истеъдодлар ўз ғояларини ифодаловчи асарлар яратиш учун тинимсиз изланадилар. Бундай изланишлар эса ҳаммавақт ҳам улар истагандек ижодий самара беравермайди. Шунинг учун улар ўз асарларини қайта-қайта ишлайдилар ва ниҳоят ўз ниятларига эришадилар. Улуғ рус адиби Л.Толстой ўзининг “Уруш ва тинчлик” эпопеясини неча марталаб қайта-қайта ишлаганлиги барчага аён. Бу эса Л.Толстойга хос ижодий ўжарлик намунасидир. Агар у эпопеяни бир мартагина ёзиб чоп эттирганда эди, асар адиб айтмоқчи бўлган ғояни ҳозирги даражада ифодаламаган, у ўзи истаган шакл ва мазмун уйғунлигига эришмаган бўларди. Фақат ижодий ўжарлик туфайли қайта-қайта ишлаш, тинимсиз изланиш “Уруш ва тинчлик”ни жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига олиб чиқади. Демак, Л.Толстой аждодлари орасида унинг ўзи билан тенглаша оладиган иқтидорли адибларни топиш қийин, аммо ундаги кўзланган ниятга интилувчи ва мақсадига эришувчи шахсларнинг бўлганлиги аниқ. Бинобарин, Л.Толстойдаги ижодий ўжарлик ана ўшалардан мерос бўлиб ўтганлигига шубҳа қилмаса бўлади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, даҳо ижодкорларнинг истеъдоди наслий йўл билан бир-биридан ўтиб келиши ҳақидаги қарашларга биз тўлиқ қўшила олмасак ҳам, аммо улардаги меҳнаткашлик, тинимсиз изланиш ва кўзланган мақсадга ҳар қандай йўл билан эришиш учун интилиш каби хислатларнинг наслий йўл билан ўтишига шубҳа қилмаймиз.

Даҳо ижодкорлар, буюк истеъдодларнинг қаерда, қайси халқ ва қайси даврларда вужудга келишлари ҳам асосли илмий назариялар яратишга имкон бермайди. И.Гердер, И.Тен каби тарихчи ва адабиётшунослар, граф А.Гобино, М.Мюллер,

Е.Р.Куртиус, психиатр Е.Кречмер каби олимлар даҳо ижодкорларнинг вужудга келишини олий ирқлар, уларнинг чатишиши натижасида юзага келган халқларнинг иқтидори билан боғлашга уриндилар. Қолаверса, улар даҳо шахслар, иқтидорли ижодкорларнинг вужудига келишини кишиларнинг яшаш шароити, иқлими кабилар билан ҳам боғлашга интилдилар.

Даҳо ижодкорлар барча ирқ ва халқларда ҳам бор ва бўлиши мумкин. Улардаги истеъдод ирқ ва миллат билан боғлиқ эмас. Бу нарса ана шу халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан қанча яхши яшаса, сиёсий жиҳатдан барқарор ва тинч бўлса, маданий жиҳатдан қанча юксак бўлса, унинг фарзандлари ҳам шу даражадаги иқтидорли ва ривожланган бўлади. Даҳо ижодкорлар эса биринчи навбатда ўз халқининг, қолаверса, ўзга халқларнинг маданий тараққиёти меваларини ўзлаштириб, уларни ўз миллий қобиғида ижодий ривожлантириб борадилар.

Хулласки, ижодкордаги истеъдоднинг сирларини ирқий ва миллий жиҳатдан асослаб бўлмайди.

Айрим даврларда бир қанча кишилар ижодкорлардаги истеъдодни тарбия, ўқиш орқали ҳам вужудга келтириш мумкин деб, шу мақсадда бир қанча хатти-ҳаракатларни ҳам олиб бордилар. 1666 йилда Париждаги Дофин майдонида Ришгсург деган шахс адабий маслаҳатлар берувчи бюро очди. Унинг директори йигирма том асар ёзган киши бўлиб, у хоҳловчиларга қисқа муддат ичида ёзувчилик касбининг турли-туман усулларини ўргатган. Айни пайтда у ўзгаларнинг асарларини ўзлаштириш, кўчирмакашлик, оғиздан-оғизга кўчиб юрган иборалардан фойдаланиш, ёдда сақлаш ва ўзгаларга етказиш, шунингдек, нотиқлик сирларидан таълим берган. Албатта, адабий истеъдоднинг шаклланиши ва юксалишида бундай тадбирларнинг аҳамияти катта. Шу боис ёзувчилар уюшмасида ижодкорлар билан ишлаш, уларга маслаҳатлар берувчи бўлимлар ташкил этилган. Лекин шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, агар шахсда туғма истеъдод куртаклари бўлмаса ҳеч қандай тадбирнинг фойдаси бўлмайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, ижодкорни уч нарса – туғма истеъдод, ижтимоий-маданий муҳит ва тинимсиз изланиш даҳолик минбарига кўтаради.

Хулоса қилиб айтганда, ижодий истеъдод, адибу шоирлардаги даҳолик сабаблари ечилмас жумбоқ бўлиб ётибди. Ҳали-бери бу жумбоқнинг жавоби топилмаса ҳам керак.

Зебо МАҲМУДОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент.

Истиқлолга бахшида умрлар

ЁХУД ИККИ КИТОБ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА

Қаҳрамон Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. "Маънавият", 2002.
Қ.Ражабов, М.Ҳайдаров Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). Ўқув қўлланма. Тошкент. "Университет", 2002.

Юрт мудофааси ва эрку имон ҳимояси муқаддас туйғу. Шу туйғуни эъзозлаш, юрт, эл ва имон тушунчаларини барча нарсалардан устун қўйгувчи инсон учун, демак, ақл-идрок ва тафаккур соҳиби бўлмиш инсоният учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Туркистон тарихининг асрлар бўронларидан сарғайган саҳифаларини варақлар экансан, аждодларимизнинг ҳамиша шу эзгу туйғуни асраб-авайлаб, юрт аталмиш муқаддас тупроқ дахлсизлигини таъминлашга интилиш билан бир қаторда шу туйғуни авлодлар шуури ва онгига сингдиришга ҳаракат қилганликларининг ҳам гувоҳи бўламиз. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин, Темур Малик, Амир Темур каби эрксевар аждодларимиз, юртни босқинчилардан ҳимоя қилиш йўлида эл-улус бошини қовуштириб, жонбозлик кўрсатганликлари тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан мангуга муҳрлангандир.

Миллий маънавий баркамолликнинг энг муҳим тамойилларидан бири – аждодларимизнинг озодлик, мустақиллик йўлидаги курашлар тарихини ҳақиқий маънода англашдир.

Тарихий ҳақиқат эса архив ҳужжатлари ҳамда турли адабиётлардаги фикрларнинг қиёсий таҳлили орқали очилади. Ўлкамизнинг ХХ аср дастлабки ўн йилликлари даври тарихи юртимизда ва хорижда илмий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мураккаб ва зиддиятларга тўла ушбу суронли йиллар тарихи ҳақида ўнлаб мақола ва китоблар ёзилди, илмий тадқиқотлар қилинди.

Тарих учун жуда қисқа, шу билан бир вақтда ҳақиқат ва ёвузлик орасида шиддатли курашларга бой жараёнларни бутун бўй-басти билан, жараёнлар ривожидаги муваффақият ва камчиликлари билан ота-боболаримизнинг зиммасига даврнинг қўйган буюк масъулияти ижроси йўлида кўкракларини ғаним ўқига қалқон қилиб, юрт мудофааси ва эрку имон ҳимояси йўлида азиз жонларидан ҳам кечганликларини, большевиклар мафкураси томонидан ушбу қуролли ҳаракат "босмачилик" сифатида талқин этилиб, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида реал асослари инкор этилганини, ҳаракат вужудга келтирган тарихий шарт-шароит, объектив ва субъектив омилларнинг таҳлили — истеъдодли тарихчи олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Қаҳрамон Ражабов томонидан қатор йиллардан буён илмий нашрларда, оммавий ахборот воситаларида ўз талқинини топмоқда.

Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ХХ аср совет даври тарихини янгича фикрлаш ва истиқлол мафкураси асосида ёзиб, халқимизни тарихий ҳақиқатдан воқиф қилишдир.

Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов шундай масъулиятли ишга қўл уриб, айтиш мумкинки, илмий жамоатчилик орасида ўз ўрни ва сўзига эга бўла олди. Биз олимнинг кетма-кет нашр этилган икки китоби ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

1917 йилда чор Россияси тузумининг ағдарилиши, февраль инқилоби туфайли Муваққат ҳукуматнинг вужудга келиши воқеалари Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, озодлик ва мустақиллик учун курашлар кучайди. Чоризмнинг олисдаги мустамлакаси ҳисобланган Туркистонда "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" жа-

миятлари, "Турк адами марказият (федералистлар) фирқаси", "Иттифоқи муслимин" сиёсий партияси кабилар ташкил топди. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти Қ.Ражабовнинг "Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар)" китобида (Муродилла Ҳайдаров билан ҳаммуаллифликда) атрофлича ёритилар экан, миллий давлатчилигимиз тарихида Қўқонда ташкил топган Туркистон Мухторияти (1917 йил ноябр-1918 йил феврал) ўрни алоҳида таъкидланган. Мухторият Муваққат кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллат) Мажлисини тузганлиги, унинг таркибига беш вилоятдаги барча миллатлар вакилларидан аъзолар киритилганлиги, байналмилал характери кабиларни баён қилишган. "Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари оташқалб шоирларимиз мухторият ҳукуматини алқаб ўтли сатрлар битишди. Фитрат мухторият эълон қилинган тунни "Миллий лайлатулқадримиз" деб атади" (Туркистон тарихи, 23-бет).

Қозоғистонда тузилган Алаш Ўрда мухтор ҳукумати (1917 йил 13 декабр-1920 йил март) Алихон Букейхонов бошчилигида фаолият кўрсатиб, Мустафо Чўқай ва Муҳаммаджон Тинишбоевлар бир пайтнинг ўзида ҳам Туркистон Мухторияти, ҳам Алаш Ўрда ҳукуматида ички ва ташқи ишлар вазирлари бўлишган. Туркистоннинг якдиллигига интилиш масаласи ушбу маълумот орқали далилланар экан, меҳнаткаш халқ таёқ, тўқмоқ, болта, қилич, пичоқ сингари оддий қуроллар билан ўз мухториятини ҳимоя қилганлиги манбалар асосида баён қилинади.

Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги қизил аскарлар Қўқонни қонга ботирганлар. "Ҳўқанд ўликлар шаҳри"га айланиб истиқлолнинг дастлабки ғунчалари очилмай сўлган.

Туркистон Коммунистик партияси (1918 йил июнда тузилган), Туркистон комиссияси (1919 йил октябрда ташкил қилинган) каби сиёсий ташкилотлар большевиклаштириш сиёсатини юритди. Ўлкада саводхон, сиёсат ҳокимиятни бошқаришга қодир кишилар етарли бўлган бир шароитда барча идораларда европаликлар масъулиятли вазифаларни бажарган. Давлатни бошқариш органларида ўзбеклар 3,3%ни, қирғизлар 0.8%ни, туркманлар 0.1%ни ташкил қилган бир пайтда руслар эса 78.1%, бошқа европаликлар эса 15.5% эди.

Ҳолбуки, Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов ўтмишда чизмачи, ТКП раҳбари ва Туркистон МИК муваққат раиси И.Тоболин ўртача савиядаги юрист, ҳарбий комиссар Е.Перфильев кучер бўлишган эди. (Туркистон тарихи, 58-бет.)

Ўлканинг тараққийпарвар кучлари Т.Рисқулов, Н.Хўжаев, Мустафо Чўқай, Валидий, А.Муҳиддинов, Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида Туркистон мустақиллиги учун курашдилар.

1917-1920 йиллардаги очарчилик 2,5 миллион кишини (ўлка аҳолисининг ярми) ўз домига тортиб, озиқ-овқат диктатураси, ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби тартиблар туфайли ўлка тарихида илгари учрамаган одамхўрлик ҳолатлари рўй берди. "Фақат Қўқон ва Марғилон уездида очарчилик оқибатида 1917-1923 йилларда ярим миллион одам ўлди, Фарғона водийсида шу йилларда бир миллион киши, Самарқанд уездида 70.000 киши очликдан ўлди. (Туркистон тарихи, 78-бет.)

Юқоридаги аянчли ҳолатга қарамай, очлик йилларида "нон шаҳри" Тошкентга 700.000 рус, украин, белорус ва бошқа миллат вакиллари келиб ўрнашган. Туркистондан Россияга 1920 йилда 4.213 тонна, 1921-1922 йилларда 4.400.000 пуд ғалла жўнатилган. (Туркистон тарихи 79-бет.)

Ушбу маълумотлар билан бирга "Туркистон тарихи (1917-1924 й.)" китобида 1918 йил Туркистон Мухторияти қулаганидан 1924 йилнинг охирига қадар ўлкадаги истиқлолчилик ҳаракати солномаси баён қилинган. Кичик Эргаш ва Катта Эргашлардан бошланиб, Ислом Полвон, Ёрмат Махсумларга қадар юзлаб қўрбошиларнинг мардонавор курашлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади. Айниқса, Катта Эргаш (1880-1921), Мадаминбек (1892-1920), Шермуҳаммадбек (1893-1970) каби таниқли қўрбошиларнинг ҳаёт йўли ва курашлар тарихи ҳамда тақдирларидан воқиф бўламиз. 1919 йил Мадаминбекнинг бир юз элликта қўрбошилари бўлиб, ҳар бирининг қўлида 400-450 та йигит бўлган деб тахмин қилинганида ҳам улар сони 60.000-70.000 кишидан иборат эди (Туркистон тарихи, 132-бет). Мадаминбек Фарғона муваққат мухторият ҳукуматини, Шермуҳаммадбек эса Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти (Туркистон муваққат ҳукумати) кабиларни тузишган. Бу ҳукуматлар хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатиш йўлида амалий қадамлар қўйишган.

Туркистон совет режимига қарши қуролли кураш мазмун-моҳияти жиҳатидан сиёсий характерга эга бўлган

истиқлолчилик ҳаракати ҳисобланади. Бироқ коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида у реакцион ҳаракат қабилида асоссиз қораланиб, унинг раҳбарлари Англия ва Америка давлатларининг жосуслари, гумаштали сифатида таҳқирланди. Аслида инглиз олимаси Гленда Фрэзер хоним шу муаммога бағишланган ўз тақиқотларида Англия ҳукумати ва ташқи ишлар вазирлиги архивлари, ўша давр Буюк Британия Ҳиндистони архивларида сақланаётган манбаларни илмий истеъмолга киргизиб Туркистондаги бу ҳаракатга Буюк Британия томонидан ғоявий ҳайбаракаллачиликдан ташқари ҳеч қандай моддий ва ҳарбий ёрдам кўрсатмаган, деб тўғри хулосага келган. Худди шу ҳолат Қ.Ражабовнинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Сир эмаски, бугунги кунда ҳам айрим тарихчи олимларимиз орасида "босмачилик" деб тамға босилган қуролли ҳаракат моҳиятига етарлича эътибор берилмасдан, уни оддий ва жўнгина қилиб "қаршилик ҳаракати" сифатида талқин этиш ҳоллари, афсуски, кўзга ташланмоқда.

1917-1924 йиллардаги озодлик учун кураш халқимизга жуда қимматга тушди. Юртимизнинг келажаги ва тараққиётига хизмат килиш орзуси билан яшаган фидоийлар ҳаёт билан видолашдилар. "Қизил армия жангларда 400.000 киши йўқотган бўлса, истиқлолчилар умумий талофати 1.200.000 кишини ташкил этди. 1926 йилдан кейин умумий афв (амнистия) қилинган истиқлолчилардан 270.000 кишини қайтадан қатағон қилдилар. 1918-1935 йилларда Туркистондан 1.5 миллион киши хорижга муҳожир бўлиб кетди". (Туркистон тарихи, 162-бет.)

Қ.Ражабовнинг "Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар)" номли китоби эса биз учун ҳанузгача қоронғи бўлган "алғов-далғовли", зиддиятли ва мураккаб кечган Бухорои шариф тарихининг XX аср 20-йиллари ҳақида баҳс юритади.

Маълумки, Бухорода амирлик тартиби ағдарилганидан сўнг, 1920-1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси мавжуд бўлган. Қизил армиянинг миллий урф-одат ва анъаналаримиздан мутлақо бехабар ўн минглаб ҳарбийлари совет мустамлака тартибини жорий қилиш ва мустаҳкамлашга киришди. Бухоро Республикасининг Ғарбий, Шарқий, Марказий қисмларида озодлик ва мустақиллик учун кураш авж олди. Қонли жангларда ўнлаб қўрбошилар ўз тўдалари билан қаҳрамонона иштирок этиб, истиқлол ва адолат тантанаси учун жонларини тикдилар. Қ.Ражабов мустақиллик урушида "Ислом лашкарбошиси" деб ном олган Иброҳимбек (1889-1932), Анвар Пошо (1881-1922), Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924), Давлатмандбек, Ўрмон Полвон, Метан Полвон, Саид Мансур, Ҳайит Амин, Ҳамро Полвон, Наим Полвон, Тош Мурдашўй каби қўрбошилар фаолиятига батафсил тўхталади. Ҳарбий ҳаракатлар кечган ҳудудлар, истиқлолчиларнинг мақсад ва вазифалари китоб саҳифаларида архив ҳужжатлари асосида баён қилинган. Муаллиф ман-ғитлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Амир Саид Олимхоннинг муҳожирликдаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида фикр юритар экан, унинг афғон амирлари Омонуллахон (1892-1960), Бачаи Сақо (1890-1929), Нодирхон кабилар билан муносабатига эътиборни қаратади. Саид Олимхон Афғонистон пойтахти Кобул яқинидаги Муродбеги боғи, кейинчалик Қалъаи Фатуда туриб, Бухоро атрофидаги воқеаларни кузатиб бориш билан бирга қўрбошиларни қўллаб турган. Унинг Қалъаи Фатуда бир қатор фарзандлари дунёга келган.

Китоб саҳифаларини варақлар эканмиз, Бухоро истиқлоли учун курашган Туркия ҳукумати раҳбарларидан бири Анвар Пошо ва унинг сафдошлари Жамол Пошо (1872-1922) ва Талъат Пошо (1874-1921) тақдиридан воқиф бўламиз. Анвар Пошо Шарқий Бухорода, Балжувонда ҳалок бўлди. Сафдошлари Жамол Пошо ва Талъат Пошонинг ҳаётларига арман террорчилари Тбилиси ва Берлинда зомин бўлишди. Қ.Ражабов Бухоро истиқлолчилари 1922 йилнинг март ойида Бухорога мардона қилиб, Бухорои шарифнинг катта қисми, Хожа Баҳоуддин зиёратгоҳини эгаллагани ва бир неча соат қўлларида тутиб турганликларини қайд қилади.

Муаллиф XX аср 20-йилларида Совет ҳукуматининг Афғонистон ички ишларига аралашуви билан боғлиқ махфий маълумотларни архив ҳужжатлари ва сўнги тадқиқотлар асосида ёрқинлаштириб беради. Бухорои Шариф озодлиги йўлида курашган ва ҳаётини сақлаб қолганлар хориждан паноҳ топдилар. "Улар баъзи манбалар маълумотича, 400 минг атрофида (140-бет)" бўлишган. Бу шахслар ҳаётдан кўз юмган бўлсада, уларнинг фарзандлари ўнлаб хорижий мамлакатларда истиқомат қилишяпти.

Қ.Ражабовнинг истиқлолчилик ҳаракати тарихига бағишланган, бирбирини тўлдирадиган мазкур китобларида ХХ аср дастлабки ўн йилликларидаги тарихий фожеалар ҳақиқий талқин қилинган. Муаллиф юзлаб қўрбошиларни, уларнинг сафдошларини китобларининг саҳифаларида қайд қилади. Юртимизнинг мард ва жасур ўғлонлари юксак орзу-умидлар истагида курашиб жанггоҳларда ҳалок бўлдилар, тирик қолганлари эса қатағонга учрадилар. Ўзга мамлакатлардан паноҳ топганлар мусофирликда бир умр ғурбатда яшашга маҳкум этилдилар. Тарихий давр уларнинг қисматини ўзгартириб юборди. Қ.Ражабов ўз асарларини ёзиб, озодлик учун курашган миллионлаб ватандошларимизнинг руҳи покларини ёд этишдек фуқаролик бурчини бажарди. Шунингдек, бу асарларда истиқлолчилик ҳаракатини даврлаштириб, жараёнлар ривожига қараб бир неча босқичга ажратилиши ва ҳар бир босқичда воқеалар таҳлилига эътибор қаратилиши ўзбек тарихшунослигида муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, Қ.Ражабовнинг китобларида баъзи жузъий камчиликлар ҳам учрайди. Бизнинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, истиқлолчилик ҳаракати майдонига кирган лашкарбоши ва қўрбошиларнинг барчасида ҳам маъмурий, ҳарбий тажриба, саводхонлик етарли даражада бўлмаганлиги омилини инобатга олиш керак. Чунки фақат жасурлик ва мардлик хислатлари рақиб устидан ғалаба қилиш учун камлик қилади.

Иккинчидан, амир Олимхон Шарқий Бухорода эканлигида Иброҳимбек ҳали ҳарбий фаолиятини бошламаган эди. Олимхон Афғонистонга ўтиб кетгач, Иброҳимбек қўрбоши сифатида ҳарбий саҳнада намоён бўлган.

Учинчидан, Мулла Абдулқаҳҳор дастлаб Афғонистонда — Саид Олимхоннинг атрофида юрган ва кейинчалик Бухоронинг собиқ амири томонидан Ғарбий Бухоро қўрбошиларининг қўмондони қилиб тайинланган ҳамда Бухорога жўнатилган. Муаммонинг бу жиҳатлари китобда очиқ қолдирилган.

Тўртинчидан, Иброҳимбек Душанбени қизил армия қисмларидан тозалагач (1921 йилнинг кузи), "... ўзининг қароргоҳи қилиб, Лақайдаги Мозори Мавлоно қишлоғини танлади. Бу қишлоқ Кўктош яқинидаги муҳим стратегик манзилида жойлашган эди" ("Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш", 73-бет). Бироқ Мозори Ҳазрати Мавлоно Лақайда эмас, Кўктош яқинида ҳам эмас, балки Душанбе шаҳрида жойлашгандир.

Бешинчидан, муаллиф воқеалар тафсилотини баён қилаётган пайтда қўрбошилар ўртасидаги зиддиятларга (Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек, Мадаминбек ва Холхўжа Эшон, Иброҳимбек билан Салим Пошо) ҳам мутахассис сифатида объектив баҳо берса, асарларининг илмийлиги, қадр-қиммати янада ошган бўлармиди?

Олтинчидан, муаллиф Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатини даврлаштиришда унинг иккинчи даври қилиб 1925-1935 йилларни белгилаган. Бизнингча, ҳаракат инқирози 1933 йил деб олинса, воқеликка мос концепция сифатида ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди.

Хуллас, заҳматкаш ва навқирон тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов томонидан нашр этилган ушбу икки асар миллий мустақиллигимиз мустаҳкамланаётган бугунги кунда, ўзликни англаб, тарихий тажрибалардан сабоқ чиқариб, миллий истиқлол ғояси атрофида янада жипслашишимизга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Шодмон ҲАЙИТОВ,
тарих фанлари номзоди.
Насриддин МАМАНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Уилки КОЛЛИНЗ

Ойтош

Роман

5-боб

Менга мистер Кандининг ёрдамчисининг исмини маълум қилгандан кейин Беттереж, афтидан, бунақа арзимас масалага керагидан ортиқроқ вақт сарфладим деб ҳисоблади, шекилли, яна Розанна Спирманнинг мактубини ўқишга тутинди.

У ўқишни тугатишини кутиб, мен деразанинг ёнида ўтирардим. Аста-секин Эзра Женнингс менда қолдирган таассурот тарқалиб кетди. (Тўғри, менинг аҳволимда ким бўлмасин бирор кимса менга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайдигандай туюларди.) Фикрларим аввалги изига қайта бошлади. Мен, ниҳоят, келгусидаги хатти-ҳаракатларим учун режа тузиб чиқдим – ҳозир шу режамни яна бир марта хаёлимда пишита бошладим.

Шу куниёқ Лондонга қайтиб бориб, ҳамма гапни мистер Брэффга айтиб бериш, кейин эса – бу ҳаммасидан ҳам муҳим эди – шахсан Рэчель билан учрашиш (қайси йўл билан бўлмасин ва қандай қурбонлар эвазига бўлмасин, барибир) – менинг режам ана шундай эди. Ўша пайтда мен бундан бошқа режа туза олмас ҳам эдим. Поезднинг жўнашига ҳали бир соат бор. Олмос йўқолган уйдан чиқиб кетмасимдан олдин Розанна Спирман мактубининг ҳали ўқилмаган қисмидан Беттереж мен учун фойдали бўлмаган бирор гап топар деган заиф бир умид бор эди. Ниҳоят, шундай бўлиб чиқди.

Мактубнинг сўнгтида қуйидаги гаплар бор эди:

“Мендан хафа бўлманг, мистер Фрэнклин. Ҳатто мен сизнинг истиқболингизни қўлимда тутиб турганимни билгач, жиндай тантана қилганимдан хабар топганингизда ҳам мендан аччиқланманг. Орадан кўп ўтмай, вужудимни яна ҳадик ва хавотир қоплаб олди. Изқувар Каффнинг олмоснинг йўқолиши ҳақидаги фикрини билгандан кейин, у сизнинг ич кийимларингиз ва либосингизни тадқиқ қилишдан бошлайди деб тахмин қилиш мумкин эди. Фикримча, тинтувдан омон қоладиган жой менинг хонамда йўқ эди, бунақа жой бутун уйда йўқ эди. Сизнинг тунги кўйлагингизни изқувар Кафф тополмайдиган қилиб қандай яшириб қўйса бўлади? Буни қимматли вақтнинг бирор дақиқасини ҳам кетказмай қандай қилиб рўёбга чиқарса бўлади? Бу саволларга жавоб бериш осон эмас эди. Тараддудлана-тараддудлана мен бир йўлини топдим – буни эшитиб, кулсангиз ҳам ажаб эмас. Мен ечиниб, сизнинг тунги кўйлагингизни кийиб олдим. Сиз уни кийиб юргансиз – сиздан кейин уни кияр эканман, жуда ҳузурландим.

Бизнинг хизматкорлар хонасига етиб келган янги хабар шуни кўрсатдики, мен сизнинг тунги кўйлагингизни устимга кийиб олиб, бир дақиқа ҳам кечикмабман. Изқувар Кафф ювиладиган ич кийимлар қайд қилинадиган дафтарни кўрмоқчи бўлипти.

Мен бу дафтарни миледининг меҳмонхонасига олиб бордим. Биз аввалги

Охири. Боши ўтган сонларда.

замонларда изқувар билан бир неча марта учрашган эдик. У мени танишига ишончим комил эди, аммо менинг қимматбаҳо уйда хизмат қилаётганимни кўриб, нима қилиши мумкинлигидан бутунлай бехабар эдим. Бунақа аҳволда у билан дарҳол учрашиб, нимаики гап бўлса, шу заҳотиёқ билиб қўйганим маъқуллигини ҳис қилдим.

Мен дафтарни унга тутқазганимда у менга гўё мутлақо нотаниш одамга қарагандай қаради ва дафтарни олиб келганим учун менга жуда хушфеъллик билан миннатдорчилик изҳор этди. Мен униси ҳам, буниси ҳам яхшилик аломати эмас деб ўйладим. У орқамдан нима дейиши мумкинлиги номаълум эди. Мени дарҳол тинтиб кўрадими-йўқми, мендан гумон қилиб, дарров турмага қамаб қўядими – бу ҳам қоронғу эди. Сиз мистер Годфри Эбльуайтни кузаттани темир йўлга кетган эдингиз. Ҳозир эса қайтадиган вақтингиз бўлиб қолган эди. Мен бугазордаги сиз сайр қилишни ёқтирадиган хиёбонга йўл олдим – ўша ерда сиз билан гаплашиб олиш имконини кутмоқчи бўлдим – чамамда, бу менинг рўпара келишим мумкин бўлган сўнгги имкониятим бўларди.

Сиз келмадингиз, лекин бундан ҳам ёмони шу бўлдики, мистер Беттереж билан изқувар Кафф мен яширинган жойнинг ёнгинасидан ўтиб кетишди ва изқувар мени пайқаб қолди.

Шундан кейин бошимга янги мушкулотлар тушмасдан ўз жойимга, ўз ишимга қайтишдан бошқа иложим қолмади. Мен сўқмоқни кесиб ўтаётган вақтимда сиз вокзалдан қайтиб келмоқда эдингиз. Сиз тўппа-тўғри дарахтзорга қараб борардингиз. Мени кўриб қолганингиздан кейин – мени кўрганингизга эса, сэр, имоним комил, – сиз вабога дуч келгандай бирдан мендан ўгирилиб, бошқа томонга кетдингиз ва уйга кирдингиз.

Мен уйга орқа томондаги зинадан кириб келдим. Ўша соатларда кирхона кимсасиз эди, мен у ерда бир ўзим ёлғиз қолдим. Билқиллама қумлар менда қандай фикрлар қўзғаганини мен сизга аввалроқ айтган эдим. Бу фикрлар яна қайтадан хаёлимни эгаллади. Агар ишлар шу аҳволда кетаверадиган бўлса, мен ўз-ўзимга савол бериб, мистер Фрэнклин Блэкнинг менга лоқайдлигига чидаш қийинми ёхуд Билқиллама қумларнинг қўйнига сакраб, буларнинг ҳаммасига бирваракайига чек қўйган осонми деб сўрай бошладим.

Ўша пайтда мендан ўз хатти-ҳаракатимни изоҳлаб беришни талаб қилиш бефойда эди. Мен жон-жаҳдим билан ҳар қанча уринмай, буни ўзим ҳам тушуна олмадим.

Мендан шу қадар тошбағирлик билан юз ўгириб кетганингизда нима учун мен сизни тўхтатмадим? Нега мен қичқириб хитоб қилмадим: “Мистер Фрэнклин, мен сизнинг ўзингизга тааллуқли баъзи гапларни айтмоғим даркор. Сиз бу гапларни эшитсангиз керак. Эшитасиз ҳам. Сиз менинг қўлимдасиз, ҳозир сизнинг бутун измингиз менинг ихтиёримда. Буниси ҳали ҳолва... Мен келажакда сизга фойдали бўлиш имконига эгаман (о, кошки эди мен сизни гапларимга ишонишга мажбур қила олсам). Табиийки, сиз жентльмен бўла туриб, олмосни шунчаки завқ олиш учун ўғирлагансиз деб хаёлимга ҳам келтиролмас эдим. Йўқ, мисс Рэчель сизнинг қўли очиқлигингизни ва қарзларингиз кўплигини гапирганини Пенелопа эшитган экан. Мистер Беттереж, бу тўғрида гапирганини мен ҳам эшитган эдим. Менга шу аён эдики, сиз олмосни сотиш учун ёки гаровга қўйиш учун олгансиз, шу йўл билан ўзингизга керак бўлган маблағни топмоқчи бўлгансиз, Сирасини айтсам, мен сизга Лондонда бир кишининг номини маълум қилишим мумкин эди. У одам шу буюмнинг эвазига сизга катта миқдорда пул бериб туриши мумкин эди. Лекин сизга лузумсиз саволлар бериб ўтирмасди.

Нега мен сиз билан гаплаша қолмадим! Нега гаплаша қолмадим сиз билан!

Кимсасиз кирхонада менинг ёнимга биринчи бўлиб келган одам Пенелопа бўлди. У аллақачонлар менинг сиримдан воқиф эди ва мени тўғри йўлга қайтариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Қилганда ҳам хушфеъллик билан жуда мулойим қилди.

– Оҳ, – деди у, – биламан, нима учун бу ерда якка-ю ёлғиз ўтириб олиб, юрак-бағрингизни ўртаяпсиз. Агар мистер Фрэнклин бу ердан жўнаб

кетса, бу сиз учун жуда маъқул иш бўларди, Розанна... Менимча, у кўп ўтмай, бизнинг уйни тарк этса керак.

Сизнинг бу ердан жўнаб кетишингиз мумкинлиги ҳақидаги фикр асло хаёлимга келмаганди. Мен Пенелопа билан гаплашгани ўзимда куч тополмай қолдим. Фақат унга қаролардим, холос.

— Мен ҳозиргина мисс Рэчелнинг ҳузуридан чиқиб келяпман, — деб давом этди Пенелопа, — унинг инжиқликларидан анча-мунча қийналиб кетдим. Мисс Рэчель, бу ерда полиция бор экан, бу уйда туришга сира чидолмайман, дейди. У шу бугуноқ миледи билан гаплашиб, эртага холаси Эбльуайтникига кўчиб кетмоқчи бўляпти. Агар мисс Рэчель шунақа қиладиган бўлса, мистер Фрэнклин ўша заҳотиёқ жунаб кетиш учун бирон сабаб топади; ҳа, ишонаверинг.

Бу сўзларни эшиттанимда яна гапира оладиган ҳолатга келдим.

— Сиз айтмоқчисизки, мистер Фрэнклин мисс Рэчель билан бирга кетади, шундайми? — деб сўрадим.

— Агар мисс Рэчель ижозат берса-ку, бу бажонидил бирга кетарди-я... Аммо мисс Рэчель кўнмайди. Унинг инжиқликларидан мистер Фрэнклин ҳам анча озор чекди. У бечора қизга ёрдам бериш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилса ҳам, негадир қизнинг қаҳру ғазабига учраб ўтирипти. Йўқ, йўқ! Агар улар эртагача ярашишмаса, кўрасиз, мисс Рэчель бир томонга жўнайди, мистер Фрэнклин эса бошқа томонга йўл олади. У қайси томонга кетишини мен айтиб беролмайман. Аммо мисс Рэчель жўнаб кеттандан кейин, Розанна, у бу ерда қолмайди.

Сизнинг кетишингизни ўйлашим биланоқ юрагимни тубсиз бир алам чулғаб олди, аммо мен аламимни яширишга муваффақ бўлдим. Ростини айтсам, сиз билан мисс Рэчелнинг ўртангларда жиддий ихтилоф туғилганини билиб, бунда ўзим учун яна умид учқунларини кўргандек бўлдим.

— Билмайсизми, — деб сўрадим мен, — нима сабабдан улар аразлашиб қолишди?

— Бунга айбдор мисс Рэчель, — деди Пенелопа. — Менга маълуми шуки: мисс Рэчель ҳаддан ташқари инжиқлик қиляпти. Бор гап шу, холос. Сизни хафа қилмоқчи эмасман-у, Розанна, лекин мистер Френклин мисс Рэчель билан узил-кесил уришиб қолади деб хомтама бўлманг. Мистер Фрэнклин уни ҳаддан зиёд яхши кўради!

Пенелопа шу шафқатсиз сўзларни айтиб бўлиши билан хонага мистер Беттереж кириб келди. Хизматкорларнинг ҳаммаси пастдаги залга тушишлари керак экан. У ердан эса ҳаммамиз навбат билан бирин-кетин Беттережнинг хонасига бормоғимиз даркор экан. Бу хонада бизни изқувар Кафф сўроқ қилар экан.

Миледининг оқсочи билан биринчи хизматкор сўроқ қилиб бўлингандан кейин менга навбат келди. Изқувар Кафф сўроқларини жуда моҳирлик билан ниқоблаган эди. Лекин шундоқ бўлса-да, орадан кўп ўтмай унинг сўроқларидан маълум бўлдики, бояги иккита аёл (бу хонадондаги менинг ашаддий душманларим) пайшанба куни пешиндан кейин ва шу пайшанбанинг ўзида туни билан эшигим ортидан мени пойлаб чиқишган экан. Улар етарли даражада валақлаб, изқуварга ҳақиқатнинг бир қисмини очишипти ҳам. Изқувар менинг хуфиёна тарзда тунги кўйлак тикканимдан воқиф бўлипти, лекин адашиб, бўёқ теккан кўйлакни меники деб ўйлапти. Унинг менга айттан гапларидан яна битта нарса аён бўлди, лекин мен уни тузукроқ тушуна олмадим. У, албатта, мени олмоснинг йўқолишига дахлдор деб гумон қилган. Аммо айни чоқда у менга шуни шаъма қилдики, олмоснинг йўқолиши учун асосий жавобгарлик менинг бўйнимда эмас эмиш. Менимча, бу шаъмани у қандайдир бир мақсад билан қилди, шекилли. У мени бирон-бир бошқа одамнинг буйруғи билан ҳаракат қилган деб ўйлади, шекилли. "Бошқа одам" дегани ким бўлса экан? Ўшанда мен буни англаёлганим йўқ. Ҳозир ҳам буни билмайман.

Фақат бир нарса шак-шубҳасиз аён эди — изқувар Кафф ҳақиқатан бутунлай бехабар эди. Сиз тунги кўйлагингиз топилмагунча бутунлай хатардан холи эдингиз, аммо кўйлак топилиб қолса-чи...

Мен кўйлакни яшириб қўйишга аҳд қилдим ва бунинг учун ўзим яхши биладиган жойни – Билқиллама қумларни танладим.

Сўроқ тамом бўлиши биланоқ, мен хаёлимга келган биринчи баҳонани рўкач қилиб, соф ҳавода сайр қилиб келишга ижозат сўрадим. Мен тўппа-тўғри Коббс-Голлга, мистер Йолланднинг уйига қараб йўл олдим. Мен унинг хотини ва қизи билан қалин эдим. Ўйламанг, сирингизни уларга ошкор қилганим йўқ. Ҳеч кимга ошкор қилмоқчи ҳам эмасман. Бор-йўғи сизга мана шу мактубни ёзмоқчи ва бехатар жойда устимдаги тунги кўйлакни ечмоқчи бўлгандим. Мендан гумондор бўлганлари учун ўзимизнинг уйимизда бу икки ишдан биронтасини ҳам қилолмасдим.

Энди мен Люси Йолланднинг ётоғида ёлғиз ўтириб, узундан-узоқ мактубимни тугатай деб қолдим. Мактубни ёзиб бўлганимдан кейин мен кўйлакни тугунчакка тугиб, плашим тагида яширганча пастга тушаман. Мен миссис Йолланднинг ошхонасидаги эски буюмлар орасидан биронта қути топаман-да, безарар ва қуруқ сақлансин учун кўйлакни унга жойлайман. Кейин Билқиллама қумларга кетаман – қўрқманг, изларим мени фош этмайди. – У ерда сизнинг тунги кўйлагингизни қумга шундай яшираманки, биронта жонзот уни икки дунёда ҳам тополмайди. Фақат мен ўзим сирни очсамгина, кўйлакни топиш мумкин бўлади.

Аммо сир фош бўлиб, ҳамма нарса аён бўлганда нима бўлади?

Ўшанда, мистер Фрэнклин, шу пайттача сизга айтолмаган гапимни сизга маълум қилишга яна бир бор уриниб кўриш учун менда бир эмас, иккита асос бўлади. Биринчидан, мен сиз билан жўнаб кеттунингизгача гаплашиб олишим керак, акс ҳолда мен бу имкониятни бутунлай қўлдан чиқараман. Иккинчидан, менга таскин берадиган бир нарса бор: мабодо менинг гапларим сизнинг жаҳлингизни чиқарса ҳам, тунги кўйлак гуноҳимни бироз юмшатади-ку... Агар шу сабаблар ҳам мени ҳозиргача эзиб келган совуқликка (сизнинг менга совуқ муомалангизни айтяпман) чидашимга қувват бермаса, унда ҳадемай менинг уринишларим ҳам, ҳаётим ҳам барҳам топади.

Ҳа. Агар мен биринчи рўпара келган имкониятдан фойдалана олмасам, агар сиз ўзингизнинг совуқ муомалангиз билан мени яна чўчитадиган бўлсангиз, унда мен ҳаммага бисёр бахт улашган, аммо мендан жиндай бахтини аяган ёруғ дунё билан видолашаман. Мен ҳаёт билан видолашаман, чунки сизнинг меҳрибонлигингиздан бошқа ҳеч нарса бу ҳаётни мен учун ширин қилолмайди. Агар иш шу тарзда тамом бўладиган бўлса, ўзингизни қораламанг, сэр. Лекин жиндай бўлса-да, менга раҳмингиз келсин. Мен бир амаллаб сиз учун нима қилганимдан хабардор бўлишингизнинг йўлини қиламан, аммо унда мен ортиқ бу ҳақда сизга ўзим гапириб беролмайман. Ўшанда мен тўғримда бирон оғиз ширин гап айтармикинсиз, мисс Рэчель билан гаплашадиган юввош оҳанг билан мени ҳам эслармикинсиз? Агар сиз шундай қиладиган бўлсангиз ва дунёда арвоҳлар бор бўлса, буни менинг арвоҳим эшитиб, шод бўлади.

Мактубни тугатиш керак. Кўнглим бузилиб кетяпти. Агар лузумсиз кўз ёшларига эрк берсам, улар кўзларимни тўсиб қўйса, хуфиёна жойимга йўлни қандай қилиб топиб бораман?

Бундан ташқари, нега ҳамма нарсага бадхоҳ назар билан қараш керак? Нега ҳамма нарса ҳали яхшилик билан тамом бўлиши мумкин деб ишонмаслик керак? Бугун мен сизни кайфингиз чоғ ҳолида учратишим мумкин-ку! Агар бугун бўлмаса, балки эртага эрталаб учратарман. Менинг шўрлик башарам ғамдан хушрўй бўлиб қолмаса керак – шундай эмасми? Ким билсин, балки мен бу узундан-узун диққинафас саҳифаларни бекорга ёзган бўлиб чиқарман. Мен уларни бехатар бўлиши учун (ҳозир бошқа сабабни тилга олиб ўтиришга ҳожат йўқ) тунги кўйлак билан бирга қутига солиб қўяман. Сизга бу мактубни ёзиш мен учун оғир бўлди, ҳа, жуда оғир бўлди. О, кошки эди, биз бир-биримизни тушуна олсак! Мен чексиз бир мамнуният билан уни бурда-бурда қилиб йиртиб ташлардим.

Сизга севгисида содиқ қолувчи камтарин қулингиз, Розанна Спирман”.

Беттереж мактубни ўқиб тугатди. Кейин уни ҳафсала билан конвертга жойлади-да, бошини қуйи солиб, кўзларини мўлтиратиб хаёлга толди.

— Беттереж, — дедим мен, — мактубнинг охирида бизга ёрдам бериши мумкин бўлган бирон имо-ишора йўқми?

У астагина бошини кўтарди-да, чуқур хўрсинди.

— Бу ерда сизга ёрдам бериши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ, мистер Фрэнклин, — деб жавоб берди у. — Менинг маслаҳатимга кирсангиз, ҳозирги ташвишларингиз бир ёқли бўлмагунча, бу мактубни конвертдан чиқармай қўя қолинг. У сизни хафа қилади, холос. Уни ҳозир ўқиманг".

6-боб

Мен пиёда темир йўл бекатига жўнадим. Менга Габриэль Беттереж ҳамроҳ бўлиб борганини гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Мактуб чўнтагимда эди, тунги кўйлакни эса сафар халтамга жойлаб қўйгандим — уларнинг икковини ҳам бугун уйқуга кўз юммасимдан олдин мистер Брэффга жўнатмоғим даркор эди.

Биз сукут ичида уйдан чиқдик. Мен таниганимдан бери биринчи марта қария Беттереж мен билан нимани гаплашишини билмай, саросимада борарди. Аммо ўз томонимдан унга бирон нарса демоғим жоиз бўлгани учун боғнинг дарвозасидан чиқишимиз биланоқ мен ўзим гап бошладим.

— Лондонга кетишимдан аввал, — деб бошладим мен, — сиздан иккита нарсани сўрамоқчиман. Улар менинг ўзимга тааллуқли гаплар. Уларни эшитиб бироз ҳайрон бўлсангиз керак.

— Агар бу саволларингиз миямдан шўрлик қизнинг мактубини қувиб чиқара олса, мистер Фрэнклин, мана мен — мени истаган кўйингизга солишингиз мумкин. Марҳамат, сэр, мени иложи борича тезроқ ҳайрон қолдираверинг.

— Биринчи савол, Беттереж, айтинг-чи, Рэчель туғилган куни кечқурун мен маст эмасмидим?

— Маст дейсизми? Сизми? — деб хитоб қилди чол. — Аксинча, мистер Фрэнклин, сизнинг энг катта нуқсонингиз шундаки, тушлик вақтида бир қултум ичасизу, кейин бир томчи ҳам оғзингизга олмайсиз.

— Аммо туғилган кун — бошқача кун-да. Худди шу оқшом мен ўзимнинг доимий одатимга риоя қилмаган бўлишим мумкин.

Беттереж бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Сиз ўз одатларингизга хилоф иш қилдингиз, сэр. Нима қилганингизни ҳозир айтаман. Сиз ҳаддан ташқари хастаҳол кўриндингиз. Сизга жиндай мадад бўлсин деб, биз сизни бир-икки қултум сувлик виски ичишга зўрга кўндирдик.

— Мен сувлик виски ичиб ўрганмаганман. Балки шундан...

— Шошманг, мистер Фрэнклин. Сувлик виски ичиб ўрганмаганингизни мен яхши билардим. Шунинг учун сизга ўзимизнинг эллик йиллик коньягимиздан ярим қадаҳ қуйиб бердим. Уят бўлса ҳам айтай, бу ажойиб ичимликка бир стакан совуқ сув қўшдим. Бу ичимликни ичиб ёш бола ҳам кайф қилолмас эди. Катта одамни-ку айтмай қўяқолай...

Бунақа ишларда унинг хотираси панд бермаслигини билар эдим. Бинобарин, ўша куни менинг кайфим баланд бўлган деб ўйлашга сира ҳожат қолмаганди. Мен иккинчи саволга ўтдим.

— Чет элга сафарга кетмасимдан аввал, Беттереж, болалик чоғларимда сизнинг кўз олдингизда улғайганман. Менга ростини айтинг, — ўша пайтларда уйқуга кетганимдан кейин менда бирон-бир ғалати нарсалар содир бўлмасмиди? Бирон марта менинг уйқумда туриб юрганимни сезганмисиз?

Беттереж тўхтаб, менга бир дақиқа тикилиб қолди, кейин бошини чайқади-да, юришда давом этди.

— Гапни қаёққа бураётганингизни кўриб турибман, мистер Фрэнклин, — деди у. — Ўзингиз бехабар ҳолда қандай қилиб тунги кўйлагингизга бўёқ тегиб қолганини изоҳлаб беришга уриняпсиз. Лекин сиз ҳақиқатдан минг чақирим олисдасиз, сэр. — Тушда юриб чиқармиш! Умрингизда ҳеч қачон бунақа иш қилган эмассиз.

Мен яна Беттережнинг ҳақ эканини ҳис қилдим. На уйда, на чет элда

мен ҳеч қачон якка ўзим ҳоли яшаган эмасман. Агар менинг уйқуда туриб юрадиган одатим бўлса, буни юзлаб одамлар пайқаган бўлар эди. Улар, албатта, бу хасталигимдан халос бўлишим учун менга ёрдамга ошиққан бўлардилар.

Шундай бўлса-да, бўлиши мумкин-ку деган ўй билан мен ана шу икки баҳонани маҳкам ушлаб олдим. Мен ҳозир тушиб қолган мудҳиш аҳволда шу сабабларгина аҳволни жиндай изоҳлаши мумкин эди. Шунинг учун уларни қаттиқ ушлаб олганим ҳам табиий, ҳам ҳозирги вазиятда узрли эли. Жавобларимдан қаноат ҳосил қилмаганимни пайқаб Беттереж моҳирлик билан Ойтош тарихидаги кейинги воқеларга шама қилди ва менинг умидларимни ўша заҳотиёқ узил-кесил чилпарчин қилди.

— Тасаввур қилайликки, сизнинг тахминингиз тўғри, лекин у қай тарзда бизни ҳақиқатни кашф қилишга олиб келиши мумкин? Агар тунги кўйлакни рад қилиб бўлмайдиган далил деб ҳисобласак — шахсан мен бунга ишонмайман, — сизнинг кўйлагингизга ўзингиз бехабар ҳолда эшикдаги бўёқ тегиб қўяқолган эмас-да... Айни чоқда, ўзингиз билмай туриб, олмосни ҳам олгансиз. Тўғри гапиряпманми?

— Мутлақо тўғри. Давом этаверинг.

— Жуда яхши, сэр. Тасаввур қилайликки, сиз маст эдингиз ёки олмосни олганда уйқунгизда юриб чиққансиз. Бу — туғилган куннинг эртасига кечаси рўй берган воқеани изоҳлайди. Аммо бу ундан кейин рўй берган воқеаларни қандай изоҳлаши мумкин? Олмос Лондонга олиб борилган. Олмос мистер Люкерга гаровга қўйилган. Наҳотки, шанба куни кечқурун мен сизни кабриолетда жўнатиб юборганимда маст бўлган бўлсангиз? Наҳотки, поезд сизни Лондонга элтиб қўйгандан кейин сиз мистер Люкернинг ҳузурига уйқунгизда юриб борган бўлсангиз? Мени маъзур тутасиз, мистер Фрэнклин, лекин бу иш шу даражада сизга ёмон таъсир қилиптики, сиз соғлом фикр юритолмай қолипсиз. Шунинг учун мистер Брефф билан қанча тез маслаҳатлашсангиз, ҳозир кириб қолганингиз боши берк кўчадан шунча тез халос бўлишингиз мумкин.

Биз темир йўл бекатига поезд кетишидан икки дақиқа олдин етиб келдик.

Зарур бўлиб қолса менга хат ёзсин деб мен Беттережга шоша-пиша Лондондаги адресимни бердим ва ўзим ҳам агар менда бирон янгилик пайдо бўлиб қолса унга хабар беришга ваъда бердим. Буни битиргач, у билан хайр-маъзур қила туриб, мен беихтиёр китоб ва газета сотадиган дўкончага қарадим. У ерда яна бояги ғаройиб одам — мистер Кандининг ёрдамчиси дўконнинг эгаси билан гаплашиб турар эди. Ўша дақиқадаёқ кўзларимиз бир-бирига тўқнаш келди. Эзра Женнингс шляпасини олди. Мен ҳам унинг таъзимига жавоб бердим. Мен вагонга чиққанда поезд ўрнидан қўзғалган эди. Назаримда, бутунлай чет нарсалар ҳақида ўйласам, бироз енгил тортадигандай кўриндим. Ҳарҳолда, нима бўлганда ҳам, мен мистер Брефф билан учрашиш мақсадида яна Лондонга кетиб боряпман-ку! Бу мен учун жуда катта аҳамиятга эга эди; йўл-йўлакай бир куннинг ўзида ола одамга икки марта дуч келганимни ўйлаб, ҳайрон қолиб борардим. Эътироф этишим керакки, менинг таажжубим анча бемаъни эди.

Мен Лондонга кеч етиб келдим. Бунақа пайтда мистер Бреффни идорасидан топаман деб умид қилмаса ҳам бўлаверар эди. Шунинг учун вокзалдан тўғри унинг Хэмпстеддаги уйига равона бўлдим. Етиб борганимда кекса адвокат ёлғиз ўзи ошхонасида тиззасида яхши кўрган лайчаси ва стол устида бир шиша шароби билан мудраб ўтирарди.

Ҳикоям мистер Бреффга қандай таъсир қилганини айтиб ўтирмай-ку, яхшиси, гапимни эшиттандан кейин у нималар қилганини гапириб берай. У ҳикоямни охиригача эшитиб бўлгач, ўчоққа олов ёқишни ва кабинетга чой олиб келишни буюрди, кейин ўзининг аёлларига бирон баҳона билан бизни безовта қилмасликларини топширди. Шу фармойишларни бериб бўлгач, у аввал тунги кўйлакни синчиклаб кўриб чиқди, кейин Розанна Спирманнинг мактубини ўқий бошлади.

Мактубни ўқиб бўлгач, мистер Брефф икковимиз унинг хонасига кириб, эшикни ичидан беркитиб олганимиздан бери биринчи марта менга сўз қотди.

— Фрэнклин Блэк, — деди кекса жентльмен, — бу ҳар жиҳатдан жуда

жиддий иш. Менимча, бу иш сизга қанчалик тааллуқли бўлса, Рэчелга ҳам шунча тааллуқлидир. Унинг ғалати хулқ-атвори эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Олмосни сиз ўғирлаганингизга унинг ишончи комил.

Бу ярамас хулосани ўзимга юқтирмаслик учун мен ўз-ўзим билан анча олишдим. Лекин, барибир, у муқаррар равишда мени чулғаб олаверди. Тўғрисини айтсам, Рэчель билан шахсан учрашишга эришиш нияти ҳозир мистер Брэфф айттан фикрга асосланган эди.

— Ҳозир қилиш керак бўлган биринчи иш шуки, — деб давом этди адвокат, — Рэчелга мурожаат қилиш керак. Рэчель шу пайттача индамай келди. Унинг табиатини билганим учун бунинг сабабини бемалол тушуна оламан. Аммо энди рўй берган воқеадан кейин унинг индамаслигига ортиқ чидаб туриб бўлмайди. У нима учун Ойтошни сиз олганингизга астойдил ишонади — буни айтишга уни кўндириш керак ёки мажбур қилмоқ шарт. Умид қилиш мумкинки, агар биз Рэчелнинг ўжарлигини синдиришга муваффақ бўлиб, уни гапиртиришга эришолсак, ҳозир бизга жуда жиддий кўринаётган бу иш арзимас иш бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

— Бу гап менга анча таскин беради, — дедим мен. — Эътироф этаман, мен билишни истардимки...

— Мен нима асосда шундай фикрга келганимни билмоқчисиз-да, — деб гапимни бўлди мистер Брефф. — Мен буни сизга бир зумда тушунтириб бера оламан. Биринчидан, шуни билиб қўйингки, мен масалага юридик нуқтаи назардан қарайман. Мен учун асосий масала — далил масаласидир. Жуда яхши. Далилимиз бошиданоқ бир муҳим нуқтада ярамайдиган чиқиб қолди.

— Қай жиҳатдан?

— Ҳозир эшитасиз. Тўғри, кўйлакдаги белги кўйлакнинг сизники эканини исбот қилади. Шунингдек, кўйлакдаги бўёқнинг доғи ҳам, тунги кўйлакка мисс Рэчелнинг эшигидаги бўёқ текканини исбот қилади. Аммо ўша тунда бу кўйлак сизнинг устингизда бўлганини нима билан исбот қилиш мумкин?

Бу мулоҳазани эшитишим билан мени электр токи ургандай бўлди. Шу пайтта қадар бу фикр миямга келмаган эди.

— Мактуб масаласига келсак, — деб давом этди адвокат Розанна Спирманнинг изҳори дилини қўлига олиб, — тушунаман, бу мактуб сиз учун анча ёқимсиз. Тушунаман, сиз уни холисона нуқтаи назардан таҳлил қилишга жазм этолмаяпсиз. Аммо мен сизнинг аҳволингизда эмасман. Ўзимнинг ҳуқуқшунос сифатидаги тажрибамга асосланиб, мен бу ҳужжатни бошқа ҳар қандай ҳужжат каби кўриб чиқмоғим мумкин. Мен бу аёлнинг ўғри ўтганини эслатиб ўтирмайман. Мен фақат шуни айтаманки, унинг мактуби — бу аёлнинг ўзи эътироф этганидай, Розаннанинг анча муғамбир хотин бўлганини исбот қилади. Шунинг учун у сизга бор ҳақиқатни тўла-тўкис айтмаган, деб гумон қилишга ҳаққим бор. Ҳозир мен Розанна шундай қила олиши мумкинмиди, йўқми деган мавзуда мулоҳаза юритиб ўтирмайман. Фақат бир нарсани айтаман — агар Рэчель фақат биргина шу тунги кўйлак асосида сиздан гумон қилаётган бўлса, ҳеч шубҳа йўққи, бу кўйлакни унга Розанна Спирман кўрсатган. Бу аёлнинг ўзи мактубида эътироф этишига қараганда, у Рэчелдан рашк қилган, вазадаги унинг гулларини ўзиникига алмаштириб қўйган, сиз билан Рэчель аразлашиб қолганларингда, бундан унинг юрагида умид учқунлари пайдо бўлган. Ойтошни ким олган деб сўраб ўтирмайман (ўзининг мақсадига эришиш учун Розанна Спирман битта эмас, элликта Ойтошни олишдан ҳам тоймас эди), фақат бир нарсани айтаман — олмоснинг юйиб бўлиши бу маъшуқа ўғри хотинга сиз билан Рэчелни умрбод уриштириб қўйишга жуда қулай имконият берган. Ўша пайтда у ҳали ўз жонига қасд қилишга журъат эттан эмас эди, бу эсингизда бўлсин! Мен комил ишонч билан айтаманки, ўзининг табиатига ва аҳволига кўра Розанна Спирман қулай имкониятдан фойдаланиб олмосни ўғирлаши мумкин эди. Хўш, бунга нима дейсиз?

— Мактубни очган пайтимда шунга ўхшаш фикр менинг ҳам миямдан кечган эди, — деб жавоб бердим мен.

— Ҳа, балли! Аммо мактубни ўқиб чиққандан кейин шўрлик қизга раҳмингиз келиб кетган ва ундан гумон қилишга журъатингиз етишмай

қолган. Ҳа, яхши иш қилгансиз, муҳтарам сэр. Шаънингизга муносиб иш қилгансиз.

— Аммо, тахмин қилайлик, бу тунги кўйлак менинг устимда бўлсин. Унда нима бўлади?

— Буни қанақа қилиб исбот қилиш мумкинлигига ақлим етмаяпти, — деди мистер Брефф, — аммо шундай бўлган бўлиши мумкин деб тахмин қилсак, унда сизнинг бегуноҳлигингизни исбот қилиш анча қийин бўлиб қолади. Ҳозирча буни батафсил муҳокама қилмай тура турайлик. Бироз кутайлик. Кутайлик-чи, Рэчель сиздан фақат биргина тунги кўйлак асосида гумон қилармикин ёки бошқа далили ҳам бормикин?

— Эй, парвардигор! Қандай қилиб, Рэчелнинг мендан гумон қилиши тўғрисида шу қадар хотиржамлик билан бемалол гапирасиз-а! — деб қизиқдим мен. — Далили қандай бўлишидан қатъи назар, мени ўғри деб гумон қилишга унинг нима ҳаққи бор?

— Саволингиз жуда ўринли, муҳтарам сэр. Бироз қизишиб гапиряпсиз-у, шундоқ бўлса ҳам, эътибор берса арзийди. Сизни лол қолдириб, ғазабингизни қўзғаётган нарса менга ҳам тинчлик бермаяпти. Хотирангизни титкилаб кўриб, менга айтинг-чи: сиз леди Вериндернинг уйида меҳмон бўлиб турган кезларингизда Рэчелни сизнинг ҳалоллигингизга шубҳа қилишга ёки, айтайлик, лоақал (майли, асоссиз бўлса ҳам) умуман, сизнинг маънавий принципларингизга ишонмай қарашга мажбур этадиган бирон воқеа рўй бергани йўқми?

Чуқур ҳаяжон ичида мен ўтирган жойимдан сапчиб турдим. Адвокатнинг саволи мени Англиядан жўнаб кетганимдан кейин биринчи марта леди Вериндернинг уйида чиндан ҳам содир бўлган бир воқеани эсимга солди.

Ўша пайтларда мен, одатдагидек, пулга муҳтожроқ эдим. Эҳтиётсизлик қилиб, бир миқдор пулни Париждаги кичикроқ бир ресторанинг эгасидан олган эдим. Мен доимий мижози бўлганим учун у мени яхши билар эди. Қарзни тўлайдиган муддат белгиланган эди. Ҳадемай бу муддат етиб келди, лекин мен сўзимнинг устидан чиқа олмадим. Бунақа воқеа тез-тез бошқа минглаб ҳалол одамларнинг ҳам бошига тушиб туради. Мен бояги одамга вексель бериб юбордим. Бахтга қарши, бунга ўхшаш ҳужжатлардан менинг имзом яхши маълум бўлиб қолган эди, ресторан эгаси векселим эвазига пул ола билмапти. Унинг ишлари анча орқага кетиб қолипти. Унинг бир қариндоши бор экан — адвокатлик қилар экан. Шу француз адвокати Англияга менинг ҳузуримга келиб, қарзни тўлашимни талаб қила бошлади. Бу одам жуда қизиққон экан, мен билан жуда нотўғри оҳангда гаплаша кетди. Мен ҳам ундан қолишмадим. Ҳар икки томондан ҳам анча кескин гаплар айтилди. Бахтга қарши, холам билан Рэчель қўшни хонада эканлар, улар ҳамма гапни эшитишипти. Леди Вериндер бизнинг олдимизга кириб келди-да, нима гаплигини, албатта, билмоқчи бўлди. Француз қўлидаги ишонч қоғозини кўрсатди ва мени бир бечора одамнинг хонавайрон бўлишига сабабчи кимса деб атади. Ҳолбуки, у одам менинг ҳалоллигимга ишонган экан. Холам дарҳол унга пулни тўлади-да, чиқариб юборди.

Табиийки, холам мени жуда яхши биларди, шунинг учун у французнинг мен тўғримдаги фикрига қўшилгани йўқ. Аммо бепарволигим холамга малол келган эди. У мендан ҳақли равишда хафа бўлди — бепарволигим туфайли ўзимни жуда ноқулай аҳволга солиб қўйган эдим, агар холам аралашмаса, аҳвол анча ёмон бўларди. Буларнинг ҳаммасини онаси гапириб берганми ё Рэчелнинг ўзи қўшни хонада туриб бор гапни эшитганми — бир нарса дея олмайман. Фақат у бу воқеага ўзича, юқоридан романтик назар билан қаради. Мен "Бағритошлик" қилибман, мен "олижаноблик" қилмабман, ҳаром-харишдан тортинмас эканман, "кейин нима қилишим" ҳам номаълум экан — қўйинг-чи, Рэчель менга шунақа қаттиқ гапларни қалаштириб ташлади. Мен илгари ҳеч қачон биронта қиздан бунақа танбеҳларни эшитган эмасдим. Эртасига ҳам кун бўйи аразлашиб юрдик. Учинчи куни мен у билан ярашишга муваффақ бўлдим ва ортиқ бу тўғрида ўйламай қўйдим. Қизнинг ҳурматига бўлган ҳаққим янгидан ва янада жиддийроқ тарзда шубҳа остига тушиб қолган дақиқаларда Рэчель шу бахтсиз ҳодисани эсламадимикин? Буларнинг

ҳаммасини айтишим билан, мистер Брефф шу заҳотиёқ гапимни тасдиқлаб жавоб берди.

— Бу воқеа қизга таъсир қилган бўлиши керак, — деди у жиддий оҳангда. — Сизни ўйлаганимдан шундай бўлмаслигини истайман-да. Лекин сиз билан биз биргаликда аниқладикки, бу ҳол сизга зарар келтирипти. Шу йўл билан лоақал битта жумбоқни ҳал қилдик. Бундан кейин нима қилишимиз мумкинлигига ақлим етмаяпти. Бу тафтишингизда навбатдаги қадам бизни Рэчелнинг ҳузурига олиб келиши керак.

У ўрнидан туриб, хаёлчан бир қиёфада хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Мен Рэчель билан ўзим учрашишга аҳд қилганимни унга икки марта айтиб юборишимга сал қолди, лекин ҳар икки галда ҳам унинг ёши ва табиатини инобатга олиб, бундай ноқулай дақиқаларда унга яна бир кутилмаган нохуш гапни айтишдан ўзимни тийиб қолдим.

— Асосий қийинчилик шундаки, — деб давом этди у, — Рэчелни бор гапни охиригача айтишга кўндириш оғир бўлади. Сиз нимани таклиф қиласиз?

— Мен, мистер Брефф, Рэчель билан ўзим гаплашиб кўришга аҳд қилдим.

— Ўзингиз?!

У бирдан тўхтади-да, менга шундай нигоҳ билан қарадики, гўё мен эсимдан оғиб қолаёздим.

— Ўзингиз?! Сиз учун бунинг имкони борми?

У кескин ҳаракат билан бош силкади ва яна хона бўйлаб юра бошлади.

— Шошманг-чи, — деди у. — Бунақа ғаройиб ҳолларда эҳтиётсизлик баъзан жуда иш бериб қолиши мумкин.

У яна икки-уч дақиқа масалани янги нуқтаи назардан ўйлаб турди-да, кейин бирданига далилни менинг фойдамга ҳал қилди.

— Таваккал қилмасанг — ютиб чиқолмайсан, — деб хулоса чиқарди кекса жентельмен. — Менда йўқ имконият сизда бор. Сиз биринчи бўлиб уриниб кўринг.

— Менда имконият борми? — деб такрорладим ҳаддан ташқари таажжубланиб.

Мистер Бреффнинг чеҳрасида биринчи марта табассум пайдо бўлди.

— Биласизми, гап нимада? — деди у. — Ростини айтсам, сизнинг эҳтиёткорлигингиздан ҳам, совуққонлигингиздан ҳам умид йўқ. Лекин менинг умидим шундаки, Рэчель қалбининг энг теран жойида сизга нисбатан ҳали ҳам бирон даражада бўлса-да, меҳрини сақлаб қолган бўлиши керак. Унинг кўнглининг шу торини бир чертиб кўринг, ишонаверинг, унинг кетидан Рэчель ҳамма гапни очиқ-ойдин айтиб беради. Ҳамма гап у билан қай йўсинда учрашишингизда.

— Рэчель сизнинг уйингизда бир неча муддат яшаган эди, — деб жавоб бердим мен. — Уни бу ерга таклиф қилсангиз нима бўларкин. Албатта, бу ерда менга рўпара келишини айтмайсиз.

— Жуда яхши! — деди мистер Брефф.

У менинг таклифимга жавобан фақат шу сўзнигина айтиб, яна хона бўйлаб юра бошлади.

— Жўнроқ қилиб айтганда, — деб давом этди у, — менинг уйим Рэчель учун бир тузоқ бўлиши керак. Бу тузоққа уни хотиним ва қизларимнинг таклифи билан илинтирамиз. Агар сиз Фрэнклин Блэк бўлмаганингизда-ю, бу иш ҳозирги аҳволидан кўра бир баҳя камроқ жиддий бўлганида мен сира ўйламасдан рад этар эдим. Аммо ҳозир вазият шунақа, Рэчелнинг ўзи унга нисбатан ёшимга ярашмаган бир тарзда қилган хиёнатимни кечирар ва кейинчалик мендан миннатдор бўлар. Мен бунга қатъий ишонаман. Мени ўзингизга шерик деб ҳисоблайверинг. Рэчельни бизникига бир кунга таклиф қиламиз ва сизни ўз вақтида бундан огоҳ қиламиз.

— Қачон? Эртагами?

"Эртага биз ундан жавоб олиб улгурмаймиз. Эртадан кейинга бўлақолсин".

— Менга қандай қилиб маълум қиласиз?

— Оқшом давомида ҳеч қаёққа чиқмай, уйингизда ўтиринг. Мен ўзим кираман сизникига.

Менга кўрсатган бебаҳо ёрдами учун мен унга чин кўнглимдан миннатдорлик билдирдим-да, Хэмпстедда тунаб қолиш ҳақидаги меҳмондўстларча қилинган таклифни рад этиб, ўзимнинг Лондондаги уйимга қайтдим.

Эртанги кун ҳақида айтишим мумкин бўлган гап шуки, у умримдаги энг узун кун бўлди. Гарчи мен ўзимнинг бегуноҳ эканимни билсам-да, гарчи бўйнимга тушган разил айбномадан эртами-кечми қутулишим муқаррар бўлса-да, юрагим жуда хижил эди, ўзимни жуда хор бўлиб кетаётгандай сезардим, бу эса мени дўстларимдан анча нари туришга мажбур қилмоқда эди. Биз кўпинча бир гапни эшитамиз, буни кўпинча, масалага енгил-елпи қарайдиган одамлар гапириб юришади – гўёки жиноятқор одам бегуноҳ одам қиёфасида ҳам бўлиши мумкин эмиш. Бу гапдан кўра бошқа бир гап, назаримда, тўғрироқ кўринади: бегуноҳ одам жиноятчига кўпроқ ўхшаб кетиши мумкин. Мен кун бўйи ҳеч кимни қабул қилмасликни буюрдим ва ўзим ҳам фақат қоронғи тушгандан кейингина ташқарига чиқишга журъат этдим.

Эртаси куни эрталаб, мен ҳам нонушта қилиб ўтирган маҳалимда кутилмаганда мистер Брефф кириб келди. У менга каттагина бир калитни тутқазди-да, умрида биринчи марта уят иш қилаётгандай хижолатда эканини айтди.

– Рэчель келдими?

– Бугун нонушта қилгани келиб, кейин кун бўйи хотиним ва қизларим билан бирга бўлади.

– Миссис Брефф билан қизларингиз бизнинг сиримиздан хабардорми?

– Уларни хабардор қилмасликнинг иложи йўқ эди. Аммо, ўзингиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак, аёллар бунақа расм-русумларга унчалик қаттиқ риоя қилишмайди. Менинг оилам виждон азобида қийналмайди. Чунки мақсад сиз билан Рэчелни қутқариб қолишдир. Менинг хотиним билан қизларим мақсад яхши бўлса, унга эришиш воситаларига хотиржам виждон билан қарашаверади.

– Мен сиздан ҳадсиз миннатдорман. Бу қанақа калит?

– Боғимдаги эшикнинг калити. У ерга соат учда етиб боринг. Боққа киринг, ундан гулзор орқали уйга ўтасиз. Кичкина меҳмонхонадан ўтганингиздан кейин рўпарангиздаги эшикни очинг. Ундан мусиқа хонамга кирасиз. Рэчелни ўша ердан топасиз – у хонада ёлғиз бўлади.

– Сизга миннатдорлигимни қандай билдирсам экан?

– Қандай билдиришингизни айта қолай – ўшандан кейин рўй берадиган воқеалар учун мендан ўпкаламасангиз бўлди.

Шу сўзларни айтиб, у чиқиб кетди.

Ҳали яна анча кутиш керак эди. Бир амаллаб вақтни ўтказиш учун мен почтадан келган хатларни кўздан кечира бошладим. Уларнинг орасида Беттереждан ҳам мактуб бор экан.

Мен шоша-пиша унинг хатини очдим. Мактуб афву-узрлардан бошланган эди – мактубда тайинли янгилик йўқлиги учун Беттереж кечиришни сўрар эди. Буни ўқиб таажжубландим ва ҳафсалам пир бўлди. Лекин кейинги жумлада ғалатию ғаройиб Эзра Женнингс яна пайдо бўлиб қолди. Станциядан қайтаётган Беттережни тўхтатиб, менинг кимлигимни суриштирипти. Менинг номимни билиб, мени кўрганини хўжайинига, мистер Кандига айтипти. Доктор Канди буни эшитиб, атайин ўзи Беттережнинг олдига келипти-да, биз учрашаолмаганимиз учун таассуф билдирипти. У алоҳида бир сабаб билан мени кўрмоқчи эканини айтипти ва мен яна Фризинголл атрофларида пайдо бўлишим билан унга хабар қилишни илтимос қилипти. Беттережнинг фалсафаси учун характерли бўлган яна икки-уч иборани айтмаса, мактубнинг мазмуни шундан иборат эди. Садоқатли муҳтарам қария яна бу мактубни “сизга хат ёзиб ҳузурланиш учунгина ёздим” деб тан олипти.

Мен мактубни чўнтагимга солиб қўйдим ва Рэчель билан учрашув ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлганим учун бир дақиқадан кейин уни унутдим.

Эмпстед черковининг соати учга занг ураётганда, мен мистер Бреффнинг калитини боғ деворига ўрнатилган эшикнинг қулфига солаётган эдим. Эътироф этишим керак, боққа кириб, эшикни ичкаридан қулфлар эканман, юз бериши мумкин бўлган воқеаларни ўйлаб бироз юрагим така-пука бўлди.

Хавотир билан теварак-атрофга кўз югуртирдим — боғнинг кўздан пана жойларида бирон кутилмаган гувоҳга дуч келиб қолишдан чўчидим. Аммо менинг кўрққанларим беҳуда чиқди. Боғнинг хиёбонларининг ҳаммаси бўм-бўш, кимсасиз эди ва менинг бирдан-бир гувоҳларим қумлар билан асаларилар эди.

Мен боғдан ўтиб, гулхонага кирдим, кейин кичкина меҳмонхонадан ўтдим. Мен ичкари хонага олиб кирадиган эшик дастасини ушлаганимда ичкаридан фортепианонинг яккам-дуккам аянчли садоларини эшитдим. Мен онасининг уйида меҳмон бўлган кезларда ҳам Рэчель тез-тез паришонхотирлик билан фортепиано тугмаларини босиб турарди. Мен нафасимни ростлаб олиш учун бир неча дақиқа туриб қолишга мажбур бўлдим. Ўша дақиқада кўз ўнгимда ўтмишим билан ҳозирги онларим намоён бўлди ва уларнинг ўртасидаги тафовутни кўриб лол қолдим.

Бир неча дақиқадан кейин бутун жасоратимни жамладим-да, эшикни очдим.

7-боб

Мен остонада пайдо бўлган дақиқада Рэчель фортепиано ёнида турарди.

Орқамдан эшикни ёпдим. Биз бир-биримизга индамай тикилишиб турардик. Мен хонанинг бу бошида, Рэчель нариги бошида эди. Рэчель ўрнидан туриб бир ҳаракат қилди, назаримда, у ҳозир бундан бошқа бирон ҳаракат қилишга қодир эмас эди. Бу дақиқада унинг жаъмики руҳий кучи менга қаратилган нигоҳида мужассам бўлган эди.

Ҳаддан ташқари беҳосдан пайдо бўлиб қолмадиммикан деган бир хавотир кўнглимдан липиллаб ўтди. Мен Рэчель сари бир неча одим ташладим. Юмшоққина қилиб:

— Рэчель! — дедим.

Менинг овозим уни ҳушига келтиргандай бўлди ва унинг юзига ранг югурди. У индамай мен томонга кела бошлади. Гўё унинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бир кучнинг таъсирида ҳаракат қилаётгандай, у аста-аста босиб, борган сари менга яқинлашиб келарди. Унинг ёноқларида илиққина қип-қизил ранг пайдо бўлди, ҳар лаҳза сайин кўзларининг нури кучайгандан кучайиб борарди. Мен унинг олдига нима мақсадда келганимни унутиб қўйдим. Муборак номимга разил бир шубҳа соя солгани ҳам эсимдан чиқди; мен эсимда сақлашим керак бўлган барча мулоҳазаларни, ўтмишим, бугунги куним ва келажакни ёдимдан чиқардим. Мен ўзим яхши кўрган, ҳозир менга тобора яқинлашиб келаётган аёлдан бошқа ҳеч нарсани кўрмас эдим. У титрарди, тараддудда эди. Мен ўзимни ортиқ тутиб туролмадим — уни шартта қучоқлаб олдим-да, юзу кўзларидан ўпа бошладим.

Шундай бир лаҳза бўлдики, назаримда, у менинг бўсаларимга жавоб бераётгандай туюлди. Ўша дақиқада менга у ҳам дунёдаги ҳамма нарсани унутиб юборгандай кўринди. Аммо бу фикр хаёлимдан липиллаб ўтиб улгурмай, унинг биринчи онгли ҳаракатиёқ Рэчель ҳеч нарсани унутмаганини ҳис қилишга мажбур этди. Даҳшатга тушган одамнинг фарёдига ўхшаш бир қичқириш билан у мени туртиб ўзидан улоқтирди. У шундай куч билан итардики, агар мен истаган тақдирда ҳам унга дош беролармидим-йўқми, билмадим. Мен унинг кўзларида шафқатсиз ғазаб кўрдим, лабларида эса чексиз нафратни ҳис қилдим. У мени таҳқирлаган бегона одамга қарагандек юқоридан пастгача назаридан ўтказди.

— Қўрқоқ! — деди у. — Пасткаш, мальун, юраксиз қўрқоқ!

Унинг оғзидан чиққан биринчи сўзлар шулар бўлди. У аёл киши қидириб топиш мумкин бўлган шундай бир таънани топиб, менинг устимга ёғдирдики, унга чидаш жуда қийин эди.

— Шундай замонлар эсимдаки, Рэчель, — дедим мен унга жавобан, — мен сизни таҳқирлаган бўлсам, буни менга ўзингизга муносиброқ тарзда айта олар эдингиз. Ўтиниб сўрайман сиздан, мени афв этинг.

Балки юрагимда тўлиб-тошган алам овозимга ҳам кўчиб чиқдими? Бундан бир лаҳза олдин у мендан кўзларини олган эди. Гапимни эшитгач, у яна

истамайгина менга қаради. У менга паст овозда, муомаласида бадхоҳ бир мутелик билан жавоб берди. Буларнинг бари унинг табиатида мен учун муглақо янгилик эди.

— Балки мен қай бир даражада авф этишга арзирман, — деди у. — Лекин сизнинг қилиб қўйган ишингиздан кейин, олдимга шунақа йўл билан кириб келишингиз пастликдан бошқа нарса эмас. Менимча, сизга бўлган муносабатимдан фойдаланиш ҳам ўзингизга ярашмайдиган иш. Қўққисдан ҳаракат қилиб, мендан бўса олиш ҳам ўтакетган пасткашлик. Лекин бу аёл кишининг нуқтаи назари. Сиз бу фикрга қўшилмаслигингиз мумкинлигини мен унутмаслигим керак эди. Мен ўзимни қўлга олиб, сизга ҳеч нарса демаганимда яхшироқ бўлар эди.

Бу узр ҳақоратдан оғирроқ эди. Дунёдаги ҳар қандай разил одам ҳам бу гаплардан ўзини жуда хўрланган ҳис этар эди.

— Агар номусим сизнинг қўлингизда бўлмаганда эди, — дедим мен, — мен шу заҳотиёқ сизни тарк этар ва бошқа ҳеч қачон сиз билан учрашмаган бўлардим. Сиз мен қилган ишни тилга олдингиз. Қани, айтинг, нима қилганман мен?

— Нима қилганман? Уялмай-нетмай буни мендан сўраяпсизми?

— Ҳа.

— Мен сизнинг аблаҳлигингизни сир қилиб сақлаб келяпман, — деб жавоб берди у. — Индамаганимнинг оқибатини анча кўрдим ҳам. Наҳотки, мени нима қилганингиз ҳақидаги таҳқирли саволдан халос бўлишга ҳаққим бўлмаса? Наҳотки, сиз ҳар қандай миннатдорлик туйғусидан маҳрум бўлиб улгурган бўлсангиз? Сиз қачонлардир жентельмен эдингиз. Қачонлардир менинг онам учун қадрли эдингиз, мен учун эса янада қадрлироқ эдингиз.

Унинг овози титраб кетди. У стулга ўтирди-да, менга орқасини ўгириб, қўллари билан юзини беркитди.

Мен гапимда давом этишга ўзимда куч топишдан аввал бироз кутиб турдим. Шу сукут дақиқаларида, билмадим, нимани кўпроқ ҳис қилдим экан — у нафрати билан менга етказган таҳқириними ёхуд менга уни қайғусини баҳам кўришга имкон бермаган мағрур қатъиятними?

— Агар сиз биринчи бўлиб гап бошламасангиз, — дедим мен, — буни мен қилишим керак бўлади. Мен бу ерга сизга баъзи бир ўта жиддий гапларни айтиш ниятида келганман. Менга нисбатан лоақал адолатлироқ муносабатда бўласизми? Айтмоқчи бўлган гапларимни тинглашга розимисиз?

У қимир этмади ва жавоб ҳам бермади. Мен ундан бошқа ҳеч нарса деб сўрамадим; мен унинг стули томон бир қарич ҳам жилганим йўқ. Худди уникига ўхшаш қатъиятли ғуруримни намойиш этиб, мен унга Билқиллама қумларда қилган кашфиётимни ва мени унинг қошига олиб келган воқеаларни ҳаммасини гапириб бердим. Табиийки, ҳикоя унча кўп вақт олгани йўқ. Ҳикоямнинг бошидан-охиригача у менга ўгирилиб қарамади ҳам, бир оғиз гапирмади ҳам.

Мен ўзимни тутиб турардим. Бугун келажагим, афтидан, шу дақиқаларда ўзимни йўқотиб қўяманми-йўқми — шунга боғлиқ эди. Мистер Бреффнинг назариясини текшириб кўриш фурсати етган эди. Бугун вужудимни уни синаб кўриш иштиёқи эгаллаб олди. Шу иштиёқ алангасида ёна-ёна мен стулни айланиб ўтдим-да, Рэчель билан юзма-юз бўлдим.

— Мен сизга битта савол беришим керак, — дедим мен. — Бу мени оғир ва ёқимсиз масалага қайтишга мажбур қилади. Розанна Спирман сизга менинг тунги кўйлагимни кўрсатганми? Ҳами, йўқми?

У сапчиб ўрнидан турди-да, менга яқин келди. Унинг кўзлари менинг юзимга санчилгандай эди. Гўё у менинг юзимда шу пайттача ҳеч ким ўқимаган бир нарсани ўқимоқчидай эди.

— Сиз жинни бўлиб қолибсиз! — деб хитоб қилди у.

Мен ҳамон ўзимни тутиб турардим. Хотиржам жавоб бердим.

— Рэчель, саволимга жавоб берасизми?

У менга эътибор бермай, гапида давом этди.

— Бу ерда қандайдир менга маълум бўлмаган мақсад йўқми? Келажак учун хавотир олиш йўқмикин? Бу менга ҳам соя солмайдими? Отангизнинг

вафотидан кейин бойиб кетган эмишсиз. Балки сиз бу ерга менинг олмосимнинг қимматини менга қайтариш учун келгандирсиз? Наҳотки, ҳузуримга шунақа ният билан келишга юзингиз чидаса? Сизнинг қалбаки гуноҳсизлигингизнинг ва Розанна ҳақидаги олди-қочдиларингизнинг сири шунда эмасми? Шу ёлғон қаърида уят деган нарсадан асар ҳам йўқми?

Мен унинг гапини бўлдим. Ортиқ чидашнинг иложи йўқ эди.

— Сиз мени ҳаддан ташқари хафа қилдингиз, — деб қичқирдим мен. — Сиз ҳали ҳам мендан гумон қилиб, мени олмосни ўғирлаган деб ўйлаяпсиз. Нима сабабдан шундай деб ўйлайсиз? Мен буни билишни истайман. Буни билишга ҳаққим бор!

— Гумон қилиб дейди-я! — дея хитоб қилди у худди менга ўхшаб ҳаяжонга тушар экан. — Вой аблаҳ-ей! Олмосни қандай қилиб олганингизни мен ўз кўзларим билан кўрганман!

Бу сўзлардан чарақлаб намоён бўлган кашфиёт, мистер Брефф боумид бўлган нарсаларнинг бирваракайига маҳв этилиши мени карахт қилиб қўйди. Мен бутун гуноҳсизлигимга қарамай, унинг қаршисида сукут сақлаб турардим. Унинг назарида, бошқа ҳар қандай одамнинг назарида мен жиноятчи фош бўлганидан ларзага тушган одамга ўхшаб кўринган бўлишим керак эди.

Менинг ҳақир аҳволим ва ўзининг тантанасидан Рэчель хижолатга тушди. Кўққисдан забонсиз бўлиб қолганим уни қўрқитиб юборди, шекилли.

— Ўшанда мен сизни аяган эдим, — деди у. — Мен сизни ҳозир ҳам аярдим. Лекин ўзингиз мени гапиришга мажбур қилдингиз.

У худди хонадан чиқиб кетмоқчи бўлгандай нари кетди, лекин эшикка етиб бормай, иккиланиб қолди.

— Нега бу ерга ўзингизни хўрлагани келдингиз? — деб сўради у. — Нега сиз бу ерга мени хўрлагани келдингиз?

У бир неча қадам қўйди-да, яна тўхтади.

— Худо ҳаққи, бирон нарса десангиз-чи! — дея хитоб қилди у ҳаяжон ичида. — Юрагингизда жиндай раҳм-шафқат қолган бўлса, мени бунақа қилиб хўрлаб қўйманг. Бирон нарса денг-да, мени хонадан қувиб чиқаринг.

Ўзим нима қилаётганимни билмаган ҳолда, унга яқинлашдим. Балки, у яна бирон нарса деб улгурмасдан тўхтатиб қолиш ҳақида бирон ғира-шира фикр хаёлимдан липиллаб ўтгандир. Рэчель ўз кўзларининг шоҳидлигига асосланиб туриб мени айблаганини билган дақиқадан бошлаб, мен учун ҳеч нарса, ҳатто ўзимнинг гуноҳсизлигимга ишончим ҳам аён бўлмай қолди. Мен унинг қўлини ушладим, у билан қатъий оҳангда, оқилона гаплашмоқчи бўлдим, аммо гапиролган гапим фақат шу бўлди:

— Рэчель, сиз бир вақтлар мени севар эдингиз!

У титраб кетди ва мендан ўгирилди. Унинг заиф ва қалтираётган қўли ҳамон менинг қўлимда эди.

— Қўлимни қўйиб юборинг, — деди у заиф товуш билан.

Хонага кирганимда менинг овозим унга қандай таъсир қилган бўлса, ҳозир қўлини қўлимга олганим ҳам худди шундай таъсир қилди. У мени қўрқоқ деб атагандан кейин ҳам, пешонамга ўғирлик тамғасини ёпиштирган эътирофидан кейин ҳам унинг қўли менинг қўлимда экан, у ҳамон ҳукмимда эди.

Мен уни астагина хона ўртасига етаклаб келдим-да, ёнимга ўтқаздим.

— Рэчель, — дедим мен, — сизга ҳозир айтадиган гапларимдаги зиддиятни тушунтириб беришга қодир эмасман. Сиз ҳақиқатни айттанингиз каби мен ҳам сизга фақат ҳақиқатни айта оламан, холос. Сиз менинг олмосни қандай қилиб олганимни кўргансиз. Аммо тепамизда худо турипти, ҳудо ҳаққи қасам ичиб айтаман, олмосни мен олганимни ҳозир биринчи марта билиб турибман. Сиз ҳамон мендан шубҳа қилишда давом этаяпсизми?

У ё менинг сўзларимга эътибор бермади ёки уларни эшитмади.

— Қўлимни қўйиб юборинг, — деб такрорлади у паст овоз билан.

Бу унинг менга берган бирдан-бир жавоби эди. Унинг боши менинг елкамга эгилди, қўлларини қўйиб юборишимни сўраган лаҳзада эса унинг қўли беихтиёр қўлимни қисди.

Мен саволни такрорлашдан ўзимни тийдим. Аммо шу билан сабрим ҳам тугаб бўлган эди. Мен тушундимки, агар Рэчелни ҳамма нарсани батафсил айтиб беришга мажбур этаолсам, ҳалол одамларнинг кўзига яна тик қараёладиган бўламан. Ихтиёримда қолган бирдан-бир умид шунда эдики, эҳтимол, Рэчель занжирдаги бирор ҳалқага эътибор бермагандир, бирор арзимас нарса унинг диққатини соқит қилгандир. Эҳтимол, худди шу арзимас нарса чуқурроқ тадқиқ қилиб кўрилса, менинг гуноҳсизлигимни исботлайдиган муҳим омил бўлиб чиқар. Тан олишим керак, мен унинг қўлини қўйиб юборганим йўқ. Тан олишим керак, мен у билан худди аввалги замонлардагидек жуда илиқ ва самимий гап бошладим.

— Мен сиздан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчиман, — дедим мен. — Бир нарсани билишни истайман — биз бир-биримизга хайрли тун тилаган дақиқадан бошлаб олмосни мен олганимни кўрган вақтингизга қадар нимаики рўй берган бўлса ҳаммасини гапириб беринг.

У елкамдан бошини кўтарди-да, қўлини бўшатиб олиш учун ҳаракат қилди.

— О! Нима кераги бор бу гапларга қайтиб? — деди у. — Ўтмишга қайтишнинг не ҳожати бор?

— Нима ҳожати борлигини айтаман, Рэчель. Сиз билан мен қандайдир мудҳиш бир ёлғоннинг қурбонларимиз. Бу ёлғон бугунгача ҳақиқат ниқобида юрипти. Туғилган кунингиздан кейинги тунда рўй берган воқеаларга икковимиз биргаликда кўз ташлаб кўрсак, эҳтимолки, бир-биримизни яна тушуниб кетармиз.

Унинг боши яна елкамга эгилди. Унинг кўзларига ёш қалқди ва секингина ёноқларидан оқди.

— О! — деди у. — Кошки эди мен шу умид билан яшамаган бўлсам! Наҳотки, мен буларнинг барига ҳозир сиз қараётган нуқтаи назардан қарашга уриниб кўрган бўлсам!

— Сиз ёлғиз урингансиз, — деб жавоб бердим мен. — Сиз ҳали менинг ёрдамим билан уриниб кўрганингиз йўқ.

Бу сўзларни айтар эканман, юрагимда умид учқуни йилтирагандек бўлди. Назаримда, бу сўзлар унда ҳам умид учқунларини ёқди, шекилли. У менинг саволларимга мутелик билангина эмас, донолик билан жавоб бера бошлади. У менга бажонудил бутун қалбини очмоқда эди.

— Биз бир-биримизга хайрли тун тилаганимиздан кейин нималар рўй берганидан бошлайлик, — дедим мен. — Сиз ўрнингизга ётдингизми, йўқми?

— Мен ўрнимга ётдим.

— Соат неча бўлганини пайқаганмидингиз? Кеч бўлиб қолганмиди?

— Унчалик эмас, менимча, ўн иккилар эди.

— Дарров ухладингизми?

— Йўқ. Мен ўша кеча ухлаёлганим йўқ.

— Бирон нарсадан хавотирдамидингиз?

— Сизни ўйлаб ётган эдим.

Унинг бу жавоби мени жамики мардлигимдан маҳрум қилгандай бўлди. Унинг сўзларидан кўра гапининг оҳанги тўғри юрагимга етиб боргандай бўлди. Бироз сукут қилиб, ўзимга келиб олганимдан кейингина давом этиш имконига эга бўлдим.

— Хонангизда чироқ бормиди? — сўрадим мен.

— Йўқ. Кейинчалик ўрнимдан туриб, шам ёқдим.

— Тўшакка ётганингиздан кейин чамаси қанча вақтдан кейин?

— Бирор соатдан кейин, шекилли.

— Сиз ётоқдан чиқдингизми?

— Чиқмоқчи эдим. Устимга халатимни ташлаб, меҳмонхонага китоб учун чиқмоқчи эдим.

— Сиз ётоғингизни эшигини очдингиз...

— Очдим.

— Лекин ҳали меҳмонхонага кирганингизча йўқ?..

— Йўқ. Мен тўхтаб қолдим.

— Нима сабабдан тўхтадингиз?

— Мен эшикнинг тагидаги ёриқдан чироқнинг шуъласини кўрдим ва қадам товушини эшитдим.

— Қўрқиб кетдингизми?

— Йўқ. Шўрлик онам уйқусизлик дардига дучор эканини билардим. Олмосни менга бергин, эҳтиёт қилиб, сақлаб қўяман, деганлари эсимга тушди. Менга онамнинг олмосдан хавотирланиши асоссиздай туюлди ва хаёлимда онам ётган-ётмаганимни кўргани келгандай, ҳали ухламаган бўлсам олмос ҳақида мен билан гаплашмоқчидай кўринди.

— Кейин нима қилдингиз?

— Онам мени ухлаяпти деб ўйлаши учун шамни ўчирдим. Мен жуда ўжарман — олмоснинг ўзим қўйган жойда тураверишини истаган эдим.

— Шамни ўчириб, яна ўринга ётдингизми?

— Йўқ, улгурмадим. Шамни ўчирган дақиқада меҳмонхонанинг эшиги очилди. Кўрдимки...

— Кимни кўрдингиз?

— Сизни.

— Одатдагидек кийинган эдимми?

— Йўқ. Тунги кўйлакда эдингиз. Қўлингизда шам...

— Ўзим ёлғизмидим?

— Ёлғиз эдингиз.

— Сиз юзимни кўришингиз мумкинмиди?

— Ҳа.

— Аниқми?

— Мутлақо, қўлингиздаги шам юзингизни ёритиб турарди.

— Кўзларим очиқмиди?

— Ҳа.

— Сиз кўзларимда бирор ғалати нарсани сезмадингизми? Уларда аллақандай синчков назар ёхуд бирон маъносиз ифода йўқмиди?

— Йўқ. Лекин кўзларингиз ҳар доимгидан кучлироқ чақнаб турарди. Сиз хонани шу даражада бесаранжомлик билан кўздан кечирар эдингизки, гўё ўзингизни бўлишингиз керак бўлмаган жойга тушиб қолгандек ҳис этардингиз ва сизни пайқаб қолишларидан қўрқардингиз.

— Сиз эътибор бердингизми — мен хонага кираётганимда қиёфам қанақа эди?

— Сиз ҳар доимгидек юриб келдингиз. Хонанинг ўртасига бордингизда, тўхтаб, тевaрак-атрофга разм солдингиз.

— Мени кўрганингиздан кейин нима қилдингиз?

— Мен ҳеч нарса қила олмадим. Турган жойимда тошдек қотиб қолган эдим. На тилимга гап келди, на қичқира олдим. Мен ҳатто ҳаракатга келиб, эшикни беркитишга ҳам ярамадим.

— Сиз турган жойингиздан мен сизни кўра олармидим?

— Албатта, сиз мени кўра олардингиз. Аммо сиз бир марта ҳам менга қараганингиз йўқ. Бу саволни беришнинг фойдаси йўқ. Ишончим комилки, сиз мени кўрганингиз йўқ.

— Нима учун ишончингиз комил?

— Акс ҳолда олмосни олармидингиз? Кейинчалик қилган ишларингизни қилармидингиз? Ўша пайтда ухламаганимни ва сизга қараб турганимни билганингизда ҳозир бу ерда бўлармидингиз? Мени бу тўғрида гапиришга мажбур қилманг. Мен сизга хотиржам жавоб бермоқчиман. Хотиржам кайфиятимни сақлашимга ёрдам беринг. Келинг, бошқа бирон нарсага ўта қолайлик.

У ҳақ эди. Ҳар жиҳатдан ҳақ эди. Мен бошқа масалага ўтдим.

— Хонанинг ўртасига бориб, тўхтаб қолганимдан кейин мен нима қилдим?

— Ўгирилдингиз-да, тўппа-тўғри деразанинг ёнидаги бурчакка — менинг ҳинди жавоним турадиган жойга бордингиз.

— Мен жавоннинг олдида турганимда сизга орқа ўгириб турган бўлишим керак. Нима қилаётганимни қандай қилиб кўрдингиз?

— Сиз ўрнингиздан қўзғалганда мен ҳам қўзғалдим.

— Мен нима қилаётганимни кўриш учунми?

— Менинг меҳмонхонамда учта кўзгу бор. Сиз у ерда турганингизда мен сизнинг аксингизни кўзгулардан бирида кўриб турдим.

— Қани, нималарни кўрдингиз?

— Сиз шамни жавоннинг устига қўйдингиз. Ғаладонларни очиб-ёпиб кўра бошладингиз. Ниҳоят, олмос қўйилган ғаладонни очдингиз. Бир лаҳза очиқ ғаладонга қараб турдингиз-да, кейин унга қўлингизни тиқиб, олмосни олдингиз.

— Олмосни олганимни нимадан билдингиз?

— Ғаладонга қўлингизни тиққанингизни кўрдим. Кейин қўлингизни ғаладондан олганингизда кўрсаткич бармоғингиз билан бош бамоғингизнинг орасида олмоснинг чарақлагинини кўрдим.

— Ғаладонни беркитиб қўймоқчи бўлиб яна қўлимни жавонга узатмадимми?

— Йўқ. Олмос ўнг қўлингизда эди. Шамни эса жавоннинг устидан чап қўлингиз билан олдингиз.

— Шундан кейин яна теварак-атрофга аланг-жаланг қарадимми?

— Йўқ.

— Шу заҳотиёқ хонадан чиқиб кетдимми?

— Йўқ. Менга шундай туюлдики, сиз анча вақтгача қимир этмай қаққайиб туриб қолдингиз. Мен юзингизни кўзгуда кўриб турдим. Сиз ўйланиб қолган ва ўзининг ўйларидан қаноат ҳосил қилмаган одамга ўхшар эдингиз.

— Кейин нима бўлди?

— Сиз бирдан хаёлдан уйғондингизу, дарҳол хонадан чиқиб кетдингиз.

— Орқамдан эшикни қулфладимми?

— Йўқ. Сиз тезгина йўлакка чиқдингиз. Эшик очиқ қолди.

— Кейин-чи?

— Кейин шамингизнинг шуъласи ғойиб бўлди. Оёқ товушларингиз тинди. Мен хонада ёлғиз қолдим.

— Шундан кейин олмос йўқолганидан ҳамма хабардор бўлган дақиқага қадар ҳеч нарса рўй бермадими?

— Ҳеч нарса.

— Бунга ишончингиз комилми? Кейин бирпасга бўлса-да, ухлаб қолганингиз йўқми?

— Мен бутунлай ухлаганим йўқ. Ўшандан кейин бутунлай тўшакка ётганим йўқ. Ўзининг ҳар кунги вақтида, яъни эрталаб Пенелопа кириб келгунга қадар ҳеч нарса рўй бергани йўқ.

Мен унинг қўлини қўйиб юбориб, ўрнимдан турдим-да, хонани айланиб чиқдим. Менинг ҳар бир саволимга жавоб берилган эди. Мен билишни истаганим ҳар бир тафсилот кўз ўнгимда ёритиб берилган эди. Мен ҳатто уйқусираб туриб юришим ва мастлигим ҳақидаги ўйга ҳам қайтай дедим. Лекин яна на униси, на бунисининг бўлиши мумкин эмаслиги менга аён бўлди — бу гал мени ўз кўзи билан кўрган гувоҳ буни рад этди. Энди нима демоқ керак эди? Энди нима қилмоқ даркор эди? Менинг теварак-атрофимни қуюқ зулмат қуршаб олган эди. Бу зулмат ҳамма нарсани ютиб юборган эди. Фақат бирдан-бир кўзга кўринадиган ва сезса бўладиган фактгина, яъни менинг ўғрилигимгина кўз ўнгимда зулмат қўйнида аниқ гавдаланиб турарди. Мен Розанна Спирманнинг Билқиллама қумлардаги сиру асроридан воқиф бўлганимда биронта йилт этган умид учқуни намоён бўлмаган эди. Эндиликда эса Рэчелнинг ўзига мурожаат қилиб, унинг оғзидан ўша тун тарихини эшитганимдан кейин ҳам йилт этган умид учқуни пайдо бўлмади.

Бу гал сукунатни биринчи бўлиб Рэчель бузди:

— Хўш, — деди у, — сиз сўрадингиз, мен жавоб бердим. Бу савол-жавобимиздан бирор нарса чиқиши мумкин, деб кўнглимга умид солдингиз, чунки ўзингиз ҳам нималардандир умид қилган эдингиз. Хўш, энди нима дейсиз?

У шундай оҳангда гапирдики, бу оҳанг унга менинг таъсирим ортиқ ўтмай қолганидан далолат берар эди.

— Биз туғилган кунимдан кейинги тунда рўй берган воқеаларни бирга назардан ўтказиб чиқмоғимиз керак эди, — деб давом этди у. Шунда бир-биримизни тушунишимиз керак эди. Хўш, бир-биримизни тушуняпмизми энди?

У шафқатсизлик билан жавобимни кутарди. Унга жавоб бературиб мен ҳалокатли бир хатога йўл қўйдим – ҳолатимдаги аламли ночорлигим устун келиб, ўзимни қўлга ололмай қолдим. Палапартиш ва маъносиз бир тарзда шу пайттача мени ҳамма гапдан бехабар қолдириб индамай келгани учун ундан гина қила бошладим.

– Агар сиз гапиришингиз керак бўлган пайтда бу гапларни гапирганингизда эди; агар сиз менга нисбатан жиндай адолатли бўлиб, тушунтириб берганингизда эди...

Ғазабли бир фарёд билан у гапимни бўлди. Мен айтган гаплар уни бир лаҳзада ловуллатиб юборган эди.

– Тушунтириб берганда эмиш! – дея такрорлади у. – О, дунёда яна бунақа одам топилармикин? Менинг юрагим тилка-пора бўлган бир дақиқада мен уни аядим. Гап менинг номусу шаъним ҳақида кетаётганда мен уни ҳимоя қилдим. Энди эса у "тушунтириб берганингизда эди" деб мендан таъна қиляпти. Мен унга ишонган бўлсам, уни севган бўлсам, кундуз кунлари унинг тўғрисида ўйлаган бўлсам, кечалари уни тушларимда кўриб чиққан бўлсаму, у эндиликда мендан биз биринчи марта учрашганимизда нима учун мени виждонсизликда айбламагансиз, деб сўраб ўтирса... "Менинг севимли ёрим – сен ўғрисан! Мен яхши кўрадиган, мен ҳурмат қиладиган қаҳрамоним – сен тун қоронғусини парда қилиб хонамга пусиб кирдинг-да, менинг олмосимни ўғирладинг!" – хўш шунақа дейишим керак экан-да! О, ярамас, о, пасткаш, пасткаш разил! Юзингизни ҳозиргидек менга ёлғон гапириб турган бир ҳолатда кўришдан кўра элликта олмосдан ажралишни афзал билардим.

Мен шляпамни қўлга олдим. Унга раҳмим келганидан – ҳа, рост айтяпман, – унга раҳмим келганидан бир оғиз ҳам гап гапирмай ўгирилдим-да, хонага кирган эшигимдан ташқарига чиқа бошладим.

У менинг орқамдан келди, мени эшикдан ичкарига итариб юборди-да, уни тарақлатиб ёпди ва ҳозиргина ўзим тарк эттан стулни кўрсатиб, ўтиришни буюрди.

– Йўқ! – деди у. – Ҳозир эмас! Ҳали мен сизнинг қаршингизда ўз ҳулқи-атворимни оқлашим ҳам керак экан-да! Хўп, яхши. Қани, ўтиринг, эшитинг, бўлмаса. Агар сиз менинг ихтиёримсиз бу ердан чиқиб кетадиган бўлсангиз, бу дунёдаги энг катта пасткашлик бўлади.

Уни кўриш мен учун машаққат эди, унинг гапларини эшитиш нақадар оғир эди. Қўлимдан келгани шу бўлдики, мен имо билан иродангизга бўйсунаман деб жавоб бераолдим, холос.

Орқамга қайтиб, индамай стулга ўтирганимдан кейин, унинг ғазабдан оқариб кетган юзига қон югура бошлади. У бироз кутиб, нафасини ростлади. У гап бошлаганида на гап оҳангида, на юзида биронта ҳисдан нишона зуҳур ўлмади. У менга қарамай гапирарди. У қўлларини тиззасига маҳкам тираб олган, нигоҳи эса ерга қадалган эди.

– Мен сизга инсоф юзасидан муомала қилмоғим ва ҳамма нарсани тушунтириб бермоғим керак эди, – деб такрорлади у менинг сўзларимни. – Ўзингиз кўрасиз, мен сиз билан инсоф юзасидан муомала қилишга уринганманми, йўқми? Мен ҳозир сизга айтдимки, сиз менинг меҳмонхонамдан чиқиб кетганингиздан кейин мен ўрнимга ётганим йўқ ва ўша кеча бутунлай кўз юммай тонг орттирдим. Туни билан нималарни ўйлаб чиққанимни сизга гапириб, сизни зериктириб ўтиришнинг фойдаси йўқ – барибир, сиз мени тушунмайсиз. Фақат бир неча муддатдан кейин ўзимга келгач, нималар қилганимни айтиб берай. Мен уйда тўс-тўпалон кўтармасликка ва рўй берган воқеа тўғрисида ҳеч кимга оғиз очмасликка аҳд қилдим. Ҳолбуки, уни гапириб беришим керак эди. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганимга қарамай, сизни шу қадар яхши кўрардимки, сизнинг ўғри эканингиздан бошқа ҳамма нарсага ишонишга тайёр эдим. Ўйлай, ўйлай, охири, ўтириб, сизга мактуб ёздим.

– Мен ҳеч қачон бу мактубни олганим йўқ.

– Биламан, сиз ҳеч қачон бу мактубни олган эмассиз. Бироз шошманг, олмаганингиз сабабини эшитасиз. Менинг мактубим сизга ҳеч нарсани аниқ-тиниқ қилиб айтмас эди. Агар бу мактуб бировнинг қўлига тушиб қолса, у

сизни умрбод ҳалок ҳам қилмас эди. Унда фақат шу гап айтилганди – сиз адашмай унинг мағзини чақиб олардингиз – сизни менинг олдимда қарздор деб ҳисоблаш учун ҳамма асосга эгаман, мен билан онамга маълумки, сиз ўзингизга зарур бўлиб қолганда пул топмоқчи бўлсангиз, ҳаром-харишга қараб ўтирмас экансиз. Шу гапларни ўқиётганингизда француз адвокатининг ташрифини эслардингиз ва нимага шаъма қилаётганимни фаҳмлаб олардингиз. Сиз мактубни шундан кейин ҳам қизиқиб ўқишда давом этсангиз, мен сизга айтмоқчи бўлган таклифга етиб келардингиз. Бу таклиф махфий бўлиши керак эди (бу ҳақда икковимиз ҳам овоз чиқариб бирор оғиз гап айтмаслигимиз шарт эди). Таклиф шу эдики, мен топишим мумкин бўлган даражада сизга катта миқдорда пул қарз бермоқчи эдим. Мен керагича пулни топар ҳам эдим, – деб хитоб қилди Рэчель. Унинг ёноқларидаги қизиллик яна қуюқлашди, у менга қаради. – Агар бошқа йўл билан пул тополсам, олмосни мен ўзим гаровга қўйишим мумкин эди. Мен сизга мактубда шулар тўғрисида ёзган эдим. Шошманг. Мен бундан ортиқроқ ҳам иш қилганман. Мен Пенелопа билан мактубни шахсан ўз қўлингизга топширишни келишиб ҳам қўйгандик. Ётоғимни ичидан беркитиб олиб, эрталаб меҳмонхонани очиқ ва холи қолдирмоқчи эдим. Мен умид қилган эдим – чин юракдан жуда-жуда умид қилган эдимки, сиз шу имкониятдан фойдаланиб, махфий тарзда олмосни жавонга қайтариб қўйиб қўясиз деб.

Мен бир нарса деб гапиришга чоғландим. У бетоқат ҳаракат билан мени тўхтатди. Унинг кайфияти тез-тез ўзгариб турарди. Ҳозир яна ғазаби авж ола бошлади. У стулдан туриб, олдимга келди.

– Сиз нима дейишингизни биламан, – деб давом этди у. – Сиз менга яна мактубимни олмаганингизни эслатмоқчисиз. Нега олмаганингизнинг сабабини айтишим мумкин – мен мактубни йиртиб ташладим.

– Нима сабабдан?

– Сабаб жуда асосли. Мен сиздек одамга мактубни бергандан кўра йиртиб ташлашни афзалроқ билдим. Эрталаб менга етиб келган хабарлар қандай эди денг? Мен ўз режамни тузиб бўлишим билан нималарни эшитдим. Шуни эшитдимки, сиз, ҳа, сиз!!! – Уйда ҳаммадан аввал полицияни чақирибсиз. Сиз ҳаммадан кўпроқ жон куйдираётган экансиз, ҳаммадан фаолроқ экансиз, олмосни қидириш ишида асосий қаҳрамон экансиз. Сизнинг дадиллигингиз шу даражага етиптики, ҳатто олмоснинг йўқолиши ҳақида мен билан гаплашмоқчи бўлибсиз. Ҳолбуки, олмосни ўзингиз ўғирлаган эдингиз. Шу вақт ичида олмос сизнинг қўлингизда турганда, Сизнинг мудҳиш алдамчилигингиз ва риёкорлигингиз шу тарзда исботини топгандан кейин мен мактубимни йиртиб ташладим. Аммо сиз чақирган полициячининг сўроғу тафтишлари жон-жонимдан ўтиб кетган бир ҳолатда, ҳа, ҳатто ўшанда ҳам қалбим алланечукдир сўқир бўлиб, сиздан бутунлай воз кечишимга қўймади. Мен ўз-ўзимга дедим: “У уйдаги одамлар олдида ўзининг разил ўйинини намойиш этяпти. Қани, кўрайлик-чи, қаршимда ҳам бу ўйинни ўйнай олармикин?” Кимдир менга сизнинг айвондалигингизни айтди. Мен ўзимни сизга қарашга мажбур қилдим. Мен ўзимни сиз билан гаплашишга мажбур қилдим. Ўшанда сизга нима деганим эсингиздан чиққан бўлса керак?

Мен ҳар битта сўзингиз эсимда турипти, деб жавоб беришим мумкин эди. Аммо шу дақиқада бу жавобимдан менга қандай фойда бўлиши мумкин эди?

Ўша пайтда унинг айтган гапи мени ҳайрон қолдирганини ва хафа бўлганимни, уни жуда хатарлик асабий жунбуш ёқасида эмасмикин деб хавотир олишга мажбур қилганини, олмоснинг йўқолиши қолган ҳамма каби унинг учун ҳам сирмикин, йўқми, деган шубҳа қалбимда пайдо бўлганини, аммо менга ҳақиқатнинг лоақал йилт эттан шуъласини ҳам кўрсатмаганини қандай қилиб айта олар эдим? Ўзимни оқлаш учун бирон-бир исботу далилга эга бўлмай туриб, қандай қилиб Рэчель мен билан айвонда гаплашган пайтда унинг хаёлида нималар кечганини энг бегона одамдан кўра ҳам камроқ билганимга уни ишонтира олармидим?

– Эҳтимол; сизнинг манфаатларингиз буни унутишни тақозо этар, аммо менинг манфаатларим хотирда сақлашни талаб қилади, – деб давом этди у. – Мен нима деганимни яхши биламан, чунки уларни айтишдан аввал роса

ўйлаб кўрганман. Мен сизга ҳақиқатни тан олишингиз учун бирин-кетин бир неча имконият бердим. Мен иложим бор гапларнинг ҳаммасини айтдим – фақат сизнинг ўғирлик қилганингиз менга маълум экани ҳақида индамадим, холос. Сизнинг эса менга берган жавобингиз шу бўлдики, ёлғондакам ҳайрат билан менга қараб, ўзингизни бегуноҳ одам қиёфасига солдингиз. Мана, ҳозир ҳам худди ўшандагидай ёлғон таажжуб билан қараб турибсиз. Мен ўша куни эрталаб, ниҳоят, сизнинг қанақа одам эканингизни билиб олдим. Сиз ўша пайттача дунёда ўтган аблаҳлар ичида энг пасткаши экансиз.

– Агар сиз ўшанда ўз фикрларингизни охиригача тўла-тўкис айтганингизда эди, менинг олдимдан гуноҳсиз одамни тошбағирлик билан ҳақорат қилган одамдай кетар эдингиз, Рэчель.

– Агар мен гапларимни бошқаларнинг ҳузурида айтганимда эди, – деб эътироз билдирди у яна янгидан ғазаби авж олиб, – унда сиз бир умрга шарманда бўлар эдингиз. Агар мен ёлғиз ўзингизга айтганимда, худди ҳозиргидек ҳамма нарсадан тониб тураверар эдингиз. Наҳотки, мени гапларингизга ишонади деб ўйласангиз? Сизнинг нима қилганингизни мен ўз кўзим билан кўрдим. Қилғиликни қилиб қўйиб, кейин нималар қилганингизга ҳам шоҳид бўлдим. Шунча ишларни қилган одам ўзини ёлғондан тийиб ўтирармиди? Сизга такрор айтаман, ўғирлик қилиб турганингизни кўрганимдан кейин сиздан ёлғон эшитишимдан қўрқаман. Сиз буларни бир неча оғиз гап билан тузатиб юборса бўладиган бир англашилмовчиликдай гапирасиз. Мана энди, англашилмовчилик ечилди. Лекин иш тузалдими? Йўқ, иш ҳамон ҳам аввалги ҳолида турипти. Мен сизга ҳозир ҳам ишонмайман. Сизнинг тунги кўйлакни топганингизга ишонмайман, Розанна Спирман сизга мактуб ёзганига ишонмайман, сизнинг биронта сўзингизга ишонмайман. Сиз олмосни ўғирлагансиз – буни ўзим кўрганман. Сиз гўё ўзингизни полицияга ёрдам бераётгандай қилиб кўрсаттансиз – буни ўзим кўрганман. Сиз лондонлик судхўрга олмосни гаровга қўйгансиз – бунга ишончим комил. Сиз бегуноҳ бир одамдан виждонсизликда гумонсирашларига сабаб бўлдингиз – бунга менинг индамаслигим ҳам сабаб бўлди. Сиз қўлингизда ўлжангиз билан қитъага қочиб кетдингиз. Шунча қабиҳликлардан кейин сиз яна бир иш қилдингиз. Сиз оғзингизда сўнгги ёлғон билан бу ерга келдингиз. Бу ерга келиб, сиз мени ҳақорат қилдингиз, дедингиз.

Агар мен яна бир дақиқа ортиқроқ қоладиган бўлсам, оғзимдан шундай гаплар чиқиб кетар эдики, кейинчалик мен уларни беҳуда бир пушмон ва таассуф билан эслаб юрардим. Мен Рэчелнинг ёнидан ўтиб бордим-да, яна эшикни очдим. Ва яна у аёлларга хос ашаддий бир ғазаб билан қўлимни ушлаб олди-да, йўлимни тўсди.

– Қўйиб юборинг мени, Рэчель, – дедим мен, – шундай қилсам икковимизга ҳам яхши бўлади. Қўйиб юборинг.

Оташин ғазабдан унинг кўкси кўтарилиб, тушиб турипти, у мени эшик олдидан кеткизмай ушлаб турар экан, тез-тез, энтикиб олаётган нафаси юзимга тегай-тегай дер эди.

– Сиз нега бу ерга келдингиз?! – дея хитоб қилди у алам билан. – Сиздан яна сўрайман – сиз нега бу ерга келдингиз? Сирингизни фош қилиб қўйишимдан қўрқасизми? Энди сиз бадавлатсиз, энди сиз зодагонлар дунёсида ўз ўрнингизни эгаллагансиз, энди сиз бутун Англиядаги энг яхши қизга уйланишингиз мумкин. Ёки сиз дунёдаги сиздан бошқа ҳеч кимга айтмаган гапларимни ҳаммага айтиб юборади деб қўрқасизми? Мен бу гапларни айта олмайман. Мен сизни фош қила олмайман. Агар бунинг бўлиши мумкин бўлса, мен сиздан кўра беш баттарроқман!

У ҳўнграб юборди. У бор забти билан кўз ёшларини енгишга ҳаракат қиларди – шундан бўлса керак, борган сари мени маҳкамроқ ушлаб олмоқда эди.

– Ҳатто ҳозир ҳам мен юрагимдан сизга бўлган туйғуни юлиб олиб ташлаёлмайман, – деб қичқирди у. – Сиз менинг ана шу шармандали ожизлигимга ишонсангиз бўлади. Мен сизга қарши фақат шу йўл билангина кураша оламан.

У бирдан мени қўйиб юборди-да, қўлларини юқорига кўтариб, жазава билан уларни қайира бошлади.

— Дунёдаги бошқа ҳар қандай аёл унга қўл теккизишни ўзи учун шармандалик деб билган бўлур эди, — деб хитоб қилди у. — Ё тангрим! Мен ундан кўра ўзимдан кучлироқ нафратланяпман.

Ихтиёримдан ташқари кўзларимда ёш пайдо бўлди. Бундай мудҳиш манзарага ортиқ чидай олмас эдим.

— Сиз мени бекорга ҳақорат қилганингизга ҳали амин бўласиз, — дедим мен. — Ёки мени ортиқ ҳеч қачон кўрмайсиз.

Шу сўзлар билан мен уни тарк этдим. У бир лаҳза олдин ўтирган стулидан сапчиб турди-да, ёндаги хона орқали мени кузатиб қўйди. У олижаноб бир инсон эди — кузатиб қўяркан, видолашиш ўрнига менга меҳр-шафқатга тўла сўзларини айтди.

— Фрэнклин! — деди у. — Мен гуноҳингиздан ўтдим. О, Фрэнклин, Фрэнклин! Биз ортиқ ҳеч қачон учрашмаймиз. Айтинг менинг гуноҳимдан ўтганингизни.

Мен ўгирилдим айтадиган гапимни айтишга мажолим йўқ эди — уни юзимдан уқиб олсин дедим. Мен ўгирилдим-да, қўлимни силкитдим. Ниҳоят, кўз ёшларим ғолиб келди — кўзимни тўсган ёш пардаси орқали унинг ғирашира қоматини кўрдим.

Бир дақиқадан кейин ҳаммаси тамом бўлди. Мен яна боққа чиқдим. Ортиқ мен уни кўрмас ва овозини эшитмас эдим.

8-боб

Шу куни кечқурун мистер Брефф кутилмаганда меникига кириб келди.

Адвокатнинг муомаласида сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлган эди. Унинг одатдаги ўзига ишончи ва ғайратидан асар ҳам қолмаган эди. У умрида биринчи марта қўлимни индамай қисди.

— Хэмпстедга қайтиб кетяпсизми? — деб сўрадим мен номига бирор нарса дейиш учун.

— Ҳозир мен Хэмпстеддан келяпман, — деб жавоб берди у. — Хабарим бор, мистер Фрэнклин, сиз ниҳоят ҳамма гапни била олдингиз. Лекин сизга тўғрисини айтадиган бўлсам, агар мен бунинг ҳақи бу қадар юқори бўлишини олдиндан кўра олганимда, сизни аввалгидек ҳамма нарсадан бехабар қолаберганингизни афзал кўрардим.

— Сиз Рэчелни кўрдингизми?

— Мен уни Портлэнд-плейсга олиб бориб қўйиб, бу ёққа келдим. Унинг бир ўзини жўнатиб юборишнинг иложи йўқ эди. Мен сизни айблай олмайман — негаки, сиз у билан уйимда менинг ижозатим билан учрашдингиз. Лекин бу бахтсиз учрашув қиз бечорани жуда қаттиқ ларзага солипти. Мен бунақа ёвузлик бошқа такрорланмаслигининг чорасини кўраоламан, холос. Рэчель ёш, серғайрат, иродаси зўр. Бу синовга дош беради. Вақт ва осойишта ҳаёт унга ёрдам беради. Аммо мен бир нарсага ишонч ҳосил қилмоқчиман — сиз қизнинг тузалишига ҳалал берадиган ҳеч нарса қилмайсиз, хўпми? Мени розилигимсиз ва маъқуллашимсиз у билан яна кўришишга ҳаракат қилмайсиз — шу масалада сизга ишонсам бўладими?

— У чеккан изтироблардан кейин ва мен чеккан изтироблардан кейин, — деб жавоб бердим мен, — менга ишонсангиз бўлаверади.

— Сиз менга ваъда берасизми?

— Ваъда бераман.

Мистер Бреффнинг чеҳрасида енгил торттани акс этди. У шляпасини қўйиб, стулини меникига яқинроқ суриб ўтирди.

— Бу ҳал бўлди, — деди у. — Энди келажак ҳақида — сизнинг келажагингиз ҳақида гаплашайлик. Бу иш ҳозир жуда ғалати тус олди. Менимча, ундан чиқадиган хулоса, қисқача айтганда, бундай: Биринчидан, биз аминмизки, Рэчель сизга бор ҳақиқатни айтди, айтганда ҳам лўнда ва равшан қилиб айтди. Иккинчидан, гарчи биз бу ерда қандайдир мудҳиш бир хато борлигини

билсак-да, сизни айбдор деб ҳисоблагани учун Рэчелни қоралай олмаймиз. Чунки унинг фикри қизнинг ўз туйғуларига асосланган, унинг туйғуларини тўғридан-тўғри сизга қарши гувоҳлик берувчи шароитлар тасдиқлайди.

Шу ерда мен унинг гапини бўлдим.

— Мен Рэчелни қораламайман, — дедим, — фақат Рэчель мен билан ўша вақтдаёқ очиқ гаплашмагани учун афсусдаман, холос.

— Худди шу асослардан келиб чиқиб, Рэчелнинг бошқа бирор кимса эмас, айни Рэчель эканига ҳам афсус қилишингиз мумкин, — деб эътироз билдирди мистер Брефф. — Ўшанда ҳам шубҳа бор — бутун қалби билан сизнинг рафиқангиз бўлишини истаган боодоб қиз юзингизга қараб туриб сизни ўғирликда айблашга журъат қила олармиди, йўқми? Ҳар нима бўлганда ҳам, Рэчелнинг табиати бундай қилишга йўл қўймасди. Бундан ташқари, бугун шаҳарга кетаётганда йўлда унинг ўзи менга айтдики, ҳозир сизга ишонмаётгандай, ўшанда ҳам сизга ишонмаган бўларди. Сиз бунга жавобан нима дея оласиз? Тайинли ҳеч нарса деёлмайсиз. Қўйинг, қўйинг, мистер Фрэнклин. Менинг назариям бутунлай нотўғри бўлиб чиқди, мен бунга розиман. Аммо ҳозирги вазиятда ҳарҳолда менинг маслаҳатимга кирсангиз ёмон бўлмас эди. Сизга тўғрисини айтаман: агар бу биз орқага қайтиб, бу даҳшатли чигални энг бошидан ҳал қилишга уринадиган бўлсак, беҳудага бош қотирган бўламиз ва фурсатни ҳам бой берамиз. Ўтган йили леди Вериндернинг қишлоқдаги мулкида нима рўй берган бўлса, ҳаммасини унутайлик ва ўтмишда кашф этолмаган нарсаларимиз ўрнига келажакда нималар кашф қилаолишимизни бир кўздан кечирайлик.

— Сиз унутганга ўхшайсиз, — дедим мен, — бу ишнинг ҳаммаси, жилла бўлмаганда, менга дахлдор қисми айни ўтмишда содир бўлганди-ку...

— Менга жавоб беринг-чи, — деб эътироз билдирди мистер Брефф, — сиз нима деб ўйлайсиз, бу нохушликларнинг ҳаммасига сабаб айни Ойтошми? Ойтошми, йўқми?

— Албатта, Ойтош.

— Жуда яхши. Сизнинг фикрингизча, Ойтошни Лондонга олиб боришгандан кейин нима қилишган?

— Уни мистер Люкерга гаровга қўйишган.

— Биз биламизки, уни сиз гаровга қўйган эмассиз. Ойтошни ким гаровга қўйганини биласизми?

— Йўқ.

— Сизнингча, ҳозир Ойтош қаерда?

— У мистер Люкернинг банкирларига омонатга қўйилган.

— Ҳа, балли. Энди бир нарсага эътибор қилинг. Ҳозир июнь. Бу ойнинг охирида (кунни аниқ айтиб беролмайман) биз тахмин қилганимизча, олмоснинг гаровга қўйилганига бир йил тўлади. Эҳтимолки, бу буюмни гаровга қўйган одам бир йил ўтиши билан ҳақини тўлаб қайтариб олар. Агар у олмосни қайтариб оладиган бўлса, мистер Люкернинг ўзи ўз фармойишига биноан олмосни банкирдан олмоғи керак. Ҳозирги вазиятда мен банканинг олдига шу ойнинг охирида изқувар қўйиб қўйиш керак, деб ҳисоблайман. У мистер Люкернинг олмосни кимга қайтариб беришини аниқлаши керак. Энди гапимни англаётгандирсиз-а?

Мен маъқулладим — ҳар қалай, бу гап янги эди.

— Бу ғоя ҳам меники, ҳам мистер Мертуэтники, — деди мистер Брефф. — Агар у билан гаплашмаганимда, эҳтимол, бунақа ният икки дунёда ҳам менинг хаёлимга келмаслиги мумкин эди. Агар мистер Мертуэт ҳақ бўлса, ҳиндилар ҳам ойнинг охирида банк атрофида соқчилик қилишади — ўшанда балки бирон жиддий кор-ҳол рўй берар... Бундан нима келиб чиқади — бу мен билан сиз учун мутлақо барибир. Бу бизга фақат бир жиҳатдангина зарур — унинг ёрдамида олмосни гаровга қўйган сирли кимсани қўлга туширамиз. Менинг гапимга ишонаверинг, қай йўсинда бўлганини айтолмайману, лекин сизнинг ҳозирги аҳволга тушиб қолишингизга сабабчи шу одам. Фақат шу одамгина сиз Рэчелнинг ҳурматини қайтара олиши мумкин.

— Рад этолмайман, — дедим мен. — Дарҳақиқат, сиз таклиф қилаётган

режа жуда дадил, жуда маккор ва мутлақо янги бир тарзда мураккабликка барҳам беради. Аммо...

— Сизнинг бирон эътирозингиз борми?

— Ҳа. Эътирозим шундаки, сизнинг режангиз бизни кутишга мажбур қилади.

— Тўғри. Чамамга кўра, биз тахминан икки ҳафтача кутишимизга тўғри келади. Наҳотки, бу кўп бўлса?

— Кўп ҳам гапми, менинг аҳволимда бу бутун бир абадият-ку, мистер Брефф. Ҳозирданоқ ўзимнинг номусу шаънимни тиклаш учун бирор иш қилишга киришмасам, яшаш мен учун жуда қийин бўлиб қолади.

— Хўп, майли, тушунаман. Нима қилиш кераклигини ўйлаб кўрдингизми?

— У истеъфога чиққан. Каффнинг ёрдам беришини кутишдан фойда йўқ.

— Мен унинг қаердалигини биламан. Бир уриниб кўр...

— Уриниб кўринг, — деди мистер Брефф бир дақиқалик мулоҳазадан кейин. — Изқувар Кафф терговини тамом қилгандан бери бу иш шунақа ғалати тус олдики, эҳтимол, унинг қизиқишини уйғотиш имкони бўлар. Майли, уриниб кўринг. Кейин натижасини менга маълум қиларсиз. Ҳозирча эса, — деб давом этди у, — агар сиз ойнинг охиригача ҳеч қанақа кашфиёт қилмасангиз, мен ўз навбатимда банк олдига пистирма қўйиб, бирор натижага эришарман деб ўйлайман.

— Албатта, — деб жавоб бердим мен. — Лекин мен сизни бу тажрибани ўтказиш заруриятидан халос этишим ҳам мумкин.

Мистер Брефф жилмайди-да, шляпасини олди.

— Изқувар Каффга менинг сўзларимни айтиб қўйинг, — деб жавоб берди у, — олмос жумбоғининг калити уни гаровга қўйган одамни топиш билан боғлиқ. Кейин, бу тўғрида тажрибали изқувар Кафф қандай фикрда эканини менга маълум қиларсиз...

Биз у билан ўша оқшом шу тарзда ажралишдик.

Эртасига эрталаб мен Дорнинг деган кичкинагина шаҳарчага йўл олдим — Беттережнинг менга айтганига кўра, изқувар Кафф шу шаҳарчада истиқомат қилар экан.

Меҳмонхонада суриштириб, мен изқуварнинг уйини қандай топиш тўғрисида зарур кўрсатмаларни олдим. Унинг уйига шаҳардан четроқдаги кимсасиз сўқмоқ йўлдан борилар экан. Унинг уйи ёни ва орқа томони бақувват ғиштин девор билан ўралган, олд томонида эса девор ўрнига пастак садалар экилган. Эшигининг тепасида ҳашаматли бўялган панжара. Эшик берк эди. Мен қўнғироқни чалиб, панжара орқасига — ичкарига қарадим — ҳар томонда машҳур Каффнинг севимли гуллари ўсиб ётарди. Гуллар унинг боғида ғуж-ғуж бўлиб гуллаган, эшиклари устини қоплаб олган, ҳатто деразаларидан ичкарига киришга чоғланишган эди. Улуғ шаҳарнинг жиноятлари ва жумбоқларидан нарида бир замонлар ўғриларга даҳшат солган машҳур изқувар бутун вужуди билан ўзининг севимли гулларига шўнғиб, умрининг сўнгги йилларини хотиржамлик ва ҳуррамлик билан кечирмоқда эди.

Ёши қайтиб қолган муҳтарама аёл эшикни очди-да, ўша заҳотиёқ менинг изқувар Каффнинг ёрдамидан кутган умидларимни чилпарчин қилди. Изқувар кечагина Ирландияга жўнаб кетипти.

— У Ирландияга иш билан кетдими? — деб сўрадим мен.

Аёл жилмайди.

— Энди унинг фақат битта иши бор, — деди у. — У ҳам бўлса, атиргуллар. Ирландиялик бир машҳур боғбон атиргул парваришлашнинг қандайдир янги бир усулини ўйлаб топган экан. Мистер Кафф ўшани билгани жўнаб кетди.

— Унинг қачон қайтишини билмайсизми?

— Сира хабарим йўқ, сэр. Мистер Кафф дарров қайтолмаслигини, янги усул ўрганишга арзийдими, йўқми, шунга қараб, ушланиб қолиши мумкинлигини айтганди. Агар унга бирор нарса етказиш керак бўлса, хизматингизга тайёрман, сэр.

Мен унга ташрифномамни бердим. Унинг устига қалам билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

“Ойтош ҳақида сизга айтадиган баъзи гапларим бор. Келишингиз билан менга хабар қилсангиз”.

Шундан кейин вазиятта бўйсуниб, Лондонга қайтишдан бошқа иложим қолмаганди.

Ўша пайтда мен жуда безовта бир ҳолатда эдим. Бунинг устига изқуварларнинг уйига қилган сафарим ўнгидан келмагани менинг безовталанишимни янада кучайтирди ва бирор нарса қилишга янада ортиқроқ эҳтиёж сеза бошладим.

Ўша машъум кечанинг воқеалари мен учун ҳамон қоронғи эди. Шунинг учун мен бироз орқага назар ташлаб, хотирамдан шу тун бошланмасдан олдинги бирон ҳодисани излай бошладим. Бундай ҳодиса калаванинг учини топиб олишимга ёрдам бериши мумкин эди.

Рэчель билан мен иккковимиз эшикни бўяб охирига етказаётганимизда ҳеч нарса рўй бермаганми? Ёки кейинроқ мен Фризинголлга борган пайтда? Ёки янада кейинроқ Годфри Эбльуайт ва унинг сингиллари билан бирга қайтиб келганимизда? Ё яна кечроқ – мен Рэчелга Ойтошни топширганимда? Ёки меҳмонлар келишиб, ҳаммамиз зиёфат дастурхони теварагига ўтирганимизда? Охирги саволга етиб келгунимга қадар, хотирам ҳамма саволларимга жуда осон жавоб бериб ўтди. Туғилган кундаги зиёфатда рўй берган воқеаларни эслаб туриб, мен бирдан боши берк кўчага кириб қолдим. Ҳатто мен билан бирга бир дастурхон теварагида нечта одам ўтирганини ҳам аниқ эслай олмадим.

Зиёфатда иштирок этган одамларнинг номини билиб олгач, хотирам ожизлик қилган жойларини тўлдириш учун, бошқа меҳмонларнинг хотирасига мурожаат қилишга аҳд қилдим. Улар туғилган кунда рўй берган воқеалар ҳақида эслаши мумкин бўлган нарсаларни ёзиб чиқмоқчи бўлдим. Шу йўл билан олинган натижани меҳмонлар жўнаб кетгандан кейин рўй берган воқеаларга чоғиштириб, текшириб чиқиш мумкин эди.

Менга бир туртки керак эди, холос. Бу туртки бошиданоқ фиркларимга тўғри йўналиш бермоғи лозим эди. Орадан бир кун ҳам ўтмай, туғилган кунда зиёфатда иштирок этган меҳмонлардан бири менга шундай турткини инъом этди.

Шундай ҳаракат режасини тузганимдан кейин ҳаммадан аввал меҳмонларнинг тўла рўйхатига эга бўлмоғим керак эди. Бу рўйхатни Габриэль Беттереждан осонгина олса бўларди. Мен ўша куниёқ Йоркширга қайтиб, тадқиқотимни эртасига эрталабдан бошлашга қарор қилдим.

Лондондан пешингача жўнаб кетадиган поезддан кеч қолган эдим. Уч соатча навбатдаги поездни кутишдан бошқа чора қолмаган эди. Уч соатлик вақтни Лондонда бирор наф билан ўтказиб бўлмасмикин?

Фикрларим яна ўжарлик билан туғилган кундаги зиёфатга қайтди.

Гарчи мен зиёфат қайси кун бўлганини ва зиёфатда иштирок этган меҳмонларнинг кўпчилигининг номини унутиб юборган бўлсам-да, уларнинг деярлик ҳаммаси Фризинголлдан ёхуд унинг теварак-атрофларидан келишганини тез орада эсладим. Аммо “деярлик ҳаммаси” дегани ҳали “ҳаммаси” дегани эмас эди. Уларнинг баъзи бирлари бу жойларда доимий истиқомат қилмас эди. Мен ўзим шундайлардан бири эдим, мистер Мертуэт иккинчиси эди, Годфри Эбльуайт – учинчиси, мистер Брефф... йўқ, ишлари кўплигидан мистер Брефф зиёфатга келолмаганини эсладим. Аёл меҳмонлар орасида доимий тарзда Лондонда истиқомат қиладиганлари йўқмиди? Бу сўнгги тоифага мансуб аёллардан мен фақат мисс Клакни эсладим, холос. Лекин, мана, Лондондан жўнаб кетишимдан аввал кўришсам, бирон наф чиқиши мумкин бўлган учта меҳмон топилди. Қидирган одамларимнинг манзилини билмаганим учун ўша заҳотиёқ мистер Бреффнинг маҳкамасига йўл олдим. Уларни қидириб топишда балки мистер Брефф менга ёрдам бериши мумкин эди. Аммо мистер Брефф шу даражада банд эдики, ўзининг қимматли вақтидан менга бир дақиқадан ортиқ ажрата олмади. Бироқ шу бир дақиқанинг ўзидаёқ мен унга берган ҳамма саволларни ҳал қилишга улгурди. Тўғри, анча ёқимсиз бир тарзда ҳал қилди.

Биринчидан, у жумбоқнинг калитини топиш бобида мен ўйлаб топган янги усулни хомхаёллик деб ҳисоблашини айтди – у тўғрида жиддий мулоҳаза юритиб ўтиришга ҳам арзимас экан. Иккинчидан, учинчидан ва тўртинчидан,

мистер Мертуэт ҳозир ўтмишдаги саргузаштлари кечган жойларга равона бўлган экан; мисс Клак камхарж бўлиб қолганидан тежамкорлик ниятларида Францияга кўчиб кетипти; мистер Годфри Эбльуайтни эса Лондоннинг бирон бурчидан қидириб топиш мумкин бўлса керак. Унинг манзилини клубдан билақолсам нима бўларкин? Балки мистер Брефф ўзининг ишига қайтса-ю, менга энг яхши тилакларини изҳор этса, мен уни маъзур тутарман?

Лондонда қидирадиган жойларимнинг доираси анча торайган эди – мен энди Годфрининг уйини топмоғим керак эди, холос. Адвокатнинг маслаҳатига амал қилиб, клубга жўнадим.

Даҳлизда клуб аъзоларидан бирини учратдим. У Годфрининг собиқ ошналаридан эди. У менга ҳам таниш эди. Шу жентльмен менга Годфрининг жайини маълум қилди-да, яқинда унинг бошига тушган воқеаларни гапириб берди. Бу воқеалар мен учун жуда муҳим бўлса-да, ҳали уларни эшитмаган эдим.

Маълум бўлишича, Рэчелдан рад жавобини олгач, у изтироб чекиш ўрнига, орадан кўп ўтмасдан бадавлат меросхўр деб ҳисобланган бошқа бир ёш қизга уйланмоқчи бўлипти. Қиз унинг таклифини қабул қилипти ва уларнинг тўйи масаласи ҳал бўлган деб ҳисобланаркан. Аммо бирдан ва яна кутилмаганда никоҳ бузилипти. Бу гал никоҳнинг бузилишига куёв билан келиннинг отаси ўртасидаги никоҳ шартномаси масаласидаги жиддий келишмовчиликлар сабаб бўлипти.

Ана шу иккинчи муваффақиятсизлигининг эвазига мукофотдай, Годфри орадан кўп ўтмай пул масаласида ўзининг кўп сонли бадавлат мухлисларидан бирининг диққат-эътиборини қозонипти. Ёши қайтиб қолган бу бадавлат аёл оналар васийлиги комитетида жуда катта ҳурматга эга экан. У мисс Клакнинг қалин дугонаси бўлган экан (ўрни келганда айтадиган бўлсак, бу аёл мисс Клакка мотам узугидан бошқа ҳеч нарса қолдирмапти). Шу аёл ажойиб ва муносиб мистер Годфрига беш минг фунт пул мерос қолдирипти. Ўзининг камтарона маблағига шунча пул қўшилганидан кейин у ўзининг хайрия ишларидан бироз дам олишга эҳтиёж сезган эмиш ва докторларнинг кўрсатмаси бўйича "қитъага жўнаб кетмоғи керак экан, чунки кейинчалик бундан унинг саломатлигига фойда етиши мумкин экан". Агар у менга зарур бўлса, вақтни кетказмасдан тезроқ унинг ҳузурига боришим керак.

Мен шу заҳотиёқ уникига йўл олдим.

Аммо тақдирнинг ўйинини қаранг – мен изқувар Каффнинг уйига бир кун кечикиб қолган эдим. Бу гал Годфрининг уйига ҳам бир кун кечикиб келибман. Кеча эрталаб у Дуврга жўнаб кетипти. У Остендэга кетган экан, хизматкори уни Брюселлга жўнаб кетади деб ўйлапти. Унинг қайтиш вақти белгиланган эмас экан, лекин ишончим комил эдики, у камида уч ойгача қайтиб келмайди.

Мен уйга жуда эзилган бир ҳолатда қайтиб келдим. Туғилган кунда зиёфатда бўлган меҳмонлардан учтаси (уччови ҳам фавқулодда ақлли одамлар) айни улар билан алоқа боғлашим керак бўлган бир вақтда мендан олисдан эдилар. Энди охирги умидим Беттереждан ва марҳума леди Веринднерниг яқин дўстларидан эди. Улар Рэчелнинг қишлоқдаги мулкига қўшни жойларда истиқомат қилишарди.

Бу гал мен тўппа-тўғри Фризинголлга қараб йўл олдим, чунки бу шаҳар эндиликда менинг қидириш ишларимда марказий пунктни ташкил қиларди. Мен кечқурун келдим. Беттереж билан учрашиш учун анча кеч бўлиб қолган эди. Эртасига эрталаб унинг ҳузурига чопар орқали мактуб йўлладим ва ундан олдимга меҳмонхонага иложи борича тезроқ етиб келишини илтимос қилдим.

Бир жиҳатдан вақтни қисқартириш учун, яна бир жиҳатдан Беттережга қулай бўлсин учун мен унинг олдига чопаримни кира қилинган извошда жўнатдим. Энди ҳеч нарса халақит бермаса, ярим соатлар ўтар-ўтмас мен қарияни кўришим керак эди. Унгача эса туғилган кунда зиёфатда иштирок этган меҳмонларнинг шу яқин ўртада турадиганларидан ва ўзим шахсан танийдиганларидан у-буни суриштириб туришга аҳд қилдим. Улар қариндошларим Эбльуайтлар ва мистер Канди эди. Доктор мени кўришга

алоҳида иштиёқ билдирган эди. У қўшни кўчада истиқомат қиларди. Шундай қилиб, мен ҳаммадан аввал мистер Кандининг ҳузурига йўл олдим.

Беттереж менга айтган гапдан кейин, табиийки, докторнинг юзида яқинда унинг бошидан кечган жиддий хасталикнинг изларини кўраман деб ўйлаган эдим. Аммо у хонага кириб, қўлимни қисганида унинг қиёфасида зуҳур бўлган ўзгаришларни кўришга сира тайёр эмасдим. Кўзлари хира тортипти, сочлари бутунлай оқариб кетипти, юзини ажин қоплапти, терилари буришиб, гавдаси бир тутам бўлиб қолипти. Яхши эсимда — бир вақтлар бу кичкина доктор серҳаракат, бироз эзма, қувноқтабиатли одам эди, меҳмонхоналарда беозоргина гап сотар, ҳар хил ҳазил-мутойибаларни кўп қилар эди. Энди қарасам, унинг аввалги сифатларидан ном-нишон ҳам қолмапти. Бу одам ўтмишнинг бир синиғи эди, аммо унинг устидаги кийими ва безаклари ҳамон аввалгидай ола-қуроқ ва рангдор эди (бу либослари ундаги юз берган ўзгаришларга сира ҳам мос келмас эди).

— Мен сизнинг тўғрингизда тез-тез ўйлаб тураман, мистер Блэк, — деди у. — Ниҳоят, сизни яна кўраётганимдан беҳад мамнунман. Агар бирор нарса билан сизга фойдам тегадиган бўлса, марҳамат, сэр, буюринг, ихтиёрим сизда.

У бу жўн ва оддий сўзларни ўринсиз бир ошкоралик билан қизишиб айтди. Унинг мени Йоркширга қандай сабаб олиб келганини билишга қизиқаётгани яққол сезилиб турарди. Бу қизиқишини (унда, менимча, алланечук, болаларча соддадиллик бор эди) у яширишга мутлақо ноқобил эди.

— Мен яқинда Йоркширга келиб кетгандим, энди бу гал анчагина романтик бир иш боисидан яна келдим, — дедим мен. — Бу ишда, мистер Канди, марҳума леди Вериндернинг ҳамма дўстлари иштирок этмоқда. Сиз бир йилча аввал ҳинд олмосининг сирли тарзда йўқолганини эсласангиз керак. Яқинда шундай воқеалар рўй бердики, уларнинг оқибатида олмосни қидириб топишга умид уйғонди. Мен оила аъзоси сифатида олмосни қидириш ишларида иштирок этяпман. Мен дуч келаётган қийинчиликлар орасида аввал тўпланган маълумотларнинг ҳаммасини иложи борича кўпроқ миқдорда яна қайтадан йиғиш зарурияти ҳам бор. Бу ишнинг баъзи бир жиҳатлари мисс Рэчелнинг туғилган куни кечқурун бу хонадонда бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммаси ҳақидаги хотираларимни тиклашни талаб қилади. Шунинг учун мен журъат қилиб, марҳума леди Вериндернинг ўша кунги зиёфатда иштирок этган дўстларига мурожаат қиляпман, улар ўзларининг хотиралари билан менга ёрдам беришларини ўтиниб сўрайман.

Шу нуқтага етиб келганимда бирдан тўхтаб қолдим, чунки мистер Кандининг чеҳрасидан аниқ кўрдимки, менинг тажрибам мутлақо бесамар бўлиб чиқди.

Мен гапирар эканман, кичкина доктор безовталик билан нуқул бармоқларининг учини тишлаб ўтирди.

Унинг нурсиз хира кўзлари менга шу даражада маъносиз боқар эдики, уларга қарашнинг ўзи азоб эди. Унинг нимани ўйлаётганини билиб олиш амримаҳол эди. Фақат бир нарса равшан эди — дастлабки уч-тўрт оғиз гап билан мен масалага унинг диққатини жалб қила олмадим. Уни ўзига келишга мажбур қилишнинг бирдан-бир йўли суҳбат мавзуини ўзгартириш эди. Мен дарҳол бошқа нарса ҳақида гапиришга уриниб кўрдим.

— Мени Фризинголлга бошлаб келган сабаб шу, — дедим қувноқ оҳангда. — Энди, мистер Канди, навбат сизга. Сиз Габриэл Беттережга менга айтиб қўйишни топшириб...

У бармоқларини тишлашдан тўхтаб бирдан хурсанд бўлиб кетди.

— Ҳа, ҳа, ҳа! — дея хитоб қилди у қизишиб. — Шундоқ! Мен сизга айтишимни буюрган эдим.

— Беттереж менга буни мактуб орқали маълум қилди, — деб давом этдим мен. — Мен бу ерларга келишим биланоқ, ниманидир айтмоқчи бўлган экансиз. Қани, мистер Канди, мен шу ердаман.

— Мана сиз шу ердасиз! — деб такрорлади доктор. — Беттережнинг гапи тўғри. Мен сизга нимадир айтмоқчи эдим. Мен унга шу топшириқни берган эдим. Беттереж ажойиб одам-да! Хотираси зўр. Унинг ёшини қарангу, хотирасини қаранг...

У яна индамай қолди ва яна бармоқларини тишлай бошлади. Мен Беттереждан унинг иситмасини асорати ёмон бўлганини, хотирасини мажруҳ қилиб қўйганини эшитганим эсимга тушди ва эҳтимол, кичкина докторга бироз бўлса-да, ёрдамим тегар деган умидда суҳбатни давом эттирдим.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди! — дедим мен. — Биз сиз билан охирги марта Рэчель туғилган кунидаги зиёфатда учрашган эдик. Бу бечора холажоним берган охирги зиёфат бўлган эди.

— Шундоқ, шундоқ! — деб хитоб қилди мистер Канди. — Туғилган кунидаги зиёфатда!

У ўрнидан сапчиб туриб, менга қаради. Бирдан унинг рангсиз юзига қизиллик югурди, кейин у яширмоқчи бўлган заифлигини ошкор қилиб қўйганини англагандай, яна қайтиб стулга ўтирди. У хотирасининг мажруҳлигини фаҳмлаб турганини ва буни дўстларининг эътиборидан яширишни истаганини кўриш азоб эди.

Шу пайттача унга фақат раҳмим келмоқда эди. Аммо унинг ҳозир айтган гапи — гарчи кўп бўлмаса-да, менда жуда катта қизиқиш уйғотди. Туғилган кундаги зиёфат аллақачон ўтмиш ҳодисасига айланиб бўлган ва мен унга ҳам умид, ҳам ишончсизлик билан қарардим. Бирдан маълум бўляптики, шу зиёфат ҳақида мистер Канди қандайдир муҳим бир гап айтмоғи керак.

Мен унга ёрдам беришга яна уриниб кўрдим. Аммо бу гал менинг унга қайишганимнинг боиси ўз манфаатларим эди ва улар мени белгиланган мақсадим сари ҳаддан зиёд шошилишга мажбур қилди.

— Ўша ажойиб дастурхон теварагида ўтирганимизга ҳадемай бир йил бўлади, — дедим мен. — Кундалигингиздами ёки бошқа бирон нарсадами — менга нима демоқчи бўлганингизни ёзиб қўймаганмисиз?

Мистер Канди шамамни тушунди ва унинг малол келганини менга сездирди.

— Менинг ёзиб юришга ҳожатим йўқ, мистер Блэк, — деди у анча совуқ оҳангда. — Мен ҳали унча қариб қолган эмасман. Худога шукур, хотирамга ҳам ҳали ишонса бўлади.

Менинг гапларим унга малол келганини тушунмаганга олганимни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

— Мен ҳам, қани энди, ўз хотирам тўғрисида шундай дея олсам, — деб жавоб бердим мен. — Бир йил муқаддам бўлиб ўтган нарсалар ҳақида ўйламоқчи бўлсам, хотирам кўпинча мен истаган даражада тиниқ бўлавермайди. Масалан, леди Веринднерниг зиёфатини олайлик...

Бу сўзлар оғзимдан чиқиши билан мистер канди яна яйраб кетди.

— Ҳа! Зиёфат! Леди Веринднерниг зиёфати! — деб хитоб қилди у янада ортиқроқ қизишиб. — Мен бу зиёфат ҳақида сизга баъзи бир гапларни айтиб беришим керак.

Унинг кўзлари яна менга савол нигоҳи билан тикилди. Унинг нигоҳи шу даражада аянчли, шу даражада синчков, шу даражада маъносиз эдики, унга қараб раҳмим келарди. Афтидан, у жуда қийналиб ниманидир эслашга уринар ва унинг уринишлари беҳуда кетмоқда эди.

— Зиёфат жуда зўр бўлган эди, — деб бирдан гап бошлади у. Унинг қиёфаси шундоқ эдики, гўё у худди шу гапни айтмоқчидай эди. — Зиёфат жуда зўр бўлган эди, тўғрими, мистер Блэк?

У бошини ирғаб жилмайди ва шу топқирлиги билан бутунлай хотирасидан ажралиб қолганини яшира олганига ишонч ҳосил қилгандай бўлди, шўрлик.

Бу манзара бениҳоя қайғули эди. Шунинг учун мен унинг зиёфат тафсилотларини эслашидан жуда манфаатдор бўлсам-да, шу заҳотиёқ мавзуни ўзгартирдим ва гапни маҳаллий ишларга тааллуқли нарсаларга бурдим.

Бу масалаларда у анча эркин гапира бошлади. Шаҳарда бир ойча олдин воқе бўлган жанжаллару ғийбатларни у осонгина эсларди.Гўё унинг бир замонлардаги эзмалиги яна қайтгандай туюларди, аммо шундай дақиқалар ҳам бўлардики, сухандонлиги энг авжига кўтарилган нуқтада бирдан гапдан тўхтаб қолар, бир дақиқа менга маъносиз савол назари билан қараб турар, кейин ўзини енгтандай, яна давом этар эди. Мен бу азобга сабр-тоқат билан дош бердим (албатта, жаҳонгашта бир одам учун овлоқ бир шаҳарчанинг

янгиликларини ювошгина бўлиб, индамай эшитиб ўтириш – ортиқ азобда!). Ниҳоят, камин устидаги соатга қарасам келганимга ярим соатдан ошипти. Шунча ўтирганим етар, деб ўйладим-да, хайр-маъзур қилиш учун қўзғалдим. Биз бир-биримизнинг қўлимизни қисишаётганда мистер Кандининг ўзи яна туғилган кундаги зиёфат ҳақида гапириб қолди.

– Яна учрашганимиздан жуда мамнунман, – деди у. – Мен ҳақиқатан ҳам сиз билан кўришиб, гаплашмоқчи эдим, мистер Блэк. Леди Веріндернинг зиёфати масаласида, шундайми? Жуда зўр зиёфат бўлган эди. Чиндан ҳам жуда яхши зиёфат бўлган эди. Гапимга қўшиласизми?

Мен аста-аста зинадан тушиб борар эканман, докторнинг чиндан ҳам мен учун фавқулодда муҳим бўлган бир гапни айтмоқчи бўлганига, аммо бунга кучи етмаганига алам билан ишонч ҳосил қилдим. Менга айтмоқчи бўлган гапини эслашга урингани, афтидан, унинг заифлашиб қолган хотираси қодир бўлган бирдан-бир ҳаракат эди.

Зинадан тушиб, даҳлизга бурилганимда қаердандир уйнинг пастки қаватида эшик очилди-да, ортимдан кимнингдир ювошгина овози эшитилди:

– Мистер Кандидаги ўзгаришни кўриб хафа бўлгандирсиз, сэр.

Мен орқамга ўгирилиб, Эзра Женнингсга рўпара келдим.

9-боб

Беттережнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган, нуқтаи назар бўйича айтганда, Эзра Женнингснинг ташқи қиёфаси унинг зарарига хизмат қилади деган фикрини рад қилишнинг иложи йўқ эди. Унинг лўлиларникига ўхшаш қиёфаси, ёноқлари бўртиб турган қорамағиз юзи, турфа рангдаги ғалати сочи, бир вақтнинг ўзида уни ҳам қари, ҳам ёш бўлиб кўринишига мажбур қиладиган қадди-қомати билан башараси ўртасидаги зиддият – буларнинг бари уни яхши танимаган одамда нохуш таассурот қолдиришга мўлжалланган эди. Шуларнинг ҳаммасини ҳис қилиб турганим ҳолда Эзра Женнингс ақл бовар қилмайдиган қандайдир йўллар билан менда ўзига нисбатан хайрихоҳлик уйғотганини ва мен бунга қарши боролмаганимни рад этмайман.

Гарчи ҳаётий тажрибам мистер Кандидаги қайғули ўзгаришлар масаласида унга жавоб бериб, кейин йўлимда давом этишимни тақозо этса-да, Эзра Женнингсга бўлган қизиқишим мени жойимга михлаб қўйгандай бўлди. Шу баҳона бўлиб, Эзра Женнингс мен билан хўжайини ҳақида холи гаплашиб олиш имконига эга бўлди. Афтидан, у бундай имкониятни анчадан бери излаб юрган кўринарди.

– Йўлимиз бир эмасми, мистер Женнингс? – деб сўрадим мен унинг қўлидаги шляпасини кўриб. – Мен холамни, миссис Эбльуайтни кўргани кетяпман.

Эзра Женнингс ўша томонга касал кўргани кетаётганини айтди.

Мистер Кандининг хасталиги ҳақидаги гапни бошлаб қўйиб, Эзра Женнингс, афтидан, уни давом эттиришни менга қўйиб беришга қарор қилганга ўхшарди. Унинг сукутидан "Энди навбат сизга!" деган маъно аниқ сезилиб турарди. Докторнинг хасталиги ҳақидаги гапга қайтиш учун менинг ҳам ўз сабабларим бор эди, шунинг учун бажонидил биринчи бўлиб гап бошлаш мажбуриятини зиммамга олдим.

– Унда содир бўлган ўзгаришларга қараганда мистер Кандининг хасталиги мен ўйлагандан кўра хийла хавотирлироқ кечган кўринади.

– Унинг бу хасталикка дош беролганини салкам мўъжиза деса бўлади, – деб жавоб берди Эзра Женнингс.

– Унинг хотираси мен бугун кўргандан кўра яхшиланиб турадими? У ҳадеб мен билан бир нарса ҳақида гаплашишга кўп уринди.

– Унинг хасталиги олдидан бирор воқеа рўй берганми? – деб гапини савол билан тугатди у гапдан тўхтаганимни кўриб.

– Ҳа-да!

– Ўша вақтлардаги ҳодисалар масаласида унинг хотираси бутунлай заифлашиб қолган, – деди Эзра Женнингс. – У шўрлик хотирасининг баъзи

бир узуқ-юлуқ парчаларинигина сақлаб қолган. У хасталиқдан олдин қандайдир ниятларга эга бўлганини, нималардир қилмоқчи ёки айтмоқчи бўлганини ғира-шира эслайди-ю, лекин бу ният нимадан иборат бўлганини ёки у нима демоқчи, нима қилмоқчи бўлганини сира ҳам эслолмайди. У хотирасидаги бу заифликдан изтироб чекади. Афтидан, ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак, буни бошқалардан яширишга уриниб ҳам анча азобланади. Ўтмишни бутунлай унутганида у соғайиб кетиши, бахтлироқ бўлиши мумкин эди. Агар бутунлай унутиш қўлимиздан келганда, балки биз ҳаммамиз ҳам ўзимизни бахтлироқ ҳис қилган бўлишимиз мумкин эди, – деб илова қилди у маъюс жилмайиш билан.

– Ҳар бир одамнинг ҳаётида, – деб эътироз билдирдим мен, – албатта, шундай дақиқалар бўладики, улар ҳақидаги хотиралардан киши сира ажралишни истамайди.

– Бу гапни одамларнинг кўпчилиги ҳақида айтиш мумкин деб ўйлайман, мистер Блэк. Лекин бир хавотирим ҳам бор. Афтидан, бу гап ҳаммага нисбатан адолатдан бўлмайди. Сиз билан суҳбатлашган вақтида мистер Канди хотирасида жонлантиришга уринган хотиралар сиз учун муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблашга асосингиз борми?

Шундай деб, у ўзининг ташаббуси билан шундай мавзуга тил теккиздики, мен айни шу тўғрида у билан маслаҳатлашиб олмоқчи эдим. Бу ғалати одамга бўлган қизиқишим мени бир дақиқалик таассуротим таъсирида унга ўзим билан гаплашишим имконини беришга мажбур қилди. Ҳозирча мен ўз томонимдан унинг хўжайини ҳақида айтмоқчи бўлган гапларим ҳақида индамай туриб, даставвал унинг камтарлигига ва андишасига ишонсам бўладими, йўқми, шунга ишонч ҳосил қилмоқчи эдим. Аммо унинг оғзидан чиққан жиндай гап ҳам қаршимда турган одам жентльмен эканига ишонч ҳосил қилишим учун етиб ортди. Унда бир фазилат бор эди – бу фазилатни мен табиий бир тарзда ўз-ўзини тута билиш деб аташни истар эдим. Бу фазилат ёлғиз Англиядагина эмас, маданий мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам яхши тарбиянинг белгиси деб ҳисобланади. У ўзининг сўнгги саволи билан қандай мақсадни кўзда тутган бўлмасин, имоним комилки, мен қай бир даражада унга очиқ жавоб бераоламан.

– Назаримда, мистер Кандининг ўзи эслаёлмаган вазиятни қайтадан тиклаш мен учун юят муҳим аҳамиятга эга, – дедим мен. – Сиз менга унинг хотирасига ёрдам бераоладиган бирор воситани кўрсата олмайсизми?

Эзра Женнингс ўзининг хаёлчан қўнғир кўзларида ҳамдардлик ифодаси билан менга бир дақиқача қараб қолди.

– Мистер Кандининг хотирасига энди ҳеч нарса билан ёрдам бериб бўлмайди, – деб жавоб беради у. – У соғайгандан бери мен унга ёрдам беришга кўп уриндим. Шунинг учун мен бу масалада қатъий фикр айта оламан.

Унинг сўзларини эшитиб хафа бўлдим ва буни яширмадим.

– Менга бундан ҳам қаноатланарлироқ жавоб берарсиз деб умид қиламан, – дедим мен.

У жилмайди.

– Эҳтимол, бу жавобим узил-кесил жавоб эмасдир, мистер Блэк. Балки мистер Кандининг ўзига мурожаат қилмай туриб, у унутган вазиятни тиклаш усули топилиб қолар.

– Ростданам? Қандай қилиб? – деб сўрасам нокамтарлик қилган бўлмайманми?

– Сира ҳам-да. Сизнинг саволингизга жавоб беришнинг мен учун бирдан-бир қийин томони шундаки, масалани тушунтириб беришнинг ўзи амримаҳол. Энди сиздан жиндай сабр-тоқат талаб қилинади. Мен яна бир марта мистер Кандининг бетоблиги масаласига қайтаман ва у тўғрида гапирар эканман, баъзи бир тиббий тафсилотларини айтиб, бошингизни қотириб ўтирмайман.

– О, марҳамат! Сиз бу тафсилотларингиз билан мени қизиқтириб қўйдингиз.

Менинг қизиқишим унга хуш ёқди, шекилли, у яна жилмайди. Бу пайтга келганда биз аллақачон Фризинголлнинг сўнгги уйларини ҳам ортда қолдириб кеттандик.

Эзра Женнингс йўл бўйидаги дала гулларидан бир нечтасини узиб олиш учун бир дақиқа тўхтади.

— Жуда ҳам сўлим-да, — деди у жўнгина қилиб, менга гулдастани кўрсатар экан, — Англияда жуда оз одам бу гуллардан муносиб ҳузур қилишни билади.

— Сиз Англияда муқим яшамаганмисиз, дейман? — деб сўрадим.

— Йўқ. Мен мустамлакаларимиздан бирида туғилганман. Қисман ўша ерда тарбия кўрганман. Отам инглиз эди, аммо онам эса... Биз мавзуимиздан узоқлашиб кетдик, мистер Блэк. Бу менинг айбим. Тўғрисини айтсам, йўл бўйидаги ана шу камсуқум гуллар билан менинг кўпгина хотираларим боғланган. Майли, буни қўяйлик. Биз мистер Канди ҳақида гаплашаётган эдик. Келинг, мистер Кандига қайтайлик.

Унинг ўзи тўғрисида оғзидан беихтиёр чиқиб кетган уч-тўртта гапни ҳаёт ҳақидаги нохуш қарашлари билан (у инсоният бахтиёр бўлмоғи учун ўтмишини бутунлай унутмоғи керак деб ҳисобларди) таққослаб, мен англадимки, мен унинг юзида уқиб олган тарих унинг ҳикоясига мос келаркан (лоақал, иккита нуқтада): унинг бошига тушган изтироблар камдан-кам одамнинг бошига тушади ва унинг инглиз қони ўзга юртли одамнинг қонига аралашиб кетган.

— Сиз балки мистер Кандининг хасталигининг энг бирламчи сабабини эшитган чиқарсиз? — деб яна гап бошлади у. — Леди Вериндер зиёфат берган тунда роса жала қуйган экан. Мистер Канди уйга очиқ извошда жўнаган ва йўлда ёмғир суяк-суякларигача ўтиб кетган. Уйига келса бир бемор юборган одам кутиб ўтирган экан. У беморнинг олдига дарҳол жўнашни илтимос қилган. Бахтга қарши, у кийимини алмаштириб ҳам ўтирмай, беморникига жўнаб кетган. Шу кечада мен ўзим ҳам Фризинголлдан унча узоқ бўлмаган бир жойда беморнинг ёнида ушланиб қолган эдим. Эртасига эрталаб қайтиб келсам, эшик олдида мени мистер Кандининг қўрқиб кетган хизматкори кутиб турган экан. У шу заҳотиёқ мени хўжайинининг хонасига олиб кирди. Бу орада мусибат содир бўлиб бўлган экан, хасталик ўз кучини кўрсата бошлапти.

— Менга унинг хасталиги тўғрисида шунчаки айтишган эди? Иситмаси чиқяпти деб қўяқолишган эди, — дедим мен.

— Мен ҳам уни аниқроқ айтиб беролмайман, — деб жавоб берди Эзра Женнингс. — Бошидан охиригача хасталик муайян бирор шаклга киргани йўқ. Вақтни ўтказмасдан, мен иккита докторга одам юбордим. Улар мистер Кандининг ошналари эди. Мистер Кандининг хасталиги ҳақида уларнинг фикрини билиш керак эди. Хасталик жиддий экани ҳақидаги фикримга улар қўшилишди, аммо уни даволаш масаласида фикрларимиз кескин тарзда бир-бирига зид бўлди. Беморнинг томир уришига қараб, биз мутлақо ҳар хил хулосаларга келдик. Томирнинг тезлаб уришини кўриб, улар иситма туширадиган дори билан даволашни маъқул топишди. Уларнинг фикрича, бу бирдан-бир чора эди. Мен эса ўз навбатимда, томир уришининг тезлашганини тан олганим ҳолда, беморнинг ҳаддан зиёд заифлашганини ҳам таъкидладим, буни организмнинг толиққанлиги белгиси дедим ва шунга яраша организмнинг ички туйғуларини қўзғатадиган дориларга мурожаат қилиш зарурлигини айтдим. Иккала доктор ҳам беморнинг овқатини атала, лимонад, арпа шўрва ва шунга ўхшашлар билан чеклаш кераклигини айтишди. Мен эса унга шампан виноси ёхуд виски, аммиак ва хинин бермоқ керак, деб туриб олдим. Кўриб турибсизки, фикрлар ўртасида жиддий зиддият бор. Фикрлар ўртасидагина эмас, одамлар ўртасида ҳам. Яна кимлар ўртасида денг? Шаҳарда аллақачонлар кўпчиликнинг ҳурматини қозонган иккита таниқли доктор билан бор-йўғи докторга ёрдамчи бўлган бир келгинди ўртасида. Докторларнинг мавқеи меникидан баланд эди. Шунинг учун дастлабки кунларда мен уларнинг иродасига бўйсунишга мажбур бўлдим. Аммо бемор борган сари заифлашгандан заифлаша борди. Мен томир уришининг кундай равшан гувоҳлигига яна бир карра докторларнинг эътиборини жалб қилдим. Беморнинг томир уриши сира ҳам сустлашгани йўқ, лекин заифлиги ортиб боряпти. Менинг ўжарлигим докторларга малол келди. Улар айтишди:

— Мистер Женнингс, беморни ё биз даволайлик, ёки сиз даволанг. Қани, нима қиламиз?

— Жаноблар, — деб жавоб бердим мен. — Менга ўйлаб кўришга беш дақиқа

муҳлат беринглар. Шунда ўзингизнинг равшан саволингизга ундан ҳам равшанроқ жавоб оласиз.

Белгиланган муддат тамом бўлиши билан менинг жавобим ҳам тайёр бўлди.

— Мен айтган дориларни қўллашдан буткул бош тортасизларми? — деб сўрадим мен.

Улар лўнда қилиб бош тортишларини айтишди.

— Ундай бўлса, мен ўзим беморни дарҳол даволашга киришмоқчиман, жаноблар.

— Киришаверинг, мистер Женнингс. Биз шу заҳотиёқ бундан кейинги даволашдан воз кечамиз.

Мен қазноққа одам юбориб, бир шиша шампань виноси олдириб келдим ва ўз қўлим билан ундан ярим стаканини беморга ичирдим. Докторлар индамай шляпаларини олдилар-да, чиқиб кетдилар.

— Зиммангизга жуда катта масъулиятни олибсиз-да, — дедим мен. —Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, бундай қилишга журъатим етмас эди.

— Менинг ўрнимда бўлганингизда, мистер Блэк, мистер Канди сизни қандай вазиятда ўзига хизматга олганини эслардингиз. Вазият шундай эдики, мистер Канди мени хизматга олиб, бир умр қарздор қилиб қўйди. Менинг ўрнимда бўлганингизда, унинг кучлари соат сайин камайиб бораётганини кўриб, ҳар қандай таваккал иш қилишга ҳам рози бўлардингиз, чунки дунёда сизга мададга келган якка-ю ягона одамнинг кўз ўнгингизда ҳаёт билан видолашаётганини кўриб, индамай ўтириб бўлмас эди. Мен ўзимни ўзим нечоғлик мудҳиш бир аҳволга солиб қўяётганимни яхши англардим. Шундай дақиқалар бўлдики, ёлғизлик алами жон-жонимдан ўтиб кетди ва зиммамга олган даҳшатли масъулият юки қаддимни букиб қўяётгандай бўлди.

Агар мен бахтиёр одам бўлганимда, ҳаётим фақат муваффақиятлардан иборат бўлганда, зиммамга олган масъулиятнинг оғирлигини кўтара олмас эдим, шекилли. Аммо менинг орқага ўгирилиб кўрадиган бахтиёр ўтмишим йўқ эди, мен руҳий хотиржамликдан маҳрум эдим — шунинг учун охиригача мардлик билан курашишдан тўхтамадим. Ўзимга зарур ҳордиқ учун кун ўртасида бемор бироз ўзини енгил ҳис қиладиган палладан бир соат ажратдим. Қолган вақтнинг ҳаммасида беморнинг ҳаёти хатардан холи бўлмагунча, унинг каравоти ёнидан бир қадам ҳам жилганим йўқ. Бундай ҳолларда доим бир воқеа такрорланади: қуёш ботар чоғида иситма кучайиб, бемор алаҳсирай бошлайди. Алаҳсираш жиндай-жиндай узилиб, туни билан давом этади ва тонгга яқин иккидан бешгача бўлган бир паллада тўхтайди. Бу соат бемор учун жуда хавфли соатлар, чунки худди шу соатларда ҳатто энг бақувват одамларнинг куч-қуввати ҳам ҳаддан зиёд толиқади. Шу соатларда ажал одамлар орасида баракали ҳосил кўтаради. Шунда мен ўлим тўшагида ётган бемор учун ажал билан олишувга киришдим — унинг қўлидан беморни тортиб олишим керак эди. Мен бирон марта ҳам ўзим қабул қилган даволаш усулидан чекинганим йўқ. Ахир, таваккал қилиб, шу усулга бор-йўғимни тикканман-ку! Вино етмай қолган чоғларда мен вискига мурожаат қилдим. Бошқа дорилар кучини йўқотиб, таъсир қилмай қўя бошласа, уларнинг миқдорини икки баравар кўпайтирдим. Узоқ давом этган номаълумликдан сўнг (тангридан илтижо қиламан, умримда иккинчи марта мени бунга рўпара қилмасин) шундай кун келдики, ҳаддан ташқари тез ураётган томир секин-аста секинлаша бошлади. Шунда мен уни қутқариб қолганимни англадим ва шунда биринчи марта қатъиятим йўқолганини ҳис қилдим. Мен шўрлик беморнинг қоқ суяк бўлиб қолган қўлини астагина ўрнига қўйиб, ҳўнграб йиғлаб юбордим. Асабларим бўшаб кетган эди, мистер Блэк. Физиологиянинг гувоҳлик беришича, баъзи эркаклар заифона табиатли бўлар экан. Мен ҳам уларнинг қаторидаман.

Ўзининг кўз ёшларини у шу тарзда ўта шафқатсизлик билан илмий йўсинда асослаб берди. У бу гапларни ҳам шу пайттача бошқа гапларни гапиргандек жуда хотиржам ва табиий оҳангда гапирди. Овози ва қиликларига қараб ҳукм қилганда у ўзига нисбатан раҳмдиллик уйғотишдан жуда-жуда қўрқарди.

— Сиз мендан сўрашингиз мумкин — нега мен бу тафсилотлар билан сизни хуноб қилиб ўтирибман? — деб давом этди у. — Мен сизни бундан кейинги

айтадиган гапимни тинглашга тайёрлашим керак. Сизни тайёрлашнинг эса бундан бошқа йўлини тополмадим. Энди сиз мистер Канди бетоб бўлган вақтида менинг аҳволим қандай кечганини аниқ биласиз. Шунинг учун ўша пайтда мен жиндай бўлса-да, руҳий енгиллик берадиган бирор нарсага жуда муҳтож бўлганимни осон тушунасиз. Бир неча йиллар аввал мен бўш вақтларимда бир китоб ёза бошлаган эдим. Уни ҳамкасабаларимга айтган эдим. Бу китоб мия ва асаб системаси касалликларининг мураккаб ва мушкул муаммолари ҳақида эди. Афтидан, бу китобимни мен ҳеч қачон тугатолмайдиганга ўхшайман. Табиийки, у нашр ҳам қилинмайди, албатта. Шунга қарамай, бу китоб ёлғизликда ўтган туганмас соатларда менга қадрдон дўст бўлди. Худди шу китоб мистер Кандининг кровати ёнида изтироб ичида ҳеч нарса қилмай, пойлаб ўтирган чоқларимда вақтни қисқартиришда менга ёрдам берган эди. Мен сизга унинг алаҳсираганини айтдим, шекилли. Мен ҳатто алаҳсираш бошланадиган вақтни ҳам аниқ айтиб бердим. Шундай эмасми?

— Ҳа, сиз бу тўғрида гапирган эдингиз.

— Шундай қилиб, ўша пайтда мен китобимни худди шунга ўхшаш алаҳсирашга боғишланган бобига келиб қолгандим. Бу масаладаги ўзимнинг назариямни батафсил баён қилиб, сизни беҳаловат қилиб ўтирмайман, сиз учун муҳим бўлган нарсаларни айтиш билан чекланаман.Мен докторлик қила бошлаганимдан бери алаҳсираш вақтида маъноли гапириш қобилиятини йўқотиш изчил фикрлаш қобилиятини йўқотиш билан баробарми, йўқми, деган масала устида кўп бош қотирганман. Шўрлик мистер Кандининг бетоблиги менга бу масаладаги қоронғи жойларни аниқлаш имконини берди. Менинг стенографиядан хабарим бор. Беморнинг оғзидан чиққан узуқ-юлуқ ибораларни у қандай талаффуз этган бўлса, шундайлигича аниқ қилиб ёзиб олдим. Бу гапларнинг ҳаммасини нимага айтаётганимни энди тушунгандирсиз, мистер Блэк?

Мен жуда яхши тушуниб тургандим. Эътиборимни бир нуқтага жамлаб, нафасимни зўрға ростлаб, унинг яна нима дейишини кутиб турардим.

— Ҳар хил фурсатларда ва бўлиб-бўлиб, — деб давом этди Эзра Женнингс, — мен стенографик ёзувларимни оққа кўчирдим. Узуқ-юлуқ иборалар ва ҳатто айрим-айрим сўзлар ўрталиғидаги катта оралиқларни шундайлигича қолдирдим. Мистер Канди уларни қай тартибда айтган бўлса, оққа кўчирганда ҳам шу тартибни ўзгартирмадим. Одатда, жумбоқларни ҳал қилишда қандай йўл тутилса, бу ёзувларни ўқишда ва маъносини чақишда ҳам шундай йўл тутдим. Бошда ҳамма нарса аралаш-қуралаш кўринди, лекин биронта раҳнамо бўладиган ип топиб олинса, ҳаммаси жой-жойига тушади ва муайян қиёфага киради. Шу режага мувофиқ ҳаракат қилиб, мен иккита жумла орасидаги бўшлиқни тўлдиришга ва беморнинг фикрини тусмоллаб топишга ҳаракат қилдим. Мен топиб қўйган иборалар ўзларидан олдин айтилган сўзларнинг ортидан ўрин олмагунча ва ўзларидан кейин айтиладиган сўзларга табиий равишда боғланиб кетмагунича уларни ўзгартиришдан ва тузатишдан эринмадим. Натижа шуни кўрсатди, мен ана шу изтиробли узоқ соатлар давомида бекорга меҳнат қилмабман ва назариямни тасдиқлайдиган далилларни қўлга киритипман. Соддароқ қилиб аттанда, узуқ-юлуқ сўзларни бир-бирига боғлаганда амин бўлдимки, олий қобилият, яъни маънодор фикрлаш қобилияти бемор одамда озми-кўпми нормал тарзда ўз фаолиятини давом эттирар экан: бу ҳолат унинг пастки қобилиятига, яъни фикрни сўзларда ифодалаш қобилиятига боғлиқ эмас экан.

— Бир савол! — деб унинг гапини бўлдим иштиёқ билан. — У алаҳсираганда менинг номимни тилга олдими?

— Ҳозир эшитасиз, мистер Блэк. Юқорида келтирилган қоидани тасдиқловчи ёзма далилларим орасида ёки, яна-да тўғрироқ айтганда, менинг қарашларимни исбот қилишга қаратилган ёзма тажрибаларимда бир варақ бор. Унда сизнинг номингиз учрайди. Деярлик бутун тун давомида мистер Кандининг фикри сиз билан унинг ўртасидаги қандайдир муштарак нарса билан банд бўлди. Мен бир саҳифага унинг маъносиз сўзларини қай тартибда айтган бўлса, шундайлигича ёзиб олганман, бошқа саҳифага эса ўз

мулоҳазаларимни ёзиб чиққанман. Бу мулоҳазалар бир-бирига боғланмаган сўзларни ўзаро боғлайди. Арифметикадаги ибора билан айтганда, бунинг ҳосиласи – биринчидан, ўтган замонда қилинган қандайдир иш тўғрисидаги; иккинчидан, агар ҳасталик ҳалақит бериб қолмаганда мистер Канди келажакда бажаришни ният қилиб қўйган нарса ҳақидаги очиқ-ойдин ҳисоботдан иборат эди. Энди масала шундаки, буларнинг бари бугун сиз унинг ҳузурига борганингизда у тиклашга беҳуда уринган хотиранинг ўзимиди, ёки бошқа нарсами?

– Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас! – деб хитоб қилдим мен. – Юринг тезроқ, ўша қоғозларни кўрайлик.

– Бунинг иложи йўқ, мистер Блэк.

– Нега?

– Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг, – деди Эзра Женнингс. – Сизнинг мижозингиз ва ҳимоясиз дўстингиз хасталик вақтида онгсиз равишда айтган гапларни бошқа шахсга маълум қилишга рози бўлиш учун, аввал бу ишингиз муқаррар бир зарурият тақозоси билан қилинаётганига амин бўлишингиз керак.

Тушундимки, унинг бу гапига эътироз билдиришнинг иложи йўқ; мен масалага бошқа томондан ёндошиб кўрмоқчи бўлдим.

– Биласизми, бунақа нозик масалада мен қай йўсинда иш тутган бўлардим? Мен ҳаммадан аввал, очиқлигим билан дўстимга зарар етказиб қўяманми, йўқми – шунга қарор эдим.

– Мен кўпдан бери масаланинг бу томонини муҳокама қилишнинг ҳар қандай заруратини рад этганман, – деди Эзра Женнингс. – Агар менинг ёзувларимда мистер Канди сир сақлашни истаган бирор нарса бўлганида, уларни аллақачон йўқ қилиб ташлаган бўлар эдим. Дўстимнинг тўшаги ёнида ўтказган ёзма тажрибаларимда бирон махфий нарса йўқ. Улардаги гапларни мистер Кандининг ўзи хотираси қайтиб қолса, бемалол бошқаларга айтавериши мумкин эди. Сизнинг масалангизга келсак, менинг ёзувларимдаги гап у ҳозир сизга айтмоқчи бўлган гапнинг худди ўзидир.

– Шундоқ бўлса, ҳам иккиланяпсизми?

– Шундоқ бўлса ҳам иккиланяпман. Ҳозир қўлимда мавжуд бўлган маълумотларни қандай шароитда қўлга кириттанимни бир эсланг. Улар ҳар қанча беозор бўлмасин, мен уларни сизга маълум қилишга жазм этолмайман. Бунинг учун сиз нима сабабдан шундай қилмоғим кераклигига мени ишонтиришингиз керак. Унинг хасталиги жуда оғир ўтди, мистер Блэк. У ўта даражада ночор аҳволда эди. Унинг тақдири бутунлай менинг қўлимда эди. Унинг йўқолган хотиротларидан сизга нима манфаат борлигини менга шипшитибгина қўйишингизни илтимос қилсам, жуда кўп нарсани илтимос қилган бўламанми? Ёки бу хотирот нимадан иборат деб тахмин қиласиз – шуни айтинг.

Унинг ўзини тутиши ва гапириш тарзи мени ҳамма нарсани очиқ-ойдин гапиришга ундарди. Аммо шундай қилсам, ўзимни олмосни ўғирлашда гумон остига олинган одамнинг таҳқирли ҳолатига солиб қўйган бўлардим. Гарчи Эзра Женнингс менда ғайриихтиёрий тарзда хайрихоҳлик уйғотаётган бўлса-да, мен ҳарҳолда ўзим тушиб қолган шармандали ҳолни унга гапириб беришни унча истамас эдим. Мен яна масалага равшанлик киритувчи баъзи бир силлиқ ибораларга мурожаат қилдим. Бегоналарнинг қизиқишини қаноатлантириш учун мен ҳамиша улардан фойдаланар эдим.

Бу гал мен тингловчим томонидан эътиборнинг кам бўлганига шикоят қилиш учун ҳеч қандай асоста эга бўлолмадим. Мен ҳикоямни тугатишга қадар Эзра Женнингс гапимга сабр-тоқат билан, ҳатто бироз хавотирлик ичида қулоқ солиб турди.

– Кўп афсус, мистер Блэк, – деди у. – Мен сизнинг умидларингизни уйғотишга уйғотибману, лекин уларни рўёбга чиқара олмас эканман. Хасталигининг бошидан охиригача мистер Канди олмос ҳақида бир оғиз ҳам гапиргани йўқ. У шундай бир муносабат билан сизнинг номингизни тилга олдики, бу ишнинг мисс Верандернинг қимматбаҳо тошининг йўқолишига ёхуд топилишига мутлақо дахли йўқ. Бунга бемалол ишонаверинг.

У бу сўзларни айтар экан, биз катта йўл иккига ажралган жойга етиб келдик. Йўллардан бири мистер Эбльуайтнинг уйига олиб борарди. Иккинчи йўл эса бу ердан икки-уч миля нарида — пастликда жойлашган қишлоққа борарди. Эзра Женнингс қишлоққа буриладиган жойда тўхтади.

— Мен бу томонга, — деди у. — Ростини айтсам, мистер Блэк, сизга ёрдам беролмаганимдан ўзим ҳам хафа бўлдим.

Унинг оҳангидан самимий гапираётганига амин бўлдим. Унинг юввош қўнғир кўзлари ҳазин ҳамдардлик ифодаси билан менга тикилиб қолди. У таъзим қилди-да, ортиқ биронта сўз айтмай, қишлоққа борадиган йўлдан жўнаб кетди.

Бир дақиқа мен унинг ортидан тикилганча ҳаракатсиз туриб қолдим. У борган сари мендан олислаб борарди, балки мен излаган жумбоқнинг ечимини ўзи билан олиб кетиб бормоқда эди. Бироз юргандан кейин у орқасига ўгирилиб қаради. Менинг ҳамон ўша биз ажрашган жойда қаққайиб турганимни кўриб у ҳам тўхтади. У гўёки мен у билан яна гаплашмоқчи эмасмикинман деб сўраётгандай эди. Ўзимнинг аҳволим ҳақида мулоҳаза юритиб ўтиришга фурсатим йўқ эди. Ўзимнинг иззат-нафсимни енга олмаганим учун ҳаётимда муҳим бир ўзгаришга сабабчи бўлиши мумкин бўлган имкониятни қўлдан чиқармоқда эдим. Мен уни қайтишга чорлаб улгурдим, холос. Кейингина мулоҳаза юрита бошладим. Дунёда мендан кўра енгилтакроқ одам бўлмаса керак-ов! "Энди бошқа чора қолмади, — дедим мен хаёлан. — Унга бор ҳақиқатни айтиб беришим керак".

У шу заҳотиёқ орқасига қайтди. Мен унга сари юрдим.

— Мен сизга бор гапни ҳаммасини айтиб берганим йўқ, мистер Женнингс, — деб бошладим мен. — Мистер Кандининг унут бўлган хотиротларига қизиқишим Ойтошни излаш ишлари билан боғлиқ эмас. Муҳим шахсий масала мени Йоркширга келишга мажбур қилди. Бу масалада сизга ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтмаганимни оқлаш учун фақат бир нарса дея оламан. Ўзимнинг ҳозирги аҳволимни кимга бўлмасин тушунтириб бериш менга оғир (нечоғлик оғирлигини ифодалаб ҳам беролмайман).

Биз гаплаша бошлаганимиздан бери биринчи марта мистер Эзра Женнингс менга хижолат билан қаради.

— Сизнинг шахсий ишингизга аралашгани на ҳаққим, на истагим бор, мистер Блэк, — деб эътироз билдирда у. — Мен ўзим сезмаган ҳолда сизни нохуш синовга дучор қилиб қўйибман. Бунинг учун узр сўрашга изн бергайсиз.

— Мистер Кандининг хасталик тўшагида эшитганларингизни менга маълум қилмоқ учун нимаики шарт қўяман десангиз, ҳаммасига тўла ҳаққингиз бор. Сизга раҳнамолик қилувчи олижанобликни мен тушунаман ва қадрлайман. Ахир, мен ўзим сизга ишончимни намоён этмасам, қандай қилиб сиздан ишонч кутишим мумкин. Мистер Канди менга нимани маълум қилмоқчи бўлганини аниқлаш мен учун нима сабабдан муҳим эканини билишингиз керак ва билиб оласиз ҳам. Хатти-ҳаракатимнинг ҳақиқий сабабини билгандан кейин менга айтадиган гапингизни айтишга ўзингизни ҳақсиз деб билсангиз ва умидларим рўёбга чиқмай, адашганим маълум бўлиб қолса, унда виждонингизга ҳавола — менинг сиримни сақлаб қоларсиз деб ўйлайман. Лекин кўнглим сезиб турипти — ишончим, албатта, оқланади.

— Андак тўхтанг, мистер Блэк! Гапингизни давом эттиришга қўйиб беришимдан аввал мен сизга яна икки оғиз гап айтишим керак.

Мен унга таажжуб билан қарадим. Афтидан, шафқатсиз руҳий изтироб бирданига унинг вужудини эгаллаб олиб, қаттиқ ларзага солди, шекилли, унинг лўлиларники сингари қорамағиз юзи бўзариб кетди, кўзларида тўсатдан ваҳшиёна чақин чақнади, овози пастлашиб, унда бераҳм қатъият оҳанглари пайдо бўлди. Бунақа оҳангни мен ундан биринчи марта эшитишим эди. Бу одамнинг яширин кучлари нигоҳим қаршисида тўсатдан чақмоқ чақнагандай намоён бўлди. Ўша дақиқаларда бу кучнинг нимага — яхшиликками ёхуд ёмонликка йўналганини айтиб бериш қийин эди.

— Менга бирон тарзда ишончингизни намоён қилишингиздан аввал, — деб давом этди у, — мен қандай вазиятда мистер Кандининг хизматига олинганимдан хабардор бўлмоғингиз керак. Бу кўп вақт олмайди. Мен кимга

бўлмасин, сэр, “ҳаётим тарихини” ҳикоя қилиб бермоқчи эмасман. Бу тарих ўзим билан бирга кетади. Мен сиздан фақат бир нарсага изн сўрайман – мистер Кандига нимани айтиб берган бўлсам, шуни айтай, сиз эшитинг. Агар гапларимни тинглаганингиздан кейин менга айтмоқчи бўлган масалада аҳдингизни ўзгартирмасангиз, унда, марҳамат, мен сизнинг ихтиёрингиздаман. Яна бироз юрмайликми?

Унинг юзидаги пинҳона изтироб мени сукут сақлашга мажбур қилди. Мен унинг саволига имо билан жавоб бердим ва биз юришда давом этдик.

Анчагина юрганимиздан кейин Эзра Женнингс тош девордаги бир тешик олдида тўхтади. Бу девор шу ердан ботқоқни ажратиб туради.

– Жиндай дам олишга тобингиз қалай, мистер Блэк? – деб сўради у. – Менинг аввалги чоғим қолгани йўқ. Баъзи нарсалардан эса жуда қаттиқ таъсирланаман.

Табиийки, мен кўндим. У олдинга юриб, ўт-ўлан қоплаган майсазордаги торф устунчасининг олдига борди. Йўл томонида майсазорнинг четида буталар ва нимжон дарахтлар ўсган эди, бошқа томондан қараганда эса ҳудудсиз бўшлиқлардан иборат бўлган улуғвор бир манзара намоён бўларди. Сўнгги ярим соат мобайнида осмонни булут қоплади. Кун нури хиралашди, уфқни туман чулғади. Ранглардан путур кетди. Ажойиб табиат бизни мутелик билан, ювошгина, заррача жилмайишсиз кутиб олди.

Биз индамай ўтирдик. Эзра Женнингс ёнига шляпасини қўйиб, ошкора бир ҳорғинлик ичида қўли билан пешонасини силади, кейин оқу-қора аралаш ғаройиб сочларини силади. У дала гулларидан дасталаган кичкина гулдастасини шунақа бир ҳаракат билан улоқтирдики, гўё ҳозир ўша гуллар билан боғлиқ бўлган хотирот уни ҳадсиз изтиробга солмоқда эди.

– Мистер Блэк, – деди у қўққисдан, – қаршингиздаги одам ёмон одам. Кўп йиллардан бери мен мудҳиш бир айбнома зулми остида эзилиб кетяпман. Мен бор гапни очиқ айтиб қўя қолай. Менинг ҳаётим барбод бўлган, яхши номим мангуга расво бўлган.

Мен унинг гапини бўлмоқчи бўлгандим, у мени тўхтатди.

– Йўқ, йўқ! – деб хитоб қилди у. – Кечирасиз, шошманг. Менга ҳамдардлик билдирманг. Кейин пушаймон бўлиб юрасиз. Ўзингиз учун таҳқирли бир ишга қўл ургандай бўлманг. Мен кўп йиллардан бери бошимга соя солиб келаётган айблов ҳақида гапирдим. У билан боғлиқ баъзи бир шароитлар менга қарши гувоҳлик беради. Бу айблов нимадан иборат эканини эътироф этишга мен ўзимни мажбур қилолмайман. Айни чоқда мен гуноҳсизлигимни исбот қилишга ҳам муглақо қодир эмасман. Фақат “менинг гуноҳим йўқ!” деган гапни айтаоламан. Буни қасам ичиб тасдиқлашим мумкин. Номусим ҳаққи, қасам ичишимга ҳожат бўлмаса керак.

У яна гапдан тўхтади. Мен унга қарадим, аммо у кўзини кўтармади. Унинг бутун вужуди изтиробли хотирот асоратида эди. У шу изтиробни енгиб, гапирмоққа талпинарди.

– Яқинларимнинг менга имонсизларча муомаласи ҳақида, шафқатсиз душманликнинг қурбони бўлганим тўғрисида жуда кўп нарсаларни айтиб беришим мумкин эди, – деб давом этди у. – Аммо бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Энди ҳеч нарсани ўнглаб бўлмайди. Мен сизни толиқтирмоқчи ҳам, кайфиятингизни бузмоқчи ҳам эмасман. Бу мамлакатда мен ўз фаолиятимни бошлаётганда разил бир туҳмат мени мангуга барбод этди. Мен ўз касбикоримда ҳар қандай муваффақиятга эришишдан воз кечдим – эндиликда номаълумлик менинг бирдан-бир илинжим бўлиб қолди. Мен севган одамимдан жудо бўлдим – ахир, мен уни шармандалигимни баҳам кўришга маҳкум этолмас эдим-да. Докторга ёрдамчилик ўрни Англиянинг овлоқ бир бурчидан зўрга топилди. Мен уни эгалладим. Бу ўрин менга хотиржамлик ваъда қилгандай, номаълумлик ваъда қилгандай бўлганди. Шунақа деб ўйлаган эдим, адашган эканман. Ёмон овозлар ўз йўлида аста-секин бораверади ва вақтнинг ёрдамида, тасодифнинг кўмагида анча жойга етиб боради. Мен айбловдан қочсам, у кетимдан қувлаб юрарди. Мени вақтида огоҳлантиришди. Ишимдан ўз ихтиёрим билан, ўша ерда меҳнатим туфайли қозонганим яхши тавсиянома билан кетишга муваффақ бўлдим. Тавсиянома туфайли бошқа овлоқ жойдан

янги иш топдим. Бироз вақт ўтгач, шаъним учун ҳалокатли бўлган бўҳтон яна кулбамни қидириб топти. Бу гал мени огоҳлантиришгани йўқ эди. Хўжайиним менга деди:

— Мен сизга қарши ҳеч нарса дея олмайман, мистер Женнингс. Лекин сиз ё ўзингизни оқлашингиз керак, ёки бу уйни тарк этмоғингиз даркор.

Менинг иложим қолмаган эди. Кетишим керак эди. Бундан кейин бошимдан нималар кечмади, бу тўғрида гапириб ўтирмай қўяқолай. Мен энди қирққа кирдим. Юзимга қаранг — бошимдан кечган машаққатли йиллар ҳақида сизга юзим гапириб бераколсин. Ниҳоят, тақдир мени бу ерларга бошлаб келди — мистер Кандига ёрдамчи зарур экан. Қобилиятим ҳақидаги саволларга сўнгги хўжайинимнинг менга берган тавсияномасини рўкач қилдим. Табиатим ҳақидаги саволга — сизга айтган гапларимнинг ҳаммасини ортиғи билан унга ҳам айтиб бердим. Мен уни ишонмаган тақдирда ҳам туғилиши мумкин бўлган қийинчиликлар тўғрисида огоҳлантирдим. Бу ерда ҳам бошқа ҳамма жойдаги каби бировларнинг номи билан яшашни истамайман, бу шармандалик менга тўғри келмайди, — дедим унга. — Қаерга яширинмай, кетимдан таъқиб қилиб келувчи булутлардан Фризинголлда ҳам бошқа жойлардан ортиқроқ муҳофазам йўқ.

— Мен ҳеч нарсани чала қилмайман, — деб жавоб берди у менга. — Мен сизга ишонаман ва сизга раҳмим келади. Агар сиз таваккал қилишга рози бўлсангиз, мен ҳам таваккал қилиб, сизни ишга олавераман.

— Худо унга мададкор бўлсин! У менга бошпана берди, машғулот берди, у менинг хотиржамлигимни таъминлади. Мана, бир неча ойдирки энди уни қилган ишидан пушаймон бўлишга мажбур этувчи ҳеч қандай воқеа рўй бермайди деб астойдил ишониб яшамоқдаман.

— Бўхтонлар тиндими? — деб сўрадим мен.

— Аввалгидан баттарроқ авжига чиқмоқда. Аммо бу ерга етиб келганида вақт ўтган бўлади.

— Сиз олдинроқ жўнаб кетмоқчимисиз?

— Йўқ, мистер Блэк, мен ортиқ тирик бўлмайман. Ўн йилдан бери бедаво ички бир дарддан азоб чекяпман. Сиздан яширадиган жойим йўқ, мен аллақачон бу хасталикка жон таслим қилиб қўяқолардим, аммо ҳаётда яна бир сўнгги илинжим қолган — шу ҳаётимга бир қадар қиммат бахш этиб турипти. Мен ўзим учун жуда қадрли бўлган бир аёлни... таъминлашни истайман. Бу аёлни мен энди ҳеч қачон кўрмайман. Ота-онамдан менга жуда оз нарса қолган, у билан аёлни қарамликдан халос этиб бўлмайди. Ихтиёримдаги маблағни маълум даражага етказиш учун умримни узайтириш зарур бўлди. Шунинг учун мен хасталикка қарши ўзим ўйлаб топаолган барча енгиллатувчи дорилар ёрдамида кураш олиб бордим. Лекин менга фақат афюн таъсир қилди. Бу жуда кучли дори. У ҳар қандай оғриқни босади. Шу дори туфайли менга чақирилган ўлим ҳукми ижро этилмай, йилдан-йилга ўтиб келяпти. Аммо Афюннинг ижобий таъсири муайян чегарага эга. Хасталик зўрайиб боргани учун мен ҳам афюнни кўпроқ истеъмол қила бошладим. Бунинг жазосини энди тортяпман. Менинг бутун асабларим ишдан чиқиб бўлган, кечаси билан ит азобида тонг орттираман. Умримнинг охири кўриниб қолди. Майли, умрим тугаса тугар: мен беҳуда яшамадим. Меҳнатларим бекор кетмади. Озми-кўпми маблағ йиғиб улгурдим. Агар кучларим мени ўйлаганимдан олдинроқ тарк этмаса; йиққан маблағим ёнига яна жиндай қўшиш имкониятига эгаман. Билмадим, қандай қилиб шу гапларни айтиш даражасига етиб бордим. Бу гапларим билан сизда ўзимга нисбатан раҳм-шафқат қўзғамоқчи эмасман. Мен ўзимни бу даражада пасткаш деб ўйламайман. Сиз билан гаплаша бошлаганимда ажалим яқинлигига имоним комил бўлганини билсангиз, эҳтимол, менга тезроқ ишонарсиз. Сиз менда ҳамдардлик уйғотганингизни яшириб ўтирмайман, мистер Блэк. Шўрлик дўстимнинг хотирасини йўқотгани мен учун сиз билан яқинлашишга уриниб кўришда бир восита бўлди. Мен сизнинг қизиқишингизни мўлжаллаган эдим. Дўстим сизга айтмоқчи бўлган гап сизда қизиқиш уйғотмоғи керак эди, — мен эса шу қизиқишингизни қондириш имкониятига эга эдим. Мен шу тарзда сурбетлик билан сизга ёпишиб олганимни наҳотки маъзур тутишим мумкин бўлмаса? Балки мумкиндир.

Менга ўхшаб ҳаёт кечирган одам инсон тақдири ҳақида ўйлаганда ўзининг аччиқ аламли дақиқаларига эга бўлади. Сиз ёшсиз, соғломсиз, бадавлатсиз, ҳаётда ўз мавқеингиз бор, келажакка умид билан қарайсиз, сиз ва сизга ўхшаган одамлар менга ҳаётнинг нурли томонини намоён этишади ва мен ёруғ дунёни узил-кесил тарк этмасимдан олдин мени шу нур билан ошна бўлишга ундайди. Суҳбатимиз нима билан тамом бўлса ҳам, мен билан гаплашишга дори бўлиб, менга жуда катта илтифот кўрсатганингизни сира ҳам унутмайман. Мана энди, менга айтмоқчи бўлган гапингизни айтасизми ёхуд шу йўл билан хайр-маъзур қиламизми — бу тўлалигича сизга боғлиқ.

Мен ҳикоямнинг энг асосий жойига етиб келганимда, у ўтирган жойидан сапчиб турди-да, нафасини зўрға ростлаб, менга қараб қолди.

— Менинг хонага кирганим ҳақиқат, — дедим мен. — Олмосни олганим ҳам рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу иккита рад қилиб бўлмайдиган фактга нима деб эътироз билдиришим мумкин? Фақат бир нарса — агар мен шундай қилган бўлсам, буни мутлақо онгсиз ҳолда қилганман.

Эзра Женнингс бирдан қўлимдан ушлаб олди.

— Шошманг! — деб хитоб қилди у. — Сиз менга ўйлаганингиздан ортиқроқ айтдингиз. Сизга бирон марта афюн ичишга тўғри келганми?

— Умримда ҳеч қачон ичмаганман.

— Бутпур шу вақтда асабларингиз анча бўшашган эмасмиди? Сиз қандайдир бошқача бир безовталикни ҳис қилмаганмидингиз? Серзарда бўлиб қолмаганмидингиз?

— Дарҳақиқат, ҳис қилган эдим.

— Уйқунгиз ёмонмиди?

— Жуда ёмон эди. Кўп тунлар давомида сира ухлолмай чиққандим.

— Мисс Веринднерниг туғилган кунидан кейинги тун мустасно бўлгани йўқмиди? Эслашга уриниб кўринг, ўшанда яхши ухламаганмидингиз?

— Жуда яхши эсимда, қаттиқ ухлаган эдим.

У қўлимни қанчалик кўққисдан ушлаган бўлса, шунчалик кўққисдан қўйиб юборди ва менга шундай қарадики, уни ташвишга солиб турган энг сўнгги шубҳаси ҳам йўқ бўлиб кетган одамга ўхшарди.

— Бугун сизнинг ҳам, менинг ҳам ҳаётимдаги энг ажойиб кун, — деди у жиддий оҳангда. Бир нарсага ишончим комил, мистер Блэк. Энди мен бугун сизга мистер Канди нима демоқчи бўлганини аниқ биламан. Бу гап менинг ёзувларимда бор. Шошманг, яна бир гап бор. Мен, ишончим комилки, хонага кириб, бриллиантни олганингизда сиз мутлақо онгсиз равишда ҳаракат қилганингизни исбот қилиб бера оламан. Менга ўйлаш учун ва сиздан баъзи нарсаларни суриштириш учун жиндай муҳлат берсангиз бўлди. Сизнинг бегуноҳлигингизнинг далил-исботи менинг қўлимда, шекилли.

— Тушунтирсангиз-чи, худо ҳаққи! Бу билан нима демоқчисиз?

Гап-сўзга берилиб кетиб, ўзимиз сезмаган ҳолда бир неча қадам қўйибмиз-да, бир тўда нимжон дарахтларнинг ортига ўтиб кетиб қолибмиз. Илгари шу дарахтлар бизни пана қилиб турганди. Эзра Женнингс менга жавоб бериб улгурмай, уни катта йўлдан бир одам чақириб қолди. Бу одам кучли ҳаяжон ичида бўлиб, афтидан, уни кутиб турар эди.

— Ҳозир! — деб қичқирди у ҳалиги одамга жавобан. — Боряпман! Мени қишлоқда жуда жиддий бемор кутиб турипти, — деб менга мурожаат қилди у. — Мен у ерга ярим соат олдин етиб боришим керак эди. Дарҳол ўша ёққа жўнамасам бўлмайди. Менга икки соат муҳлат беринг. Кейин яна мистер Кандиникига келинг. Сизга сўз бераман, ўшанда мен бутунлай ихтиёрингизда бўламан.

— Мен қандай қилиб кута оламан? — деб хитоб қилдим сабрсизлик билан. — Биз ҳозир ажралишимиздан олдин наҳотки битта сўз билан мени хотиржам қилиб кетолмасангиз?

— Масала жуда муҳим, мистер Блэк. Уни шоша-пиша тушунтириб бўлмайди. Мен инжиқлигим туфайли сизнинг сабр-бардошингизни синаётганим йўқ, аксинча, сизга енгил бўлсин деб ҳозир бир оғиз гап билан чеклансам, кутиш сиз учун янада мушкулроқ бўлиб қоларди. Икки соатдан кейин Фризинголлда учрашгунча хайр, сэр.

Катта йўлда турган одам уни яна чақирди. У шоша-пиша кетди. Мен ёлғиз қолдим.

10-боб

Мен кишини ҳолдан тойдирадиган мавқумлик ичида кутишга маҳкум эдим. Ўрнимда бошқа одам бўлса, бу унга қандай таъсир қиларди — буни айтолмайман. Икки соатли кутиш азоби менга қуйидагича таъсир қилди: мен бир жойда туришга ўзимнинг жисмонан ноқобиллигимни ҳис қилдим ва Эзра Женнингс менга нима демоқчи бўлганини билмагунимча бирон киши билан гаплашолмаслигимни сездим.

Шундай кайфият билан миссис Эбльуайтникига боришдан воз кечдим, ҳатто Габриэль Беттереж билан ҳам учрашмай қўя қоладиган бўлдим.

Фризинголлга қайтгач, унга мактуб қолдирдим. Унда мени қўққисдан чақириб қолишганини, тушдан кейин соат учларда, албатта, қайтишимни маълум қилдим. Мен ундан ўзи учун кўникилган соатда тушлик овқатни буюришини ва ўшанга қадар бирон нарса билан банд бўлиб, овуниб туришини илтимос қилдим. Шаҳарда унинг ошна-оғайниси кўп эди — мен бундан хабардор эдим. Демак, мен келгунга қадар бўш вақтини бирон нарса билан банд қилиш ҳам унча оғир кўчмайди.

Бу ишни бажаргач, мен яна шаҳардан чиқдим-да, Фризинголл теварагидаги тақир жойларда тентирай бошладим. Ниҳоят, соат мистер Кандининг уйига борадиган вақт бўлганини кўрсатди.

Эзра Женнингс мени кутиб турган экан. У кичкина хонада ёлғиз ўзи ўтирарди. Ойнаванд эшик бу хонадон дорихонага олиб чиқарди. Сариқ бўёқ билан бўялган деворларда турли-туман даҳшатли касалликлар оқибатида содир бўладиган қиёмат манзаралар тасвирланган сувратлар осиғлиқ эди. Муқовалари қорайиб кетган тиббий китобларга тўла жавон, китоблар остида одатдаги ҳайкалчалар ўрнига бош чаноғи қўйилган, сатҳи бошдан-оёқ сиёҳ доғлари билан қопланган катта қарағай стол, кўпроқ ошхоналарда учрайдиган ёғоч стуллар, хонанинг ўртасида сийқаси чиқиб кетган гиламча, деворга қўпол тарзда маҳкамлаб қўйилган водопровод крани, тос ва тоғора (улар беихтиёр даҳшатли жарроҳлик операциялари ҳақида фикр қўзғайди) — хонанинг бор анжоми шулардан иборат эди. Дераза токчаларига қўйилган тувaклардаги гуллар орасида асаларилар ғўнғиллаб учиб юришипти. Боғда қушлар сайрайди. Вақти-вақти билан қўшни уйларнинг биридан сози бузилган фортепианонинг тинғирлаши қулоққа чалинади. Бошқа ҳар қандай жойда бу одатдаги садолар девор ортидаги дунёда осуда ҳаёт давом этаётганидан далолат берарди. Аммо бу ерга улар тинчликни бузувчи садолар сифатида кириб келарди. Ҳолбуки, бу тинчликни инсон изтиробларидан бошқа ҳеч нарса бузишга ҳаққи йўқдай туюларди. Мен қизил ёғочдан ясалган яшикдаги жарроҳлик асбобларига ва китоб жавонида ўзига ажратилган жойда теккина турган бир даста қоғозга қарадим-да, мистер Кандининг хонаси учун одатий бўлган товушларни ўйлаб, сесканиб кетдим.

— Сизни бу хонада қабул қилаётганим учун узр сўрайман, мистер Блэк, — деди у. — Куннинг ҳозирги палласида бизни бу ерда ҳеч ким безовта қилмайди. Бунга амин бўлаверинг. Мана бу ерда сизга аталган қоғозларим ётипти. Манави икки китоб ҳам керак бўлади. Биз суҳбатимизни тугатмай, уларга мурожаат қиламиз. Қани, столга яқинроқ ўтиринг. Буларнинг ҳаммасини биргаликда кўриб чиқайлик.

Мен стулимни у томонга суриб ўтирдим, у менга ўзининг ёзувларини узатди. Улар иккита катта-катта саҳифадан иборат эди. Уларнинг биринчисида сўзларнинг орасида анча-мунча бўш жой қолган эди. Иккинчиси эса бошдан охиригача қизил ва қора сиёҳлар билан ёзилган хатга тўла эди. Ўша дақиқада қизиқишим авж пардага кўтарилган бўлиб, жуда безовта ҳолда эдим. Шунинг учун ноумид бир аҳволда иккинчи саҳифани бир чеккага суриб қўйдим.

— Менга раҳмингиз келсин! — деб хитоб қилдим мен. — Ўқишга киришмасимдан олдин айта қолинг — мени нима кутяпти?

— Бажонудил, мистер Блэк! Сиздан икки-учта савол сўрашга ижозат бергайсиз.

— Истаган нарсангизни сўрайверинг.

У менга юзида ҳазин табассум, юввош қўнғир кўзларида илиқ хайрихоҳлик билан қаради.

— Менга боя айттандай бўлдингиз, — деб бошлади у, — сиз, ўзингизга маълум бўлишича, умрингизда сира ҳам оғзингизга афюн олган эмассиз, шундоқми?

— "Ўзингизга маълум бўлишича" дейсизми? — деб сўрадим.

— Нега бундай деяётганимни ҳозир тушуниб оласиз. Давом этамиз. Қачонлардир бўлмасин афюн еганингиз эсингизда йўқ. Ўтган йили худди шу вақтда асабларингиз ишдан чиққан эди ва тунлари ёмон ухлардингиз. Лекин мисс Рэчелнинг туғилган кунидан кейинги кечада одатдагига хилоф ўлароқ, жуда яхши ухладингиз. Шу гапларимнинг ҳаммаси тўғрими?

— Мутлақо тўғри.

— Асабингиз қақшагани ва уйқусизлигингизнинг сабабини менга айтиб бера оласизми?

— Сира ҳам айтиб бера олмайман. Шуниси эсимдаки, қария Беттереж қандайдир сабабни гумон қилиб юрганди. Аммо бу тўғрида гапириб ўтиришга ҳам арзимаса керак.

— Мени маъзур тутасиз. Бунга ўхшаган ишда гапириб ўтиришга арзимайдиган нарса бўлмайди. Сизнинг уйқусизлигингиз сабабини Беттереж нимагадир йўйган эди дейсизми? Нимага йўйган эди.

— Чекишни ташлаганимга.

— Илгари чекармидингиз?

— Чекардим.

— Бирдан чекишни ташладингизми?

— Ҳа, бирдан ташладим.

— Беттереж мутлақо ҳақ эди, мистер Блэк. Чекиш одат тусига киргандан кейин, уни бирданига ташласа, содир бўладиган асаб бузилишини пайқамаслик учун одам ҳаддан ташқари бақувват бўлади. Менимча, сизнинг уйқусизлигингизни шу билан изоҳласа бўлади. Менинг навбатдаги саволим мистер Кандига тааллуқли. Туғилган кундами ёхуд бошқа бирор гап бўлиб ўтмаганмиди?

Бу савол шу заҳотиёқ менда туғилган кундаги зиёфат билан боғлиқ ғирашира бир хотиротни уйғотди. Менинг мистер Канди билан бемаъни баҳсим ўзи арзимайдигандан кўра ўн чандон батафсилроқ Беттереж ҳикоясининг ўнинчи бобида баён қилганди. Бу баҳснинг тафсилотлари менинг хотирамдан буткул кўтарилиб кетган эди — мен кейинчалик унинг тўғрисида шу қадар оз ўйлаган эдим. Мен зиёфат вақтида умуман медицинага қаттиқ ҳужум қилганимни, уни чангитиб сўкканимни, оқибатда, мистер Кандининг тоқати тоқ бўлиб, жаҳли чиқиб кетганинигина эслаб суҳбатдошимга айта олдим, холос. Эслаганим яна шу бўлдики, леди Вериндер баҳсимизга аралашиб унга чек қўйди ва болалар айтганидек, биз кичкина доктор билан ярашиб, ўртоқ бўлдик ва бир-биримизнинг қўлимизни қаттиқ сиқиб, хайр-хўшлашдик.

— Яна бир нарса бор. Уни ҳам билишим мен учун ғоят катта аҳамиятга эга, — деди Эзра Женнингс. — Ўтган йили шу вақтда сиз Ойтош учун ташвиш чекиб юрмаганмидингиз?

— Чекканда қандоқ. Безовта бўлиш учун жуда катта сабаб бор эди. Ойтош масаласида суиқасд борлигидан хабардор эдим, мени огоҳлантиришиб, Ойтошнинг эгаси мисс Вериндерни қўриқлаш тадбирларини кўриб қўйишни тайинлашган эди.

— Ўша оқшом ухлагани кетишингиздан олдин бирон киши билан олмоснинг хавфсизлиги ҳақида гаплашганингиз йўқми?

— Бу тўғрида леди Вериндер қизи билан гаплашган эди...

— Сиз иштирок этганмидингиз?

— Ҳа, мен иштирок этгандим.

Эзра Женнингс стол устидан ёзувларини олиб, менга узатди.

— Мистер Блэк, — деди у, — агар сиз ҳозир менинг ёзувларимни сизга берган саволларим ва сизнинг жавобларингизни назарда тутиб ўқиб чиқсангиз, ўзингизга тааллуқли иккита ажойиб кашфиёт қиласиз. Биринчидан, кўрасизки, мисс Вериндернинг хонасига кириб, олмосни онгсиз бир ҳолатда олгансиз ва бунинг сабаби афюн бўлган; иккинчидан, афюнни ўзингизга билдирмай, сизга мистер Канди берган. Бу билан у мисс Рэчелнинг туғилган кунида

зиёфат дастурхони теварагида ўтириб, сиз айттан гапларнинг нотўғрилигини кўрсатиб бермоқчи бўлган.

Мен қўлимда мистер Эзра Женнингснинг ёзувини ушлаганча тахтадай қотиб қолган эдим.

— Шўрлик мистер Кандини маъзур тутинг, — деди Женнингс ювошгина. — У сизга жуда катта зарар келтирган, мен буни рад этмайман, аммо буни у қасддан қилган эмас. Менинг ёзувларимни ўқиб кўринг — амин бўласизки, агар хасталик халақит бериб қолмаганда, у эртасига эрталаб, албатта, леди Вериндернинг ҳузурига келар ва сизга қилган ҳазилини тан оларди. Мисс Вериндер ҳам, албатта, буни эшиттан бўларди ва ундан бор гапни суриштириб билиб оларди. Шундай қилиб, бир йилдан бери пинҳон бўлиб келаётган ҳақиқат бир кундаёқ юзага чиққан бўларди.

— Мен мистер Кандидан ўч олиб юрмайман, — дедим мен зарда билан. — Аммо унинг менга қилган ҳазили хиёнатдан бошқа нарса эмас. Мен уни кечиришим мумкин, лекин унутишим асло мумкин эмас.

— Ўзининг тиббий фаолияти давомида шунга ўхшаган хиёнатни қилмайдиган врач бўлмайди, мистер Блэк. Англияда афюнга нодонларча ишонмасдан қараш фақат қуйи табақалар ва маърифатсиз одамлар ўртасидагина тарқалган эмас. Озми-кўпми донғи чиққан ҳар бир врач вақти-вақти билан ўзининг мижозларини мистер Канди сизни алдагандек алдаб туришга мажбур бўлади. Ўша пайтда юзага келган мураккаб шароитда сизга қилинган ўринсиз ҳазилни мен оқламайман, албатта. Мен фақат унга ҳазилни туғдирадиган сабабга аниқ ва илтифотли қарашни сизга баён қилиб беряпман, холос.

— Бироқ буни қандай қилиб амалга оширишган эди? — деб сўрадим мен. — Ўзимга билдирмай туриб, афюнни менга ким берган эди?

— Буни мен айта олмайман. Бу тўғрида мистер Канди хасталиги давомида бирон оғиз бир нарса дегани йўқ. Балки кимдан шубҳаланиш кераклигини ўзингиз эсларсиз?

— Йўқ.

— Унда ҳозир бу масала устида бош қотириб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Қай бир йўсинда афюнни сизга кишибилмас қилиб беришган. Шуни асос қилиб оламизда, ҳозирги ҳолатда муҳимроқ аҳамиятга эга бўлган бошқа масалага ўтайлик. Имкони бўлса, ёзувларимни ўқиб чиқинг. Ўтмишда содир бўлган воқеалар ҳақидаги фикрни сингдириб олинг. Келажак масаласида мен сизга ўта даражада дадил ва ажойиб бир режани таклиф қилмоқчиман.

Унинг сўнгги сўзлари ғайратимни жўш урдириб юборди. Мен саҳифаларга қарадим. Улар қўлимда Эзра Женнингс менга берган пайтидаги тартибда тахлғлиқ турарди. Ёзуви камроқ саҳифа устида эди. Ундаги мистер Кандининг алаҳсираш вақтида оғзидан чиққан маъносиз сўзлари ва узуқ-юлуқ иборалари қуйидагича ўқиларди:

“...мистер Фрэнклин Блэк... маъқул йигит... медицина... миясидаги аҳмоқона гапларни чиқариб... уйқусизликдан... тан оляпти... мен унга... ишдан чиққан... даволаниш керак... менга... қоронғида тимирскиланиб... бир нарса... дастурхоннинг тепасида ҳамманинг иштирокида... қоронғида тимирскиланиб уйқунгизни излаб... дедим... кўр-кўрни етаклаб... бунинг маъноси... Гапи зўр... заҳар тилига зид... ухлатиб қўйишга... Леди Вериндернинг дорилари... ўзига билдирмай... бир миқдор... эртасига...

— Хўш, қалайсиз... дори ичишга рози... ҳеч қачон уйқусизликдан... Адашяпсиз, мистер Канди... дорингизсиз ҳам... яхши ухладим... ҳақиқатни айтиб... лауданумнинг шарофати... ётишингиздан олдин... Хўш, энди... медицина ҳақида...”

Биринчи варақдан бор-йўғи шу гаплар ёзилган эди. Мен уни Эзра Женнингсга қайтариб бердим.

— Беморнинг каравоти ёнида эшиттанингизми бу? — дедим мен.

— Эшиттанларимнинг ҳаммаси шу. Сўзма-сўз ёзиб олганман, — деб жавоб берди у. — Фақат стенографик ёзувларимни оққа кўчираётганимда такрор-такрор айтилган бир хил сўзларни тушириб қолдирганман. Баъзи бир иборалар ва сўзларни у ўн марталаб такрорларди. Баъзи бирларини муҳимроқ деб билган бўлса керак, эллик мартагача қайта-қайта айтган. Бу маънода такрорлар айрим

сўзлар ва узуқ-юлуқ иборалар орасидаги алоқани тиклашимда менга қай бир даражада қўлланма бўлди. Ўйламангки, – деб илова қилди у иккинчи варақни кўрсатиб, – мен ўзим қўшган ибораларни мистер Канди маънодор гапириш қобилиятига эга бўлганда гапириши мумкин бўлган ибораларнинг айнан ўзи демоқчи эмасман. Мен айтмоқчи бўлган гап шундан иборатки, ҳар қалай маънисиз баённи оралаб ўтиб, доимий ва изчил асосий фикрнинг мантиғини топа олганга ўхшайман. Мана, ўзингиз кўринг.

Мен иккинчи варақка мурожаат қилдим. Бу варақ биринчиси учун калит экан. Бу саҳифада мистер Кандининг алаҳсираши қора сиёҳда ёзилган эди, унинг ёрдамчиси тиклаган жойлар эса қизил сиёҳда ёзилипти. Мен унисини ҳам, бунисини ҳам кетма-кет кўчиравераман, чунки алаҳсираш ҳам, унинг изоҳи ҳам бу саҳифаларда бир-бирига анча яқин туради – уларни бемалол бир-бирига таққослаб, текшириб чиқиш мумкин.

"...Мистер Фрэнклин Блэк ақлли ва маъқул йигит, лекин у медицина ҳақида фикр юритишдан аввал миясидаги аҳмоқона гапларни чиқариб ташласа бўларди. У уйқусизликдан азоб чекаётганини тан оляпти. Мен унга асаблар ишдан чиққан, даволаниш керак, дедим. У эса менга даволаниш билан қоронғида тимирскиланиб юриш бир нарса деб жавоб берди.Яна бир гапини у зиёфат дастурхонининг тепасида ҳамманинг иштирокида айтди. Мен унга сиз қоронғида тимирскиланиб уйқунгизни излаб юрибсиз, доридан бошқа ҳеч нарса уни топишингизга ёрдам беролмайди, дедим. Бу гапга жавобан у нима деди денг? Кўр-кўрни етаклаб юрганини эшитган экану, энди бунинг маъноси нима эканини кўриб турган эмиш. Гапи зўр, лекин мен унинг заҳар тилига зид ўлароқ бу йигитни бир кеча давомида ухлатиб қўйишга кучим етади. У чиндан ҳам уйқуга муҳтож. Леди Веринднерннинг дорилари эса менинг ихтиёримда. Унинг ўзига билдирмай туриб, уйқусидан олдин бир миқдор лауданум бериш керак. Кейин эртасига эрталаб етиб келаман. – Хўш, қалайсиз, мистер Блэк, бугун жиндай дори ичишга рози бўлмайсизми? Дорисиз сиз ҳеч қачон уйқусизликдан халос бўлолмайсиз. – Адашяпсиз, мистер Канди. Мен бу кеча сизнинг дорингизсиз ҳам жуда яхши ухладим. – Шунда унга ҳақиқатни айтиб, лол қолдириш керак. – Бу кеча яхши ухлаган бўлсангиз, сэр, лауданумнинг шарофати билан ухлагансиз. Уни сизга уйқуга ётишингиздан олдин беришган эди. Хўш, энди медицина ҳақида нима дейсиз?"

Мен унинг топқирлигига қойил қолдим – ҳаддан ташқари чалкаш бир нарсадан силлиқ, маънодор бир нутқ ясапти. Варақни унинг эгасига қайтарар эканман, менда қолган биринчи таассурот шундай эди. У ўзига хос камсуқумлик билан менга савол бериб, бу ёзувлардан чиқарган хулосасига қўшилиш-қўшилмаслигимни сўради.

– Мисс Рэчелнинг туғилган кунидан кейинги тунда леди Веринднерннинг уйида нимаики қилган бўлсангиз, ҳаммасини лауданум таъсирида қилганман деб ўйлайсизми? Шундай ўйласангиз, мен ҳам шундай деб ўйлайман.

– Мен лауданумнинг таъсири ҳақида жуда кам маълумотга эгаман, шунинг учун бу тўғрида ўз фикримга эга бўлишга ожизлик қиламан, – деб жавоб бердим мен. – Мен фақат сизнинг фикрингизга таянишим мумкин ва ички эътиқодим билан сизнинг ҳақлигингизни ҳис этишим мумкин.

– Жуда яхши. Энди яна бир савол туғилади: сизнинг ишончингиз комил, менинг ишончим комил. Бироқ қандай қилиб бошқаларни ҳам бунга амин қила оламиз. Мен қаршимизда стол устида ётган саҳифаларни кўрсатдим. Эзра Женнингс бошини чайқади.

– Уларнинг фойдаси йўқ, мистер Блэк. – Мутлақо фойдаси йўқ. Бунинг уч боиси бор. Биринчидан, бу ёзувлар кўпчилик одамлар учун мутлақо янги бўлган бир шароитда қилинган. Шунинг ўзи ҳам уларни маъқул қилишга йўл қўймайди. Иккинчидан, бу ёзувларда медицинадаги янги назария баён қилинган. У ҳали текшириб кўрилгани йўқ. Бу ҳам уларни маъқуллаш имконини бермайди. Ниҳоят, учинчидан, бу ёзувлар меники! Уларнинг қалбаки эмаслигига менинг имонимдан бўлак ҳеч қанақа исбот-далил йўқ. Ялангликда ўтирганимизда сизга нималар деганимни эсланг. Хўш, энди айтинг-чи, менинг сўзларим қандай вазнга эга бўлиши мумкин? Йўқ, менинг ёзувларим фақат бир жиҳатдангина – одамларнинг ҳукми нуқтаи

назаридангина қимматга эга. Бу ёзувлар сизнинг бегуноҳлигингизни қай йўсинда исбот қилиб бериш кераклигини кўрсатади, бегуноҳлигингиз эса, албатта, исбот қилиниши керак. Биз ўзимизнинг ишончимизни фактлар билан асослаб бермоғимиз керак. Сизни эса шу ишни бажаришга қобил одам деб ҳисоблайман.

— Нима қилмоғим керак? — деб сўрадим мен.

У стол оша менга эгилди.

— Дадил бир тажрибага журъат қила оламизми?

— Мен устимдаги гумонни йўқотиш учун ҳамма нарсага тайёрман.

— Сиз баъзи бир вақтинчалик ноқулайликларга дучор бўлишга розимисиз?

— Нима бўлса ҳам майли, менга барибир.

— Менинг маслаҳатимга тўла-тўкис амал қила оласизми? Тентак одамлар устингиздан истеҳзо билан кулишлари мумкин; фикрларини ҳурмат қиладиган дўстларингиз бор — улар сизни йўлдан қайтариши мумкин.

— Нима қилишим кераклигини айтаверинг, — деб сабрсизлик билан унинг гапини бўлдим. — Ҳар нима бўлганда ҳам, айтганларингизни бажо келтираман.

— Сиз бундай қилишингиз керак, мистер Блэк, — деб жавоб берди у. — Сиз Ойтошни иккинчи марта онгсиз тарзда ўғирлашингиз керак. Буни кузатиб турган одамлар шундай одамлар бўлиши керакки, уларнинг гувоҳлиги ҳар қандай шубҳалардан ташқарида бўлмоғи лозим.

Мен сакраб туриб кетдим. Нималардир демоқчи бўлдим. Аммо унга мўлтираб қарашдан бошқага ярамадим.

— Менимча, бунинг ҳаммасини бемалол қилса бўлади, — деб давом этди у, — агар сиз менга ёрдам беришни истасангиз буни, албатта қиламиз. Тинчланишга ҳаракат қилинг. Жойингизга ўтиринг, менинг гапимга қулоқ солинг. Сиз яна чека бошлабсиз, буни ўзим кўрдим. Қачон бошладингиз чекишни?

— Бир йилча бўлди.

— Сиз аввалгидан кўпроқ чекаяпсизми, озроқми?

— Кўпроқ чекяпман.

— Бу одатингизни яна ташлай оласизми? Лекин аввалгидек, бирдан ташлаш керак.

Мен ғира-шира тарзда унинг мақсадини англай бошладим.

— Ҳозирнинг ўзидаёқ ташлаганим бўлсин, — дедим мен.

— Агар оқибати худди бултурги июнь ойидагидек бўлса, — деди Эзра Женнингс, — агар сиз яна ўшандагидек, уйқусизлик дардида азоб чека бошласангиз, биз биринчи қадамни қўямиз. Биз яна сизнинг асабий ҳолатингизни туғилган кундан кейинги кечадаги даражага етказамиз. Агар биз лоақал тахминан бўлса-да, ўшанда сизнинг атрофингиздаги уй шароитини қайта тиклаёлсак, агар биз сизнинг фикру зикрингизни яна ўшандагидек олмос билан боғлиқ турли-туман масалаларга жалб қила олсак, биз сизни жисмонан ҳам, руҳан ҳам, ўтган йили афюн еган вақтингиздаги ҳолатга мумкин қадар яқинлаштирган бўламиз. Унда умид қилишим мумкинки, яна такроран афюн есангиз озми-кўпми бултурги натижанинг такрорланишига эришиш мумкин. Гапнинг лўндасини айтганда, менинг таклифим ана шундай. Қандай сабабларга кўра бу таклифни қилаётганимни ҳозир кўрасиз.

У ёнида турган китобга ўгирилди-да, унинг ичига қоғоз солиб белгилаб қўйилган жойини очди.

— Сизга физиологиядан маъруза ўқиб, диққинафас қилмоқчи эмасман. — Мен сиздан бу тажрибани синаб кўришингизни илтимос қилар эканман, шу билан ўзим ўйлаб топган назарияни далиллашнигина назарда тутаётганим йўқ. Қонун тусини олган принциплар ва ҳамма тан олган мўътабар одамлар мен қабул қилган қарашларни маъқул деб ҳисоблашади. Мендан беш дақиқалик диққатингизни дариғ тутмасангиз, таклифим ҳар қанча ғалати кўринмасин, илм томонидан маъқулланишини сизга намойиш қиламан. Мана, биринчидан, физиологик принцип. Мен шунга амал қиламан. Уни доктор Карпентернинг ўзи баён қилиб берган. Мана, ўқиб кўринг.

У менга китобнинг ичига буклаб солиб қўйилган қоғозни узатди. Унда қуйидаги сатрлар ёзилган эди:

“Онг томонидан бир марта қабул қилинган ҳар бир ҳиссий таассурот миямизга ёзилиб қолади ва гарчи шу давр мобайнида биз уни англамаган бўлсак-да, кейинчалик қайтадан тикланиши мумкин, деб ўйлашимиз учун асос кўп”.

— Ҳозирча ҳаммаси равшан, шундай эмасми? — деб сўради Эзра Женнингс.

— Мутлақо равшан.

У стол устидаги очиқ китобни менга суриб қўйди-да, қалам билан белгиланган жойини кўрсатди.

— Энди мана бу жойни ўқинг, — деди у. — Менимча, бу гаплар бевосита сизнинг аҳволингизга тааллуқли ва мен сизни ўтказишга ундаётган тажрибага ҳам дахлдор. Ўқишга киришишдан олдин бир нарсага эътибор беринг, мистер Блэк — мен энг буюк инглиз физиологларидан бирига суянаман. Қўлингиздаги китоб доктор Эллиотсоннинг “Инсон физиологияси” деб аталади, доктор тилга олган воқеани эса мўътабар олим мистер Комб айтиб берган.

У кўрсатган парчада қуйидаги гаплар ёзилган эди:

“Доктор Абль ирландиялик бир ҳаммол ҳақида менга хабар қилган эди, — дейди мистер Комб. — Бу ҳаммол маст ҳолатида қилган ишларини ҳушёр ҳолатда бутунлай унутиб юборар экан, лекин яна ичиб олса, авваллари мастлигида қилган ишларини эслар экан. Бир куни кайфида қимматли бир тугунни йўқотиб қўйипти ва ҳушёрлигида нима бўлганини сира тушунтириб беролмапти. Кейинчалик кайф қилганида эса тугунни бир уйда қолдирганини эслапти. Тугунда ҳеч қандай манзил ёзилмаган экан, шунинг учун қолдирилган жойда ётган экан. Ҳаммол ўша уйга бориб, тугунни қайтариб олипти”.

— Яна ҳаммаси равшан-а? — деб сўради Эзра Женнингс. — Жуда ҳам равшан.

У қоғозни аввалги жойига қўйиб, китобни ёпди.

— Олимларга таяниб туриб гапирганимга энди ишондингизми? — деб сўради у. — Агар ишонмаган бўлсангиз, манави жавондаги китоблардан яна олиб бераман, сиз эса мен кўрсатган жойларни ўқиб чиқасиз.

— Мен тўла ишондим. Бошқа ўқимайман.

— Ундай бўлса, биз сизнинг бу ишдаги шахсий манфаатингиз масаласига қайтишимиз мумкин. Сизга бир нарсани айтиб қўйишим керак — мен таклиф қилаётган тажрибага қарши баъзи эътирозларни билдирса бўлади. Агар биз ўтган йили мавжуд бўлган шароитларнинг айнан ўзини бу йил ҳам қайтадан ярата олганимизда, шубҳа йўққи, биз эришадиган натижа ҳам айнан ўтган йилдагидек бўлар эди. Аммо бунинг иложи йўқ. Биз ўша шароитта яқинлаша оламиз дебгина умид қилишимиз мумкин. Агар шуни имкони борича ўтмишга яқинлаштиришнинг уддасидан чиқолмасак, тажрибамиз муваффақиятсиз тугайди. Агар уддасидан чиқсак — мен бунга астойдил ишонаман, — биз жилла бўлмаганда сизнинг мисс Рэчелнинг туғилган кунидан кейинги кечаси қилган ишларингизнинг такрорини кўришимиз мумкин. Бу эса ҳар қандай соғлом фикрловчи одамни олмоснинг ўғирланишида сизнинг гуноҳингиз йўқлигига ишонтирмоғи керак. Ўйлайманки, мистер Блэк, энди мен, масалан, ҳар томондан инсоф билан ўзим белгилаган чегараларни кўриб чиқдим. Агар сиз учун бирор нарса ноаниқ бўлса, айтинг, мен тушунтириб беришга ҳаракат қиламан.

— Менга айттан гапларингизнинг ҳаммасини жуда яхши тушундим, — дедим мен. — Лекин эътироф этишим керак, бир масала менга унча аниқ бўлмай турипти. Шунга бироз ҳайрон бўляпман.

— Қайси масала?

— Афюн менга қандай таъсир қилганини тушунтира олмаяпман. Мен қандай қилиб зинадан чиққанману, йўлаклардан ўтганман, жавоннинг тортмаларини очиб-ёпганларимни, кейин яна ўз хонамга қайтиб келганимни тушуна олмаяпман. Буларнинг ҳаммаси фаол ҳаракатлар. Ўйлашимча, афюннинг таъсирида одам аввал карахт бўлади, кейин эса уни уйқу босади.

— Мистер Блэк, бу афюн масаласида кенг тарқалган хато қараш! Ҳозирги дақиқада ўз ақлимни лауданум таъсирида ишлатиб турибман. Менинг ҳозир қабул қилганим мистер Канди сизга берганидан ўн баравар ортиқроқ. Мен-ку, бу масалани шахсий тажрибамда синаб кўрганман. Майли, сиз менинг

гапимга ишонмаёқ қўйинг. Мен сиз билдирган эътирозни олдиндан кўрган эдим. Шунинг учун унга қарши далил тайёрлаб қўйганман. Бу далилим сизнинг ва дўстларингизнинг назарида салмоққа эга бўлади.

У менга стол устида ётган китоблардан яна бирини узатди.

— Манг, — деди у. — Бу — "Афюн ейдиган инглизларнинг иқрорлари" деган машҳур китоб. Бу китобни олиб кетинг-да, ўқиб чиқинг. Мен белгилаб қўйган жойни ўқисангиз биласиз: де Квинен афюндан кўп еган пайтларида ё музикадан ҳузур қилиш учун операга борар экан, ёхуд шанба оқшомида Лондон бозорларида тентираб юриб, қашшоқларнинг якшанбалик овқатини топиш илинжида югуриб-елишларини томоша қилар экан. Шундай қилиб, бу одам афюннинг таъсирида фаол ҳаракат қилган ва бир жойдан иккинчи жойга бемалол юраверган.

— Жавобингиз маъқул, — дедим мен, — лекин бутунлай эмас. Афюн менга кўрсатган таъсирини ҳали тушунтириб берганингиз йўқ.

— Буни сизга икки-уч оғиз сўзда тушунтириб беришга ҳаракат қиламан, — деди Эзра Женнингс. — Кўп ҳолларда афюн икки хил йўсинда таъсир қилади, аввал одамни жунбушга келтиради, кейин тинчлантиради. Жунбушга келтирган пайтида сизнинг қалбингизда қолган энг сўнгги ва энг ёрқин таассуротлар, яъни олмоса таассуротлар — сизнинг хастаҳол асабий ҳолатингизда, албатта, миянгизда чуқур из қолдирган бўлиши керак ва оддий уйқу идрокингиз билан иродангизни ўзига қандай бўйсундириб олган бўлса, бу гал ҳам идрокингиз ва иродангиз тўлалигича ўша ҳолатингизга тобе бўлган бўлиши керак. Шунинг таъсирида сиз кундуз куни кўнглингиздан кечирган олмос ҳақидаги ташвишлар аста-секин мужмаллик ҳолатидан чиқиб, кўнглингизда қатъий ишончга айланади ва сизни олмосни эҳтиёт қилиш борасида амалий ишлар қилишга ундайди. Шу тарзда сиз олмосни қўриқлаш ниятида ўша кирган хонангизга кириб боргансиз ва жавоннинг тортмаларини бирин-кетин очиб-ёпиб, олмосни топгансиз. Сиз буларнинг ҳаммасини афюндан маст ҳолатда қилгансиз. Кейинроқ, афюннинг тинчлантирувчи таъсири жунбушга келтирувчи таъсиридан устун кела бошлаганда, сиз аста-секин бўшашиб боргансиз ва ниҳоят, карахт бир ҳолга келгансиз. Шундан кейин қаттиқ уйқуга кетгансиз. Тонг отгач, афюннинг таъсири тамом бўлгач, сиз худди ойдан тушган одамдек, кечаси қилган ишларингиздан мутлақо бехабар бир ҳолатда уйқудан уйғонгансиз. Буларнинг бари энди сизга равшан бўлдими?

— Шу даражада равшанки, — деб жавоб бердим мен, — мен яна давом этишингизни истайман. Сиз менга қандай қилиб хонага кирганману, қанақа қилиб олмосни олганимни айтиб бердингиз. Аммо мисс Вериндер менинг қўлимда олмос билан хонадан чиқиб кетганимни ҳам кўрипти. Шу дақиқадан кейин нималар қилганимни айтиб бера оласизми? Ундан кейин нималар бўлган — топа оласизми?

— Мен энди худди шу масалага ўтмоқчиман, — деб жавоб берди у. — Мен учун бу ҳам муҳим масала. Мен таклиф қилаётган тажриба сизнинг гуноҳсизлигингизни исбот қилиш билан чекланадими ёки ғойиб бўлган олмосни топишга ёрдам ҳам берадими? Сиз мисс Вериндернинг меҳмонхонасидан қўлингизда олмос билан чиққанингиздан кейин, афтидан, ўз хонангизга қайтган бўлсангиз керак...

— А? Хўш, ундан кейин-чи?

— Эҳтимол, мистер Блэк, — бу масалада аниқроқ бир гап айтишга ботинолмайман, — олмосни эҳтиёт қилиш ҳақидаги фикрингиз табиий равишда олмосни яшириб қўйиш ниятига айланган бўлиши мумкин ва сиз уни ётоғингизда бирор жойга беркитиб қўйган бўлсангиз керак. Бундай ҳолда сиз билан бояги ирланд ҳаммолининг бошидан кечган воқеа такрорланган бўлади. Иккинчи марта афюн еганингиздан кейин сиз, эҳтимол, олмосни қаерга яшириб қўйганингизни эслашингиз мумкин.

Шу ерга келганда Эзра Женнингсга изоҳ беришда менга навбат келди.

— Сизнинг мулоҳазаларингиз ҳеч қандай самара бермайди. Ҳозирги дақиқада олмос Лондонда.

У сесканиб тушди ва зўр таажжуб билан менга қаради.

— Лондонда дейсизми? — деб такрорлади у. — Олмос қандай қилиб леди

Веринднерниг уйидан Лондонга бориб қолган?

— Буни ҳеч ким билмайди.

— Сиз уни ўз қўлингиз билан мисс Веринднерниг хонасидан олиб чиққансиз. Кейин уни сиздан ким олди?

— Бу тўғрида заррача тасаввурга эга эмасман.

— Эрталаб уйғонганингизда олмосни кўрдингизми?

— Йўқ.

— Олмос яна мисс Веринднерга қайтиб берилганми?

— Йўқ.

— Мистер Блэк! Бу ерда изоҳ талаб қиладиган баъзи нарсалар бор. Қани, менга айтинг-чи, шу дақиқада олмоснинг Лондонда эканини қаердан, қай йўсинда биласиз?

Мен Лондонга қайтиб келиб, мистер Бреффдан Ойтошни суриштирганимда худди шу саволни ундан сўраган эдим. Эзра Женнингс менинг жавобимдан мамнун бўлмаганини очиқдан-очиқ намойиш қилди.

— Сизга ва адвокатингизга бўлган теран ҳурматимга қарамай, — деди у. — Мен ўз фикримда қоламан. Менга шуниси яхши маълумки, менинг фикрим тахмин асосига қурилган. Аммо мени авф этасизу, сизнинг фикрингиз ҳам тахмин асосига қурилган-да...

Унинг нуқтаи назари мен учун бутунлай янги эди. Мен унинг ўз қарашларини қандай ҳимоя қилишини безовталик билан кутиб турардим.

— Менинг тахминимча, — деб давом этди Эзра Женнингс, — афюннинг таъсирида бехатар жойга яшириб қўйиш мақсадида сиз олмосни олгансиз, ўша афюннинг таъсирида сиз уни хонангизнинг бирор жойига беркитиб қўйган бўлишингиз мумкин. Сизнинг тахминингизча, ҳинди суиқасдчилар адашиши мумкин эмас. Ҳиндилар Люкернинг уйига олмос учун боришган, — бинобарин, олмос мистер Люкернинг қўлида бўлиши керак. Ойтошнинг Лондонга олиб борилгани тўғрисида бирон аниқ далилингиз борми? Сиз, ахир, леди Веринднерниг уйидан олмосни ким ва қандай қилиб олиб кетганини ҳам билмайсиз-ку? Олмосни Люкерга гаровга қўйишгани ҳақида қандай исбот-далилингиз бор? У, Ойтош деган гап етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган деяпти, банкирининг тилхатида эса қимматбаҳо буюм ҳақида гапирилади, холос. Ҳиндилар мистер Люкер ёлғон гапиряпти деб ўйлашмоқда. Сиз эса бу масалада ҳам ҳиндиларни ҳақ деб ҳисобламоқдасиз. Ўз фикримнинг ҳимоясига фақат битта нарса дея оламан, холос. Мен айтган гап воқе бўлиши мумкин. Хўш, сиз-чи, мистер Блэк? Мантиқан ёхуд юридик жиҳатдан асосли фикр юритган ҳолда ўз нуқтаи назарингизни ҳимоясига нима дея оласиз?

Унинг гаплари кескин эди, аммо шундоқ бўлса-да, улар инсоф билан айтилганини рад қилиб бўлмасди.

— Тан олишим керакки, сиз мени иккилантириб қўйдингиз, — деб жавоб бердим мен. — Сиз менга айтган гапларингиз тўғрисида мистер Бреффга хат ёзиб юборсам, эътироз билдирмайсизми?

— Аксинча, мистер Бреффга ёзсангиз, хурсанд бўламан. Унинг тажрибасига ҳам таянсак, эҳтимолки, биз бу ишга янгича нуқтаи назардан қарай олармиз. Ҳозирча эса афюн билан қиладиган тажрибамизга қайтайлик. Ҳозирнинг ўзида чекишни ташлайсиз деган қарорга келдик, а?

— Ҳозироқ ташлайман.

— Бу биринчи қадам. Иккинчи қадам шундан иборат бўлмоғи керакки, ўтган йили сизни қуршаб турган уй шароитини имкон борича аниқ қилиб қайтадан яратмоғимиз шарт.

Буни қилишнинг қандай иложи бор эди? Леди Веринднер вафот этган. Менинг бошимдан ўғирлик бобидаги гумон аримаган экан, мен билан Рэчель икковимиз учраша олмаймиз. Годфри Эбльуайт бу ерда эмас, қитъада саёҳат қилиб юрипти. Мен сўнгги марта тунаб қолганимда уйда бор одамларни тўплашнинг иложи йўқ эди. Бу эътирозим Эзра Женнингсни ташвишга солмади. Ўша пайтдаги одамларнинг айнан ўзини тўплаш масаласига жуда кам аҳамият бераман, деди у. Чунки уларни тўплаган тақдирда ҳам менга нисбатан худди болтургидек муносабатда бўлишни улардан талаб қилиб бўлмайди. Иккинчи томондан, тажрибанинг муваффақиятли чиқиши учун у мени сўнгги марта

бу уйда бўлганимда мени қуршаб турган нарсалар ҳозир ҳам теварагимда бўлиши зарур деб ҳисобларди.

— Яна ҳам муҳими шундаки, — деб илова қилди у, — сиз туғилган кундан кейинги кечада ухлаган хонангизда ухлашингиз керак. Уйдаги асбоб-анжомлар ҳам худди ўша пайтдагидек бўлмоғи шарт. Зина, йўлаклар ва мисс Вериндернинг меҳмонхонаси ҳам сиз уларни сўнгги марта кўрганингиздек қилиб тикланиши керак. Уйнинг бу қисмидаги жиҳозларни кейинчалик олиб чиқиб кетган бўлишлари мумкин. Ўшаларнинг ҳаммасини қайтадан жой-жойига қўйиш керак, мистер Блэк. Агар мисс Вериндердан шуларни қилишга ижозат ололмасак, унда чекишни ташлатиб, сизни беҳуда озорлантирган бўламиз.

— Бундай ижозатни олиш учун унга ким мурожаат қилади? — деб сўрадим мен.

— Ўзингиз гаплашсангиз бўлмайдими?

— Бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Олмоснинг йўқолиши туфайли орамизда бўлиб ўтган можаролардан кейин мен у билан на кўриша оламан, на унга мактуб ёза оламан.

Эзра Женнингс сукут сақлаб, нима қилиш кераклигини ўйлаб қолди.

— Сизга битта нозик савол берсам бўладими? — деб сўради у. Мен тасдиқ ишорасини бердим. — Оғзингиздан чиқиб кетган икки-учта жумлага қараб, аввалги вақтларда сизнинг мисс Вериндерга муносабатингиз бошқачароқ бўлган деб ўйласам, адашган бўлмайманми?

— Тўғри ўйлаган бўласиз.

— Мисс Вериндер ҳам сизга бошқача муносабатда эдими?

— Ҳа, шундай.— Нима деб ўйлайсиз, сизнинг бегуноҳлигингизни исбот қилиши мумкин бўлган тажриба мисс Вериндерни қизиқтирмасмикин.

— Мен бунга аминман.

— Ундай бўлса, мисс Вериндерга ўзим мактуб ёзаман. Албатта, сизнинг ижозатингиз билан.

— Мактубингизда менга қилган таклифингиз тўғрисида гапириб берасиз. Шундайми?

У менга таклиф қилаётган миннатни бажонидил қабул қилганини ёзиб ўтирмаса ҳам бўлади.

— Мен бугунги почта жўнамасданоқ ёзишга улгураман, — деди у соатига қараб. — Меҳмонхонага қайтганингизда сигараларингизни яшириб қўйишни унутманг. Мен эртага эрталаб ҳузурингизга бораман. Кечаси қандай ухлаганингизни айтиб берасиз.

Мен у билан хайрлашиш учун ўрнимдан турдим. Мен унга миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчи эдим. Унинг яхшилиги чиндан ҳам кўнглимда миннатдорчилик туйғуларини уйғотган эди. У астагина қўлимни қисди.

— Ботқоқлик ёнида мен сизга айтган гаплар эсингизда бўлсин, — деб жавоб берди у. — Агар мен сизга ана шу жиндайгина яхшилигимни қила олсам, мистер Блэк, бу мен учун узун ва хира куннинг сўнгтидаги оқшом чоғида йилт этиб кўринган қуёш шуъласидай бўлади.

Биз ажралишдик. Бу ўн бешинчи июн куни содир бўлди. Ундан кейинги ўн куннинг воқеалари (уларнинг ҳар бири озми-кўпми мен иштирок этган тажрибага дахлдор) қандай рўй берган бўлса, шундайлигича, сўзма-сўз мистер Кандининг ёрдамчисининг кундалигида ёзилган. Кундалик саҳифаларида ҳеч нарса унутилмаган ва ҳеч нарса яшириб қолинмаган. Афюн билан тажриба қандай ўтганини ва нима билан тугаганини Эзра Женнингснинг ўзи айтиб берақолсин.

ЭЗРА ЖЕННИНГСНИНГ КУНДАЛИГИДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

1849 йил. 15 июнь. Беморларим ва менинг оғриғим менга анча халақит берса-да, мен мисс Вериндерга мактубни вақтида почта кетмасдан олдин тугатдим. Мактубни ўзим истаганчалик мухтасар қилиб ёза олмадим. Лекин, назаримда, аниқ ва равшан чиқди. Мактуб масалани ўзи истаганча ҳал қилишга

мисс Веринделга тўла эрк беради. Агар у тажрибани ўтказишга ёрдам беришни ихтиёр этса, буни мистер Фрэнклинга ёхуд менга яхшилик қилмоқчи бўлгани учун эмас, бутунлай кўнгилли равишда қилади.

16 июнь. Кечаси жуда ёмон ухладим, эрталаб кеч турдим. Кечаги афюннинг таъсирида туни бўйи босинқираб, ёмон тушлар кўриб чиқдим. Гоҳ ўлиб кетган дўстларим ва душманларимнинг арвоҳлари билан кимсасиз фазода айланиб юрармишман, гоҳ севган аёлимнинг бундан кейин менга кўриш насиб бўлмайдиган чеҳраси тўшагим устида пайдо бўлиб, тун қоронғусида ялтираб кўринар ва афтини бужмайтириб, менга имо-ишоралар қилармиш. Эрталаб вақтли — одатдаги пайтда аввалги енгил оғриқнинг қайтиши менга ҳатто хуш ёқди. Бу оғриқ босинқирашимга чек қўйди ва шунинг учун унча билинмади ҳам.

Туни билан ёмон ётиб, эрталаб кеч турганим учун мистер Фрэнклиннинг олдига боришга кечикиб қолдим. Мен борсам у диванда ётиб, сув аралашган виски ичиб, печенье еяётган экан.

— Мен баайни сизнинг кўнглингиздагидек бошлаяпман, — деди у. — Туни билан безовталаниб ёмон ухладим; бугун эрталаб эса иштаҳа деган нарсадан эса асар ҳам йўқ. Бултур чекишни ташлаганимда ҳам худди шундоқ бўлган эди. Афюнни иккинчи марта қабул қилишга қанча тез тайёр бўлсам, менга шунча маъқул бўларди.

— Имкони бўлиши биланоқ афюнни оласиз, — деб жавоб бердим мен. — Ҳозирча эса биз бор кучимиз билан сизнинг саломатлигингизни сақлашга уринишимиз керак.

Шу қисқа учрашувдан кейин мен ўзимни анча енгил ҳис қилдим ва мамнуният туйғуси билан мистер Блэкни тарк этиб, беморларимнинг олдига жўнадим.

Нима сабабдан бу одам менга шунчалар маъқул бўлиб қолди? Бунинг сири нимада? Ёки бу одам мен билан самимий муомала қилгани учун, хушфеъл ва мулойим бўлгани учун бошқаларнинг бағритошлигини, нафратини, ишонмаслигини эслаб, улар орасидаги тафовутни ҳис қилганим учун бу йигитни маъқул кўряпманми? Ёки бу йигитда чиндан ҳам бир меҳригиё борки, менинг маҳрамидил излашларимга мос келиб қолдими? Ахир, мен кўп йиллар мобайнида ёлғизлик азобини тортдим, қувғинда бўлдим, шунинг учун ҳам умрим тугаб бораётгани сари юрагимга ҳамдам топиш иштиёқи ҳам зўрайиб бормоқда. Бу саволларни бериш жуда ўринсиз. Мистер Блэк мендаги яшаш иштиёқини қайта тирилтирди. Шунинг ўзи билан кифоялана қолай — бу янги иштиёқ нимадан иборат эканини билиб нима қилдим?

17 июнь. Бугун эрталаб нонуштадан олдин мистер Канди Англиянинг жанубидаги дўстини кўриб келгани икки ҳафтага жўнаб кетаётганини менга маълум қилди. У шўрлик беморлар масаласида менга анча-мунча насиҳатлар қилди — гўё ҳали ҳам хасталанмасдан олдин бўлганидай унинг тиббий фаолияти авжида эди.

Мистер Канди жўнаб кеттандан кейин почта мисс Веринделнинг жавобини олиб келди.

Жозибадор бир мактуб! Хатни ўқиб, унга ҳурматим жуда ошиб кетди. У бизнинг тажрибамизга бўлган қизиқишини яширишга уринмайди, у бениҳоя нафис бир латофат билан ёзадики, менинг мактубимни ўқибоқ мистер Блэкнинг бегуноҳлигига тўла амин бўлибди, буни яна қўшимча тарзда далиллаб ўтиришга сира ҳожат қолмапти. У ҳатто ўз вақтида бу сирнинг тагига етолмагани учун ўзидан ўпкалабди. Шу тарзда у беихтиёр равишда бошқа бир одамга нисбатан инсофсизлик қилган. Афтидан, юқоридаги тавба-тазарруларнинг боиси шу айбни тезроқ ювиш истагида бўлса керак. Кўриниб туриптики, аччиқлашиб қолишган пайтда ҳам мисс Рэчель уни яхши кўришдан қайтган эмас. Унинг мактубининг кўп жойларида қабул қилинган расм-русумлар орасидан, бегона одамга ёзилган мактуб анча босиқ бўлиши кераклигига қарамасдан мистер Блэкнинг севилишга муносиб одам эканлигидан мамнуният туйғуси жуда беозор бир тарзда манаман деб кўриниб турибди. Унинг дилбар мактубини ўқиб, ўз-ўзимга савол бераман: наҳотки, шу икки ёшнинг бир-бирига қовушиши учун восита бўлиш қисмати бутун

дунёдаги одамлар ичида ёлғиз менгагина насиб этган бўлса? Менинг шахсий бахтим оёқости қилинган эди, менинг муҳаббатим ўғирланган эди. Наҳотки, бошқа одамларнинг менинг қўлим билан барпо этилган бахтини, уларнинг қайғусидан туғилган муҳаббатини кўрадиган кунларгача яшаш насиб этса?

Мактубда иккита илтимос бор эди. Уларнинг биринчиси – бу мактубни Фрэнклин Блэкка кўрсатмаслик. Мен мисс Вериндер бажонидил ўз уйини тўлалигича бизнинг ихтиёримизга беришга розилигини айтишим мумкин эди, аммо бундан зиёд ҳеч нарса демаслигим керак эди.

Бу илтимосни бажариш осон. Аммо унинг иккинчи илтимоси мени анча мушкулотларга дуч келтирди. Мистер Вериндер менинг ҳамма кўрсатмаларимни бажариш тўғрисида мистер Беттережга топшириқ берипти, аммо бу билан қаноатланмай, унинг меҳмонхонасини аввалги аҳволга келтириш масаласида шахсан ўзи кузатиб туриб, менга ёрдам бермоқчи бўлипти. Ҳозир у мендан жавоб кутаётган экан. Жавоб бўлиши билан афюн тажрибаси иккинчи марта ўтказиладиган кечада гувоҳлардан бири сифатида иштирок этиш учун Йоркширга жўнаб кетар экан.

Бу ерда яна аллақандай сабаб яшириниб ётипти. Назаримда, мен бу сабабни ҳам пайқаб турибман. Ўзимча шундай чамалаяпман: мисс Рэчель менга мистер Фрэнклин Блэкка айтишни ман этган гапни унга ўзи айтишни истаяпти. Айтганда ҳам, бошқа одамлар назарида унинг обрўйини тиклаши керак бўлган тажриба амалга ошмасдан олдин айтмоқчи. Мисс Рэчель Блэкнинг гуноҳсизлиги исбот бўладими, йўқми – буни кутиб ўтирмай, уни оқлашни хоҳлаяпти. Бу истакнинг олижаноблигини тушунмай ва унга қойил қолмай бўладими? Қиз шўрлик нима қилиб бўлса-да, уни хафа қилганини ювмоқчи бўляпти. Лекин бундай қилиб бўлмайди. Менда заррача шубҳа йўқки, учрашув туфайли ҳар икки томоннинг ҳаяжонланиши, бунинг оқибатида уйғонадиган эски туйғулар, ҳосил бўладиган янги умидлар мистер Блэкнинг руҳиятига таъсир қилиб, тажрибамизнинг муваффақияти учун хавфли бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бултур шу вақтда унинг кўнглидан кечган кайфиятларни қайта уйғотиш жуда қийин бўлаётир. Агар уни янги қизиқишлар ва янги сезгилар ҳаяжонга соладиган бўлса, ҳамма уриниш беҳуда кетади. Ҳолбуки, мисс Рэчелни ноумид қилишга сира-сира кўнглим йўқ. Бунга кучим ҳам етмайди. Буни ўзим ҳам биламан. Мен бирор иложини ўйлаб топишим керак. Мисс Вериндерга "ҳа" демоғим керагу, лекин бу мистер Фрэнклин Блэкка кўрсатадиган хизматимга зарар етказмаслигим керак. Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин.

Соат икки. Ҳозиргина тиббий тафтишдан қайтиб келдим. Табиийки, биринчи навбатда меҳмонхонага бордим.

Мистер Блэкнинг гапига қараганда у бугун ҳам худди кечаги каби ёмон ухлаган. Туни билан кўп уйғонипти. Лекин бугун безовталиги бироз камайипти, негаки, кеча тушдан кейин бироз ухлаган экан. Мен унга отда сайр қилишни маслаҳат бергандим. Унинг тушдан кейин ухлагани шунинг натижаси бўлиши керак. Тоза ҳаводаги бу ҳаётбахш сайрни тўхтатмаса бўлмайди, шекилли. У бутунлай бетоб бўлиши керак бўлмаганидек, бутунлай соғлом бўлиши ҳам керак эмас.

У ҳали мистер Бреффдан ҳеч қанақа хат-хабар олгани йўқ. У менинг мисс Вериндердан жавоб олган-олмаганимни сабрсизлик билан билмоққа ошиқяпти. Мен унга айтишга рухсат берилган гапнигина айтдим, ундан ортиқ бир нарса деганим йўқ. Мактубни унга кўрсатмаслик учун ҳар хил баҳоналар тўқишнинг сира фойдаси бўлмаяпти. У менга алам билан "кўриб турибман, серандишалигингиз мактубни менга кўрсатишингизга йўл қўймаяпти!" деди. Бечора!

– Албатта, у хушфеъл бўлгани учун ва инсофи кучли бўлганидан тажрибамизга кўняпти, – деди у. – Аммо менинг тўғримда у аввалги фикрида қолган. Энди тажрибанинг натижасини кутади.

Мен унга илгари у сизга қанчалик адолатсизлик билан муомалада бўлган бўлса, ҳозир ҳам унга шундай адолатсизлик қиляпсиз, деб шама қилгим келди. Лекин бироз ўйлаб кўриб, яна айнидим – мисс Рэчелни уни ҳайрон қолдириб ва гуноҳидан ўтиб оладиган қўш ҳузурдан маҳрум қилиш керак эмас эди.

Мен унинг олдида жуда оз бўлдим. Кечаги тундан кейин мен афюн ейишдан воз кечишга мажбур бўлган эдим. Афюн истеъмол қилиш муқаррар тарзда шунга олиб келдики, ичимдаги дард яна устун кела бошлади. Мен тутқаноғим яқинлашиб келаётганини ҳис қилдим ва мистер Блэкни чўчитмаслик ва хафа қилмаслик учун шоша-пиша кетдим. Бу гал тутқаноғим чорак соатча давом этди ва ишимни давом эттириш учун етарли куч қолдириб ўтиб кетди.

Соат беш. Мен мисс Вериндерга жавоб ёздим. Агар мисс Вериндер рози бўлса, мен таклиф қилган режа ҳар икки томоннинг манфаатини ҳам ҳисобга оларди. Аввал мен тажрибадан олдин унинг мистер Блэк билан учрашувига қарши ҳамма далилларни келтирдим, кейин эса унга биз тажриба ўтказадиган кечада ҳеч кимга билинтирмай келишни маслаҳат бердим. Лондондан тушликдан кейинги поездда йўлга чиқса, бу ерга кечқурун соат тўққизда етиб келиши мумкин. Бу пайтда мен мистер Блэкни ётоғига киргизиб юборган бўламан. Шундай қилиб, мистер Блэк афюнни емасдан олдин мисс Вериндер ўзининг хонасига кириб олиш имкониятига эга бўлади. Афюн қабул қилингандан кейин, тажрибанинг боришини ва натижасини кўпчилик билан бирга кузатаверади. Истаса, эртасига эрталаб у мистер Блэкка мен билан ёзишмасини кўрсатиши мумкин. Шу йўл билан ўзининг назарида уни тажриба орқали гуноҳсизлиги амалда исбот бўлишидан олдиноқ оқлаб олганига ишонтиради.

Мен унга шу маънода мактуб ёздим. Мен бугун фақат шуларни қилишгагина ярадим, холос. Эртага мистер Беттереж билан кўришаман ва уйни қандай жиҳозлаш масаласида кўрсатмалар бераман.

18 июнь. Мистер Фрэнклин Блэкникига яна кечикиб бордим. Эрталаб тонг отар-отмас даҳшатли оғриқ ёмон қаттиқ забтига олди, ундан кейин анча вақтгача жуда ҳам беҳол бўлиб ётдим. Сезиб турибман, афюннинг хароб қилувчи таъсирига қарамай, мен юзинчи марта яна унга қайтаман, шекилли. Агар мен фақат ўзим тўғримдагина ўйлашим керак бўлганда, ҳар қандай оғриқни мудҳиш тушлардан афзал кўрган бўлардим. Аммо жисмоний изтироблар мени адойи тамом қилмоқда. Агар шу аҳволда кетишига йўл қўйиб берсам, шу аҳволга тушаманки, мистер Блэкка фойдам тегмай қолади. Ҳолбуки, ҳозир мен унга ҳаммадан кўпроқ керакман.

Бугун мен меҳмонхонага етиб борганимда соат бирлар бўлиб қолган эди. Габриэль Беттереж ҳам шу ерда экан. Шунга кўра, менинг боришим аҳволимнинг оғирлигига қарамай, кўнгилхушлик билан ўтди.

Мен кириб борганимда у хонада эди. Мен мистер Блэкдан одатдаги саволларимни сўраб бўлгунимча, у деразанинг олдига бориб, ташқарини томоша қилиб турди. Мистер Блэк бу кеча ҳам ёмон ухлапти ва бугун эрталаб уйқусизлик азобини ҳамма вақтдагидан кўра кўпроқ ҳис қилибди. Мен ундан мистер Бреффдан хат-хабар олмадингизми, деб сўрадим.

У эрталаб хат олган экан. Мистер Брефф ўзининг дўсти ва мижози менинг малоҳатим билан амалга оширишга аҳд қилган режани мутлақо маъқулламапти. Бу унинг нуқтаи назаридан яхши эмас экан. Чунки унинг уйғотган умидлари ушалмай қолиши мумкин экан. Бундан ташқари, буни мутлақо тушуна олмайман, дебди. Бу унга башорат қилиш, фол очишга ўхшаш муттаҳамликдай туюлипти. Бу мисс Вериндернинг уйининг тўс-тўполонини чиқаради ва мистер Вериндернинг ўзини ҳам хафа қилиш билан тамом бўлади.

Мистер Брефф бу тўғрида (номларни тилга олмай) бир машҳур врачга айтибди, машҳур врач эса жилмайиб бошини чайқабди-ю, ҳеч нарса демабди. Мана шу сабабларнинг ҳаммасидан келиб чиққан ҳолда мистер Брефф бизнинг режамизга қарши норозилик билдирипти.

Менинг навбатдаги саволим олмоста тааллуқли эди. Адвокат олмоснинг Лондонда эканини тасдиқловчи биронта далил келтирганми, йўқми?

Йўқ, адвокат бу мавзуда мулоҳаза юритишдан бош тортиб қўя қолипти. Ойтошнинг мистер Люкерга гаровга қўйилганига унинг ишончи комил эди. Унинг ҳозир сафарда юрган машҳур дўсти ҳам (у ҳиндилар характерини мукаммал билишини ҳеч ким рад эта олмасди) бунга амин экан. Ҳозирги вазиятда, шунингдек, унинг номига сон-саноқсиз сўровлар келиб тургани

учун у далиллар масаласида ҳар қандай баҳсга киришишдан қатъий бош тортмоғи керак. Вақт ўзи кўрсатади, мистер Брефф эса бажонудил кутиб туради.

Мистер Блэк мактубни ўқиб бериш ўрнига мазмунини баён қилиб бериш билан масалани янада равшанлаштириб қўйган тақдирда ҳам, мактубнинг заминида шахсан менга ишончсизлик мавжуд экани ўз-ўзидан аён эди. Мен бунақа гапни кутганим учун, унга ҳайрон ҳам бўлмадим, хафа ҳам бўлмадим. Мен мистер Блэкдан дўстининг норозилиги унга қандай таъсир қилганини сўрадим. У ҳеч қанчалик таъсир қилгани йўқ, деб қизишиб жавоб берди. Шундан кейин мен мистер Бреффни миямдан чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга бўлдим ва чиқариб ташладим ҳам.

Орага сукунат чўкди. Бу орада Габриэль Беттереж деразадан нари кетди.

— Менга диққат-эътиборингиздан жиндай ажрата оласизми, сэр? — деб менга мурожаат қилди у.

— Бажонидил хизматингизга шайман, — деб жавоб бердим мен.

Беттереж стулни олиб, стол ёнига ўтирди. У чўнтагидан каттагина қадимий ёндафтарини ва катталиги ундан қолишмайдиган қалам чиқарди. Кўзойнагини тақиб, ёндафтарининг ёзилмаган оқ саҳифасини очди-да, яна менга мурожаат қилди:

— Марҳума миледининг хизматида, — деди Беттереж менга қаҳр билан, — эллик йилча умрим ўтди. Ундан олдин мен леди Веринднерниг отаси — кекса лорднинг хизматида бўлган эдим. Ҳозир ёшим саксон атрофида — аниқ айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Менинг билимим ва тажрибам кўпчиликникидан қолишмайди деб ҳисоблашади. Тажрибангиз нима билан тугайди, мистер Эзра Женнингс? Мистер Фрэнклин Блэкни майна қилиш билан тугайди. Буни докторнинг ёрдамчиси лауданум воситасида амалга оширар экан, мени эса кексалигимга қарамай, кўзбойлоқчининг ёрдамчиси бўлишга мажбур қилишяпти.

Мистер Блэк хахолаб кулиб юборди. Мен гапирмоқчи бўлдим. Беттереж қўлини кўтарди.

— Лом-мим деманг, мистер Женнингс! — деди у. — Мен сиздан бир оғиз ҳам гап тинглашни истамайман, сэр. Худога шукр, менинг ўз қоидаларим бор. Агар менга тўғри келган одам бемаъни фармойишлар берса, бажаравермайман-ку. Бунақа фармойишни хўжайиним ёки бекам берса бошқа гап. Аммо мен ўз фикримга ҳам эга бўлишим мумкин-ку! Ўзингиз эслаб кўринг, менинг фикрим мистер Бреффнинг фикрига тўла мос келади. Мистер Брефф чакана одам эмас, а! — деди Беттереж овозини кўтариб, тантанавор тарзда бошини чайқаб, менга қарар экан. — Барибир, мен ҳар қалай, ўз фикримни қайтариб оламан. Менинг бекам "Шундай қил" деяпти. Мен унга "Хўп бўлади, мисс" деб жавоб бераман. Шу сабабдан мен бу ердаман, мана, қўлимда ёндафтар ва қалам. Тўғри, қаламимнинг учи кўнгилдагидек очилган эмас, аммо бандаи мўминлар ақлидан жудо бўлиб ўтирганда, қаламларнинг учини ўткирлаш кимнинг ҳам эсига келади. Қани, айтинг фармойишларингизни, мистер Женнингс! Мен уларни ёзиб оламан, сэр. Мен буйруқларингиздан жиндай ҳам чекинмасликка аҳд қилдим. Мен бор-йўғи бир хизматкор одамман. Хизматкорман! — деб такрорлади Беттереж. У ўзига ўзи берган бу таърифдан бағоят ҳузурланарди, шекилли.

— Кўп афсус, — деб бошладим мен, — гапимиз гапимизга унча тўғри келмаяпти.

— Мени бу ишга аралаштирманг! — деб гапимни бўлди Беттереж. — Гап менинг розилигим ҳақида эмас, итоат этишим ҳақида боряпти. Буйруғингизни беринг, сэр. Беринг буйруғингизни!

— Уйнинг баъзи бир қисмлари яна очилса дейман, — деб бошладим мен. — Кейин улар худди бултургидай жиҳозланиши керак.

Беттереж учи яхши очилмаган қаламини тилига теккизди.

— Ўша қисмларни айтинг, мистер Женнингс, — деди у такаббурлик билан.

— Биринчидан, бош зина олдидаги холл...

— Биринчидан, холл, — деб ёзди Беттереж. Уни худди бултургидек қилиб жиҳозлашнинг иложи йўқ, сэр.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, мистер Женнингс, ўтган йили у ерда тўнғизнинг тулми турарди. Хўжайинлар кетаётганда бошқа буюмлар билан бирга тулумни ҳам олиб кетадиган бўлишди. Бироқ олиб кетишаётганда тулум ёрилиб кетди.

— Ундай бўлса, тулумни қўя қолинг.

Беттереж буни ёзиб қўйди.

— "Холлни булпургидек қилиб жиҳозлаш лозим. Фақат ёрилиб кетган тулум қўйилмайди". Марҳамат, давом этинг, мистер Женнингс.

— Зиналарга ўтган йилдагидек поёндозларни ёзиб қўймоқ керак.

— "Зиналарга ўтган йилдагидек поёндозларни ёзиб қўймоқ керак". Кўп афсус, бу гал ҳам умидингиз ушалмайдиганга ўхшайди. Буни бажаришнинг ҳам иложи йўқ.

— Нима сабабдан?

— Чунки поёндоз ёзадиган одам вафот этган, мистер Женнингс. Поёндоз ёзиш санъатида эса унга тенг келадиган одамни бугун Англиядан ҳам қидириб топиб бўлмайди.

— Жуда яхши! Унда биз поёндоз ёзишда Англиядан ундан кейин иккинчи ўринда турадиган одамни излаб топишимиз керак.

Беттереж ёзиб олди. Мен эса фармойишларимни давом эттирдим.

— Мисс Вериндернинг меҳмонхонаси аввалги йилда қандай бўлган бўлса, муглақо ўшандай аҳволда қайта тикланиши керак. Шунингдек, меҳмонхона билан биринчи майдонча орасидаги йўлак ҳам. Яна иккинчи майдончадан уй эгаларининг ётоғига олиб борадиган иккинчи йўлак ҳам. Бундан ташқари, ўтган йили июнь ойида мистер Фрэнклин Блэк турган ётоқ ҳам.

Беттережнинг ўтмас қалами итоаткорлик билан оғзимдан чиққан ҳар бир сўзни ёзиб борарди.

— Давом этаверинг, сэр, — деди у виқор билан. — Менинг қаламим ҳали баъзи нарсаларни ёзиб улпургани йўқ.

Мен унга бошқа ҳеч қанақа фармойишим йўқлигини айтдим.

— Сэр, — деди Беттереж, — ундай бўлса, ижозат беринг, мен ўзим бир-икки модда қўшиб қўяй.

У ёндафтарининг янги саҳифасини очди-да, қаламини яна бир бор тилига тегизиб олди.

— Мен бир нарсани билмоқчиман, — деб гап бошлади у, — мен қўлимни ювсам бўладими?

— Ҳа, албатта, — деди мистер Блэк, — ҳозир хизматкорни чақираман.

— Қўлимни ювиб, қўлтиғимга урсам, яъни ўзимдан масъулиятни соқит қилсам дейман, — деб давом этди Беттереж аввалгидай бепарволик билан хонада мендан бошқа ҳеч кимни сезмасликка тиришган ҳолда — мисс Вериндернинг меҳмонхонасидан бошлайлик. Ўтган йили гиламларни олганимизда, мистер Женнингс, уларнинг тагидан беҳисоб тўғнағич чиққан эди. Ўша тўғнағичларни яна қўйиб қўйишимиз керакми?

— Йўқ, албатта.

Беттереж шу заҳотиёқ бу янгиликни ёзиб олди.

— Энди биринчи йўлак ҳақида, — деб давом этди у. — Биз уйнинг бу қисмидаги безакларни олганимизда, дўмбоққина яланғоч боланинг ҳайкалини ҳам олиб қўйган эдик. Уйнинг дафтарида бу ҳайкал "Купидон, севги худоси" деб аталади. Ўтган йили унинг гўштдор елкасида иккита қаноти бор эди. Мен яхши қарамабман, битта қаноти йўқолипти. Купидоннинг қаноти учун мен жавоб беришим керакми, йўқми?

Мен яна унга енгиллик бердим, Беттереж эса яна ёзиб олди.

— Иккинчи йўлакка ўтайлик, — деб давом этди у. — Ўтган йили унда эшикдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Тан олишим керакки, уйнинг фақат шу қисми учун мен хотиржамман. Мистер Фрэнклиннинг ётоғи масаласига келганимизда, агар уни аввалги аҳволга келтириш лозим бўлса, бир нарсани билиб олишни истардим. Уни ҳар қанча тартибга келтирганда ҳам ўтган йили ётоқда доимо тартибсизлик ҳукм сурарди — шимлар бир томонда, сочиқ бошқа томонда, француз романлари у ер-бу ерда ётган бўларди. Бунинг учун ким жавоб беради? Айтмоқчиманки, мистер Фрэнклиннинг ётоғидаги тартибсизликни ким таъминлайди — ўзими ёки менми?

Мистер Блэк бунинг учун масъулиятини буюк бир мамуният билан ўз зиммасига олишини айтди. Беттереж менинг розилигимни олмай туриб бу томондан мушкулотнинг ҳал қилинишини эшитишни ҳам истамас эди. Мен мистер Блэкнинг таклифини қабул қилдим ва Беттереж дафтарига сўнгги жумлани ёзиб қўйди.

— Истаган вақтингизда бизникига келаверинг, мистер Женнингс. Эртадан бошлаб, албатта, — деди у ўрнидан турар экан. — Мен ёнимга керакли ёрдамчиларни олиб ишлаётган бўламан. Тўнғизнинг тулумини ва Купидоннинг қанотини эътиборсиз қолдирганингиз учун, шунингдек, гилам остидаги тўғнағичлар ва мистер Фрэнклиннинг ётоғидаги тартибсизлик учун зиммамдан масъулиятни соқит қилганингиз учун сиздан беҳад миннатдорман, сэр. Хизматкор сифатида сиздан миннатдорман. Аммо инсон сифатида бунинг барини сизнинг инжиқлигингиз деб биламан ва сизнинг тажрибангизга қарши норозилик билдираман. Сизнинг тажрибангиз ҳисларимизни алдашдан бошқа нарса эмас. У бир тузоқ, холос. Қўрқманг, менинг инсон сифатидаги туйғуларим хизматкор сифатидаги бурчимни ўташга халақит бермайди. Сизнинг фармойишларингизни бажо келтираман, сэр. Хавотир олманг. Агар бунинг оқибатида уйда ёнғин кўпайганда ҳам, мен ўт ўчирувчиларга одам юбормайман. Токи ўзингиз қўнғироқ чалиб одам юборишга буюрмагунча.

У ана шу гаплардан кейин хайр-маъзур қилиб хонадан чиқди.

— Нима деб ўйлайсиз, унга ишонсак бўлармикин? — деб сўрадим мен.

— Албатта, — деб жавоб берди мистер Блэк. — Биз уйга борганимизда кўрамиз — у ҳеч нарсани унутмаган ва ҳеч нарсани эътиборсиз қолдирмаган бўлади.

19 июнь. Яна бизнинг режамизга қарши эътироз! Бу гал аёл киши эътироз қилипти.

Эрталабки почтадан менинг номимга иккита мактуб келди. Биттаси мисс Вериндердан. У ҳудудсиз бир илтифот билан мен таклиф қилган режага рози бўлипти. Иккинчиси миссис Меридьюдан. Мисс Вериндер ҳозир шу аёлникида истиқомат қиларди.

Миссис Меридью салом-аликдан кейин менинг мисс Вериндер билан ёзишмамизда гап нима тўғрисида кетаётганини илмий жиҳатдан тушунаман, деб даъво қилолмаслигини айтипти. Агар жамоатчилик нуқтаи назаридан эса нуқтаи назарини маълум қилишга ўзини ҳақли деб билар экан. Афтидан, менга маълум эмас шекилли, — миссис Меридью шундай деб ўйлайди — мисс Вериндер энди ўн тўққизга кирипти. Шу ёшдаги қиз болани бирор хотиннинг ҳомийлигисиз тиббий тажриба ўтказадиган эркаклар тўла уйга ёлғиз ўзини киритиш одоб қоидаларини бузишдан бошқа нарса эмас. Миссис Меридью бунга йўл қўёлмайди. У ўзининг шахсий қулайликларини қурбон бериб бўлса-да, мисс Вериндер билан бирга Йоркширга боришни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. У мендан шу тўғрида ўйлаб кўришни илтимос қилади, негаки мисс Вериндер мендан бошқа ҳеч кимнинг гапига қулоқ солишни истамаётган эмиш. Балки мисс Меридьюнинг иштирок этиши унчалик шарт эмасдир. Ундоқ бўлса, менинг бир оғиз сўзим мисс Меридьюни ҳам, мени ҳам анча нохуш масъулиятдан озод қилган бўларди.

Бу баландпарвоз ва серилтифот гапларни оддий инсоний тилга таржима қилса, менимча, бундай маъно чиқади — миссис Меридью зодагонлар дунёсининг гап-сўзидан ўлгудай қўрқади. Бахтга қарши, у ўзининг хавотирлигини айтиб мурожаат қилган одам зодагонлар дунёсининг ғийбатини икки пулга олмайди. Мен мисс Вериндернинг умидларини пучга чиқармайман, мен бир-бирини чин юракдан яхши кўрган ва анчадан бери ҳижрон дардида қийналаётган икки ёшни яраштириш бобидаги уринишларимни пайсалга солмайман. Агар ана шу оддий инсоний жумлаларни баландпарвоз ва серилтифот зодагонлар тилига таржима қилса, маъноси бундай бўлади: мистер Женнингс мистер Меридьюга эҳтиром билан саломларини йўллайди ва таассуф билан маълум қиладики, унинг учун ортиқ бирон нарса қилишдан бутунлай ожиз.

Мистер Блэк бугун эрталаб ўзини аввалгидай ҳис қилмоқда. Биз Беттережга ҳалақит бермасликка ва бугун уйга кирмай қўяқолишга аҳд қилдик. Биринчи кўригимизни эртага ўтказсак ҳам улгурамиз.

20 июнь. Мистер Блэк кечалари доимий равишда хавотирлик туйғусини ҳис қиляпти. Хоналар қанча тез аввалги ҳолатига келтирилса, шунча яхши.

Бугун эрталаб биз у билан бирга уйга қайтар эканмиз, у мен билан бироз дудмалланиб ва бироз асабийлашиб, бир хат тўғрисида маслаҳатлашди. Бу хат изқувар Каффдан бўлиб, мистер Блэкка уни Лондондан бериб юборишипти.

Изқувар Ирландиядан ёзипти. У уйидаги хизматчи аёлдан мистер Блэкнинг ташрифномасини ва унинг Даркинг ёнидаги уйида қолдирилган қисқа мактубини олганини маълум қилипти ва афтидан, бирор ҳафтадан кейин, балки ундан ҳам эртароқ Англияга қайтиб қолиши мумкинлигини хабар қилипти. Ҳозирча эса мистер Блэк у билан Ойтош тўғрисида қандай муносабат билан гаплашмоқчи эканини тушунтириб беришни илтимос қилипти. Агар мистер Блэк уни ўтган йилги терговда жиддий хатога йўл қўйганига ишонтиролса, меҳнати эвазига марҳума леди Веріндердан каттагина маош олгани сабабли, ўзини мистер Блэкнинг ихтиёрига топширишни бурчи, деб ҳисоблаяжагини маълум қилипти. Агар бундай қилолмаса, қишлоқ ҳаётининг осуда ҳузур-ҳаловати қўйнида кечаётган турмушига халал бермасликни сўрапти.

Мактубни ўқиб кўргач, ҳеч иккиланмай мистер Блэкка маслаҳат бериб, ўтган йили тергов тўхтагандан бери рўй берган воқеаларни изқувар Каффга маълум қилиш кераклигини айтдим. Изқувар Кафф нима қилишини фактлар асосида ўзи ҳал қилсин.

Бироз ўйлаб кўриб, агар тажриба ўтказиладиган кунгача изқувар Кафф Англияга қайтиб келиб улгурса, уни ҳам тажрибада иштирок этишга таклиф қилишни ҳам маслаҳат бердим. Ҳарҳолда, у бебаҳо гувоҳ бўларди ва мабодо олмос мистер Блэкнинг хонасига яшириб қўйилгани ҳақидаги фикрим нотўғри чиқса, бундан кейин қилинадиган ишларда (бу ишларда мен ортиқ иштирок этолмайман) изқуварнинг маслаҳати жуда асқотиб қолар эди. Афтидан, шу сўнгги мулоҳаза мистер Блэкни бир тўхтамга келишга мажбур қилди, шекилли. У менинг маслаҳатимга амал қилишга ваъда берди.

Биз уйга яқинлашар эканмиз, болғаларнинг тақир-туқури ишлар юришиб кеттанидан далолат берарди. Иш муносабати билан бошига балиқчиларнинг қалпоғини қўндириб, олдига бўздан зангори фартук тутиб олган Беттереж бизни даҳлизда қарши олди. Мени кўриши билан, чўнтагидан ёндафтари билан қаламини чиқариб, мен айтадиган гапларнинг ҳаммасини ёзиб олишга чоғланиб турди. Биз қаёққа қарамайлик, ҳамма томонда мистер Блэк айтганидек, иш жуда тез силжимоқда эди. Аммо пастдаги залда ва мисс Веріндернинг хонасида ҳали қилинадиган ишлар кўп эди. Унга қараганда, уйнинг ҳафтанинг охиригача тайёр бўлиши гумон эди.

Беттережни эришган муваффақиятлари билан табриклаб, икки кундан кейин уйни кўришга яна келишни ваъда қилдик. Беттереж мен оғзимни очиб бир нима дейишим биланоқ ҳаммасини ёзиб олар, айни чоқда, мистер Блэкнинг сўзларига заррача ҳам парво қилмас эди. Биз орқа томондаги эшикдан чиқиб, уйни тарк этмоқчи бўлиб тургандик. Аммо пастки йўлақдан чиқиб улгурмасимизданоқ, мен Беттережнинг хонасидаги эшик ёнидан ўтаётганимда, у мени тўхтатди.

— Мен сизга холи икки оғиз гап айтсам бўладими? — деди у сирли шивирлаш билан.

Табиийки, мен рози бўлдим. Мен Беттереж билан унинг хонасига кирдим. Мистер Блэк мени боғда кутиб турмоқчи бўлди. Мен тўнғизнинг тулуми билан Купидоннинг қанотидан кейин яна шунга ўхшаган бирон илтимос бўлишини кутган эдим. Лекин мени ҳаддан ташқари ҳайрон қолдириб, Беттереж қўлини столга тираганча, жуда ғалати савол берди.

— Мистер Женнингс, сиз Робинзон Крузо билан танишмисиз?

Мен “Робинзон Крузо”ни болалигимда ўқиганимни айтдим.

— Ўшандан бери бошқа ўқиганингиз йўқми? — деб сўради у.

— Ўшандан бери ўқиганим йўқ.

У бир неча қадам орқага тисарилиб, менга раҳми келган бир тарзда қаради.

— Ё тавба, болалигидан бери “Робинзон Крузо”ни ўқимапти-я! — деди Беттереж ўз-ўзи билан гаплашаётгандай. — Кўрайлик-чи, “Робинзон Крузо” уни ҳозир ҳайрон қолдирармикин?

У уйнинг бурчагида турган жавонни очиб, ундан муқовалари титилиб кеттан, эски, кир бир китобни олди. У китоб саҳифаларини варақлар экан, ундан тамаки ҳиди бурқсиди. Керакли жойини топгач, мени столнинг олдига чорлади-да, ҳамон ўша сирли оҳангда ўзича нималарнидир мингирлаб гапира бошлади.

— Сизнинг мистер Фрэнклин Блэк билан лауданум воситасида ўтказадиган тажрибангизга келсак, — деб бошлади у, — уйда ишчилар ишлаётган экан, менинг хизматкорлик бурчим инсонлик туйғуларимдан устун келади. Ишчилар кетишганда эса инсоний туйғуларим хизматкорлик бурчимдан устун келмоқда. Жуда яхши. Ўтган кечаси, мистер Женнингс, сизнинг бу янги тажрибангиз ёмон оқибатга олиб келади деган фикр миямга қаттиқ ўрнашиб қолди. Агар мен дилимнинг буюрганига кириб, иш қиладиган бўлсам, ўз қўлим билан хоналардан анжомларни яна чиқариб ташлардим-да, эртага ерталаб ҳамма ишчиларни тарқатиб юборардим.

— Юқорида кўрган нарсаларимдан маълум бўлдики, — дедим мен, — сиз дилингизнинг гапига кирмабсиз.

— "Кирмабсиз" деб аста айтасизми, — деб жавоб берди Беттереж. — Мен қалбим амрига қарши курашдим — у мени бир томонга тортарди, ёндафтаримдаги ёзма фармойишлар эса иккинчи томонга тортарди. Мен гўё аросатда қолгандай эдим. Мана шундай руҳан эзилиб, жисмонан толиқиб қолган пайтимда мен қандай чора қўлладим? Қандай воситага мурожаат қилдим? Мен мурожаат қилган восита сўнгги ўттиз йил давомида, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида менга бир марта ҳам панд берган эмас. Мен манави китобга мурожаат қилдим!

У кафти билан китобни урди — китобдан янада ўткирроқ тамаки ҳиди бурқсиди.

— Хўш, мен бу китобдан биринчи очган саҳифамдаёқ нима топдим? — деб давом этди Беттереж. — Бир юзу етмиш саккизинчи саҳифада шундай гаплар ёзилган эди: "Мана шу ва шунга ўхшаш мулоҳазалар натижасида мен ўзим учун бир нарсани қоида қилиб олдим: қачон бўлмасин, қалбимнинг хуфия Майллари ёки Кўрсатмалари мени бирон Ишни қилиш ёки қилмасликка ундаб турса, мени йўлдан бориш ёки бормасликка чорласа, мен ҳеч қачон қалбимнинг хуфия амрига қулоқ солмай қўймайман". Мен қалбим амрига хилоф иш тутаётган пайтимда кўзимга кўринган биринчи сўзлар шулар бўлди, мистер Женнингс. Ёлғон бўлса, турган жойимда тил тортмай ўлай. Сиз бунда ҳеч қандай ғаройиботни кўрмаяпсизми, сэр?

— Тасодифан тўғри келиб қолган. Бошқа гап йўқ.

— Сиз ўтказмоқчи бўлган тажрибангиз масаласида жиндай бўлса-да иккиланмаяпсизми, мистер Женнингс?

— Сира ҳам.

Беттереж дами ичига тушиб, менга тикилиб қараб қолди. У китобини ёпди, кейин уни яна ҳафсала билан жавонга қўйиб қўйди, сўнг ўгирилиб, яна менга синчков тикилди. Кейин гап бошлади.

— Сэр, — деди у жиддий оҳангда, — болалигидан бери "Робинзон Крузо"ни ўқимаган одамни кўп жиҳатдан кечирса бўлади. Хайр, майли, саломат бўлинг.

У қуюқ таъзим билан эшикни очди-да, мени боққа чиқариб юборди. Мен уйга қайтиб келаётган мистер Блэкка дуч келдим.

— Нима воқеа рўй берганини гапирмаёқ қўя қолинг, — деди у. — Беттереж энг сўнгги кўзирини ишга солган бўлиши керак. У "Робинзон Крузо"дан янги башорат кашф этган бўлса керак. Унинг яхши кўрган хомхаёлини маъқул қилдингизми? Йўқми? Сиз унга "Робинзон Крузо"га ишонмаслигингизни ошкор этдингизми? Расво бўлипти, мистер Женнингс. Бугунлай Беттережнинг назаридан қолибсиз. Бундан кейин энди истаган нарсани гапириб, кўнглингизга сиққан ишни қилишингиз мумкин — кўрасиз. Беттереж сизга бир оғиз гапини ҳам хайф билади.

21 июнь. Бугун кундалигимда мухтасар ёзув ҳам кифоя қилади.

Мистер Блэк ҳали ҳеч қачон шу бугунгидай ёмон ухлагани йўқ. Ўз ихтиёримга хилоф ўлароқ мен унга дори ёзиб беришга мажбур бўлдим. У жуда ҳам ҳисчан одам — бунақа одамларга дори жуда тез таъсир қилади. Акс

ҳолда, авжи тажрибани ўтказадиган кунларда у жуда ҳам беҳол бўлиб қолиши мумкин эди.

Ўзимга келсак, сўнгги икки кун ичида оғриқ сал қўйиб юборгандай бўлган эди, бугун эрталаб яна афюнга мурожаат қилишга мажбур этди. Бу дафтарни ёпаману, ўзимга доридан қуяман – беш юз томчи!

22 июнь. Бугун умидларимиз анча ортди. Мистер Блэкнинг асабий ҳолати анча камайди. Ўтган кечада у бир оз ухлади. Менинг туним эса афюннинг шарофати билан карахт одамнинг тушидай ўтди. Бугун эрталаб уйғондим деб айтишга тилим бормайди – ўзимга келдим десам ҳақиқатга яқинроқ бўлар.

Ҳамма нарса аввалги ҳолига келтирилганми, йўқми – кўриш учун уйга келдик. Эртага шанбада ҳаммаси тахт бўлади. Мистер Блэк каромат қилганидай, Беттереж бошқа биронта янги тўсиқни таклиф қилгани йўқ. Бошидан охиригача у бадқовоқлик билан хуш муомалани тарк этмади ва чурқ этиб оғиз ҳам очмади.

Беттережнинг тили билан айтганда, менинг тиббий тадбиримни муқаррар тарзда душанбагача кечиктирадиган бўлдик. Эртага оқшом ишчилар уйда анча вақтгача ушланиб қолишади. Ундан кейинги куни якшанба зулми бошланади. Якшанба – эркин мамлакатимиз ўйлаб топган эрмаклардан бири. Якшанба куни поездлар шундай тақсимланганки, бирор одамни Лондондан бизникига таклиф қилиб бўлмайди. Душанбагача мистер Блэкни кузатиб боришдан бошқа иш йўқ. Мен уни иложи борича бугунгидай аҳволда тутишга ҳаракат қилмоғим керак.

Мен уни мистер Бреффга хат ёзишга ундаб, уни гувоҳ сифатида иштирок этишга таклиф қилишни илтимос қилдим. Менинг адвокатни танлаганим бежиз эмас, албатта. Чунки у бизнинг тадбиримизни сира маъқулламаган одам. Агар биз уни ишонтиришга муваффақ бўлолсак, бизнинг ғалабамизга ҳеч ким шак келтиролмайдиган бўлади.

Мистер Блэк изқувар Каффга ҳам мактуб ёзди, мен бўлсам мисс Вериндерга уч-тўрт оғиз ёзиб юбордим. Улар хонадонида муҳим бир шахс ўрнида кўрилувчи Беттереж билан бирга гувоҳ бўлишарди. Агар миссис Меридью зодагонлар дунёсининг ғийбатидан қўрқмай, мисс Вериндер билан бирга келса, гувоҳлар сафи яна бир кишига кўпаяди.

23 июнь. Ўтган кеча мени афюннинг интиқоми таъқиб этиб чиқди. Чора йўқ, душанба келиб, ўтиб кетмагунча, мен бунга чидашга мажбурман.

Мистер Блэк бугун яна унчалик соғ эмас. У кечаси соат иккида сигараларини беркитиб қўйган қутини очганини тан олди. Уни қайтадан ёпиб қўйиш мистер Блэкка осон бўлмапти. Шундан кейин у калитни деразадан отиб юборипти. Уни қоровул топиб олиб, бугун эрталаб қайтариб олиб келиб берипти. Келар сешанбагача калитни мен ўзим олиб қўйдим.

24 июнь. Мистер Блэк билан мен очиқ коляскада анчагина муддат сайр қилдик. Икковимиз ҳам ёзнинг майин ҳавоси жуда яхши таъсир қилганини ҳис қилдик. Мен у билан бирга меҳмонхонада тушлик қилдим. Эрталаб у нимадандир хафа кўринган эди. Тушликдан кейин унинг диванда икки соат ухлаганини кўриб, анча енгил тортдим. Эндиликда агар у яна бир кеча ёмон ухлаганда ҳам, мен бунинг оқибатидан сира қўрқмайман.

25 июнь. Душанба. Тажриба куни. Пешиндан кейинги соат беш. Биз ҳозиргина уйга кириб келдик. Асосий ва энг муҳим масала – мистер Блэкнинг саломатлиги масаласидир.

Менинг фикримча, у жисмоний жиҳатдан худди бир йил олдингидек бугун ҳам афюннинг таъсирини қабул қилишга тахт бўлиб турипти. Ҳозир унинг асаблари таранг тортилиб турипти. Шу даражада тарангки, бу ҳолатни асабий хасталикка яқин дейиш мумкин. Юзининг ранги тўхтовсиз ўзгариб турипти, қўллари қалтирайди. Қўққисдан бирон шовқин-суронни эшитиб қолса, ёхуд бирор одам кутилмаганда пайдо бўлиб қолса, у сапчиб тушади.

Буларнинг ҳаммаси уйқусизликнинг оқибати. Уйқусизлик эса, ўз навбатида, тўсатдан чекишни ташлаш натижасида юзага келган асабий ҳолатдан туғилади. Бултур унга қандайдир сабаблар таъсир қилган бўлса, ҳозир ҳам шундай сабаблар амал қилмоқда. Уларнинг оқибати ҳам, афтидан, бир хил бўлади, шекилли. Тажрибанинг охиригача шу ҳолат давом этармикин? Тунда бўлажак воқеалар бу саволга жавоб бермоғи керак.

Мен бу мисраларни ёзар эканман, мистер Блэк залда бильярдда машқ қиляпти. У ҳар хил зарбларни мукаммалроқ қилишга уриняпти. Аввалги йил июнида ҳам бу ерда меҳмон бўлиб турганида у залда тез-тез машқ қилиб турар экан. Мен кундалигимни ўзим билан олиб олганман. Қисман, бекор қоладиган фурсатларим чиқиб қолса, ўша чоқларда ёзарман деган ниятдаман. Қисман эса ёзишга арзийдиган бирор воқеа рўй бериб қолар, деган умиддаман.

Ҳозиргача мен ҳамма нарсани эслата олдимми? Кечаги ёзувларимга кўз югуртириб, эрталабки почта ҳақида ёзишни унутганимни кўрдим. Мистер Блэкнинг олдига боришдан олдин ана шу нуқсоннинг ўрнини тўлдириб қўяй.

Шундай қилиб, мен мисс Вериндердан бир неча сатр хат олдим. У менинг маслаҳатимга кўра, кечки поезд билан келмоқчи. Миссис Меридью у билан бирга келадиган бўлипти. Мактубда муҳтарама хонимнинг асаблари жиндай ишдан чиқиброқ турганига енгил шама бор. Одатда бу аёлнинг кайфияти жуда яхши бўлар экан, шунинг учун унинг ёниши ва одатларини ҳисобга олиб, бироз яхшироқ муомала қилиб туриш керак. Мен миссис Меридью билан муомала қилганда Беттережнинг менга муомаласидаги сабр-тоқатидан ўрнак олишга ҳаракат қиламан. У бугун бизни тантанавор кайфиятда кутиб олди. Устига энг яхши либосини кийиб, оппоқ, крахмалланган галстук тақиб олипти. У мен томонга назар ташлаганда, дарҳол болалигимдан бери "Робинзон Крузо"ни қайта ўқимаганимни эслайди-ю, нигоҳида менга нисбатан аллақандай ачиниш пайдо бўлади.

Мистер Блэк ҳам ўзининг адвокатидан жавоб олди. Мистер Брефф таклифни қабул қилипти, аммо шарти билан. Унинг фикрича, бўлпуси томоша пайтида (бу бетавфиқ бизнинг тажрибамизни андишасизлик билан шунақа деб атапти) миссис Вериндернинг ёнида, албатта, эси бутун бирон эркак одам бўлмоғи муқаррар шарт экан. Бошқа дурустроқ одам бўлмагани учун бу эркакнинг ўрнини мистер Брефф эгаллашга рози экан. Шундай қилиб, шўрлик мисс Вериндер иккиёқлама кузатиш остида бўлади. Зодагонлар дунёси бунақа қаттиққўллиқдан, албатта, мамнун бўлса керак.

Изқувар Каффдан ҳеч қанақа дарак йўқ. Шубҳа йўққи, у ҳали ҳам Ирландияда. Биз бугун унинг келишини кута олмаймиз.

Ҳозир Беттереж келиб, мени мистер Блэкнинг олдига чақириб кетди. Мен вақтинча қаламимни қўйиб туришим керак.

Соат етти. Биз яна янгидан жиҳозланган хоналар билан зиналарни айланиб чиқдик. Биз шунингдек, бутазор бўйлаб ҳам жуда маъқул сайр қилдик. Бу ер мистер Блэкнинг севимли жойи экан, ўтган йил бу ерда меҳмон бўлиб турганида бу ерда тез-тез сайр қилишни яхши кўраркан. Шундай қилиб, мен иложи борича унинг хаёлида жой ва шароит ҳақидаги аввалги таассуротларни қайта жонлантиришга ҳаракат қиляпман. Ҳозир тушлик қилгани ўтирамиз. Мисс Вериндер туғилган кунда тушликка ўтирилган вақтнинг айнан ўзида. Бу ерда менинг кўзлаган мақсадим соф тиббий мақсад: афюнни қабул қилиш чоғида организм бутунлай қай аҳволда бўлган бўлса, бу йил ҳам ўша аҳволда бўлмоғи керак.

Тушликдан кейин бироз ўтгач, мен ғоят табиий бир оҳангда олмос тўғрисида ва ҳиндиларнинг уни ўғирлаш пайида юргани ҳақида гап бошламоқчиман. Мистер Блэкнинг фикрларини шу масалага жалб қилсам, то унга афюн бериш керак бўлган вақтга қадар менга боғлиқ ишларнинг ҳаммасини ўтаб бўлган бўламан.

Саккиз ярим. Фақат ҳозирга келибгина мен энг муҳим ишлардан бири учун жиндай бўш фурсат топдим: уйдаги дорихонадан мистер Канди фойдаланган лауденумни излаб топиш керак эди.

Ўн дақиқача аввал мен Беттережнинг қўли бўшроқ вақтини топдим-да, бу истагимдан, уни оғоҳ қилдим. У менга бир оғиз ҳам гапирмади, чўнтагидан ёндафтарчасини олишга уриниб ҳам қўйгани йўқ-да, мени омборхонага бошлади – уй дорихонаси шу ерда экан. Йўл-йўлакай у ҳар қадамда менга йўл бериб борарди.

Мен шиша идишни топдим. Унинг оғзи пўкак билан яхшилаб беркитилган эди, ҳатто бунга ҳам қаноат қилмасдан унинг устидан юпқа тери билан ўраб қўйилган эди. Шиша идиш деярлик тўла эди. Унда мен ўзим тахмин қилгандек,

оддий лауданум бор эди. Ўзим ҳам ҳар эҳтимолга қарши ёнимда жиндай афюн олиб келган эдим. Ҳозир ундан кўра шишадаги лауданумдан фойдаланишни маъқул кўрдим.

Дорини қанча миқдорда бериш масаласи мени бироз қийнаб қўйди. Мен буни пухта ўйлаб кўрдим-да, миқдорини бироз кўпайтиришга қарор қилдим.

Менинг ёзувларимда кўрсатилишича, мистер Канди ҳаммаси бўлиб йигирма беш миқдор берган экан. Бу миқдор анча кам. Ҳатто мистер Блэкдай таъсирчан одам учун ҳам анча кам. Мен ўйлайманки, мистер Канди доридан ўзи ўйлагандан кўра кўпроқ бериб юборган бўлиши эҳтимол. У зиёфатларга суяги йўқроқ одам, мистер Фрэнклинга лауданумни қуюқ зиёфатдан кейин берганини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳарҳолда, нима бўлганда ҳам, мен афюннинг миқдорини оширишга аҳд қилдим. Мистер Блэкни ҳозир афюн қабул қилишини айтиб қўйдим. Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда, бундай қилинса, унда ғайриихтиёрий тарзда бўлса ҳамки, маълум даражада қарши ҳаракат туғилади. Агар адашмасам, бултур озроқ миқдордаги дори туғдирган оқибатларни такрорлаш учун бу йил кўпроқ миқдорда дори зарурлиги шак-шубҳасиздир.

Соат ўн. Гувоҳларми ёки меҳмонлар – билмадим, уларни нима деб атаган маъқулроқ – келишганига бир соат бўлди.

Соат тўққизга қадам қўйганда мистер Блэкни мен билан бирга ётоғига боришга кўндирдим. Мистер Блэкка ётоқни сўнгги марта кўздан кечириб чиқмоқчиман, хонанинг аввалги жиҳозларидан ё ҳеч нарса унутиб қолдирилмаганига шахсан ўзим амин бўлмоқчиман деб баҳона қилдим. Мистер Бреффга мистер Блэкнинг хонасига ёнма-ён қилиб ётоқ беришларини аввалдан Беттереж билан келишиб қўйган эдим. Адвокатнинг келганини эса менга эшикни енгил тақиллатиб хабар қилишлари керак эди. Даҳлиздаги соат тўққизга занг ургандан кейин беш дақиқа ўтар-ўтмас мен эшик тақиллаганини эшитдим ва шу заҳотиёқ йўлакка чиқиб, мистер Бреффга рўпара келдим.

Менинг ташқи қиёфам ҳар доимдагидек унда нохуш таассурот қолдирди. Мистер Бреффнинг нигоҳида ошкора тарзда менга ишонмагани кўриниб турарди. Мен бегона одамларда қанақа таассурот қолдиришимни билардим. Шунинг учун у мистер Блэкнинг хонасига кириб кетмасдан аввал унга айтишни лозим топган гапимнинг ҳаммасини сира иккиланмай айтдим.

– Сиз бу ерга миссис Меридью ва мисс Вериндер билан бирга келдингиз, шекилли? – деб сўрадим мен.

– Ҳа, – деб жавоб берди мистер Бреффф ўта қуруқ оҳангда.

– Мисс Вериндер сизга айтган бўлса керак, албатта. Мен унинг бу ерда бўлиши, шунингдек, миссис Меридьюнинг ҳам иштирок этиши тажриба ўтиб бўлгунча мистер Блэк учун сир бўлиб қолишини истайман.

– Биламан, мен тилимни тийишим керак, сэр, – деб хитоб қилди Бреффф бетоқатлик билан. – Мен умуман инсон зотининг тентаклиги ҳақида ломмим демасликка ўрганиб қолганман. Бугунги вазиятда эса чурқ этиб оғзимни очмаганим бўлсин. Бу сўзим сизни қаноатлантирадими?

Мен таъзим қилдим ва Беттереж унга аталган хонага кузатиб қўйди. Кетаётиб, Беттереж менга бир қараш қилди. “Сизнинг ҳузурингизга бир ваҳший келди, мистер Женнингс, – бу ваҳшийнинг исми – Бреффф!” деган маъно манаман деб кўриниб турарди.

Энди мен сабр-тоқат қилиб, аёллар билан учрашмоғим керак эди. Яширмайман – мен зинадан анча ҳаяжонланиб тушдим ва мисс Вериндернинг меҳмонхонасига йўналдим.

Боғбоннинг хотини (аёлларга қулайлик ҳақида қайғуриш унга топширилган эди) менга биринчи қаватнинг йўлагида дуч келди. Бу муҳтарама аёл менга ҳаддан зиёд эҳтиром кўрсатяпти. Бу, афтидан, мендан бениҳоя қўрққанининг натижаси бўлса керак. У билан гаплаша бошлашим биланоқ менга кўзларини бақрайтириб қарайди-да, қалтироқ ичида таъзим қилаверади. Менинг мисс Вериндер қаерда деган саволимга жавобан кўзини лўқ қилиб қалтирай бошлади. У, албатта, таъзим ҳам қилган бўларди, лекин мисс Вериндернинг ўзи бехосдан меҳмонхонасининг эшигини очиб қолди-ю, бу маросимнинг белига тепди.

– Сиз мистер Женнингсмисиз? – деб сўради у.

У менинг жавоб беришимни кутиб ўтирмади. Мени кўриш иштиёқи зўр бўлгани учун ўзи йўлакка чиқди. Биз йўлақдаги чироқнинг олдида учрашдик, унинг шуъласи юзларимизга тушиб турарди. Менга биринчи қарашда мисс Вериндер тараддудланиб тўхтаб қолди. Аммо у шу заҳотиёқ ўзини қўлга олдида, бироз қизариб, жозибадор бир самимият билан менга қўлини узатди.

— Мен сизга бегона одамдай муомала қилолмайман, мистер Женнингс, — деди у. — Сизнинг мактубларингиз менга қанча шодлик бахш эттанини кошки билсангиз эди...

У ажин босган бадбашара юзимга беҳад самимий миннатдорлик билан қаради. Унинг бу қараши мен учун янгилик эди — шу пайттача яқинларимдан ҳеч ким менга бунақа назар билан қарамаган эди. Шунинг учун унга нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Мен унинг меҳрибонлиги ва латофатини қабул қилишга сира ҳам тайёр эмас эдим. Худога шукр, кўп йилларнинг изтироби мени бағритош қилиб улгурмаган эди. Мен унинг олдида ўн беш яшар боладай довдираб, қўрқиб турардим.

— У ҳозир қаерда? — деб сўради у ўзида жўш ураётган туйғуни ошкора ифодалаб. — У нима қиляпти? Мен тўғримда гапирдими? Кайфияти яхшими? Бултур содир бўлган воқеадан кейин бу уйнинг қиёфаси унга қандай таъсир кўрсатмоқда? Унга лауданумни қачон берасиз? Уни қандай қуйишингизни кўрсам бўладими? Мен буларнинг ҳаммасидан ўта манфаатдорман. Мен ҳаддан зиёд ҳаяжондаман. Мен сизга ўн мингта нарса ҳақида гапиришим керак. Уларнинг ҳаммаси миямда бирваракайига тиқилиб келяпти. Нимадан бошлашни билмай қолдим. Менинг унга қизиқаётганимга ажабланаётганингиз йўқми?

— Ҳечам-да, — деб жавоб бердим. — Чамамда, ҳолатингизни жуда яхши тушуниб турганга ўхшайман.

У ўзини хижолатга тушган қилиб кўрсатишдан узоқ эди. Шунинг учун ҳам менга худди акасидек ёхуд отасидек жавоб берди:

— Сиз мени ақл бовар қилмайдиган азоблардан қутқардингиз. Сиз менга янги ҳаёт ато қилдингиз. Нечун мен миннатдорлигимни ошкора изҳор қилмай? Нечун ношукур бўлай? Нечун сиздан бирор нарсани яширай? Мен уни севаман, — деди у оддийгина, — уни бошидан охиригача севганман, ҳатто мен унга хаёлан адолатсиз муносабатда бўлган чоғларимда ҳам, унга энг шафқатсиз, энг қаҳрли гапларни гапирган пайтларимда ҳам уни севишдан тўхтамаганман. Буларнинг бари учун мени маъзур тутса бўладими? Умид қиламанки, маъзур тутса бўлади. Қўрқаманки, фақат шугина мен учун узрли сабаб бўлиши мумкин, холос. Эртага у менинг шу ерда эканимни билганидан кейин, нима деб ўйлайсиз...

У гапини охирига етказмай, жуда жиддий назар билан менинг юзимга қаради.

— Ҳозир менга айтган гапларингизнинг ҳаммасини эртага унинг ўзига такрорласангиз бўлди, — деб жавоб бердим мен.

Унинг юзи ёришиб кетди. У мен томонга бир қадам қўйди-да, мен боғда узиб олиб, ёқамга тақиб қўйган гулнинг баргларини ошкора ҳаяжон билан бир-бир санай бошлади.

— Сўнгги пайтларда сиз у билан тез-тез кўришиб турдингизми? — деб сўради у. — Буни сиз унда чиндан кўрдингизми?

— Чиндан ҳам кўрдим, — деб жавоб бердим мен. Эртага содир бўладиган воқеага менинг заррача шак-шубҳам йўқ; мен бугунги кеча воқеаларига ҳам шундай ишонч билан қарашни истардим.

Гапимиз шу ерга келганда чойнак кўтариб олган Беттережнинг кириб келиши билан бўлинди.

Беттережнинг кетидан биз ҳам меҳмонхонага кирдик. Жуссаси кичкинагина кекса хоним бир бурчакда ўтирарди. У дид билан кийинган бўлиб, ҳозир бутун фикру зикри билан тиззасидаги аллақандай бежирим каштасига берилган эди.

Менинг лўлимижоз башарамни ва олачипор сочимни кўриб, у қўлидан каштасини тушириб юборди-ю, бехосдан қичқирди.

— Миссис Меридью, бу киши мистер Женнингс, — деди мисс Вериндер.

— Мистер Женнингсдан узр сўрайман, — деди муҳтарама хоним менга,

лекин мисс Вериндерга қараб туриб. — Темир йўлда юриб қолсам, доим асабларим зир қақшаб қолади. Мен ўзимнинг одатдаги ишим билан машғул бўлиб, уларни тартибга келтиришга уринаман. Билмадим, ҳозирги дақиқада бу ишим қанчалик ўринли экан? Агар у сизнинг тиббий мақсадларингизга халақит берса, уни бажонудил бир чеккага олиб қўяман.

Тўнғизнинг ёрилиб кетган тулуми, Купидоннинг синган қаноти бўлмаслигига рози бўлганидай, шоша-пиша бу хонимнинг кашта тикишига ҳам рози бўла қолдим. Миссис Меридью ўз-ўзини зўрлаб бўлса-да, миннатдорлик юзасидан менга қарамоқчи бўлди. Қаёқда дейсиз. У бир лаҳза ҳам менга нигоҳини қадаб туролмади-да, яна мисс Вериндерга қаради.

— Мистер Женнингснинг ижозати билан, — деб давом этди бу муҳтарама хоним, — мен ундан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим. Мистер Женнингс ўзининг олимона тажрибасини бугун кечаси ўтказмоқчи. Мен мактабда ўқиган кезларимда шунақа тажрибаларда иштирок этганман. Улар ҳамиша портлаш билан тамом бўлар эди. Бу гал портлаш қачон рўй беришини ва мен уни қачон кутишим кераклигини мистер Женнингс менга олдиндан айтиб қўёлмасмикин? Имкони бўлса, мен уйқуга кетмасимдан олдин ўша портлашни кўрсам дегандим.

Мен миссис Меридьюни бу галги тажриба вақтида программа бўйича портлаш бўлмаслигига ишонтирмоқчи бўлдим.

— Шунақами? — сўради муҳтарама хоним. — Мен мистер Женнингсдан жуда миннатдорман. Билиб турибман, у мени хотиржам қилиш учун алдаяпти. Аммо мен рост гапирганни яхши кўраман. Майли, портлаш бўлса бўлақолсин, мен розиман. Фақат шу портлаш қурғур мен ўрнимга ётмасимдан олдин бўлсин дегандим-да...

Шу пайт эшик очилди-ю, миссис Меридьюнинг яна бир енгил қичқиришига тўғри келди. Бўлажак портлашдан қўрққанидан дейсизми? Йўқ. Беттережнинг кириб келишидан.

— Мени авф этишингизни сўрайман, мистер Женнингс, — деди Беттереж ўта илтифотли бир оҳангда. — Мистер Фрэнклин сизнинг қаерда эканингизни сўраяпти. Сизнинг буйруғингиз билан мисс Рэчелнинг уйда эканини ундан яширганим учун, сизнинг қаерда эканингизни ҳам унга билмайман, дедим. Агар эътибор берган бўлсангиз, бу гапим қип-қизил ёлғон. Бир оёғим гўрда тургани учун мендан бунақа ёлғон гапиришни қанча кам талаб қилсангиз, сиздан шунча миннатдор бўламан. Акс ҳолда, ҳаёт билан видолашув чоқларида виждоним қийналиб, азоб чекаман.

Беттережнинг виждони масаласида баҳслашиб вақт сарфлаб ўтиришга имкон йўқ эди. Ҳар дақиқада хонага мени қидириб мистер Блэк кириб қолиши мумкин эди. Шунинг учун мен шу заҳотиёқ унинг олдига жўнадим. Мисс Вериндер мен билан бирга йўлакка чиқди.

— Уларнинг ҳаммаси сизни қийнашга келишиб олишганми, дейман? — деди у менга. — Бу қандоқ бўлди?

— Бу жамият томонидан барча янгиликка қарши кичик ҳажмда бўлса ҳамки, билдирилган норозилик, мисс Вериндер.

— Миссис Меридьюни нима қиламиз?

— Унга айтинг, портлаш эртага эрталаб соат тўққизда бўларкан денг.

— Уни уйқуга жўнатиш учунми?

— Ҳа, уни уйқуга жўнатиш учун.

Мисс Вериндер меҳмонхонага қайтиб кирди, мен эса юқорига мистер Блэкнинг олдига кўтарилдим.

Мен унинг ёлғизлигини кўриб ҳайрон бўлдим. Афтидан, у ёлғиз қолганидан безовталаниб, ҳаяжон ичида хонанинг у бурчидан бу бурчига юрмоқда эди.

— Мистер Брефф қаёқда қолди? — деб сўрадим мен.

У ёндаги хонани кўрсатди. Ҳозир эшиги ёпиқ турган бу хона адвокатга аталган эди. Мистер Брефф бир дақиқага унинг ёнига кирипти-да, яна бизнинг тажрибамизга қарши эътироз билдиришга уриниб кўрипти, аммо унинг бу уриниши яна беҳуда кетипти, у мистер Блэкдан ҳеч нарсага эриша олмапти. Шундан кейин адвокат ҳар хил қоғозларга тўлдириб олган қора папкаси билан машғул бўлипти.

— Ҳозирги аҳволда, — депти у, — жиддий ишларга мутлақо ўрин йўқ.

Аммо шунга қарамай, улар ўз навбати билан давом этавериши керак. Мистер Блэк менга ўхшаган иш одами учун унинг эскича одатларини маъзур тутар. Вақтинг кетди – нақдинг кетди. Мистер Женнингс эса менинг шу ерда эканимдан манфаатдор экан, марҳамат, зарур пайтда унинг ихтиёридаман.

Шу сўзлар билан адвокат хонасига кириб, ишлари билан шуғуллана бошлапти.

Мен миссис Меридьюни каштаси билан ва Беттережни виждони билан эсладим. Инглиз характерининг асосида ҳайрон қоладиган даражада бир хиллик бор-да. Бу бир хиллик инглизнинг юзидаги ифодада ҳам кўриниб туради.

– Менга қачон лауданум берасиз? – деб сўради мистер Блэк сабрсизлик билан.

– Бироз шошмай туринг, – дедим мен. – Унгача мен сиз билан бўламан.

Соат ҳали ўн ҳам бўлгани йўқ эди. Беттереж билан мистер Блэкдан суриштиришларим натижасида мистер Канди унга лауданумни соат ўн бирдан олдин бермаган деган хулосага келдим.

Биз бироз гаплашиб ўтирдик, аммо фикрларимиз бутунлай бўлғуси тажриба билан банд эди. Гап гапга қовушмади ва кўп ўтмай тўхтаб қолди. Мистер Блэк стол устида ётган китобларни эътиборсизгина варақлади. Биз хонага кирганимизда, мен уларни кўздан кечириб қўйган эдим: "Васий", "Гийбатчи", "Ричардсоннинг "Памела"си; Мэкензининг "Ҳисчан одам"; Росконинг "Лоренцо Медичи" ва Робертсоннинг "Карл Бешинчи" деган китоблари. – Буларнинг ҳаммаси мумтоз асарлар. Бу асарлар улардан кейин ёзилган ҳамма асарлардан беқиёс устун туради. Бу асарларнинг ҳаммаси менинг ҳозирги нуқтаи назаримдан қараганда битта улуғ фазилатга эга – улар ҳеч кимнинг диққатини жалб қилмайди ва ҳеч кимни ҳаяжонга солмайди. Мен мистер Блэкнинг мумтоз сўз санъатининг таъсирига берилишига монелик қилмадим ва ўзимнинг кундалигимдаги ёзувлар билан машғул бўлдим.

Соат ўн бирга яқинлашиб бормоқда. Мен яна дафтаримни ёпмоғим зарур.

Ярим кеча. Соат икки. Тажриба ўтди. Унинг натижаси ҳақида ҳозир батафсил ҳисобот бераман. Соат ўн бирда мен Беттережга қўнғироқ қилдим-да, мистер Блэкка ётадиган вақти бўлганини айтдим.

Мен деразадан ташқарига қарадим. Худди ўтган йилнинг йигирма биринчи июнидагига ўхшаш илиққина ёмғирли тун эди. Иримларга ишонмайман, шундоқ бўлса-да, об-ҳавода бевосита асабга таъсир этадиган нарсанинг йўқлигидан, ҳеч қанақа чақмоқдан дарак йўқлигидан момақалдироқнинг ҳиди келмаётганидан хурсанд бўлдим. Беттереж менга яқин келди-да, сирли бир тарзда қўлимга қоғоз тутқазди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

"Портлаш эртага эрталаб соат тўққизда бўлади деб қаттиқ ишонтирганимдан кейингина ва унинг ўзи келиб, мени эркинликка чиқармагунча уйнинг бу қисмидан бир қадам ҳам жилмайман, деб ваъда берганимдан кейингина миссис Меридьюни ухлагани кириб кетди. Воқеа содир бўладиган асосий жой менинг меҳмонхонам эканидан унинг хабари йўқ, акс ҳолда у туни билан шу ерда қоларди. Мен ёлғиз ўзимман. Жуда хавотир оляпман. Марҳамат қилиб, лауданумни қандоқ ўлчаётганингизни менга ҳам кўрсатинг. Лоақал бир томошабин сифатида бўлса ҳамки, мен, албатта, бу ишда қатнашмоқни истар эдим. Р.В."

Мен Беттережнинг кетидан хонадан чиқдим-да, дорилар солинган қутини мисс Веринднерниг хонасига олиб киришни буюрдим.

Афтидан, у бунақа фармойишни сира кутмаган кўринади. У менга шундай ўқрайиб қарадики, гўё мен мисс Веринднерга қарши бирон суиқасд уюштириш қасдига тушган эдим.

– Журъат қилиб, бир нарсани сўрасам бўладими? – деди у ниҳоят, менинг бекачам билан дорилар қутиси ўртасида қанақа муносабат бўлиши мумкин?

– Меҳмонхонада қолинг, ўзингиз кўрасиз, – деб жавоб бердим мен.

Ишга дорилар солинган қути аралашар экан. Беттереж бегона одамнинг ёрдамисиз бир ўзи мени кузата олишига унча ишонмади, шекилли:

– Сиз қиладиган ишни кўришга мистер Бреффни ҳам таклиф қилсак бўлармикин? – деб сўради.

– Бўладигина эмас, албатта, чақириш керак. Мен бориб, мистер Бреффдан мен билан бирга пастга тушишини илтимос қиламан.

Беттереж бошқа бирон сўз айтмай, дорилар солинган қутига кетди. Мен мистер Блэкнинг хонасига қайтиб, адвокат Бреффнинг эшигини қоқдим. У ўша заҳотиёқ қўлида қоғоз тутгани ҳолда эшикни очди. Унинг фикри-зикри қонунда бўлиб, ҳозирги ҳолида медицинадан буткул узоқда эди.

— Безовта қилаётганим учун узр, — дедим мен, — мен мистер Блэк учун лауданум тайёрлагани тушиб кетяпман. Шу ишда сиз ҳам иштирок этиб, менинг нима қилишимни кузатиб турсангиз деб илтимос қилмоқчи эдим.

— А-ҳа! — деди мистер Брефф диққатининг ўндан бир қисмини менга бериб, ўндан тўққизини қоғозларга жалб қилиш учун қолдирар экан. — Бошқа гап йўқми?

— Кейин сиздан, мен билан бирга бу ерга қайтиб чиқиб, мистер Блэкнинг дори ичишида ҳам иштирок этишингизни сўрайман.

— Бошқа гап йўқми?

— Яна бир гап бор. Мен сиздан мистер Блэкнинг хонасига кўчиб чиқишингизни ҳам ўтинаман. Шу ерда туриб дорининг таъсирини кузатсангиз.

— Жуда яхши! — деди мистер Брефф. — Бу хона меникими ё мистер Блэкникими — унча фарқи йўқ. Мен қоғозларим устида истаган жойда ўтиравераман. Сизнинг тадбирингизга мана шу соғлом ишдан жиндай аралаштирсам, хафа бўлмасангиз бўлди, мистер Женнингс.

Мен унга жавоб бермасимдан, мистер Фрэнклин ётган жойидан қичқирди:

— Наҳотки, шу билан ўзингизнинг биринчи тажрибамизга сира ҳам қизиқмаслигингизни ошкор этмоқчи бўлсангиз? Мистер Брефф сизнинг идрокингиз сигирникидан аъло эмас.

— Сигир жуда фойдали жонивор, мистер Блэк! — деб жавоб берди адвокат. Шу сўзлар билан у менинг орқамдан хонадан чиқди. У ҳамон қўлларида қоғозларини ушлаб олган эди.

Биз кўрганда мисс Вериндернинг ранги бир ҳолатда бўлиб, хавотирда экани сезилиб турарди. У ҳаяжон ичида меҳмонхонасининг бир бурчидан иккинчи бурчига одимларди. Бурчакда столнинг ёнида Беттереж турар, у гўё дори солинган қутини пойлар эди. Мистер Брефф рўпара келган биринчи стулгаёқ чўкди-да, фойдали бўлишга интилиб, дарҳол яна қоғозларига шўнғиди.

Мисс Вериндер мени бир четга тортди-да, дарҳол унинг фикрини банд қилиб ётган нарса ҳақида — мистер Блэкнинг аҳволи тўғрисида гап бошлади.

— Ҳозир аҳволи қалай? — деб сўради у. — Асабийлашмаяптими? Тоқати тоқ бўлмаяптими? Нима деб ўйлайсиз, тажриба яхши ўтармикин? Унга зарар етмаслигига ишончингиз комилми?

— Мутлақо, аминман. Юринг, мен ҳозир лауданумни ўлчайман.

— Бир дақиқа. Ҳозир соат ўн бирдан ўта бошлади. Дорининг натижаси кўрина бошлагунча, қанча кутиш керак бўлади?

— Аниқ айтиш қийин. Бирон соат кутилади.

— Менимча, худди бултургига ўхшаб, хона қоронғи бўлмоғи керакдир?

— Албатта.

— Мен худди ўтган йилдагидек, ётоғимда кутаман. Эшикни қиялатиб қўяман. Ўтган йили ҳам эшик сал-пал очиқ турган эди. Мен меҳмонхона эшигининг орқасидан кузатиб тураман. Эшик очилиши биланоқ шамни ўчираман. Туғилган кунимдан кейинги тунда ҳаммаси худди шундай бўлган эди. Ҳозир ҳам ҳамма нарса худди ўшандагидай такрорланиши керак эмасми? Шундайми?

— Ўзингизни йўқотиб қўймаслигингизга аминмисиз, мисс Вериндер?

— Унинг учун ҳамма нарсага тайёрман! — деб жавоб берди у иштиёқ билан.

Қизнинг юзига қараб мен унга ишонса бўлишига амин бўлдим. Мен яна мистер Бреффга мурожаат қилдим.

— Сиздан илтимос — бир дақиқа қоғозларингизни қўя туринг, — дедим мен.

— О, албатта!

Гўё мен унинг машғулотини энг қизиқ жойда бўлиб қўйгандай, сапчиб ўрнидан турди-да, мен билан дори қутининг ёнига келди. Келди-ю, бу

ишларнинг унга қизиғи йўқ эканини намойиш қилиб, Беттережга қараб, ҳорғинлик билан эснади.

Мисс Вериндер стол устида турган графиндаги совуқ сувни олиб, менинг олдимга келди.

— Сувни қуйишни менга қўйиб беринг, — деб шивирлади у. — Менинг ҳам қўлим тегсин.

Мен шишачадан қирқ томчи ўлчаб, лауданумни стаканга қуйдим.

— Стаканнинг тўртдан уч қисмига сув қуйинг, — дедим мен стаканни мисс Вериндерга узатиб.

Кейин мен Беттережга дори солинган қутини қулфлаб қўйишни буюрдим ва бундан кейин қути керак бўлмайди, деб қўшиб қўйдим. Кекса хизматкорнинг юзида беҳад мамнуният туйғуси зуҳр этди. У, афтидан, мени бекачаси устида ҳам тиббий тажриба ўтказади деб ўйлаганга ўхшайди.

Менинг кўрсатмам бўйича сув қуяр экан, мисс Вериндер Беттереж қутини қулфлаётган, мистер Брефф эса яна ўз қоғозларига қайтган дақиқадан фойдаланиб, киши билмас тарзда стаканнинг бир четидан ўпиб олди.

— Стаканни унга берганингизда, — деб шивирлади латофатли қиз, — мана шу томони билан беринг.

Мен чўнтагимдан бир шиша парчасини олдим — у олмос ролини ўташи керак эди. Уни қизнинг қўлига бераётиб шундай дедим:

— Мана бунга ҳам сизнинг қўлингиз тегиши керак. Бултур Ойтошни беркитиб қўйган жойингизга бу шишани ҳам яшириб қўйинг.

У ҳинд жавонининг олдига бориб, унинг тортмаларидан бирига, яъни унинг туғилган кунида ҳақиқий олмос қўйилган тортмага бугун олмос ролини ўйнаётган шишани қўйди. Мистер Брефф бунга ҳам қолган ҳамма нарсага қарагандек энсаси қотиб қараб турарди. Аммо тажрибамизнинг шу дақиқасидаги кескинлик кекса Беттережнинг сиполигидан устун келди — буни кўриб, мен роса тааажжубландим. У мисс Рэчелга шам тутиб турганида унинг қўллари қалтираб кетди ва у ташвишли қиёфада қизга шивирлади:

— Бу айни ўша тортманинг ўзи эканига аминмисиз, мисс?

Мен қўлимда лауданум ва сув билан яна эшикка йўл олдим. Остонада мисс Вериндерга сўнгги кўрсатмани бериш учун тўхтадим.

— Шамни вақтида ўчириш эсингиздан чиқмасин, — дедим мен унга.

— Мен шамларнинг ҳаммасини ҳозироқ ўчириб қўяман, — деб жавоб берди у. — Фақат биттасини қолдираман. Ўша билан ётоғимда кутиб ўтираман.

У бизнинг орқамиздан эшикни ёпиб қолди. Мистер Брефф билан Беттережнинг ҳамроҳлигида мен мистер Блэкнинг хонасига қайтдим.

У тўшагида жуда безовта бўлиб, типирчиланиб ётган экан. У ўзига-ўзи зарда билан савол бериб, бу кеча, ниҳоят, лауданумни беришадими, йўқми деб сўрарди. Икки гувоҳнинг иштирокида мен унга лауданумни бердим ва унинг ёстиғини тўғрилаб, унга тинч ётиб, кутишини маслаҳат қилдим.

Унинг рангдор пардалар тутилган каравоти боши билан деворга тақаб қўйилган эди. Каравотнинг икки ёни очиқ бўлиб, ундан тоза ҳаво кириб турарди. Мен каравотнинг бир томонидаги пардани туширдим, хонанинг унга кўринмайдиган томонига мистер Брефф билан Беттережни жойлаштирдим. Улар шу ердан туриб, лауданумнинг таъсирини кузатишлари керак эди. Каравотнинг оёқ томонидаги пардани ярим туширдим-да, ўзимга стул қўйиб ўтирдим. Шу тарзда мен ҳамиша кўз ўнгида эдим. Керак бўлиб қолганда эса унинг кўзидан ғойиб ҳам бўлишим, унинг мен билан гаплашишига йўл қўйишим ёхуд қўймаслигим ҳам мумкин эди. Аввалдан унинг доимо шам ёруғида ухлагани менга маълум бўлгани учун, унинг бош томонига стол устига шам қўйдим, аммо унинг шуъласини мистер Блэкнинг кўзига тушмайдиган қилиб ўрнатдим. Иккинчи шамни мистер Бреффга бердим. Пардасининг ортида унинг ёруғи унчалик сезилмас эди. Ҳаво тоза бўлиб туриши учун деразалар очиб қўйилганди. Уйда сукунат ҳукмрон. Ҳамма тайёргарликларни охирига етказиб, мен каравот оёғидаги стулга ўтириб, ўз ўрнимни эгаллаганимда, қўлимдаги соат ўн бирдан йигирма минут ўтганини кўрсатарди.

Мистер Брефф ўзининг қоғозларига қайтди ва уларга яна аввалгидай берилиб кетгандай кўринарди. Лекин ҳозир унга бир назар ташлаб, баъзи

бир белгилардан шуни пайқадимки, ҳуқуқшунослик унга нисбатан таъсир кучини йўқота бошлабди.

Бизнинг ғаройиб аҳволимиз секин-аста ўз ҳукмига кира бориб, ҳатто унинг соғлом ақлига ҳам таъсир кўрсата бошлаган эди. Беттережнинг қатъий қоидалари ва муомаладаги сиполигига келсак, ҳозирги дақиқаларда улар ҳам йўқолиб бормоқда эди. У менинг мистер Фрэнклин устида муттаҳамларча майнавозчилик қилаётганимни унутди, бугун уйни ағдар-тўнтар қилганимни ҳам унутди, ҳатто болалигимдан бери "Робинзон Крузо"ни ўқимаганимни ҳам эсидан чиқарди.

— Худо ҳаққи, сэр, — деб шивирлади у менга зўрға эшитиладиган тарзда, — айтинг-чи, дорининг таъсири қачон бошланади?

— Ярим тунга борганда, — деб жавоб бердим мен ҳам шивирлаб. — Гаплашмай жим ўтиринг.

Беттереж ўзининг шаън-шавкати учун курашишни ҳам унутиб, мен билан ўта даражада бетакаллуф муносабатда бўла бошлади. У менга бош ирғаб жавоб берди.

Мен мистер Блэкка назар ташлаб, унинг ҳамон тўшакда бесаранжом бўлаётганини кўрдиму, лауданум заррача ҳам таъсир қилмаётганига ҳайрон бўлдим. Унинг ҳозирги аҳволида қанча кўп безовталаниб бетоқат бўлса, лауданумнинг таъсири шунча кеч намоён бўлишини тушунтириб ўтиришдан ҳеч қандай фойда йўқ эди. Ҳаммадан яхшиси унинг фикрини афюндан чалғитиб, киши билмас ҳолда уларни бошқа бирор нарсага жалб қилиш керак эди.

Шу мақсадда мен уни гапга алахситдим ва боя оқшом пайти гаплашганимиз — олмос мавзусида гапиришга ҳаракат қилдим. Мен унинг фикрларини Ойтошни Лондондан Йоркширга қандай олиб келганига жалб қилдим, уни Фризинголлдаги банкдан олганида мистер Блэк ўзини қанақа хавф-хатарга рўпара қилгани ҳақида, мисс Рэчелнинг туғилган кунида кутилмаганда леди Веринднерниг уйида ҳиндилар пайдо бўлгани тўғрисида гапирдим. Мен бу воқеаларни эслатар эканман, мистер Блэк бир неча соат олдин менга айтиб берган нарсаларнинг кўпини атайин тушунмаганликка олдим. Шундай қилиб, биз уни ўзимизга зарур бўлган масалалар ҳақида гапиришга мажбур қилдик. Табиийки, мистер Блэк буни атайин қилганимизни мутлақо сезгани ҳам йўқ. Секин-аста у менинг ҳатто таассуротларимни тўғрилашга шу қадар берилиб кетдики, ётган жойида бесаранжом бўлмай қўйди. У афюнни бутунлай ёдидан чиқарди. Бу жуда муҳим дақиқа эди, чунки худди шу дақиқада мен унинг кўзларига қараб, афюн миясига таъсир қила бошлаганини биринчи марта кўрдим.

Мен соатга қарадим. Беш минути кам ўн икки эди. Ўрганмаган одам унда ҳали ҳеч қандай ўзгаришни сезмаган бўларди. Аммо ҳар дақиқа сайин лауданум таъсирининг сезилар-сезилмас белгилари тезроқ ва аниқроқ намоён бўлмоқда эди. Биз ҳамон суҳбатимизни давом эттирар эдик — беш дақиқадан кейин унинг гапларида маъно йўқола бошлади. У ҳамон олмос ҳақида гапиришда давом этар, лекин энди жумлалари чала-юлуқ қолмоқда эди. Кейин бир дақиқа индамай қолди. Сўнгра бирдан тўшакка ўтирди. Олмос ҳақида ўйлашда давом этган ҳолда у яна гап бошлади, бироқ бу гал мен билан эмас, ўз-ўзи билан гаплашарди. Бу ўзгариш менга тажрибанинг биринчи натижасига эришилганини кўрсатарди. Афюннинг жунбушга келтирувчи кучлари ҳаракатга кирган эди.

Соат ўн иккидан йигирма уч минут ўтган эди. Навбатдаги ярим соат биз учун ҳал қилувчи муддат эди: у хонадан чиқиш учун тўшакдан турадими, йўқми?

Тажрибанинг биринчи самараси моҳият эътибори билан ҳам, вақти жиҳатидан ҳам мен аввалдан ўйлаб қўйган натижага мос келишидан беҳад қувондим. Мен мистер Блэкни синчиклаб кузатар эканман, мен билан бирга ёнимда туриб, уни кузатишаётган икки шеригимни бутунлай унутиб қўйибман. Мен уларга қарадим. Мистер Бреффнинг қоғозлари тарзида намоён бўлган қонун полда сочилиб ётарди. Мистер Бреффнинг ўзи эса унча зич ёпилмаган каравот пардасининг ёруғидан кўзини олмай қараб турарди. Беттереж эса тоифалар ўртасидаги ҳар қанақа тафовутни унутиб, мистер Бреффнинг елкаси оша томоша қиларди.

Менинг қараб турганимни кўриб, улар ўқитувчилар томонидан жиноят устида қўлга туширилган мактаб болаларидай, сапчиб, ўзларини орқага олишди. Мен уларни имо-ишора билан мендан ибрат олишга ундадим ва ўзим астагина пойафзалимни ечдим. Агар мистер Блэкнинг орқасидан боришга тўғри келса, буни овоз чиқармай қилиш керак.

Орадан ўн дақиқа ўтди – ҳеч нарса рўй бермади. Бирдан у устидан адёлини олиб ташлади, кейин бир оёғини каравотдан туширди. У ниманидир кутиб ўтирарди.

– Уни банкдан олганим чакки бўлган экан, – деб ғўнғирлади у ўзига-ўзи. – Банкда у бехатар турарди.

Юрагим ўйнаб қинидан чиқиб кетаёзди, икки чаккам болга билан ураётгандай лўқиллай бошлади. Олмоснинг бехавотирлигига шубҳа яна унинг фикр-зикрини эгаллаб олган эди. Тажрибанинг жамики муваффақияти фақат шунга боғлиқ эди. Бирдан мени чулғаб олган умид, менинг бўшашган асабларим учун зўрлик қилди – мен янада бўшашиб кетдим. Мен ундан кўзимни олишга мажбур бўлдим, акс ҳолда ўзимни тутиб қололмас эдим. Орага сукунат чўмди.

Мен яна ўзимга эрк бериб, унга қараганимда у каравот ёнида тик турар эди. Кўз қорачиқлари кичрайган эди; у аста бошини сарак-сарак қилар экан, столча устида ёниб турган шам шуъласида унинг кўзлари чақнарди. У мулоҳаза юритар, шубҳаланарди. У яна гапира бошлади:

– Ким билсин? Ҳиндилар, эҳтимол, бу уйда бирор жойга биқиниб олгандир. Тортма ҳам қулфланмайди.

У гапдан тўхтади ва хонанинг нариги томонига астагина юриб борди, тўхтади, турган жойида бироз турди-да, яна ўзи билан ўзи гаплашиб, каравот олдига қайтиб келди:

– У лоақал қулфлаб қўйилган эмас. У ҳинд жавонида. Тортма қулфланмайди.

У каравотга омонатгина ўтирди.

– Истаган одам уни эгаллаб олиши мумкин, – деб давом этди у.

Кейин яна ўрнидан турди-да, ўзининг биринчи айтган гапларини такрорлади:

– Ким билсин? Ҳиндилар, эҳтимол, бу уйда бирор жойга биқиниб олгандир.

У яна хаёлга чўмди. Мен каравот пардасининг ортига беркиндим. У хонага чақнаган кўзлари билан идроксиз назар ташлади. Мен нафасимни ичимга ютдим. Яна тўхташ юз берди – лауданумнинг таъсирида узилиш бўлдими ёки мия фаолиятидами – буни ким ҳам аниқлай оларди. Ҳамма нарса унинг бундан кейин нима қилишига боғлиқ эди.

У ўринга ётди.

Менинг хаёлимда мудҳиш бир шубҳа ялт этди. Балки, афюннинг тинчлантирувчи таъсири ҳозироқ бошланиб қолгандир? Бу менинг ҳамма ҳисоб-китобимга зид эди. Аммо гап афюн ҳақида борар экан, ҳисоб-китобга ишониб бўлармиди? Дунёда иккита одам бормиканки, уларга афюн бир хил таъсир қилсин. Мистер Блэкнинг организмида бирор ўзига хос томони йўқмикин? Балки шу туфайли лауданумнинг таъсири ҳам ўзига хос тарзда кечаётгандир. Наҳотки, узил-кесил муваффақиятга эришай деб турганимизда, ҳамма умидларимиз пучга чиқса?

Йўқ, у яна бирдан ўрнидан турди.

– Қалбимда шундоқ юк билан қандай ухлай оламан?

У каравотнинг бош томонида столча устида ёниб турган шамга қаради. Бир лаҳзадан кейин қўлига шамдонни олди.

Мен парданинг бу томонида ёниб турган иккинчи шамни ўчирдим ва мистер Брефф ҳамда Беттереж билан бирга хонанинг энг олис бурчагига, каравот ортига яшириниб олдик. Мен имо-ишора билан уларни овоз чиқармасликка ундадим, гўё тирик қолиш-қолмасликларинг шунга боғлиқ дегандай бўлдим.

Биз парда орқасида турганимиздан ҳеч нарсани кўрмай ва ҳеч нарсани эшитмай кутардик.

Бирдан у қўлида ушлаб турган шам ҳаракатга келди. Мистер Блэк шамни қўлида тутганича ёнимиздан тез-тез қадам ташлаб ўтиб кетди.

У эшикни очиб, ётоқдан чиқди. Биз ҳам унинг кетидан йўлакка чиқдик. Кейин унга эргашиб, зинадан пастга тушдик. У бир марта ҳам орқасига қарагани йўқ, бир марта ҳам тўхтагани йўқ.

У меҳмонхонанинг эшигини очиб ичкари кирди. Меҳмонхона эшигини ёпмади ҳам. Уйдаги бошқа эшиклар каби бу эшик ҳам катта қадимий ошиқ-мошиққа илинган эди. Эшик билан кесаки ўртасида каттагина ёриқ бор эди. Мен ишора билан ҳамроҳларимни шу ёруғ олдига чорладим. Бизни мистер Блэк пайқаб қолмасин учун унинг хатти-ҳаракатларини шу ёруқдан кузата бошладик. Мен ўзим ҳам эшик ортига турдим, фақат эшикнинг бошқа ёнидан турдим. Менинг чап томонимда деворда бироз ўйиқ жой бор эди. Агар у йўлакка қараб қоладиган бўлса, мен бир лаҳзада шу ўйиққа беркиниб олишим мумкин эди.

У хонанинг ўртасигача борди. Қўлида ҳамон шам. Кейин у теварак-атрофга қаради, лекин бир марта ҳам орқасига ўгирилмади.

Мисс Вериндернинг ётоғининг эшиги қия очиқ эди. Мисс Вериндер шамини ўчириб қўйипти. У ўзини мардонавор тутарди. Мен қоронғида унинг оқариб турган кўйлагини ажрата олдим, холос. Бу хонада тирик махлуқ борлигини билиб олиш амримаҳол эди. У ўзини панага олиб турарди, унинг оғзидан бир оғиз ҳам сўз чиқмади, у қилт эттан ҳаракат ҳам қилмади.

Соат бирдан ўн минут ўтган эди. Ўлик сукунат ичида мен ёғаётган ёмғирнинг унсиз шивирини ва енгил шабададан дарахт баргларининг шитирлашини эшитдим.

Мистер Блэк хона ўртасида бир дақиқача тараддудланиб тургач, ҳинд жавони турган бурчакка йўл олди. У шамни жавон устига қўйиб, тортмаларни бирин-кетин очиб-ёпа бошлади. Ниҳоят, у олмос ролини бажараётган шиша ётган тортмани очди. У бир дақиқача, тортмага қараб турди-да, кейин ундан ўнг қўли билан шишани олди, чап қўлига эса шамни ушлади. Шундан кейин у хонанинг ўртасига қайтиб, яна тўхтаб қолди.

Шу пайтта қадар у туғилган кундан кейинги тунда қилган ишларининг ҳаммасини аниқ такрорлади. Унинг кейинги ҳаракатлари ҳам, ўтган йилги қилганларини айнан такрорлармикин? У хонадан чиқиб кетармикин? Менинг тахминимча, у ўтган йили ётоғига қайтган эди. Бу гал ҳам ётоққа қайтармикин? Хонасига қайтиб келгач, олмосни нима қилганини бизга кўрсатармикин?

Унинг биринчи ҳаракати лауданумни биринчи марта қабул қилганидан кейинги ҳаракатининг айнан ўзи бўлмади. У шамни стол устига қўйиб, меҳмонхонанинг нариги томонига қараб бир неча қадам қўйди. У ерда диван турганди. У чап қўли билан диваннинг орқа суянчиғига таянди, кейин қаддини ростлади-да, яна хонанинг ўртасига қайтди. Энди мен унинг кўзларини кўрдим. Унинг кўзлари нурсизланиб, хира тортган эди, қовоқлари ҳам осилиб қолибди. Қорачиқларининг нури ҳам анча кетиб қолипти.

Шу дақиқаларнинг кескинлиги мисс Вериндернинг асабларига таъсир қилди. У бир неча қадам қўйиб, тўхтаб қолди. Мистер Брефф билан Беттереж эшик ортидан менга биринчи марта қарашди. Улар ҳам худди менга ўхшаб кутганлари рўёбга чиқмай қолиши мумкинлигини ҳис қилиб безовта бўла бошлаган эдилар. Ҳарҳолда, ҳозирча у хона ўртасида турар экан, ҳали умид қилса бўларди. Биз нима бўлишини ҳаддан зиёд сабрсизлик билан кутмоқда эдик.

Бундан кейин рўй берган нарса ҳамма нарсани ҳал қилди. У шишани қўлидан тушириб юборди. Шиша эшикнинг олдида ерга тушди-да, ҳаммага кўринадиган жойда қолганча қолаверди. У шишани олиш учун заррача ҳам ҳаракат қилгани йўқ. У шишага хира нигоҳ билан тикилиб турарди. Кейин бирданига унинг боши кўксига эгилиб тушди. У гандираклаб кетди, кейин бир лаҳзага ўзига келди, заиф қадамлар қўйиб диваннинг олдига борди-да, унга ўтирди. Сўнг у охирги марта ўзини зўрлаб кўрди – туришга уринди, аммо туролмади ва яна диванга ўтириб қолди. Боши шилқ этиб ёстиққа тушди. Соат бирдан йигирма беш минут ўтган эди. Мен соатимни қайтариб, чўнтагимга солиб қўйишга улгурмай ухлаб қолган эди.

Ҳамма нарса тугади. Энди у лауданумнинг ухлатувчи таъсири остида эди. Тажриба ниҳоясига етди.

Мен хонага кириб, мистер Брефф билан Беттережга менинг ортимдан юраверинглар, дедим. Энди уни безовта қилишдан ортиқ хавотир олмаса ҳам бўлади. Биз бемалол ҳаракат қилиб, бемалол гаплашаверишимиз мумкин эди.

— Биз биринчи навбатда ҳал қилишимиз керак бўлган масала шуки, — дедим мен, — мистер Блэкни энди нима қиламиз? Афтидан, у кам деганда олти-етти соат ухласа керак. Уни ётоғига кўтариб олиб боришга анча олислик қилади. Ёшроқ бўлганимда, бу ишни бир ўзим эплаган бўлардим. Аммо ҳозир соғлиғим ҳам, кучим ҳам аввалгидек эмас. Қўрқаманки, сизларнинг ёрдамингизсиз ҳеч нарса қилолмайман.

Улар жавоб беришга улгурмай мисс Вериндер мени астагина чақириб қолди. У ўз ётоғининг эшигида қўлида енгил шолрўмол билан қавилган кўрпа ушлаб турарди.

— У уйғонгунча сиз унинг тепасида ўтирасизми? — деб сўради у.

— Ҳа, мен уни ёлғиз қолдирмоқчи эмасман, чунки афюннинг унга таъсири қандай бўлишини узил-кесил билмайман.

У менга шолрўмол билан кўрпани тутқазди.

— Уни безовта қилиб ўтирманг, — деб шивирлади у. — Унга диванга жой қилиб бера қолинг. Мен эшикни ёпиб қўяман-да хонамда қоламан.

Бу, шубҳасиз, ҳам осон, ҳам бехавотир эди. Мен бу таклифни мистер Брефф билан Беттережга етказдим, уларнинг иккови ҳам таклифни маъқуллашди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас мистер Блэк устига шолрўмол билан кўрпа ёпилган ҳолда диванда ястаниб ётарди. Мисс Вериндер бизга хайрли тун тилади-да, ётоғининг эшигини ёпди. Биз уччовимиз ҳамон хонанинг ўртасида тик турардик. Мен устида шам ёниб турган ва ёзув қуроллари сочилиб ётган стол теварагига ўтиришни таклиф қилдим.

— Тарқалишимиздан олдин, — деб бошладим мен, — сизларга ўтказган тажрибам ҳақида икки оғиз гап айтишим керак. Иккита мақсад кўзланган эди. Биринчидан, ўтган йили мистер Блэк бу хонага кириб, Ойтошни олганда, афюннинг таъсирида идроксиз ва ғайриихтиёрий ҳаракат қилганини исбот қилмоқ керак эди. Ўзингиз кўрган воқеадан кейин сиз бунга амин бўлсангиз керак, албатта.

Уларнинг иккови ҳам заррача иккиланмай тасдиқ ишораси билан жавоб беришди.

— Иккинчи мақсад шунда эдики, — деб давом этдим мен, — у мисс Вериндернинг туғилган кунидан кейинги тунда қизнинг кўз ўнгида унинг меҳмонхонасидан қўлида олмос билан чиққандан кейин, Ойтошни нима қилганини билиш лозим эди. Бу мақсадга эришиш, албатта, унинг ўтган йилги хатти-ҳаракатларини қанчалик аниқ такрорлашига боғлиқ эди. У бундай қилмади. Натижада, тажрибанинг иккинчи мақсадига эриша олмадик. Мен бундан хафа бўлмадим дея олмайман, лекин ростини айтсам, мен бунга унча ҳайрон қолганим йўқ. Мен бошиданоқ мистер Блэкка уқдирган эдим — бу ишда бизнинг тўла муваффақиятимиз унинг бултурги жисмоний ва маънавий шароитини айнан қайта тиклашимизга боғлиқ. Бунга эришиш эса деярлик мумкин эмаслигини айтиб, огоҳлантирган ҳам эдим. Биз ўша шароитни қисман тиклаёлдик, холос. Шунинг учун тажрибамиз ҳам қисман муваффақиятли чиқди. Балки мен унга лауданумни хийла кўп бериб юборгандирман. Аммо, менимча, кўрсатилган сабаблардан биринчиси бизнинг муваффақиятимизни ҳам муваффақиятсизлигимизни ҳам таъминлаган ҳақиқий сабабдир.

Шу гапни айттач, мистер Бреффнинг олдига ёзув асбобларини қўйдим-да, нимага гувоҳ бўлган бўлса, ўшанинг ҳаммасини батафсил ёзиб, имзоингиз билан тасдиқлаб беришга рози бўлолмайсизми, деб сўрадим. У шу заҳотиёқ қўлига қаламни олиб, адвокатларга хос тезкорлик билан ҳисоботни ёзиб чиқди.

— Бу билан мен кеча икковимизнинг ўртамизда ўтган гап учун жиндай бўлса-да, айбимни юварман деб ўйлайман, — деди у қоғозларга имзо чекаётиб. — Сизга ишонмаганим учун сиздан кечирим сўрайман, мистер Женнингс. Сиз Фрэнклин Блэкка жуда катта ёрдам бердингиз. Биз ҳуқуқшуносларнинг тили билан айтадиган бўлсак, сиз ишингизни ютиб чиқдингиз.

Беттережнинг узрлари ҳам унинг ўзига хос эди.

— Мистер Женнингс, — деди у, — сиз “Робинзон Крузо”ни қайтадан ўқиб чиққанингизда (мен уни сизга қайта ўқиб чиқишни астойдил маслаҳат бераман) ўзингиз амин бўласиз — Робинзон Крузо ҳеч қачон ўз хатоларини тан олишдан бўйин товлаган эмас. Сиздан илтимос, сэр, ҳозирги вазиятда мени Робинзон Крузонинг изидан боряпти деб ҳисоблайверинг.

Шу сўзлар билан у ўз навбатида қоғозга имзо чекди.

Биз столдан турганимизда мистер Брефф мени бир чеккага олиб чиқди.

— Олмос ҳақида бир оғиз гап, — деди у. — Сизнингча, Фрэнклин Блэк олмосни ўз хонасига яшириб қўйган. Менимча эса, Ойтош мистер Люкернинг Лондондаги банкирларининг қўлида. Қайси биримиз ҳақлигимиз тўғрисида баҳслашиб ўтирмайлик. Бир савол билан чеклана қолайлик: қайси биримиз биринчи бўлиб, ўз назариямизни амалда текшириб кўришга муваффақ бўламиз?

— Мен бугунги тунда уни текшириб кўрдим. Афсуски, текшириш муваффақиятсиз чиқди, — дедим мен.

— Менинг текширишим эса, — деб эътироз билдирди мистер Брефф, — энди бошланяпти. Мана, икки кундирки, мен банкнинг ёнига мистер Люкернинг кетидан кузатиш учун изқуварлар қўйиб қўйдим. Шу ойнинг охиригача уларни турган жойидан қўзғатмайман. Биламан, у олмосни шахсан ўзи қайтариб олиши керак. Чамамда, олмосни мистер Люкерга гаровга қўйган одам, унинг ҳақини тўлаб, уни олмосни банкдан қайтариб олишга мажбур қилади. Шундоқ бўлса, мен у одамни ҳибста олишим ҳам мумкин. Биз бугун шундай нуқтада тўхтадикки, олмоснинг сири биз учун яна қоронғи бўлиб қолди. Мен қўйган изқуварлар худди ана шу қоронғилашган сирни очишга ёрдам беришади. Сиз бунга розимисиз?

Мен, албатта, рози бўлдим.

— Мен Лондонга соат ўндаги поезд билан қайтиб кетаман, — деб давом этди адвокат. — Шундай бўлиши мумкинки, мен қайтиб боришим билан бирон янгилик ҳақида хабар топиб қолишим мумкин. Шунинг учун Фрэнклин Блэкнинг яқинимда бўлиши фавқулодда аҳамиятга эга. У бирон масалада менга жуда зарур бўлиб қолиши мумкин. У уйқудан кўзини очиши биланоқ унга мен билан Лондонга жўнаши зарурлигини айтмоқчиман. Содир бўлган воқеалардан кейин сиздан умид қилсам бўладими — сиз мистер Блэкка таъсирингиздан фойдаланиб, менинг таклифимни қўллайсизми?

— Шак-шубҳасиз, — деб жавоб бердим мен.

Мистер Брефф қўлимни қисиб, хонадан чиқди. Беттереж унга эргашди.

Мен диваннинг олдига бориб, мистер Блэкка қарадим. Уни ётқизиб қўйгандан бери у қимир этгани йўқ — у қаттиқ ва осуда уйқуда эди.

Мен унга қараб турар эканман, ётоқнинг эшиги секин очилди. Остонада яна мисс Вериндер пайдо бўлди. Унинг устида бежирим ёзлик кўйлак эди.

— Мендан сўнгги карамингизни аяманг, — деди у шивирлаб. — Унинг ёнида сиз билан бирга ўтиришга ижозат беринг.

Бир неча муддат иккиланиб қолдим. Мен бунда одобу-ҳаё масалаларини ўйлаганим йўқ, албатта, мени қизнинг тунги ҳордиғи ташвишлантирди. Мисс Вериндер менга жуда яқин келиб, қўлимдан ушлади.

— Мен ухлаёлмайман, хонамда ҳатто хотиржам ўтиролмайман, — деди у. — О, мистер Женнингс. Ўзингизни бир лаҳза менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Наҳотки, унинг ёнида унга қараб ўтиргингиз келмас эди? Хўп дея қолинг! Ўтинаман!

Мен дош беролмаганимни айтиб ўтиришим керакми? Албатта, керак эмас.

Мисс Вериндер стулни диванга унинг оёқ томонига яқинроқ суриб олди. Қиз унга унсиз бир завқ билан тикилганча қолди. Ниҳоят, бахтсизлик туйғусига тўлиб-тошганидан унинг кўзларидан ёш тирқирарди. У кўзларини артди-да, бориб каштасини олиб келмоқчи бўлди. Каштасини олиб келди ҳам, аммо бирор марта унга қўлини теккизмади. Каштаси унинг тиззасида ётарди — ўзи эса бир лаҳза бўлсин йигитдан кўзини узиб, игнасидан ип ўтказгани ҳам йўқ. Мен ўзимнинг ёшлигимни эсладим, бир вақтлар менга муҳаббат билан термулган юввош кўзларни эсладим. Юрагим сиқилди. Уни

ёзиш учун кундалигимга мурожаат қилдим-да, юқорида ёзилган гапларни ёзиб чиқдим.

Шундай қилиб, икковимиз чурқ этмай, биримиз кундалигимизга шўнғиганча, иккинчимиз севги денгизига ғарқ бўлганча ўтирардик.

Соат олтиларга бориб, ўзимнинг одатдаги оғришим яқинлашиб келаётганини ҳис қилдим. Мен юқорига чиқиб, ётоқдан унинг учун яна битта ёстиқ олиб тушаман деган баҳона билан бир неча муддатта қизни ёлғиз қолдиришга мажбур бўлдим. Бу гал тутқаноғим унча давом этмади. Орадан кўп ўтмай, мен яна қайтишим ва қизга кўринишим мумкин бўлди.

Мен қайтганда қиз унинг бош томонида эди. Мен кириб келаётганда, унинг лаблари йигитнинг пешонасига тегаётган эди. Мен жуда жиддий қиёфада бошимни чайқаб қўйдим-да, унга стулни ишора қилиб кўрсатдим. У менга жавобан чарақлаган бир табассум билан қараб қўйди. Унинг юзига мафтункор қизиллик югурди.

— Менинг ўрнимда бўлганингизда сиз ҳам шундай қилган бўлардингиз, — деди у менга шивирлаб.

Соат роппа-роса саккиз. У қимирлай бошлади.

Мисс Вериндер диван ёнида тиз чўкканча ўтирипти. У шундай жойга туриб олганки, мистер Блэк уйғониб кўзини очиши биланоқ нигоҳи тўппа-тўғри унинг юзига тушади.

Уларни ёлғиз қолдирсаммикин?

Албатта!

Соат ўн бир. Улар ўзаро ҳамма гапни ҳал қилишди. Соат ўндаги поездда Лондонга жўнаб кетишди. Менинг қисқагина бахтиёр тушим тамом бўлди. Мен яна уйғониб, маъюс ва ёлғиз ҳаётимга қайтяпман.

Бу ўринда менга айтилган ширин сўзларни, айниқса, мисс Вериндер билан мистер Блэк айтган гапларни ёзишга журъат етмайди. Бунинг устига, фойдаси йўқ. Бу сўзларни мен ҳамиша ёлғизлик дақиқаларимда эслаб юраман. Ҳали улар куним битган чоғда мен тортадиган уқубатларни енгиллатишга ёрдам беради. Мистер Блэк ёзиб туришга ва Лондонда бўладиган воқеаларни хабар қилишга ваъда берди. Мисс Вериндер Йоркширга кузда қайтмоқчи (тўйига мўлжаллаб бўлса керак). Мен ҳам жавоб олиб, уларнинг уйида меҳмон бўлмоғим керак экан. Ё парвардигор! Унинг бахтдан масрур кўзлари миннатдорлик билан менга боқар экан ва унинг илиқ қўллари қўлларимни қисиб туриб, “Буни сиз қилдингиз!” дер экан, шодликдан юрагим қинидан чиқиб кетай деган эди.

ФРЭНКЛИН БЛЭК ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Эзра Женнингснинг кундалигида баён қилинган ҳикояни тўлдириш учун ўз томонимдан бир неча оғиз гап илова қиламан.

Ўзим тўғримда айтишим мумкин бўлган гаплар қуйидагича: йигирма олтинчи куни эрталаб уйғонганимда афюннинг таъсири вужудимни эгаллаб олган дақиқадан бошлаб Рэчелнинг меҳмонхонасидаги диванда кўзимни очган муддатга қадар афюн таъсирида нима қилганим ва нима гапирганимдан бутунлай бехабар эдим.

Уйғонганимдан кейин нималар рўй бергани ҳақида батафсил ҳисоб беришга ўзимни ҳақли деб ҳисобламайман. Фақат бир нарсани айтаман: мен билан Рэчель бир-биримизга бирон оғиз изоҳ бермасданоқ бир-биримизни тушундик.

Лекин мен яна бир нарсани қўшиб қўяй: агар Рэчельнинг топқирлиги бўлмаса, бизнинг орамизга, албатта, миссис Меридью суқилиб кириб олган бўларди. Рэчель йўлакда бу муҳтарама хонимнинг кўйлаги шилдираётганини эшитибоқ, югуриб унга пешвоз чиқади. Менинг қулоғимга миссис Меридьюнинг “Нима бўлди?” дегани, унга жавобан Рэчелнинг “Портлаш!” дегани чалинди. Миссис Меридью шу заҳотиёқ ўзини қўлтиғидан олиб, боққа — бўлажак ваҳимадан нарироққа олиб кетишга изн берди. Кейинчалик уйга қайтаётиб, даҳлизда менга рўпара келиб қолди ва мактабда ўқиган чоғларидан

бери ўтган вақт ичида илм шу қадар катта ютуқларга эришганини кўриб, ларзага тушганини маълум қилди.

— Портлашлар аввалги замондагига қараганда анча паст овозда бўладиган бўлиб қолипти, мистер Блэк. Гапимга ишонаверинг, мен мистер Женнингс қилган портлашни боғдан деярлик эшиттаним йўқ. Мана, ҳозир уйга қайтиб кирганимизда лоақал ҳидини ҳам сезмаяпман. Ростини айтсам, мен сизнинг доктор ошнангиздан узр сўрашим керак. Инсоф билан айтганда, у портлашни зўр ўтказди.

Шундай қилиб, Беттереж ва мистер Бреффнинг устидан ғолиб келган Эзра Женнингс миссис Меридьюни ҳам бутунлай мафтун этди.

Нонушта вақтида мистер Брефф нима сабабдан мени эрталабки поездда ўзи билан Лондонга олиб кетмоқчи эканини яширгани йўқ. Банкнинг олдидаги пистирма ва унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган воқеалар Рэчелда ҳам енгиб бўлмайдиган қизиқиш уйғотди. У ҳам шу заҳотиёқ агар миссис Меридью қаршилик қилмаса, биз билан бирга Лондонга жўнаб, бизнинг ишларимизнинг боришидан бевосита хабардор бўлиб турмоқчи бўлди.

Чинакамига зўр назокат билан ўтказилган портлашдан кейин миссис Меридью анча гапга кирадиган ва кўнгилчан бўлиб қолипти. Шунинг учун Беттережга биз тўрттовимиз эрталабки поезд билан қайтишимизни маълум қилдик. У ҳам биз билан бирга кетишга изн сўрашини кутган эдим. Аммо Рэчель топқирлик билан кекса хизматкорга унинг диққатини банд эта оладиган юмуш топширди. Унга уйни жиҳозлашни охирига етказиб қўйиш топширилди ва у бутун фикр-зикри билан бу топшириқни ўринлатиб бажаришга киришди. Энди у бошқа вазиятлардагидек "изқуварлик жазаваси"ни ҳис қилишга фурсати ҳам қолмаган эди.

Лондонга жўнаётиб, ҳаммамиз ачинган ягона нарса шу бўлдики, Эзра Женнингс билан ўзимиз истагандан кўра олдинроқ хайр-маъзур қилмоғимиз керак эди. Уни биз билан бирга жўнашга кўндиришнинг иложи бўлмади. Мен унга ёзиб туришни ваъда қилолдим, холос. Рэчель эса ўзи Йоркширга қайттандан кейин, уни меҳмон бўлиб келишга чақирди. Биз бир неча ойдан кейин у билан, албатта, учрашажагимизга ишончимиз комил эди — шундоқ бўлса-да, поезд ўрнидан қўзғалганда энг яхши, энг қадрдон дўстимиз пастда ёлғиз ўзи қўл силкиб қолганини кўриб, ҳаммамиз теран бир маҳзунликни ҳис қилдик.

Биз Лондонга етиб келишимиз биланоқ, мистер Бреффнинг олдига ўнгиб кеттан қора мовутдан куртка билан шим кийиб олган бир бола келди. Унинг кўзлари ҳаддан ташқари катта-катта эди ва бу кўпчиликнинг эътиборини жалб қилмай қўймади. Унинг кўзлари шу даражада бақрайган эдики, қинидан чиқиб кетиб қолмасайди, деб хавотир ола бошлардингиз. Боланинг гапини эшиттач, мистер Брефф аёллардан уларни Портлэнд-плейсга узатиб қўёлмаслигимиз учун узр сўради. Мен Рэчелга қайтиб келиб, ҳамма гапни айтиб беришга зўрға ваъда бериб улгурдим. Мистер Брефф қўлимдан ушлаб олиб, шоша-пиша мени извош томонга судради. Кўзи катта бола извошчининг ёнига ўтирди ва извош Ломбард-стрит томонга йўл олди.

— Банкдан хабар борми? — деб сўрадим мен йўлга тушганимизда.

— Мистер Люкер ҳақида хабар бор, — деб жавоб берди мистер Брефф. — Бир соат олдин у ўзининг Лэмбетдаги уйидан извошда иккита одамнинг ҳамроҳлигида чиққанини кўришипти. Менинг одамларим дарров танишипти — мистер Люкернинг ҳамроҳлари кийимларини ўзгартириб олган полиция офицерлари экан. Ҳиндилардан қўрқиб, мистер Люкер эҳтиёт тадбирларини кўришга мажбур бўлган экан, бундан чиқадиган хулоса ўз-ўзидан аён кўриниб турипти. У банкдан олмосни олгани жўнаган.

— Биз бу ишнинг нима билан тугашини кўриш учун банкка кетяпмизми?

— Ҳа. Агар етиб боргунимизча ҳаммаси тамом бўлса, лоақал нима бўлганини эшитамиз-ку. Сиз извошчининг ёнида ўтирган болага эътибор бердингизми?

— Мен унинг кўзларига эътибор бердим.

Мистер Брефф кулиб юборди.

— Менинг маҳкамамда бу бечорани Гусберри деб чақиришади. У менинг

қўлимда югурдак бўлиб хизмат қилади. Бироқ мен бу болага Гусберри деб лақаб қўйган гумашталаримнинг ҳам бу боладай ишга пишиқ ва садоқатли бўлишини истардим. Гусберри кўзларининг катталигига қарамай, Лондондаги энг муғамбир болалардан биридир, мистер Блэк.

Биз Ломбард-стритдаги банкка етиб борганимизда соат йигирма дақиқа кам беш эди. Гусберри извошнинг эшикчасини очар экан, хўжайинига синчков назар ташлади.

— Сен ҳам ичкарига кирмоқчимисан? — деб сўради ундан мистер Брефф мулойимлик билан. — Майли, юрақол. Навбатдаги фармойишлар бўлмагунча, мендан бир қадам ҳам жилма. У чақмоқдай чаққон, — деб шивирлади менга мистер Брефф. — Бошқа болага йигирма оғиз қилиб тушунтирадиган гапингизни Гусберри икки оғиздаёқ илғаб олади.

Биз ичкарига кирдик. Биринчи конторада узун пештахта ортида кассирлар ўтирарди. Хонада одам кўп эди. Соат бешда банк ёпилиб қолмасдан аввал ҳамма пул олиш ёки пул тўлаш учун навбат кутмоқда эди.

Мистер Брефф ичкарига кириши биланоқ, иккита одам кўпчилик орасидан ажралиб чиқиб, унинг олдига келди.

— Хўш? — деб сўради адвокат. — Уни кўрдингларми?

— Ҳали йўқ, сэр.

Мистер Брефф менга ўгирилди.

— Кутамиз, — деди у.

Одамлар орасидан учта ҳиндини беҳуда изладик. Анчагина қорамағиз юзли ягона одам лоцман либосидаги, думалоқ шляпадаги денгизчига ўхшаб кетадиган новча эркак эди. Наҳотки, шу одам денгизчи кийимини кийиб олган ҳинди бўлса? Бўлиши мумкин эмас. Бу одам ҳамма ҳиндилардан новчароқ эди, юзи эса қоп-қора патак соқоли қопламаган жойларда, истаган ҳиндиникидан икки баравар энлироқ эди.

— Афтидан, бу ерда уларнинг жосуси бўлса керак, — деди мистер Брефф, ўз навбатида қорамағиз денгизчига бир қараб. — Шу одам бўлса ҳам ажаб эмас!

У яна бирор нарса деб оғиз очишга улгурмасдан, кўзи катта бола ҳурмат билан унинг суртюгининг этагидан тортди. Мистер Брефф бола қараб турган томонга қаради.

— Ш-ш! — деди у. — Ана, мистер Люкер.

Банкнинг ичкари бўлимларидан судхўр чиқиб келди, унинг ортидан эса кийимларини ўзгартириб олган иккита полициячи уни қўриқлаб келарди.

— Уни назардан қочирманг, — деб шивирлади Брефф. — Агар у бирор одамга олмосни топширадиган бўлса худди шу ерда топширади.

Бизнинг ҳеч қайсимизни пайқамай, мистер Люкер гоҳ қалин, гоҳ сийрак одамлар тўдасини оралаб, аста-аста эшик сари силжиб борарди. У тузуккина тўқ кулранг костюм кийган, паст бўйли, чорпахил одамнинг ёнидан ўтиб кетаётганда, қўли қимирлаб кетганини аниқ кўрдим. Бу одам жиндай сесканиб, унинг орқасидан қараб қолди. Мистер Люкер одамлар орасидан аста ўтиб борарди. Эшик олдида полициячилар унинг икки ёнига туриб олишди. Уччовининг ортидан мистер Бреффнинг икки одамидан бири эргашиб бормоқда эди. Шундан кейин мен улардан ҳеч қайсисини кўролмай қолдим.

Мен ўгирилиб, адвокатга қарадим, кулранг костюмдаги одам томонга маънодор назар ташладим.

— Ҳа, — деб шивирлади менга мистер Брефф. — Буни мен ҳам пайқадим.

У ўзининг иккинчи одамини қидириб, атрофга аланглади. Лекин у ҳеч қаерда кўринмади. У орқасига ўтирилиб, болани излади. Аммо Гусберри ҳам ғойиб бўлган эди.

— Жин урсин! Қандоқ бўлди? — деди жаҳл билан мистер Брефф. — Авжи керак пайтда иккови ҳам ғойиб бўлиб ўтирипти.

Тўқ кулранг костюмдаги одамнинг навбати етиб, у пештахта олдидан жой эгаллади. У кассирга пул тўлади, ундан тилхат олиб кетишга чоғланди.

— Энди нима қилдик? — деб сўради мистер Брефф. — Унинг кетидан пойлоқчилик қилиш даражасида паст кетолмаймиз-ку!

— Мен кетоламан! — деб жавоб бердим. — Ўн минг фунт беришганда ҳам мен бу одамни назардан қочирмайман.

— Ундай бўлса, — деб жавоб берди мистер Брефф, — икки баравар ҳақ эвазига ҳам сизни назардан қочирмайман. Менинг мавқеимдаги одам учун ажойиб машғулот топилди-да! — деб тўнғиллади у ўзига ўзи гапиргандай биз икковимиз нотаниш одамнинг кетидан банкдан чиқаётганда. — Худо ҳаққи, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг. Агар бу гап тарқалса, мен тамом бўламан-а!

Кулранг костюмлик одам Лондоннинг ғарбий қисмига борадиган омнибусга чиқди.

Биз унинг кетидан чиқдик. Мистер Бреффда ҳали ёшлик излари сақланиб қолган эди. Мен буни аниқ қилиб айтаман — у омнибусга чиқаётганда қизариб кетди.

Кулранг костюмлик одам омнибусни тўхтатиб Оксфорд-стритда тушиб қолди. Биз ҳам тушдик. У аптекага кирди.

Мистер Брефф сесканиб кетди.

— Менинг аптекачим-ку! — деди у. — Хато қилиб қўйдикми, дейман-да!

Биз аптекага кирдик. Мистер Брефф унинг хўжайини билан махфий тарзда бир нарсаларни гаплашди-да, кейин қовоқ-тумшуғи осилиб, яна менинг ёнимга келди.

— Бу сизнинг шаънингизга муносиб бўлди, — деди у мени қўлтиғимдан олиб аптекадан олиб чиқар экан. — Ҳеч бўлмаганда, шу тасалли бўлади-ку!

— Нима менинг шаънимга муносиб бўлди? — деб сўрадим мен.

— Мистер Блэк, дунё яралгандан бери изқуварлик майдонида жонбозлик кўрсатган одамлар ичида икковимиз энг уқувсиз, ношуд изқувар эканмиз. Кулранг костюмлик одам аптекачининг қўлида ўттиз йилдан бери ишлар экан. Унинг хўжайини чекнинг пулини тўлаб келиш учун банкка юборган экан. Ойтош деган нарса етти ухлаб, тушига кирмаган экан.

— Энди нима қиламиз? — деб сўрадим мен.

— Менинг маҳкамамга қайтамиз, — деди мистер Брефф. — Гусберри билан иккинчи одамим бошқа бирор кишини таъқиб қилиб кетган бўлса керак. Лоақал, уларнинг кўзи ўткирроқ чиқар деб умид қиламиз.

Биз мистер Бреффнинг маҳкамасига етиб борганда, унинг иккинчи одами чорак соатдан бери бизни кутиб ўтирган экан.

— Хўш, — деди мистер Брефф. — Қандай янгиликлар бор?

— Таассуф билан айтмоғим керакки, сэр, мен хато қилиб қўйдим. Мен мистер Люкернинг кекса бир жентльменга нимадир берганини кўрдим, деб қасам ичишим мумкин, сэр. Кекса жентльмен Истчипда темир-терсак билан савдо қилувчи муҳтарам бир зот экан, сэр.

— Гусберри қани? — деб мутелик билан сўради мистер Брефф.

Унинг иккинчи одами кўзларини лўқ қилиб:

— Билмадим, сэр. Банкдан чиқиб кетганимдан бери уни кўрганим йўқ.

Мистер Брефф унинг жавобини берди.

— Иккисидан бири, — деди у менга, — ё Гусберри қочиб кетган, ёки ташаббуси билан бировни таъқиб қилиб юрипти. Агар бола бир-икки соатда келиб қолса, унгача мен билан шу ерда тушлик қилиб қўя қолмайсизми? Қазноғимда жуда яхши вино бор, қаҳвахонадан қўй гўшти оламиз.

Биз мистер Бреффнинг маҳкамасида тушлик қилдик. Дастурхонни йиғиб бўлмасимиздан, аллақандай одам адвокат билан гаплашмоқчи эканини хабар қилишди. Бу Гусберри эмасмиди? Йўқ, бу бошқа одам экан, мистер Люкер банкдан чиқиб кетганидан кейин унинг ортидан кузатишга юборилган одам экан.

Унинг топиб келган гапи ҳам ҳеч жиҳати билан диққатга арзийдиган гап эмас эди. Мистер Люкер уйига қайтиб борипти-да, ўша ерда соқчиларига жавоб бериб юборибди. Кейин уйдан бошқа чиқмабди. Қош қорайганда деразаларининг пардалари туширилибди, эшигига тамба урилибди. Уйнинг олдидаги кўчани ва уйнинг орқа томонидаги хиёбонни жуда қаттиқ қўриқлашаётган экан. Ҳеч қаерда ҳеч қанақа ҳиндиларнинг изидан асар ҳам йўқ, ҳеч ким уйнинг теварагида сандироғлаб юргани ҳам йўқ. Шу гапларни

маълум қилгандан кейин у одам яна қандай фармойишлар бўлишини сўради. Мистер Брефф унга кечасига жавоб берди.

Биз болани яна ярим соатча кутдик. Аммо кутганимиз беҳуда кетди. Мистер Брефф Хэмпстедга жўнайдиган вақт бўлган эди, мен эса Портлэнд-плейсга Рэчельнинг олдига қайтмоғим керак эди. Мен ташрифномамни маҳкаманинг қоровулига бериб кетдим. Унга: "Уйимда кечқурун соат ўн яримда бўламан", деб ёзиб қўйилган эди. Бу ташрифномани бола қайтиб келса, унинг қўлига беришни тайинладим.

Шундай одамлар борки, улар белгиланган муддатга сира кечикмай келишади, бошқалари эса доимо кеч қолиб юради. Мен ана шу кейингилари тоифасига мансубман. Бунга яна шуни қўшиб қўйинг: мен оқшомни Портлэнд-плейсда, Рэчель билан бир диванда ўтириб ўтказдим. Хонанинг узунлиги қирқ футча келар эди. Унинг нариги бурчагида миссис Меридью ўтирарди. Шундоқ бўлгач, мен уйга соат ўн яримда эмас, ўн бир яримда қайтган бўлсам, бунга ким ҳам ҳайрон қолиши мумкин? Агар шунақа одам топилса, унда юрак йўқ экан-да! Менга бунақа одам билан учрашиш ҳеч қачон насиб қилмаслигини жуда-жуда истардим.

Менга эшик очган хизматкорим қўлимга қоғоз тутқазди. Мен унда ҳуқуқшуноснинг бир текис ёзувида ёзилган сўзларни ўқидим:

"Ижозатингиз билан, сэр, жуда ҳам уйқум келиб кетди. Эртага эрталаб соат тўққиздан ошганда келаман".

Суриштиришлардан маълум бўлдики, ғаройиб кўзли бола келипти, менинг ташрифномамни кўрсатипти, бир соатча ҳадеганда мудраб, уйғониб, яна мудраб, яна уйғониб кутиб ўтирипти, кейин менга уч-тўртта жумлани ёзиб қолдириб, уйга кетипти. Кетаётиб хизматкорга виқор билан "Кечаси тўйиб ухламасам, эртага ҳеч нарсага ярамайман", депти.

Эртасига эрталаб соат тўққиздаёқ мен уни яна қабул қилишга тайёр эдим. Соат тўққиз яримда эшик ортида қадам товушларини эшитдим.

— Кираверинг, Гусберри! — деб қичқирдим мен.

— Миннатдорман, сэр, — деган жиддий ва маъюс овоз эшитилди.

Эшик очилди. Мен ўрнимдан сакраб туриб, ...изқувар Кафф билан юзма-юз келдим.

— Сизга Йоркширга мактуб ёзишдан олдин, мабода шу ерда бўлсангиз, деб бу ерга кела қолганим эди, мистер Блэк.

Мен унга нонушта қилишни таклиф қилдим. Қишлоқда яшайдиган бу одамнинг энсаси қотди. У соат олти яримдаёқ нонушта қилиб бўлган экан, ётишда ҳам жуда эрта ётар экан.

— Мен кеча кечқурунгина Ирландиядан қайтдим, — деди изқувар асосий мақсадга ўтар экан. — Келибоқ, ўринга ётишдан олдин сизнинг хатингизни ўқиб чиқдим. Унда ўтган йили мен олмос устидаги терговни тўхтатганимдан кейин рўй берган воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилинган эди. Менга фақат бир гапни айтиш қолади, холос. Мен ишни муглақо тушунмабман. Билмадим, менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда воқеаларнинг ҳақиқий сабабини оча олармиди, йўқми? Аммо бу масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Тан оламан, чалкашиб кетибман. Менинг тергов-тафтиш ишларимда, мистер Блэк, бу биринчи чалкашишим эмас. Фақат китоблардагина изқуварлар ҳеч қанақа хато қилмайдилар.

— Сиз айни шундай бир вақтда келдингизки, хатоларингизни тўғрилаб, обрўйингизни тиклаб олишингиз мумкин, — дедим мен.

— Кечирасиз, мистер Блэк, — деб эътироз билдирди изқувар, — мен истеъфодаги одамман. Энди обрў деган нарсалар ҳақида заррача ҳам қайғурмайман. Мен фаолиятимни ниҳоясига етказдим, худога шукр. Бу ерга келган бўлсам, сэр, леди Веріндернинг хотирасига ҳурматан келдим. Марҳума менга кўп яхши муомала қилган эди. Агар мен сизга зарур бўлсам ва сиз мендан умид қилсангиз, мен эски касбимга қайтсам, фақат шу сабабдан қайтаман, ҳа, бошқа бирон сабабдан эмас. Мен сиздан бир чақа ҳам ҳақ олмайман. Бу мен учун номус масаласи. Энди айтинг-чи, мистер Блэк, менга мактуб ёзганингиздан бери ҳозир иш қанақа аҳволда?

Мен унга афюн билан қилган тажрибамиз ҳақида ва Ломбард-стритдаги банкда содир бўлган можаро тўғрисида гапириб бердим. Тажрибани эшитиб, у

лол қолди, у ўзининг фаолиятида бирон марта ҳам бунақа нарсага дуч келмаган экан. Айниқса, Эзра Женнингснинг мен Рэчельнинг меҳмонхонасидан чиққандан кейин олмосни нима қилганим ҳақидаги тахминига қизиқиб қолди.

— Мен мистер Женнингснинг Ойтошни яшириб қўйганингиз тўғрисидаги фикрига қўшилмайман, — деди изқувар Кафф, — аммо сиз уни ўз хонангизга олиб кетишингиз кераклиги ҳақидаги фикрга қўшиламан.

— Яхши! Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлган? — деб сўрадим мен.

— Кейин нима бўлгани ҳақида шахсан ўзингиз ҳеч қанақа тасаввурга эга эмасмисиз, сэр?

— Муглақо эга эмасман.

— Мистер Бреффнинг ҳам гумони йўқми?

— Унинг ҳам гумони йўқ.

Изқувар Кафф ўрнидан туриб, ёзув столининг олдига борди. У қўлида муҳрланган мактуб билан қайтиб келди. Конвертга "Махфий" деб ёзиб қўйилган эди. Мактуб менинг номимга эди. Конвертнинг бурчагида изқуварнинг имзоси қўйилганди.

— Мен ўтган йили бошқа одамдан гумон қилган эканман, — деди у. — Балки ҳозир ҳам бошқа одамдан гумон қилаётгандирман. Ҳақиқийни билмагунингизча, мистер Блэк, конвертни очишга ошиқмай туринг. Ҳақиқат маълум бўлгач, айбдорнинг номини ана шу муҳрланган мактубда ёзилган номга солиштириб кўринг.

Мен мактубни чўнтагимга солиб қўйдим, сўнг биз банкда кўрган тадбирлар тўғрисида унинг фикрини сўрадим.

— Яхши тадбирлар, сэр, — деб жавоб берди Кафф. — Худди шундай тадбирларни кўриш керак эди. Аммо Люкердан ташқари яна бошқа бир одамнинг кетидан ҳам назорат ўрнатиш керак эди.

— Менга берган мактубингизда номи ёзилган одамнинг кетиданми?

— Ҳа, мистер Блэк. Бу мактубда номи айтилган одамнинг ортидан. Энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Вақти-соати келганда мен сизга ва мистер Бреффга баъзи нарсаларни таклиф қиламан. Ҳозирча эса кутайлик. Кўрайлик-чи, бола бизга бирон янги гап айтмасмикин?

Соат ўнга яқинлаб қолганди, Гусберридан эса ҳамон дарак йўқ эди. Кафф бошқа нарсалар ҳақида гап бошлади. У ўзининг эски қадрдони Беттережни сўради ва эски душмани боғбонни суриштирди. Бир дақиқадан кейин у бу гапларни қўйиб, ўзининг севимли атиргулларига ўтган бўларди, аммо шу вақт хизматкорим суҳбатимизни бўлиб, бола пастда кутиб турганини маълум қилди.

Гусберрини хонага олиб киришганида, у остонада тўхтаб, менинг ёнимда турган одамга ишонқирамай қараб қолди. Мен болани ёнимга чақирдим.

— Бу одамнинг олдида бемалол гапираверишинг мумкин, — дедим мен. — Бу киши бу ерга атайин менга ёрдам бергани келган. Унинг ҳамма гапдан хабари бор. Изқувар Кафф, — деб қўшиб қўйдим мен. — Бу бола мистер Бреффнинг меҳмонхонасидан.

Ҳозирги маданиятли-маърифатли дунёда машҳур одам — қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирувчи шахсдир. Изқувар Каффнинг шуҳрати ҳатто кичкина Гусберрининг қулоғигача етиб борган экан. Мен изқуварнинг номини айтганимда боланинг жонсарак кўзлари шунақа бақрайиб қолдики, улар қинидан чиқиб гиламнинг устига тушиб кетмасмикин деб хавотирландим.

— Берироқ кел, азизим, — деди изқувар, — қани, эшитайлик-чи, қанақа гаплар топиб келдинг экан?

Лондоннинг кўплаб идораларида шов-шув бўлган сон-саноқсиз воқеалар қаҳрамони бўлган одамнинг диққат-эътибори гўё болани сеҳрлаб қўйгандай бўлди. У изқувар Каффнинг олдида юз турди-да, худди имтиҳон топшираётган талабадай қўлларини орқасига қовуштириб олди.

— Исминг нима? — деб сўради изқувар бутун тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда сўроқни бошлаб.

— Октавиус Гай, — деб жавоб берди бола. — Кўзим туфайли маҳкамадагилар мени Гусберри деб чақиришади.

— Октавиус Гай, бошқача айтганда, Гусберри, — деб давом этди изқувар

фавқулодда жиддийлик билан. — Кеча банкдан сени анча қидиришди. Қаёқда эдинг?

— Ижозатингиз билан, сэр, мен бир кишининг орқасидан кузатиб кеттандим.

— Ким экан у одам?

— Новча одам, сэр. Каттагина қора соқоли бор. Денгизчига ўхшаб кийинган.

— Бу одамни эслайман, — деб унинг гапини бўлдим мен. — Биз мистер Брефф билан бирга уни ҳиндилар юборган жосус деб ўйладик.

Афтидан бизнинг нима деб ўйлаганимиз изқувар Каффга унча таъсир қилмади, шекилли. У Гусберрини сўроқ қилишда давом этди.

— Нима учун сен денгизчини кузатиб келдинг? — деб сўради у.

— Ижозатингиз билан, сэр, мистер Брефф мистер Люкер банкдан чиққандан кейин бирор одамга бирор нарса бериш-бермаслигини билмоқчи эди. Мистер Люкернинг қора соқолли денгизчига нимадир берганини ўз кўзим билан кўрдим.

— Нима учун кўрган нарсангни мистер Бреффга айта қолмадинг?

— Мен бу ҳақда ҳеч кимга гапириб улгуролмадим, сэр. Денгизчи банкдан жуда тез чиқиб кетди.

— Сен бўлсанг унинг кетидан югурдинг, шундайми?

— Ҳа, сэр.

— Гусберри, — деди изқувар унинг бошини силаб, — калланг анча бутун кўринади. Ҳозиргача қилган ишларингдан мамнунман.

Бола хурсанд бўлганидан қип-қизариб кетди. Изқувар Кафф давом этди.

— Қани, айт-чи, матрос кўчага чиққандан кейин нима қилди?

— Извош ёллади, сэр.

— Сен нима қилдинг?

— Унинг кетидан югуриб кетдим.

Изқувар яна савол бериб улгурмасдан хонага янги одам — мистер Бреффнинг маҳкамасидаги бош гумашта кириб келди.

Мистер Каффнинг сўроғи юят муҳим эканини ва уни бўлиб бўлмаслигини ҳис қилиб, мен уни қўшни хонага олиб чиқиб кетдим. У хўжайинидан ёмон хабарлар олиб келипти. Сўнгги икки куннинг тўполонлари ва ҳаяжонлари мистер Бреффга оғирлик қилипти. Бугун эрталаб у оёғи оғриб, ўзини жуда беҳол ҳис қилипти ва Хемпстеддаги уйидан кўчага чиқолмапти, ишимиз ҳозиргидек юят нозик бир даражага еттан паллада мени тажрибали одамнинг маслаҳатисиз ва ёрдамисиз, ёлғиз қолдиргани учун юят ташвишланаётган экан. Бош гумашта менинг ихтиёримда бўлиш ҳақида буйруқ олипти — у мистер Бреффнинг ўрнини босиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишга тайёр эди.

Қарияни тинчитиш учун мен шу заҳотиёқ унга мактуб ёзиб, изқувар Каффнинг келганини, ҳозир Гусберрини сўроқ қилиб ўтирганини маълум қилдим ва кундуз куни рўй бериши мумкин бўлган ҳамма воқеалар ҳақида мистер Бреффга ё мактуб орқали, ё шахсан хабар қилишга ёрдам бердим.

Гумаштани мактубим билан Хэмпстедга жўнатгач, мен хонага қайтиб кирдим. Изқувар Кафф камин олдида туриб, энди қўнғироқчани чалишга чоғланаётган экан.

— Мени маъзур тутасиз, мистер Блэк, — деди изқувар, — мен ҳозиргина сизнинг олдингизга хизматкорни юбормоқчи бўлиб тургандим. Сиз билан гаплашиб олмоқчиман. Менда шубҳа қолмади — бу бола жуда яхши экан, — деб илова қилди у. — У айни керак одамнинг кетидан таъқиб қилиб борипти. Бахтга қарши, сэр, кеча сиз кечқурун ўн яримда уйда бўлмаганингиз боисидан қимматли фурсат бой берилипти. Ҳозир эса дарҳол извошга одам юбормаса бўлмайди.

Беш дақиқадан кейин биз изқувар Кафф билан извошда Ситига кетиб борардик. Гусберри бўлса извошчининг ёнида ўтириб, унга йўл кўрсатиб кетмоқда эди.

— Вақти-соати келиб, — деди изқувар извошчининг ёнида ўтирган болага ишора қилиб, — бу бола менинг собиқ соҳамда жуда ажойиб муваффақиятларга эришади. Кўпдан бери мен бунақа жонсарак ва эси бутун болани учратмаган

эдим. Сиз хонадан чиқиб кеттандан кейин унинг менга гапириб берганларининг моҳиятини сизга айтиб берай, мистер Блэк. Извошнинг кетидан югуриб кеттанини айттанда, сиз бор эдингиз, шекилли, а?

— Ҳа.

— Шундай қилиб, сэр, извош Ломбард-стритдан Тауэр пристанига борипти. Қора соқолли денгизчи извошдан тушиб, Роттердам пароходининг ходими билан гаплашипти. Бу пароход эртасига эрталаб жўнаши керак экан. У ҳозир пароходнинг каютасига кириб, ўша ерда тунаб қолиши мумкинми-йўқлигини сўрапти. Унга пароход ходими "йўқ" деб жавоб берипти. Каюталар билан каравотларни кечаси тозалашар эканлар, йўловчиларнинг эрталабгача пароходга чиқишлари ман этилар экан.

Денгизчи орқасига ўгирилиб, пристандан нари кетипти. Бола кўчадан кетиб бораётиб, унинг нариги томонидаги одамни пайқаб қолипти. Оддий ҳунармандга ўхшаб кийиниб олган бу одам, афтидан, денгизчининг орқасидан кузатиб келаётган бўлса керак. Денгизчи ресторанниинг олдида тўхтаб, унга кирипти. Бола нима қилишини билмай қолипти. Кейин бошқа болаларнинг қаторига кириб, ресторанниинг ойнагига қўйиб қўйилган ҳар хил таомларни томоша қилиб тураверипти. У қараса, ҳунарманд ҳам болага ўхшаб, пойлаб турганмиш, лекин у ҳамон кўчанинг нариги томонида экан. Бир дақиқадан кейин аста извош юриб келипти-да, ҳунарманд турган жойда тўхтапти. Бола извошнинг ичида битта одамнигина пайқапти. У извошдан эгилиб туриб, ҳунарманд билан нималарнидир гаплашипти. Мен ҳеч нарса деб савол бермасимданоқ, мистер Блэк, боланинг ўзи менга у одамнинг ҳаддан ташқари қорачадан келганини, ҳиндига ўхшашини маълум қилди.

Равшан эдики, биз мистер Брефф билан бирга бу гал ҳам адашибмиз. Қора соқолли денгизчи ҳиндиларнинг жосусига сира ўхшамас эди. Наҳотки, олмос унинг ёнида бўлса?

— Бироз муддат ўтгандан кейин, — деб давом этди изқувар, — извош жўнаб кетган. Ҳунарманд кўчани кесиб ўтиб, ресторанга кирипти. Бола ўлпудай қорни очиб, роса толиққунча чидапти-да, кейин у ҳам ресторанга кирипти. Унинг ёнида бир шиллинг бор экан, роса тўйиб овқатланипти. Унинг айтишича, қора пудинг олипти, балиқли пирог епти, ҳатто бир шиша пиво ҳам буюрипти. Бола-да, нима еса ҳазм қилаверади. Боланинг организми ҳаммасини кўтаради.

— Ресторанда нимани кўрипти у? — деб сўрадим мен.

— Кўргани шу бўлиптики, денгизчи бир столда газета ўқиб ўтирган экан, ҳунарманд бошқа столда газета ўқиётган экан. Қоронғи тушмасдан олдин денгизчи ўрнидан туриб, ресторандан чиқипти. Кўчада у теварак-атрофига аланг-жаланг қарапти. Лекин болага эътибор бермапти. Ҳар нима қилганда ҳам у бор-йўғи бир бола-да. Ҳунарманддан дарак бўлмапти. Денгизчи теварак-атрофига аланглаганча секин йўлга тушипти. Афтидан, у борадиган жойи нотайин одамга ўхшар экан. Кўчанинг нариги томонида яна ҳунарманд пайдо бўлипти. Денгизчи юриб-юриб, Дарёбўйи кўчасига етиб борипти. Бу кўчадан Куйи Темза тор кўчасига борипти. У ерда тепасига "Тақдир гардиши" деб ёзиб қўйилган таверна[1] олдида тўхтапти, яна теварак-атрофига қараб олгач, ичкарига кирипти. Гусберри ҳам ичкарига кирипти. Буфетнинг олдида одам кўп экан. Уларнинг кўпчилиги яхши кийинган, туппа-тузук одамлар экан. "Тақдир эшиги" жуда олиймақом таверналардан, мистер Блэк. У, айниқса, портрети ва чўчқа гўшти солинган пироглари билан донг чиқарган.

Изқуварнинг чекинишлари ғашимга тегарди. У буни пайқади ва ҳикоянинг давомида Гусберри айтган гаплардан чалғимасликка ҳаракат қилди.

Денгизчи тунашга жой топиладими, йўқми, деб сўрапти. Хўжайин: "Йўқ, ҳамма жой банд", деб жавоб берипти. Буфетчи аёл унга эътироз билдириб, ўнинчи хона бўшлигини айтипти. Хизматкорни чақиришипти — у денгизчини хонага кузатиб қўйипти. Шу гаплардан жиндай олдин Гусберри буфет олдида турган одамлар орасида ҳунармандни пайқаб қолипти. У хизматкор етиб келмасдан олдинроқ ғойиб бўлипти. Бундан кейин нима қилишини билмаган Гусберри

[1] Таверна — майхона.

бирон воқеа рўй бериб қолмасмикин, деган умидда яна кутишга қарор қилипти. Буни қарангки, "бирон воқеа" рўй берипти. Хўжайинни чақиришипти. Юқоридан зардали овозлар эшитилипти. Бирдан хўжайин пайдо бўлипти. У ҳунарманднинг ёқасидан ушлаб, судраб келаётган экан. Ҳунарманд эса ғирт маст одамга ўхшармиш. Буни кўриб, Гусберри жуда ҳайрон бўлипти. Хўжайин ҳунармандни турта-турта эшикдан чиқариб юборипти ва қайтиб келадиган бўлсанг, полиция чақираман деб таҳдид қилипти. Уларнинг жанжали тамом бўлгунча маълум бўлиптики, бу одам ўнинчи хонага кириб олган экан ва маст одамларга хос ўжарлик билан "бу хонани мен олганман, хона "меники" деб ғалва қилипти. Яқиндагина соппа-соғ одамнинг бирданига бунақа маст бўлганидан лол қолган Гусберри чидаб туролмапти-да, унинг кетидан кўчага югурипти. Ҳунарманд тавернадаги одамларнинг назаридан ғойиб бўлгунча, ўта беҳаё бир тарзда гандираклаб борипти-да, муюлишга етиб, ён кўчага бурилиши билан яна бирдан соғайипти-қолипти. У яна жамиятнинг соғлом, ҳушёр аъзосига айланипти. Гусберри "Тақдир гардиши"га боши қотиб қайтиб келипти. У яна бирон воқеа рўй бермасмикин деб кутабошлапти. Бу ғал ҳеч нарса бўлмапти. Денгизчи ҳақида ҳам ортиқ бирон гап-сўз эшитилмапти.

Гусберри маҳкамага қайтишга аҳд қилипти. Аммо у шу ниятга келиши биланоқ кўчанинг нариги томонида яна ўша ҳунарманд пайдо бўлипти. У меҳмонхонанинг деразаларидан бирига қарай бошлапти. Бутун меҳмонхона бўйича фақат шу деразада чироқ бор экан. Чироқни кўриб, ҳунарманд хотиржам тортгандай бўлипти. У шу заҳотиёқ кетипти. Бола маҳкамага қайтипти, у ерда сизнинг ташрифномангизни олиб, бу ерга келипти, локин сизни тополмапти. Иш ҳозир ана шунақа аҳволда, мистер Блэк.

— Бу тўғрида сиз қанақа фикрдасиз?

— Иш жуда жиддий деб ўйлайман, сэр. Бола кўрган гапларга қараб ҳукм қилсак, бу ўринда ҳиндилар ҳаракат қилаётганга ўхшайди.

— Ҳа. Денгизчи эса, афтидан, мистер Люкердан олмосни олган одам бўлса керак. Қизиқ-а, мистер Брефф ҳам, мен ҳам, мистер Брефф ёллаган одам ҳам бу денгизчининг кимлиги масаласида баравар адашиб ўтирибмиз.

— Бунинг қизиқ жойи йўқ, мистер Блэк. Бу одамга жуда катта хавф таҳдид солиб турипти. Шуни эътиборга олиб, афтидан, мистер Люкер, у билан келишиб олган ҳолда атайин сизларнинг диққатингизни бошқа томонга йўналтирган бўлиши керак.

— Теваракда содир бўлган воқеаларни қандай тушунмоқ керак? — деб сўрадим мен. — Ҳунарманд кийимидаги одамни ҳиндилар ёллаганга ўхшайди. Лекин мен ҳам Гусберри каби унинг тўсатдан маст бўлиб қолишининг сабабини тушуна олмаяпман.

— Менимча, бунинг сабабини тахмин қилиб топса бўлади, сэр, — деб жавоб берди изқувар. — Ўзингиз ҳам тузукроқ ўйлаб кўрсангиз, тушуниб оласиз, — бу одам ҳиндилардан жуда қаттиқ қўлланма олган бўлиши керак. Уларнинг ўзлари банкда ёки тавернада кўриниш бериша олмайди — дарров сезилиб қолишади. Шунинг учун бу ишни бирор ишончли одамга топширишга мажбур бўлишган. Жуда яхши! У одам буфетнинг олдида денгизчи кечаси тунаши керак бўлган хонанинг рақамини эшитган; агар биз адашмасак, бу кеча олмос шу хонада бўлмоғи керак. Сиз амин бўлаверишингиз мумкин — ҳиндилар учун бу хонанинг аниқ тасвирини билиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Улар бу хонанинг уйнинг қайси қисмида эканини билишлари керак. Унга ташқаридан кириб бўладими — бундан ҳам хабардор бўлмоқлари зарур. Бундай топшириқни олган одам нима қилиши керак эди? У худди ўша ҳунармандга ўхшаб ҳаракат қиларди. У денгизчини киритиб қўймасларидан олдин хонани кўриб олиш учун юқорига югурган. Хонани кўраётганида устига келиб қолишган — у ўзини мастликка солган. Қийинчиликдан қутулишнинг энг осон йўли бу. Мен бу жумбоқни шундай ечаман. У тавернадан чиққанидан кейин, афтидан, ўзининг ахбороти билан ҳиндилар кутиб турган жойга жўнаган. Улар эса уни орқасига қайтариб юборишган — денгизчи чиндан ҳам тавернада тунагани қолдими-йўқми — бунга аниқ ишонч ҳосил қилиш керак эди. "Тақдир гардишида бола кеттанидан кейин нималар рўй берганини биз кеча кечқурун билишимиз

даркор эди. Ҳозир соат ўн бир бўлди. Кеч бўлса ҳам, нималар бўлганини иложи борича тўлароқ билишга уриниб кўрамиз.

Чорак соат ўтгач извош Дарёбўйи кўчасида тўхтади ва Гусберри бизнинг извошдан тушишимизга кўмаклашиб юборди.

— Ҳаммаси жойидами? — деб сўради изқувар.

— Ҳаммаси жойида, — деб жавоб берди бола.

Аммо "Тақдир гардиши"га кириб борар эканмиз, ҳатто мендай тажрибасиз одамга аён бўлдики, бу ерда ҳамма нарса сира ҳам жойида эмас эди.

Уйдаги бирдан-бир одам ичимликлар териб қўйилган пештахта олдида турган оқсоч аёл эди. У қаттиқ саросимада бўлиб, нималар бўлаётганига мутлақо ақли етмай қолган эди. Сабуҳий қилмоқни кутиб турган икки одам сабрсизлик билан тангаларини пештахтага уриб тиқиллатишмоқда. Ичкаридаги хоналардан буфетчи аёл чиқиб келди. У қаттиқ ҳаяжон ичида бўлиб, нимадандир озурда эди. Изқувар Каффнинг хўжайин ҳақидаги саволига буфетчи аёл жуда қўрслик билан "хўжайин ҳозир юқорида, унга дахл бўлмоққа ҳозир ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди", деб жавоб берди.

— Мен билан бирга юринг-чи, сэр, — деди менга изқувар Кафф совуққонлик билан зинадан кўтарилар экан. У болага ҳам орқамдан юр, деган маънода ишора қилди.

Буфетчи аёл аллақандай бегона одамлар зўрлик билан уйга киришяпти деб хўжайинга бақирди. Пастки қаватнинг майдончасида трактирчи[1] йўлимизни тўсиб чиқди. Унинг ҳам фиғони фалакда эди. Зарда билан биздан нима исташимизни сўради.

— Қанақа бемаъни одамсизлар? Нима керак бу ерда сизларга? — деб сўради у.

— Сал тилингизни тийинг, — деди изқувар Кафф босиқлик билан. — Айтаман сизга кимлигимни. Мен — изқувар Каффман.

Машҳур ном бир зумдаёқ таъсирини кўрсатди. Жаҳлдор трактирчи меҳмонхонанинг эшигини очди-да, изқувардан узр сўради.

— Гап шундаки, жуда ғазабим ошиб, фиғоним фалакка чиқиб турибди, сэр, — деди у. — Бугун эрталаб уйимизда нохуш воқеа рўй берди. Менинг касбимдаги одамни жуда кўп нарса бесарамжон қилиши мумкин, мистер Кафф.

— Бунга зарра шубҳа йўқ, — деди изқувар. — Агар изн берсангиз, биз нима боисдан бу ерга келганимизни лўнда қилиб айтиб берсам. Биз манави жентльмен билан бирга икковимизни ҳам қизиқтирган иш бўйича баъзи саволлар бериб, сизни жиндай безовта қилмоқчимиз.

— Қанақа иш бўйича? — деб сўради трактирчи.

— Денгизчи либосини кийиб олган бир қорамағиз одам тўғрисида. Бугун кечаси у сизнинг меҳмонхонангизда тунади.

— Ё парвардигор! Ахир, бугун бугун уйни остин-устун қилиб юборган одам худди шунинг ўзи-ку! — деб хитоб қилди трактирчи. — Сизми ёхуд бу жанобми, унинг тўғрисида бирор нарса биласизларми?

— Уни кўрмагунча аниқ бир нарса деяолмаймиз, — деб жавоб берди изқувар.

— Уни кўрмагунча дейсизми? — деб такрорлади трактирчи. — Эрталабки соат еттидан бери уни кўришнинг иложи бўлмаяпти. Кеча у эрталаб соат еттида уйғотиб қўйишни тайинлаган эди. Уни уйғотгани келганлар эшикни тақиллатиб, жавоб олишолмапти. Нима бўлганини кўрайлик деб, эшикни очмоқчи бўлишипти, лекин очиша олмапти. Соат саккизда яна уриниб кўришипти. Соат тўққизда яна. Беҳуда. Эшик ҳамон қулфлоғлиқ. Хонада тиқ этган товуш йўқ. Бугун кечаси мен уйда йўқ эдим. Келганимга чорак соат бўлди, холос. Ўзим ҳам эшикни роса тақиллатиб кўрдим, барибир, фойдаси бўлмади. Ҳозир дурадгорга одам юбордик. Бирпас кутиб турсанглар, эшикни очиб, нима бўлганини кўрамиз.

— Кеча бу одам маст эмасмиди? — деб сўради изқувар.

— У мутлақо ҳушёр эди, сэр. Акс ҳолда, мен уни тунагани уйимга киритмас эдим.

— У хонанинг ҳақини олдиндан тўлаб қўйдими?

— Йўқ.

---

[1] Трактир — майхона.

— У эшик қолиб, бошқа жойдан чиқиб кетиши мумкинмиди?

— Бу хона чордоқда, — деди трактирчи. — Шифтда томга олиб чиқадиган туйнук бор. Кўчада сал нарироқда эса бўш уй бор. Ҳозир уни ремонт қилишяпти. Бу аблаҳ ҳақини тўламай қочиб қолган дейсизми, сэр?

— Денгизчи, — деб жавоб берди изқувар Кафф, — эрталаб кўчада одамлар пайдо бўлмасдан олдинроқ барвақт туриб шундай қилган бўлиши мумкин. У баланд дорларга чиқиб ўрганган одам. Томда юрса боши айланиб кетмайди.

Изқуварнинг гапи тугаши билан дурадгорнинг келганини айтишди. Биз шу заҳотиёқ юқори қаватга кўтарилдик. Мен изқуварнинг ҳаддан ташқари жиддий эканини кўрдим. У одатдагидан кўра жиддийроқ эди. У болага орқасидан келишга ижозат берган эди. Ҳозир эса уни пастга жўнатиб, бизнинг қайтишимизни ўша ерда кутиб туришни буюрди. Бу ҳам менга жуда ғалати туюлди.

Дурадгорнинг болғаси билан исканаси бир неча дақиқадаёқ эшикни бир ёқли қилди. Аммо эшикнинг ичкари томонидан уй жиҳозлари баррикададай тахлаб қўйилган экан. Эшикни очиб, биз бу тўсиқни ағдариб юбордик ва хонага кирдик.

Трактирчи биринчи бўлиб, изқувар иккинчи бўлиб, мен учинчи бўлиб кирдик. Бошқалар биздан кейин кириши ди.

Биз ҳаммамиз ўринга қараб, донг қотиб қолдик. Денгизчи хонадан чиқиб кетмаган эди: у ечинмаган ҳолда тўшакда ётар, юзига ёстиқ ёпиб қўйилганди.

— Бу қандоқ бўлди? — деб шивирлади трактирчи ёстиқни кўрсатиб.

Изқувар Кафф унинг саволига жавоб бермай, ўриннинг ёнига борди-да, ёстиқни олди.

Денгизчининг қорамағиз юзи ҳиссиз ва ҳаракатсиз эди. Қора соқоли билан сочи бироз паришон. Бақрайиб турган хира кўзлари шифтга тикилган. Унинг ўлик нигоҳини ва қотиб қолган ифодасини кўриб мен даҳшатга тушдим. Мен ўгирилиб, очиқ турган деразанинг олдига бордим. Қолганларнинг ҳаммаси изқувар Кафф билан бирга каравотнинг ёнида туришарди.

— У ҳушидан кетган кўринади, — деди трактирчи.

— У ўлган, — деб эътироз билдирди Кафф. — Яқин ўртадаги докторга ва полицияга одам юборинг.

Шундай қилинди. Қандайдир ғалати ришталар изқувар Каффни тўшакдан нари кетишга қўймаётгандай эди. Алланечук ғалати бир қизиқиш ҳаммани изқуварнинг нима қилишини кутишга мажбур қилаётгандай эди.

Мен яна деразага ўгирилиб олдим. Бироздан кейин биров астагина костюмимни баридан тортаётганини ҳис қилдим. Кейин кимдир ингичка овозда шивирлади.

— Бу ёққа қаранг, сэр!

Гусберри хонада эди. Унинг бақрайган кўзлари янада қинидан чиқиб кетай-чиқиб кетай дерди, аммо бу ғал қўрқувдан эмас, хурсандликдан шундай бўлмоқда эди. У ҳам кашфиёт қилипти.

— Бу ёққа қаранг, сэр, — деб такрорлади у ва мени хонанинг бир бурчида турган стол томонга бошлади.

Стол устида кичкинагина ёғоч қутича турарди. У очиқ эди. Қути ичида ҳеч нарса йўқ. Қутининг бир томонида юпқа қоғоз ётарди. Бундай қоғозларга одатда қимматбаҳо буюмлар ўраларди. Қутининг иккинчи томонида — бир варақ йиртилган қоғоз ётипти. Унда муҳр ҳам бор экан, аммо муҳр жиндай бузилган. Қоғозда бемалол ўқиса ҳам бўладиган ёзув бор эди:

“Жаноб Беш, Лайсот ва Бешга Мидлсекс-Плейсда истиқомат қилгувчи Септимус Люкердан омонатга берилган кичкина ёғоч қутичада муҳрланган конверт ичида жуда катта қимматга эга бўлган буюм бор. Қутича жаноб Беш ва унинг шериклари томонидан шахсан мистер Люкернинг ўз қўлигагина қайтарилмоғи керак”.

Бу мисралар лоақал бир масалада ҳар қандай шак-шубҳага мутлақо ўрин қолдирмас эди: Ойтош кеча денгизчи банкдан чиққанида унинг қўлида бўлган.

Яна костюмимнинг баридан биров торттанини ҳис қилдим. Гусберри ҳамон мендан бир қадам ҳам қолмас эди.

— Ўғирлик! — деб шивирлади бола бўш қутини кўрсатиб.

— Сизга пастда кутиб туриш буюрилган эди, — дедим мен. — Қани, боринг ўша ёққа!

— Қотиллик ҳам бўлипти! — деб илова қилди Гусберри тўшакда ётган одамга ишора қилиб. Бу воқеалардан унинг хурсанд бўлаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Боланинг бу мудҳиш ҳодисадан завқланишида алланечук хунук бир нарса бор эди. Мен бунга чидолмай, боланинг елкасидан олдим-да, хонадан туртиб чиқардим.

Мен остонага қадам қўйганимда изқувар Каффнинг мени суриштираётганини эшитиб қолдим. Мен хонага қайтиб киришим биланоқ у мени қарши олди-да, мажбур қилиб, тўшакнинг олдига олиб борди.

— Мистер Блэк, — деди у, — бу одамнинг башарасига бир қаранг. Бу башара бўяб ўзгартирилган. Мана бунинг исботи.

У бармоғи билан марҳумнинг қорамағиз пешонасидаги паришон қора сочларининг тагидан кўкариб кўриниб турган энсизгина оқиш тасмачага ишора қилди.

— Бунинг остида нима борлигини кўриб қўйинг! — деди изқувар бирдан қора сочларга чангал уриб.

Менинг асабларим бунга дош беролмас эди, мен яна тўшакка орқамни ўгириб олдим.

Биринчи бўлиб хонанинг нариги бурчида кўзимга тиниб-тинчимас Гусберри кўринди. У стулнинг устига чиқиб олиб, қизиқишининг зўрлигидан энтикиб, одамларнинг устидан изқуварнинг ҳар битта ҳаракатини кузатиб турарди.

— У паригини ечиб оляпти, — деб шивирлади Гусберри, бу хонада ҳеч нарса кўрмаётган бирдан-бир одам мен эканимга ачиниб.

Бир лаҳза сукут ўтди, тўшак теварагидаги одамларнинг ҳайрон қолган хитоблари эшитилди.

— У соқолини юлиб олди! — деб қичқирди Гусберри.

Яна сукут чўкди. Изқувар Кафф ниманидир сўради. Трактирчи ювинадиган жойга бориб, сув тўлдирилган тос билан сочиқ олиб келди.

Гусберри хурсандликдан стул устида ўйин туша бошлади.

— Бу ёққа, менинг олдимга келинг, сэр! У энди матроснинг юзидаги бўёқларни ювяпти!

Изқувар тўсатдан атрофини қуршаб турган одамларни туртиб ёриб ўтди-да, юзида мудҳиш бир ифода билан олдимга яқинлашди.

— Тўшакнинг олдига боринг, сэр! — деб бошлади у. — Ёки йўқ.

У менга синчиклаб қараб туриб, давом этди:

— Аввал бугун эрталаб сизга берган хатимни очиб ўқинг.

Мен конвертни очдим.

— У ерда ёзилган номни ўқинг, мистер Блэк.

Мен унинг қўли билан ёзилган номни ўқидим: Годфри Эбльуайт.

— Энди мен билан юринг-да, тўшакда ётган одамга қаранг, — деди изқувар.

Мен у билан бориб, тўшакда ётган одамга қарадим. Годфри Эбльуайт эди.

ИЗҚУВАР КАФФ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН ОЛТИНЧИ ҲИКОЯ

I

Доркинг, Серрей, 1849 йил, 30 июль, Фрэнклин Блэкка. Эсквайрга. Сэр, Мен сиздан узр сўрамоғим керак — сизга етказишни зиммамга олган маълумотномани анча кечиктириб юбордим. Мен уни муфассалроқ ёзмоқчи бўлдим, аммо йўл-йўлакай унда-бунда шундай тўсиқларга дуч келдимки, уларни енгиб ўтиш учун муайян сабр-тоқат ва анчагина фурсат керак эди.

Эндиликда, олдимга қўйган мақсадга эришдим деб ўйласам бўлади, шекилли. Бу саҳифаларда сиз марҳум мистер Годфри Эбльуайтга тааллуқли саволларингизнинг ҳаммасига бўлмаганда ҳам кўпчилигига аниқ жавоб топасиз. Сизни сўнгги бор кўриш шарафига ноил бўлганимдан сиз бу саволларни кўндаланг қўйган эдингиз.

II

Шундай қилиб, гапни ҳаммадан аввал жиянингизнинг ўлимидан бошлайлик.

Менинг назаримда, бир нарса узил-кесил исбот қилинган — у ухлаб ётган жойида ёхуд уйқудан уйғониши биланоқ ўзининг ёстиғи билан бўғиб ўлдирилган. Унинг ўлимида айбдор бўлган шахслар — учта ҳиндн; бу жиноятдан кўзланган мақсад Ойтош деб аталган олмосни қўлга киритишдан иборат бўлган.

Шундай хулоса чиқариш учун асос бўлган фактлар, қисман, тавернадаги хонани кўздан кечириш натижасида аниқланган, қисман эса, тергов вақтида баъзи бир одамларни сўроқ қилиш жараёнида қўлга киритилган.

Хонанинг эшигини синдириб, ичкарига киришганда жентльменни жони узилган ҳолда юзига ёстиқ ёпилган тарзда кўришган. Уни кўрган доктор ўлим бўғилиш натижасида содир бўлганини, яъни қотиллик юз берганини қайд қилади. Қотилликни битта шахс ёхуд бир неча шахс амалга оширган. Улар марҳумнинг юзига ёстиқни босиб туришган, натижада ўпкага қон қуйилиб ўлим содир бўлган.

Энди жиноятнинг сабабларига ўтайлик.

Бу хонада стол устида кичкинагина қутича бўш ва очиқ ҳолда топилган. Мистер Люкер қутини, муҳрни ва ёзувни топди. У бу қутининг ичида чиндан ҳам Ойтош деб аталган олмос бўлганини тан олди ва бу қутини муҳрланган ҳолда мистер Годфри Эбльуайтга (ўша пайтда у қиёфасини ўзгартириб олган) йигирма олтинчи июль куни берганини айтди. Буларнинг ҳаммасидан чиқадиган хулоса битта — жиноятнинг сабаби Ойтошни ўғирлаш бўлган.

Энди жиноят қандай содир бўлганини кўрайлик.

Хонанинг баландлиги бор-йўғи етти фут бўлган. Унинг шифтидаги чордоққа олиб чиқувчи туйнук очиқ ҳолда топилган. Чордоққа кўтарилиш учун калтагина нарвондан фойдаланишган. Бу нарвон, одатда, каравотнинг тагида ётар экан. Бу гал эса туйнукка тақаб қўйилган экан. Истаган одам ёхуд одамлар бу нарвон орқали хонадан осонгина чиқиб кета олишган. Туйнукнинг эшигида уни ич томондан беркитиб қўядиган темир болтнинг ёнида тўрт бурчак тешик топилган. Уни аллақандай ўткир асбоб билан қирқишган бўлсалар керак. Шундай қилиб, ҳар қандай одам ташқаридан болтни бир ёнга суриб қўйиб, туйнукни очиш имкониятига эга бўлган. Бундан кейин баландлиги боя айтиб ўтганимиздек, етти футдан иборат бўлган хонага унча қийин бўлган эмас. Жуда зарур бўлиб қолса, биронта шерикнинг ёрдамига таянилган бўлиши мумкин. Қандайдир бирор шахс ёки шахслар худди шу йўлдан фойдаланиб хонага киргани муқаррар эканини туйнукнинг ўзи айтиб турипти. Ўша шахс ёки шахслар қандай қилиб тавернанинг томига чиқишгани масаласига келсак, қўшни уй холи бўлган, ремонт қилинаётган бўлган, унинг деворига узун нарвон қўйиб қўйилган экан. Нарвонни кеча шу ерда ишлаган ишчилар қолдириб кетишган. Улар йўқларида ҳеч ким нарвондан фойдаланмасин деб, унга тахта боғлаб кетишган экан. Йигирма еттинчида эрталаб ишга келишиб, қарашса, тахтани кимдир ечиб олиб, қумга ташлаб қўйибди. Тунда навбатчилик қилган полициячининг (у Дарёбўйи кўчасидан соат бирда атиги икки марта ўтар экан) кўрсатишича, бемалол шу нарвондан кўтарилиб, томда юриш мумкин экан ва яна ҳеч кимга билинтирмай қайтиб тушса бўларкан. Аҳоли ҳам Дарёбўйи кўчаси ярим кечадан кейин Лондон кўчалари ичида энг сокини ва холиси экан. Бинобарин, бундан тўла асос билан яна ўша хулосани чиқарса бўлади: истаган одам ёки одамлар зарур тарзда эҳтиёт чораларини кўрса ва бардам бўлса, нарвондан бемалол чиқиб тушавериши мумкин.

Ниҳоят, жиноятни содир қилган шахс ёки шахсларга ўтайлик.

Бизга маълум: 1) (ҳиндилар олмосни қўлга киритишдан манфаатдор эдилар, ҳарҳолда, ҳиндига ўхшаган одам) (унинг Октавиус Гай извошдан ҳунарманд билан гаплашаётганини кўрган) учта фитначи ҳиндилардан бири бўлган;

2) шубҳа йўқки, ҳунарманд кийимидаги одам 26-куни кечқурун мистер Годфри Эбльуайтнинг орқасидан кузатиб юрган ва уни ётоққа кузатиб қўймасларидан аввал у ерга кириб олган. Уни хонада шундай вазиятда топишганки, бемалол уни хонани кўздан кечириш учун кирган деб гумон қилиш муикин; 3) ётоқдан бир бўлак зарли ип топилган. Мутахассисларнинг айтишича, бунақа зарли ип Англияда маълум эмас экан, уни фақат Ҳиндистонда ишлатишар экан. 4) 27-куни эрталаб ташқи белгилари мос келадиган учта одамни Куйи Темза кўчасида кўришипти ва уларни Тауэр пристанигача[1] таъқиб этиб боришипти. Кейинроқ эса уларни Лондондан Роттердамга жўнаб кетаётган пароходда кўришипти.

Булар юридик далил бўладими, йўқми, ундан қатъи назар, қотилликни ҳиндилар қилганини кўрсатувчи далиллар шунақа.

Ҳунарманд кийимидаги одам бу жиноятга шерик бўлганми, йўқми — айтиш қийин.

Тергов томонидан номаълум шахс ёки шахслар томонидан қасддан қотиллик содир қилингани аниқланган. Мистер Эбльуайтнинг оиласи айбдорларни топганга мукофот ҳам белгилади. Бунинг учун ҳамма чоралар кўрилди. Ҳунарманд кийимидаги одам изсиз ғойиб бўлди. Ҳиндиларнинг изи топилди. Уларни қўлга тушириш мумкинми-йўқми, масаласида маълумотноманинг охирида икки-уч оғиз гап айтишим керак бўлади.

Ҳозирча эса, мистер Годфри Эбльуайтнинг ўлими ҳақидаги барча зарур гапни айтиб бўлганимдан сўнг, унинг марҳума леди Веринднерниг уйида сиз билан учрашгунча, учрашган вақтида ва ундан кейинги хатти-ҳаракатлар ҳақидаги ҳикояга ўтсам бўлади.

III

Мистер Годфри Эбльуайтнинг ҳаёти икки томонга эга эди.

Бир томони — хўжакўрсинга — жентльмен эди. У ҳар хил хайрия ишларига бағишланган йиғинларда гапириб юриб, дуруттина нотиқ деб шуҳрат қозонган эди. Шунингдек, уни маъмурий қобилиятларга эга бўлган одам деб ҳисоблашарди. У ўзининг бу қобилиятини турли-туман хайрия жамиятларининг ва айниқса, аёллар жамиятларининг фойдасига сарфларди. Иккинчи томони — жамиятнинг назаридан пинҳон эди — бу жентльмен батамом бошқа қиёфада намоён бўларди. Аниғини айттанда, у маишатта берилган, шаҳар ташқарисида қасрга эга одам эди. Бу қасрни у ўз номига эмас, шу қасрда яшайдиган хонимнинг номига харид қилган эди.

Бу қасрни тинтиш вақтида мен жуда гўзал расмлар ва ҳайкалларни, дид билан танланган ва жуда нафис ишланган уй анжомларини, бутун Лондонни қидирганда топиш амримаҳол бўлган ноёб гулларга тўла гулзорни кўрдим. Уйда ўтказилган тафтишнинг натижасида ноёблиги жиҳатидан гуллардан қолишмайдиган бриллиантлар, извошлар ва зотдор отлар топилган. Улар отларнинг фарқига етадиган одамларда жуда зўр таассурот қолдирган.

Буларнинг бари ҳозирча оддий нарсалар. Шаҳар ташқарисидаги қаср билан хоним Лондон ҳаётида шу қадар оддий нарсаларки, уларни тилга олаётганим учун сиздан узр сўрашим керак эди. Аммо менга маълуми шуки, бу нарсалар фақат буюрилган эмас, балки уларнинг ҳақлари тўланган. Буниси эса унчалик одатдаги нарса эмас. Тергов шуни исбот қилдики, расмлар, ҳайкаллар, гуллар, бриллиантлар, извошлар ва отлар учун уларнинг эгаси олти пенс ҳам қарз бўлмаган. Қаср эса хонимнинг номига харид қилинган. Буларни билиб, мен ҳаддан ташқари ҳайрон қолдим.

Мен бу жумбоқнинг сирини беҳуда қидириб, кўп овора бўлишим мумкин эди, Годфри Эбльуайтнинг ўлими туфайли терговни ўтказишга тўғри келди-ю, бу жумбоқ ечилди.

Терговда қуйидаги фактлар аниқланди.

---

[1] П р и с т а н ь — кемалар тўхтайдиган жой.

Минг саккиз юз қирқ саккизинчи йилда мистер Годфри Эбльуайт ҳали балоғатга етмаган ёш бир жентльменга васий қилиб тайинланган эди. Ўша пайтдаёқ унга васийлардан бири сифатида йигирма минг фунт пул берилган. Васийликнинг муддати охирлаб бораверган. Ёш жентльмен балоғатга етган куни – минг саккиз юз эллигинчи йилнинг февралида йигирма минг фунтни олиши керак бўлган. Унгача эса ҳар иккала васий ҳам ҳар ярим йилда ёш жентльменга олти юз фунтдан тўлаб туришлари шарт бўлган. Асосий васий бўлмиш мистер Годфри Эбльуайт бу даромадни мунтазам тўлаб турган. Бу даромад гўё асосий сармоядан – йигирма минг фунтдан келиб турган деб ҳисобланган. Ҳолбуки, асосий сармоя сўнгги фунтигача минг саккиз юз қирқ еттинчи йилгачаёқ ҳар хил муддатларда харажат қилиб бўлинган. Ишончли одамнинг ваколат қоғози бўлмаса банкирларнинг унга пул беришга ҳаққи бўлмаган. Ваколат қоғози эса қайси миқдорда пул бериш лозимлигини маълум қилувчи турли-туман ёзма фармойишлар каби расман бекаму кўст бўлган, яъни уларга ҳар гал иккала васий ҳам имзо чеккан. Аммо қишлоқда яшайдиган истеъфодаги армия бўлмиш иккинчи васийнинг имзоси қалбаки бўлган, уни асосий васий, яъни мистер Годфри Эбльуайтнинг ўзи қўяверар экан.

Мистер Годфрининг анча нарсалар юзасидан қарзларни олижаноблик билан вақтида тўлаб юришининг сири бу ёқда экан.

Биз энди мисс Вериндернинг минг саккиз юз қирқ саккизинчи йилдаги туғилган кунига, яъни йигирма биринчи июлга ўтишимиз мумкин.

Бу куннинг арафасида мистер Годфри Эбльуайт отасининг олдига келиб, ундан қарзга уч юз минг фунт пул сўрайди – буни менга мистер Годфрининг отаси айтган эди. Пулнинг миқдорига эътибор беринг. Шунингдек, айни чоқда, ёш жентльменга ярим йиллик даромад шу ойнинг йигирма тўртинчисида тўланиши кераклигини, ёш жентльменнинг асосий сармояси эса қирқ еттинчи йилнинг охиридаёқ унинг васийи томонидан гумдон қилиб бўлинганини эслаб қолинг.

Мистер Эбльуайт ўғлига қарз беришдан ҳам бош тортган.

Эртаси куни мистер Годфри Эбльуайт сиз билан бирга леди Вериндерникига йўл олган. Бир неча соатдан кейин мистер Годфри мисс Вериндерга оғиз солган – буни менга ўзингиз айттансиз. Ҳеч шубҳа йўққи, бу ишни у олисни ўйлаб қилган – агар унинг таклифи рўёбга чиқиб қолса, у ҳозирги ва келгусидаги молиявий қийинчиликларининг биридан бирваракайига қутулган бўларди. Аммо мисс Вериндер унинг таклифини рад этади.

Рэчель туғилган куннинг оқшомида мистер Годфри Эбльуайтнинг молиявий аҳволи қуйидагича: у йигирма тўртинчи числога уч юз фунт ва саккиз юз эллигинчи йилнинг февралига эса йигирма минг фунт пул топиши керак эди. Агар у бу пулни топа олмаса, у тамом бўлган одам бўларди.

Шундай вазиятда нималар рўй берди?

Сиз мистер Кандининг ғашига теккансиз, докторнинг нозик жойига – врачлик шаънига қаттиқ тегиб хафа қилгансиз, у эса сизга лауданум бериб, аламдан чиқмоқчи бўлган. У дорини кичкина шишачага солгану, уни сизга беришни мистер Годфри Эбльуайтдан илтимос қилган. Буни мистер Годфрининг ўзи тан олди. Қандай вазиятда тан олганини ҳозир сизга айтиб бераман. Ўша оқшомда сизнинг ўткир тилингиз мистер Годфрига ҳам қаттиқ теккан экан, шунинг учун у бу ишга бажонудил киришган. У Беттережнинг ёнига кириб, у билан бирга сизни ётиш олдидан жиндай сувлик виски ичишга ундаган. У билдирмасдан лауданумни муздек сувга қўшиб қўйган. Сиз уни ичгансиз.

Энди ижозатингиз билан саҳнани мистер Люкернинг Лэмбетдаги уйига кўчирамиз. Бу ўринда мен муқаддима ўрнида бир гапни айтиб қўяй: биз мистер Брефф билан бирга судхўрни бор гапни айтиб беришга мажбур қиладиган чорани топдик. У бизга берган кўрсатмани ҳар томонлама пухта ўйлаб кўрдик. Мана, марҳамат, уни сиз ҳам эшитинг.

IV

Қирқ саккизинчи йил йигирма учинчи июнь жума куни мистер Люкер ярим кечадан ошганда мистер Годфри Эбльуайтнинг уйига келганидан ғоят таажжубга тушди. Мистер Годфри унга Ойтошни кўрсатганда унинг таажжуби янада ортди. Мистер Люкерга маълум бўлишича, Европада биронта ҳам хусусий одамда бунақа олмос йўқ эди.

Бу ғаройиб буюм муносабати билан мистер Годфри Эбльуайт иккита камтарона таклиф билан мурожаат қилган. Биринчидан, мистер Люкер уни сотиб олмасмикин? Иккинчидан, мистер Люкер агар ўзи сотиб ололмаса, уни бирорта одамга сотиб беришга рози бўлмасмикин? Унда пулини олдиндан бера олмасмикин?

Мистер Люкер бир нарса деб жавоб беришдан аввал олмосни анча кўздан кечирди, салмоқлаб кўрди, баҳосини чамалади. Олмосдаги доғни инобатга олиб, у Ойтошни ўттиз минг фунтга баҳолади.

Шундай хулосага келгач, мистер Люкер яна савол берди:

— Бу қандай қилиб қўлингизга келиб қолди?

Бор-йўғи олтита сўз, лекин унда қанча маъно бор-а!

Мистер Годфри Эбльуайт аллақандай тарихни гапира бошлади. Мистер Люкер унинг гапини бўлди-да, бу гал фақат битта сўз айтди:

— Бўлмайди.

Мистер Годфри бошқа тарихни бошлади. Мистер Люкер бу гал унга биронта ҳам сўз сарфламади. У ўрнидан туриб, хизматкорини чақирди-да, бу жанобга эшикни кўрсатиб қўйинг, деб буюрди.

Шунда мистер Годфри ўзини мажбур қилиб бўлса-да, ҳақиқатга яқинроқ гапларни айтди. У бундай деди:

Сизнинг стаканингизга лауданум қуйгач, у сизга хайрли тун тилаб, ўзининг хонасига кетган. Унинг ётоғи сизникининг ёнида бўлган ва ҳар икки хона ўртасида эшик бор экан. Ётоғига кирганда мистер Годфри эшикни қулфлаб олгандай кўринган. Пулдан қисилиб юрганини ўйлаб, у анча вақтача ухламай ётган. У ўзининг аҳволини ўйлаб, устида халат, оёғида туфли билан бир соатча ўтирган. Ниҳоят, у тўшакка ётмоқчи бўлиб қўзғалганида тўсатдан сизнинг ўзингизга ўзингиз гапираётганингизни эшитиб қолган. Шунда эшик олдига келиб, қараса, уни боя ўйлаганидек, қулфламаган экан.

У сизга нима бўлганини билиш ниятида, эшикка бош суқиб, хонангизга қараган. У сизнинг қўлингизда шам билан ётоқдан чиқиб кетаётганингизни кўрган, сизнинг одатдаги овозингизга мутлақо ўхшамаган овозда ўзингизга-ўзингиз:

— Қаёқдан билай? Балки ҳиндилар уйга яшириниб олишгандир? — деганингизни эшитган.

Шу дақиқага қадар у сизга лауданум бериб, шунчаки бир ҳазил ишда, беозор ўйинда иштирок этяпман деб ўйлаган. Энди эса бехосдан кўрганки, лауданумнинг сизга бунақа таъсир қилишини на доктор, на Годфрининг ўзи тасаввур ҳам қилган эмас. Бирон нохушлик рўй бермасин деган хавотирда нима қилишингизни кўриш учун у секингина орқангиздан борган.

У сизнинг кетингиздан мисс Вериндернинг меҳмонхонасигача борган ва сизнинг қандай қилиб у ерга кирганингизни ҳам кўрган — сиз меҳмонхона эшигини зичлаб ёпмаган экансиз. У хонага ўзи киришга журъат қилолмай, аввал эшик билан кесакининг оралиғидан ичкарига қараган.

Шундай қилиб, у жавондан олмосни қандай олганингизнигина кўриб қолмай, очиқ эшик орқали сизни сукут ичида кузатиб турган мисс Вериндерни ҳам кўрган.

Меҳмонхонадан чиқиш олдидан сиз бир оз тараддудланиб қолгансиз, мистер Годфри сизнинг тараддудланганингиздан фойдаланиб, сиз йўлакка чиқиб уни кўриб қолмасингиздан олдин, ётоғига кириб олган. У хонага қайтиб улгурмасдан сиз ҳам хонага қайтгансиз. Афтидан, у эшикдан кириб кетаётганида сиз уни кўриб қолганга ўхшайсиз. Ҳарҳолда, сиз уни ғалати бир уйқусираган овозда чақиргансиз.

У сизнинг олдингизга келган. Сиз унга уйқусираган ҳолда маъносиз нигоҳ билан қарагансиз ва унинг қўлига олмосни тутқазиб, шундай дегансиз:

— Буни қайтариб жойига — отангизнинг банкига олиб бориб қўйинг. Годфри. Олмос у ерда бехатар туради. Бу ерда сақлаш хавфли.

Сиз талмовсираган ҳолда ундан нари кеттансиз-да, халатингизни кийгансиз. Кейин хонангизда турган катта ўриндиққа ўтириб қолгансиз. Кейин бундай дегансиз:

— Мен олмосни банкка олиб боролмайман. Бошим қўрғошин қуйгандай оғир. Оёқларим йўқ бўлиб қолгандай...

Бошингиз шилқ этиб ўриндиқнинг орқа суянчиғига тушган, бир марта оғир сўлиш олгансизда, ухлаб қолгансиз.

Мистер Годфри Эбльуайт қўлида олмос билан хонасига қайтиб кирган. Унинг айтишича, бу чоқда у ҳали ҳеч қанақа аниқ бир тўхтамга келган эмас, фақат эрталаб нима бўлишини кутишга аҳд қилган.

Эрталаб бўлгач, сизнинг сўзларингиз ва хатти-ҳаракатингиз шуни кўрсатганки, сиз кечаси гапирган гапларингизни ҳам, қилган ишларингизни ҳам мутлақо эслаёлмайсиз. Айни чоқда, мисс Веріндернинг гаплари ва хулқ-атвори шуни кўрсаттанки, у сизга меҳрибонлиги туфайли ҳеч нарса демасликка қарор қилган. Агар мистер Годфри Эбльуайт олмосни ўзиники қилиб олишни ихтиёр этганда, буни бемалол қилиши мумкин эди. Ойтош уни хонавайронликдан халос этарди. У Ойтошни чўнтагига солиб қўйди.

V

Жиянингиз мажбур бўлганидан мистер Люкерга ана шуларни гапириб берган.

Мистер Люкер бу гапларга ишонган, чунки у билганки, мистер Годфри Эбльуайт шунча гапни тўқиб чиқарадиган ихтидорга эга бўлмаган. Мистер Брефф билан мен мистер Люкернинг бу гапларнинг чинлигига ишонса бўлади деган гапига қўшилдик.

Навбатдаги масала шунда эдики, мистер Люкер Ойтошни нима қилмоғи керак эди. Ҳатто унинг профессионал нуқтаи назаридан ҳам бу иш хатарли ва нопок эди. Шунинг учун у бу ишга аралашмасдан олдин битта шартни кўндаланг қўйди.

Мистер Люкер мистер Годфри Эбльуайтта икки минг фунт қарз беришга рози, аммо бунинг учун у Ойтошни гаровга қўймоғи керак. Агар бир йил ўтгач, мистер Годфри Эбльуайт мистер Люкерга уч минг фунт тўласа, у олмосини қайтариб олади — шунда гаров ҳақи тўланган бўлади. Агар у бир йил ўтгандан кейин пулни тўламаса, гаров, яъни Ойтош мистер Люкернинг мулкига айланади. Бу ҳолда мистер Люкер мистер Годфрининг қолган ҳамма воқеаларини ҳам олижаноблик билан қайтариб беради.

Мистер Годфри бунақа инсофсиз шартни ғазаб билан рад қилганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Шунда мистер Люкер унга олмосини қайтариб бериб, хайр-маъзур қилган.

Жиянингиз чиқиб кетмоқчи бўлиб, эшикка йўналгану, яна қайттан. Ахир, ўзи билан мистер Люкер ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзлар сирлигича қолишига унинг ишончи комил эмас эди-да!

Мистер Люкерни у билмас эди. Агар мистер Годфри унинг шартига кўнса, у мистер Годфрининг шеригига айланиб қоларди. Бунда унинг сирни фош қилмаслигига умид боғласа бўларди. Ҳозир эса мистер Люкер ўзини фойдасини кўзлаб, нима қилса қилаверади. Агар унга нозик саволлар бера бошлашса, у ўзи билан иш юритишдан бош тортган одамки деб, оғзига толқон солиб, обрўйига путур етказармиди?

Буни тушунгач, мистер Годфри Эбльуайт тузоққа тушганда ҳамма жониворлар (икки оёқлилари ҳам, бошқалари ҳам) нима қилса, шуни қилди. У хавотир ичида теварак-атрофига аланг-жаланг қаради. Камин устида осиғлиқ турган календарда бугунги куннинг числоси унинг кўзига ташланди.

Бугун йигирма учинчи июнь эди. Йигирма тўртинчи июнь куни эса ўзининг васийлигида бўлган ёш жентльменга уч юз фунт тўлаши лозим эди. Аммо бунча пулни топишнинг ҳеч қанақа иложи йўқ эди. Уни топишнинг бирдан-бир йўли ўша мистер Люкер таклиф қилган йўл эди. Агар ана шу

арзимас тўсиқ бўлмаганда эса, у олмосни Амстердамга олиб бориб, уни бир неча майда тошларга ажратиб, жуда яхши пулга сотса бўларди. Ҳозир эса унинг мистер Люкернинг шартига кўнишдан бошқа ҳеч қанақа иложи қолмаган эди. Ҳар қалай, олдинда уч минг фунт топиш учун бир йил муҳлат бўлади-ку! Бир йил эса анча катта муҳлат!

Мистер Люкер шу заҳотиёқ зарур ҳужжатларни тахт қилди. Ҳужжатларга имзо чекилгандан кейин у мистер Годфрига иккита чек берди. Буларнинг бири йигирма учинчи июнь кунига – уч юз фунтга, иккинчиси бир ҳафта кейинга – қолган бир минг етти юз фунтга.

Ойтош қай тарзда банкка омонатга қўйилганидан хабарингиз бор.

Жиянингизнинг ҳаётидаги кейинги воқеалар яна мисс Вериндерга дахлдор. У мисс Вериндерга иккинчи марта ўзига тегишни таклиф қилган. Бу таклиф қабул қилингандан кейин эса қизнинг илтимосим билан унашувини бекор қилган. Уни бундай қилишга ундаган сабаблардан бирини мистер Брефф тўғри топган. Мисс Вериндернинг онасининг сармоясидан маълум фоизинигина олишга ҳаққи бўлган. Шундай қилиб, мистер Годфри мисс Вериндерга уйланиш йўли билан йилнинг охиригача ўзига керакли бўлган йигирма минг фунтни қўлга кирита олмас эди.

Сиз айтишингиз мумкинки, агар у уйланганида, йил мобайнида уч минг фунт тўплаши мумкин эди, бинобарин, олмосни қайтариб ола биларди. Албатта, у шундай қилиши мумкин эди, аммо бунинг учун на хотини, на унинг васийлари куёв уйланганига бир йил тўлмасданоқ номаълум мақсадларда даромадининг ярмидан кўпини олдиндан олиб қўйишига индамасликлари керак эди. Аммо у ҳатто бу тўсиқни енгиб ўтганида ҳам, уни бошқа нарса кутарди. Шаҳар ташқарисидаги қасрда истиқомат қилувчи аёл унинг уйланганини эшитарди. У аёлнинг кибр-ҳавоси баланд эди, мистер Блэк. Бунақа аёллар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Унинг ранги бағоят нафис бўлиб, бурни римлик аёлларникига ўхшаш эди. Бу аёл мистер Годфри Эбльуайтни ҳаддан зиёд ёмон кўрарди. Агар мистер Годфри Эбльуайт уни дурустгина таъминлаб турса, кам-кўстига ораб турса, аёлнинг жағи ўчиб юриши мумкин эди. Акс ҳолда, унинг тили бир қулоч бўлиб кетарди. Мисс Вериндернинг чекланган фоизи ёрдамида унинг йигирма минг фунт тўплаши қанчалик мушкул бўлса, бу аёлни таъминлаши ҳам шунчалик амримаҳол эди. Вазият шундай экан, уйлана олмас эди, йўқ, сира ҳам уйлана олмас эди.

У бошқа бир қиздан бахтини излаб кўргани ва бу битишув ҳам пул туфайли бекор бўлганидан ҳам хабарингиз бор. Сиз унга беш минг фунт мерос текканидан ҳам хабардорсиз. Бу меросни унга орадан кўп ўтмай беҳисоб жазманларидан бири қолдирган. Мистер Годфри Эбльуайт жозибадор эркак бўлганидан, аёлларнинг кўнглини топишга анча уста бўлган. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, худди шу мерос унинг ўлимига сабаб бўлди.

Мен аниқладим – беш минг фунтни олгандан кейин у тўғри Амстердамга борган. У ерда олмосни майда-майда бўлакларга бўлиш тўғрисида тегишли фармойишларни берган. У кийимини ўзгартириб қайтиб келган ва белгиланган куни олмосни ҳақини тўлаб қайтариб олган. Олмосни банкдан олишдан аввал бир неча кун кутишган (бу эҳтиёткорликка иккала томон ҳам рози бўлган). Агар у ёнида олмос билан Амстердамга эсон-омон етиб олганда, қирқ тўққизинчи йилнинг июли билан ёш жентльмен балоғатга етадиган эллигинчи йилнинг февраля ўртасида анчагина муҳлат бўларди. Бу муҳлат унга олмосни майда бўлакларга бўлиб, бу бўлакларни катта пулга сотиш учун кифоя қиларди. Энди ўзингиз ўйланг – унинг бошига хавф-хатар кўланка ташлаши учун сабаб етарли бўлган. Ё чикка, ё пукка – бу ибора худди атайин унинг ўша пайтдаги аҳволи ҳақида айтилгандай...

Маълумотномамни тугатишдан олдин сизга яна бир нарсани эслатиб қўйишим қолди, холос. Ҳали-ҳозирча ҳиндиларни қўлга тушириб, Ойтошни топиш имкони бой берилганча йўқ. Улар ҳозир Шарқий Ҳиндистонга кетиб бораётган пароходлардан бирида Бомбай сари сузиб кетишяпти, деб тахмин қилиш учун ҳамма асос бор. Агар бирон кор-ҳол юз бермаса, пароход биронта

ҳам бошқа жойда тўхтамай, тўғри Бомбайга бориб тўхтайди. Бомбай маъмурлари эса қуруқлик орқали юборилган мактуб билан огоҳлантириб қўйилган. Улар пароход келиб тўхташи биланоқ, унга чиқиб, тегишли чораларни кўришга шай туришади.

Жаноби олийлари, каминаи камтарин қулингиз бўлиш шарафига ноилман.

Ричард Кафф (қидирув полициясининг собиқ ходими). Скотланд-Ярд. Лондон.

МИСТЕР КАНДИНИНГ МАКТУБИ ШАКЛИДАГИ ЕТТИНЧИ ҲИКОЯ

Фризинголл, чоршанба, 1849 йил, сентябрь ойининг 26-куни. Марҳаматли мистер Фрэнклин. Эзра Женнингга юборган мактубингизни муҳри бузилмаган ҳолда менинг мазкур мактубимнинг ичида қайтиб борганини кўриб, сизга қайғули хабарлар йўллаётганимни фаҳмлаган бўлсангиз керак. У ўтган чоршанба куни азонлаб қуёш энди бош кўтариб келаётган паллада қўлимда жон берди.

Унинг куни битиб келаётганидан сизни огоҳ қилолмаганим учун мен айбдор эмасман. Бу тўғрида сизга ёзишни у менга қатъиян ман қилган эди.

— Мистер Фрэнклин Блэк туфайли мен бир неча кун ўзимни бахтиёр ҳис қилган эдим, — деди у. — Шунинг учун ундан миннатдорман. Унинг кайфиятини бузманг, мистер Канди, қўйинг, хафа қилманг.

Умрининг сўнгги олти соатида у тортган азобларни кўришнинг ўзи даҳшат эди.

Афтидан бир кун аввал у мендан ҳамма қоғозларини олиб келишимни илтимос қилди. Мен қоғозларни унинг тўшаги ёнига олиб келдим. Қоғозлар орасида кимнингдир бир боғлам сарғайиб кетган мактублари бор экан. Қоғозлар орасида унинг тугалланмаган китоби бор экан. Булардан бошқа бир неча дафтарда кундаликлари бор экан. У бу йилга тааллуқли дафтарни очди-да, икковинглар бирга бўлган вақтга бағишланган саҳифаларни бирма-бир йиртиб олди. “Буларни мистер Фрэнклин Блэкка бериб қўйинг, — деди у. — Эҳтимол, вақт-соати келиб, уларни ўқишга қизиқиб қолар”. Қолганларининг ҳаммасини, унинг илтимосига кўра, битта хатжилдга солиб, ўз муҳрим билан муҳрлаб қўйдим. “Менга ваъда беринг, — деди у, — буларнинг ҳаммасини ўз қўлингиз билан тобутимга солиб қўясиз. Уларга бошқа ҳеч кимнинг қўли тегмасин”. Мен ваъда бердим. Ваъдамни бажардим ҳам. У мендан яна бир нарсани илтимос қилди — қабри унут бўлиб кетишини сўради. Мен унга эътироз билдирмоқчи бўлдим, бироқ у умрида биринчи ва охирги марта жуда қаттиқ жунбушга келди. Мен бунга чидаб туролмадим-да, ён бердим. Унинг кўмилган жойида яшил майсагина қолди. Секин-аста унинг қабрини тўрт томондан бошқа қабрлар ўраб олади. Биздан кейин яшайдиган одамлар уларнинг орасида исмсиз қабрни кўриб ҳайрон бўлишади. У орамиздан шундай кетди. Гарчи инсоният унинг тўғрисида ҳеч қачон ҳеч нарса била олмаса ҳамки, менинг ўйлашимча, у улкан одам эди. У ўзининг оғир қисматига мардларча дош берди. Унинг жуда нозик қалби бор эди — мен бунақасини камдан-кам кўрганман. Ундан жудо бўлгандан кейин мен ўзимни ўта ёлғиз ҳис қилиб қолдим. Балки мен хасталигимдан кейин аввалгидай бўлмай қолгандирман. Ишимни йиғиштирсаммикин, бу ердан бош олиб кетиб, ажнабий ванналар ва сувлар таъсирини синаб кўрсаммикин, дейман.

Бу ерда сизни янаги ойда мисс Вериндерга уйланади дейишяпти. Менинг самимий табрикларимни қабул қилишингизни ўтиниб сўрайман.

Шўрлик дўстимнинг кундаликларидан олинган саҳифалар сизни менинг уйимда орзиқиб кутмоқда. Улар муҳрланган. Конверт устига сизнинг исмингиз ёзиб қўйилган. Уларни почтага ишонгим келмаяпти.

Менинг мисс Вериндерга бўлган самимий эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Муҳтарам мистер Фрэнклин Блэк, ҳамиша сизга содиқ қолувчи Томас Канди.

ГАБРИЭЛЬ БЕТТЕРЕЖ ИЛОВА ҚИЛГАН САККИЗИНЧИ ҲИКОЯ

Мен, албатта, эсингизда бўлсам керак. Ҳикояни бошлаб, шу саҳифаларни очган одам эдим. Энди унинг охирини айтиб, китобни ёпадиган ҳам ўзимман.

Мени ҳинд олмоси ҳақида бирон нарса айтмоқчи деб хаёлингизга келтира кўрманг. Мен бу ярамас олмосни жинимдан баттар ёмон кўриб қолдим. Сиз унинг тўғрисида нимаики билмоқчи бўлсангиз, бошқа бирон одам гапириб бера қолсин. Менинг ниятим эса бошқа — мен шу пайттача тилга олинмаган бир нарсани гапириб бермоқчиман. Бу воқеага нисбатан сизнинг беписанд муносабатда бўлишингизга йўл қўя олмайман. Мен шама қилаётган воқеа — мисс Рэчель билан мистер Фрэнклин Блэкнинг никоҳ тўйлари. Бу ажойиб воқеа бизнинг Йоркширдаги уйимизда минг саккиз юз қирқ тўққизинчи йил октябрь ойининг тўққизида сешанба куни рўй берди. Шу муносабат билан менга янги костюм-шим совға қилишди. Куёв билан келин эса асал ойини ўтказиб келиш учун Шотландияга жўнашди.

Менинг шўрлик бекам оламдан ўтгандан бери бизнинг уйимизда оилавий тантаналар камдан-кам содир бўлгани учун, тан олишим керакки, никоҳ куни жиндай ортиқча отиб юборибман.

Агар сиз умрингизда бирор марта шунақа иш қилган бўлсангиз, мени тушунасиз. Агар қилмаган бўлсангиз, “Вой ярамас чол-ей! Нима қилиб буни гапириб юрипти?” дейишингиз мумкин.

Шундай қилиб, жиндай ичиб олгандан кейин (келинг, энди, таъна қилаверманг, ахир. Ўзингизда ҳам бирон нуқсон бордир... Фақат сизнинг нуқсонингиз меники эмас, менинг нуқсоним эса сизники эмас), мен дарҳол унинг кетидан ўзимнинг доимий доримга мурожаат қилдим. Биласизки, менинг дорим “Робинзон Крузо”. Ўзи билан рақобат қила оладиган бошқа асарни билмайдиган бу тенги йўқ китобни қайси саҳифасида очганимни аниқ айтиб ўтирмайман. Аммо бора-бора кўз ўнгимдан саф тортиб ўтган сатрлар бир юз ўн саккизинчи саҳифада эканини аниқ биламан. Улар Робинзон Крузонинг оилавий ишларига ва уйланишига тааллуқли сатрлардир: “Шундай фикрлар билан мен ўзимнинг янги аҳволимга назар ташладим: менинг хотиним (Эътибор беринг! Мистер Фрэнклин Блэкнинг ҳам) ва янги туғилган фарзандим бор (яна эътибор беринг — мистер Фрэнклиннинг ҳам ҳадемай фарзанди бўлиши мумкин). Шунда менинг хотиним... Робинзон Крузонинг хотини “шунда” нима қилганини ё қилмаганини билишга менда ҳеч қандай иштиёқ қолмаган эди. Мен фарзанд ҳақидаги жойнинг тагига чиздим-да, саҳифалар орасига белги қўйиб, китобни ёпдим. “Қани, сен шу ерда туратур-чи, — деб айтдим китобга ўзимча. — Мистер Фрэнклин билан мисс Рэчелнинг тўйидан маълум муддат ўтаверсин-чи, кейин кўрамиз”.

Ойлар ўтди (мен чамалагандан кўпроқ), лекин китобнинг белги қўйилган жойга мурожаат қилиш учун баҳонаи сабаб ҳадеганда топилавермади. Ниҳоят, 1850 йилнинг ноябрь ойи келди. Кунлардан бирида мистер Фрэнклин беҳад кайфи чоғ ҳолда менинг хонамга кириб келди.

— Беттереж! Сизга атаган янгилигим бор. Сиз билан мен яна бир неча ойга қариганимдан кейин бу хонадонда бир воқеа рўй беради-ёв!

— Бу оилага алоқадорми, сэр? — деб сўрадим мен.

— Жуда ҳам алоқадор-да, — деб жавоб берди мистер Фрэнклин.

— Марҳамат қилиб жавоб беринг-чи, сэр, сизнинг муҳтарама рафиқангизнинг бу ишга бирон дахли борми-йўқми?

— Унинг бу ишга жуда-жуда дахли бор-да! — деди мистер Фрэнклин сал-пал ҳайрон бўлгандек.

— Бўлди, бўлди, сэр! Худо икковингизни ҳам паноҳида асрасин. Буни эшитишдан ғоят мамнунман! — деб жавоб бердим мен.

Мистер Фрэнклин яшин ургандай турган жойида таққа тўхтаб қолди.

— Менга айтинг-чи, бу хабарни қаердан эшитдингиз? — деб сўради у. — Мен ўзим буни эшитганимга атиги беш минут бўлди.

Ниҳоят, “Робинзон Крузо”ни олиш чоғи келди. Мистер Фрэнклиннинг тўйи куни ўзим белгилаб қўйган жойдан фарзанд ҳақидаги оилавий парчани ўқиб берадиган хонаси келган эди. Мен ғаройиб сўзларни уларнинг аҳамиятига мос тантанавор оҳангда ўқиб бердим-да, кейин виқор билан унинг юзига қарадим.

— Хўш, сэр, — “Робинзон Крузо”га энди ишонарсиз? — деб сўрадим мен вазиятга мос кўтаринки овозда.

— Беттереж! — деди мистер Фрэнклин ҳам ғоят кўтаринкилик билан, — ниҳоят ишондим!

Биз бир-биримизнинг қўлимизни қисишдик, мен уни ўз йўлимга киритиб олганимни ҳис қилдим.

Ана шу ажойиб воқеани маълум қилганимдан сўнг, китоб саҳифаларини тарк этаман.

Леди ва жентльменлар, таъзим билан тугатаман, вассалом, вассалом!

ЭПИЛОГ

ОЛМОС ҚАНДАЙ ТОПИЛДИ

I

ИЗҚУВАР КАФФНИНГ ХОДИМИ БЕРГАН КЎРСАТМА

(1849)

Йигирма еттинчи июнь куни мен изқувар Каффдан учта одамни кузатиш ҳақида топшириқ олдим. Қотилликда гумон қилинаётган бу одамлар тавсифига кўра ҳиндилар эди. Уларни ўша куни эрталаб Тауэр бандаргоҳида Роттердамга жўнайдиган пароходда кўришипти.

Мен Лондондан бошқа компаниянинг пароходида йўлга чиқдим. Бу пароход йигирма саккизинчида пайшанба куни жўнади.

Роттердамга келганимдан кейин чоршанба куни жўнаган пароходнинг капитанини қидириб топдим. У менга ҳиндилар чиндан ҳам унинг пароходида келишганини, аммо Грэйвзендда тушиб қолишганини маълум қилди. Ўша жойга келишганда улардан бири Калега қачон боришларини сўрапти. Пароход Роттердамга кетаётганини эшитиб, уччовларининг номидан гапираётган бу одам жуда ҳайрон бўлипти. Буни қарангки, у ва унинг дўстлари адашипти. Улар билетга тўлаган пулларининг куйишига ҳам рози эканлар, пароход капитани уларни соҳилга тушириб кетса ғоят мамнун бўлишар эканлар. Капитан бу ажнабийларга ачинипти, уларнинг илтимосини бажо келтирмаслик учун арзирли сабаб тополмапти-да, соҳилдан қайиқ чақирипти. Шундай қилиб, уларнинг уччови пароходдан тушиб қолипти.

Ҳиндилар изларини чалкаштириш учун аввалдан шундай қилишни ўйлаб қўйишган экан. Шунинг учун мен фурсатни бой бермай Англияга қайтдим. Мен пароходдан Грэйвзендда тушиб, ҳиндиларнинг Лондонга кетганини билдим. У ердан эса улар Плимутга жўнаб кетишипти. Плимутдаги қидириш ишлари шуни кўрсатдики, улар қирқ соат аввал тўппа-тўғри Бомбайга борадиган ҳинд пароходи “Бьюли Кастль”да жўнаб кетишипти.

Бу маълумотни олгач, изқувар Кафф қуруқликдаги почта орқали Бомбай маъмурларини огоҳ қилди ва пароход Бомбайга бориб тўхташи биланоқ, дарҳол полициянинг етиб келишини илтимос қилди. Шундан кейин ортиқ менинг бу ишга алоқам бўлмади. Ўша пайтдан бери мен бу иш ҳақида бошқа ҳеч нарса эшитганим йўқ.

II

КАПИТАННИНГ КЎРСАТМАСИ

Изқувар Кафф мендан ҳинди деб тахмин қилинаётган учта шахсга тааллуқли баъзи бир тафсилотларни ёзма тарзда баён қилишни илтимос қилди. Бу одамлар ўтган йили менинг қўмондонлигим остида Бомбайга сузган “Бьюли Кастль” пароходида йўловчи бўлишган эди.

Ҳиндилар бизга Плимутда қўшилишди. Йўл давомида мен уларнинг хулқ-атворидан ҳеч қанақа шикоят эшиттаним йўқ. Улар пароходнинг тумшуқ қисмида жойлашишди. Уларни шахсан кузатишга имкониятларим кўп бўлгани йўқ.

Сафаримизнинг охирида, бахтга қарши, ҳинд соҳили яқинида шамол йўқлиги туфайли уч сутка туриб қолишга мажбур бўлдик. Менда кема журнали йўқ, шунинг учун ҳозир қайси кенгликда ва узунликда туриб қолганимизни аниқ эслолмайман. Умуман, бизнинг аҳволимиз ҳақида мен қуйидагиларни айта оламан: оқим бизни суриб саёз жойга олиб бориб қўйди, яна шамол кўтарилгандан кейин эса биз йигирма тўрт соат ўтгачгина манзилга етиб бордик.

Ҳамма денгизчиларга маълумки, кема анча вақт бир жойда туриб қолганда, унда интизомдан путур кетади. Менинг кемамда ҳам шу ҳол рўй берди. Баъзи йўловчилар қайиқларини денгизга тушириб беришни илтимос қилишиб, кечки салқин тушган пайтларида, эшкак эшишиб, чўмилишиб овунишади. Бундай ҳолларда иш биттач, қайиқларни яна қайтариб, жойига чиқариб қўйиш керак эди. Аммо уларни сувда кема ёнида қолдира беришди – иссиқдан ва об-ҳаводан энсаси қотган матрослар ҳам, офицерлар ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга унчалик рўйхушлик билан қарашмади.

Учинчи тунда ҳам палубадаги навбатчи бирон-бир ғалати нарсани эшиттани йўқ, кўргани ҳам йўқ. Фақат эрталаб қарашса, энг кичкина қайиқ ғойиб бўлипти. Қайиқ билан бирга учта ҳинди ҳам ғойиб бўлипти.

Агар бу одамлар қайиқни қоронғи тушиши биланоқ ўғирлаган бўлишса (шундай эканига менда заррача шубҳа йўқ), биз бундан хабар топганимиздан кейин, уларнинг кетидан қувиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Чунки биз қирғоққа жуда яқин эдик.

Манзилга етиб борганимиздан кейин менинг учта йўловчим нима сабабдан кемадан қочиб кетганини биринчи марта билдим. Мен маъмурий идораларга ҳам бу ерда нималар деган бўлсам, шуни айтдим. Улар мени кемада интизомни бўшаштириб юборишда айблашди. Мен уларга ҳам, хўжайинимга ҳам таассуф билдириб, узр сўрадим. Ўша вақтдан бери, менга маълум бўлишича, учта ҳинди ҳақида ҳеч нарса қулоққа чалингани йўқ. Бу ерда ёзилганлардан бошқа айтадиган гапим йўқ.

III

МИСТЕР МЕРТУЭТНИНГ КЎРСАТМАСИ

(1850)

(Мистер Бреффга ёзилган мактубдан)

Марҳаматли афандим, қирқ саккизинчи йилнинг кузида Лондонда зиёфат вақтида учратганингиз ярим ёввойи одам эсингизда борми? Ижозатингиз билан эслатиб қўяй: у одамнинг исми Мертуэт эди ва сиз тушликдан кейин у билан анчагина суҳбат қилган эдингиз. Суҳбатимиз Ойтош деб аталган ҳинд олмоси ҳақида ва бу қимматбаҳо буюмни эгаллашни мақсад қилиб олган махфий фитнанинг мавжудлиги ҳақида бўлганди.

Ўшандан бери мен Марказий Осиё бўйлаб кўп кездим. У ердан мен аввалги саргузаштларим ўтган жойларга, яъни Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга қайтдим. Шундан кейин икки ҳафта ўтгач, мен бир вилоятга бориб қолдим. Каттивар деб аталувчи бу овлоқ жой европаликларга унча яхши таниш эмас.

Шу ерда мен бир воқеани бошимдан кечирдим. У ҳар қанча ақл бовар қилмайдиган бўлиб кўринса-да, сиз учун шахсан қизиқ бўлмоғи керак.

Каттиварнинг ёввойи виллетларида (уларнинг нақадар ёввойи эканини шундан ҳам билиб олаверишган, бу жойларда ҳатто деҳқонлар ерларини бошдан-оёқ қуролланган ҳолда ҳайдайдилар) аҳоли қадимий ҳинди динига сидқидилдан берилган бўлиб, Браҳма ва Вишну илоҳларига топинадилар.

Мамлакат ичида у ер-бу ердаги қишлоқларда тарқалган мусулмонлар биронта жониворнинг гўштини егани қўрқади. Муқаддас жониворни, масалан, сигирни сўйишда гумон қилинган мусулмонлар бу жойларда ўзларининг бетавфиқ қўшнилари томонидан шафқатсизларча қатл қилинади.

Каттиварда ҳинди художўйлари зиёрат қиладиган иккита жуда машҳур жой бор – у ерларда халқнинг диний эътиқоди жуда авжига чиқади. Улардан бири Кришна тангрининг туғилган жойи деб ҳисобланадиган Дварка, иккинчиси эса муқаддас шаҳар Сомнаут. Бу шаҳарда ўн биринчи асрда мусулмон фотиҳи Маҳмуд Ғазнавий босиб олиб талаган ва маҳв этган.

Бу ажойиб жойларга иккинчи марта келиб қолишим мумкин. Бу гал мен жуда ажойиб Сомнаут саҳросини кўрмасдан Каттиварни тарк этмасликка аҳд қилдим. Менинг шу қарорга келган жойимдан, чамамда, саҳрогача уч кунлик пиёда йўл босиш керак эди.

Мен йўлга тушиб улгурмай кўрдимки, кўпчилик икки ё уч киши бўлишиб, мен кетаётган томонга йўналишяпти.

Мен билан гаплашганларга ўзимни олим ўлкалик будпараст ҳинди қилиб кўрсатдим ва ҳозир зиёратга кетаётганимни маълум қилдим. Устимдаги либосим шунга мос эканини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бунга яна илова қилинг – мен тилни она тилимдек жуда яхши биламан, ўзим ҳам жуда озғин, қорачадан келганман. Шундоқ экан, менинг европалик эканимни билиб олиш унча осон эмас эди. Хуллас, кўп ўтмай мен бу одамлар ўртасида уларга ҳамюрт бўлсам ҳамки, жуда олис бир ўлкадан келган келгинди сифатида танилдим.

Иккинчи куни мен билан бир йўналишда кетаётган ҳиндиларнинг сони бир неча юз кишига етди. Учинчи куни эса минглаб одамлар кетиб бормоқда эди. Уларнинг ҳаммаси аста-секин битта манзилга – Сомнаут яқинидаги тоғда жуда катта диний маросим бўлар экан, одамлар шу маросимга ошиқаётган экан. Бу маросим Ой тангрисига бағишланган бўлиб, кечаси ўтар экан.

Маросим ўтадиган жойга яқинлашганимизда оломон бизни ушлаб қолди. Биз тоққа етиб борганимизда, ой осмонда анча баландга кўтарилиб улгурган эди. Менинг ҳинди дўстларим аллақандай устунликка эга эдилар, шу устунлик уларга сажда қилувчиларнинг олдинги сафига ўтишига имкон берди. Улар илтифот қилишиб, мени ўзлари билан олиб кетишди. Манзилга етиб бориб қарасак, биз сажда қиладиган санам иккита ажойиб дарахт орасига тортилган парда билан тўсиб қўйиляпти. Бу дарахтларнинг қуйи томонида сатҳи анча катта ясси қоятош бор экан. Мен ҳинди – дўстларим билан бирга шу қоянинг тагидан жой олдим.

Қуйида тоғ этагида шунақа улуғвор манзара намоён бўлдики, мен умрим бино бўлиб, бунақа гўзал манзарани кўрмаган эдим; бунда инсон табиат гўзаллигини тўлдириб турарди. Тоғнинг қуйи ёнбағирлари сезилмас тарзда водийга қўшилиб кетган, водийда эса учта дарё туташган эди. Бир томонда дарёлар соҳилда ўсган дарахтлар туфайли гоҳ кўздан пана бўлиб, гоҳ яна намоён бўлиб, нигоҳ етгунча масофага чўзилиб кеттанди. Иккинчи томонда силлиқ океан сирти тун сукунати қўйнида нозланиб ётарди. Мана шу ажиб манзарани тоғ ёнбағирларида, водийда, илон-билон дарёлар соҳилларида жойлашган оқ либослик ўн минглаб одамлар билан тўлдиринг. Бу зиёратчиларни минглаб машъалларнинг шуъласи билан ёритинг, шу улуғвор манзарага кумуш нурларини аямай ёғдириб турган Шарқнинг тўлин ойини тасаввур қилинг – шунда менга тоғ устидан кўз ўнгимда намоён бўлган манзара ҳақида сал-пал тасаввур ҳосил қиласиз.

Аллақандай торли асбоблардан ва сурнайлардан таралаётган ҳазин куй менинг диққатимни дарахтлар ўртасида тортилган пардага қайтарди.

Мен ўгирилиб, қоянинг текис сиртида учта одамнинг қоматини кўрдим. Улардан бирини дарҳол танидим – ҳиндилар леди Веринднерниг уйидаги айвонда пайдо бўлишганда, мен шу одам билан гаплашган эдим. Қолган икки киши ҳам ўша пайтда унга шерик бўлган одамлар эди.

Менинг ёнимда турган ҳиндилардан бири сесканиб кетганимни пайқади. У менга шивирлаб, бу уч одамнинг қояда қандай пайдо бўлиб қолганини тушунтириб берди.

Улар тангрига хизмат йўлида мазҳаб қонунларига хилоф иш қилган браҳманлар, деди у. Тангри зиёрат олдидан уларга покланишни буюрипти. Шу бугун кечаси бу уч одам бир-биридан ажралиши керак. Улар Ҳиндистоннинг муқаддас жойларини зиёрат қилгани уч хил йўналишда жўнаб кетишади. Улар бундан кейин ҳеч қачон бир-бирларининг юзини кўрмасликлари керак. Бир-бирларидан ажралган дақиқадан бошлаб ўлимларига қадар ҳеч қачон сафарларидан тўхтаб, ҳордиқ олмасликлари керак.

У менга буларни гапириб бўлгунча, ҳазин куй ҳам тўхтади. Уч одам қояда санамни тўсиб турган парда олдида ерда ётишди. Кейин туришди, бир-бирларига қарашди. Кейин улар битта-биттадан оломон орасига кириб кетишди. Халойиқ оғир сукут ичида уларга йўл берди. Мен кўрдим — оломон бир вақтнинг ўзида бараварига учта йўналишда чекиниб, йўлак ҳосил қилди. Кейин оппоқ либоста бурканган тумонат одам яна аста-аста зичланди. Уларнинг қаторига кирган дарбадарликка маҳкум этилган одамларнинг ўзи йўқолди. Биз уларни бошқа кўрмадик.

Санамни тўсиб турган парда ортидан янги куй янгради. Унинг садоси баланд ва қувноқ эди. Халойиқнинг бадани жимирлаб кеттандай бўлшди.

Дарахтлар орасидаги парда кўтарилиб, санам очилди.

Ўриннинг доимий кийиги устида тўрт қўлини дунёнинг тўрт томонига чўзган ҳолда ўтириб, тахт узра улуғвор турган Ой тангриси бошимиз узра парвоз қилаётгандай туюлди. Унинг пешонасида эса сарғиш олмос илоҳий нур таратиб турарди. Бу олмос — мен Англияда аёл кишининг либосида кўрган ўша олмос эди.

Ҳа! Саккиз аср ўтгандан кейин Ойтош ўз тарихи бошланган муқаддас шаҳарда яна порлаб турипти. Бу олмос қандай қилиб ўзининг ватанига қайтгани, ҳиндилар ўзларининг муқаддас жавоҳирларини яна қўлга киритгунча қандай жасоратлар кўрсатиб, нима жиноятлар қилгани мендан кўра сизга яхшироқ маълум. Сиз ундан Англияда маҳрум бўлдингиз. Агар мен бирор даражада ҳинд халқининг табиатини билсам — сиз ундан мангуга жудо бўлдингиз.

Йиллар шу тарзда бир-бирини қувлаб ўтиб боради. Замон гардишида ҳамиша бир хил воқеалар айланаверади. Ойтошнинг навбатдаги саргузаштлари қандай бўларкин? Буни ким айта олади, дейсиз?

Тамом.

Русчадан
Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси.

Лобсанг РАМПА

Зуҳрага ташриф

Бутун инсониятга бағишланади.

СЎЗ БОШИ

1956 йилда лондонлик ноширлар Сикер билан Уорбург ўзлари энг яхши деб ўйлаган китобни босиб чиқардилар. Бу афсунгарлик ҳақидаги китоб эди. Лекин на улар, на Нью-Йоркнинг "Doubileday" нашриёти ушбу китобнинг бунчалар эътибор қозонишини ўйламаган эдилар. Тибет ҳақида ҳикоя қилувчи бу китоб чиндан ҳам шуҳрат қозонди.

Китоб таржимаи ҳол сифатида ёзилган бўлиб, унда тибетлик роҳибнинг тарихи, унинг Лама[1] бўлиб етишиши ва афсунгарлик иқтидорига эга бўлиши тасвирланади. Лобсанг Рампанинг "Учинчи кўз" деб аталган бу китоби нафақат унинг Тибет монастирлари ҳақидаги қиссасигина эмас, балки Тибетнинг тинч ва осойишта ҳаёти тўғрисидаги мароқли тарихдир.

Биз бу китобни бошидан охиригача бир кечада ўқиб чиқдик, уни қўлдан қўйиб бўлмасди. Бироқ бизни ҳайрон қолдирган нарса шу эдики, қандай қилиб Шарқ одами ўз фикрини инглиз тилида шунчалик жонли ифодалай олди экан?

Ушбу феноменнинг сабаби тез орада Лондонда мазкур китоб теварагида бошланган жанжал туфайли ошкор бўлиб қолди. Қандайдир "Тибет билимдонлари" Рампанинг ўзи ҳақиқий эканига ошкора шубҳа билдирдилар ва у тибетлик эмас ва умуман Тибетга ҳеч қачон бормаган деб баёнот бердилар.

Шунда сирни Лобсанг Рампанинг ўзи очиб ташлади. Ҳа, чиндан ҳам у ўзининг ҳозирги қиёфасида Тибетда ҳечқачон бўлгани йўқ. Лекин Тибет роҳибининг руҳи ғайриоддий бир шароитда унинг танасига кириб олган эди. Ўз мухолифларига жавобан Рампа шундай деди:

"Учинчи кўз" — абсолют ҳақиқатдир. Ушбу китобда мен нимаики ёзган бўлсам, ҳаммаси далилларга асосланган. Мен, тибетлик ламаман ва ҳозир аввалбошдан Ғарб кишисига мансуб бўлган одам танасига жо бўлиб турибман. Ва ҳозир бу танани ўзим яккаю-ёлғиз эгаллаб турибман, чунки унинг олдинги соҳиби бутунлай ғойиб бўлди. У ўз танасини ихтиёрий тарзда тарк этди ва менинг қатъий эътиқодимга илтифот кўрсатиб, ердаги фоний ҳаёти билан хайрлашди. Бундай тана алмашиш 1949 йилнинг 13 июнида юз берди, лекин бунга тайёргарлик анча олдин бошланган эди. Мен ўз зиммамга маълум масъулият юкланганини билардим ва шу вазифани бажариш билан боғлиқ бўлган бир қатор сабабларга кўра, Англияга боришим зарур эди. 1947 йилнинг иккинчи ярмида телепатия воситасида менга мос келадиган баъзи хабарларни юбордим. 1948 йилнинг февралида у ўз исмини ўзгартириб, Дид Поллга айланди. Ўз жисмини муваффақиятлироқ алмаштириш учун манзилини бир неча бор ўзгартирди ва дўстлари ҳамда яқин кишилари билан барча алоқаларини узди. 1949 йилнинг 13 июнида юз берган ва миясининг чайқалишига олиб келган бир ҳодиса уни "ўз танасидан чиқариб ташлади" ва менга унинг вужудига жойлашиб олишимга имкон берди.

Мен зўр бериб Англияда ишга жойлашишга уриниб кўрдим, лекин бир қатор сабабларга кўра иш билан таъминлаш биржаси менга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. Мен бир неча йил давомида Лондондаги Тэвисток Скверда жойлашган биржа ва ишга жойлаштириш бюросига мунтазам қатнаб турдим. Шунингдек, мен кўплаб ишга ёллаш агентликлари билан боғландим ва уларга тегишли пулни тўладим, лекин уларнинг ҳеч қайси бири мен учун бирор нарса қилишмади.

---

[1]Лама — Тибет ва Мўғулистонда будда дини руҳонийси.

Мен маълум муддат олдиндан асраб қўйишга муваффақ бўлган ва баъзи адабий ишларим учун сал кўпайган пулим эвазига яшардим.

Мен махсус миссияни бажаришим кераклигини билардим, чунки Тибетда яшаган пайтимда Чан-Тан тоғига борган эдим ва у ерда менга инсон аурасини кўришга имкон берувчи қурилмани кўрсатишган эди. Мен ўзим олдиндан кўра олиш қобилиятига эгаман ва аурани кўра оламан, буни кўпгина одамларга бир неча бор намойиш қилганман. Лекин мен шуни яхши биламанки, агар табиблар шундай имкониятга эга бўлсалар эди, улар касалликни дастлабки босқичларидаёқ била олар ва беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатар эдилар. Англияга мен аввалги қиёфамда кела олмасдим. Уриниб кўрдим, лекин уддалай олмадим.

Аура — бу танадан чиқувчи оддий нурланиш бўлиб, ҳаётий қувватнинг бўшашидир. Бу ҳол юқори кучланишли электр симларининг нурланишига ўхшайди. Туманли кечаларда бундай воқеаларга кўп дуч келгансиз. Аурани тадқиқ қилиш моддий ҳаракатни тақазо этади. Аммо бундай тадқиқотлар ўз самарасини берганда тиббиёт касалликларни даволаш учун қудратли қуролга эга бўлади. Тадқиқотлар билан шуғулланишим учун менга пул керак эди, лекин кишиларга даволаниш учун ёрдам берганимда ҳеч қачон пул олмас эдим.

Лекин барибир, "Учинчи кўз" китоби қай тариқа пайдо бўлди? Мен уни ёзмоқчи эмасдим, аммо иш тополмай жуда умидсизликка тушдим. Иш топсамгина зиммамга юкланган вазифани бажариш учун маблағга эга бўлишим мумкин эди. Мен тинимсиз, лекин беҳуда иш қидириш билан овора эдим. Ниҳоят, дўстларимдан бири менинг хизматим керак бўлиб қолиши мумкин деб бир илтифотли киши билан таништиришни таклиф этди. Жаноб Брукс, мен китоб ёзишим кераклигини айтди. Мен қатъиян рад этдим ва биз хайрлашдик, орадан бироз вақт ўтгач, жаноб Брукс менга хат ёзиб, китоб ҳақидаги ўз таклифини такрорлади. Унга учрашиш билан хат олган пайтим оралиғи мобайнида мен иш бериши мумкин бўлган бир неча одамга учрашиб кўрдим, лекин хизматимни рад этишди. Ўзим жуда ҳам истамаган ҳолда жаноб Брукснинг таклифига рози бўлдим ва ушбу китобни ёздим, ва яна такрорлаб айтаман, унда ёзилганларнинг ҳаммаси — ҳақиқат. Менинг иккинчи китобим — "Лхасалик доктор"да ёзилганларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқат.

"Экспертлар" бир-бирига очиқдан-очиқ қарши чиқаётган, нима ҳақиқату нима ёлғон деган масалада ягона битимга келиша олмаётган бир пайтда ҳар қандай "эксперт"га ёки "Тибет билағони"га ишониш мумкинми? Бундан ташқари, етти ёшимда ламалар монастирига келдим, умрим бўйи тибетлик бўлиб яшадим, кейин эса европалик жисмига жо бўлдим, деб мақтана оладиган "Тибет билағони" кўпми ўзи? Мен эса — шундай қилганман.

Хўш, Рампа жисмига жо бўлган ўша одам ҳақида нима дейиш мумкин? Унинг олдинги ҳаёти қанақа эди? Ўша одамнинг рафиқаси шундай дейди:

"Танасини тибетлик эгаллаб олган одам жуда кўпчиликни қизиқтиради. Мен унинг хотини сифати шахснинг бундай ўзгаришига олиб келган воқеалар ҳақида гапириб беришга тайёрман.

Ўзгаришларнинг дастлабки белгилари, юмшоқ қилиб айтадиган бўлсам, бироз кутилмаган ҳолда юз берди. Биз Суррейда тинчгина яшардик, эрим коллежда маслаҳатчи лавозимида ишларди. Уруш тугаганига икки йил бўлган эди. 1947 йилнинг охирида эрим тўсатдан: "Исмимни ўзгартирмоқчиман" деб мени ҳайратда солди. Бундай қилишига бирор асос бўлмагани учун, қўрқиб кетдим. Унинг бировдан яширадиган ҳеч нарсаси йўқ эди, кимдан ҳам яширинарди. То ўзимга келганимча анча вақт ўтди. У бўлса давом этди: "Ҳа, энди бизнинг исмимиз[1] Дид Полл бўлади".

1948 йилнинг февралига келиб барча зарур расмиятчиликлар тугалланди. Аввалги исмларимизга энди бизнинг ҳаққимиз йўқ эди. Эримнинг бошлиғи бу борада жуда ҳам хурсанд эканлигини изҳор этмаса-да, ҳеч нарса қилолмади, чунки худди ўша пайтда фирма директорларидан биттаси ўз исмини ўзгартирган эди.

---

[1]Англияда аёл эрининг фамилиясини ҳам, исмини ҳам қабул қилади. Рампанинг рафиқаси "Лобсан Рампа хоним" деб аталиши керак — *тарж.*

Албатта, ҳамма бизни ақлдан озишди, деб ўйлашди, лекин бу мени ташвишга солмасди. Мен эрим билан саккиз йил бирга яшаган эдим ва у шунга қарор қилган экан, демак, бекорга эмаслигини билардим. Тез орада биз шуни сездикки, кишилар бизга мурожаат қилар эканлар, исмимизни айтишмаяпти. Ҳатто уни ёзилган ҳолда кўриб ҳам тўғри такрорлай олмас эдилар. Шу сабабдан биз янги исмимизни қисқартирдик.

Мен шуни таъкидламоқчиманки, биз ҳеч қачон уйдирма номлардан фойдаланмаганмиз, ҳолбуки, кейинчалик бизларни бу хусусда айблаган эдилар. Бу даврда менинг эрим Шарқ ҳақида жуда кўп гапирар, баъзан эса шарқий либослардан кияр эди. Шарқ уни жуда ҳам қизиқтирарди, баъзида жазавага тушиб, мен тушунмайдиган тилда гапира бошларди. Унинг тибет тилида гапирганини кейинчалик тушундим. 1949 йилнинг июлида у кутилмаган қарорга келди – ўз ишини ташлайдиган бўлди! Унинг бошлиғи гангиб қолди, чунки у менинг эримни жуда қадрлар ва ҳалол ходим ҳисобларди.

Бу қарордан мақсад – биз яшаётган жойимизни ўзгартиришимиз ва ўтмиш билан барча алоқаларимизни узишимизга имкон туғилар эди. Биз шундай қилдик ҳам. Бир йил мобайнида биз барча танишларимиз ва ўтмиш ҳаётимиз билан хайрлашдик. Олдин жамғарган ва эримнинг тасодифий адабий чойчақасига яшашимизга тўғри келди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни ошхона деразасидан қараб, эримнинг дарахт тагида ҳушсиз ётганини кўриб қолдим. Югуриб олдига тушдим. Эрим ўзига кела бошлади. Мен тиббиёт ҳамшираси сифатида шуни сездимки, унинг қулоғи битиб, гаранг бўлиб қолган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, эримнинг эс-ҳуши жойига келди, лекин қилиқлари бутунлай ўзгариб қолди. Уйга қайтиб киргач, мен табибни чақирмоқчи бўлдим. Бу борада мен эрим билан маслаҳатлашмагандим, менинг тараддудимни кўриб, бундай қилма, ҳаммаси жойида, деди. Унинг нутқи бутунлай ўзгарганди. Мен билан гаплашиш учун нотаниш тилнинг керакли сўзларини зўрға қидириб топаётганга ўхшарди. Овози ҳам теранлашганди. Менинг ташвишларим шу билан тугай қолмади. Чунки унинг хотирасига нимадир бўлганди. У ҳар бир сўзини ўйлаб кўрар, ҳар бир ҳаракатини ҳисоблаб чиқарди. Анча кейинчалик мен шуни билиб қолдимки, ундан нима кутишаётганини англаш учун эрим ҳамиша "менинг хотирамга мурожаат қилар экан". Тан олишим керакки, буларнинг ҳаммаси, аввало, менга ташвиш орттираётгандек кўринарди, лекин ҳозир бари мутлақо одатий бўлиб қолди. Лекин мендек бир ўртамиёна шахс қандай қилиб шундай ажойиб воқеа – Тибет ламасининг ғарб дунёсига келишида иштирокчи бўлиб қолганим ҳали ҳамон мени ҳайратга солаяпти".

Гарчи "Тибет билағонлари" деб аталган кимсалар Лобсанг Рампанинг босиб чиқарилган китобларининг кўпчилигига эгалик қилсалар-да, улар орасида ўзларини унчалик "билағон" ҳис қилолмаганлар ҳам топилиб қолди. Мана, бир буддапарастнинг Грэй Баркерга ёзган хати; уни Г.Баркер Рампанинг иккинчи китобини Қўшма Штатларда эълон қилиш ва бу борада матбуотда баҳс очиш ниятида экани ҳақида эълон берганидан кейин олган эди:

"Муҳтарам жаноб Баркер! Лобсанг Рампанинг "Учинчи кўз" китобига шарҳингизни ўқиб, мен унга ўз муносабатимни билдиришга шошилдим. 1957 йилда мен "North jndian Buddist Quarterlu" журнали учун шу китоб ҳақида танқидий мақола ёзиб, асар матнида мавжуд бўлган теологик ва фалсафий материалларга асосий эътиборни қаратган эдим. Мақолани ёзаётган пайтимда, кўплаб бошқалар сингари мен ҳам берилган ахборотларда ноаниқликларни топишга ҳаракат қилдим. Мен кийим-кечаклар ҳақидаги айрим тасвирлар антропологик экспедиция хабарларига мос келмаслигини билардим.

Мен, шунингдек, ўзимнинг нодонлигимни ҳам тан олмоқчиман, зеро, Тибет дини ортодоксал буддизм билан нақадар фарқли эканини тасаввур қилмаган эканман. Шу боисдан ҳам ўзини роҳиб деб атаган одамнинг еретик (арийча таълимот нуқтаи назаридан) қарашларидан ҳижолат чеккандим. Аммо тибет фунги (phoonqu)сидан хат олганимда қанчалик ҳайратга тушганимни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ўша хатда менинг мақоламда тасвирланган дбу-чан (dbu-chan) теологиясининг қисқача баёни жуда

мақталганди. Мазкур "Баён" эса тўлалигича Лобсанг Рампа китобининг мазмунидан иборат эди.

Лекин муаммонинг энг қийин томони Тибет роҳибларининг дайдиб юрувчи жамоалари тартиб-қоидалари ҳақидаги масала эди. Ғарб мухбирлари ва ҳинд шарҳловчилари бир овоздан Рампа янглишган деб таъкидлардилар. Аммо тибетликлар менга хат ёзиб, Рампа махфий билимни ошкор этди, деб шикоят қилдилар. Ҳолбуки, бундай билимга фақат уларнинг мамлакатидаги махфий мактаблар дахлдордирлар. Уларнинг олис мамлакатларда жисман ёки ҳавойи қиёфада яшаб турган қондош биродарлари эса ўйламай-нетмай сирини қоғозга ишонди ва энди у хабарсизларга ҳам етиб боради".

Самимият билан,
Ганеша Махагуру.
at Bodhi Sanqha Sat America
New York, N.H.

Аммо "Тибет билағонлари" кишиларнинг "кўзларини очганлари"та қарамай, улар ҳамон Рампага ишонмоқдалар. Унинг китобларини сотиб олмоқдалар.

Рампа ўзининг кейинги китобларида учар жисмлар ҳақидаги масалага мурожаат қилмади, чунки ўқувчилар бу ҳангомаларга ишонмайдилар, деган хавотирда эди. Айрим қўлёзмалар, шу жумладан, ушбу асар ҳам қўлбола усулларда босиб чиқарилди ва тор доираларда тарқатилди.

Жамоатчилик орасида Номаълум Учар Жисмлар феноменига катта қизиқиш ушбу китоблар нашридан кейин, айниқса, кучайди. Бизнингча, Рампанинг учар жисмлар ҳақидаги асарларини тўплаб, алоҳида китоб қилиб чиқариш пайти келди, токи, ўқувчилар мана шундай ғайритабиий кечинмалардан воқиф бўладилар.

Мана, ушбу юпқагина китобча дунё юзини кўришга тайёр. Унинг муваффақият қозонишига шубҳамиз йўқ. Мазкур биринчи нашр ҳар қандай китобсеварнинг уй кутубхонасидан муносиб ўрин топади, деган умиддамиз.

Нашр.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ХУДОЛАР ДАРГОҲИ

Учар жисмлар! Учар ликопчалар мавжуд, албатта. Мен уларни осмонда ҳам, ерда ҳам жуда кўплаб кўрганман. Улардан биттасида мен ҳам саёҳат қилганман.

Тибет — учар жисмлар учун энг қулай мамлакат. Чунки у шовқин-суронли дунёдан анча чеккада жойлашган ва у ерда динни ва илмий тамойилларни моддий бойликлардан устун қўювчи кишилар яшашади. Кўп асрлар давомида Тибет аҳолиси учар ликопчалар ҳақидаги ҳақиқатни билардилар, улар нима учун мавжудлигини, қандай ишлашини ва бунинг сири нимадалигини яхши тушунардилар. Учар жисмларни бошқарувчи кишилар ўзларининг оташ аваларида осмон бўйлаб учиб юрувчи худолар сифатида маълумдирлар. Яхшиси, ижозат беринг, бу ҳақда бир воқеани мисол келтирай. Бу ҳақда, албатта, Тибетдан бошқа бирор мамлакатда аввал эшитмагансиз.

* * *

Об-ҳаво жуда ёмон эди. Шиддатли шамол учираётган дўл доналари баданларга ўқдек урилар, ҳимоясиз жойларимизни аёвсиз ачитарди. Қирмизи осмонни қоплаган оппоқ булутлар мамлакат ичкариси томон сузиб борарди. Бу ерда, денгиз сатҳидан ўттиз минг фут баландда, Тибетнинг Чан-Тан тоғларида биз борган сари тепага кўтарилиб борардик.

Сўнгги бор ўтириб дам олган жойимиздан бизни беш мил ажратиб турган пайтда: "Бўш келманглар биродарлар, бўш келманглар! — деган овозни

эшитдик. — Яна бир бор туман қатламини ёриб ўтинглар, шунда кўп нарсани кўришга муваффақ бўласизлар".

Биз етти киши эдик — Осмон Худолари билан телепатик муомала қилиш қобилиятига эга бўлган олий мақомли етти Тибет ламаси. Еримиз устида учиб юрган ва вақт-вақти билан мамлакатнинг чекка жойларига қўниб турувчи оташ аравалар сири ҳақида ўша худолардан эшитдик.

"Яна бир кун узунлигида йўл юрсангиз, азиз биродарларим, — деган овоз келди, — сиз қадимгилар аравасини кўрасиз".

Кечаси биз Ёпиқ Ер иссиғида дам олдик. Йўсин тўшакларда маза қилиб ухладик, эрталаб эса кенг дарёнинг иссиқ сувида чўмилдик, кейин яна йўлга тушдик. Ўша ердан жонга теккан тсампу ўрнига ажойиб мевалардан ғамлаб олдик.

Кун бўйи тепага кўтарилиб бордик, йўл-йўлакай ёнғоқ дарахтлари ва рододендронлар, шунингдек, авваллари ҳеч кўрмаган дарахтларга дуч келдик. Юқорига қараб биз фақат шу иссиқ ер билан юриб боравердик. Кеч кириб қолганда эса, дарахтлар остига жойлашиб, ўз кийимларимизга ўралиб ухладик. Офтоб илк нурларини сочиши билан туриб яна йўлимизни давом эттирдик. Биз тағин икки ёки икки ярим мил юрганимиздан кейин кенг текисликка дуч келдик. Улкан ва бетакрор майдон олдида ҳайратдан лол бўлиб қолдик.

Очиқ майдон тахминан беш милга ястаниб ётарди. Унинг ландшафти шу қадар ғайриоддий эдики, уни тасвирлаш шартмикин, деб ўйланиб қолдим, чунки бунга, барибир ҳеч ким ишонмайди. Текислик беш милча масофага чўзилиб кетганди, унинг нариёғида эса, осмонга тиралиб турган шиша девори мисоли муз қатламлари ётарди. Лекин ҳайратга соладиган нарса бу эмасди; текис майдонда вайрон бўлган шаҳар кўзга ташланарди, бироқ айрим уйларга вақт таъсир қилмаганди. Баъзилари эса мутлақо янгидек кўринарди. Унча узоқ бўлмаган жойда, кенгтина ҳовлида, бизнинг қасрларда ишлатиладиган идишларнинг иккитасини бир-бирига ёпиштирилган шаклини эслатувчи улкан металл қурилма турарди. Шубҳасиз, бу қандайдир ҳаракат қилиш воситаси эди.

Ҳузурбахш сукунатни устозим Лама Мингяр Дондупнинг овози бузди:

— Ушбу жой бундан ярим миллион йил аввал Худолар даргоҳи бўлган, — деди у. — Ўша пайтларда одамлар Худолар билан жангга киришиб бир қурол кашф этдилар. Бу қурол атомни парчалаб, ҳалокат юз беришига олиб келди. Улар ерни денгиздан кўтарилишга ва яна денгизга ботишга мажбур қилдилар, эски тоғларни қулатдилар ва янгиларини барпо қилдилар. Бу ерда улкан шаҳар-метрополия бор эди, бир вақтлар бу ер денгизнинг соҳили эди. Портлашдан кейин юз берган зилзила бу ерларни минг фунтгача кўтарди. Ўша портлаш туфайли вужудга келган силкиниш эса ерни бошқача айланишга мажбур этди. Ҳозир биз яқинроқ бориб шаҳарнинг бошқа қисмларини кўрамиз. У жойлар музлик ичида қотиб қолган бўлиб, водий иссиғи туфайли аста-секин эриб бораяпти, лекин қадимий иншоотларга зарар етказмаяпти.

Биз унинг сўзларини тинглаб, сеҳрланиб қолгандай жим турардик, кейин бирдан олдинга интилдик. Фақат биноларнинг олдига борганимиздан кейингина бу ерда яшаган одамлар бўйи камида ўн икки футгача ўсганлигини англадик. Бу ердаги ҳамма нарса жуда улкан — баҳайбат эди. Шунда мен беихтиёр Поталанинг чуқур ерости ғорларида кўрганим улкан ҳайкалларни эсладим.

Бизлар ғалати металл қурилма ёнига бордик. У ақл бовар қилмайдиган даражада эди. Диаметри ўн беш-ўн олти фут келадиган бу қурилма вақт таъсиридан қорайиб кетган эди. Кўзимиз зинага тушди, у қурилмадаги қора туйнукка олиб чиқарди. Бизлар бирин-кетин зинадан тепага кўтарила бошладик. Юқорига биринчи бўлиб Лама Мингяр Дондуп кўтарилди ва қора туйнукка кириб, ғойиб бўлди. Мен иккинчи бўлиб борардим, зинапоянинг тепасига етгач, металл қопламанинг ичига кирдим ва ўзимни каттакон хона ичида кўрдим. Устозим ҳам ўша ерда экан; у партани эслатувчи нарса устида энгашиб турарди. Устоз қўлини нимагадир теккизган эди, хона зангори нур билан тўлди, аста зувиллаётган товуш эшитилди. Биз ваҳимага тушиб, ҳайратдан қотиб қолдик. Чунки хонанинг олис бурчагида қандайдир қиёфалар пайдо бўлди. Улар бурилдилар-да, бизга яқинлаша бошладилар.

Бизнинг миямизга биринчи бўлиб келган нарса – шартта орқага бурилиб, ушбу сеҳрли хонадан қочиб қолиш эди. Лекин тепамизда аниқ овоз эшитилди:

– Қўрқманглар, – деди овоз. – Биз сизларнинг келишларингизни билардик ва бу ерда пайдо бўлишларингизни сўнгги юз йил мобайнида кутиб турибмиз. Биз тайёр бўлиб турибмиз, токи кемага киришга жаҳд қилган жасур кишилар ўтмишдан бохабар бўлишлари керак.

Бизлар худди сеҳрлаб қўйилгандек эдик. На қимирлай оламиз, на қочиб қолишга кучимиз етади.

– Энди ўтириб олинглар, – деди овоз, – суҳбатимиз анча чўзилади, ҳориган одам эса унга бардош бериши қийин.

Биз, еттовлон бир қатор бўлиб ўтирдик. Узоқ бурчакка тикилиб, кута бошладик. Бир неча сония давомида фақат зувиллаган товуш эшитилиб турди. Хонадаги ёруғлик пасайиб ўча бошлади ва биз зимистон қоронғуликда қолдик, ҳатто ўз қўлимизни ҳам кўролмасдик.

Зувиллаш тўхтади, секингина "чиқ" этган товуш эшитилди ва девордаги экранда суратлар пайдо бўлди. Бу сурат-тасвирлар шу қадар ғалати эдики, биз деярли ҳеч нарса тушуна олмадик. Суратларда буюк шаҳар акс этганди. Бу биз ҳозир харобалари ичида ўтирганимиз қадимий шаҳарнинг тасвири эди. Шаҳар денгиз соҳилида жойлашган бўлиб, сувда мўъжизакор кемалар сузиб юрарди. Тепада, осмонда эса, думалоқ жисмлар учиб юрар, уларнинг ҳаракати енгил ва шовқинсиз эди. Соҳил бўйлаб улкан одамлар сайр қилар, улар ўтганда хурмо дарахтлари чайқалиб қоларди. Ўйнаётган ва тўлқинларга тўш ураётган қувноқ болаларнинг қий-чуви, бахтиёр овозлари эшитилиб турарди. Бизлар кўчаларда, уйларда, меҳмонхоналарда нималар бўлаётганини кўриб турардик. Биз худди ер узра парвоз қилаётган учиш аппаратига ўтириб олиб, одамлар ҳаётини томоша қилаётгандек эдик.

Бу нарса менга болалигимни, варрак учириб юрган пайтларимни эслатди. Кейин ҳавони даҳшатли портлаш ларзага солди, олис-олисларда қўзиқоринга ўхшаш булутлар ўса бошлади. Улар бир неча милга кўтарилди, булутлар тўқ қизил ва сариқ чизиқлар билан бежаб ташланганди. Гўё Худолар нафаси олов пуркаётгандек эди.

ГИРДОБДА

Биз, кузатув жойимиздан биноларнинг қандай қулаб тушаётганини, одамлар қочиб қутулишга уринаётганини кўриб турардик. Сўнгра биз яқинлашиб келаётган баҳайбат тўлқиннинг гувиллашини эшитдик. Унинг баландлиги эллик, балки юз фунт келарди. У аввало соҳилни босиб, бир вақтлар мағрур бўлган метрополиянинг уйларини ютиб юбора бошлади. Ер ларзага келди, тасвир чирпирак бўлиб кетди, сўнди ва яна пайдо бўлди. Биз худди қулаб тушаётгандек бўлдик, айлана бошладик, зимистон ичида қолдик.

Бизлар зулмат ичра қанча вақт ўтказганимизни билмайман, лекин кейин деворда яна тасвир пайдо бўлди, бироқ бу бутунлай бошқа тасвир эди. Унда водий акс этиб турарди. Водийда худди ҳозир биз ичида ўтирганимиз қурилмага ўхшаган ғалати аппаратлар бор эди. Улар атрофида одамлар ўралашиб юрар, афтидан, уларга хизмат қилардилар. Аппаратлар тинимсиз осмонга кўтарилар, уларнинг ўрнига янгилари қўнарди. Одамлар жуда хилма-хил эди, уларнинг бўйлари бешдан ўн беш футгача келарди.

Шундан кейин тасвир ўзгарди ва биз Ердан ташқарида нималар юз бераётганини ва Ойнинг тескари томонини кўрдик. Экран орқасидан келаётган овоз бутун томоша давомида бизга изоҳ бериб борарди. Биз шуни билиб олдикки, Ҳамжамият – Оқ Биродарлик бўлиб, у инкарнирлаштирилган (тимсол) ва дискарнирлаштирилган (танасиз руҳ) кишилардан иборат экан. Инкарнирлаштирилганлар бошқа сайёрадан учиб келишибди. Уларнинг мақсади ҳаётни асраб қолиш экан. Одамлар, бизга айтганларидек, эволюциянинг энг олий босқичида эмас эканлар. Бу кишилар, асровчилар бўлса, фақат инсон ҳақидагина эмас, барча мавжудотлар ҳақида қайғурар эмишлар.

БОСИБ ОЛИШ

Бизга айтишдики, Тибет босиб олинади, бу босқинчилар эса, коммунистлардир. Коммунистлар бир касаллик мисоли Ернинг баданига ёйилмоқда. Коммунизм таг-томири билан тугатилади ва кейинги даврда барча турдаги мавжудотлар, жуда қадим замонда бўлганидек, бирлашадилар.

Тибет босиб олинади, лекин барибир, телепат ламалар туфайли муҳим рол ўйнашда давом этади, зеро, ламалар космик кемалар билан алоқа боғлашга қодирдирлар.

Бизга айтишдики, Ер-мустамлакадир ва космик кузатувчилар радиация таъсирини юмшатишга муваффақ бўлдилар. Улар ерни парча-парча қилиб ташлашга йўл қўймай, инсониятни қутқариб қоладилар, деган умид бор.

Бизлар — еттовлон телепат-ламалар осмонга кўтарилган кеманинг ичида эдик. Бир ярим соат давомида ўз еримиз — Тибетни кўриб улгурдик. Ҳолбуки, энг тез чопар отда ҳам бу мамлакатни у бошидан бу бошигача энг камида уч ой ичида кесиб ўтиш мумкин. Шундан кейин, гравитация[1] ўзгаришини сира сезмасдан, тезликни ҳис қилмасдан Ер атмосферасидан учиб ўтдик ва очиқ фазога чиқдик.

Биз фазовий кеманинг ишлаш қонун-қоидасини биламиз, шунингдек, унинг ичида бўлган одам тезлик кучидан нега азоб чекмаслигини ҳам биламиз, лекин бу мавзу бошқа ҳикояга тегишлидир.

ИККИНЧИ ҚИСМ

КЕМА ИЧИДА

Оқшом осмонининг тўқ қизил рангини тўсатдан оппоқ чизиқ кесиб ўтди, гўё Тангрининг қудратли қўли нарида ётган зиёни кўрсатиш учун зулматни четга суриб қўйгандай бўлди. Чизиқнинг учидаги кумушранг чақнаш осмон бўйлаб шундай тез учиб борардики, кўз уни илғашга зўрға улгурарди. Бирдан кумушранг чақнаш космик зулматга сингиб кўздан ғойиб бўлди.

Биз, ламалар, денгиз сатҳидан йигирма беш минг фут баландликда, Ёпиқ Водийнинг ям-яшил майин майсазорида чўзилиб ётардик. Ушбу оромбахш водийни шафқатсиз шамоллар совуғидан асраб турган тоғларнинг чўққилари янада баланд бўй чўзганди. Майдони жиҳатидан Британия ороллaридан саккиз баравар катта бўлган Тибет ўз бағрида жуда кўп ғаройиботларни сир сақлайди. Лекин уларнинг ҳеч қайси бири субарктика совуқлари ўртасида ётган ушбу ажойиб тропик водийга тенг келолмайди. Оламни сув босган даврларга бориб тақалувчи Ёпиқ Шаҳар худди шу ерда жойлашган. Лекин энг ҳайратли томони шундаки, осмон худолари шу шаҳарда қўним топганлар.

Қадимги даврларда олий бағишлов лама-телепатлари Худолар билан муомала қилганлар ва улардан кўп нарсаларни ўрганганлар. Энди эса, биз бахтиёрлар улар билан учрашдик.

Бизлар майсазор узра чалқанча ётиб, кўрган мўъжизалар ҳақида ўйлардик. Биздан ўнг томонда, каттакон кенгликда ғалати аппаратлар турарди. Улар ҳатто мана шу фантастик дунёда ҳам ғайритабиий кўринарди. Бошқа оламлардан учиб келган одамлар ҳар тарафда наридан-бери юриб туришарди. Уларнинг айримлари биз нафас олаётган ҳаводан бемалол нафас олардилар, бошқалари эса бизникидан ўзгача атмосфера билан тўйинтирилган тиниқ либосларда осонгина ҳаракат қилардилар.

Шу тариқа биз уларнинг фаолиятини кузатиб, ҳайратга тушиб ва телепатия ёрдамида тушуна бордик. Бизнинг хаёлимизни тепадан келаётган паст ғувиллаш товуши бўлди. Ўгирилиб қарасак, айланма дисклар учиб келаётган экан. У тепамиздан учиб ўтганда, таналаримиз ерга босилгандай бўлди, худди шамол кучи ерга ёпиштиргандай ёки оғирлигимиз икки баравар ошгандай эди. Лекин бу тезда ўтиб кетди ва биз аппаратнинг ерга қўнишини кузатиб турдик.

---

[1]Гравитация — Жисмларнинг бир-бирини тортиши.

Аппарат иккита юпқа тибет товоғини бир-бирига ёпиштирганга ўхшаган бўлиб, унинг марказида тиниқ гумбаз бор эди. У ҳарқанча тиниқ бўлмасин ичида нималар бўлаётганини кўролмасдик. Ҳозир аппаратнинг ўзи гумбаз атрофида айланар, шамолни кесиб, чийиллаб ҳуштак чаларди. Бу товуш менга шамолда ҳилпираётган Ибодат байроқларини эслатди. Аппарат қўниш майдони узра осилиб турганда гувиллаш аста-секин тинди. У оҳиста пасая борди ва кўринмай қолди. Чунки уни анча йирик кема тўсиб турарди. Яқинроқдаги бинолардан биридан чиққан нокнусха машина янги қўнган аппарат ёнига шошилди. Бир неча дақиқадан сўнг биз машинани яна кўрдик, у энди қарама-қарши томонга кетаётганди.

Бундай ажойиб томошадан бизларни ёнимизда пайдо бўлган одамнинг овози чалғитди: "Орқамдан юринглар, биродарлар, чунки сизларга ҳали кўп нарсани кўрсатишимиз керак", — деди у.

Биз ўрнимиздан турдигу, ўз бўйимиздан уялиб кетдик: Лама Мингяр Дондуп олти футдан кам эмасди, бизлар ундан қарийб уч дюймдан паст эдик; Лекин бу одам Мингяр Дондупга икки баравар келарди! Бизлар ламалар монастирига эндигина келган етти яшар болалардек кўринардик.

Дароз одам менинг фикримни уқди шекилли ёки телепатик билдимикин, ҳар ҳолда: "Бўй муҳим эмас, биродар, сендаги аура ва қалбинг қанчалик буюклиги муҳимдир. Бу ерда сен ўзингдан паст ва мендан баланд кишиларни ҳам кўрасан", — деди.

У бизларни яшил йўсин билан қопланган ер бўйлаб бошлаб кетди. Йўсин тошдай қаттиқ ва силлиқ эди. Оёғимизга ботмади ҳам.

Мен атрофга алангладим, теварагимда қайнаб турган ғалати фаолиятга мафтун бўлиб борардим. Дароз одам, афтидан, бу ерда муҳим шахс эди. Чунки дуч келган одам юраги устига қўл қўйиб, унга салом берарди. Бундай саломлашишни, нодонлигимиз туфайли ҳали ҳанузгача биз ўзимизнинг шарқона одатимиз деб ҳисоблардик.Биз Лхасадан бошланган машаққатли сафаримиз давомида уриниб дабдаласи чиққан кийимларимиз учун ўзимизни жуда ўнғайсиз сезардик.

Йўл-йўлакай Дароз Одам кечаги эшитганларимиз ҳақида батафсил гапириб берди. Унинг гапларига қараганда, Ер мустамлака бўлиб, даҳшатли касалликка чалинган эмиш. Ана шу касаллик туфайли унда яшовчиларнинг кўпчилиги ўзларини қутурган итлардек тутар эмишлар. Керакли дақиқаларда инсониятга ёрдам бериш учун асрлар давомида Ерни кузатиб туришган экан. Ана шу дақиқалар ҳадемай бошланар экан. Кузатувчилар Тибетга ишонар эдилар, чунки унда эзотерика ва телепатия санъати тараққий этганди. Шунинг учун ҳам бизга зарур ахборотлар хабар қилинар ва тажрибалар узатиларди.

— Ҳозир эса, — деди у, — биз сизларга космосдан оламни кўрсатмоқчимиз. Бунинг учун сизларнинг бўйингиздаги мавжудотлар бошқарадиган космик кемага чиқишларингиз мақсадга мувофиқдир.

КЕМАДА

Биз қувур шаклидаги кема ёнида турардик. Унинг узунлиги уч юз эллик, эни эса қарийб олтмиш фут келарди. Унинг биқинидаги туйнукка кенгтина зина тираб қўйилган эди. Бизнинг ёнимизга ўрта бўйли, лекин кенг елкали одам тушиб келди. У Дароз Одамга қаради-да, қўлини кўксига қўйиб саломлашди. Бир неча сония давомида улар товушсиз мулоқотда бўлдилар. Шундан сўнг Кенг Одам бизларга ўгирилди ва ишора билан орқасидан юришга таклиф этди. Биз устозим Лама Мингяр Дондупдан ибрат олиб, аввало Дароз Одамга бурилдик-да, ўнг қўлимизни юрагимиз устига қўйиб унга таъзим бажо келтирдик, кейин Кенг Одам кетидан тепага кўтарила бошладик.

Номаълум нарса ҳамиша кўрқинчли бўлади. Зина билан кўтарилиб нотаниш туйнукка кирар эканмиз, юрагимнинг уриши тезлашди. Биз кирган жойимиздан узундан-узун оқиш-яшил рангли йўлак бошланди. Унинг деворларидан фосфор нур тараларди. Йўлак бир маромда ёритилгани учун соялар кўринмасди. Кенг Одам бизларни йўлак бўйлаб эргаштириб бораркан, бир неча ярддан кейин тўхтади ва қўлини кўтарди. Деворнинг бир бўлаги

четга сурилди ва кўз ўнгимизда гўзал бир хона муҳайё бўлди. Хонанинг тўшамаси ва битта девори шунчалик тиниқ эдики, унга қадам қўйишга юрагимиз бетламади.

— Қўрқманглар, — деди ҳамроҳимиз, — тўшама жуда мустаҳкам ва сизларни бемалол кўтаради. Сизлар кўриб турган нарса — махсус экран бўлиб, ташқи оламни бафуржа кузатишингизга имкон беради. Бу ерда дераза йўқ.

Биз енгил тортиб хона ичига кирдик — бизни ғалати бир туйғу қамраб олди, гўё бўшлиққа қадам қўйгандек эдик. Мен ҳозир ерга қулаб тушаманов, деб ўйладим.

Кенг Одам деворга қаради ва у маълум муддатта хаёлан бизлардан олис-олисларга кеттандек туюлди. Мен бепарволик билан аввал тиниқ тўшама деб ўйлаганимиз жойга қарадим, энди унинг ҳам махсус экран эканини яхши билардим. Мен бошқа кемаларни, уларга хизмат қилаётган одамларни кўздан кечира бошладим. Ва бирдан оёқларим қўрқувдан қалтирай бошлади. Бизни ўраб турган олам тўсатдан орқага кета бошлади, ер пастга тушиб кетди. Мен ҳозир қулай бошлаймиз деб ўйладим, лекин ҳеч қанақа ҳаракатни ҳис қилмасдим.

Кенг Одам хаёлидан ўз ҳолига қайтди.

— Биз сизларнинг Ерингизни узоқдан кузатмоқчимиз, — деди у. Биз Ердан учиб кетяпмиз.

— Лекин биз ҳаракат қилаётганимиз йўқ, — дедим мен. — Агар ҳаракат қилганимизда ниманидир ҳис этардик. Агар мен ипга осилиб тебрансам ёки варракда учсам, ниманидир ҳис қиламан, ҳозир эса ҳеч нарсани сезмаяпман.

— Ҳа, бу ерда ҳеч нарса сезилмайди, — деди Кенг Одам. — Лекин ҳозир биз шундай тезлик билан учяпмизки, унга жисмимиз ҳам, қонимиз ҳам бардош беролмайди. Биз шундай бир мосламалар қўллаяпмизки, улар тезлашиш таъсирини кесади. Ушбу кема ичида эканмиз, сиз ҳеч нарса сезмайсиз, асло ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади. Биз гравитация илмини аллақачон эгаллаганмиз. Ҳадемай мен сизларга бир кемани кўрсатаман, лекин олдин...

У шундай деди-да, қўли билан экранни кўрсатди.

ҲАРАКАТНИ СЕЗМАЙ

Тарам-тарам далалардан иборат Тибет ерлари узоқлашиб борарди. Машҳур Эверестдан ҳам баланд кўтарилган қудратли тоғлар биздан узоқлашган сари текис ер сатҳидаги тепаликларга ўхшаб кўрина бошлади. Биз борган сари баландлаб борардик ва энг сўнгги бор илғаган нарсамиз бизнинг Бахтли дарёмиз (биз тибетликлар уни шундай атаймиз) бўлди. У Ҳиндистоннинг муқаддас дарёсига бориб қўшиларди. Сўнгра бу дарё сувлари океанга бориб қуюларди. Биз бу жойларни олдин сира ҳам кўрмаган эдик. Биз соҳил чизиғини томоша қиларканмиз, Бенгалия кўрфазини кўрдик, кейин нигоҳимиз Хитойга тушди. Ҳатто Буюк Хитой Девори ҳам Ердаги ингичка ажиндай кўзга ташланарди.

Қуёш бизнинг остимизда тургандек бўлиб кўринди. У ҳаво рефракцияси туфайли катталашиб, монастир печининг ичидаги чўғдай, ловуллаб турарди. Лекин буларнинг ҳаммаси тебранмас ва биз ҳеч нарсани сезмасдик. Биз жойимизда қотганимизча кузатардик, холос. Бу бизнинг еримиздаги ҳаётга сира ўхшамасди.

Кенг Одам деворга ишора қилди. У нимагадир қўлини теккизган эди, у ердан ўриндиқлар пайдо бўлди.

— Ўтиринглар, — деди. — Ўтириб томоша қилиш ўнғайроқ бўлади.

Биз ҳозиржавоблик билан ўтирдик, лекин нимагадир чўкаётганимизни, нимадир бизнинг жисмимизни қамраб олаётганини ҳис қилиб, ғалати ҳолга тушиб қолдик.

— Бу тана шаклига қараб мослашувчи ором курси, — деди Кенг Одам. — Улар сизнинг сирғаниб кетишингизга йўл қўймайди, айни чоғда, ҳар қандай босимга ҳам чап беради.

"Чиндан ҳам "мослашувчи" экан", — деб ўйладим мен, шундай ҳолатларга кўникмаганимдан. Барибир, кўникиб кетарман, дейман хаёлан. Янада ўнғайроқ

жойлашиб олдим-да, экранга кўз ташладим, ҳайратдан юрагим орқага тортиб кетди. Мен ҳамиша Ер яп алоқ шаклда деб ҳисоблардим. Энди бўлса, кўриб турибман, дум-думалоқ, худди коптокка ўхшайди. Менинг шунақа думалоқ коптогим бўларди, тўп ўйнашни яхши кўрардим. Қаранг-а, қаёққа чиқиб кетибмиз, Ердан баланддамиз. Яна кўтарилавердик, кўтарилавердик, ниҳоят атмосферани тарк этдик. Ер эса, пастда, кўк-яшил океанлар кенгликлари билан қопланган, улкан шар оҳиста айланарди. Қитъалар сал-пал кўзга ташланарди, яшил ва қўнғир доғлар билан қопланганди улар, Ернинг каттагина майдонларини оқ булутлар тўсиб турарди. Уларнинг ораларидан баъзан қитъалар ва ороллар кўзга ташланади! Биз қитъалар ичкарисида кўлларни ҳам илғардик, лекин шаҳарлар қарийб сезилмасди. Мана шундай баландликдан Ерда ҳаёт белгилари борлигини илғаш жуда қийин эди.

ОЛАМНИНГ КЎРИНИШИ ҚАНДАЙ

Ер зангори тутун билан қопланган эди. Тутуннинг юқори қисми анча қуюқ бўлиб, бир неча мил тепаликда сийраклашиб, йўқолиб кетарди.

Ер худди қанот қоқмасдан учиб юрган калхат мисоли шошмасдан айланарди.

— Сизлар Ердан кўз узмаяпсизлар, — деди Кенг Одам. — Лекин бутун олам кўз ўнгингизда ястаниб ётибди. Ё у бир қараб қўйишга арзимайдими?

Бу гапдан ҳушимизга қайтдик ва тепага қарадик. Тепамиздаги чексиз зимистон ёрқин порлаб турган нуқталар билан ёришгандай эди. Олисдаги сайёралар турли рангдаги доиралар бўлиб кўринарди, яқинроқдагиларнинг юзаларини сал-пал илғаса бўларди. Қуёшга қарашимиз учун Кенг Одам экраннинг бир қисмини қора ёруғлик фильтри билан беркитди. Биз Қуёшни аниқ кўрдик, у жуда баҳайбат эди, кўринишининг ўзиёқ бизни даҳшатга соларди. Чунки у бутунлай ўт олиб ёнаётгандай кўринди. Узун-узун олов тиллари унинг периметри бўйлаб рақс тушар, сатҳи эса қора пуфаклар билан қопланиб, биқирлаб қайнаб турган қозонни эслатарди.

— Сизлар Ой деб атайдиган йўлдошда бизнинг базамиз бор, — деди Кенг Одам. — Ой Ерга ҳамиша бир томони билан қараб туради. Базамиз унинг нариги томонида, биз ҳозир ўша ёққа борамиз.

Экрандан фильтр олиб ташланди ва кўз ўнгимизда Ойнинг кўзни қамаштирувчи ёрқин юзаси пайдо бўлди. Сатҳи ҳавосиз, қаърида эса ҳаёт бўлган бу мўъжизани сўз билан таърифлаш қийин. Бизлар унга ақл бовар қилмас тезлик билан яқинлашиб борардик, лекин ҳаракатни мутлақо сезмасдик!

— Сизлар биз ҳақимизда ҳали кўп нарса билишингиз керак, — деди Кенг Одам. — Ҳа, Ерда сизларга бизни йўқ деб ўргатишади. Одамлар шундай деб ўйлашлари табиий, чунки дин шунга ўргатади. Динга кўра, Инсон Худога монанддир ва Инсон Ер ҳилқатидир. Бугунги кунда бошқа сайёраларда ҳам Инсон яшашини тан олиш — диний ақидаларни рад этиш билан баробар. Ва ҳозир бошқарув тизгини кимларнинг қўлида бўлса, миллатнинг ҳаёти ва ўлими масаласини кимлар ҳал қилаётган бўлса, ўшалар инсониятга янада қудратлироқ кучлар борлигини билишга имкон бермайдилар, чунки бу нарса уларнинг халқларни қул қилишига таъсирини бўшаштириши мумкин.

ҲАРАКАТ ТАРЗИ

Кейин бизни кема бўйлаб экскурсияга олиб боришди, команда билан таништиришди. Уларнинг олдида ўта нодон бўлиб кўринардик. Лекин улар ҳар бир саволимизга жон-жон деб жавоб қайтаришар, биз ўзимизни ноқулай аҳволда сезмаслигимиз учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилардилар. Космик кеманинг ҳаракат тарзи мени жудаям қизиқтирарди ва улар менга парвознинг барча икир-чикирини тушунтиришди. Космик парвозларда кўплаб усуллар қўлланилади ва кўзланган мақсадга қараб, ҳаракатнинг турли усулларидан фойдаланишади. Биз саёҳатга чиққан кема ўз магнетизмига эга бўлиб, унинг ёрдамида Ер магнетизмидан итарила олади.

Ерликлар фойдаланадиган электр — электр қувватининг энг содда

шаклидир. Коинотда бошқа электр — космик қувватнинг магнетизмидан фойдаланишади. Қувватни фазодан кеманинг сатҳида жойлашган махсус коллектор воситасида йиғадилар ва "машина бўлими"га узатадилар. Бу ерда ғалтаклар ёрдамида кеманинг ҳар икки ярми қувват билан таъминланади. Кеманинг Ерга қараган ярми Ер магнетизмини қайтарувчи қувватни олади, иккинчи ярми эса биз ҳаракат қилаётган сайёрага тортилиш қуввати билан тўлдирилади. Ҳозир биз Ойга қараб учаётганимиз учун унга тортилиш кучи билан қувватланаётган эдик.

Сайёранинг сатҳида ундан итарилиш кучини шундай ўзгартириш мумкинки, аппарат учиб кетиши ёки қўниши мумкин. Кеманинг ички қисми ўтказгичлар тўри билан қопланган бўлиб, улар гравитацион кучни шундай тақсимлашга имкон берадиларки, кеманинг қандай вазиятда туришидан қатъи назар, одам ўзини сира ўнғайсиз сезмайди. Бизга ғайриоддий қурилмани кўрсатишди. У гравитация кучини тартибга солиб турар экан.

Лекин ҳозир жуда ҳам майдалашиб кетишнинг вақтимас. Шуниси ачинарлики, Ғарб одамлари ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдилар. Одам гапириб беришга арзийдиган нарса бўлса-ю, уни тушунтиришдан фойда йўқлигини, барибир, унга ишонмасликларини билса, нақадар фожиа! Учар жисмлар мавжуд. Мутлақо мавжуд.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ЗУҲРАГА ТАШРИФ

Енгилгина кечки шамол эсди, Ёпиқ Водий дарахтларини оҳиста тебратиб ўтди. Атрофда яхшилик яратувчи Хилқатларнинг тинч ва уйғун муҳити ҳукм сурарди. Биз гулхан атрофида ёнбошлаб ётардик, Лама Мингяр Дондуп, уч ўртоғим ва мен, беш[1] киши эдик. Биз Лхасадан анча олислаб кетдик. Қор қоплаган ўнгирлардан, яланғоч ерлардан ўтдик. Биз ҳозир беш кишимиз, ҳолбуки, олдин гуруҳимиз ўн бир киши эди. Ҳамроҳларимиз йўлда ҳалок бўлишди, баъзилари йўл азоби ва шафқатсиз очлиқдан, айримлари кўчки остида қолиб, ҳаётни тарк этишди.

Ҳозир эса Ёпиқ Водийнинг илиқ ҳавосида мириқиб ором олардик. Биз ўзга олам Худолари билан, бизнинг Еримизни емирилишдан асраётган илоҳлар билан алоқалар боғлаганимиздан кейин чексиз мўъжизалар гувоҳи эдик. Бизлар бутун барвақтроқ ётиб ухламоқчи бўлдик. Чунки кун бўйи ярмигача музликка кўмилиб ётган улкан шаҳарнинг сирлари билан танишиб роса ҳолдан тойгандик. Кўп нарсалардан хабар топган эдик, яна кўп нарсани билишимиз керак эди.

Биз ҳаммамиз бараварига бошимизни кўтариб бир-биримизга қарадик. Ким гапиряпти экан, деб ҳайрон бўлдик. Чунки кимдир мулойим гапираётганди:

— Биродарлар, биродарлар, бу ёққа келинглар, биз сизларни кутаяпмиз.

Биз қатъиятсизлик билан ўрнимиздан турдик ва теваракка алангладик. Гапираётган одам кўринмасди, лекин биз яна бояги овозни эшитдик, у қатъият билан буюрди:

— Биродарлар, биродарлар, бу ёққа келинглар, биз сизларни кутаяпмиз.

Шундай қилиб, интуицияга бўйсунган ҳолда биз сершовқин қўнолга орқали ўтиб борардик. Бу ерда ўзга дунёлардан учиб келган аппаратлар савлат тўкиб турар, бошқа сайёралик Ҳилқатлар ўз юмушлари билан банд эдилар. Бизлар энг катта кемалардан бирининг ёнига келганимизда, унинг ичидан Кенг Одам чиқди ва қўлини юраги устига қўйиб, биз билан саломлашди:

— О, ниҳоят келдинглар-а, биродарлар. Бир соатдан бери сизларни чақирамиз. Биз мияларингиз ухлаб қолган деб ўйладик.

Биз таъзим бажо келтириб, космосдан келган олий Хилқат олдида бош эгдик. У орқасига бурилиб, бизларни кемага бошлади. Ҳали космик кемага

[1]Афтидан бу Рампанинг Ёпиқ Водийга иккинчи сафари бўлса керак Чунки у олдин етти киши ҳақида гапирганди. — *Тарж.изоҳи.*

етмасдан туриб тўхтаб қолдик, бирдан бизни алақандай куч ердан кўтариб кетаётганини ҳис қилдик. Оёғимиз ердан узилган, тепага кўтарилардик.

— Ҳа, — деди Кенг Одам бизнинг товушсиз сўровимизга, — бу антигравитацион нур. Биз уни левитатор деб атаймиз. Айни шу левитатор туфайли кўтарилиш учун куч сарфлашга ҳожат қолмайди.

Мундоқ қарасак, аппаратнинг ичидамиз, сўнг ўриндиқли хонага кирдик. Ўриндиқлар девор бўйлаб жойлашган эди. Бу бир думалоқ хона бўлиб, олдинги сайёҳатга борганимиз кеманинг хонасига жуда ўхшаб кетарди. Бу ердан ташқарида нима бўлаётганини бемалол кўрса бўларди. Хонанинг девори йўққа ўхшарди. Лекин девор борлигини, у металлдай маҳкам эканини яхши билардик. Бу металл шу пайттача бизга маълум бўлган ҳар қандай моддадан ҳам мустаҳкам эди.

Қулоқларимизга Кенг Одамнинг овози чалинди:

— Биродарларим. Сизлар ер ўлчови бўйича узоқ вақт саёҳат қилдингиз. Бошингиздан кўп нарсани ўтказдингиз. Ушбу кеча сизларни Ердан олиб кетмоқчимиз ва сизлар Зуҳра деб атайдиган сайёрага элтмоқчимиз.

Биз сизларни у ёққа олиб боришимиздан мақсад Зуҳрадаги ҳаётни ҳам кўриб қўйинглар. Зеро, у ердаги цивилизация Ердагига нисбатан кўп марталаб юқоридир. Зуҳрани кўриб, у ердаги тамаддундан олган илмингиз кейинчалик сиз Ерда ўтказадиган кунларингизни ёритсин деймиз. Лекин, энг аввал овқатланиб олайлик. Ахир, сиз кечки тамаддини қилиш ниятида эдингиз.

У телепатик амр этди. Хонага унинг ёрдамчилари турли тақсимчалар олиб киришди. Улардан бири қандайдир тугмачаларни босди. Хонанинг ўртасидан стол ўсиб чиқди. Унинг теварагида ўриндиқлар жойлашганди. Уларда биз қадимги шарқ одати бўйича ёнбошлашимиз мумкин эди. Табиий, улар европача ўтиришга мўлжалланмаганди. Тақсимчалардаги (улар тоғ биллуридан қилинганга ўхшарди) таомлардан татиб кўрдик. Овқатлар мутлақо ғайриоддий эди. Хилма-хил рангдаги мевалар ва биллур хумчаларда қиём. Соҳибларимиз бизнинг истакларимизга катта эътибор беришибди.

— Биз бу ерда фақат табиат берган нарсалар билангина овқатланамиз, — деди Кенг Одам. — Бунақа меваларни сизлар ерда тополмайсизлар. Улар биз учун нон ва гўшт ўрнини босади. Мана бу қиёмлар бўлса сизларга маъқул бўлиши турган гап: уларнинг таркибида бошқа сайёралардан терилган ёнғоқлар бор.

Дарҳақиқат, қиём бизга жуда ёқди, тўйиб еб олдик. Овқат таъми бизга ғалати туюлса-да, жуда ёқимли экан. Ичимликлар ҳам мева шарбатидан экан. Бу одамлар Тибет аҳолисига қараганда анча олижаноброқ эканлар. Улар ейиш учун жониворларни ўлдирмас, ҳатто сут соғиб олиш ниятида уларни қийнаб ҳам юрмас эканлар.

Тамадди қилиб бўлингач, тақсимчалар олиб кетилди, стол ва ўриндиқлар яна пол узра ғойиб бўлди.

— Ҳозир мен сизлар билан учаман, — деди Кенг Одам. — Ҳозироқ жўнаймиз.

Биз ўгирилиб, девор орқали нигоҳ ташладик. Ҳеч қандай ҳаракатни сезмасдик, бирор овоз ҳам эшитилмасди, лекин биз учаётгандик. Биз борган сари тезроқ кўтарилиб бораётгандик. Пастда Ер қорайганча узоқлашиб борарди. Яна Қуёш кўзга ташланди, у қаердадир уфқда, жуда олисда эди.

Шиддат билан учиб бораркамиз, биз думалоқ Ерни унинг бутун бўй-басти, ранги ва туслари билан кўриб турардик. Уни оппоқ булутлар қуршаб олганди, денгизларнинг кўкишроқ тўлқинлари кўзга ташланиб қоларди. Лекин Инсон қўли билан бунёд этилган бирор нарсани, сайёрамизнинг ҳеч қандай ҳаёт белгисини кўриб бўлмасди. Кейин биз деразамиз ортида нурнинг ғалати ўйинини кўриб қолдик. У худди тўлқинланаётган камалакка ўхшарди. Лекин бу нурланишда ҳарқандай камалакдагидан кўра кўпроқ ранг бор эди. Бу шимол ёғдусининг электр туркуми эди. Худди Ер бутунлай тилларанг, яшил, тўқ қирмизи нурлар билан ўраб олинган-у, бу ёғдуни шамол ҳилпиратиб тургандай кўринарди. Нурлар оқими милтираб кўринар ва камалакдаги барча ранглар билан намоён бўларди. Деразадаги парда худди илоҳлар найзаси билан илма тешик қилиб ташлангандай эди.

Биз зимзиё космоснинг чуқурликларига кириб борардик. Ер бу ердан унча катта бўлмаган думалоқ мевадай кўринар, Ой сарғиш ёғдусига ўхшамаган зангори рангда милтиллаб турарди. Бепоён кенгликларни биз жуда катта тезликда босиб ўтгардик, тепамиздаги юлдузларнинг ранги ҳам ўзгариб борарди. Қуёшнинг тилларранг нурлари қизил туста кирди. Ер сайёраси кўринмай кетди. Ҳайратимизнинг чеки йўқ эди, Зеро, бизнинг пастимизда зулматдан, қора бўшлиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Мен саросимали нигоҳимни Кенг Одамга қададим. Лекин У фақат кулди ва шундай деди:

— Бунинг ҳеч ҳайратланарли жойи йўқ, биродар. Чунки биз ҳозир нурдан тез учаяпмиз. Шунинг учун ҳам бизнинг орқамиздан учиб келаётган ёруғлик бизга етолмаяпти. Бизга қарши келаётган ёруғлик эса ўз спектрини ўзгартираяпти. Шу боисдан сайёралар оқдан қизилга, қизилдан қирмизига айланади, ниҳоят, қора бўлиб қолади. Сен кўриб турган ёруғлик эса, аслида ҳис-туйғу алданишидир.

ЁРУҒДАН ТЕЗ

Бу чиндан ҳам зўр эди — биз тезликни сезмасдан, ёруғликдан ўзиб, учиб борардик! Мен ҳеч тушунолмасдим, шундай тезликда ҳаракат қилиб бўларканми?! Лекин бу ҳаракатни роботлар назорат қилиб боришаётганини айтишди. Биз юз бераётган воқеаларни кузатарканмиз, сеҳрлангандай қотиб турардик. Порлаб турган нуқталар юйиб бўлди, уларнинг ўрнига ранг-баранг тасмалар пайдо бўлди. Гўё қандайдир нўноқ рассом қора деворни турли бўёқларда чизиб ташлагандай.

Лекин, мана, ранглар оддий туста кира бошлашди. Қора ранг қирмизи тусини олди, қирмизи ранг эса, қизил-қўнғир туста кирди, кейин алвон рангга айланди. Кўп ўтмай ёруғ нуқталар яна пайдо бўлди. Орқамиздаги юлдузлар яшил ва зангори, олдимиздагилар эса, қизил ва сариқ бўлиб кўринарди. Ҳаракат тезлиги пасайди ва рўпарамиздаги юлдузлар ўзларининг одатдаги рангини касб этдилар.

Олдимизда каттакон шар пайдо бўлди. У космоснинг зимзиё океанида эринибгина айланарди. Шарни оппоқ булутлар ўраб олган эди. Шу ҳолатда у менга тунги осмонда учаётган қушқўнмаснинг момиқли уруғига ўхшаб кўринди. Биз думалоқ шар афрофида тўрт-беш марта айландик, ниҳоят, Кенг Одам маълум қилди:

— Биз атмосферага киряпмиз. Тез орада қўнамиз ва сизлар учун бутунлай бегона бўлган бир оламда сайр қиласизлар.

Кема оҳиста пасая бошлади. У оппоқ момиқ булутларга аста-секин чўка бошлади. Биз бутунлай булутлар ичра қолдик. Кенг Одам назорат тугмасини босган эди, булутлар сеҳргарнинг қўли билан артиб ташлангандай юйиб бўлди.

Биз чексиз эҳтиром ва қўрқув билан деразадан кўз узмасдик. Худолар жодуси булутларни кўринмайдиган қилиб қўйди ва бизнинг остимизда ялтироқ олам, олий Хилқатлар яшовчи дунё ястаниб ётарди. Кема пасая бошлади ва кўкка бўй чўзган сеҳрли шаҳарлар кўзга ташланди. Ўта енгил ва тиниқ улкан қурилмалар кишини ҳайратга соларди.

Баланд учли гумбазлар, кўприклар билан туташтирилган миноралар, қизил ва кўк, нафармон ва қирмизи ранглар билан қоришиб кетган иморатларни ғалати нур ёритиб турарди. Лекин бу қуёш нури эмасди, зеро, бутун осмонни булут қоплаганди. Биз шаҳарлар устидан учиб борардик ва бу ёғду атмосферанинг ўзидан чиқаётгандек туюлди менга. Бутун осмон нур сочиб турар, бирорта ёруғлик манбаи кўринмас ва соя деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Гўё ҳамма булутдан бир текис, юмшоқ ёруғлик тараларди. Мен аввалари шунақа тоза ёруғлик бўлиши мумкин деб сира тасаввур қилмасдим.

Мана, шаҳарлар тугаб, кўз ўнгимизда зангори рангдаги денгиз пайдо бўлди. Денгизда сузиб юрган бир неча қайиққа кўзим тушди. Шу пайт Кенг Одам менинг нигоҳим йўналишини кўриб, мулойим жилмайди.

— О, бу кемачалар, сайру сафо учун, — деди у. — Биз ушбу сайёрада саёҳат учун бунақа секин юрадиган уловлардан фойдаланмаймиз.

Бир неча дақиқа мобайнида биз океан устидан учиб ўтиб, ялтираб турган шаҳарга яқинлашдик. У биз шу пайттача кўрган барча шаҳарлардан устун эди.

Шаҳар марказида майдон бор экан. Биз бир неча дақиқа майдон устида ярим мил баландликда осилиб турдик-да, худди кимнингдир ишораси билан оҳиста, енгил ва шовқинсиз пасая бошладик. Аста-секин, қарийб сезилмаган бир тарзда сайёра юзаси бизга яқинлашарди.

Ҳадемай, биз бу ажойиб шаҳарнинг энг баланд минораси билан тенглашдик. Бирорта тибетлик бунақанги шаҳарни кўрмаганига аминман. Кўкда юлдузларга тегай деб турган бу уйлар қандай жисмлардан қурилганини биз аниқлай олмадик. Улкан биноларнинг уйларидаги ҳар бир деразадан бизга одамлар қараб туришарли. Пасая туриб, бизлар бу чеҳраларни аниқ кўриб турардик — улар жуда гўзал эди. Қизиқ, биз Зуҳра сайёрасида бўлган пайтимиз мобайнида на жисман, на руҳан бирорта майиб ва мажруҳ ҳилқатни учратмадик.

Жуда юмшоқ қўндик. Кенг Одам бизга мурожат қилди:

— Биродарлар кемани тарк этиш пайти келди. — У шундай деди-да, хонадан чиқиб кетди.

"Ерга" тушиб бўлгач, биз атрофга алангладик. Шу пайтга биз "ерга" қай тарзда кўнишимиз ҳақида бош қотирардик. Энди бўлса бизни кутиб олаётган кишиларни кўриб турардик — шубҳасиз, юқори лавозимли шахслар, улар улуғвор, ўзларини бизнинг серташвиш Еримизда кўрилмаган тарзда мардонавор, дадил тутардилар.

Улардан бири биз томонга бир қадам ташлади-да, бошини эгди. Унинг телепатик фикрлари бизнинг онгимизга оқиб кирди. У фикрлашнинг коинот тилида биз билан саломлашиб, табриклади. Сўзсиз сўзлашув пайтида бирорта овоз эшитилмади. Эшитилган нарса — бизларнинг беихтиёр ҳайратдан отилиб чиққан нафасларимиз эди, холос.

БИЛИМЛАР ХОНАСИ

Бизлар бир неча дақиқа телепатик бирликда туриб қолдик, сўнгра "ғапираётган" одам таъзим қилди-да, телепатик тарзда орқасидан юришимизни таклиф этди.

Биз эллик қадам чамаси юриб, қандайдир ғалати аппарат ёнига келдик. Улар бу аппаратни ҳаво автомобили деб аташаркан. Аппарат ўттиз футга яқин узунликда бўлиб, ердан уч дюйм баландликда турарди. Пластик деворлар сурилди ва биз ичкарига кирдик. Кенг Одам билан бизни таклиф қилган киши ёнма-ён ўтиришди. Ўриндиқлар жуда ўнғай эди. Биз даҳшатли тезликдан яна лол қолдик, лекин ҳаракатни асло сезмасдик. Ёнимиздан ғизиллаб ўтиб бораётган бино ягона чизиққа бирлашди-ю, мен чиндан ҳам жуда қўрқиб кетдим. Машинани ҳеч ким бошқармасди. Кенг Одам менга қараб жилмайди:

— Қўрқма, биродар, — деди у. — Бунинг қўрқадиган ери йўқ. Бу машина узоқдан бошқарилади. Ҳадемай биз керакли ерга етиб борамиз. Бизни Билимлар Хонасида кутиб олишади. У ерда сизнинг Ерингизнинг ўтмишини, ҳозирги куни ва келажагини кўрсатишади. Бу эҳтимолдаги келажак бўлади, биродар. Чунки инсон ўз йўлида давом этади, лекин унинг келажаги жуда ҳам эҳтимолдир. Борди-ю инсон ўзгармаса, унда сизлар Билимлар Хонасида кўрадиган имкониятлар бўлиб ўттан ҳодисаларга айланади.

Мен деразадан қараб, ер устидан олти фут баландликда эканимизни кўрдим. Бизга қараб учиб келаётган машиналар бизни уриб кетадиганга ўхшаб кўринарди. Лекин биз ҳар сафар ўзимизни ўнглаб олишга муваффақ бўлардик. Мен чинакамига қўрқиб кеттандим. Шундай тезликда кетаётган икки аппарат тўқнашиб кетса нима бўлишини тасаввур қилиб, юрагим орқамга тортиб кетди. Бирдан қарасам, бизга қараб шиддат билан келаётган уйларнинг тезлиги камайиб бораяпти. Менга чиндан ҳам биз эмас, балки уйлар ҳаракат қилаётгандек кўринарди, чунки тезлик умуман сезилмасди.

Автомобил тезликни камайтириб, ярим доира айланди-да, майдоннинг чап томонида турган бинога яқинлашди. Кенг нарвон ялтираб турган устунлар оралиғидаги туйнукка олиб чиқарди. Ўша жойда анчагина ёшлар тўпланиб

туришарди, афтидан, улар Тибетдан келган биз, меҳмонларни кўриш ниятида эдилар. Автомобил оҳиста,чопаётган одам тезлигида ҳаракат қилишда давом этарди. У бинога кириладиган жойдаги зина майдончасигача кўтарилди ва асосий йўлакдан ичкари кирди. Аппарат тўхтади ва дарвозабон ён деворларни суриб, бизнинг тушишимизга ёрдамлашди.

Мен сеҳрлангандай теварак-атрофга аланглардим. Бир томонда яшил стол кўтарилиб турарди, унинг атрофига стуллар қўйилганди. Тилла тахтни эслатувчи бу стулларда бир гуруҳ кишилар ўтирарди. Тез орада биз улар билан телепатик алоқага киришдик. Булар Зуҳра сайёрасининг Лордлари бўлиб, ҳар бири фаолиятнинг муайян соҳасига раҳбарлик қилардилар. Мен улар билан бўлган суҳбатимизнинг мазмунини гапириб бериш ниятида эмасман. Фақат шуни эслатмоқчиманки, суҳбатимиз охирида ўша кишилардан бири бизларга фикран шундай деди:

— Энди бўлса, менинг биродарларим, бизлар бир-бирларимиз ҳақида шунча маълумотга эга бўлганимиздан кейин биз сизларга ўз дунёмизни кўрсатамиз, сайёрамизнинг бугунги ҳолати билан таништирамиз ва келажакда сизнинг дунёнгизни нималар кутаётгани ҳақида гапириб берамиз.

Биз ўрнимиздан турдик, биздан кейин қолганлар ҳам туришди. Улар бизларни бинонинг кенг йўлаги бўйлаб бошлаб боришди. Бизлар, Тибетдан келган кишилар, бирдан ҳаммамиз бараварига ҳайратдан қотиб қолдик. Кўз ўнгимизда тун зулмати — космоснинг абсолют қоронғулиги. Ана шу зулмат ичра бизнинг Еримиз эринибгина айланиб, учиб юрибди. Ундаги қитъалар жигарранг ва яшил тусларда, булутлар оппоқ, ер атмосфераси кўкишроқ, ер қуррасини ўраган ҳолда кўзга ташланарди.

Бизнинг қадрдон дўстимиз Кенг Одам менинг қулоғимга тибетликлар тилида аста шивирлади:

— Қўрқма, биродар. Бунинг бор-йўғи ўхшашлик, холос. Сен ҳозир хотиралар хонаси — Билимлар Хонасида турибсан. Бу ерда Ер ҳақидаги барча маълумотлар сақланади. Ҳеч нарсадан қўрқма, зеро, сен бу ерда кўрганларинг фан яратган иллюзия — сохта тасаввур; ва бу дунё хаёлий, холос. Энди эса, яхшилаб қара, сен нимани кўрсанг, ўша ҳақиқатга айланади.

Биз ўтирдик, афтидан, бу бир ишора эди. Шунда қулаётганимизни ҳис этдик, лекин бу жуда секин қулаш эди. Биз Ерга яқинлаша бошладик, аммо энди у бошқа Ер эди. Аввалига у эритилган шар бўлиб кўринди, кейин қота бошлади, унинг сатҳида ёриқлар пайдо бўлди. Ёриқлардан олов чиқа бошлади. Сўнгра сув пайдо бўлди ва шарнинг юзасини қоплади.

Қуруқлик сувнинг тагида қолди. Кейин бошқа жойларда янги қуруқликлар кўринди, қитъалар ва денгизлар шаклланди. Биз янги туғилаётган Ернинг талвасасини кўрдик. Ғалати, ажабтовур кишилар — Ернинг илк одамлари кўзга ташланди. Биз Посейдония, Лемурия, Атлантидани кўрдик.

Биз Посейдония, Лемурия ва Атлантидадан кўп минг йиллар олдин пайдо бўлган қудратли тамаддунларнинг гуллаб-яшнашининг гувоҳи бўлдик. Аммо ҳозир бизлар ушбу мўъжизалар ҳақида хабар топарканмиз, ажабланмасдик ҳам. Биз бунақанги ажойиботу мўъжизаларни шу қадар кўп кўрдикки, энди нима ҳам ажаблантирарди? Ер ёйдан отилган ўққа ўхшайди, Ер юзасидан баъзи халқлар йўқ бўлиб кетар, уларнинг ўрнига бошқалари пайдо бўларди. Буларнинг ҳаммаси бизларда қизиқиш уйғотарди, холос. Биз ўзимизнинг ҳайратланиш қобилиятимизни ишлатиб бўлдик. Мана, ниҳоят, бизнинг давримиз бошланди.

Биз Тибетни кўрдик, бу динимиз асосчиси мамлакатимизда илк бор пайдо бўлган пайтлар эди.

Кўз ўнгимизда Патала биноси пайдо бўлди ва биз қадимий қалъалар қулашининг гувоҳи бўлдик. Бу қалъалар Тибетнинг қонхўр ҳукмдори тахтга ўтиришидан анча олдин қурилган эди. Биз юртимизнинг ҳозирги куни билан танишдик ва ундан келажакка — 3000 йилга ўтдик. Биз ғайриоддий нарсаларни кўрдик ва эшитдик. Бизлар гўё ерда асосий воқеаларда иштирок этаётган шахслар билан ёнма-ён ёки бироз орқароқда тургандек эдик. Биз ҳаммасини кўрдик, ҳаммасини эшитдик, лекин ҳеч нарсага қўл теккиза олмадик бизларга ҳам ҳеч ким қўл теккиза олмади. Аммо, мана, дийдорлашув ҳам тугади.

Кенг Одам бизлар томон ўгирилди-да, деди:

— Мана, бизлар Ерни нима учун қўриқлаётганимизни кўрдинглар. Биродарлар, агар одамлар телбалигига кимдир чек қўймаса, даҳшатли воқеалар юз бериши мумкин. Ерда шундай кучлар бор, улар инсонлар кучидир. Улар бизнинг кемаларимиз ҳақида ўйлашни ҳам истамайдилар. Бу одамлар Ерда инсониятдан қуратлироқ куч йўқ, деб ҳисоблайди, Шундай экан, бошқа дунёлардан ҳеч қандай кемалар келолмайдилар, деб ўйлашади. Сизлар бўлсангиз, азиз биродарларим, энди кўп нарсани билиб олдингизлар. Кўп нарсани кўриб даҳшатга тушдингизлар. Телепатия санъатидан хабардор бўлганингиз учун бошқалар билан муомала қила оласизлар. Шу тариқа ўз биродарларингизга таъсир ўтказа оласизлар...

Мен бу сайёрада қанча вақт бўлганимизни айта олмайман. Эҳтимол, бир неча кун, балки бир неча ҳафта бўлгандирмиз. Биз бу ерда кўрган ажойиботлардан лолу ҳайрон эдик. Бу сайёра аҳолиси — тинч, хайрихоҳ кишилар. Улар бизга — тибетликларга фақат тинчликни раво кўрадилар, биз ҳам худди шуни исташимиз жоиз бўлади. Ва ниҳоят, бизнинг Ерга қайтадиган пайтимиз бўлди. Ҳа, ажойиб Зуҳра олдида кўзимизга хира бўлиб кўринган Ерга қайтишимиз керак эди. Гамгин бир кайфиятда космик кемага чиқдик ва андуҳ билан Ёпиқ Водийга қайтдик. Бундай ажойиб мўъжизаларни энди ҳеч қачон кўрмасам керак, деб ўйладим мен. Бироқ янглишган эдим — бундай саёҳатларда мен яна кўп марта бўлдим.

Тамом.

Русчадан
Ҳулкар ВАЛИЖОНОВА
таржимаси.

Хитой халқ мақоллари

Далага уруғ сепиб, ҳамма нарсани тақдир зиммасига юклаб қўйма.

Бир қарич чуқурликда ҳайдалган ер
фақат беш кун қурғоқчиликка дош беради.

Болага таом, илдизга ўғит керак.

Бир хирмон ғалла бир уюм тилладан аъло.

Уруғни танламасанг, ҳосил ололмайсан.

Болага она, далага мироб керак.

Ариғини тозаламаган даласидан айрилар.

Баҳорги ёмғир ёғдай азиз.

Қишда қор кўп бўлса, ҳосилга барака.

Ошқовоқ сувни, тарвуз қуёшни ёқтиради.

Гул эккандан тол эккан яхши.

Совуққотмай десанг, пахта эк.

Эрта эксанг, эрта ўрасан.

Илдиз эгри бўлса, экин қийшиқ ўсади.

Каноп эксанг, каноп ўрасан, ловия эксанг, ловия ўрасан.

Қармоқдан тушиб кетган балиқ ҳамиша икки қулоч бўлади.

Сувсиз жойда балиқ урчитиб бўлмайди.

Тиниқ сувда катта балиқ бўлмайди.

Аҳил оила ерни олтинга айлантиради.

Дарахт катта бўлса, мева беради, инсон улғайса, оила қуради.

Қоқиладиган от аравани синдирар,
Саёқ хотин оилани бузар.

Қариндошникига кўп югургунча, полизингга кўпроқ қара.

Булутсиз ёмғир бўлмас, совчисиз тўй бўлмас.

Бўйдоқнинг тўйгани – бутун оиланинг тўйгани.

Кекса одам – оиланинг хазинаси.

Сен бировни уйингга чорламасанг, сени ҳам ҳеч ким уйига чақирмайди.

Остонадан ўтган одам – меҳмон.

Меҳмонга сўраб бергунча, уриб бер.

Пишган қовоқ бандидан ўзи узилади.

Бир дарахтда ҳам ширин, ҳам нордон мевалар бўлганидек,
бир онадан ёмон бола ҳам, яхши бола ҳам туғилиши мумкин.

Қарға боласини "оппоғим" дейди.

Уйинг бўлса совуқ қотмайсан, ўғлинг бўлса, муҳтожлик кўрмайсан.

Давлатинг бўлмаса ҳам, фарзандинг бўлсин.

Дурадгорнинг ўғли рандалашни билади.

Отаси ер ҳайдашни билмаса, ўғли экин экишни билмайди.

Қўтосни бурнига қараб, қиз болани онасига қараб танлайдилар.

Яхши кўрсанг, маймун ҳам чиройлик, ёмон кўрсанг нилуфар ҳам хунук.

Дўстни бир йилда ҳам тополмайсан,
аммо бир соатда йўқотиб қўйишинг мумкин.

Ҳақиқий дўст – чинакам хазина.

Нуқсонсиз дўст бўлмайди.

Нуқсонсиз дўст излаган дўстсиз қолади.

От олсанг, тишига қараб ол, дўст олсанг юрагига қара.

Дўстликнинг асоси – бир-бирига ишончдир.

Ғаразга қурилган дўстлик мўрт бўлади.

Либоснинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши.

Оламда олтин кўп, ҳақиқий дўст кам.

Яқин қўшнинг билан уришма.

Ҳисобли дўст айрилмас.

Ақл – ёшда эмас, бошда.

Тўғри одамнинг дўсти кўп бўлади.

Яхши отнинг ишқибози кўп, яхши одамнинг дўсти кўп.

Хасиснинг дўсти бўлмайди.

Яхши қўшни – олтинга баробар.

Ҳовли олма, қўшни ол.

Яқин қўшни узоқ қариндошдан яхши.

Ўлик император бўлгандан кўра тирик қашшоқ бўлган яхши.

Дардга даво бор, ажалга даво йўқ.

Қариликдан кўрқма, қалбинг қаришидан кўрқ.

Қаридан кулма, ўзинг ҳам қарийсан.

Йўллар мингта, ҳақиқат – битта.

Ҳақиқатни топиш қийин эмас, унга амал қилиш қийин.

Кўз ҳақиқатни кўради, қулоқ ёлғонни эшитади.

Бақирган одам ҳақ бўлавермайди.

Битта яхши тажриба етти насиҳатдан яхши.

Йўлни йўл юрган билади.

Одамларнинг гапини тингла-ю, қилган ишларига қара.

Берган ваъдага бир марта вафо қилмагандан кўра, юз марта рад жавобини берган яхши.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши.

Сувини ичаётганингда, булоғи эсингда турсин.

Тузни аясанг, қайлани бузасан.

Камонни таранг тортсанг, ўқи узоққа кетади.

Отни парвариш қилмаган одам сувори бўлолмайди.

Ҳатто чапдаст чавандоз ҳам отдан йиқилиши мумкинлигини унутмаслиги керак.

Дам олишни билмаган яхши ишлашни ҳам билмайди.

Сийқа гапларни гапирма – қуёш ғарбга ботиши ҳаммага маълум.

Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.

Вақт – пулдир.

Йўқолган олтинни топса бўлади, йўқолган вақтни топиб бўлмайди.

Ёшликда вақтни беҳуда ўтказма, қариганда асқотади.

Эртанги кун ҳарчанд яхши бўлмасин, у кечаги кунни қайтара олмайди.

Ҳар ишни вақтида қилган одамнинг бир куни уч кунга татийди.

Ҳар қайси авлод ўзидан кейинги авлодга йўл очади.

Аждодлар дарахт ўтказади, авлодлар уларнинг соясида ўтиради.

Юз йиллаб барпо этилган нарсани бир соатда барбод қилса бўлади.

Бўш қоп тик турмас. Семирган товуқ тухум қилмас.

Бахтнинг кўпи одамларга ортиқчалик қилмайди.
Илмнинг кўпи олимга юк бўлмайди.

Фақат тиниқ сув чиройликдир.

Бир челак ёш тўксанг ҳам кўкарган жойингга шифо бўлмас.

Ҳар қандай олтинга яраша тарози топилади.

Фарзанд кўрмасанг, тўшакни айблама.

Шамчироқ зулматда қадрли.

Аччиқ дори дардга даво, ширинлик тишнинг заволи.

Тирмашиб чиққан тоғинг бошқаларидан баландроқ кўринади.

Эҳромга яқин турган одам худолардан ҳам кула олади.

От минган пиёданинг азобларидан бехабар.

Кемачи кўп бўлса, кема ғарқ бўлади.

Чўпон кўп бўлса, пода харом ўлади.

Деҳқон ёмғирни қўмсар, сайёҳ – очиқ ҳавони.

Денгизни кўрган одамга сувдан гапирма.

Иккита хонадон ўртасидаги қайиқнинг таги ҳамиша тешик бўлади.

Ичкиликни ташламоқчи бўлсанг, мастнинг аҳволига қара.

Шароб бор жойдан донолик қочади.

Дарё бўйида сув сотма.

Яхши асалари сўлиган гулга қўнмайди.

Жангари от жанг суронини ёқтиради.

Отнинг яхшиси йўлда билинади.

Яхши йўрғага яхши чавандоз керак.

Ҳатто яхши отга ҳам иккита эгар ўрнатиб бўлмайди.

От олсанг, зотига қараб ол.

Кийикбошли от бўлмас.

Йўлбарс изидан қайтмас.

Кичкина бузоқ йўлбарсдан қўрқмайди.

Қўтос сув ичгиси келмаса, унинг бўйнини эгиб бўлмас.

Қўтос қуённи қувиб етолмас.

Қари йўлбарснинг ҳам териси тарғил бўлади.

Итнинг оғзидан дур чиқмайди.

Бўйнидан бойланган ит овга ярамас.

Бир қўйнинг кетидан бутун сурув юради.

Қирчанғи ҳамиша отхонани ўйлайди.

Далада бўри кўпайса, дастурхонда гўшт камаяди.

Дарёда сув кўп бўлса, қудуқлар ҳам қуримайди.

Сувни тўкиб юбориш осон, лекин йиғиб олиш қийин.

Узоқдаги сув чанқоқни қондирмайди.

Беш қўл баравар бўлмайди.

Шамол олдин баланд дарахтни эгади.

Битта чироқ икки уйни ёритолмайди.

Подага қараб отганингда ҳам, мўлжални тўғри олмасанг, ўқинг хато кетиши мумкин.

Қозонда бори чўмичга чиқади.

Ўзинг оч қолсанг ҳам, молингни тўйғаз.

Тухум ҳали жўжа эмас.

Кўзини юмиб, қалдирғочни тутаман деган одам ўзини-ўзи алдайди.

Эртаклар ҳеч қачон ёш ҳам бўлмайди, қаримайди ҳам.

Қуруқ бармоққа туз ёпишмайди.

Тугамайдиган байрам бўлмайди.

Арзон нарсалар қиммат эмас, қиммат нарсалар арзон эмас.

Дарахт кўкармасдан туролмаганидек, шоир ҳам ёзмасдан туролмайди.

АЗИЗХОН таржималари.

Тарихий романлар ўқисак...

Ҳурматли таҳририят!

Мен "Жаҳон адабиёти" журналига 1997 йилдан буён обуна бўлиб, қизиқиш билан ўқийман. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутиб, ҳатто таҳририятга телефон қилган кунларим бўлган. Журнални афзаллиги шундаки, унда босилаётган ҳикоя ва романларни ҳеч бир китоб дўконларидан топиб бўлмайди. Айниқса, чекка туман ва вилоятларда.

Шунинг учун келгусида журналда тарихий романлар, Рим империяси тарихи, айниқса, қўшни Туркия султонлари тарихи ҳақидаги романлардан кўпроқ чоп этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки тарихий китобларни ўқишни орзу қиламан, лекин бундай китобларни топишнинг ҳеч иложи йўқ.

Сизларга ҳурмат билан мухлисингиз:

Ҳамдамжон ИМОМОВ.

Фарғона вилояти, Қува шаҳри.

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ" ЖУРНАЛИДА 2004 ЙИЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АСАРЛАР

НАСР

Ф.НИТШЕ (Германия). **Зардўшт таваллоси.** *Насрий достон.*
Русчадан И.Ғафуров таржимаси. № 1-2-3-4
М.ГОРЬКИЙ (Россия). **Егор Буличов ва бошқалар.** *Драма.*
Русчадан Чўлпон таржимаси. №1
В.ЗОЛОТУХА (Россия). **Сўнгги коммунист**. *Қисса.*
Русчадан Ф.Шоҳисмоил таржимаси. №1-2
ЭДГАР ПО (АҚШ). **Морг кўчасидаги қотиллик.** *Ҳикоя.*
Русчадан Р.Иброҳимова таржимаси. №1
Р.ШЕКЛИ (АҚШ). **Ҳикоялар.** Русчадан Р.Обид таржимаси. №2
П.КОЭЛЬО (Бразилия). **Бешинчи тоғ.** *Роман.*
Русчадан О.Шарафиддинов таржимаси. № 3-4
ЧЕСТЕРФИЛД (Англия). **Фарзандга мактублар.** *Нома.*
Русчадан Қ.Носиров таржимаси. №3
Ж.ФИЛИПС (АҚШ). **Қиғир йўлдан.** *Роман.*
Русчадан Қ.Мирмуҳамедов таржимаси. № 3-4
И.ТУРГЕНЕВ (Россия). **Аблаҳ.** *Ёзувчи қайдлари.*
Русчадан М.Парпиҳўжаев таржимаси. №3
РАДЕК ЙОН (Чехия). **Олтин игна.** *Роман.*
Русчадан Н.Жўраева, А.Файзулла таржимаси. № 5-6
Миср ҳикоялари. Русчадан О.Шарафиддинов таржимаси. №5
В.ВАСИЛЬЕВ (Россия). **Таль тилсимоти**. *Қисса.*
Русчадан А.Мўмин таржимаси. № 5-6
Д. ИКЭДА (Япония). **Менинг Буддам**. *Эссе.*
Русчадан О.Шарафиддинов таржимаси. №6-7
И.ШОУ (АҚШ). **Бой ва камбағал.** *Роман.*
Русчадан А.Файзулла таржимаси. №7-8-9
ПУ СУНГМИНГ (Хитой). **Хитой новеллалари.**
Хитойчадан Ж.Зиямуҳамедов таржимаси. №7
ПЬЕР БУЛЬ (Франция). **Маймунлар сайёраси.** *Роман.*
Русчадан Р.Иноғомов таржимаси. № 7-8
Ҳ.М.БУҚРИЙ (Саудия Арабистони). **Сафо айвони.** *Роман.*
Арабчадан М.Сайдумаров таржимаси. №8-9
И.ОКОЙЕ (Нигерия). **Қулоғи йўқлар.** *Роман.*
Русчадан Қ.Мирмуҳамедов таржимаси. №10-12
М.АЛИ. **Абадий соғинчлар.** *Эсседан боблар.* №10
М.Иброҳимов (Озарбайжон). **Гулабатин**. *Қисса.*
Озарбайжончадан Ф.Шоҳисмоил таржимаси. №10
У.КОЛЛИНЗ (Англия). **Ойтош.** *Роман.*
Русчадан О.Шарафиддинов таржимаси. №9-10-11-12
Х.ДЎСТМУҲАММАД. **Ал-Аъроф.** *Драма.* №11
Л.РАМПА (Тибет). **Зуҳрага ташриф.** *Фантастика.*
Русчадан Ҳ.Валижонова таржимаси. №12

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ТЎҚТАҒУЛ (Қирғизистон). **Она халқим, омон бўл!**
Қирғизчадан Ш.Раҳмон таржимаси. №1
Л.ШЕРАЛИ (Тожикистон). **Рубоийлар.** Тожикчадан Назармат таржимаси. №1

Н.ЎРАЗАЛИН (Қозоғистон). **Ўзингсан бу дунёда суянганим.**
Қозоқчадан М.Мирзо таржимаси. №2
ФОНИЙ. **Рубоийлар**. Форсчадан Э.Очилов таржимаси. №2
Қизлар дафтаридан. *Шеърлар.* №3
К.БЕЧАЙН (Ҳиндистон). **Газаллар.** Ҳиндчадан А.Файзулла таржимаси. №3
Г.Э.ЛЕССИНГ (Германия). **Донишманд Натан.** *Драматик поэма.*
Русчадан М.Мирзо таржимаси. №4-5
Э.ВОҲИДОВ. **Кўнгил халқ қайғусидан пора-пора.** №6
А.Т.СОҒУНИЙ. **Шеърлар.** №6
ЖАК ПРЕВЕР (Франция). **Баҳор байрамлари.**
Русчадан Ш.Қурбон таржимаси. №6
М.ВОЛОШИН (Россия). **Олис кунлар дунёси.**
Русчадан О.Суюндикова таржимаси. №7
Япон танкалари – Ҳаёт қўшиғи. Русчадан Ф.Шоҳисмоил таржимаси. №7
А.БЛОК (Россия). **Жаранглайди менинг шеърларим.**
Русчадан Дилором таржимаси. №8
Қадимги Хитой шеърияти. Русчадан Турсун Али таржимаси. №8
С.ВАЛЬЕХО (Перу). **Дунё тор қафас.** Русчадан А.Пардаев таржимаси. №9
АЗИЗИЙ (Хитой. Шинжонг). **Ибодатга айланди фироқ.**
Уйғурчадан Ҳ.Фикрат таржимаси. №9
Ҳ.ШЕРОЗИЙ (Эрон). **Рубоийлар.** Русчадан О.Эркин таржимаси. №10
УЛОВ ХАУГЕ (Норвегия). **Ҳали умид бор.** Русчадан М.Аъзам таржимаси. №10
Турк постмодерн шеърияти. Туркчадан С.Шермурод таржимаси. №11
М.ЭМИНЕСКУ (Руминия). **Ишқни тўсди тун қоронғуси.**
Русчадан А.Абдураззоқ таржимаси. №12

ПУБЛИЦИСТИКА

З.БЖЕЗИНСКИЙ (АҚШ). **Буюк шахмат тахтаси.**
Русчадан О.Шарафиддинов таржимаси. №1-2
М.ҚЎШЖОНОВ. **Армон.** *Хотиралар.* №2
О.ЛАРИН (Россия). **Абрамов қаҳрамонларини эслайсизми?**
Русчадан Р.Иноғомов таржимаси. №5
М.МИРЗО. **Мен нечун севаман Ўзбекистонни.** №9
Ғ.ХОТАМОВ. **Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари.** №9
В.ПЕСКОВ, Г.СТРЕЛЬНИКОВ. (Россия). **Колумбнинг тошгани.**
Русчадан Р.Иноғомов таржимаси. №11
Л.МЛЕНИН (Россия). **Ю.В.Андропов.**
Русчадан О.Шарафиддинов таржимаси. №12

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

И.МИРЗАЕВ. **Буюк маслак соҳиби**. №10
Д.ЖУМАНИЁЗОВА. **Бобур ва Хожа Аҳрор**. №10
Н.КАРИМОВ. **Ойбек чўққиси.** №12
Р.ИБРОҲИМОВА. **У яшашда давом этмоқда.** №12
О.САФАРОВ. **Ойбекнинг болалик олами.** №12

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Е.КНЯЗЕВА, А.ТУРОБОВ (Россия). **Табиат тўғрисида ягона фан.**
Русчадан А.Пардаев таржимаси. №1
О.ХАКСЛИ (Англия). **Санъатда самимийлик.**
Русчадан М.Қаршибой таржимаси. №5
М.БЕРГ (Россия). **Адабий ютуқнинг истиқболли йўллари.**
Русчадан Б.Исабек таржимаси. №5

О.МАТЁҚУБОВ. **Тэд Левин.** №6
Ҳ.АКБАРОВ. **Қувонч ва ташвишлар.** №9

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Ш.ЮСУПОВ. **Орол муаммосининг ечими борми?** №4

НАВОИЙХОНЛИК

Р.ПИЙЧ. **Навоийга оид битиклар.** №2
А.АБДУЛЛАЕВ. **Навоий асарларида Жомий тимсоли**. №2
А.АЪЗАМОВ. **Назмнинг еттинчи осмони.** №2

АДАБИЙ ТАНҚИД

Н.АБДУЛҲАКИМ. **Ҳижрон сели узра солинган кўприк.** №1
М.ШАРАФИДДИНОВА. **Театр романи ёхуд ўлимдан кейинги ҳаёт.** №3
П.МИРЗААҲМЕДОВА. **Давримиз алломаси.** №3
С.ЛЬЮИС (АҚШ). **Америкаликларнинг адабиётдан қўрқуви.**
Русчадан Қ.Дўстмуҳаммад таржимаси. №5
С.МИРЗАЕВА. **Эпоснинг янги босқичи.** №5
А.РАСУЛОВ. **Нурли нигоҳ.** №6
Ҳ.СОДИҚОВА. **Портретларда ёзувчи қиёфаси.** №8
У. ТЎЛАГАНОВА. **Ритм – асар жозибаси.** №9
Ю.КАРИМОВА. **Эрк ва бурч диалектикаси.** №11
З.МАҲМУДОВА. **Ҳеч қачон ечилмайдиган жумбоқ.** №12

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

С.САИДОВ, Х.САИДОВ. **Ўзбекистон Германия қомусларида.** №7

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Б. ЭШОВ. **Давлатчилик тарихи зарварақларида.** №1
Р.ШАМСУТДИНОВ, П.ИСРОИЛОВ. **Чин ўзбек иши ҳақида чин тадқиқот.** №2
У.ДОЛИМОВ. **Буюк истиқлолчи.** №3
Ҳ.БОЛТАБОЕВ. **Туркий тамаддун ибтидоси.** №3
Ф.ЭРГАШЕВ. **Башарият маданиятининг қўҳна ўчоғи.** №4
М.ҲАЙДАРОВ. **Тараққиётимизнинг маънавий асослари.** №5
Б.ҚОСИМОВ. **Чўлпон ҳақида роман.** №6
М.АЛИ. **Тарих сабоқлари.** №7
Қ.РАЖАБОВ, А.ОТАХЎЖАЕВ. **Қадимги Туркистон тарихидан лавҳалар.** №11
Ш.ҲАЙИТОВ, Н. МАМАНАЗАРОВ. **Истиқлолга бахшида умрлар.** №12

СЎЗ КЎРКИ

Хитой халқ мақоллари. Русчадан Азизхон таржимаси. №8-10-12

ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Х.ДЎСТМУҲАММАД. **Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси**. №2
У ҚОСИМОВ, М.ЖЎРАЕВ. **Истиқлол туҳфаси.** №2
Ҳ.ИМОМОВ. **Тарихий романлар ўқисак.** № 12

АЗИЗ ЖУРНАЛХОН!

“Жаҳон адабиёти” журналида 2005 йилда эълон қилинадиган асарлар рўйхатини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

НОДАР ЖИН (Грузия). **Устоз ёки Иосиф баён қилган Инжил.** (И.Сталин ҳақида) *Роман.*
ЯВУЗ БАҲОДИРЎҒЛИ (Туркия). **Алвидо, Хоразм.** *Роман.*
СОМЕРСЕТ МОЭМ (Англия). **Ой ва сариқ чақа**. *Роман.*
ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР (Англия). **Ёз туни ғаройиботлари**. *Комедия.*
ТАРИҚ БУҒРА (Туркия). **Усмон Ғозихон**. *Тарихий роман.*
ИВАН БУКАВЧАН (Чехия). **Қотил юраги**. *Пьеса.*
ЖОРЖ СИМЕНОН (Франция). **Мегрэ ва арвоҳ.** *Қисса.*
АМИН МААЛУФ (Франция). **“Самарқанд”.** *Роман.*
КЕН КИЗИ (АҚШ). **Какку уясида**. *Роман.*
СУЛТОН ҲОШИМ (Хитой). **Илонли қўриқ.** *Фантастика.*

Булардан ташқари Ғарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

Муҳтарам муштарийлар!

“Жаҳон адабиёти” журналига обуна бўлишни унутманг!

Индекс:
Якка тартибда — 828.
Ташкилотлар учун — 829.

Хоҳловчилар “Жаҳон адабиёти” журналининг ўтган сонларини таҳририятдан харид қилишлари мумкин.